

Ӧтиб кетди деманглар,
Эслаганда тирикмиз.
Яхши-ёмон кунларда,
Мададкормиз-шерикмиз.

Вужудимиз тупроқдир,
Гул руҳимиз ҳавода.
Бизни эслаганларнинг,
Умри бўлсин зиёда.

Агар ўлсам, мени асло қаро түпрөкдан ахтарманыг,
Жарман ажлы ориф күнглини мангу макон айлаб ..

Жалолиддин РУМСИЙ

Бу гулман ичра йүкдир бако гулуга сабот,
Аякаб саодат эрүр қолса яхшилик ила от.

Алишер НАЗОИЙ

Мұхаббат АТО

***Сұнмас
юлдузлар***



**Тошкент
«Tafakkur Qanoti»
2010**

Муаллиф ва тўпловчи

Муҳаббат АТО

Масъул муҳаррир

Шойим БЎТАЕВ

**Ушбу хотираларни тўплаб, нашрга тайёрлашда
бизга ёрдам берган барча инсонларга ўз миннатдорчилигимизни
 билдирамиз.**

Сўнмас юлдузлар. /Муаллиф ва тўпловчи: Муҳаббат АТО. — Т.: «ТАФАККUR QANOTI», 2010. — 480 б.

«Умрлар бўладики, тиригига ўлиқидир, умрлар бўладики, ўлигида тирик-дир», деган эди донишманд шоирларимиздан бири.

Ушбу китобдан ана шундай мангу барҳаёт инсонлар ҳақидаги хотиралар, асарларидан намуналар, қайдлар жой олган. Ўйлаймизки, бундай инсонларнинг ёрқин хотираси билан яшамоқ ҳам ўзликни англағанларнинг ҳаётини безашга арзиди.

ISBN 978-9943-382-00-8

© «Tafakkur Qanoti», 2010.

СҮЗБОШИ ЎРНИДА

Улуғ шоир Умар Хайём инсон умргузаронлик қиласиган дунёни икки эшикли кўхна работга менгзиб, вақтингачалик бу манзилда ҳар куни ҳар хил қавм яшайди, деган эди.

Дарҳақиқат, шундай.

Ҳар бир қавмнинг ўз даврида дунёқараси шаклланиб, ўзидан кейинги авлодларга маълум тажрибаларни қолдира боради. Инсоният ҳаёти ана шу вобасталик туфайли мустаҳкам ва абадийдир. Агар, инсон ўзининг ўтмишига бот-бот назар ташлаб, ота-боболари, яқинлари қандай ўй-хаёллару фикрлар билан яшаганини билишга қизиқмаса, бошига тута териси қопланган манқуртдан фарқи қолмайди. Бизнинг ёнимизда яшаб, бир ҳаводан нафас олиб, элу юрт учун ибратли ишлар қилиб кетганлар доимо руҳимизни эзгуликлар ва яхшиликлар сари чорлаб туришади. Улардан баъзиларининг номлари машҳур бўлса, баъзиларини бирор билиб, бирор билмаслиги мумкин — бироқ барчасини эзгулик йўлида қалб қўрини сарфлаб, муносиб яшаб ўтганликлари муштарак боғлаб туради.

Ўз умри давомида яхшилик қилиб, эзгуликлар яратиб яшаган инсонлар ўзидан сўнг номини мангуга муҳрлаб кетади. Бундай фидойилар руҳи олдида ёруғ оламда нафас олиб яшаётганлар ҳамиша қарздор бўлиб қолаверади.

Ҳар гал ижодий гуруҳимиз билан марҳум инсонларнинг хонадонларига кириб борар эканман, қалбим ҳали ўзим англаб етолмаган туйгуларга тўлиб тошади.

Баъзида жимгина ёш тўксам, баъзида кўксим фаҳрларга лиммолим бўлади.

Марҳумлардан қолган мерослар...

Кутубхоналар...

Сиёҳи қуrimаган асарлар...

Охирига етмаган роллар...

Айтилмай қолган қўшиқлар...

Э-ҳе...

Нима бўлганда ҳам бу бизнинг миллиатимиз илдизлари ва сўнмас юлдузлари. Бу меросни қандай бўлса шундайлигича ёш авлодга етказиш сизу бизнинг зиммамизда. Уларни унугтишга асло ҳаққимиз йўқ.

Анчадан бери ушбу китобни нашр этиш орзусида, кимдир бир куни уни албатта ёдга олиб, келинг, мен сизга ёрдам бераман, дейишига ишониб юрардим.

Кунлардан бир куни мен чуқур ҳурмат қиласидиган ёзувчи Шойим Бўтаев:

— Муҳаббатхон, Сиз қилиб юрган савобли ишларингизнинг матнини йифиб бир китоб қилинг, оғзаки айтилгани ҳавога кетади, ёзилгани қолади, — деб қолдилар.

Мен бир қоп олтин топиб олган одамдай қувониб кетдим.

Шойим акага, бир маҳаллар «Эрта сўнгган юлдузлар» китобини тайёрлаш чоғида ҳам далда берганликларини эслатиб:

— Бу китобни тайёрлашда ўзингиз бош-қош бўлсангиз, — деб илтимос қилдим.


Шу тариқа иш бошладик.

Китоб тайёрлаш жараёни анча-мунча қийинчиликлар билан кечган бўлса-да, муҳтарам китобхонлар билан ёруғ юз-ла бақамти келиш кўнглимизга таскин-тасалли бериб турарди.

Ўтганлар ёди ҳам бизни қўллаб-куватлаётганини ҳамиша ҳис этиб турдик.

Уларнинг охиратлари обод бўлсин!

Муҳаббат АТО



САИД АҲМАД

*(Сайдахмад
Хусанхўжаев)*

(1920–2008)

Сайд Аҳмад адабиётимизга катта ниятлар билан кириб келган ва ўз меҳр-муҳаббати тушган соҳада жасорат ва матонат билан ижодий меҳнат қилиб, китобхонлар эътиборига сазовор бўлган санъаткор ёзувчидир. Адабнинг ҳикояларидан биридаги ушбу сатрларни бемалол унинг ўзига нисбатан айтиш мумкин: «Муҳаббат шундай қудратли бир кучки, кимнинг қалбига йўл топган бўлса, уни ҳам ўз йўлига бошлиайди».

ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ

«Ёзувчи халқнинг дилидаги гапни айтиши керак. Лекин одамнинг дилидаги гапни ҳар хил айтиш мумкин. Одамларнинг кўнглидаги фикрларни шеър билан ҳам, мақол билан ҳам айтса бўлаверади. Бу соҳада ёзувчининг иши қийинроқ. Ёзувчи халқнинг дилидаги гапни унинг дидига мослаб айтмоғи керак. Яъни китобхон ёки томошабин ёзувчидан бир нима ўргансину қандай қилиб ўрганганини ўзи билмай қолсин. Бунинг учун ёзувчи китобхон ёки томошабинга ўзи сингдирмоқчи бўлган фикрни турли ранглар билан, туйфулар билан етказиб бериши керак. Ёзувчи, аввало, одамларнинг қалбига таъсир қилиши, қалби орқали онгига таъсир қилиши керак. Шундагина китобхон ўша ёзувчининг асарларини беихтиёр яхши кўриб қолади. Ўша асар қаҳрамонларига қўшилиб кулади, қаҳрамонларининг дардига шерик бўлиб ташвиш чекади, ҳаяжонланади», — деган эди Сайд Аҳмад ёзувчининг масъулияти ҳақида.



Адибнинг бу фикрлари, аввало, санъаткорнинг ўзига тўла тааллуқдир. Чунки Said Аҳмад халқнинг дилидаги гапни топаётган, буни унинг дидига мослаб айттаётган, унинг ақли ва қалбига таъсир кўрсатаётган, бу орқали китобхон ва томошабин камолотига кўмаклашаётган, яратган образлари ўкувчиларнинг севимли қаҳрамонларига айланаётган севимли ёзувчиларимиздандир. Унинг асарлари кўп минг нусхаларда қайта-қайта нашр этилаётганлиги, турли халқларнинг тилларига таржима қилинаётганлиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлганлиги фикримизнинг далили. Said Аҳмад бу обрў-хурматга осонликча эришгани йўқ, у мураккаб йўлни босиб ўтди.

Said Аҳмад (Саидаҳмад Ҳуссанхўжаев) 1920 йил 10 июнда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Онаси Зулфия опа анча ўқимишли аёл бўлиб, Навоий, Фузулий, Ҳувайдо каби классик шоирларнинг газалларини севиб ўқир, бадиий адабиётга болаларида ҳам қизиқиш уйғотишга ҳаракат қиласиди. Мана шу оиласи мұхит кейинчалик ёш Said Аҳмаднинг санъатга, бадиий ижодга меҳр кўйишига сабабчи бўлди.

Ўрта мактабни тугатгач, тасвирий санъат билим юртида таълим олди. Сўнг Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетида ўқиди. Адабиёт дарслари ва тўгаракларида ижодга бўлган ҳаваси алангаланиб, қўлига қалам ушлаган ҳаваскорга вақтли матбуот ижод мактаби, университет вазифасини ўтади. У «Муштум» (1938–1939; 1955–1957), Ўзбекистон радио комитети (1942–1943), «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси (1943–1947), «Шарқ юлдузи» (1948–1950, 1957–1959) журнали редакцияларида хизмат

қилган йиллари ижод сирларини астойдил ўрганди.

Сайд Аҳмад ижодининг бошланиши тасвирий санъат билим юртида ўқиб юрган вақтларига, аниқроғи, 1938 йилга тұғри келади. У дастлаб ҳикоялар ёзди, бир-икки йилда яратған ҳикояларини түплаб, «Тортиқ» номи билан нашр эттирди. Абдулла Қаҳхор «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида ана шу түпламга тақриз билан чиқиб, ёш адид ҳикояларидаги сунъийлик, ҳаётни чуқур билмаслигини кескин танқид қылди, лекин ўша мақоласидаёқ «Саидаҳмад қўлига танбур олибди, қулогини бурашига, парда босишига, чертишига қараганда тузук бир машқ чала оладигангча ўхшайди, лекин ҳали машқ чалгани йўқ, «Тортиқ»даги ҳамма ҳикоялар шуни кўрсатади. Танбурни қўлга олиб, созлашдан мурод машқ чалиш эканини эсдан чиқармаса бўлгани» деб унинг келажагига умид ва ишонч билан қараган эди.


Сайд Аҳмад бадиий ижод майдонига қадам қўяр экан, Faфур Гулом, Ойбек, Абдулла Қаҳхор сингари устоз адиларнинг ижодий лабораториясидан сабоқ олди, уларга эргашди. Ҳаёт қозонида қайнаш, ўқиш-ўрганиш, устозлар сабоги туфайли ўз ижодий қиёфаси, услугуга эга бўла борди, китобхонлар эътиборини қозонган лирик новеллалар, юмористик ҳикоялар устаси сифатида танилди.

Ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг кейинги 30–35 йиллик тарақ-қиёти, шубҳасиз, Сайд Аҳмад номи, ижоди билан боғлиқ. Ёзувчи бу жанрининг юксалишига устозлари Faфур Гулом, Абдулла Қаҳхордан кейинги энг кўп ҳисса кўшган ижодкор, десак ҳақиқатга хилоф бўлмайди. Унинг ҳикояларида ҳаётимизнинг деярли барча қирралари акс этган, турли-туман характердаги кишилар, замондошларимизнинг китобхон хотирасида узоқ сақланадиган қиёфалари яратилган. Сайд Аҳмад ҳикояларининг ижобий қаҳрамонлари ёзувчининг замондошлари, унга тенгдош бўлган одамлар.

Ёзувчининг бир гуруҳ ҳикоялари Иккинчи Жаҳон уруши мавзусига бағишлиганлиги у ўз ижодини, асосан, шу даврда бошлаганлиги билан изоҳланади. «Хазина», «Мангулик қиссаси», «Рахмат, азизларим», «Хайқириқ» сингари ҳикояларида Сайд Аҳмад урушнинг даҳшатли оқибатларини таъсирили қилиб тасвирлайди, ҳаёт-мамот жангида қаҳрамонлик кўрсатган кишиларни улуғлайди, уларнинг матонати ва шижоатига тасанно айтади.



Said Ahamad



Ёзувчининг «Зумрад», «Кечиккан севги», «Мұхаббатнинг туғилиши», «Иқбол чироқлари», «Төг афсонаси», «Лочин» каби ҳикоялари мұхаббат мавзуига бағишиланған бўлиб, уларда мұхаббатнинг туғилиши, унинг лаззати ва дардлари, севгини қадрлаш ва мұхаббатда вафодор бўлиш мақсадлари, севгининг биз тасаввур эта олмайдиган тақдири ишонарли ва ҳаққоний тасвирланган. Булар орқали адебнинг катта инсоний мұхаббат бобидаги фалсафаси, соғ севги ҳақидаги қарашлари китобхон юрагига етиб боради. Said Аҳмад яна бир гуруҳ ҳикояларида энг мұйтабар зот она образини, унинг нуроний сиймосини чизади. «Мөхрибон», «Онажонларим», «Чевара», «Тоғларда» сингари оналар қиёфаси чизилган ҳикояларини ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас.

Ҳикоянавис сифатида Said Аҳмад эллигинчи йилларнинг ўрталарида камолотга эришди. Адебнинг шундан кейин яратган ҳикоялари фақат ёзувчи ижодигагина эмас, балки ўзбек прозасида сезиларли воқеалар бўля бошлади. «Чўл бургути», «Лочин», «Ўрик домла», «Одам ва бўрон», «Бўстон» каби ҳикоялари ўзбек адабиётини янги образлар билан бойитди.

«Уфқ» асари яратилмасдан илгариёқ Said Аҳмад халқимиз ўртасида адаб сифатида машҳур эди. Лекин «Уфқ» трилогияси ёзувчимизнинг потенциал имкониятлари фоят катталигини, улкан истеъод соҳиби эканлигини намойиш этди.

Дарҳақиқат, бадиий полотнода халқимиз ҳаётининг улкан панорамаси берилган. Ёзувчи трилогиянинг биринчи қисми «Қирқ беш кун»да халқимиз кўрсатган мислсиз меҳнат шижоатини, қудратли ҳаракатини, улкан канал қурилишининг кенг манзарасини фоят жонли, ҳаяжонли

ифодалайди. Гарчи асарда канал қурилишининг бир участкасидаги ҳодисалар тасвирланса-да, каналнинг улкан трассасидаги ҳаёт, умумхалқ ҳаракатини сезиш қийин эмас.

Трилогиянинг асосий қаҳрамони – халқ. Асарнинг бош гояси эса халқнинг турли табақаси вакилларининг тақдири билан боғлиқ ҳолда ифода этилган. Азизхон, Икромжон, Низомжон, Дилдор, Асрора, Раҳмонберди тоға сингари образларнинг тасвири ёзувчининг жиддий ижодий ютуқларидан ҳисобланади. Асарда бир неча авлод вакиллари ва улар мисолида ҳаётнинг кенг кўлами тасвирланган. Ижобий қаҳрамонларнинг ҳарактерида халқимизнинг гўзал хусусиятлари чуқур ва ҳар томонлама очилган.

«Уфқ» трилогияси адабиётимизни бойитган, унинг камолотини намойиш этган салмоқли асарлардан бири бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад драматург сифатида ҳам ном қозонган. Унинг «Келинлар қўзголони» комедияси кулгисевар томошабинларимиз мароқ билан томоша қиласиган спектакль бўлиб қолди. Ёзувчи юморининг энг яхши хусусиятларини ўзида мужас-самлаштирган бу қувноқ халқ комедияси республикамизнинг деярли барча театрларида, ҳатто чет эллардаги қатор театрларда муваффақият билан намойиш этилмоқда.

Халқимиз истиқдолга эришгач, Саид Аҳмад ижоди ҳам том маънода қадрланди. У «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Бу ёзувчининг халқ меҳрини, китобхон ва томошабинлар муҳаббатини қозонганидан далолат.

*Лазиз ҚАЮМОВ, ЎзМУ профессори,
Раҳматилла ИНОГОМОВ, ЎзМУ доценти*

ҲАНГОМА МУДАРРИСИ

ёхуд САЙД АҲМАД домлага талтандиглаб ёзилган тўйхат

Алномишини Буратинога, Шум болани Қиличқорага аралаштириб танаввул қилиш билан китобхонлик базмига суқилиб кираётган биз, қишлоқ болалари учун Саид Аҳмад ҳам Абдулла Қодирий,Faфур Ғулом, Ойбек каби фусункор, сирли, қўл етмас бир «Уфқ»қа ўхшаб кўринар эди. Бундан йигирма йилча олдин муштумчи Неъмат акамиз мени тўсатдан Саид Аҳмад домлага рўпара қилиб, «Танишиб қўйинг, устоз, журнализмидаги ҳажвияси сизга ёқсан фарғоналик укамиз шу», дея елкамга шапатилаганда, ўзимни ойга бориб қўнаётган фазогирдек ҳис этгандим.

Ўшанда домла гўё ҳеч нарса эшитмагандек, четга ўрдакланиб тикилганича тураверди. Сумкасини титкилаган кўйи паришонгина

Саид Аҳмад



ўтиб бораётган навжувонни узун даҳлизнинг нариги муюлишигача кўзда кузатиб қўйгач, ниҳоят, муқаддас бурунларини мен сари замбаракбуриш қилиб, келбатимга синчилаб разм солди. Аввалига: «Э, хайрият! Еткизганига шукур!» деб хитоб қилди, сўнг бурнимга меҳр билан суқланиб, шукронани шарҳлаган бўлди:

— Мен кетсам, пучуклар ҳаддидан ошмасмикан деб, Тошкентдан узоқлашишига қўрқиб юрадим. Энди вилоятларга бемалол борадиган бўлдим. Гап шу, ука, бундан кейин йўқлигимда Тошкентда ўрнимга «дежурлик» қиптурасан.

Кўп ўтмай, у кишининг Дўрмондаги далабоғида бурунма-бурун сухбатлашиш шарафига ҳам мусассар бўлдим.

- Хўш, Фарғонанинг қаеридансан?
- Олтиариқлиқман.
- Ие! Карим раисни танийсанми?

Кейин билсам, Саид Аҳмад домланинг Олтиариқقا ҳурмати баландлигида Карим аканинг ҳам камтарона ҳиссаси бор экан. Олтмишинчи

йилларда домла Ёзёвондан қайтаётіб, күтилмаганда Карим ака билан танишиб қолибди. Колхознинг довруқдор бөгөнни томоша қилиб, шийпонга қайтишгач, домла мундоқ қараса, машинасидаги тұрталағилдирақда яп-янги баллонлар пайдо бўп қолганмиш. Раис нарироқда ётган сип-сийдам эски баллонларга ишора қилиб: «Буларни Котовский-нинг бошига ўхшатворганакансиз-да, тақсир», деб ҳиринглабди.

Меванинг бўлиқроғию, саҳоватнинг тўлиқроғини ёқтирадиган домла эса, ҳозиржавоблик билан пичинг қистирибди:

— Кал касаллиги юкумчил бўлади дейишса, сира ишонмай юрардим. Кеча қарасам, запас баллонимнинг бошидаям бирорта тук қолмабди денг.

Хуллас, раис тилидан илиниб, яна битта баллонга тушган экан.

Далабоғдаги ўша бирга-бир гурунгдан кейин Сайд Аҳмад домла ўз-ўзидан устозларимнинг тўнгичига айланди. Машҳурликнинг баландпарвозлиги улуғлик насиҳатбозликларидан бутунлай йироқлилиги, чапанича муомаласи бу зотни бир зумда қўнглимга яқинлаштириди қўйди. Ўшандан бери шогирдлигимни эслатиб туриш мақсадида, сигареталарига биринчи бўлиб мен ўт тутаман. Устоз-шогирд сифатида энг эътиборга молик яқинлигимиз ҳам сигарет билан боғлиқ — узоқ давр мобайнида фақат «Родопи» чекиб келдик. Бир куни сигаретига навбатдаги ўтни тугаётib: «Болгартбак» фирмаси, ўз ҳукумати айтиб, сиз билан мендек содиқ қашандасига орден-порден олиб берсаям бўларди», дейишимни биламан, бирдан бароғи айниб, астойдил жеркиб ташлади:

— Ўзингни шунгаям тиқишириб, менга халақит бермай тургин. Ҳали ёшсан, олдин мен олволай, кейин сеники бир гап бўлар.

Ҳозиргача иш ўша тартибда кетиб турибди.

Домлага шунча йил шогирд бўлиб, катта-кичик ташвишларимга шерик қилишдан, елкасига оғиримни ташлашдан имкон қадар ўзимни тийиб келдим. Ўз навбатида устоз ҳам мени ҳар тўқисда аяб юради, ғалвали ишларга аралаштирамайди, серчиқим юмушларга дучор қилмайди. Жуда нари борса, «Олтиариқда туруп пишиб қолгандир-а?» деган шамани ҳар йили кеч кузакда бир такрорлаб қўяди.

Ўтган йили олтиариқлик оғайниларим илтимосимга қўра, киракаш йигитдан домлага атаб туруп бериб юборишибди. Тошкентга кираверишда бир ўрис мелиса «Жигули»ни тўсиб, мошинада нима борлигини суриштирибди.

— Туруп везём, — деб жавоб қилибди ҳайдовчи.

Маълумки, ўрисчада ўликни «труп» дейишади. Мелиса йигит бети бўзарганича мошинанинг ичига мўралабди-ю, орқада бурун-дикдек бўлиб ухлаётган йўловчи чолни кўриб, бир чўчиб тушибди.

Ўзбекчани чала-чулпа эплаштирадиган мелисанинг овози қалтираб: «Ана шу трупни қайга алиб барасиз?» — деб сўраган экан, ҳайдовчи оғзидағи носни бамайлихотир туфлаб бўлиб: «Сайд

Аҳмад деган ў-ў-чен балшүй ёзувчи бор. Шу одам турупхұр. Турупни дачасига күмиб берсак, қиши ичи озгина-озгинадан еб юради», деб ҳаволаниб изоҳ бериби.

Хушидан кетишига сал қолган мелиса: «Пошёл вон!» дейишга зўрга яраган экан.

Ҳа, туруп баъзан кептуради. Лекин бодринг масаласида менга кесатиқ юмалатилганини сира эслолмайман. Сабаби – ҳаволар анча юришиб қоладиган бодринг мавсумида домла Олтиариққа шахсан ўzlари ташриф буюриб турадилар. Бурноқ йилги саёчати бир қадрдонининг тўйига тўғри кепқолиб, елкасига талай чопон ёпилганидан қиттак хабардормиз. Тўйдан сўнг тўнларни мошинанинг орқа ўринидигига дусамбалаб, уларга биқин тираганича Учқўрғондаги танишиникига йўл олибди. Йўлда мошина тасодифан бузуқ кўприкка «қоқилиб», ариққа ёнбош ағдарилибди. Аввало, тангрининг инояти, қолаверса, биқинидаги тўнлар ўюмiga юмшоққина йиқилган домла бу вазиятдан зиён-заҳматсиз чиқибди. Шунда турма кўполсўз ҳайдовчи меҳмонга пўнғиллаб танбех бериби:

– Шунча тўнни бошимга урамани, ундан кўра қуруғидан бериб кўяверишса ўлишармиди деб, келгунча мазгимни ғажидингиз. Агар шу тўнлар бўлмаганда, ўзингизни ҳозироқ Учқўрғонда кўрадингиз.

Мот бўлиш нималигини билмайдиган домла бу сафар ҳам бўш келмабди:

– Кўпроқ пулим бўлганда, куним сенга ўхшаган қаланғи-қасанғи шопирга қолмай, Наманғонгача самолётда учардим. Барibir қуруғи яхши!

Устод Сайд Аҳмадга ўхшаб барчага бирдек суюкли бўлиш учун фақат номдор адабликнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу зот ниҳоятда очиқоз ва кенгбағир, одми ва самимий, ҳалол ва тўғрисўз. Ёлғонни сира ёқтиримайди. Бироқ... шунга қарамай, хў-ў бирда мени хиёл чалғитганлар. Сал тоби қочганини эшитиб, касалхонага кўргани борсам, чекишини ташладим, уйдаги олти блок «Родопи»ни (битта блокда ўн кути сигарет бўлади) тузалиб чиқсамоқ сенга бераман, деб тамтамлик қилди. Тузалгач, баданидан новокаиннинг иси аrimай туриб, уйига етиб бордим. Ваъдани маданийлаштириброқ эслатганимдан кейин «Стюардесса» сигаретини тутқазди-да, хиралашаётган таббимга ёруғлик таратишига уринди:

– Тажрибамдан биламан, болам. Ётишдан олдин шундан биттасини чекволсанг, тушингда стюардесса қиз билан қувлашиб чиқасан. Уни эндиғина ушладим деганингда, бирдан бортмеханик пайдо бўлиб, сени самолётдан иргитворади.

Кечқурун сигарет чекаётib шу гап эсимга тушиб қолса, ухлашдан олдин елкамга парашют илиб олгим келарди.

Домла шогирдлик даражамни аниқлашга бир бор астойдил уриниб кўрган. «Ҳақиқий устозинг менми, ё Эркин Воҳидовми?» деб туйқусдан қалтис савол берди. Яратган эгам тилимга воизлик бағишилади-ю, «Ҳажв-



даги биринчи нўмерли устозим ўзингиз, шеъриятдаги биринчи нўмерли устозим Эркин ака», дея тегирмондан бутун чиқишига тиришдим.

Устоднинг дили янада ғашланиб, лабини буриштириди:

– Жа чалкаштирвординг. Ҳатто калхўзнинг командасидаям иккита биринчи нўмирили футболчи бўлмайди. Лоақал, ёшимни ҳурматлаб, мени «Биринчи-А», Эркинни «Биринчи-Б» деб нўмирлагин...

Полосончасига айтганда, бу йил саксонинчи бодринг пишигини кўриб турган домлажонимиз шунаقا ажабтовур, шунаقا қувноқ инсон. Номи Мелбурундан тортиб Бурунди ва Брунейгача таралиб ултурган бу ёзувчининг адаблик салоҳияти ҳақида бурун-бурундан кўп мақтovлар айтиб келинаётгани боис, мен у зотнинг гўзалдан-гўзал фазилатларига алоҳида кўрк бағишловчи ҳангомабозлик маҳоратини қисман ҳикоя қилиб бериш йўлини танладим. Зоро, у кишининг оғзаки гурунглари ёзганларидан-да қимматлироқ туюлади баъзан... Аммо, шундай бўлса ҳам, ушбу тўйхатим якунида устоднинг улкан ижодига ўз ўлчамим билан баҳо бериб қўймасам, армоним қолади.

Сайд Аҳмад домла – бағридаги бойликларнинг эндинина юздан бири қазиб олинган ғиж-ғиж фазна! Сайд Аҳмад домла – ўзбек адабиётининг Мурунтови!

Сайд Аҳмад

Анвар ОБИДЖОН
«Халқ сўзи», 13 маъ 2000 ў.

ДАДАМНИНГ ШОГИРДИ, МЕНИНГ УСТОЗИМ

Дадамнинг ҳазилларига тенг жавоб берадиган, ўзи ҳам ҳазилни кўтарадиган одам у кишининг наздига Саид Аҳмад эди.

Дадам сафарларга ёш ёзувчиларни олиб кетардилар. Юрт кўрсин, одам танисин, дердилар. Саид Аҳмад, Ҳамид Фулом, Туроб Тўла, Ваҳоб Рўзиматов, Шуҳрат, Ўлмас Умарбеков, Рамз Бобоҷонов, Эркин Воҳидовлар дадамнинг суюкли шогирдлари.

Дадам уларни кўп шаҳарларга олиб борганлар. Ҳалқимиznинг урфодатлари билан, кийинишларидан тортиб, меҳмон кутишларигача тушунтирардилар. Яхшилаб кузатинглар, эсларингда сақланглар, кейин керак бўлади, дердилар.

Шогирдларнинг кўпчилиги жиддий шоирлар эди. Дадам улар билан бошқача, жиддий гаплашардилар.

Шеър ҳақида, вазн, туроқ ҳусусида кўпроқ сабоқ берардилар. Аммо Саид Аҳмад акамдаги юморга мойиллик у кишига ёқар, ҳажв тўғрисида кўпроқ гаплашардилар.

Саид Аҳмад акамнинг «Йўқотганларим ва топганларим» китобларини аям қизиқиб ўқигандилар. Аям «Кўрдингми, дадангнинг Саид Аҳмад акангга алоҳида меҳр қўйганлари бекор кетмабди, дадангнинг биз илғамаган кўп жиҳатларини ҳам кузатиб юрган экан. Шу китобдаги даданг тўғрисида ёзган «Елкасини пайғамбарлар силаган шоир» деб аталган хотираси у кишининг тўлалигича насрой сувратларини чизган. Ҳатто ундан овозлари ҳам эшитилиб турганга ўҳшайди. Йиғлаб-йиғлаб, қайта-қайта ўқидим. Ҳар гал ўқиганимда дадангни тирик кўргандек, овозларини эшитаётгандек бўламан», деган эдилар.

Дадам Саид Аҳмад акамнинг ilk бор матбуотда босилган ҳикояларини ўқигандаридаёқ «Бу боладан яхши ёзувчи чиқади, кейин айнимасин-да», деганлар.

Саид Аҳмад акам собиқ «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газатесида, «Муштум» журналида ишлаганлар. Таҳририятдагилар ҳикоя ёки шеър ёздириб келиш учун дадамнинг олдига, албатта, Саид Аҳмад акамни юборишарди. Ёхуд газета-журналлардан бирон одам юборамиз, у-бу нарса ёзib, бериб юборинг, дейишса, дадам, албатта, Саид Аҳмад акамни келсин, дердилар.

У киши ниҳоятда меҳмондўст эдилар. Ҳамма вақт уй тўла меҳмон бўларди. Ошналари Собир Абдулла, Ҳабибий домла, Юнус Ражабий, Сайфий домла, Аҳмаджон заргар, Зуҳр полvonлар ярим кечагача сұхбат куриб тарқалишарди. Баъзан Саид Аҳмад акам «Faфур акам қачон ҳикоя ёзib берар эканлар», деб кута-кута ухлаб қоларканлар. Дадам эса тонгда Саид Аҳмад акамни уйғотиб, янги, теша тегмаган ҳангомалар билан тўлган ичакузди ҳикояларни ўқиб берар эканлар. Дадам улфатлари билан сұхбатлашиб ўтирганларидаёқ мияларида ҳикояни пишириб, сўнг бир нафасда қофозга тушириб қўяр эканлар.

Саид Аҳмад акам учун дадам билан ёнма-ён юриш, ижод қилаёт-гандарида кузатиб туриш жуда катта дорилғунун бўлган.

Дадам тарихни яхши билғандари, ўтган замон адабиётини яхши тушунгандари, форс, араб, урду, турк тилларида гаплаша олганликлари, хотиралари кучлилигининг ўзи Саид Аҳмад акамга катта бир энциклопедияни ўқиб чиққандек таъсир этган, десам хато қимматан бўламан.

Бешёғочдаги Арпапоя маҳалласига кўчиб келганимиздан кейин Кумлоқдаги ҳовлимизга Ҳабибий домлани кўчириб келган эдилар. Университетда ўқийман деб келган андижонлик ёш шоира Саида Зуннунова дадамга ёзган шеърларини кўрсатиш учун келиб турарди. Саида опамнинг биринчи китобига дадам «Қизингиз ёзди» деб ном кўйиб берган эканлар. Шу тўпламдаги бир шеърини таҳrir қилиб, анҳорда буралиб-буралиб оқаётган сувни «Бир ўрим соч каби оқади анҳор...» дея тузатиб берган эканлар.

Саида опамнинг турар жойдан қийналаётганини билиб, Кумлоқдаги аввалги ҳовлимизга олиб бориб Ҳабибий домланинг хотинларига «Ая, мана сизга тайёр дастёр қиз олиб келдим», деб топширган эканлар. Ҳабибий домла ҳам, хотинлари ҳам андижонлик бўлганидан Саида опамни бағриларига олишибди. Саида опа худди ўз уйларида яшайдандек бу оиласа киришиб кетган эканлар.

Аямнинг оналари – бувим доим шу шоира қиз Саид Аҳмадга жуда муносиб экан, дер эканлар. Бу гапга фаришталар омин, деган эканми, икковлари топишиб қолишади.

Тақдирнинг шафқатсизлигини қарангки, иккала ёшнинг тўйи бўладиган куни Саида опанинг ўн саккиз ёшга кирган биттаю-битта укаси оламдан ўтади. Тошкентга Саидахон опамларнинг тўйини ўтказиш учун келган оналари Сабоҳон ая кечки поезд билан Андижонга жўнайдилар. Бу мудҳиш воқеани аввалига Саидахон опамга билдиришмайди. Тўйнинг эртаси куни азон пайтида Сабоҳон аяннинг бир боласига Тошкентда келин салом бўлди. Ана шу маҳал Андижонда бир боласига жаноза ўқилди.

Беш кун ўтиб бўлган воқеани Саида опамга айтишади. Саид Аҳмад акамнинг оналари, опалари, келин аялари Саида опам билан Андижонга бориб келадилар. Бу гапларни аям билан бувим гапиришганда эшитганман.

Саид Аҳмад акамни миллатчи, ҳалқ душмани деб қамоқча олишгандан кейин ёзувчилар уюшмаси Саида опамга «Эримдан кечдим» деб ёзиб бер, деб талаб кўяди. Саида опам рад жавобини берадилар. Союз аъзолигидан ўчирадилар. «Эрингдан кечмасанг партиядан ҳам ўчирамиз», деб шарт кўядилар. Саида опам уларга ҳам рад жавобини беради. Ана шундан кейин у кишига газета-журналларнинг, нашириётларнинг, радионинг эшиги беркитилади.

Опам ўн етти ёшга тўлғандаридаги дадалари совға қилган тилла соатни сотиб, бир эеки ёзув машинкасини оладилар. Аввалига



студентларнинг диплом ишларини, аспирантларнинг диссертацияларини кўчириб, рўзгор тебратадилар. Кейинчалик, нашриёт машинисткаси ўзига берилган қўлёзмаларни яширин Саида опамга кўчиритириб ҳақини ўзи олиб, кейин Саида опамга берарди. Мухтор Авезовнинг «Абай» романини ҳам Саида опам кўчириб дурустгина ҳақ олган эдилар.

Саида опам ўша қора қунларни эслаб ўйга толардилар. Баъзан кўзёш ҳам қилиб олардилар. «Ўлмаган қул кўраверар экан», деб ўзларини ўzlари юпатардилар. Саид Аҳмад акам кетма-кет ҳикоялар, қиссалар ёздилар. Ниҳоят, машҳур «Уфқ» романини эълон қилдилар. Саида опамнинг «Гуллар водийси», «Бир йил ўйлари» шеърий тўпламлари босилиб чиқди. Атоқли ҳофизлар Саида опамнинг бутун ўзбек халқига манзур бўлган, ҳалигача тўй-ҳашамларда, радио, телевидениеда қайта-қайта ижро қилинаётган «Ҳай-ҳай», «Ёр ўтдиму», «Мажнунтол», «Андижоннинг сойи оқар», «Не учун пинҳон кезар», «Дарёларнинг ул юзида уйларингиз», «Ишқ дарсида», «Дутор», «Мубталоси бўлмаса» каби ўнлаб қўшиклари ҳамон хонандаларнинг репертуарларидан тушмайди. Журналларда «Руҳ билан сұхбат», «Қўшниларим», «Алла», «Лирик нутқ» достонлари босилди. Бу достонлар билан шоирлар, адабиёт шинавандлари уни дил-дилдан табриклидилар.

Саид Аҳмад акам «Назм чорраҳасида» ва «Йўқотганларим ва топғанларим» китобларида ёзишларича, «Вақт» (1945 йил 19 сентябрь), «Қозоқ элининг улуғ тўйи» (1945 йил 16 ноябрь), «Йигитларга» (1946 йил 20 февраль), «Тошкент» (1946 йил 10 ноябрь) шеърлари ёзилаётганда, дадамнинг ёnlарида, айтиб турганларида ёзиб турганларини айтадилар.

Юқоридаги шеърлар ёзилишини Саид Аҳмад акам кўп марта айтганларида, мен қизиқиб, «Саид Аҳмад ака, кўпчилик дадамнинг шеър ёзиш учун бирон ҳафта ҳозирлик кўради, деб ўйлайди», деб сўрасам, у киши: «Йўқ ундан эмас, даданг қўлларига қалам олиб қоғозга термулиб ўтирганларида, айниқса, битта тўртликни ёзганларидан кейин нима тўғрида ёзишлари маълум бўларди. Биринчи тўртлик шеър мавзуига разведка вазифасини ўтарди. Аслини олганда, шеър иккинчи тўртликдан бошланарди. Даданг биринчи тўртликни, халал бермасин деб ўчириб ташлардилар. Ана шундан кейин қандайдир илоҳий бир куч ақлларига, шуурларига, ундан деб ёз, бундай деб ёз, деб турганга ўхшайверади. Даданг асқиячилардек жуда тез фикр қиласдилар. Рақибнинг ниҳоятда кулгили, маъноли ва айни пайтда рақибнинг бирон нуқсонига ишора қилган жуда нозик зарбасига икки-уч дақиқа ичидан ундан ўтқазиб жавоб қилиш керак.

Даданг жуда тез фикр қиласдилар. Минбарларга чиққанларида қоғозга қарамай, залдагиларни ҳайратга солиб жуда кўп доно сўзлар айтардилар. У кишининг «Қозоқ элининг улуғ тўйи» деб аталган шеърини ўқиганлари бу гапларимни тасдиқлади.

Шеърни қандайдир, фойибдан келган фавқулодда фикрлар гулдастаси деса бўлади. Шундай ноёб ўхшатишлар, бошқа бирон шоирнинг хаёлига ҳам келмайдиган сўзлар... Мана ўқигин:

Олтойбуркни қингир қўйган
 Қошлири қундузларнинг.
 Саримойдек сўлқилдоги,
 Фоз ўмровли қизларнинг.
 Ойна булоқ сувларидек,
 Бахти бўлсин ярқироқ,
 Женгай, десам йироқ бўлмас,
 Синглим, десам яхшироқ.
 Улуғ тўйинг қувонаман,
 Йўлбарсадай гуркирайман.
 Қорабайир ёлларини,
 Пойгаларда тарайман.
 Мақтанимайман, чин айтганда,
 Бир чамалаб қарайман.
 Айтисувда Собит билан,
 Тортишувга ярайман.
 Ўзбек элнинг донг қозонган
 Манадай оқиниман,
 Жон қозоқнинг оқинларин,
 Дўстиман, яқиниман.

Шеърни тўхтаб-тўхтаб ёзиб бўлмайди. Тўхтаб ёзиш, тоғдан қуяилиб келаётган шалолани, шу жойда тўхта, эртага тўхтаган



жойингдан қуииласан, деган билан баробардир. Дадангда ана шундай худо берган истеъдод бор эди. Бу истеъдодни ҳаракатга келтириш учун бир сўз ёки бир мусиқа, ёки бир оҳанг етарли эди».

Сайд Аҳмад акам юқоридаги шеърларни ўз ҳаяжонларини беркитолмай ўқиб, ўша шеърлар туғилишини кўрганларини ҳайрат билан айтиб берадилар.

Афсус, дадамнинг халқ ичидаги машҳур шеърлари ёзилганида мен 6–7 яшар қизча эдим. Қандай ёзилганини дадамдан сўраб қолишига улгурмаганман.

Агар дадам бугуннинг шукуҳли кунларини кўрганларида, қандай шеърлар ёзар эдилар, деб Сайд Аҳмад акамдан сўрасам, у киши: ҳеч ким ёза олмаган шеърларни ёзиб, Ўзбекистонни оламга яна ва яна машҳур қиласардилар, дейдилар...

Сайд Аҳмад акамнинг умр йўлларидағи ҳам нурли, ҳам ўқинчли воқеаларни ўйлар эканман, у кишининг дадам орзу қилгандан ҳам айло ижодкор бўлиб этишганларини ҳис қиласман.

У кишини «Уфқ» романни, айниқса, «Келинлар қўзголони» драмаси дунёга машҳур қилди. «Келинлар қўзголони» бутун дунё саҳналарида ижро этилиб, Ўзбекистон обрўсини яна ҳам оширди. Фармон биби Америка саҳнасига чиқиб инглиз тилида гапирди. Бундай машҳурликка ҳали бирор ёзувчи мұяссар бўлган эмас.

Сайд Аҳмад акам Мустақиллик берган баҳтли кунларга Президентимиз ёnlарида камарбаста бўлиб, истиқололни мустаҳкамлашга катта хизмат қиласиган асарлар ёзиб, халқнинг олқишига мұяссар бўлиб турибдилар...



«Мана, қанча сувлар оқиб кетди. Кўрган қора кунларнмиз орқада қолди. Мени ҳалқ душмани дейишди. Лекин «Халқ ёзувчиси» деган унвон беришди. Мени миллатчи дейишди. Лекин «Халқлар дўстлиги» ордени билан мукофотлашди.

Мустақиллик кўксимдаги доғларни ювиб ташлади. Президентнимиз кўксимга «Буюк хизматлари учун» орденини тақиб қўйдилар. Бу менинг энг баҳтли куним эди. Мустақил мамлакатим, сен менинг қаҳрамонимсан, деб кўкрагимга олтин юлдузин муносиб кўрди...»

Сайд Аҳмад акамнинг бу сўзлари чинакам баҳтга етган ва шу баҳт берган ватанга умрининг сўнгги дақиқаларигача миннатдор бўлиб яшайдиган инсоннинг дил сўзлари. Бироқ ушбу шодлик айёмларида Саида опам ёнларида бўлмаганларидан, бу дориломон кунларда яйраб-яшнамаганларидан ўқсиб қўядилар.

Дунёнинг ишлари доимо бир кам икки деганлари шу бўлса керак-да!

*Олмос ГУЛОМОВА,
«Қишлоқ ҳаётси», 2002 йил 28 май*

САИД АҲМАД – САФАРДА

Сайд ака ўз тенгқурлари билан қайси оҳангда гаплашса, невараси тенги ёшлар билан ҳам шу алфозда суҳбатлашаверади. Шунинг учун ўш қаламкашлар унинг ёнидан аrimайди. Сайд Аҳмад борган даврага файз кириб қувноқ кулгига тўлиб кетади. У киши билан кўп сафарларга чиқдик. Ўзбекистоннинг ҳамма чеккасида қадрдонлари бор, десам муболага бўлмайди...

Сайд Аҳмад

Андижонда юрганимизда Саид Аҳмад акага айтдим:

— Оқсоқол, илоё мингга киринг-ку, мабодо вақти қазо етиб бизларни ташлаб кетсангиз, сиз ҳақингизда хотира ёзадиганларнинг саноғи бўлмас-ов...

— Овора бўласан! — деди оқсоқол кулиб, — биринчидан, мен ҳаливери ўлмайман. Хотира ёзиш ниятинг бўлса, кечиктирмай, ҳозироқ ёзавер. Иккинчидан, ўлганимдан кейин мақтаганингни менга нима кераги бор. Тирилиб келиб ўқирмидим!

...Устозга узоқ умр тилаб, турли сафарлардаги ҳангомаларни қофозга тушириб қўйгим келди.

* * *

Наманганда «Шарқ юлдузи» кунлари ўтказилаётган эди. Тушда Тўрақўрфонда эдик. Бир зум дам олиб, Янгиқўрfonга жўнадик. Йўлда Саид Аҳмад аканинг мазаси қочиб қолди. Ҳамроҳ бўлиб юрган обком вакили, шоир Ҳабиб Сайдулла, Умарали Норматов, Носир Фозилов, хуллас, ҳаммамиз қўрқиб кетдик.

Манзилга етиб бориш билан оқсоқолни бир хонага ётқизиб, врач чақиришди. Доктор келгунча ёнида ўтиридик. Оқсоқол ўзи не ахволда ётибди-ку, ҳазил қиласди:

— Мен-ку ўлсам ўлиб кетавераман, Ўзбекистоннинг не-не гўзаллари чирқиллаб қолади-да: менингдек чиройли, келишган одамни қаёқдан топади?

Ярим соатча ўтгач, хушрўй врач билан ҳамишира қиз етиб келишди. Чиқиб туришимизни илтимос қилишди. Анчадан кейин врач аёл чиқиб ҳасрат қилди;

— Домла укол қилдирмайман деяптилар... Ахволлари оғир...

Носир ака билан кирдик.

— Қайсарлик қилманг, битта укол қилса, отдек бўлиб кетасиз...

— Овора бўласан! — деди Саид Аҳмад aka қовоғини солиб. — Менга Гитлер ҳам укол қилолган эмас!

Кейин Носир акага буюрди:

— Сен чиқиб тур, мана бунда гапим бор.

Носир ака тўнгиллаб чиқиб кетиши билан мени ёнига чақирди.

— Бери кел, — деди овозини пасайтириб.

Шивирлаб гапиришидан юрагим така-пука бўлиб кетди. Нима бало, васият қилмоқчими?

Кўрқа-пуса бошига эгилдим.

— Дўйхтирни кўрдингми, болам, — деди пичирлаб. — Дўмбоққина экан..

Қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим.

— Бўлди-бўлди, — деди оқсоқол илжайиб, — мезбонлар эшитмасин, кўнглига бошқа гап келади.

Эртасига Сайд ака яна давранинг гули бўлиб ўйнаб-кулиб кетди. Эҳтимол, ўша хушчақчақ феъли уни тузатиб юборгандир.

* * *

Фаргонада, Faфур Fuлом номидаги хўжаликда катта учрашув бўлди. Залга одам сиғмай кетган. Биринчи қаторда чол-кампирлар, нариёғи ёшлар... Негадир, асосан, аёллар йигилган. Ҳаммасининг эгнида товланиб турган атлас кўйлак...

Сайд Аҳмад ака минбарга чиқиши билан раисга ёпишиб кетди:

— Нима бало, раис бува, хўжалигингиздаги хотинлар нуқул қиз туғадими? Аъзоларингизни тузукроқ боқсангиз бўлмайдими?

Ҳаммаёқ қарсакбозлик бўлиб кетди. Оқсоқолга талай саволлар тушган экан. Биринчи савонни ўқиди:

— Келгуси режаларингиз қандай? — Узоқ ўйланиб қолди-да, салмоқ-лаб жавоб қилди. — Келгуси режам... Шу... уйлансаммикин, деб турибманда. — Шундай деб биринчи қаторда, чолининг ёнида ўтирган кампирга қаради. — Ҳа, сиз нега дока рўмолингизни у ёқса ташлаб, бу ёқса ташлаб ўзингизга оро беряпсиз! Мен уйлансам... (Уч-тўртта энг юлдуз раққосаларнинг номини санади) шулардан биттасига уйланаман. Ҳозирча қайси бирини танлашни билмай турибман!

Қарсаклар зарбидан залнинг шифти кўчиб тушгудек бўлди. Бояги кампирнинг ёнида ўтирган чол кемшик тишларини кўрсатиб, айниқса, мазза қилиб кулади.

* * *

Избосгандаги учрашувдан кейин ўтириш бўлди. Андижонга қайтиб юрмасдан ўша ерда қоладиган бўлдик. Мезбонлар бизни меҳмонхонага кузатиб қайтиб кетишиди. Шунда аллакимдан Андижонга кетайлик, деган таклиф тушди. Вақт ярим кечадан ошган, машина йўқ.

— Хоҳласанг, машинани мен топаман! — деди Сайд Аҳмад ака.

Кўчага чиқдик. Бунақа бетартибликларни унча ёқтирамайдиган Носир Фозилов — тажанг (Носир аканинг сочи ҳам, ўзи ҳам сариқ. Тез жаҳли чиқади. Аммо ниҳоятда ростгўй, дангалчи одам).

— Кўй, сариқ болам, хуноб бўлма, ҳозир йўлини қиласиз,
— деди Сайд ака юпатиб. Ниҳоят «Тез ёрдам» машинаси учради.

— Жон акалар, — деди ҳайдовчи эланиб. — Сизлар учун ҳар қанча хизматга тайёрман. Аммо бу «дежурний» машина. ГАИ тўхтатса, правамни олиб қўяди.

— Ишинг бўлмасин, — деди Сайд Аҳмад ака. — ГАИ тўхтатса, ўзим гаплашаман.

Ҳайдовчи билиб гапирган экан. Шаҳарга кираверишда, чиндан ҳам, машинани ГАИ тўхтатди.

— Ана, расво бўлдим! — деди ҳайдовчи йигламсираб.

— Сен жим ўтири, мелиса билан ўзим гаплашаман, — Саид Аҳмад ака машина ёнига келаётган ёшгина лейтенант йигитга пешвуз чиқди. Йигит ҳали гап бошламасдан олдиноқ тұхтатди. — Яқын келма, жон укам, сенға ачинганимдан айтаяпман. Бола-чақанг бордир... Бир укам сариқ бўлиб қолди. Ишонмасанг, ўзинг қараб кўр.

Лейтенант иккиланиброқ машина кажавасининг эшигини очди. Сапсариқ, хира чироқ остида, күшеткада хўмрайиб ўтирган Носир акани кўрдию, дарров орқага чекинди.

— Вой-бўй, жудаям ўтиб кетганга ўхшайди, тезроқ оборинглар!

...Машина йўлга тушгандан кейин қарасак, Носир ака күшеткага ёнбошлаганча, қорнини ушлаб кулиб ётиби.

* * *

Саид Аҳмад ўзини эрмак қилишни ҳам унутмайди. Қўқонга борганимизда шундай бўлган. Кечкурун меҳмонхонада ётиш олдидан оқсоқолдан сўрадим.

— Иложи бўлса менга беш-олти юз сўм қарз бериб турсангиз. Чеккароқ магазинларда дуруст нарса топилса, болаларга олиб кетардим.

— Эллик сўмдан ортиқ пулим бўлса, буюрмасин! — деди Саид Аҳмад ака ишонч билан.

Камида минг сўм билан келганини билардим.

— Шу гапингиз гап-а? — дедим. — Эшитдингиз-а, Йўлдошли ака. Оқсоқолнинг эллик сўмдан ортиқ пули буюрмайди.

Йўлдошли ака шу гапга гувоҳ бўладиган бўлди. Эндинга ечиниб ётган Саид Аҳмад ака ўрнидан туриб шимини қайтадан кия бошлади. «Ҳа!» десак, «Негадир этим увишиб турибди», деб баҳона қилди.

Эртасига китобхонлар билан учрашув бўлди. Энди шу воқеани ҳикоя қила бошлаган эдим, оқсоқол ўрнидан туриб кетди.

— Шошма, сен эплаб айттолмайсан, — деди. — Яхшиси, ўзим гапириб бераман. Бу ярамаслар сафарга чиқса, пул олиб юрмайди. Доим мендан сўрайди. Нима, мен детдомнинг директориманми? Кеча бергим келмади. Билмасдан онт ичиб қўйибман. Бу шум кечаси чўнтағимни қоқлаб қўйишдан ҳам тоймайди. Шунинг учун шимимни кийиб, пулли чўнтағимга қўлимни тиқиб, ўша ёнбошимни ерга босиб ётдим. Эрталаб бир акса урган эдим, оғзимдан жиринг этиб битта сўлкавой отилиб тушди. Ҳар эҳтимолга қарши бир сўмлик танга пулни оғзимга солиб ётган эканман. Эсимдан чиқиб кетибди. Яхшиям акса урганим, худо кўрсатмасин, ҳиқичноқ тортсам борми, лиқ этиб ичимга кетиб қоларди. Ана унда кўрардинг томошани!

Ўтқир ҲОШИМОВ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
1988 йил, 12 февраль



САИДА ЗУННУНОВА

(1926—1977)

ВАФОДОР

Умрим давомида ҳам қувончли, ҳам фожиали ҳодисаларни кўп кўрдим. Жамиятнинг ютуқларидан, инсонларнинг муваффақиятларидан бошим кўкка етган бўлса, салбий ишлар, хато ва нуқсонлар, турли-туман фожиалар мени қайғу-алам гирдобига тортиб келган. Бири қалбимга нур олиб келиб, асабларимни мустаҳкамлаган бўлса, иккинчиси умримни эговлаб, соғлиғимни ишдан чиқарип борди.

Булардан бирини — ҳам қувончли, ҳам қайғули бўлган, Саид Зуннунова ва Саид Аҳмадга тааллуқли баъзи лавҳаларни кўз олдимдан ўтказиб, уларни қоғозга туширишни лозим топдим. Бу лавҳалар ибратли ва ҳаётий бўлганлиги учун одамлар билиб қўйгани фойدادан ҳоли эмас.

1953 йил эди. Икки масъул ходим Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари кабинетига кириб келишди ва эшикни ичидан беркитиб қўйишни сўрашди. Улар менга бир катта папкани узатиб, «Бу ҳалқ душмани Саид Аҳмаднинг хотини Саида Зуннунованинг асарлари, уни яхшилаб, синчилаб ўқиб, ўз фикрингизни айтасиз. Шуни ҳам айтиб қўяйликки, душман хотинидан соғлом, гоявий бақувват асарлар чиқишига ишонмаймиз», дейишиди. «Нега бундай хуносага келдингизлар?» деган саволимга, «Душман хотини душман эканлигига ишонч ҳосил қилдик», деган жавобни олдим. Улар: «С. Зун-



нуновадан эрингдан воз кеч, бундай одам сенга дўст бўла олмайди, иснод келтиради, деб уқтиришимизга қарамасдан ўжарлик қилиб туриб олди, асло уни «ҳақиқат»га ишонтириб бўлмаётиби, — деб шикоят қилишди, — Биз чора кўришга мажбурмиз»... Улар мендан уч кундан кейин фикр айтишимни талаб этишди.

Барча ишларимни йиғиштириб, бу «топшириқ»ни ўз муддатида бажариб қўйдим. Ўша давр ўлчовлари билан қараганда, С. Зуннунова асарларида сиёсий-гоявий хато йўқ эди. Бу гапни эшитган бояги икки ходимнинг сочи тикка бўлиб кетди, қовоқлари осилиб тушди. «Биз сизниadolatли, объектив, ёш, талантли олим десак, бизнинг ишончимизни оқламадингиз. Мабодо, Саид Аҳмад ошнангиз эмасми, Зуннунова билан яқинлигингиз йўқми?» деб сўроққа тутишди. Мен ўзимни босиб, «Сизлар мендан ҳаққоний фикр айтишни талаб қилдингизлар, талабларингизга амал қилдим, сохта, ёлгон гап айтишдан қочдим, ҳеч қачон қинғир йўлга юрмайман», деб қатъий таъкидладим. Улар хуноб бўлиб, папкани олиб кетдилар. Мен узоқ вақт нима бўларкин, деб юрагимни ҳовучулаб юрдим. Худога минг қатла шукрки, Сталиннинг вафотидан сўнг вазият енгиллаша бориб, ҳаётимизгаadolат, ҳақиқат шабадаси кириб келди.

Эшитишимга қараганда, С. Зуннуновани ишдан ҳайдашган, асарларини чол этмаслик ҳақида топшириқлар берилган. Лекин С. Зуннунова эгилмади. Бошида қилич ўйнаб турган, қамоқ эшиклари очишга тайёрлаб қўйилган, ҳаёти қил устида қолган бўлса ҳам, виждонига хиёнат қилмади, иймонини сотмади, эрига тариқча ҳам шак келтирмади.

У ҳамма азоб-уқубатларга чидади, лекин турмуш ўртоғига нисбатан қилинган туҳмат-бўхтонлар, адолат-сизликлар билан чиқиша олмади, унга қарши бош кўтарди. Бу унга жуда ҳам қимматга тушди, аммо то-за қалбига доғ туширмай, ўзбек аёлининг поклиги, мардлиги, садо-қати нимага қодирлигини кўрсатди.

Россия тарихида декабристлар сургунга юборилгандан кейин уларнинг орқасидан рафиқалари борганилигини жасорат деб ўқиганмиз. Очифини айтишим керак, С. Зуннунованинг мардлиги бутунлай бошқача. Ҳамма нарсадан маҳрум бўлиб, сиқиқ остига олинган, лекин ўзини мардона тутган ўзбек адабаси олдида таъзим қилсак арзиди. Умр йўлдошига, адабиётга, халқига вафодорлик бўлса шунчалик бўлади-да!

Сайд Аҳмад адолатга эришиб, озодликка чиққандан кейин хурсандчилигимиз ичимишга сифмаган эди. Бизнинг қалбимизни шодликка тўлдирган нарса, айниқса, С. Зуннунованинг галабаси, ҳақиқатга эришганлигидир. С. Зуннунованинг кўчаларда, идораларга кўзда ёш билан қаттиқ руҳий изтироб чекиб юрган пайтларини эслаб, шоирамизнинг бағрига шамол тегиб, кўнгли тоғдай кўтарилигани ҳаммамизнинг дилимизни ёритди.

Сайд Аҳмад билан Саида аҳил яшаб, ижод этиб, халқимизга баввват бадиий асарларни тақдим қилиб юрган бир вақтда (1962 йилда) уларни Ўзбекистон Марказий Қўмитаси эшиги олдида учратиб қолдим. Адабиётимизнинг икки намояндаси навбатчидан партия идорасига киришга руҳсат сўрашарди. Мен уларни тасодифан кўриб қолиб, руҳсатнома олиб бериб (ўша кезлари партия марказий Қўмитасида фан ва маданият бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлардим), ичкарига йўлладим. Улар Шароф Рашидов ҳузурига дардларини айтгани келишган экан.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Сайд Аҳмад ҳам рафиқасига бўлган улкан меҳр-муҳаббатини пок сақлади. Уни кўз қорашибидай авайлаб юрди. Кейин ҳам унинг хотирасини ҳамиша эъзозлади.

Сайд Аҳмад «саёҳат»дан қайтгандан кейин унумли ижод билан шуғулланди. Бирин-кетин роман ва қиссалар, ҳикоя ва очерклар ёзиб, китобхонларни хушнуд этиб борди. Унинг бу самарали





ижодидан раҳбарлар ҳам мамнун эдилар. Кунлардан бир кун, 1982 йилда Шароф Рашидов ҳузурида бўлишимга тўғри келди. Ўша вақтда «Шарқ юлдузи» журналига бош муҳаррир эдим. Журналнинг муаммоларини гаплашиб бўлганимиздан кейин Ш. Рашидов Саид Аҳмад ҳақида гап очди:

«Саид Аҳмад янги роман ёзётган экан, кузатиб туринг, тугатиши билан журналда чиқаринг, халқ унинг асарларини севиб ўқийди, яхши тилда ёзади», деди. Раҳбарнинг истеъододли адабимизни бу қадар қувватлаши бизни бениҳоя курсанд этди. Албатта, бу топшириқни бажонидил бажаришимишни изҳор этдик.

Шахсан мен бир муҳлис сифатида Саида Зуннунова ва Саид Аҳмад ижодларига чексиз муҳаббат билан қарайман. Босилиб чиққан асарларини

тезроқ ўқиб чиқиб, баҳраманд бўлиш учун ошиқар эдим.

Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзголони» комедияси жуда катта шовшувга сабаб бўлди. Асар ҳаётни бузиб кўрсатади, совет кишиларини масхара қиласди, арzon кулги қўзғайдиган примитив спектакл деб маломат тошлари отганлар ҳам бўлди. Ҳатто бир танқидчи драматург нима учун қўлига қалам олганини билиб бўлмайди деб, саҳнага қўйилишига бутунлай қарши чиқди. Айрим кишилар «Келинлар қўзголони»ни саҳнадан олдириб ташлаш учун кўп уриндилар.

Бир ҳодиса ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Театрда «Келинлар қўзголони» асарининг муҳокамаси ўтказиладиган куни партия масъул раҳбарларидан бири уйимга телефон қоқиб, мени объектив, ҳақгўй танқидчи эканлигимни таъкидлаб, муҳокамада ҳам адолатли гапни айтишимни, спектакл заиф, бўш чиққанлигини қайд этишимни сўради. Мен унга ҳаққоний фикримни билдиришни изҳор этдим. Лекин кўнглим фаш бўлди. Наҳотки ўзимнинг шахсий фикрим бўлмаса, менга йўл-йўриқ кўрсатишиса. Минг шукурки, спектаклни кўпчилик ҳимоя қилди ва унга ҳаётга йўлланма берилди. Барибир қиличбозлар қуролни ташламадилар. Қаерда бўлмасин, унга тош отишдан чарчамадилар. Бу узоқ вақтгача давом этди.

Ўша кезлари Саид Аҳмаддан қуидаги мазмунда хат олган эдим: «Пъесани сизга қолдирдим. Бошқарма сизнинг фикрингизни билмоқчи.

Агар лозим топсангиз, ўқиб, икки оғиз (Драмсексия номидан) фикр билдирангиз. Бу иккинчи варианти. Театр ишлаб, анча ўзгартышлар киритди. Мавзунинг ижтимоий моҳиятини ошириш учун анча деталлар, диалоглар киритилди. Сизга самимий ҳурмат билан: Саид Аҳмад. 15 май, 1976 йил».

Ҳа, асар бизга маъқул тушди. Шу сабабдан ҳам комедия пайдо бўлган кундан бошлаб, унинг астойдил ҳимоячиси, жўшқин тарғиботчи сифатида иш тутдик.

Маълумки, сахна асари ёзиш қийин, комедияни яратиш ундан ҳам мушкул иш. Агарда биз драматургия оламига кириб келган қаламкашларнинг айрим нуқсонларини топиб олиб, уларни бўрттириб, пулфассиққа чиқариб юборсак, театрларимизни ижодий материалдан, уларнинг озуқасидан маҳрум қилиб қўямиз. Оқибатда уларни инқизорзаг учратамиз. Шу сабабдан ҳам ялт этиб кўринган истеъдод учкунини кўз қорашибидай асранимиз, унга барча имкониятларни туғдиришимиз зарур.

Ҳа, Саида Зуннунованинг лирик шеърлари, достонлари, бақувват насрый асарлари, Саид Аҳмаднинг ҳаётийлик тўлиб тошган, кувноқ юмор билан битилган, кучли сатира билан сугорилган асарлари, шу жумладан, «Келинлар қўзғолони» адабиётимиз ва санъатимизда абадий ўрин эгаллаб қолади.

*Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
профессор*

САИДАХОНИМ

*Бул хонада гўё тўхтаб қолган вақт,
Сувратлар боқади маҳзуна хаёл.
Бир боғлам бинафша терганча хушбахт,
Ой нуридай фаришта Аёл.*

*Очиқ дафтарларнинг саҳифасида,
Мехнаткаш қўлларнинг майин тафти бор.
Чала қолган шеърлар сарлавҳасида,
«Бири кам дунё» деб хўрсинар баҳор.*

*Ёмғир, қор ёғдирап баракатли Хут,
Қадр тунларидаи фараҳли айём.
Бу жаннат туфроққа ёғилмоқда қут,
Шоирам, сиз етмиши ёшга кирган шом.*

*Езёвон чүлидан учган ғозларми,
Хат ташлаб ўтодур Күйгәнәр томон?
Маъюс кўзингизда ёнган нозларни,
Согиниб сўзлайди Саид Аҳмад ҳамон.*

*Ҳамон давраларда гулчехра қизлар,
Оғзидан бол томиб сиз ҳақда айтур.
Жийда гулларидан тарафган ислар,
Ҳар тонг қабрингизни айлануб қайтур.*

*Сулув сувратингиз қасдма-қасд магрур,
Жилмайиб тик боқур жала-дўлларга.
Тоза руҳингиздан тарафади нур,
Садоқат аталган мушкул йўлларга.*

Ойдин ҲОЖИЕВА,
«Маърифат» газетаси,
27 февраль 1996 й.



ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ

(1929–2005)

«Мен билган ва ҳурмат қиладиган маънавий жасорат соҳибларидан яна бири атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов эди.

...Кўплаб юртдошларимиз қаторида мен ҳам, айниқса, Озод аканинг иродаси қандай бақувват эканига, унинг қалб жасоратига қойил қолганман.

...Озод Шарафиддинов мамлакатназарининг маънавий юксалиш йўлидаги буюқ хизматлари учун ҳақли равишда давлатназарининг олий мукофоти – «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганини халқимиз, жамоатчиликимиз яхши билади, албатта.

Ўйлайманки, ўзини ўзбек халқининг фарзанди деган ҳар қайси инсон ана шундай фидойи юртдошларимиз билан чексиз фаҳранади, униб-ўсиб келаётган болалалари, шогирдларига маънавий жасорат тимсоли сифатида айнан мана шундай одамларни намуна қилиб кўрсатади. Ва ҳеч шубҳасиз, умр бўйи эл-юрт манфаати, Ватан истиқболи учун курашиб яшайдиган шундай қаҳрамон фарзандлари бор халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

ИСЛОМ КАРИМОВ
(«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан)

1929 йил. Баҳорнинг илк куни. Ҳўқанди азимнинг Охунқайнар қишлоғи яқинида бир ўғлон дунёга келди. Отa-онаси унга яхши ниятлар билан фикрат дунёси эркин бўлишини истаб, «ОЗОД» деб исм қўйишди. Инчу-

нун, ота-оналар томонидан қўйилган ном фарзанд учун бу ёруғ оламдаги ярим нон дейишади, аслида. Узун түнларда онадан алла тинглаб улгайган Озод ўта меҳрли, ўта зукко, закий ўглон бўлиб етишиди. Шундан сўнг уларнинг оиласи маълум сабабларга кўра, Тошкентга кўчиб келишади.

Ўта билимга чанқоқлик, тўғрисўз-у, зукколик, табиийки, ҳамма муаллимларнинг эътиборини ўзига жалб қиласарди. Машойихлар «бала бошидан маълум», деганларига ишонаверинг. Бу ҳақ гап. У шундай қилиб, ўрта мактабни имтиёзли тугаллади. Сўнг, 1946–1951 йиллар давомида Ўрта Осиё давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига талаба бўлди.

Охирги курсга яқинлашгач, уни уйлантириб қўйишади. Кимга дей-сизми, ўзи каби дунёқараш кенг, ҳаётга тийран кўз билан қарайдиган оқила бир қизга. Тақдир тасодифларини қарангки, ўшанда бу қиз бошқа бирорвга унаштирилганди аслида. Аммо чин муҳаббат, чин тақдир энди уни қўлидан тутмоқда эди.

Қатор йиллардаги чархланиш, она заминдаги бобомерос заковат қонда жўш уриб, у энди дунё сари йўл олди. 1951–1954 йилларда у Москвадаги жаҳон адабиёти институти аспирантурасида таҳсил олди. Мақсад битта. У ҳам бўлса, она юрга чинакам бир зиёли, олим фарзанд сифатида қайтиш. Оила ва фарзандлар меҳри уни бу заминга қанчалик тортмасин, худди шу туйгулар қатори баб-баравар турадиган яна бир туйғу бор. Бу, албатта, ВАТАНга қарздорлик ҳисси.

1955 йил. Бу даврга келиб, она замин бағрида адабиётнинг бугуни ва эртаси учун кураш кетаётган пайтлар. Ана шундай далғали йилларда ёш олим О. Шарафиддинов «Урушдан кейинги ўзбек достончилиги» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Юртига қайтгач, ҳеч иккilanмай ТошДУдаги фаолиятини қизғин бошлаб юборди. Бу ерда 1994 йилга қадар ишлади. Минглаб шогирдлар етишитирди. Улар орасида Хайриddин Султонов, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Усмон Азим, Ҳалима Худойбердиева, Иқбол Мирзо сингари халқ суйганталантли ижодкорлар етишиб чиқдилар.

Аммо инсон учун бу ёруғ оламдаги энг олий баҳт ҳаётнинг пастубаландида, оғири енгилида, ҳамиша сенинг ённингда турувчи, сени ҳар қадамда тушуниб, ҳар бир нафасида борлигингни ҳис қилиб, бутун дунёсини сенга баҳшида қиладиган инсоннинг борлигидадир. Табиат мана шундай баҳтни олимдан аямади.

Ўзбек адабиётида миллий ва умуминсоний қадриятлар ривожига, ҳалқимиз маънавиятини юксалтиришга муносаб ҳисса қўшган ижодкорлар кўп. Аммо XX аср ўзбек адабий муҳитида ўз ибратли шахсияти, мустаҳкам эътиқоду дунёқарashi билан ҳамманинг севимли Озод Шарафиддиновига айланган бу олим ўта зукколиги ва айнан нотиқлиги

билин ўзбек муштарийларининг бетакрор адабий танқидчисига айланиб бўлган эди. У дунё юзини кўраётган ҳар бир асарга қон томирини ушламай туриб ҳам ташҳис қўя оларди. Моҳир мураббий 30 йилдан ортиқ Тошкент Давлат дорилфунунида талабаларга ўзбек адабиётидан сабоқ берди. Ўзига ўхшаган олим-адабиётшуносларни ҳам етиштирди. Ҳозирги кунда кўпчиликка таниш бўлган Зукко олимлар Умарали Норматов, Абдугофур Расулов унинг илк шогирдларидир.

— Танқидчи бўлишни истаган одам, — деганди у, — адабиётни бутун вужуди билан севмоғи, унга сидқидилдан фидойилик билан хизмат қилиши лозим. Ҳа, фақат шундагина сенинг номинг ўзингдан кейин ҳам яшайвега ради.

Бир умрга муҳрланган сўзлар. Устоз давом этгандилар: «Биз энди буюк халқмиз. Бизнинг улуғ аждодларимиз Алишер Навоийлар, Бобурлар, Абдулла Қодирийу Чўлпонлар, Ойбеклар олдида қарзларимиз борлигини ҳис қиласидиган авлод бўлишимиз даркор. Бунинг учун адабиёт боғига кириб келаётгандар, айниқса, ёш авлод буни чукур англаши ва бу гапларни юрагидан ўтказиб кўриши лозим!»

Устоз учун ҳамиша қадрли ва бедор тунларида кўп йиллар унга ҳамроҳ бўлган хонадонда, ижодий иш столи ёнидамиз. Тўғрисини айтсам, юрак уришим тезлашиб, ҳаяжонларим ортиб боряпти. Чунки мана шу стол адабиётимиздаги энг забардаст ва тош босадиган асарларнинг биринчи гувоҳи. Ҳа, устоз бу стolda кўп ўқиб, кўп ёзганлар. Дарвоқе, кўп қизиқкан киши кўп ўқиди. Кўп ўқиган киши кўп билади. Кўп билган одамга яшаш қийин, мушкул бўлади. Айниқса, у тўғрисўз бўлса. Олимнинг бир сўзлиги, қатъиятлилиги ҳақида кўп бора эшитгансиз. Аммо бу ростанам шундай. Озод Шарафиддинов ҳамиша ҳақ сўзни айтган, ҳақиқат учун ўзини фидо қиласидиган инсонлардан.

Ҳаётда нимага эришган бўлса, бу ютуқларда ўта камтар аёллари Шарофат ая Кўшбоеванинг ҳиссалари катта.



Озод Шарафиддинов



Самиимилик ва камтарлик! Мана шу икки сифат Абдулла Қаҳдорни улуғлаган ва қўкларга кўтарган фазилатлар. Бундан ташқари, у жуда доно ва нозик одам эди. Бу инсоннинг номини ҳатто тилга олиш мумкин бўлмаган пайтларда Озод Шарафиддинов ҳамиша уларни йўқлаб, асарларини қўкларга кўтаришининг ўзи чинакам мардлик эмасми? Бунинг устига чинакам одамийлик меҳрини кўрсатиш ўша давр нуқтаиназаридан жасорат, аслида. Чунки сал бир омади юришмаган одам билан ўйлашиб саломлашадиган одамлар йўқми, дейсиз орамизда? Ахир мана шундай инсоний муносабатлар аслида одамийликнинг бир кўриши-ку, тўғрими?

Мустақиллик — миллионлар орзуси. Энди олим учун орзулари ушалган даврлар келган эди. Илҳомбахш давр нафаси унинг қалбини уйғотиб юборди. Муккасидан тушиб ижодга шўнгиди. Чин маънода фидойилик даври бошланди. Истиқлолдан кейин 14 йил яшаган устоз О. Шарафиддиновнинг энди эътиқоди батамом ўзгарди. У бир неча йил олдин Лев Толстойнинг «ИКРОРНОМА»сини ўқиган. Бу асар унинг бутун ҳаётини, қалб-шуурини ўзгартириб юборди. Шу асар асносида олим ўзининг ҳаётини ҳам ақл тарозусида ўлчаб кўрди, қиёслади. Шундан сўнггина у бир қарорга келди. Сўнгра кўпчиликни ўзига жалб қилган салобатли мақола дунёга келди: «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?»

Ҳақ сўзни айтиш учун ютилган юраклар. Адабиёт учун қайгуришлар. Ҳаётдаги оқ-қора ранглар. Буларнинг ҳаммаси энди секин бош кўтариб, забардаст инсонга ҳужум қила бошлади. Касаллик зўрайгандан-зўрайди. Устоз ҳали у, ҳали бу касалхонадан бери келмас эди. Қаноатда филдай бақувват Озод aka ҳеч унга енгилгиси келмас, атайин ижодга шўнгигиб кетар эди. Худди шуларнинг исботи айнан истиқтол

йилларида устоз ўзгача бир илҳом билан ижод қила бошлади. Чунки бу даврда олим чинакамига меҳр ва хурмат кўрди. Бу даврда илм аҳлига муносабат ўзгарди.

* * *

Орадан кўп вақт ўтмай, 1997 йил Президентимиз И. Каримов ташаббуси билан «Хаҷон адабиёти» журнали таъсис этилди. Энди бу журнал устознинг 7 йил давомида «менинг нашримга», бутун вужудига айланниб бўлган эди. Ҳа, дарвоҷе, унинг биринчи сони чиққанида Озод ака касалхонада эдилар. Жисму жонидаги оғриқлар тамомила ҳолдан тойдираётган бир пайтда унинг қалбida қуёш порлади. Чап оёги кесилган ҳолатда ёз ойлари ўрталарида журналнинг нишона сонини қўлга олди. Ҳаётда шодлигу фам эгизак деса ишонаверинг.

Чиндан ҳам гойибона ҳолатлар ҳаётда бисёр. Улуғ салафлар оламини ўрганганинг сайин, улардан ҳар гал уммондаги дурлар мисол ҳар хил қирралар намоён бўлаверади. Лев Толстойдан кўп нарсалар домлага юқсан кўринади, назаримда.

Ҳа, булар айтишга осон. Неча йилдирки, тана зирқираб оғриб, устозга тинчлик бермайди. Бунинг азобини фақат тўшакка михланган, бу дардга чалинган одамгина билади. Касаллик ҳеч тинчлик бермас, аксинча, маънан бой инсон Озод Шарафиддинов ҳам бунга бўйин бермас эди. Ҳеч кимга дардини дастурхон қиласди. Уни кўришга борганилар гувоҳ бўлишган. Устоз азобни аксинча, фақат касалликни мазах қилиш, устидан кулиш билан кунни ўтказар эдилар. Шунча жасоратдан кейин ҳам бу инсоннинг феномени, сирли олами ҳақида қандай гапирмаслик мумкин?

Буни қарангки, 2004 йилда иккинчи оёқ ҳам вафо қилмади. Дилга чироқ ёқадиган умрбод вафодор бор. Аксарият касалларнинг палатасига кирсангиз, уларнинг ранги сарғайиб қолганининг ва кирганингиз заҳоти уларнинг касалдан шикоят қилиб, инқиллашининг гувоҳи бўламиз. Аммо бу инсоннинг палатасининг эшигини ўйлаб, минг бир истиҳола билан очаман. Чунки киришим билан «Фалон асарни ўқиганмисиз, фалон жойда бир воқеа бўлибди, эшитдингизми?» деб мени саволларга ўраб ташлар эдилар. Мен жимгина турганимча уларни тинглаб, кўзларимда ёш айланар эди. Чунки ҳозир қандай оғриқ бўлаётганини хис қилас.

Орадан кўп йиллар ўтди. Ҳали-ҳануз жисмоний оғриқларни писанд қилмаган мард инсонни касаллик ҳам енголмади. Аксинча, зўр илҳом билан ўз ижодини давом эттириди. 2004 йилда олимнинг бир йўла икки асари дунё юзини кўрди. «Ижодни англаш баҳти» ва «Довондаги ўйлар». Айтиш жоиз бўлса, бу икки асар олимнинг энг юлдузли онлардан бири бўлди, десам янглишман.



Юртбошимизнинг бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янгишмаган бўламиз, деганлари айнан О. Шарафиддинов сингари метин иродали, тафаккури кенг, ҳақиқат ва адолатни ўзларига қалқон қилиб олган инсонларни ўйлаб айтганларидир.

*Буюклик нимадир, айтинг, нимадир,
Балки у ғамларга сабр-тоқатда,
Йўқ, асл буюклик бир вақт кимгадир
Қилинган беминнат меҳр-шафқатда.*

*Буюклик нимадир, унда не мазмун,
Балки у ёлғондан тонмоқдир фақат,
Йўқ, асл буюклик ҳақиқат учун
Умр давомида ёнмоқдир фақат...*

Устознинг содик шогирдларидан бири шоир Мирпўлат Мирзонинг бу шеърий сатрлари айнан О. Шарафиддиновга бағишлисангандир, балки.

Икки оёғидан ажралган, бунинг устига кўриш қуввати ҳам ёмонлашган бўлишига қарамай, бу инсон ўз бурчи ва эътиқодига содик қолди. 600 дан ортиқ мақола ва таржималари, 30 дан ортиқ китоби билан ижод аҳли қалбидан муносаб жой олган зукко мунаққид, закий таржимон, моҳир устоз ва энг асосийси, мард ва маънавий жасорат тимсоли ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ 2005 йил 4 октябрда мангуга кўз юмди. Олим ҳақида гапирганлар «У ўзининг манфаатини ўйламасди»,

деб айтишади. Йўқ, улар ўз манфаатларини жуда чукур ўйлардилар. Лекин у бугунги манфаат эмас, балки келажак манфаати эди.

Бизга адабиёт ўқитувчиларимиз Широқ, Спитамен, Николай Островскийлар қаҳрамонликлари ҳақида кўп бора ҳикоя қилишган. Ажаб эмас, энди улар устознинг бутун бошли умр йўлларини ва маънавий жасоратини ёш авлодга ҳикоя қилиб беришса. Ҳа, бизнинг юртда инсон жисман ўлса-да, маънан ва руҳан тирик. Йил ўтади. Замон ўтади, ҳали авлодларга истиқлолнинг «маънавий жасорат» тимсоли санаалмиш бу юрт қаҳрамони ҳақида ҳикоялар, қиссалар яратилиб, кўплаб мурфак қалбларга кириб бораверади. Шу маънода унинг номи абадиятга, МАНГУГА дахлдор.

XX аср ўзбек адабий муҳитида ўз ибратли шахсияти, мустаҳкам эътиқод ва дунёқараши билан зиёлиларимизнинг бутун бир авлоди учун намуна бўлиб танилган аллома, бетарор мунаққид Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов чинакам миллат қаҳрамони ва маънавий жасорат тимсоли бўлиб яшаб ўтдилар.

* * *

Атоқли олим, мунаққид, таржимон, публицист ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов узоқ йиллар ТошДУнинг Ўзбек адабиёти кафедрасида доцент, профессор вазифаларида ишлади. Кейинчалик «Тафаккур» журнали бош муҳаррири ўринбосари, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири бўлиб ишлаш орқали бевосита журналистикамиз ривожига улкан ҳисса кўшиди.

Адабиётшуноснинг илк китоби — «Замон, қалб, поэзия» (1963) ўзбек танқидчилигига катта воқеа бўлди. Шундан сўнг унинг «Адабий этюдлар», «Яловбардорлар», «Истеъод жилолари», «Биринчи мўъжиза», «Адабиёт — ҳаёт дарслиги», «Ҳаёт билан ҳамнафас», «Ҳақиқатга садоқат», «Абдулла Қаҳҳор», «Чўлпон», «Чўлпонни англаш», «Сардафтар саҳифалари», «Маънавий камолот йўлларида», «Мустақиллик меъмори», «Ижодни англаш баҳти», «Довондаги ўйлар» каби ўнлаб адабий-танқидий монография, рисола ва илмий-публицистик мақолалари тўпламлари босилиб чиқди. Уларда XX аср ўзбек сўз санъатининг тараққиёт йўллари, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода,Faфур Фулом, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Сайд Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби сўз усталари ижоди атрофлича таҳлил этилди.

Олим умр бўйи адабий жараённи синчилаб кузатиб борди, аниқроғи, шу қозонда қайнади. Ўзбек сўз санъатининг навқирон намояндларига айланган Эркин Вожидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов каби ўнлаб истеъодларнинг вояга этишида ҳам устознинг бевосита хизмати сингди.

Истиқолол йиллари Озод Шарафиддиновни машҳур публицист олимга айлантириди. У мустақиллик одимларини, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни дахлдорлик масъулияти билан таҳлил қилиб борди, шу тариқа туб маънавий ислоҳотлар жарёнида бевосита иштирок этди. Хусусан, унинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий мавзулардаги публицистик чиқишлари кенг жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди.

Озод Шарафиддинов таникли ўзбек таржимонларидан бири эди. Унинг қалами шарофатидан халқимиз жаҳон адабиётининг ўнлаб дурданаларини она тилида ўқиши бахтига мушарраф бўлди. У Хўжа Аҳмад Аббоснинг «Ҳиндистон фарзанди», П. Мерименинг «Карл IX салтанатининг йилномаси», А. Рибаковнинг «Арбат болалари», К. Нажимиининг «Баҳор шабадалари», И. Буничнинг «Партиянинг олтинлари», Ф. Саганнинг «Қўлмак сувда Қуёш парчаси», Э. Севеланинг «Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан», О. Уальднинг «Дориан Грей портрети», В. Биковнинг «Ўпқон», В. Войновичнинг «Монументал тарғибот», П. Коэльонинг «Алхимик», З. Бжезинскийнинг «Буюк шахмат таҳтаси», У. Коллинзнинг «Ойтош», К. Абенинг «Шоирнинг ҳаёти», Я. Парандовскийнинг «Сўз кимёси», И. Голишигернинг «Ислом ҳақида маърузалар», «Шахмат ҳангомалари» асарларини, Л. Толстой, В. Белинский, Н. Добролюбов мақолаларини она тилимизга маҳорат билан ўғирди.

Айни пайтда атоқли олим кўплаб истеъодли шогирдларнинг меҳрибон устози сифатида кенг танилган эди.

Озод Шарафиддиновнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди:

У Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон фан арбоби унвонлари, Беруний номидаги давлат мукофоти, «Меҳнат шуҳрати», «Буюк хизматлари учун» орденлари ва бир қанча медаллар билан тақдирланди.

2007 йили, вафотидан кейин «Ижодни англаш баҳти», «Довондаги ўйлар» китоблари учун унга Ўзбекистон Республикасининг адабиёт соҳасидаги биринчи даражали давлат мукофоти берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида Озод Шарафиддиновнинг номи маънавий жасорат намунасини кўрсатган буюк шахслардан бири сифатида хурмат ва эҳтиром билан тилга олинган:

«Ҳаётининг аксарият қисми шифокорлар назоратида, оғир, тинкани куригадиган муолажалар остида ўтадиган одамнинг шундай улкан жасорат кўрсатиб яшагани, эҳтимол, кимгадир афсона бўлиб туюлиши мумкин. Лекин у кишининг соғлиги ва кайфиятидан доимо хабардор бўлиб, бу йўлда қўлидан келган ёрдамни аямаган барча инсонлар бунинг афсона эмас, ҳақиқат эканини, бизнинг орамизда бутун борлигини маънавият ва маърифатга бағишлигар ана шундай мард ва жасур бир шахс яшаб ўтганини яхши билади».



КИТОБСЕВАР, КИТОБСУЯР ВА КИТОБСҮЯРЛАР ТҮГРИСИДА ДОСТОН

Агар менга бирор газета муҳаррири «Китобингга фалон адабиётчи тақриз ёзяпти», деса, ўлланиб қоламан: «У адабиётчи китобнинг томирини топа олармикин? Айрим мунаққидлар борки, китоб моҳиятини англамай, танқидга куч беради. Китобни жуда қийнаворади. Дурустроқ, тажрибалироқ, китобнинг қон босимини тез аниқлайдиган, китобсевар танқидчи топилса — бу бошқа гап».

Шу маънода Озод Шарафиддинов холис, билимдон ҳамда китобсевар танқидчи. Мен бу ўринда Озод Шарафиддиновнинг китобсеварлиги түгрисида тўхжамоқчиман.

Ўзим шоҳидман, Озод билан ҳамсафар бўлишдан ҳузур қиласиз. Йўл-йўлакай ундан оҳори тўкилмаган гапларни эшиласиз, дунёда Озод ўқимаган китоб қолдимикан, деб ўйлайсиз. Вой, бунинг билафонлиги,вой унинг топафонлиги. Шуни ҳам айтиб кўяйки, Озод билан сафарга чиқиш — роҳат, сафардан бирга қайтиш — азоб. Албатта, машинада сафарга чиққан қайсиидир ёзувчига хотин, бола-чақалари Марғилоннинг оқ луччагидан ола-келинг, дейишади. Бири Фирвоннинг аниридан, бошқаси Ко-сонсойнинг ноки ёки Андижоннинг девзирасидан олиб келишини тайинлади.

Озод билан сафарга чиққан одамга бу гаплар ҳайф. Чунки сафардан наинки унинг ўзи, ҳатто уни сафарга олиб кетган машинали дўстлари ҳам икки қўлларини бурунларига тиқиб, қуп-қуруқ қайтадилар. Сабаб?

Йўлда қандоқки китоб дўкони кўринса, Озод, тўхтат, деб шофёрнинг билагига ёпишади. У, албатта, дўконга киради. Икки соат чамаси китоб титади. Кейин икки қўлтифи тўла китобни машинага юклайди. Шунаقا дўконларнинг тўртласига киргандაёқ машина тўлади. Кейин Озод бошқа машинага ўтади. Уни ҳам китобга тўлдиради. Иккала машинанинг фиддираги юқ оғирлигидан ерга қапишади. Кўзғолганда мотор инграб юборади. Нечта машина билан йўлга чиқсан бўлсак, ҳаммаси китоб билан банд бўлади.

Бу дўстимиз деярли ҳамма пулини китобга сарфлайди. Хотини Шарофатхон билан қизи Мұҳабbat атлас олиб келинг, деб берган пул ҳам қулогини ушлаганча кетади. Тошкентда бола-чақалари, келину кўёвлари, неваралари дадамиз уни олиб келади, дадамиз буни олиб келади, деб чучварани хом санаб ўтираверишади...

Бунга Озоднинг ўта китобсеварлиги сабабчи. Тўғриси, китобсевар бошқа, китобсуръяр бошқа ва китобсўяр бошқа.

Адабий танқидчилигимизда ҳар учови ҳам бор. Китобсевар китобни муқаддас билади. Унинг муаллифига ҳурмат билан қарайди. Китобсуръяр асарни ўқиб, бунда бир гап бор, жиндек суюб қўйсанг яхшигина китоб бўлади, деб уни кўллаб юборади. Китобсўяр эса китобнинг ичак-чавоғини ағдариб, уни йўққа чиқаради.

Начора, гул битган жойда тикан ҳам, янтоқ ҳам битади.

Янги китоб қўлёзмалари муҳокамаси зукко мунаққид Озод Шарафиддиновсиз ўтмайди. Кўпчилик бўлиб асарни эринмай муҳокама қиладилар. Баъзан, бўлмайди, бошқа тирикчилик қилинг, деган таклиф айтилади. Озод эса ўз фикрини назокат билан, муаллифнинг дили оғримайдиган қилиб айтади. Яъни олдин сўз айтган ўртоқларнинг фикрига қўшилган бўлади. Олдинги гапирганлар, «асар»нинг турган-битгани нуқсондан иборат, уни янгидан ёзиб чиқиш керак, деган бўлса, Озод ҳам аслида худди шу гапни айтади. Фақат йўли билан, жуда чиройли қилиб айтади.

Баъзида Озод гапнинг қон босимини томирини ушламай туриб билади. Бу жонкуяр адабиётшунос, моҳир мураббий ўттиз йилдан ортиқ Тошкент давлат дорилғунунида ўзбек адабиётидан сабоқ берди. Мингминглаб шогирлар етишитирди. Улар орасида Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Ортиқбой Абдуллаев, Раҳмон Кўчқоров каби таникли олимлар бор.

Профессор Озод Шарафиддинов илмий-педагогик фаолиятидан узилмаган ҳолда адабиётимизнинг чирсиллаб турган масалалари тўғрисида юзлаб мақолалар эълон қилди. У яратган «Замон, қалб, поэзия» китоби адабиётшунослигимизга сарин бир шабада олиб келди. «Адабий этюдлар», «Биринчи мўъжиза», «Адабиётимиз байроқдорлари», «Абдулла Қаҳҳор» китоблари унинг нақадар теран фикрли, мuloҳазаси кенг, услуби равон олим эканини намойиш қилди.

Озод тиниб-тинчимайдиган, ҳар бир воқеага шахс сифатида муносабатини ўз вақтида билдира оладиган ҳозиржавоб олим, адиб, педагогидир. Шу безовта қалб эгаси, дўстларига меҳрибон, шогирдларига қаттиққўл дўстимиз, ҳаётнинг жами аччиқ-чучукларини татиб кўрган биродаримиз Озод ҳамиша дўсту ёронлари, шогирдлари ардоғида.

*Сайд АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
1999 йил*

КИТОБЛАР ОЛАМИГА САЁХАТ

Мен эртаклар оламига, китоблар оламига саёҳатни севимли шоири-миз Ҳамид Олимжоннинг ушбу шеъри билан бошламоқчиман:

*Болалик кунларимда,
Ўйқусиз тунларимда,
Кўп эртак эшиштардим.
Сўзлаб берарди бувим.
Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳар бир айтган ҳиссаси
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди.*

Болалигимда анчагина қайсар қизалоқ бўлган эканман. «У-бу» деб хархаша қилаверсам, Шарофатхон бувим: «Қани, Камолаҳон, бир сенга эртак айтиб берай», деб ётоғимга бошлар эдилар. Гоҳида ўzlари тўқиб, гоҳида эса китобдан эртак ўқиб берар эдилар. Менга кўпроқ ўzlари тўқиган эртаклар ёқар эди. Чунки унда доимо ака-опаларим ва мен иштирок этар эдик.

«Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим ўтган замондамас, жуда олис томондамас, Тошкент деган шаҳарда бир малика яшар экан. Ўша маликанинг исми Камола экан» деганларида мен ўша эртакда ўзимнинг исмимни эшишиб, хурсандлигимдан кўзларим порлаб, зўр бериб бувимни тинглар эдим. Эртакда маликанинг яхши хислатлари гапирилар: уйқудан туриши, овқатланиши, уй юмушларига қарашишлари каби вазифаларни маликаи олам аъло даражада бажарар эди. Мен ҳам қайсарликларимни бир амаллаб енгиб, ўша маликага ўхшашга ҳаракат қиласар эдим. Агар қаҳрамонимиз гапга кирмай, тўполон қилиб, овқат емай қўйса, дарров бобо-бувиси хафа бўлиб, касал бўлиб қолишар экан. Кейин маликанинг ўзи ҳам бадбашара, хунук бўлиб қолар экан. Шунда малика хато иш қилганини тушуниб, хулқини тўғрилашга ҳаракат қиласар экан. Бувимнинг ҳар бир эртаги мени яхшиликка етакларди. Ўқишини, ёзишни ўрганиб олганимдан сўнг, ўзим эртак китоб-

ларни ўқий бошладим. Масалан, «Оловуддиннинг сеҳрли чироги», «Нўхат устидаги малика», «Зумрад ва Қиммат», «Бахл пашлавон» каби эртак ва «Том Сойэрнинг саргузаштлари» каби китоблар менда жуда катта таассурот қолдирган эди.



Бошлангич синфни битириб, юқори синфа қадам қўйганимда устозларимнинг кўрсатмасига кўра, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи, Ойбекнинг «Болалик», Абдулла Каҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» ҳикояларини, Сайд Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясини, Одил Ёкубовнинг «Улуғбек хазинаси», Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», «Баҳор соғинчи», Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема», «Асрга татигулик кун», Алберт Кейннинг «Золотой Фараон», Уилям Шекспирнинг «Гамлет» асарларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бу китобларни номма-ном санашимнинг сабаби, тенгдошларим ҳам бу китобларни ўқиб чиқишича, олам-олам қизиқарли таассуротларни олишларига аминман.

Китобларни топиша мэнда ҳеч бир қийинчилик туғилмаган, чунки ўйимизни бемалол китоблар олами деб аташ мумкин.

Бобом Озод Шарафиддиновнинг энг қизиқарли машғулотлари китоб ўқиши ва уларни йиғиш бўлган. Айтишларича, тахминан 10-12 ёшлидан бошлаб тўплаган эканлар. Улар: «Китоб — бу бебаҳо бойлик, уни ўқиб, асраган киши энг донишманд, ақёли инсон саналади. Китоблар оламига саёҳат қиласанг, сени қизиқтирган барча саволларга жавоб топасан», дер эдилар. Бобом мактабларда фақат ўзбек адабиётини эмас, жаҳон адабиётини, айниқса, рус адабиётини ўқитишини ҳам йўлга қўйиш керак», шу билан бирга, мактаб болаларни китоб билан дўстлашувига қўприк бўлиши керак, дер эдилар. Болалар ким бўлишларидан, қандай қасбни (ҳоҳ у магазинда, ҳоҳ бозорда, ҳоҳ далада ишласин) танлашидан қатъи назар, китоб унга яхши ҳамроҳ, маслаҳатчи бўлади.

Беҳбудий бобомиз ўз вақтида айтганларидек, ҳар бир мусулмон бола камида тўртта тилни билиши шарт: бу — она тили, форс тили,

араб тили ва бирор-бир Европа тили. Айниқса, рус тилидаги китобларни ўқиш имконияти бизда шаклланиб, базаси яратилган. Ундан унумли фойдаланиш керак.

Кунлардан бир кун Пиримкул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» китобини уйдан ҳам, кутубхоналардан ҳам топа олмадим. Албатта, бувамга мурожаат қилдим. Улар эса кимгадир бериб юборганликларини эсладиларда: «Қизим, ён дафтарчамни олиб бер-чи», дедилар. Пиримкул Қодировга қўнғироқ қилиб, соғликларини суриштириб, баъзи бир маълумотлар билан фикр алмашиб бўлишгач: «Бир китобсевар набирам бор. Шу «Юлдузли тунлар» романини ўқиши учун бериб турсангиз?» деб сўрадилар. Эртаси куни машҳур ёзувчи уйимизга келиб, «Озод, яхшиям набирангиз бор экан, шу қизалоқ баҳона сиз билан дийдор кўришдим», деб анча ўтириб, меҳмон бўлиб, сұхбатлашиб, чигилларини ёзиб, кета туриб китобларини менга совға қилдилар. Китобни очиб ўқимоқчи бўлиб варакласам, «Озод дўстимнинг китобсевар набирасига» деб ёзилган битикка кўзим тушди. Албатта, бу китобдан жуда қизиқ маълумотлар олдим, билимимни бойитдим. Мени лол қолдирган нарса — икки забардаст ижодкорнинг мендек бир ёш болага бўлган эътибори бўлди.

Китоб ўқишига қониқмасдан бувамга «нима, қанақа, қачон» деган саволларни кўп берар эдим. Бувам олдиаги ишларини четга суриб, эринмай жавоб беришга киришар эдилар. Уларнинг кўп нарсаларни билишларига қойил қолар эдим. Ҳар доимги саволларим қаторида «Бобоҷон, сизни китоб ёзишингизга нима илҳом беради?» деган саволимга «Менимча, табиатнинг ўзи ва албатта, китоблар» деб жавоб берар эдилар. Ёки «Қаҳрамон бўлиш учун нима қилмоқ керак?» деган саволимга «Ўзингга топширилган вазифани сидқидилдан бажаришингнинг ўзи кифоя» деб жавоб берар эдилар. Ва, ниҳоят: «Бобоҷон, бола бўлиб қолсангиз, нима қилган бўлардингиз?» деб сўрасам, улар шундай жавоб берар эдилар: «Хали-ҳанузгача ёш бола бўлиб эртак эшитгим келади, китоблар оламига саёҳат қилгим келади».

Камола ШАРАФИДДИНОВА

УСТОЗ САБОҚЛАРИ

Телевидениеда тайёрланаётган кўрсатувимизга интервью олиш учун тасвирга олиш гуруҳи билан устоз Озод Шарафиддиновникига йўл олдик. У киши бизни мамнунлик билан кутиб олдилар ва менга ишингни давом эттирганингдан хурсандман, дедилар. Чунки талабалик чоғимдаёқ Бегали Қосимов устозим мени «Унутилмас сатрлар» кўрсатувига таклиф қилиб, ўша пайтданоқ телевидениега ихлосимни ортириган эдилар. Бу галги кўрсатувимиз «Эрта сўнган юлдузлар»дан шоир Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган эди. Домла ҳар галгидек маромига етказиб савол-

жавоб қилдилар. Сүнг «Ўзинг нима қиласыпсан», дедилар. Мен мана шу күрсатувни ва яна бир қанча ижодий ишларни қалаштириб гапирган эдим, устоз кулиб, «Ҳозир күрсатув қиляпсан одамлар эслашади, вақт ўтиб ҳамма сенинг күрсатувингни унугади, эфир шунақа бевафо, бу нарса тарихда қолиши амри маҳол, сен яхшиси шеърингни ташлаб қўйма, китоб қолдиришга ҳаракат қил», дедилар.

Ўшанда шеърларим пала-партиш ҳар қаёқда ётарди. Худо шундай меҳрибонки, мен бу гапни келиб турмуш ўргумга айтдим. Лекин ижодкорлардаги кўп тарқалган «касаллик» — эсимдан чиқди-кетди. Буни қарангки, Бахтиёр акам ҳар қаёқда ётган шеърларни тўплаб, нашриётга олиб бориб, топширибдилар. Ном танлашга келганда менга мурожаат қилдилар. «Бугун нашириётга бориб айтиш керак», деганларида кўзларимдан ёш тирқираб оқди. Чунки елиб-югуришлар билан бўлиб, бу нарса менинг хотирамдан тамомила учиб кетганди-да.

Хуллас, китобим ҳам чиқди. Мен уни минг истиҳола билан устоз Озод акага олиб бориб бердим. Олдиндан устозга менинг шоирликка ҳеч даъвогарлигим йўқ, юрак захрини тўкиш учун ёзаман», деб қистириб қўйдим. Ўта нозик, айни пайтда, зукко танқидчи устозим нима деркинлар, деган хаёл мени ҳеч тарқ этмасди. Чунки устоз Озод акам сўзга ўта жиддий ёндошардилар. Бу ҳақиқат. Кунларнинг бирида мени Озод акам чақирдилар. Тонг отишининг қанчалик узоқлигини шунда билганман. Оёқларим қалтираб бир гапни кутяпман. Устозим: «Сен бошқа ишни қил. Шеърни тинч қўй», десалар нима бўлишини ўйлаб чиқдим. Хуллас, қолган гаплар ўзимга таалуқли. Узоқ термулиб турганларида қанчалик терга ботганларимни фақат ўзим биламан. Сүнг, менга юзланниб дуруст, дедилар. Энг асосийси мен энди мухлисларим ичида биринчи менинг таҳлилчим, устозим борликларини хис қилардим. Ҳар гал биринчи кўнғироқ устоз Озод Шарафиддиновдан бўларди.

Ҳаттоқи Гулруҳ қизим күрсатув ижодкорлари деган титр кета бошлиши билан «Ҳозир устозингиз телефон қиласидилар», деб мени огоҳлантиради. Ўша таҳлилий сұхбатлар, ўша танқидий гаплар, ўша ҳар бир сўз устида кўп маротаба ишлаш кераклигини уқтиришлар мени сергак қилган бўлса, ажабмас.

Ва ниҳоят иккинчи китобимга Озод Шарафиддинов сўзбоши ёздиilar. Уни кимдир ўқиб, «Бу бировнинг соясида кун кўриш» дейдиганлар ҳам бордир эҳтимол. Лекин гап оддий шогирдга муносабатда. Унинг униб-усиши, камол топишига ғамхўрлик. Ахир оддий уруғни ҳам кўлга олиб томоша қилган билан ҳеч нарса юз бермаганидек, ҳар бир нарсага ҳам меҳр ва эътибор керак. Ҳозир шунақа жонкуяр устозларни соғинаман.

Устоз деганда дарсни ўтдим бўлди, олгани олсин, олмагани қараб ўтиурсин эмас, балки ҳар бир устознинг ким ва қандай инсон эканлиги, унинг тарбиялаган шогирдларида...

Муҳаббат ҲАМОРОЕВА



ҲАМИД ФУЛОМ

(1919—2005)

Ҳар бир ёзувчининг фаолиятида муҳим ўрин тутадиган ўз мавзулари, гоялари бўлади. Ана шу мавзулар ёзувчининг, минглаб мухлисларнинг юрагидаги ҳаяжонлар, кўнглидаги изтироблар, хаёлидаги орзулар билан пайваста бўлиб кетса, ана шунда ёзувчи битган асарлар халқнинг маънавий мулкига айланади. Маънавий мулк эса халқнинг ўзи билан бирга наслдан-наслга, авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолаверади. Ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири Ҳамид Фуломнинг «Машъал», «Тошкент-ликлар», «Мангулик», «Бинафша атри» каби асарлари ана шундай маънавий мулкимизга айланган.

Таниқли адиб, шоир, драматург ва жамоат арбоби Ҳамид Фулом (Ҳамид Убайдулла ўғли Фуломов) 1919 йил 25 апрелда Тошкент шаҳрининг Бешёғоч мавзеидаги Арпапоя маҳалласида таваллуд топди.

Адибнинг отаси Убайдулла Фуломов ўша вақтда 24 ёшлик навқирон муаллим ва ҳаваскор шоир бўлиб, 1921 йилда вафот этган.

Ҳамид Фулом онаси Қория Темур қизининг тарбиясида қолган. Қория опа даврининг ўқимишли аёлларидан бўлиб, ўз хонадонида қизлар учун мактаб очган Отинойи бўлган, кейинчалик фабрикага ишга кириб, чеварлик қилган.

Ҳамид Фулом Форобий номидаги мактабда таҳсил кўрди, сўнг Ўрта Осиё Индустрисал институтида 1936—1937 йилларда ўқий бошлади. Айни вақтда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика инсти-



Бўлажак адибнинг ижодига ўша вақтдаёқ забардаст шоирлардан Ҳамид Олимжон,Faфур Фулом, Ойбек эътибор билан қарадилар. Ҳамид Олимжон унга М. Ю. Лермонтовнинг «Мцири» достонини ўзбек тилига таржима қилишни ишониб топширди. Faфур Фулом бир қанча ёш шоирлар қаторида Ҳамид Фуломга ҳам эътибор бериб, унга маънавий устозлик қилди. Адиб 1941 йил 30 марта Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиб кирди.

Ҳамид Фулом меҳнат фаолияти жуда эрта бошланди. У ўспирийлик чоғидаёқ саводсизликни тутгатиш курсларида дарс берди, турли газета ва журнал таҳририятиларида ишлади. 1941 йил июнь ойида, яъни фашизмга қарши уруш бошланган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистон Давлат Радиокомитетига ишга олинган Ҳамид Фулом то ғалабага қадар бош диктор вазифасида ишлади.

Айни вақтда «Қизил Ўзбекистон» («Ўзбекистон овози») газетаси таҳририятида 1944 йилдан ўриндошлиқ йўли билан иш бошлаб, 1954 йилгача адабий котиб вазифасини бажарди.

1954—56 йилларда Москвада Олий адабиёт курсида таҳсил кўрди, 1956—58 йилларда «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги мухбири сифатида фаол иш олиб борди.



Унинг шундан кейинги меҳнат ва ижодий фаолияти бевосита Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида кечди. 1958—1965 йилларда Уюшма бошқарувининг котиби, 1965—1971 йилларда «Шарқ ўлдузи» журналинг бош муҳаррири вазифасини бажарди.

Айниқса, адибнинг 1971—1981 йилларда Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётидаги раҳбарлик фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу даврда адибнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, ўзбек ва жаҳон адабиётида ҳодиса бўлган сара асарлар дунё юзини кўрди ва нашриёт номи нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонди.

Ҳамид Fулом адабиёт ва санъатнинг турли жанрларида ижод қилди. Насрда «Машъял», «Мангулик», «Феруза», «Бинафша атри», «Машраб», «Тошкентликлар», «Қорадарё» романлари, «Олмос қизи», «Вафонинг узун йўли» ва бошқа қиссалари, туркум ҳикоялари, очерк ва публицистик мақолалари дунёга келди. Драматург сифатидаги ижоди ҳам сермаҳсул. У, асосан, мусиқали драматургия соҳасида бастакорлардан Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Матниёз Юсупов, Шоҳида Шоҳимардоновалар билан ижодий ҳамкорлик қилди. Машҳур режиссёр Раззоқ Ҳамроев, мумтоз актёр Сойиб Ҳўжаевлар билан биргаликда яратилган «Тошболта ошиқ» мусиқали драмаси адид ижодида алоҳида ўрин тулади.

У Истиқлонни чексиз шодиёналийк ва кўтариинки руҳ билан қутиб олди. Ўнлаб шеърлар, публицистик мақолалар ёзди. «Ассалом, ўзбегим!» таронаси радио ва телевидение орқали, концерт саҳналарида баралла янгради.

Ҳамид Fулом

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, республикада хизмат қўрсатган санъат арбоби, қатор мукофотлар совриндори ҲАМИД ФУЛОМнинг 90 йиллик юбилейи 2009 йилда кенг нишонланди.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Истиқоллиниг етти йиллиги муносабати билан эълон қилинган Фармонида Ўзбекистоннинг энг фаол, энг ардоқли ижодкорлари қаторида Ўзбекистон халқ ёзувчиси ҲАМИД ФУЛОМни ҳам «Эл-юрг хурмати» ордени билан мукофотлади. Шунингдек, адаб «Меҳнат шуҳрати» ордени ва «Шуҳрат» медали билан ҳам тақдирланган.

СЕРҚИРРА ИЖОДКОР

Очигини айтай, мен қаламга олмоқчи бўлғаним хушмуомала, хушфеъл инсонни ниҳоятда хурмат қилганман ва 70 йил давомида машҳур қаламкаш, атоқли маданият арбоби Ҳамид Гулом ижодини кузатиб борганман. Биринчи бор унинг балладаларини ўрта мактабдаёт ўқиб, жозибаси ва мазмунига қойил қолган эдим. Шу-шу Ҳамид Гуломга меҳрим тушиб қолди. Шу туфайли унинг қаламидан чиққан бадиий асарларни завқ билан ўқидим. Уларни ўқиган сарим муаллифга бўлган меҳрим, муҳаббатим ошиб, тобланиб бордим. Шу сабабдан ҳам айрим асарларига оғзаки ёки ёзма равиша муносабатларимни мамнуният билан билдирганман.

Ҳамид Гулом ижодининг туб моҳиятига назар солсак, унда соғлом ғоялар, ажойиб ниятлар, мустақиллик мафқурасига мос ва хос бўлган қарашлар, бадиий баркамоллик жиҳатлари бўртиб туради.

Бу, биринчи навбатда, меҳнат кишисини улуғлашда намоён бўлади. Унинг биронта асари йўқки, унда бу масалага лоқайдлик билан қаралган, меҳнатнинг Ватанни юксалтиришдаги, халқ фаровонлигини таъминлашдаги роли қўрсатилмаган бўлсин. Айрим мисоллар келтирайлик. У «Сенга интиламан», «Бинафша атри» романларида Мирзачўлни ўзлаштиришда жонбозлик билан меҳнат қилган ажойиб замондошларимизнинг ҳаёти ва курашини мадҳ этади. Ёки «Тошкентликлар» романини олайлик. Унда иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона ишлаган аёллар ва кексаларнинг, эвакуация қилинган завод-фабрикаларни тезда қайта қуриб, ишга туширишда меҳнаткашларнинг кунни тунга улаб қилган қаҳрамонона меҳнатлари билан ҳикоя қилинади. Бу асарда меҳнат билан фронтдаги мардлик эгизак сифатида ифода этилган.

Ҳамид Гулом ижодининг ижобий жиҳатларидан яна бири — юртни севиш, ватанпарварлик мотивларини куйлашдир.

Бу мавзу ижодкорнинг марказий мавзуларидан бирига айланган ва ўз-ўзидан дўстлик мотивлари билан уйғунлашиб кетади.

Адаб жаҳоннинг жуда кўп мамлакатларида бўлган ва ҳар бирининг

ўзига хос жиҳатларини қалбидан ўтказиб талқин ва таҳлил қилган. Оқибатда «Куба ҳақида ҳикоялар», «Қитъалар уйғоқ», «Европа таассурутлари», «Хиросима балладалари», «Жазоирда тонг» каби пухта асарлари билан ўзбек миллий адабиётида халқаро мавзуни бойитди.

Ҳамид Фулом ижодида мамлакатимизда юз берган йирик ҳодисалар ҳам муҳаббат билан қаламга олинган. «Машъял» романида XX асрнинг бошларида ўзбек халқининг ҳаётида содир бўлган муҳим масала – маданий кўтарилиш жараёни ёрқин, бадиий шаклда ифодаланган. «Мангулик»да ҳам халқ тарихининг бир қисми – маънавият ва маърифатнинг республикада авж олиши акс эттирилган.

Ҳамид Фулом ижоди маълум даражада ўзбек миллатининг бадиий солномаси сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Буларга яна унинг поэтик асарларини, қатор очерклари ва комедияларини кўшсак, ишончимиз янада ортади. Характерли томони шундаки, у адабиётнинг барча тур ва жанрларида муваффақиятли қалам тебратиб, шоир сифатида ҳам, ёзувчи, драматург, очеркнавис, таржимон сифатида ҳам баракали ижод қилган.

Унинг очеркларида, албатта, бирор долзарб муаммо ёки халқ хўжалигидаги янгилик кўтарилади, шу билан бирга, олдинга кетишимизга тўсиқ бўлган иллатлар қаттиқ саваланади.

Энг қийин жанр – драматургияда ҳам у ўзига хос услуг яратди, унинг сир-асорларини чуқур ўрганиб, драматургияни, айниқса, комедияни тараққий эттириди. Биринчидан, Ҳамид Фулом ўз комедияларига мусиқа басталашда йирик бастакорларимиз Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Манас Левиев, Сулаймон Юдаковларни жалб қила олди. Демак, Ҳамид Фулом комедияларининг бадиий савияси уларни қониқтира олган.

Иккинчидан, санъаткорнинг кўп комедияларини томошабинлар илиқ кутиб олишди, шу сабабдан ҳам улар узоқ вақт саҳнадан тушмади.

«Қуралай кўз, қуралай
Тўйнугингдан мўралай,
Сан ялло айтганингда
Оҳангига ўргалай».

«Тошболта ошиқ» комедиясидаги бу ария томошабинлар ўртасида кенг тарқалиб, ёд бўлиб кетди, улар қалбидан ўрин эгаллаганлигининг гувоҳи бўлганман. Ҳамид Фулом бундан ташқари «Фарфона ҳикояси», «Ўғил уйлантириш», «Ажаб савдолар», «Муҳаббат навоси» пъесалари билан Муқимий номидаги мусиқа театрининг репертуарини бойитди.

Шу саҳна асарларининг кўпи миллий комедия санъатини тараққий эттириш билан бирга, мусиқали театрларимизнинг



Қадди-қоматини күтариб олишида, артистларимизнинг маҳоратини оширишда самарали роль ўйнаганлигини қайд этиб ўтамиз.

Адибнинг яна жиддий ижодий саҳифалари ҳам борки, улар ҳақида тўхтамасак, ижодий қиёфаси кўз олдимида тўла намоён бўлмай қолади. Гап санъаткорнинг либереттист ва киносценарист сифатлари устида кетмоқда. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида қўйилган «Хоразм қўшиғи» операсининг асоси — либереттоси ҳам талантли шоиримиз қаламига тааллуқли.

Юқорида айтганлардан кўриниб турибдики, Ҳамид Фулом серқирра ижодкор. У қайси жанрга қўл урмасин, уни қойил қилиб уddaрайди.

Ҳамид Фуломнинг бу фазилатлари атоқли рус адаби Константин Симоновнинг фаолиятини кўз олдимга келтиради. У ҳам адабиётнинг барча жанр ва турларида қалам тебратиб, бадиий дурдоналар яратиб кетган. Ўзбек санъаткорининг рус қаламкаши билан самимий ҳамкорлиги, дўстлик ришталарининг мустаҳкам пойдеворига эга бўлиши ҳам тасодифий бўлмаса керак. Ҳа, бу дўстлик ўзининг ажойиб меваларини берган. Ҳамкорликда Мирзачўл ҳақида фильм сценарийсини ёзишлари, бир-бирларининг асарларини ўз она тилларига таржима қилишлари ҳам дўстликнинг самараси бўлган.

Бир ажойиб ҳодисанинг шоҳиди бўлганман. К. Симонов Ҳамид Фулом ҳузурига келганда, у Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестини

мақтаб-мақтаб, улуг рус адибини таржима қилдиришга күндириган бўлади. Бу унинг катта савобли иши эди.

Ҳамид Фуломнинг яна бир фазилати ёқимли, ажойиб овозга эга бўлишидир. У ҳар бир бадиий асарни, айниқса, шеър ва поэмаларни чиройли оҳангда, чуқур билимдонлик билан ўқирдикси, эшитувчиларни лол қолдирарди. Ҳатто Fafur Fulom ва Oйбекдай сўз усталари ҳам ўзларининг поэтик асарларини Ҳамид Fулом ўқиб беришини илтимос қилишар эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида жангчиларнинг мардона курашини таҳлил қилувчи материалларни радиоода бош диктор Ҳамид Fулом жарангдор овози билан таъсирли қилиб ўқиб берган. Таъкидлашим керакки, Ҳамид Fулом бу материалларни шундай ўқир эдикси, тингловчи қалбини ларзага соларди, кўнглини кўтариб, меҳнатга илҳомлантиради. Шу туфайли эл орасида Ҳамид Fулом ўзбекларнинг «Левитани» деган овоза тарқалган эди. Улуг адабимиз Ойбекнинг 60 йиллиги тўйида унинг миннадорчилик хатини Ҳамид Fулом ўқиб, залдагиларни тўлқинга солиб юборганининг гувоҳи бўлганман.

Унинг бу истеъодони иирик адабимиз Said Аҳмад таъкидлаб, «Ҳамид Fулом врачларнинг берган справкаларини ҳам худди шеърдай ўқийди», дейишида жон бор.

Биз «кекса авлод»нинг адабиётимиз равнақидаги улкан хизматларини, барча жанрларида бадиий намуналар яратганликларини завқланиб ёзганмиз. «Ўрта авлод» ҳам ундан сабоқ олиб, унинг анъаналарини давом эттириш билан бирга адабиётимизнинг тараққиётига, унинг жаҳон миқёсида янада кўркамроқ танилишига ўзига хос ҳисса қўшган.

Ҳамид Fулом узоқ вақт Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқа қилувчи қўмитанинг раҳбарларидан бири сифатида фаолият кўрсатди. Шу даврда у миллий қаламашларнинг асарларини чет элда нашр қилиш, чет эллик адабиётарнинг бадиий дурдоналарини республикамизда чоп эттириш учун жонбозлик кўрсатди.

Адабининг асарларида миллий ҳаётимизнинг кейинги 70 йиллик тарихи, ҳалқнинг босиб ўтган йўли ўз ифодасини топганлиги билан ҳам бизга қадрлидир. Ҳамид Fуломнинг пишиқ-пухта бадиий асарлари рус, хитой, инглиз, француз, форс, эрон, украин, озарбайжон, қозоқ тилларига ўғирилган.

Ҳамид Fуломнинг яна бир фазилати – яхши ташкилотчилигидир. У қаерда ишламасин, «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг котиби каби лавозимларни ўрнига кўйиб бажарди. Маданиятимиз ривожига, қаламашларнинг асарларини чоп эттиришга катта ҳисса қўшиди.

Ҳамид Fуломнинг «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланиши, «Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси», «Ўзбекистон Республи-

каси санъат арбоби» унвонлари билан мукофотланиши унинг ижодий хизматларининг муносаб баҳоланишидир.

Ҳамид Фулом ҳалқимиз қалбида абадий қолишига ишончимиз комил.

**Умарали НОРМАТОВ,
профессор**

БИНАФША АТРИ

Мен атоқли ёзувчимиз Ҳамид Фулом асарларидаги хотин-қизлар образини чинакам зиёли, назокатли ва курашchan аёллар тимсоли деб биламан. Улар доимо манфаатта, катта ҳаётга, кенгликларга интиладилар. Юракдаги меҳр-муҳаббат қўрларини атрофдагиларга бахшида этишга чоғланадилар. Бундай фидойилик, жасорат, айниқса, адабнинг «Машъял» романидаги Эъзозхон тимсолида яққол намоён бўлади.

У аёлларни чексиз ҳурмат билан тасвирлайди, оналик жозибаси, дилбарлиги аёл фазилатидаги маъсумлик, латофатлик, ҳаётсеварликни адабимиз foят нафис чизгилар билан тасвирлайди. Чўлларга бинафша атрини олиб борган Инсон қадамларига мадхия айтади у.

«Тошкентликлар» асари эса воқеалар қамрови, олийжаноб талқинлари билан ўқувчига қадрдон бўлиб қолган.

Ҳамид Фулом қаламига мансуб юзлаб қўшиқлар, унинг таржимасидаги кўплаб жаҳон ва қардошлар адабиётининг дурдона асарлари, қаҳрамонлари эл орасида машҳур бўлиб кетган. «Тошболта ошиқ»



томушаси ёзувчининг ижод уфқлари кенглигини кўрсатади. Мухлисларга айтадиган гаплари шеърга сифмаганда насрга қўл уриши, насрга сифмаганда эса саҳнавий асарларга дадил мурожаат қилиши ёзувчининг кенг қиррали ижодкорлигидан далолатдир.

Ҳамид Фулом «Шарқ юлдузи» журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаган йиллари бу адабий нашр гуллаб-яшнаган, ўқувчилар давраси кўпайган, унинг ҳажми ҳам йигирма босма тобоққа етган эди. Ёшларга ниҳоятда меҳрибон, уларни ҳамиша қўллаб-кувватлайдиган Ҳамид Фулом кўнгли кенг бош муҳаррирлардан эди. Ҳиммат ва саховати кўпларга ўрнак эканлиги сир эмас. Ҳуда-бехуда ходимларини тергайвермас, уларни ўз ихтиёрига қўйиб берар, ҳар гал навбатдаги соннинг режаси тузилаёт-гандан ходимларига янги мавзулар бериб, уларни рағбатлантирар эди.

Faafur Fулом номидаги нашриётда директор бўлиб ишлаган йиллари ҳам Ҳамид aka адабиётимизнинг чинакам жонкуяри, тарғиботчиси, ёш ижодкорларнинг ҳақиқий устози бўлиб, уларнинг китобларини кўп нусхаларда чоп эттиришда меҳр-илтифотини аямади. У ўнлаб ёш шоир ва ёзувчиларга оқ ўйл тилаб, уларни катта адабиёт майдонига олиб кирди. Катта анжуманларда, минбарларда жаранглатиб шеърлар ўқиганида Faafur Fулом, Ойбек каби устозларнинг меҳрини қозонди.

Устоз Ойбекнинг 60 йиллик, Шуҳрат аканинг 70 йиллик таваллуд айёмларида Ойбекнинг, Шуҳратнинг армон ва фаҳр тўла сўзларини ўқиб берганида, Ойбекнинг, Шуҳратнинг нидосини халққа етказганида бутун халқ ҳаяжон билан тинглаган эди Ҳамид Fуломни...

Ҳамид Fулом ёнида сўлим, маъсума рафиқаси Манзурахон ая билан умр деб аталган синовларга тўла, машаққатли йўлларнинг саксон олти довонини босиб ўтдилар. Умр деб аталган бу йўлнинг олтмиш етти довонини елкама-елка, баҳту иқболини баҳам кўриб, зулматли кечаларда ҳамдард бўлиб, меҳнат ва ижоднинг қувончларидан кўнгли юксалиб ёруғ кунларга келишининг ўзи баҳт. Аллоҳ суйган бандаларига узоқ умр баҳш этади. Мукарримликка мұяссар қиласи. Яхши рафиқа билан сийлайди. Қобил ва доно фарзандларга ота бўлиш баҳтини беради. Минглаб мухлисларнинг ихлосини ҳадя этади. Уни севиб тингловчи, даврага кирганда сийлаб тўрга ўтказувчи, ёзувчим деб улуғловчи она халққа сазовор этади. Боз устига кўнглини кўтартгувчи мукофотлар, унвонлар ҳам беради.

Ҳамид Fулом ана шундай сийловлар, рағбатлар ва эл-юрт эҳтиромига эришган улкан ёзувчимиз эди. Шогирдларига қилган барча яхшиликлари ва эзгуликлари умрбод юракларда сақла-нажак.

Унинг вазмин ва улуғвор чеҳраси, меҳрибон, олийжаноб қиёфаси шогирдлар қалбida машъалдай нур сочиб туражак.

Хафиз АБДУСАМАТОВ,
адабиётшунос олим, профессор

Ҳамид Fулом

ЖЎШҚИН ҲАЁТ ВА ИЖОД СОҲИБИ

Расмий доира одамлари, тенгдошлари унга «Ҳамид Убайдуллаевич» деб мурожаат этардилар, биз тенгилари эса оддийгина, ўзбекона қилиб «Ҳамид ака» деб атардик.

Ҳамид акани шахсан мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига котиблик қилган 60-йиллар бошларидан биламан. Сўнг у киши «Шарқ юлдузи»га бош муҳаррир бўлдилар, ўн йиллар муттасил Fafur Fулом номидаги нашриётда директор лавозимида ишладилар. Котиблик, бош муҳаррирлик, директорлик лавозимларида фаолият юритган кезлари адабий-ижодий жабҳанинг моҳир ташкилотчиси сифатида танилдилар. Ўша кезлари бу танти, мард, юксак маданиятли одамдан биронта ижодкор норози бўлганини билмайман. Ёзувчилар уюшмасида ишлаган кезлари бу даргоҳдаги адабий-ижодий ҳаёт қанчалар гуркираб кетганини, жўшқин тус олганини яхши эслайман. «Шарқ юлдузи»га муҳаррирлик қилган йиллари журнал адади 25—30 мингдан юз минг нусхага етганди. Ўз даври учун «қалтис асар» саналган «Олтин зангламас» романи, Дўйчи Эшон қўзғолонининг 70 йиллигига бағишланган мақола унинг жасорати туфайли журнал саҳифасида босилди.

Ҳамид ака директор бўлган 1971—1981 йилларни Fafur Fулом номидаги нашриётнинг энг омадли даври деб аташ мумкин. Ўша йиллари Абдулла Қодирийнинг романлари 150—200 минг нусхада чоп этилган эди. Миллӣ замонавий адабиётимизнинг классиклари саналмиш Ойбек, F. Fулом, А. Қаҳҳор, М. Шайхзода, Миртемирларнинг кўп жилдли асарлари нашри амалга оширилди. Жаҳон адабиётининг талай нодир на муналари, жумладан, «Илоҳий комедия», «Фауст» таржималари дунё юзини кўрди. Адабиётимизда пайдо бўлган ҳар бир янгилик «яшин тезлиги»да китоб ҳолида ўқувчига етиб борди. Нашриёт тарихида ҳеч қачон мунаққидлар асарларига бу қадар саховат кўрсатилган эмас — ҳар йили ўнлаб, йигирмалаб адабий-танқидий китоблар чиқиб турган.

Ҳамид ака мана шундай жамоатчилик-ташкилотчилик ишлари билан баробар ҳам шеъриятда, ҳам насрда, ҳам драматургияда, ҳам публицистикада фоят баракали ижод қилди. Унинг икки китобдан иборат «Машъал», «Тошкентликлар», «Сенга интиламан», «Бинафша атри», «Мангулик» романлари ўз вақтида қизиқиш билан ўқилган, мукофотлар билан тақдирланган. «Мангулик» романи эса хитой тилига таржима қилинган. Шеърлари қўшиқ қилиб айтилган. Муқимий театрида саҳнаналаштирилган «Тошболта ошиқ» комедияси ҳануз одамлар оғзидан тушмайди. Ҳамид ака жаҳон кезган, улкан ҳалқаро минбарларда ўзбек эли, адабиёти шаънини кўтаришдек савоб ишларни адо этган, ҳалқаро мавзуларда кўплаб асарлар битган адиб. Унинг «Қитъалар уйғоқ» китоби, ҳикоя ва романлари жаҳоннинг қирқдан ортиқ тилларига таржима қилинган. Адабнинг ўз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Вафо-нинг узун йўли» асарининг бугунги адабиётимизда муносиб ўрни бор.

Дунё кезган, кўпни кўрган, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирлар

билин мулокотларда бўлган, Faфур Гуломнинг энг яқин жигари – шогирдларидан саналган, ўша оғир замонларда масъул лавозимларда ишлаб, бирорта ижодкор ҳамкасби дилига озор етказмаган бу табаррук зотнинг адабиётимиздаги хизматлари бир умр унутилмайди.

ҲАМИД ФУЛОМ ВИДОСИ

*Дўст-ёронлар, хуш энди,
Иссиқ дийдор туш энди,
Тилдан қолди, водариғ,
Юрак деган қуш энди.
Даврангизнинг тўрида
Битта ўрин бўш энди,
Бир кун Сизга қайтаман...*

*Мен элимга қайтаман
Бинафша атри бўлиб,
Қадим тошкентликларнинг
мартаба, қадри бўлиб,
Faфур Гулом наъраси,
Ойбекнинг фахри бўлиб
Мен элимга қайтаман.*

*Қитъалар уйғоқ, дея
долғали ҳаётим-ла,
Шоҳ Машраб оҳи била,
мангулик ёдим била
Мен элимга қайтаман.*

*Ёшлилар тоққа интилса –
мен сўқмоқ ўйл бўламан,
Чўққидан узатилган
мададкор қўл бўламан,
Оҳ, сенинг ёшлигинг деб,
ҳиммати мўл бўламан
Мен элимга қайтаман.*

*Вафонинг узун йўли
Кўргонимни безади,
Фарзандлар, неваралар
Жаҳонимни безади,
Шогирдлар саф-саф бўлиб
Бўстонимни безади,
Мен элимга қайтаман.*

*Кўзларимга жойлабон
Юртим жсаннат жамолин,
Фойибдан мужда бўлиб,
Тилаб Ватан камолин.*

*Ҳамидман, Гуломдирман –
саховатдир аъмолим,
Ҳар кун сизга қайтаман,
Мен элимга қайтаман...*

*Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири*

ҲАМИД ГУЛОМ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

СЕНСИЗ

Кўлимда қолмади ихтиёр сенсиз,
Сўзимдан кетди ранг, эътибор сенсиз,
Зимдан кузатади дўсту ёр сенсиз,
Кўзларимда ёшим шашқатор сенсиз,
Шоирга бу дунё тангу тор сенсиз!

Ҳижрон лашкарининг ҳужуми ёмон,
ИНсон бардошига келтирас қирон,
Бир онда чол бўлиб қолар наққирон,
Ундан жонга йўқдир заррача омон,
Хуллас, танҳо бўлдим тор-мор сенсиз!

На овқатда маза ва на чойда таъм,
Чақирсан ҳам энди дўстлар бўлмас жам,
Мингинчи чироқлар худди хира шам,
Юлдуз чақнамаган кечадир олам,
Хеч нарса жонимга қилмас кор сенсиз!



Гира-шира тонгда кезаман бөгим,
Шарпалар мисоли юракда дөгим,
Жимлика товушингни илгар қулоғим,
Күз олдимдан ўтар у хушнуд чөгим,
Оҳ, яна йўқолар бекарор сенсиз!

Ҳаёт – умр йўлида елиб шошмакдир,
Йил – тизма тоғларда довон ошмакдир,
Базм – орзу нахридай тўлиб-тошмакдир,
Ишқ ҳудди пайванддир, қўш туташмакдир,
Мен барги тўкилган бир чинор сенсиз!

Сахий табиятга дилдан тасанно:
Миллиард юлдузларни уфурар само –
Оқ парқуда юмшоқ тўлғонар дунё:
Биз ҳам қылмоқдамиз маъюс томошо:
Қорайиб кўринар ҳатто қор сенсиз!

Янги йилни кутиш қадимдан одат,
Башарга ёр бўлсин омонлик, омад,
Мангу қарор топсин tengлик, фароғат,
Бизни ҳам ёрлақа, эй сен адолат,
Йўлга термулмайлик интизор сенсиз!

1977

АССАЛОМ, ЎЗБЕГИМ

Ассалом, улуғ ҳалқ, ўзбегим,
Дили пок, кутлуг ҳалқ, ўзбегим.
Ассалом, ҳур тақдир, истиқдол,
Иқболим, шарафим, ўзлигим.

Тонг билан янграйди мадҳиям,
Порлайди юксакда қўёшим.
Йўл кўркам, эл кўркам, дил кўркам,
Карвонинг бошлайбер, Юртбошим!

Меҳнатда чиниқсан эл улуғ,
Улуғдир чароғон истиқбол.
Мард ҳалқим, эрк шараф, эрк қутлуг,
Бахтингдир бу байрам, истиқдол.

Тонг билан янграйди мадҳиям,
Порлайди юксакда қўёшим.
Йўл кўркам, эл кўркам, дил кўркам,
Карвонинг бошлайбер, Юртбошим!

ОХ, СЕНИНГ ЁШЛИГИНГ МЕНДА БЎЛСАЙДИ...

Кўнгил ёшлигини ҳар дам қўмсайди,
Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!
Такрор этмас эдим бағри тошлигинг,
Ох, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Намунча енгилсан, намунча дайди!
Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди,
Бўлмасди бегамлик, бебардошлигинг,
Ох, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг!

Тонг юлдузи каби бир он кулсайди!
Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди,
Ўтда ёндиридим кўнгил ғашлигинг,
Ох, менда бўлсайди сенинг ёшлигинг.

Юрак илк севгига яна тўлсайди!
Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди,
Шодлик, қўкламлигинг, серқуёшлигинг
Жаҳон ёритарди худди ёшлигинг!..

1963

СОАТ САНАДИМ...

Севгида вафони одат санадим,
Ёрнинг жафосини роҳат санадим.

Қалам тебратишни ҳар тонг соғиниб
Вазифа деб билдим, тоат санадим.

Хаёлимда гоҳо жонланса жилванг,
Мен ўша лаҳзани омад санадим.


Ва лекин қошларинг чимирилган онни
Мұҳаббат гулига оғат санадим.

Сафарда ёнма-ён суҳбатдош бўлсанг,
Мен буни энг гўзал ҳолат санадим.

Бевақт эсган ҳижрон шамолларини,
Баҳорим боғига горат санадим.

Хорижда Ватаним жамолига зор
Ва сенга интизор, соат санадим.

1978



РАМЗ БОБОЖОН

(1921–2008)

XX аср ўзбек адабиётини ўрта авлод вакиллари ижодисиз тасаввур қилиш қийин. 20-йилларда туғилган адиллар 37-йилнинг қонли қиличидан навқиронликлари боис омон қолган эдилар. Лекин уларнинг умр йўлларига тарихнинг энг мураккаб даври – XX аср ўзининг турфа мафкуравий ўйинлари, синовлари, таҳликалари билан таҳдид солиб турди. Ўзбекистон халқ шоури Рамз Бобожон ҳам кўпларнинг тасаввурида сабиқ Иттифоқ даврининг эрка, баҳтиёр шоури бўлиб кўриниши мумкин. Ҳолбуки, жуда узоқ йўлларни босиб ўтган адабимиз тақдерида жуда кўп – бир-бирини рад этиб турадиган яхши-ёмон воқеалар юз берди. Шуларни юрак-юрагидан ҳис этган Рамз Бобожон йиллар бўронидан оиласи, турмуши ўртогига бўлган чексиз муҳаббатини дил-дилдан асраб ўта олди.

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

«Одам ўзи ҳақида бир нима дейиши амри маҳол. Кўрган-кечирган-ларингиз дилдан тилга чиқса-да, барибир тасвирилаш қийин кечади. Яхши гапирсангиз – мақтаняпти, дейишади, ёмонласангиз – норози экан, деб ўйлашади.

Мен кеч уйланганман. Бунинг сабаби анча-мучча. Аввало, мен туғилган йиллар ниҳоятда оғир йиллар эди. Онамнинг айтишича, қовун пишиги пайтида далада дард тутиб қолган-у, мен ота ҳовлимиз билан девор-дармиён, Тошкент шаҳрининг юрга маълум ва машхур мавзеси – Олмазордаги тарихий туғруқхонада (кейинчалик Тошкентнинг 1-

туғруқхонаси дейилган) дунёга келгәнман. Бу жойнинг тарихийлиги шундаки, 1916 йилда полиция маҳкамасининг бошлиғи Мочалов «боламни мардикорга бермайман» деб бош кўтарган муштипар ўзбек аёлининг кўксига ўқ узган, кутлуғ қон тўкилган машъум бино эди.

Ўтган умрим кечакундузга ўхшайди. Фуқаролар уруши, янги иқтисодий сиёсат, колхоз қурилиши, очарчилик, душман қидириш, халқ бошига тушган кулфатлар... Яна уруш, тикланиш. Йиллар ўтди. Йигитлигимни эсласам, бирор қизни севиб, на Мажнун бўлдим, на Фарҳод... ваҳоланки, сир эмас, кўп қызлар билан учрашганман... Боз устига ойим ёки дадам қариндошлардан бўлмаса ҳам, дўст-ёрларидан қиз топиб менга кўрсатишган, лекин юрагим «жиз» этмаган. Ўйласам, ўзим ҳам ҳайронман, наҳотки, муҳаббат туйғусидан шунчалик бегона бўлсан?! Йўқ, ундай эмаслигини кейинроқ англадим».

МУҲАББАТ УЛ ЎЗИ ЭСКИ БИР НАРСА ...

«Кунлардан биринча тофам «Сенга бир қиз топиб келдим. Трамвайдаги кўриб қолдим», дедилар. Кулдим. «Ўша трамвай турибдими жойида?» дедим. «Трамвай турмагандир. Лекин мен орқама-орқа бордим, уйини ҳам билиб келдим», дедилар. Ойим шундай суюниб кетдилар, ичлари юзларига тепгандай... Чунки ойимнинг бирдан-бир орзузи келин қўлидан бир пиёла ной ишиш эди. Ўша куни, ўша лаҳзабдан бошлаб, уйланиш оиласда энг муҳим масала бўлиб қолди, эртаю кеч шундан бошқа гап йўқдай...»

Тофам билан бирга ўша қизни кўргани бориб, бир эшикни тақиилатдик. Бу – Леваневский кўчасидаги Мансур Ризаевлар оиласи эди. Баҳона шу бўлдики, биз «Квартира борми?» деб сўраб кирадиган бўлдик. Иккинчи жаҳон уруши галаба билан тугаган бўлса ҳам, барибир, юртда очарчилик, йўқчилик, уй-жой танқислиги... Эшик очилди, нозик, гулруҳсор бир қиз бир қўлида супурги, бир қўли билан этагини ушлаб туриб, ҳаё-андиша билан ерга қараб, «йўқ», деди. Аммо кечга яқин топганимизни ойимга айтиб, уни кулдирдим.

Ўша кун уйимизда гўё тўй бошланди. Дадам ишдан қайтганда, ойим воқеани яна бир бор бошдан-оёқ айтиб бердилар. Тўй тараффуди, борди-келди, уч-тўрт ой давом этди. Сурайё Тошкент фармацевтика институтида ўқир экан, назокатли, камтар, вазмин, боодоб қиз...

Бир вақт истеъодли татар шоири Ҳоди Тоқтош: «Муҳаббат ул ўзи эски нарса, лекин ҳар бир юрак они янгарта...» деган бўлса, энди мен: «Муҳаббат бу чўғдай бир нарса, аммо ҳар бир юрак уни олов олдирап...» дердим.

1947 йил 14 ноябрь оқшоми ота ҳовлимизда тўй дастурхони ёзилди. Тўйим яна шуниси билан унтилмаски, никоҳ маросимига қариндош-уруғлардан ташқари, дадамнинг ошна-оғайнилари, менинг энг яқин



Хондамирни ўтқазиб қўйди. Бу милий урф-одат, эзгу ният эди.

* * *

Улар бахтли эдилар. Бир йилдан сўнг қизалоқнинг туғилиши, унга бўлган меҳр-муҳаббат оиласидаги муносабатларга янада нур олиб кирди.

*Тура қол, Камола,
Тонг сенга маҳтал,
Кўйлак тўқиб келган қуёш нуридан.
Олтин куз уфириб, бўйи муаттар,
Сенга жой кўрсатар боғнинг тўридан...*

Улар бахтли эдилар. Лекин орадан кўп ўтмай машаққатли кунлар бўйлаб қолди...

ИШИМ ҲАҚИДА

«Иккинчи жаҳон уруши тугаганига қарамай, ҳали унинг асроратлари бор эди. Ижтимоий ҳаётда фоявий, мафкуравий ички тозалашлар авж олиб кетган. 1948 йил ВКП(б) Марказий Комитети «Звезда» ва «Ленинград» журналларининг фоявий хатолари борасида қарор қабул қилди. Мазкур қарор муносабати билан наинки Ленинград ёки Москвада, бутун Иттифоқда, шу жумладан, Тошкентда ҳам ёзувчи, рассом, композитор ва олимлар иштирокида



бир йиғилиш бўлиб ўтди. Бу йиғилиш ниҳоятда жиддий аҳамият касб этганлигидан бўлса керак, унда давлат ва жамоат арбоблари ҳам қатнашдилар. Ўшанда Украина шоири Сосюранинг «Менинг Украина» шеъри миллий маҳдудликда қораланган эди. Ана шундан кейин Ўзбекистонда ҳам «сосюра»лар қидирила бошланди ва қизиги шундаки, дарров топилди-қолди. Хўш, ким эди у? Шоир Туроб Тўла «Жон Ўзбекистон» деган шеърини миллатчилик руҳида ёзган, деб айб қўйилди, тош отилди.

Эсласам, бир кун Туробжон менга юрагини ёриб, Сосюрани умрида кўрмаганлигини, ҳатто унинг асарларидан бехабарлигини айтган эди.

Мен Сурайёхонга уйланган кезларимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида консультант эдим. Кейин «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи») газетасига бош муҳаррир бўлдим. Бир оз вақт ўтгач, текширтекширлар бошланиб кетди, ҳамма нарса ғалвирдан ўтказилди.

«Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи») газетасида ишлаб юрган пайтларимда бир одам кабинетимга келиб мен билан узоқ сұхбатлашган эди. Ўшанда у Усмон Носирдан гап очиб қолди. Мен мақтандимми, билмайман, Усмон Носир билан расмга тушганман, дедим. У ўша расмни бир кунга бериб туришимни илтимос қилди. Мен ҳам ўша пайтда содда йигит эканманми, дарров уйга бориб ўша суратни олиб келиб берибман. Бу ҳақда кейинроқ эсладим, албатта. Ўша йигитнинг тахаллуси – Қайнар эди. Кейинчалик у шеър ҳам ёзмади, шоир ҳам бўлиб етишмади.

Сал ўтмай мени КГБ (Давлат Хавфсизлик Хизмати) чақира бошлади.

Куни билан ишда ўтираман. Кеч соат 5–6 да телефон бўлади. Мени олиб кетишади. Сўроқ тунги 2–3 гача давом этади. Сўнгги йилларда кимлар билан ошна-оғайни тутинганим, кимлар билан дўст бўлганим, давраларда ким нима дегани – ҳамма-ҳаммасини ипидан-нинасигача сўрайдилар.

Сўроқдан кеч қайтаман. Орқамдан бирор қорама-қора кузатиб келади. Муюлишдан ўтгандан кейин эса бир аёл пайдо бўларди. Бу – Сурайё – умр йўлдошим. У мени диққати ошиб, кўчада кутиб турарди. Кўлида Камола қизим. Мана, сиз «Булар ҳақида уйингиздагиларга айтармидингиз?» деяпсиз. Қизим, мен бу ҳақда ҳеч кимга айтишга ҳаққим йўқ эди. Фақат Сурайёхонга айтганман. Дадамга ҳам айтмаганман. Чунки тилхат берганман. Бу ерда қўрқувдан ташқари лафз деган нарса ҳам бор».

АЖДОДЛАРИМ ҲАҚИДА

«Очил ота – менинг бобом. Мен у кишини хотирлар эканман, чорпахилдан келган, ўрта бўй, кенг яғринли, кўзларида ақлу идрок аломатлари ёниб турган, тадбирли бир нуроний мўйсафид рўпарамда пайдо бўлади. 1937 йил эди. Бир куни Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ойимга ўқиб бердим. Ойим мароқ билан тинглаганидан кейин учкур хаёл уни аллақайларга олиб қочгани ҳамон ёдимда:

– Отабек, деганинг, бу, катта бобонгга ўхшаб кетади-ку, – деди ўйланиб. Мен тушунмадим. Бувимнинг айтишларича, бобомнинг карвон-карвон мол-мулки бўлган, ер-суви Ўнкўргондан тортиб Кўктераккача, ундан нари Қирқариғу Сариёғочгача, Мирободда ҳам қўраси бўлган, Кўқону Марғилон, Самарқанду Бухорога савдога қатнаган. Шундай қилиб, кунлардан бир кун Кўқондан Отабекка ўхшаб, хотин олиб келган, лекин хотин устига... Қизик! Бири Кумуш бўлса, бири Нуқра... Очил ота ана ўша иккинчи хотиннинг биринчи ўғли. Ота серзавқ, шоиртабиат киши эди. Шунинг учун ҳам улфатчилик қилган кезлари Мулла Тўйчи ҳофиз билан ҳамиша ҳамдам бўлганлиги бежиз эмас. Бобом оқшомлари, айниқса, қиши кунлари танча четида фазалхонлик қилас, ҳали ўқишини, ёзишни билмаган пайтларимда арузнинг оҳангдорлиги қулогимга хуш ёқар, қалбимни эркаларди... Ёзишга эса менинг бошқа бир қариндошим шоир Комилжон Иброҳимов ундали. У Фолиб тахаллуси билан шеър битарди...»

Сурайё Мансур қизи хонадони тарихида ҳам ўтган асрнинг зиддиятлари акс этган. Бу оила 37-йиллар кулфатлари туфайли масъул лавозимларда ишлаган кўплаб яқинларидан ажралган, Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги кунларида ҳалок бўлган меҳрибон отани узоқ йиллар давомида умид билан йўлларига термулиб кутган хонадон эди.

Сурайё опанинг кундалик дафтарларида шундай сатрлар ёдгорлик бўлиб қолди: «Менинг ота-онам – Ризаев Мансур ҳамда Комила Юнусовани ниҳоятда самимий ва ёруф туйғулар бирлаштириб турар, улар бир-бирларини яхши тушунишар ва жуда ҳурмат қилишарди. Ота-онам биз – фарзандларига доим яхши гапиравар, эркалар, уйимизда ҳамиша ёруф ва хотиржам муҳит ҳукм сурарди».

Улар ўз оталарини 30 йил давомида кутдилар, унинг ҳалок бўлганига негадир ишонгилари келмади. Фақат 1972 йил расмий идоралар орқали ахтариб, шаҳид кетган ота қабри Лиепая шаҳри қардошлар қабристонидан топилди. Кейинчалик Рамз Бобожоннинг илтимосига кўра, Республикализ Президенти тоғаси билан Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари қабристонига қўйилган ёдгорликда Мансур Ризаевнинг номи ҳам қайд этилди.



ЯНА МУҲАББАТ ҲАҚИДА

Гул ҳақида шеър ёзмаган шоир бўлмаса керак. Лекин ҳамма оила тақдирида ҳам гуллар катта ўрин тутмайди. Тўғри, гулни ҳамма ҳам совға қилади, лекин бир умр турмуш ўртоғига деярли ҳар куни гул совға қилиш бу жуда камёб ҳодисадир. Рамз Бобожон эллик тўрт йил давомида деярли ҳар куни турмуш ўртоғига гул совға қилганлар ва буни қандайдир мажбурият юзасидан эмас, балки юракнинг хоҳиши билан амалга оширганлар.

«Сурайё гулни яхши кўрарди. Эсласам, Шредер номидаги боғдан гуллар олиб келиб, ҳовлимизга гулзор қилганмиз, гул байрами ўтказганимиз. Мен деярли ҳар куни бозорчадан гул олиб келардим. Чинни гулни яхши кўрарди. Ўйга гулсиз келган куним кам бўлган. Бир куни умр ийлдошимга: «Сурайёхон, гулни бунча яхши кўрасиз?» десам, у: «Мени кийинтириши – бу сизнинг вазифангиз, лекин гул – меҳр-муҳаббатингиз, вафо белгиси», дегани ҳамон қулогимда.

Мен ҳам кези келганда «Сурайё, Сурайё юлдузи – энг ёруғ юлдуз, сиз эса менинг энг яқин юлдузимиз», – дердим».

Рамз Бобожон дунёнинг жуда кўп мамлакатларида сафарларда бўлди. Япония, Англия, Америка Кўшма Штатлари, Ҳиндистон, Болгария, Югославия, Филиппин, Венгрия – заминимизнинг ярмини кезиб чиқди. Лекин адаб қаерда бўлмасин – поездами, самолётдами, дам олишдами, ўз оиласи билан боғланиб турди, мактублар ёзди, ҳаётининг ҳамма даврида оиласи қувончи ва ташвишлари унинг учун биринчи ўринда бўлди.

«Сурайё, ўзингизнинг ва уйдагиларнинг соғ-саломатлиги дурустми? Сиздан илтимос шуки, болаларга одатдагидан яхшироқ қараб туринг, менинг ўқлигимни билдируманг. Сизни ва болаларни қаттиқ ўтиб, Рамз. 2 апрель 1957 йил. Латвия, «Дубулти» ижод уйи».

«Замоннинг зайлар билан Чехословакияга бордим. Поездда кетаётсам, Карпат тоғлари этагига етиб боргандা, телеграмма олдим: «Қадру қимматлигим! Сизни түғилган кунингиз билан чин кўнгилдан табриклайман. Сизга мустаҳкам саломатлик, олам-олам қувонч ва юксак ижодий парвозлар тилайман, ўйлингиз бехатар бўлсин! Сизни дилдан қучиб, Сурайё. 1976 йил, 2 декабрь»

Фарзандлар тарбиясида ҳам бу оиласа ўзига ярашада қонун-қоидалар бор эди. Тўғри, Рамз Бобожон ҳам баъзи амалдор, машҳур кишилар сингари ўз хизмат лавозимидан фарзандларини «ишга жойлаш, уларни қўллаб-қувватлаш»га бош-қош бўлишда фойдаланиши мумкин эди. Лекин у ўз хизмат лавозимини ҳеч қачон суистеъмол қилмади. Ўғил-қизлари жамиятда ўз йўлларини ўзлари топишлари учун билим ва ҳаётий кўникма бера олди. Шу туфайли улар тўғри, ҳалол ва яхши инсонлар бўлиб этишдилар.

Рамз Бобоҷоннинг фарзандларига ёзган мактублари ҳам сақланган. Уларда бу бағрикенг инсоннинг чексиз муҳаббати, одамийлиги ўз аксини топган.

«Нозимжон! Шанба куни кечқурун хатингни олдим ва ўқиб овозингни эшиштгандай бўлдим. Соғлиғинг, ўқишиларинг яхши ва дарсдан ташқари вақтинг хатда ёзганингдай кўнгилли ўтаётган бўлса, мен ҳам хурсандман. Бу йил сенинг зимманига жуда катта масъулиятили ва муҳим вазифа тушади, ўрта мактабни муваффакиятили тамомлаша олий ўқув юртига ўрнашиш, буни яхши биласан. Ўйлайманки, истасанг, буни уddyалай оласан, ироданг етади. Ақл-хушингни ўйғиб олаётганинг, ўз хатти-ҳаракатиннга жисдий қарай бошлиганинг хатингдан сезилиб турибди. Бу, албатта, мени қувонтиради, шунингдек, бошқалар ҳам бундан хурсанд бўлади. 19.Х. 67».

«Камола! Хатингни олдим. Раҳмат, соғ бўл, хат ёзмасанг ҳам майли, хафа бўлмайман, менинг ўйқлигимни билдирамай, ойингнинг кўнглини овлаб турсанг, бас!

Қизим, хатингда Данте асарларига обуна кетаётганлигини ёзибсан ва анчагина ачинибсан ҳам. Биз 200 томлик жаҳон мумтоз адабиёти кутубхонасига ёзилганмиз-ку! Энг сара асарлар шу кутубхонага кирган, 10–15 йил давомида олишимиз керак. Ана шу кутубхонанинг 1-томи Дантенинг «Илоҳий комедия»си, деб эшиштан эдим ва ойингга чипталарни қолдириб, Камола олиб келар, деб айтган эдим. Бу Чорсудаги китоб магазини – пассажеда бўлади. Камола, мен ҳам соғинганман. Омон бўл, баҳтили пешонангни ўпиб, даданг РАМЗ. 16.Х.67.»

ФАРЗАНДЛАР ҲАҚИДА АЛОҲИДА

«Бахт – бу орзунинг ушалиши, хаёлнинг ҳақиқатга айланиши. Лекин бу тасодиф эмас, меҳнат, интилиш, ирова, аввало, худо ато этган тақдир. Лев Толстой айтадики, «Ўзини уйда бахтли билган одамгина ҳақиқий баҳтлидир». Менинг баҳтим – оиласам, китобларим...

Одамлар бор, ўзининг баҳтига ўзи завол бўлади, кимгадир ҳавас эмас, ҳасад қиласди. Бироннинг баҳтини кўра олмайди. Мен баҳтни нафақат ўз уйимда, қолаверса, қўни-қўшнида, маҳалла-кўйда, элу юртда кўришни истайман.

Худога минг қатла шукурки, оиласам – менинг давлатим. Мен икки қиз ва бир ўғил кўрдим. Камола – она қизим – олима, филология фанлари номзоди. Ўғлим Нозимжон Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист. Иккинчи қизим Наргис – психология фанлари номзоди, доцент. Мақтансам-мақтансасам, олтита неварам бор: тўрт ўғил, икки қиз. Уларнинг ҳаммаларини жуда-жуда яхши кўраман, севаман, ардоқлайман».

АЛВИДО, СЕВГИЛИМ!

«2001 йил 1 сентябрь тонг отарида Мустақил Ўзбекистоннинг 10 йиллиги муносабати билан Сурайёнинг қўлига бир кучоқ гул тутдим. Гулни у ўз бағрига босди, мен эса ўз муҳаббатимни...»

Минг афсус! Инсон ҳар қанча доно бўлса ҳам, барибир, тақдирида ҳали нима бор-у, нима йўқлигини билмайди.

Эсласам, ўша йили 13 октябрда тонг ҳар қунгидай фусункор ёришди. Биз ҳам Сурайё билан иккимиз қутлуғ дастурхон атрофида ўтириб, одатдагидек, нонушта қилдик, руҳимиз жуда баланд бўлмаса ҳам, унчалик паст ҳам эмасди. Тушликни ҳам бирга баҳам кўрдик, бир пиёладан чой ҳам ичдик... бир-икки рубоий ҳам ўқилди:

*Бир пиёла чой бериб, солмагил қовоғингни,
Сув тутсанг ҳам, майлига, шод кўрай ёногингни...
Иғволарга учиб сен, бир тош отиб сўндирма,
Қалбимда ўзинг ёққан муҳаббат чароғингни.*

Сурайёнинг лабларига нимқулги югурди, нимқулги... аммо юрагига ўрнашган дард нафақат уни, мени ҳам эзгиларди... Кўрган кўзларим кўр бўлсин – кун ботар олдида ўлим уни олиб кетди!!!

*Алвидо! Севгилим, ёруғ юлдузим...
Шуълалар ортингда сарғайиб қолди.
Зулмат ботқоғига ботди қундузим,
Эҳтимол, қуёш ҳам толиқди, толди...
Сен кетдинг,
Мен қолдим довдираб ёғиз,
Бошимга ногаҳон урилгандай тош.
Йиғлай десам, йиги келмади ҳаргиз,
Ич-ичимда қотиб қолгандай кўзёш...
Сурайё! Севгилим, ором ол, тинч ёт!
Алвидо! Дейишга бормайди тилим...
Бевақт жудоликдан сатрларда ёд –
Шуъларинг янглиғ қонталаш дилим...*

Мана, мен ўз йўлимда ёққан чироқларим – менинг оиласм, ширин-шакар фарзандларим, серташвиш китобларим. Ўтган умрим билан фахрланаман. Мураккаб ҳаёт жараёнида тобландим, адолатни, ҳақгўйликни ёқладим, ўз севгимни ардоқладим.

*Муҳаббат меҳробига
Танлаган йўлым чапмас.
Ошиқлик ҳисобига
Кексалигим ҳеч гапмас!*

Ўйлашимча, хотира иккинчи умр. Сурайё мен учун ҳамиша барҳаёт. Энди мен фарзандларим, невараларим баҳтини, дейман. Кунлардан бир кун энг кичик қизалоқ неварамага: «Ҳали сени узатаман, тўйингга ўзим бош-қош бўламан» десам, у менга: «Сиз ўшангача қариб қоласизку», деди. Унинг назарида ҳали мен ёш эканман, водариг!»

*Илмира РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«JannatMakon», апрель, 2006 й.*

МЕНИНГ ИЖОДИМ – МЕНИНГ ҲАЁТИМ

Болалиқдан шеъриятга ишқимни уйғотган ҳам бобомнинг ўзи!

Мен бобомни жуда севардим. Уни ишдан ёки кўча сайридан қайтиш вақтини илҳақ бўлиб кутганларим эсимда. Бу унинг ширин сўзлигидан, меҳрибонлигидан, болажонлигидан бўлса керак, албатта. Бобом жуда содда кийинарди. Кўпинча, қора мурсак, этик, мoshранг духоба дўппи, қишида савсарий телпак киярди. Бобомнинг очиққўнгиллиги ҳаммага ёқарди. Маҳалламиздаги бева-бечора, етим-есирларга ҳамиша шафқат кўлини чўзар, бошига ташвиш тушганларга яхши маслаҳатини аямас эди. Ёлғиз қолган кезлари Ҳофиз, Навоий, Фузулий ғазалларини ўқир, ўзини улар билан дардлашгандай ҳис қиласади.

Кўп вақт қишининг зимистон кунларида бобом танча четида қўйидаги сатрларни хиргойи қилиб ўтиарди, кейинчалик билсан, бу фазал Алишер Навоийга мансуб экан:

*Бир кун мени ул қотили мажсуншиор ўлтурғуси,
Усрук чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтурғуси...*

* * *

Менинг биринчи шеърим босилиб чиққанда ҳали ўн тўртга тўлмаган эдим. Ўшанда десангиз, ўзимга сифмай кетдим. Бироқ дадам унчалик суюнмади. Ёзувчилик, дадам назарида жиддий иш эмас, саводхон кишининг бўш вақтидаги бир эрмагидай эди... Мен эса бошқача қарадим. Ким билсин, балки бунга кўнгил армонлари-ю, ёшлиқ гурури сабаб бўлгандир? Ё бўлмаса, ўзимда жиндак истеъдол борлигини ҳис этганим-данмикан?

Мен Педагогика билим юртини битирганимдан сўнг, дадамнинг қистови билан Тошкент Медицина институтига кирдим, аммо бир йил ўқисам ҳам, унга кўнига олмадим, энг яхши онларимни илҳом париси ўғирлайверди...

*Найлай!
Шеъриятга асирман,
Асир!
Банди банд қылгандай
Ошиқ дилимини,
Хатто қочолмайман,
Күзларим басир,
Үзига ўргатиб олган
Тилимни...
Ўзи ардоқлайди
Қалбимни ўзи,
Бир нафас жилдирмас
На кеч,
На кундуз,
Гүё
Кўзим кўзи,
Сўзим ҳам сўзи,
Кундузи қуёшим,
Кечаси юлдуз...*

Начора! Навбатдаги ўқув йилидан Тошкент Давлат педагогика институтининг Адабиёт факультетига қатнай бошладим... Ҳолбуки, бу сирни дадам билмаслигидан қийналардим, ич-этимни ердим, баъзан ўзимга ўзим тасалли берардим. Машҳур санъаткор Миршоҳид Мироқиловнинг ижодий тақдири меникидан баттар бўлган-ку! Ўзи ёзишича, бир кун уларнинг уйига меҳмон келади. У одам Кўқоннинг «манман» деган бойларидан экан. Энди етти ёшга қадам қўйган Миршоҳид басавлат меҳмоннинг юриш-туришини, баъзи қилиқларини, унга бўлган отасининг ҳаддан ташқари такаллуфини илиб олиб, кулгили қилиб кўрсатадики, меҳмоннинг ичаги узилади... Сўнг отаси Миробид aka қадрдонини хурмат ила кузатиб, уйга қайтгач, Миршоҳиднинг хаёлига келмаган ишни қиласи, қулогидан чўзиб, бетига тарсаки тортади:

– Хўш, қанақа ўйин бу! Масхарабоз бўлмоқчимисан? Бизнинг хонадондан масхарабоз чиқмаган ва чиқмайди! – деб унга ўдағайлайди.

Аммо Миршоҳид парво қилмайди... Уни қизиқтирган, юрагига ўт ташлаб, кўзларига нур сочган нарса санъатнинг сирли чироқлари эди...

Бир кун Ҳамза номидаги Академик драма театри (ҳозирги «Миллий театр») биносида адабий кеча ўтказиладиган бўлди. Афиша ва таклифномалар тарқатилди. Бу шеърхонлик кечасида мен ҳам қатнашишим керак эди. Мен дадам билан бордим ва залнинг бир чеккасидаги иккита креслога ёнма-ён ўтиридик. Адабий кечага Fafur Fулом раислик қилди. Бир неча шоир дўстларим ўз

шөйрларини ўқиб, халқни мамнун этгандыктынан бўлса керак, қарсак садолари янграб турарди. Ниҳоят, рўйхат бўйича навбат менга келди, шекилли, ҳурматли раис исмимни эълон қилгач, ён-верига бир қараб қўйди. Мен пастдан, дадамнинг ёнидан туриб, аста-секин минбарга чиқиб бордим ва янги шеърларимдан бирини ўқидим. Залда яна гулдурос қарсаклар янгради ва Faфур aka кутилмаган тарзда мени табриклади. Зўр ҳаяжон тўфонида ўз жойимга қандай келиб ўтирганимни билмайман.

Мушоира тугади... Тошкент кечасининг фала-ғовури ичидаги дадам билан мен жим борарадик. Ниҳоят, эшигимиз остонасига бир-икки қадам қолганда, дадам хурсандчилигини пинҳон тутолмай, деди:

— Ўғлим, бизнинг оиласиздан ҳам бир шоир чиқадиган бўлибди, баракалла!

Мен ҳам пайтни ғанимат билиб, ўргадаги сирни ошкор этдим:

— Ҳа, шундай бўлди, докторликни шоирликка алишдим, дуруст қилибманми?

— Борди-ю, тўғри қилган бўлсанг, майли, мен розиман, — деди кулиб туриб дадам.

Ўша кеча, билмадим, дадам қандай ухлади экан, аммо мен бутун сиру асрорлардан, ортиқча ташвишлардан ҳоли бўлиб, тинч ухладим.



ОДИЛ ЁҚУБОВ

(1926—2009)

Одил Ёқубов 1926 йил 20 октябрда Қозогистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон туманининг Қарноқ қишлоғида туғилган. 1944 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1945—1950 йилларда армияда хизмат қилди. Совет — япон урушида иштирок этди.

Тошкент Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги маҳсус мухбири, «Ўзбекфильм» киностудиясида ва Ресpubлика кинематография қўмитасида бош муҳаррир, Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бош муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Атамалар қўмитаси раиси ва Туркистон халқлари маданияти арбоблари ассамблеясининг вице-президенти лавозимларида хизмат қилди.

«Улуғбек хазинаси», «Кўхна дунё», «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», «Адолат манзили», «Осий банд» романлари; «Дилбарим», «Баҳор ёмгирлари» киноқиссаларининг муаллифи. Адабнинг «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» асарлари асосида кўп серияли видеофильмлар яратилган.

Одил Ёқубов Давлат мукофоти лауреати, «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари билан тақдирланган.

Ўзбекистон халқ ёзувчisi.

БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР!!

1

Ёши улуғларни зиёрат қилиб, пиру бадавлат оталар дуосини олиш кўнгилга ёруғлик сочадиган савобли иш. Халқимизнинг бу гўзал урфодати ҳамиша маънавий ҳаётимизни нурлантириб туради. Биз ҳам – таниқли олим ва адаб Пирмат Шермуҳамедов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти соҳиби Муҳаммад Али ва камина – учаламиз шу удумга амал қилиб, янги йил эшик қоқаётган умидбахш дамларда оқсоқол адилларимиз зиёратига йўл олдик..

Келишганимиздек, 2007 йил 30 декабрь куни эрталаб соат тўққизда, Тошкентнинг энг кўхна бозорларидан бири бўлган Бешёғоч бозори дарвозаси олдида учрашиб, ичкари кирдик. Осмон очиқ, қуёш чарақлаб турар, аммо қуруқ совуқ бадандан ўтиб суюкка етгудек эди. Истиқол йилларида қурилган турнақатор савдо дўконларию «Супермаркет»ларга, барча қулай шарт-шароитларга эга, бир-биридан кўркам, бир-биридан ҳашаматли бозорлар қаторида ўзбекнинг Fafur Fуломдек дарёдил аллома шоирининг шодон қаҳқаҷаларию қувноқ латифалари кунда-кунора жаранглаб тургувчи бу бозор ҳам белни маҳкам боғлаб, эл-юрт хизматига киришиб кетган, аммо ҳали эрта бўлгани учунми, бир маҳаллар донғи кетган, оларману сотарманлар кечаю кундуз қайнаб ётгувчи бозорда одам сийрак, сотувчилар тошрасталар ортида кўнишибгина ўтиришар эди.

Мухтасаргина бозорлик қилгандан сўнг, анҳор кўпригидан ўтиб, Кўғирчоқ театри биноси орқасидаги кўп қаватли уйнинг иккинчи қаватидаги эшик қўнфироғини босдик. Атоқли адабимиз Пиримқул Қодиров яшайдиган манзил шу эди.

Устоз адаб бизларни самимий кутиб олди. Қайноқ сұхбат икки соатча давом этди. Пиримқул aka ҳам, адабнинг эллик беш йиллик садоқатли, меҳрибон рафиқаси София опа ҳам меҳмонларни қўйиб юборгиси келмаётгани сезилиб турарди. Улардан зўрга жавоб олиб, Бодомзор томон йўл олдик.

Яна бир атоқли адабимиз Одил Ёқубовнинг мазкур даҳадаги хона-донига етгунча, Пиримқул аканикидаги «дилкаш гурунглар» таассурутлари таъсирида сұхбатлашиб кетдик.

— Ўзбек прозасини баландда учеб бораётган бир қуш десак, Одил Ёқубов билан Пиримқул Қодиров унинг икки қанотига ўхшайди, — деди Пирмат Шермуҳамедов. — Буларсиз насримиз кўримсиз, камбағал ва фарид бўлиб қоларди.

— Аммо иккови икки дунё, — деди Муҳаммад Али aka ўйчан.

Хонадон дарвозаси қия очиқ турган экан. Қўнфироғини жиринг-

¹Кисқартириб олинган.



латмасдан түгри бостириб бораверибмиз. Жим-жит ҳовлига киргач, қайси эшикни тақиллатишни билолмай, бир зум иккиланиб туриб қолдик.

— Устознинг пешин чоғи жиндеқ мизгийдиган одати бор эди-ю, — деди Пирмат Шермуҳамедов бир Мұхаммад Али акага, бир каминага қараб. — Бевақт кепқолдикми, дейман.

— Құнғироқ қилиб күйсак бўлар экан, — деди Мұхаммад Али ака.

Айни шу лаҳза ойнаванд айвон эшиги «ғийқ» этиб очилиб, остоңада Одил Ёқубовнинг рафиқалари Марям опа пайдо бўлдилар.

— Хуш келибсиз, кираверинглар! — дедилар Марям опа мулоим қулимсираб. — Ҳозир Одил акага айтаман. Тўрга ўтинглар, ўз уйлагиздек бемалол ўтиринглар.

Марям опанинг нигоҳи қўлимдаги елим халтачадан боши кўриниб турган шишага тушганда, шуни бекитиб қўйсам майлими, дея самимий жилмайди. Опанинг бу жилмайишида узоқ йиллик қадрдон йўлдошининг феъл-авторини яхши билгувчи, уни асраш, авайлаш учун ҳамиша ҳушёр ва ҳамма нарсага тайёр тургувчи оқила рафиқанинг меҳри товланиб тургандай эди.

Олди дераза-ойнали узун хона иссиққина экан. Ҳонанинг тенг ярми ердан тизза бўйи кўтарилиб супа қилинган, тепада ҳам, пастда ҳам ноз-неъматлар билан безатилган столлар турибди. (Янги йил арафасида кутилмаган меҳмонлар келиб қолишини хонадон соҳиблари, ҳойнаҳой, олдиндан билишган.) Тўрда уй эгасининг (бундан беш-үн йил аввал тушган бўлса керак) кўркам портрети — дераза томонга бошини сал бурган кўйи узоқларга

хәёлчан тикилиб турибди Одил Ёкубов унда. Хонада биронта дабдабали жиҳоз ёки ортиқча ялтирир-юлтирир безак йўқ — стол-стуллар ҳам, парда-гиламлар ҳам оддий, тоза ва ярашимли.

Марям опа кўрсатган стулларга энди жойлашган пайтимизда улкан адидимиз Одил Ёкубовнинг хиёл бўғиқ, аммо ўқтам овози ҳаммамизни оёққа турғизиб юборди:

— Эҳ-ҳе! Худди отасининг уйидагидек керилиб ўтиришини кўринг буларни! — бошяланг, эгнида спортчиларнинг кулранг кастум-шалвари, оёғида жунли юмшоқ «шап-шап», қўлида қаҳрабо тусли ҳасса, тик гавдасини олдинга ташлаброқ, шошмасдин юриб келарди оқсоқол адид.

— Отамизники бўлмай кимники! — бўш келмади Пирмат ака ҳам. — Сиз фақат бизга эмас, яна ўнлаб шогирдларингизга ҳам маънавий падарсиз, устоз!

Одил Ёкубов қандайдир сир-асорни билишга интилаётгандай синчковлик билан Пирмат акага назар ташлади.

— Оласиз-а, Пирматжон, — дедилар дераза тагидаги иситиш батарея-сига ёндош одми оромкурсига оҳиста жойлашаркан. — Қариялар мақтовга ўч бўлишини биласиз-да, а?

Табиатан оғир-вазмин, доимо нималарнидир ўйлаб жиддий юрадиган устоз адиднинг бугунги кайфияти бутунлай бошқача эди. Мезбоннинг хуш кайфияти ҳаммамизга юқди. Қисқача ҳол-аҳвол сўрашишлардан кейин сұхбатимиз ўз-ўзидан шу кунларда ҳамма давраларда бўлгани каби 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари мавзуидан бошланиб кетди. Одил Ёкубов сайлов таассуротлари тўғрисида тўлқинланиб ҳикоя қила бошлади:

— Менинг тушунишмча, Президент сайлови — овоз бериш йўли билан кўпчилик номзодлар орасидан танлаб, давлат раҳбарлигига сайлаш, дегани. Бу пухта тайёргарлик, ақл-заковат, фикр-онг билан баланд руҳда ўтадиган каттакон байрам, халқ байрами. Аммо айрим мамлакатларда ана шундай тантанали маросим ҳокимиятпараст гурухларнинг бир-биридан ўч олиш, бир-бирига тұхмату бўхтонлар уюштириб сангималоматларга кўміб ташлаш, бир-бирининг юзига лой чаплаш майдонига айланиб кетади. Демократия ниқоби остидаги сиёсий найрангбозликлар, охир-оқибат, қон тўқилишигача бориб етган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Яратганга шукр қилиб, фахрур гурур билан таъкидлайманки, биздагидек тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат-эътибор билан, муқобиллик тарзида ва соғ демократик тамойиллар асосида ўтган сайлов жаҳонда жудаям кўп эмас, халқимизнинг ҳар жиҳатдан камолга етганининг яна бир далолати бу. Юртдошларимиз тўрт номзод орасидан ўзи билган, ишонган, ҳурмат қилган инсонни — Ислом Каримовни танладилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди менинг назаримда. Негаки, Ислом Абдуғаниевич соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидан кейин ватанга озодлик, юрга ободлик, раиятга баҳт-саодат олиб келган

мард раҳбар, ўткир сиёсатчи. Ислом Абдуганиевичнинг миллатсевар етакчи, кўрқмас инсон эканликлариға ўзим ҳам гувоҳ бўлганман. Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1980 йилларнинг адоги эди. Москвадаги Кремлнинг Съездлар саройида ўша замон ҳалқ депутатларининг мажлиси якунига етай деб қолган. Мен уч кундан бўён тинмай ҳаракат қилсан ҳам сўз ололмай тажанг эдим. Йиғилиш котибиятига, раислик қилувчига қайта-қайта қилган мурожаатларим натижасиз. Дардимни кимга айтаримни, кимдан мадад-ёрдам сўраримни билмай, аламидан ёрилиб кетгудек бўлиб юрган пайтимда тасодифан Ислом Каримовга рўпара келиб қолдим. Ўша кунларда Ислом Абдуганиевич Республика фирмә қўмитасининг раҳбари ловозимида эндиғина иш бошлаган эдилар. Танаффус пайти, сарой ичи.govur-ѓувур эди. Биз одамлар у ёқдан бу ёқقا ўтиб-қайтиб турган минбар яқинида тик турган кўйи бир неча дақиқа сұхбатлашдик. Мана шу бир неча дақиқалик учрашув неча кунлардан бўён ҳал бўлмаган, эҳтимол, ҳеч қаҷон ҳал бўлмайдиган муаммоларимни ечиб берди. Мен у кишига узуқ-юлуқ тарзда дардимни айтдим. Ислом Абдуганиевич бошини хиёл эгган ҳолатда жим туриб сўзларимни тингладилар.

Сўнгра ўткир тикилганча дона-дона қилиб:

— Мен гаплашаман. Уялтириб қўймайсизми? Сизга ишонаман, тайёрланинг, — дея тўғрига қараб ўтиб кетдилар.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб, севинчим ичимга сифмай жойимга бориб ўтирдим. Ўтирдим, папкамда маъруза матни йўқлигини кўриб баданим музлаб кетгандек бўлди. Ҳар куни чўнтакка солиб келиб, сўз тегмагач, қайтариб олиб кетиб кечаси билан қайта-қайта тузатилган, ишлов берилган лаънати қофозлар хонамдаги стол устида қолиб кетган эди! Бир ёқда танаффус тугаганини билдирувчи қўнфироқ чўзилиб-чўзилиб жиринглаяпти, бир томонда ҳали замон минбарга чақириб қолишлари ҳам мумкин. «Ўзинг шарманда қилма!» деганча ҳаллослаб меҳмонхона томон чопдим. Ҳар қалай, улгурдим...

Одил Ёкубов салкам йигирма йил аввалги воқеаларни тўлқинланиб сўзлаяпти. Ҳудди кинодагидек аниқ-тиниқ тасвирлаб беряпти. Биз ҳам адаб билан ёнма-ён ўша маҳобатли саройда юрибмиз гўё. Ана, Ёкубов минбарга кўтарилиди. Сокин тонг момақалдириғидек гумбурлаб, жарангти нафақат собиқ шўролар салтанати сарҳадларида, балки ундан узоқ-узоқларда ҳам акс-садо берган машхур тарихий нутқ янграй бошлади. Бир неча минг киши ўтирган ҳашаматли сарой сув қўйгандек жим-жит, ҳамманинг нигоҳи куйиб-қайнаб сўзлаётган ўзбек ёзувчисига қадалган. Мустабид тузум адолат-сизликларидан ғазабланган, аммо дардини бирорвга ёришдан чўчиб юрганларнинг қарашларида ҳайрат ва қувонч, салтанат қўриқ-чилиариницида эса нафрат ва фазаб! Ўзбек ёзувчиси шу чоққача бундай баланд минбардан туриб ҳеч ким айтмаган, айттолмаган, айтишга кўрққан, айтишга кучи, журъати, жасорати етмаган

муаммоларни — оддий халқлар чекаётган аламлар, азоб-уқубатларни сүзлаёттир. У машаққатли оғир меҳнат туфайли нозик бармоқлари касовдек қорайиб кетган, алвон ёноклари бужмайиб, кўкраклари чиқмай қолаётган, ўн олти-ўн етти ёшида эллик-олтмишдан ошган аёллар сингари тарашадай қотиб қизлик жозибасидан айрилаётган ўзбек қизларининг аянчли қисмати ҳақида; Америкадаги қора танли қуллардан ҳам хор-абгор деҳқонларнинг фарип ҳаёти тӯғрисида, қарамлик, мутелик фожиалари, зўравонлик кулфатлари тӯғрисида сўзлаёттир...

«Одил Ёкубовнинг бу жасорати тасодифийми? — савол бераман ўз-ўзимга. — Қалбида ўз халқига, ватанига чексиз-чегарасиз муҳаббат, буюк эътиқод бўлмаган одам даврга, даврнинг бешафқат оқимига қарши сузиши мумкинми? Миллион-миллион ватандошлари кўксини неча ўн йиллар мобайнида қийнаб, эзib келаётган дарду ҳасратини тасодифан катта минбарда туриб дод солармиди! Умуман, Одил Ёкубов биронта ишга тасодифан кўл уриши мумкинми? Тасодифга қурилган жасоратнинг умри қисқалигини Одил Ёкубовдек аллома адид билмайдими? Унинг умри, унинг ижоди бошдан-оёқ жасоратлардан иборатдек эмасми? «Эр бошига иш тушса», «Улуғбек ҳазинаси» қайси жасоратдан кам! «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар»-чи!..

— Агар ўшанда Ислом Абдуғаниевич аралашмаганларида қўлимдан ҳеч иш келмасди, — ҳикоя қиласди Одил Ёкубов. — Мендай бир ёзувчига ишониб, бир эмас, бир неча давлатлар тақдирини, ҳатто дунё тақдирини ҳал қилишга қодир мамлакат минбаридан минбар хўжаларининг мўйловига болта ўтмайдиган бир замонда сўз олиб бериш тенгсиз қаҳрамонлик эди. Майли, бошқалардан гинахонликни қўя турайлик-да, ўзимиздан чиқсан Нишоновнинг кўрқоқлигини бир эслайлик. Фаргона фожиаларини бозорчиларнинг бир килограмм қулупнай учун бўлган арзимас жанжали, дея ҳаспўшлашга уринган бу одам ўша пайтда Бутуниттироқ миллатлар кенгашининг раиси ва, айни чоғда, навбат билан мажлисга ҳам раислик қилиб турган «катта арбоб» эди. Сўз сўраб шахсан ўзининг номига ёзган учта хатимнинг биронтасига жавоб беришни ҳам ўзига эп кўрмади. — Одил ака бир зум тин олди, қовоқлари уюлди, пиёладаги чойдан бир-икки ҳўплади. Сўнг: — Адолатли раҳбар миллатнинг баҳти, нур сочиб бошида чарақлаб тургувчи күёши, — деди яна чехраси яшнаб. — Ана шундай юртбошиси бўлган халқ ҳеч кимдан кам бўлмайди. Истиқол ўйларида бутун ўзбек халқи — ҳаммамиз ўз кўзимиз билан кўриб, кузатиб келяпмиз. Ахир юртимизни жаҳонга ким танитди, ким азалий қадриятларимизни, урф-одатларимизни улуғлади, бизни менсимаган баъзи бирорларни ким тан олдири! Бугун ёш бола ҳам аниқ жавоб беради бу саволларга. Шунинг учун ҳам ватандошларимиз мамлакат Президентлигига яна муҳтарам Ислом Каримовни танладилар. Тинчмиз, осойишта-хотиржамиз, ҳар куни эрталаб болаларимиз кулиб-кулиб ишга, ўқишига жўнайдилар, кечқурун яна ўйнаб-кулиб уйга кириб келадилар. Кунда тўй, кунда тантана, дастурхонлар тўкин-сочин.

2

Келинлардек хизматбардор, мәхмөннавоз Марям опа, ҳамма нарса бор-ку, овора бўлманг, дейишимизга қарамай, сизлардан азиз мәхмөн борми, бир кепқопсизлар, деб бирида қази, бирида ҳил-ҳил пишган қовоқ тўла тақсимчаларни дастурхонга кўйди. Одил ака яна ҳазилга ўтди:

— Бу хонимга олтмиш йилдан бери тежамкорликни ўргатолмаймиз. Қази деганни ҳам шундай қалин кесадими! Қараб туринглар, бир пасдан кейин карсондай-карсондай косаларни лим-лим қилиб шўрва кўтариб келади ҳали бу хотин! — Одил Ёкубов,Faфур Ғулом ёки Сайд Аҳмад сингари хушчақчақ, қувноқ асқиялар айтиб барчани кулдириб юрадиган ҳазилкашлардан бўлмаса ҳам бугунги лутфлари ёқимли ва беғубор эди.

— Буни ҳаёт дейдилар! — Одил Ёкубовнинг машҳур иборасини тилга олди Муҳаммад Али ака. — Бу ёғига энди чидайсиз, устоз!

Маза қилиб кулишдик. Одил Ёкубов ҳам роҳатланиб ўрнидан бир қўзғалиб кўйди-да:

— Умр — ўткинчи мәхмөн. Умр — дарё, оқиб кетганини билмайсан. — дедилар хўрсиниб, — Бир пасда саксондан ошиб, ҳолвадай пишиб ўтирибмиз. Албатта, шундай улуғ ёшга етганга шукр деймиз, атрофда юз бераётган беқиёс ўзгаришларга қараб бир суюнсак, болаларимизнинг, невара-чевараларимизнинг яйраб-яшнаб камолга етаётганларини кўриб бир суюнамиз. Аммо... — Оқсоқол ҳаммамизга муғомбириона нигоҳ ташлаб олди. — Аммо инсон боласига қариликдан фурбати йўқ. Бирор билан улфатчилик қилолмасанг, узоқча юролмасанг, қиттак-қиттак отиб, ёшлиқдагидай кўча-кўйда қиз-жувонларга гап ташлолмасанг, ҳар куни танингнинг ўн жойи симиллаб оғриб турса. Қамишдай ўсиб-ўсиб, бўйрадай ерга тўшалиб ётсанг... Агар битта талабгор топилганда, қариликнинг ўттиз иилини ёшлиқнинг ўттиз дақиқасига жон-жон деб алмаштирган бўлар эдим.

3

— Биз бўлсак, Одил Ёкубовдек пиру бадавлат қария бўлайлик, деб орзу қилиб юрибмиз-ку! — деди Пирмат ака ёлғондакам ҳайрат билан.

— Шошилманг, мендан ўтиб, мендан баттар ҳам бўласиз ҳали — деди Одил ака вазминлик билан. — Лекин ўтган вақтнинг қайтмаслиги чатоқ. Билакда куч-кувват, юракда файрат-шижоат борида қиласиганингни қилиб қолиш керак экан. Кейинги афсуслар бефойда — қийнайди, эзади, азоблайди, холос. Баъзида ҳаётимнинг қанча-қанча кунлари, ойлари бухуда кетганини ўйлаб вужудим зирқирайди. Бекор кетган фурсатлар учини олгим келади, куну тун қимирламай ўтириб ёзсан, дейман, аммо қари от чартоқча ярамайди, дегандай салга чарчаб қоламан, алам қиласиди, на фойда.

Саксон түрт ёшида «Осий банда»дек бекійес романни битириб қўйиб яна «чарчайман», «алам қиласи» дея нолиш таажжубли, ҳаяжонли, ҳайратли, ҳавасли — чин юракдан таъзим қилгинг келади. «Ҳа, буни ҳаёт дейдилар!» деган ҳайқириқ ич-ичингдан қайнаб чиққанини сезмай қоласан. Ахир, «Тенгдошлар», «Бир фельетон қиссаси», «Муқаддас», «Биллур қандиллар», «Қанот жуфт бўлади», «Кўҳна дунё», «Адолат манзили»дай бебаҳо асарлар муаллифи қариши мумкинми!

Одил ака ижодий ишларимиз, режаларимиз билан қизиқди. Биз «Осий банда»нинг тақдирини сўрадик.

Ёзаётган асари тўғрисида ҳеч қачон лом-мим демайдиган, сир сақлашни яхши кўрадиган, борди-ю, нималар устида ишлаётгани билан қизиқиб қолсангиз, э-э, бир нарса қиляпман-да, дея ҳар доим қисқа ва мавхум жавобни яхши кўрадиган Одил Ёқубов бутун темир одатини бузди, «Осий банда» тўғрисида анча маълумотларни гапириб берди.

— Қари от уордан олдин чанг чиқарар, деганларидай биз ҳам асарни тамоман охирига етказмай туриб газет-журналларда парчалар беришга бердигу, адогига етганда бошимиз қотиб ўтирибмиз, — кулди Одил ака. — Лекин меҳнатдан қочиш йўқ. Француз адаби Ф. Вольтер, меҳнат бизни учта зўр фалокатдан: фамгинлик, иллат ва муҳтоҗликдан халос қиласи, деган. — Нон емоқчи бўлган одам, ўтин ташишдан эринмаслиги керак, тўғрими?

— Эълон қилинган парчаларнинг ўзиёқ адабий жамоа орасида қизғин баҳслар уйготди. — деди Пирмат ака. — Профессор Санжар Содиқ «Жаҳон адабиёти» журнали ўтказган бир давра сұхбатида: «Осий банда» романни китобхонни ларзага солиши, юксак савияда ёзилганлиги, кўзимизни ярқиратиб очишига кўра сўнгги йиллар адабиётида энг жиддий ҳодиса даражасига кўтарилди», дея юксак баҳолади.

— Бу романда аввалги асарларингиздан фарқли ўлароқ ўзига хос янги усул танлабсиз, — фикр билдира бошлади Муҳаммад Али ака. — Аксарият қаҳрамонларнинг номлари ўрнига «масҳарабоз подшо», «дудук подшо», «кўзойнак подшо», «катта оталар», «кичик ота»... каби сифатлашлар ишлатилади. Бу сифатлашларга дуч келганда хаёлимизда беихтиёр Хрушчёв, Брежнев, Андропов каби XX асрнинг иккинчи ярмидаги шўро давлатини бошқарган бошлиқларнинг қиёфалари гавдаланади. Умуман, романда мамлакатдаги қарийб яrim асрлик ўта мураккаб ва чигал ҳаёт шу қадар реалистик бўёқларда тасвирланганки, ёзувчининг маҳорати ҳар қандай ўқувчини ҳайратга кўмади, хаёлга чулғайди, мудроқ хотираларини яна қайта тирилтиради, ижодкор аҳлининг эса ҳавасини қўзгайди. Асарни ўқиётib, бу романни ёзишда устозга қайси воқеа туртки бўлган экан, деб узоқ ўйладим.

О. Ёқубов:

— «Туртки», «тасъир» адабиётда доимо бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Ф. Кони исмли адвокат айтиб берган оддий бир воқеа Лев

Толстойга «Тирилиш» каби гениал асарни ёзишига «туртки» бергани кўпчиликка маълум: Замонасининг бой-зодагонларидан бирининг эркатой ўғли ёш хизматкор қизни йўлдан уриб армияга кетади, бир неча йилдан сўнг судда ўша қизга рўпара келади. Фоҳиша сифатида маҳкамага тортилган бу жувон ўзи йўлдан урган қиз эканини билиб қолиб, унга ёрдам беришга жазм қиласди... Катюша Маслова воқеаси ва образи ана шу воқеа таъсирида дунёга келади. «Туртки» адид руҳониятида узоқ вақтлардан буён тўлқинланиб ётган туйғуларни туйқусдан бўрон каби қўзғатиб, жунбушга келтириб юборадики, энди дилдагиларни қофозга тўкиб солмасликдан ўзга чора қолмайди. Адабиётшунослар «илҳом париси» деб атайдиган ҳодисот, эҳтимол шудир. Аммо мен бундай тўпалончи лаҳзаларга камдан-кам дуч келаман. Узоқ ўйлаб, мияда пишитиб, маълум бир тўхтамга келмагунча столга ўтирамайман. Унчамунча «туртки» ўрнимдан қўзғатолмайди, — адид ёқимли жилмаяди. — «Осий банда» ҳам кўп йиллик кузатишларимнинг бир бўлаги. Қаҳрамонларнинг барчаси яқин ўтмишда ўзим кўрган, суҳбатлашган, улфатчилик қилган, дардлашган кишилар. Уларнинг айримлари ҳаётдан кетган, айримлари тирик. Асарда энг катта раҳбардан то энг қуйидаги майда қоровулгача — ҳаммаси аслида осий бандада экани, қаердадир хатога йўл қўйиши, қаердадир савобли юмушларга бош бўлиши, қаердадир фитналарга аралашиб қолиши мумкинлигини баҳоли қудрат тасвирлашга ҳаракат қиляпман. Узоқ йиллар давомида республикамизни кўп марталаб айланиб чиқдим. Айниқса, «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги маҳсус муҳбири вазифасида хизмат қилган вақтларимда хилма-хил қиёфадаги, характердаги одамларнинг қизиқарли гурунгларини кўп тингладим. Бир вақтлар шону шуҳрат нурларига беланганд, кейинчалик босар-тусарини билмай адашган, охир-оқибат афсус-надоматда ич-этини еб адо бўлганларни кўрганда ачиндим, юрагим эзилди. Ёзувчилар уюшмасида ишлаган йиллар ҳам улкан дорилнун бўлди. Ҳар куни тўда-тўда одамлар турли муаммоларга жавоб қидириб бу даргоҳга келар эди. Улар собиқ шўро жамияти қонун-қоидаларидан ва ўша замоннинг ҳуқуқ ҳимоячиларидан ҳақиқат тополмай қийналган, идорама-идора, эшикма-эшик сарсон-саргардон бўлган кишилар эдилар. «Осий банда» инсон руҳий оламида бўкиб ётган осийлик изтироблари тўғрисидаги китоб бўлиши керак.

4

...Одил Ёкубов Ёзувчилар уюшмасини бошқарган кезларда бир муддат улуғ адид билан ёнма-ён хизмат қилиш қувончи менга ҳам насиб этган. Бу қутлуғ даргоҳда ҳар куни улуғ адид билан ҳамнафас бўлиб ишлашнинг ўзи беадоқ баҳт эди менга ҳам. Шўро салтанатининг иморатлари қимиirlаб, ўзгаришлар, эврилишлар шамоли эса бошлаган ўтган асрнинг саксонинчи

йиллар охири эмасми, Одил ака ҳозиргина эслаб ўтганидек, Ѓазувчилар уюшмасини қидириб келувчилар сони беҳад ошиб кетган, ҳар куни республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган гуруҳ-гуруҳ одамлар эрта азондан уюшма биноси олдида қаторлашиб туришар, худди нажот қалъасига ошиққандек ичкарига интилишарди. Пушкин кўчасининг бошидаги уч қаватли уюшма биносининг залларию хоналари ҳам эрталабдан кечгача гавжум бўлар, қандайдир мажлислар, конференциялар ўтказилар, уюшмага мутлақо алоқаси бўлмаган кишилар ҳам ўралашиб юради. Улар орасида адолат қидириб келувчилар билан бирга замонанинг олаговурларидан фойдаланиб ўзини кўрсатиш, вайзхонлиги, маҳмадоналиги билан «бир нималик» бўлиш илинжида юрганлар ҳам йўқ эмасди. Минбарларда қўлларини силтаб, соchlарини тўзғитиб она тилимизга давлат мақомини бериш, Ватан мустақиллиги учун курашиш тўғрисида бақир-чақир қилаётган бу нусхаларнинг кўкайида мансаб-мартаба олиш, мол-мулк орттиришдан бошқа ҳеч вақо йўқ эди аслида. Одил ака буларга нега индамайди, уюшма эшикларини нега очиб қўяди, деган мазмунда мулоҳазалар ҳам пайдо бўлганди, албатта. Шунда Одил ака, ҳайдасанг, кўчага чиқиб жанжал-тўполон қилишади, ундан кўра ичкарида бақир-чақир қилиб ўпкасини босиб олсин, дердилар кўпни кўрганларга хос кенглик билан. Аммо ёрдамга муҳтоjlардан кўмагини, маслаҳатини аямасди, ҳар куни бир қанча идораларга хатлар жўнатилар, телефон орқали илтимослар қилинар, юзма-юз ўтириб гаплашмаса бўлмайдиган жойларга бориб келишдан эринмасди. Одил аканинг яна бир фазилатига ҳайрон қолардим. Баъзи хушомадгуй, маддоҳ кимсалар Одил аканинг ҳузурига кириб битмаган ишларини битирарди-да, коридорга чиқар-чиқмас ифвонинг инига чўп суқарди. «Шундай улкан ёзувчи дўст билан душманни ажратса олмасмикан» деган хаёлга борардим гоҳида. Кейинроқ билсан, Одил ака ҳаммасини билар, ҳаммасидан хабардор экан. Умуман, амалдорнинг атрофида яхши инсонлар қаторида манфаатпараст, ичиқора, манфур ва майда одамлар ҳам ивиришиб юришини, ана шундай ипирисқи кимсалардан холи жамият ҳозирча бу кўхна дунёning пешонасига битмаганини анча кейин ҳаётнинг ўзи менга ҳам тушунтириб қўиди. Одил аканинг кенглиги, барчага тенглиги, талантларни қадрлаши, умидли ёшларни қаноти остига олиши, тўғри йўлни кўрсатиб, устозлик мақомини тўқис адо этиши, бирорни сотмаслиги, бирорвга сотилмаслиги, ватан баҳти, миллат манфаати йўлида ҳар қандай шахсий ҳузур-ҳаловатдан воз кеча олиши, ҳеч қаҷон эътиқодига хиёнат қилмаслиги кўплар қаторида менинг ҳам ҳавасимни келтиради. Шундай яшашдан улуғ баҳт борми аслида ҳам...

Суҳбат қизиган сайин Одил Ёқубовнинг баҳри-дили очилиб борарди. У ёзувчи маҳорати, сўз санъати, адабий ва фалсафий таҳлил, ижодда ростгўйлик ва самимият, ўзбек тилининг кўркамлиги, бурролиги, пи-

шиқлиги ва жозибадорлиги, бой ва ихчамлиги; сўз кўнгил маҳзанинг қулфи-калити экани, инсон тафаккуридаги энг юксак, энг чукур ва энг оташин туйгуларни сўзда очиқ-оидин ифодалаш фазилатлари; сўзларни турфа рангларга бўяб-бежамаслик, дабдабали, баландпарвоз, чайналган, чучук, тушуниш қийин бўлган ялтироқ сўзлардан қочиш; сўзни севиш, эъзозлаш, ҳурмат қилиш, авайлаб-эҳтиётлаб қўллаш; қаламкашнинг ҳар қаломида ҳақиқат гуллари барқ уриб яшнаб туриши, ҳаёт нафаси, яшаш сурури уфуриб туриши ҳақида мароқ билан сўзларди.

— Билиб ишлатилган сўз мўъжизалар жавҳари — кулади, кулдиради, курашга ундаиди, йиглайди, йиглатади... Сўзлар гапиради, савол беради...

— Ёзганларингизнинг ҳаммасидан кўнглингиз тўладими? — Одил Ёқубов бир зум тин олганидан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилди Пирмат ака. — Бундан ўттиз-қирқ йил аввал ёзган асарларингизга қандай баҳо берган бўлар эдингиз?

— Ҳар битта ёзувчи ўзи баҳо қўяверса, адабиётнинг аҳволивой бўлади. — деди Одил ака. — Аммо муҳим масалани тилга олдингиз. — Ростдан ҳам агар имкони бўлганда бугун айрим асарларимни бошқача ёзган бўлар эдим. Мисол учун, «Эр бошига иш тушса» деган роман. Бу асар 1966 йилда китоб ҳолида нашр этилган. Унда ёшлиқ даври оғир уруш йилларига тўғри келган авлоднинг мураккаб ҳаёти, фронтга кетган оталарининг, акаларининг ўринларини эгаллаган ўн олти-ўн етти яшар ёшларнинг «этик билан сув кечиб» қилган машаққатли меҳнатлари, уруш орқасида ноҳақ йўлда юрган нопок одамлар билан кураши, бир сўз билан айтганда, ёшидан бурун улғайиб, уруш йилларининг катта масъулиятини ўз зиммаларига олган ажойиб авлоднинг дўстлиги, севгиси, орзу-ҳаваслари тасвирланган. Лекин романда ёш қаҳрамонларнинг йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтиш эпизодлари goҳо ўқувчи юрагини ларзага солмайди. «Улуғбек хазинаси»даги Али Кушчида ҳам бир ёқламалик сезилади. Ёки «Диёнат»даги Отакўзи. Бир маҳаллар уни «Синчалак»даги Қаландаров образига «қариндош» деганлар ҳам бўлган. Гарчанд бундай қарашларда ҳеч қандай асос бўлмаса ҳам Отакўзи характеристи қиёмига етмаган, «пишигадиган» ўринлар бор.

П. Шермуҳамедов:

— Бунин Лев Толстойнинг «Анна Каренина»дек дунёга машхур асари ҳақида: «Агар Толстой уни менга таҳririga берганида, мен унинг тўртдан бирини қисқартириб ташлардим, шунда роман янада ярқираб кетарди!» деган. Толстойнинг ўзи эса улуғ Шекспирни инкор этган. Ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқиганда Сизда ҳам шундай фикрлар пайдо бўлганми?

О. Ёқубов:

— Анча йиллар илгари буюк адабимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги гоҳо кишини ишонтирмайдиган лавҳалар, эпизодлар, илмий тил билан айтганда, реалистик услубдан

жиндей чекиниш ҳолатлари учрашини айтиб, бошимга анча-мунча ғавғоларни «сотиб» олганман. «Ўзи ким бўлтики, шундай улуф ёзувчига осилади?» қабилида дўқ-пўписалар ҳам бўлган. Бундай ёндошиш, афсуски, ҳозир ҳам учраб турди. Гап шундаки, ёзувчи ўқиган ҳар қандай асар тўғрисида ўз мулоҳазаси ва ўз фикрига эга бўлмоғи керак. Асар қандай улуф инсон томонидан ёзилганидан қатъий назар фикрини айтишдан ийманмаслик зарур. Шундай ҳикоялар борки, мисол учун М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» ҳикояси, тафаккур усулига кўра романдан кам эмас. Ёмон, ўртacha ва яхши асарлар доимо бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Зўраки чираниш билан «семиртирилган» чучмал, фирт китобий, ҳозиржавобликка маҳлиёлик руҳидаги заиф асарлар қўлимга тушганида жуда хафа бўламан.

М. Али:

— Энг аянчлиси яна шундаки, айрим танқидчилар шундай хашаки асарларни кўкка кўтариб мақтайдилар.

О. Ёкубов:

— Начора, бўш қудуқ шудринг билан тўлмайди. Бўш асар ҳам мақталгани билан яхши бўлиб қолмайди. Бу ўринда айрим ёш ёзувчиларда роман сўзига маҳлиёлик кусури борлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Улар семиз китоб ёзсан одамлар тез тан олади, деб ўйлашади, шекилли. Ваҳоланки, Чингиз Айтматовнинг донги дунёга кетганида у ҳали битта ҳам роман ёзмаган эди.

П. Шермуҳамедов:

— Таникли рус танқидчиси Леонид Теракопян «Улуғбек хазинаси»ни таҳлил қиласкан: «Бу ижтимоий-аналитик роман ўзбек тарихий прозасида Ойбекнинг машхур «Навоий» асари билан ҳақли равиша ёнма-ён турди» деган эди.

О. Ёкубов:

— Бу Теракопяннинг фикри. Танқидчилар муайян асарни чукурроқ таҳлил қилишдан зерикканда доимо шундай усулни қўллайдилар.

Севимли адабининг сўзларини эшитган сайин эшитгинг, ҳаётий мулоҳазаларини тинглагинг, юрагида қайнаб ётган фикрларидан баҳра олгинг келади, суҳбатидан айрилгинг келмайди. Аммо режа бўйича бутун яна бир кекса адабимизни янги йил билан қутлашимиз, суҳбатидан баҳраманд бўлишимиз керак. Бир дунё важ-карсонлардан сўнг аранг жавоб тегди.

— Қарининг сўзи дори, деганлар. Дори кўпайиб кетиб, асабга тегдими дейман, — дедилар кузатаётиб. — Устознинг кайфияти чоғ, руҳи бағоят баланд эди. Жавоб текканидан бехабар, ошхонада куйманиб юрган Марям опа, қўзғалманглар, ҳозир бешбармоқ сузаман, деганда, Одил ака, эй, хотамтой хоним, Тошкенти азимда бошқа меҳмонларам бор, деб яна ҳазил қилдилар. Одил Ёкубовнинг супада ҳассага таянганча жилмайиб туриши, адабининг «Туш» деган бадиасини ёдимга туширди.

Бадиа болалигига илк марта Л. Толстойнинг «Ҳожимурод» қиссасини ўқиб, таъсирангани ҳақида. Қиссани ўқиган куни ёш Одилнинг тушига Толстой киради. Руснинг улуф ёзувчиси унинг бошини силаб, сен ёзувчи бўласан, деб фатво бергандай бўлади... Одил бобонинг ҳозирги ҳолати нимаси биландир Толстойга ўхшаб кетаётгандек эди. Рост-да, соч-соқолни ўстириб, эгнида узун кўйлак, белида қамиш камар, бир қўлини камарга суқсанча, қаддини фоз тутиб турса...

Хәёлимдаги бу манзарани ҳамроҳлардан яширдим.

- Келинларимга салом айтинглар, — деди Марямхон опа.
- Янги йил билан табриклаб кўйинглар, — деди Одил ака.

5

Икки йилдан сўнг...

2009 йил 2 ноябрь эди. Кечкурун Мамадали Эронов телефон қилиб: «Одил ака йиқилиб тушибди, оёғими, бўксасими синиб стационарга тушиб қопти», деди. Уч-тўрт кун аввал кўрганимда соппа-соғ эди. Ёмон йиқилмаган бўлсин ишқилиб. Кексайганда синган-чиқсан жойларнинг битиши қийин бўлади, дейишади...

Эртасига ёқ Буюк ипак йўли кўчаси бўйидаги ҳукумат шифохонасига бордик.

Куз эмасми, сап-сариқ баргихазонлар йўлакларда учеб-қўниб ётиби. Шифохона ҳовлисига кўрк бериб турган арчалар ям-яшил бўлиб турган эса-да, узун аргувонларнинг барги тўкилган, куз кузлигини қилаётгани — боғдаги кўкламликни зўравонлик билан ҳайдаб юбораётгани шундоққина кўриниб турарди. Олд томони таъмирланаётгани сабаб, бинони айланиб, ёнбош эшикдан кирдик. Лифт билан тўртинчи қаватга кўтарилиб, 36- хонага бордик. Икки кишилик хона тўрида — дераза остидаги кроватда ётган Одил Ёқубовни эшикдан кирган заҳоти кўрдим. Озгин оёқлари тиззагача очик, бир оёғи болдиргача гипсланган, иккчинисининг ост қисмига ҳам худди ковуш патакдай қилиб гипс қўйилган. Ётгани учунми ёки беморхона ҳавосининг таъсириданми, ишқилиб, устоз бир бурдагина бўлиб қолгандай кўринди кўзимга. Салом бериб, кўришдик. Кўришаётib озиб кетган қўлларининг бир неча жойи кўм-кўк бўлиб кўкариб кетганига кўзим тушди: уколнинг ўрни. Келин аямиз Марямхон опа балкондан стул келтироқчи эди, Мамадали ҳушёрлик қилиб, стулларни ўзи олиб келиб Одил ака ётган кроват қаршисига ёнма-ён кўйди.

Ўтиридик.

Одил Ёқубов ўшовраган кўзларини бизга қадаб, бирпас гапиришга куч тўплаётгандек тамшаниб турди.

— Кеча кечкурун эшитиб қолдик, — дедим, одатга кўра бемор ҳузурида айтиладиган таомилдаги жумлаларни такрорлаб. — Оёғингиз тузукми?

Одил ака оғзини очмай, тилини икки-уч марта қозон артгандек қилиб лунжида айлантириди.

— Ҳа, энди, бир нав.. — Овози хириллаброқ чиқди. — Ўзинг-чи? — деди бир ютиниб олгандан кейин. — Бизники финишга етди, — давом этди ўша синиқ товушда. — Ҳаёт шуякан. Ҳаммаси тугаракан. Бир кун келиб тушунаркансан, тан оларкансан. Кейин алам қиласкан. Айниңса, бу дунёга келиб ҳеч нима қилмай кетаётганингни англаганингда бир күйсанг, бундан сўнг ҳеч нима қилолмаслигингни, ҳеч нимани ўзгартиrolmasлигингни билганингдан кейин ўн марта афсус-надоматга ботаркансан... У жимиб қолди.

Биз ҳам жим эдик.

Шу алпозда бир неча сония ўтди. Беихтиёр балкон йўлакчасида қунишибина турган Марямхон аяга кўзим тушди. Одил Ёқубовнинг йиқилиб шу аҳволга тушиб қолиши ва тортаётган азобларида ёлғиз ўзи айбордек, гуноҳкорона қараб турган аямизнинг чехраси афсонавий фаришталарники сингари маъюс эди.

Ташқарига чиққанда худди устозни бошқа кўролмайдигандек, бу охирги учрашувимиздек, руҳим симиллаб бораётганини сезиб баттар эзилдим. Чунки уйдадир, кўчададир Одил Ёқубов билан учрашган, сұхбатлашган, ҳазил-хузулларидан ҳузурланган, лекин шу пайтгача бир мартаям бугунгидек тушкун қиёфада кўрмаган эдим. Ҳамиша куч-файратига ҳавасим келиб, ўзим ҳам кучга тўлгандай бўлиб кетар эдим. Бугун эса...

Орадан чамаси бирор ҳафта ўтди. Одил аканинг аҳволи яхши эмаслиги, шифохонадан уйига олиб кетишганидан хабардор эдим.

«Эл сув ичган дарёлар» деган китобнинг босмахонадан чиққан биринчи нусхасини оласолиб, устозникига чопдим. Устоз китобни қўлига олиб, ўзи ҳақидаги саҳифага бир қур кўз ташлади. Тўнғич ўғли Искандарга кўзи билан бир нималарни уқтириди. «Кейин ўқийман, ёстиғимнинг тагига қўй», деяптилар, деди Искандар. Одил ака билан неча йиллар давомида бўлиб келган гурунгимиз биринчи ва охирги марта кўзлар орқали бўлди. Орадан икки кун ўтгач, Одил Ёқубов бу дунёни мангу тарқ этди...

*Абдусаид КЎЧИМОВ
2010*



НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ

(1934—2006)

Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп...

Ҳа, аммо бу гулларнинг ҳар бирининг ўз ифори ва таровати бор. Инчунун, адабиёт боғида қалам тебратадиган ҳар бир кўнгил одамининг ҳам ўз овози ва ўз муҳри бор бу бўстонда.

Ҳа, қош ва қовоқ ўртасидаги бу қисқа умр йўли ниҳоятда фанимат. Шундай экан, бир-бirimizдан яхшиликларимиз ва ширин гапларимизни аямайлик.

Бешафқат ўлим Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаевни орамиздан олиб кетди. Нормурод Нарзуллаев 1934 йилда Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Хўжаҳайрон қишлоғида туғилди. Аввал Қарши педагогика билим юргида, кейин Самарқанд давлат педагогика институтида таҳсил олди. Ўз меҳнат фаолиятини 1956 йилда бошлади. Самарқанд ва Қашқадарё вилояти газеталарида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб бўлиб ишлади.

Нормурод Нарзуллаев 1976—1981 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмасида раис ўринbosари, 1981 йилдан умрининг охирига қадар «Янги аср авлоди» нашриёгининг бош муҳаррири сифатида фаолият олиб борди. У сермаҳсул ижод йўлини босиб ўтди. Унинг дастлабки шеърий тўплами «Суюнчи» номи билан 1965 йилда босилди. Қирқ йиллик ижодий фаолияти мобайнода «Сизни Ватан эркалар», «Мехр чашмаси», «Зарафшон зарлари», «Уфқларда кўзларим», «Ёғду», «Севги



сөхри», «Тонг элчиси» каби йигирмадан зиёд шеърий түплами, икки жилдлик сайланма асарлари, дунё адабиётининг Г. Гейне, Е. Евтушенко, К. Кулиев, И. Юсупов сингари таниқли намояндалари асарларидан қилган таржималари билан адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиди. Шоирнинг шеърлари рус, немис, инглиз, ҳинд ва жаҳоннинг бошқа кўпгина тилларига таржима қилинган.

Нормурод Нарзуллаев драматург ва киносценарист сифатида ҳам са-марали ижод қилди. Айниқса, қўшиқчи шоир сифатида шуҳрат қозонди. Унинг мустақиллик йилларидағи ижоди, истиқолимизни тараннум этувчи шеър ва қўшиқлари халқимиз қалбидан мустаҳкам жой олди.

Нормурод Нарзуллаевнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. Унга 1998 йилда «Шуҳрат» медали, 2000 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвони берилди.

Таниқли шоир, моҳир ташкилотчи, таржимон ва муҳаррир, самимий инсон ва садоқатли дўст Нормурод Нарзуллаев хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

ЯХШИЛИК КУЙЧИСИ ЭДИ

Нормурод ака билан салкам ўттиз йиллик қадрдон эдик. Узоқ йиллар ёшлар нашриётида бирга ишладик. Қашқадарё чўлларини, водий боғларини бирга кездик, бирга учрашувлар, шеърхонлик кечалари ўтказдик, дўст-қадрдонларнинг давраларида ёнма-ён ўтиридик. Нормурод ака туфайли кўплаб садоқатли дўстлар ортиридим.

Нормурод ака бутун вужуди билан шоир эди. У ҳаётга, одамларга, атрофида кечा�ётган воқеаларга ҳам шоир кўзи билан қарабди. Бирор нима ўхшамай қолса, «Ҳа энди, шоирчилик-да» дейдиган ажиб бир лутфи бор эди. Гоҳо турмушнинг ногаҳоний тўлқинларига дуч келиб, титраб турганида ҳам бу тўғрида оғиз очмас, бордию сиз оғиз очиб қолсангиз, сўзингизни кескин бўлиб, ҳарорат ва ҳаяжон билан шеър ўқий бошларди. Шундай ўқирдики, меъёридан ортиқ даражада жўшиб кетарди, соғлигини билган биз жўралари ҳай-ҳайлашга ҳам мажбур бўлардик..



Нормурод аканинг шеърлари фавқулодда равон ва соддалиги билан ажралиб турарди. Бир қарашда, жиддий ёки мураккаб фалсафаси йўқдай, аммо юракка яқин, худдики сизнинг ҳам тилингизнинг учида турган, сиз ҳам айтмоқчи бўлган фикрлар эди. Энг муҳими, бир-икки эшитсангиз, бас, ёдлаб олардингиз. Ёдлашга уринмасангиз ҳам шундай бўларди. У кишининг қўшиққа айланган неча юзлаб шеърларини бир мен эмас, жуда кўплаб муҳлислар, адабиётчи бўлмаган бошқа қасб эгалари ҳам ёд билишади.

Нормурод аканинг уйи санъаткорлар билан ҳамиша гавжум бўларди. Бўш вақтларини бастакор дўстлари даврасида ўтказарди. Катта, таникли ҳофизлардан тортиб, саҳна юзини энди-энди кўраётган ҳаваскор ижодкорларгача у кишидан бирор нима ундириш илинжида йўл пойлашарди. Машхур «Ялла» қўшиғи шундай илтимос натижасида юзага келганига гувоҳман.

Нормурод aka қўшиқ билан нафас оларди. Яхши қўшиқ ҳаётининг мазмуни эди. Телевидение ёки радиода қўшиқлари янграб қолса, худди боладай қувониб кетарди. Аммо ҳаёти фақат қўшиқдан иборат бўлмади. Инсон зоти борки, ҳар биримизнинг белимизга, куш бўлиб учиб кетмаслигимиз учунми, катта-кичик, қўринар-қўринмас ташвиш халтачалари осиб қўйилган. Бу «таомил»дан у киши ҳам четда қолмаганди.

Нормурод aka умрининг охиригача элим деб, халқим деб куйлади, ҳамма билан дўст-қадрдон бўлиб яшади. Уларга яхшилик қилишдан чарчамади. Вужуди ҳаловатталааб бўлишига қарамай, ҳаловат нималигини билмади, маданиятимизга, санъатимизга хизмат қилди. Энг сўнгги дақиқаларгача шундай бўлди.

Куни кеча бирга эдик, ижодий ҳамкорлик режаларини тузатгандик. Янги қўшиқ туфилётган эди. «Янги аср авлоди»да ёш ижодкорларга бағишлиланган тўплам тузатгандик. Бугун эса....

Охиратингиз обод бўлсин, яхшилик қўйчиси.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

ҚАЛБГА СИНГГАН САТРЛАР

Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев ҳаёт бўлганида бугун олтинчи мучал тўйини нишонлаётган бўларди.

Нормурод Нарзуллаев — қўшиқчи шоир эди. Унинг 500 ортиқ қўшиғи хонандалар томонидан маҳорат билан ижро этилиб, қалбларга сингиб кетган.

Қўшиқ ёзиш осон иш эмас. Халқнинг тили ва дилидан жой оладиган сатрларни битиш учун муаллиф, аввало, халқ қалби ва руҳига яқин бўлиши керак. Нормурод ака халқнинг ичидаги яшаб, унинг дилини тинглай оладиган шоирлардан эди. Шу боис қўшиқлари тингловчига ҳамиша манзур бўлади.

Кейинги йилларда шоир ҳикматга тўла тўртликлар туркумини яратди, алоҳида сайланма китобини нашрга тайёрлади.

Нормурод ака инсон, ҳамкасб, дўст-биродар, йўлдош-сафардош сифатида беназир эди. Ҳар қандай тадбир, тўй-ҳашам, маърака-маросим, шеърият кечасига, ўзининг таъбири билан айтганда, «ўқланган милитиқдек» тайёр турарди.





Шоирнинг дўст-қадрдонларини республикамизнинг истаган шаҳар-қишлоғидан топишингиз мумкин. Ён-атрофимиздаги давлатларда ҳам уни ўз туғишган биродарларидай эъзозлашар эди.

*Ўзбекнинг оқиниман,
Қозоқнинг яқиниман! –*

дерди у ифтихор билан.

Жонажон Ўзбекистонни, бағрикенг, жўмард ҳамюртларини юракдан яхши кўриб:

*Ким учундир бошқа дарё,
Мен учун бор Қашқадарё! –*

дэя баралла ҳайқираради.

Бадиҳагўйликда бу шоирнинг олдига тушиб қийин эди. Юрган йўлида шеър тўқиб, ҳикмат айтиб юарди. Ўзи айтмоқчи, «Шоирлар кўп, Нормурод Нарзуллаев битта» эди.

Халқ шоири, қарангки, вафотидан 20 дақиқа олдин шу тўртликни ёзib қолдирди:

*Жон дўстим деб кўп кўкрак керма,
Ҳар соат, ҳар дам билинар қадри,
Қадрига ет дўстинг тириклигида,
Сендан рози бўлсин ҳаттоказ қабри...*

... Ўзбекистонни бағрига босган, ҳар бир инсонга алоҳида меҳр билан талпинган шоир хотираси халқимиз қалбидан ўчмайди.

Махмуд САТТОРОВ

НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

КОМИЛ ИНСОН КЕЛАДИ

Құнғироқни янгратиб катта карвон келади,
Карвонини етаклаб, ботир сарбон келади.
Умид билан чиққан у, манзилимга етай деб,
Ниятлари бир дунё, дилда армон келади.
Сафарлари ҳамиша бўлсин ойдин, бехатар,
Ният тоза бўлса гар, йўл ҳам равон келади.
Ким йўл юриб, мўл юрса, муродига етишгай,
Саҳро кезиб, тоғ ошса, нурли давон келади.
Кечсанг Сайхун Жайхунни, олтин водий соғинар,
Қашқадарё, Зарафшон, жўшиб Сурхон келади.
Самарқанду Бухоро, Хива билан кўҳна Кеш,
Қадим Шошу Насаф ҳам кутлуғ ошён келади.
Буюк Ипак йўлида мозий-тарих учрашгай,
Тақдирлар зар китобу ғазал достон келади.
Мұхаббат маликаси ишқу вафо кўшкида
Тулпорини ўйнатиб, тахтга султон келади.
Мунаввар тонг келтирад оқ каптардай хушхабар,
Нарзий қутлар камолин, комил инсон келади.

МЕҲР ҚЎШИФИ

Муруватдан яралгандир бу дунё,
Офтоб сочар еру қўкка нур-зиё,
Қўнгилларни ошён этмиш ишқ, вафо,
Дил тўридан тарапади куй-наво,
Қуёш юртим, баҳористон, чамансан,
Гўзаллигу эзгуликка ватансан!

Шабнамларга юзин ювар наҳорим,
Булбул бўлиб қутлагайман баҳорим,
Дийдорига тўяй дейман дилдорим,
Меҳрим қўшиб куйлагайман алёрим,
Қуёш юртим, баҳористон, чамансан,
Гўзаллигу эзгуликка ватансан!

Ҳаёт бўлиб ёнар, ўчмас чироғинг,
Баёт бўлиб куйлар жўшқин булоғинг,
Нурга, гулга тўлсин жаннат қучоғинг,

Онахоним, кўзга суртгум тупроғинг,
Кўёш юртим, баҳористон, чамансан,
Гўзаллиги эзгуликка ватансан!

ЯНГИ ҲАЁТ ҚЎШИФИ

Ўзбекистон дея аталган диёр,
Глобусдан боқиб, йўллайди салом.
Дилларни, элларни боғлайди дийдор,
Насиб этмиш бизга илоҳий калом.

Бошида дўпписи, эгнида яктак,
Белида белбоғи, қинида пичоқ.
Бағри кўк осмону меҳридир юрак,
Кўзларга тўтиё, табаррук тупроқ.

Умид, ишонч, севги – мангу муштарак,
Инсоннинг матлаби, умрга асос.
Дорбозга лангари — ишончу тиргак,
Аждодлар пок руҳи – тарих ва мерос.

Буюк ипак йўли Шарқ билан Фарбни,
Шимолу Жанубни айлади пайванд.
Танидик дунёга элчи деб қалбни,
Кимки ҳақиқат дер, емас йўлда панд.

Парвоздан чарчамас ҳеч қачон лочин,
Қаноти бор учун учар юксакка.
Умид билан инсон очар қулочин,
Орзузи куч-қудрат ботир юракка.

Сакраб чиқиб бўлмас баланд довонга,
Чўққига чиқилар пилламапоя.
Яратган заковат бермиш инсонга,
Шур бешигига мураббий – доя.

Найрангбозлар кори – дунёнинг иши,
Ҳар гал таъқиб айлар шубҳа ва гумон.
Ёмоннинг бошига етар қилмиши,
Яхшининг қалбida кўнгил чароғбон.

Куламайди бино, пойдевори бор,
Устунга таянар ҳар бир иморат.
Ўз элин ишқидан олур куч-мадор,
Ҳаёт – бу адолат, ишқдан иборат.

Манзилин кўзлайди карвону сарбон,
Бўлур пок инсонга муроди ҳосил.
Итлар вовиллайди, йўлтўсар – шайтон,
Зотин ўзгартирмас покиза насл.

Инонган одамга берар қалб меҳрин,
Изидан ишониб эргашар бирга.
Доно билан бўлса топажак қадрин,
Эътиқод қўяди бутун умрга.

Йигирма олти милён халқ қувонч-дардин,
Елкасига олган ИНСОНга, балли!
Мамлакат кўтарар бошига мардин,
Довюрак, лочин кўз ЎФЛОНга, балли!

Даргаси бор учун кема уммонда
Мағрур талпинади манзили томон.
Довулу долғалар қолар армонда,
Вазмин юкларини етказар омон.

Барпо этмоқдамиз олий кошона,
Ақлу шууримиз, қўлимиз билан.
Олтин гиштлардандир қутлуг остона,
Диллар ҳам яклидир элимиз билан.

Асрларга тенгдир ҳар бир ўтган йил,
Ўзбекномамизнинг зар варафида.
Ўтдик не говлардан мардона, дадил,
Тақдирнинг муҳри бор эл тупроғида.

Йиллар ўтган сайин улғаяр ёшинг,
Тақдир-да, қолдирап ўчмас изларин.
Қорасин тутади қировга бошинг,
Баралла айтажак замон сўзларин.

Халқнинг ишончини оқлаш – олий баҳт,
Улуғ саодатдир элнинг дуоси.
Меҳрдан тикланса қуламагай таҳт,
Эл-юрт овозида бор Ҳақ нидоси.

Янги ҳаёт завқи, даврон шукуҳи
Қалбимиизда боқий, сўнмас нашида.
Оламни сиғдирап инсон нигоҳи,
Ватанга ширин жон бўлсин баҳшида.

ЁР ВАСЛИ

Тонг – саҳар дилбаргинам ноз уйқудан тургаймикин,
Субҳидам саболари ёрим сочин ўргаймикин?

Йўлида зор кўзларим, мен – ишқида девонаман,
Мен – гарис ошигини тушларида кўргаймикин?

Кун ботар, тонглар отар ул қорақўз, қайрилма қош,
Ёлбориб шаббодага, менинг ҳолим сўргаймикин?

Бўйнига маржон қилиб осгум фалак юлдузларин,
Бир умр ул ёнма-ён давру даврон сургаймикин?

Қалдирғоч қанотига нома битдим меҳрим қўшиб,
Софинчим дунё эрур, ёрдан хабар бергаймикин?

Васлига интиқ бўлиб, Нарзий битар шеъру ғазал,
Бул шарафни ул эгам менга раво кўргаймикин?

ДЎСТГА

Дўст киму дўстлик надир, қон нима, қондош надир,
Жон нима, жондош надир, мағзини чақмоқ керак.

Кўнгил – бу кўзгу демак, борлигинг акс этгуси,
Меҳр деган калит ила дил қўлфини очмоқ керак.

Дўст тутиш осон деманг, бошдин ўтгандан сўранг,
Етмаса қадрига кас, ундан фақат кечмоқ керак.

Дўст агар содиқ қолиб, бўлса сенга елкадош,
Гулу нурни бошидан нур каби сочмоқ керак.

Дўст танлашда, эй Нарзий, бошқаларга бўл ўрнак,
Кучоғингни кент ёзиб, оламни қучмоқ керак.

ТЎРТЛИКЛАР

Сахийлик, аслида, эзгуликка дўст,
Саховатпешалар – покдомон зотдир.

Кўрсанг баҳилликни йўлларини тўс,
У чин инсонларга бегона, ётдир.

* * *

Кўксинг тоғдай ўсар – бўлса эътибор,
Кўнглинг боғдай яшнар – бўлса эътибор.
Кўп нарса керакмас инсон зотига,
Дарё бўлиб тошар – бўлса эътибор.

* * *

Улуғ неъмат – Ҳурриятнинг қадрига етиб,
Кел, босайлик бағримизга бир-биrimizни.
Истиқполнинг китобини юракдан битиб,
Тарих қилиб қолдирайлик ўз умримизни.

* * *

Кўнгиллардан бошланар Ватан,
Севиб, қучиб, яйрагил, кулгил.
Багишласа ўзни жону тан
Ватан бўлиб қолади кўнгил.



ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

(1940–2005)

«Хурматли Шукур Холмирзаев!

«Шарқ юлдуси»да босилган «Тұлқинлар» повестингизни ўқидим. Повесть яхши таассурот қолдирди. Мағмуржонни бошда табассум билан тасвир этасиз. Бутун асар давомида қисқалыққа интиласиз. Іззұвчилікда күзингиз очилиб келаётгани күрениб турибди. Назаримда повестнинг номи тұғыры эмас. Кейинги ишларингиз бароридан келсин!»

Салом билан: Абдулла ҚАХХОР», 1962

ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг йирик вакили Шукур Холмирзаев 1940 йыл Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида дунёга келади. Ижоди Тошкент Давлат университеті (ҮзМУ)да ўқиб юрган кезлари нашр этилган «Оқ отли», «Тұлқинлар» номлы қиссалары билан бошланади. Илк асарлари билан Абдулла Қаҳхор эътиборига тушади.

«Үн саккизга кирмаган ким бор» (1964) қиссаси бадий ижод оламига истеъдолдли адид кириб келганидан далолат беради.

Езувчининг шундан кейин яратған «Олис юлдузлар остида», «Ҳаёт абадий», «Оғир тош күчса» ҳикоялар түплами, «Сүнгги бекат», «Қылқұприк», «Йұловчи», «Олабұжи», «Бодом қышда гуллади», «Сүнмас олов», «Тоғларга қор тушди» романлари күплаб китобхонлар қалбидан жой олған.

«Қора камар» асари «Ёш гвардия» саҳнасида муваффақият билан саҳнапаштирилди. Асар томошабинлар томонидан ҳам, сүңг мутахассислар ва жамоатчилик томонидан ҳам катта олқышлар билан кутиб олинди.

1989 йилда Шукур Холмираевга «Қора камар» саҳна асари учун Ўзбекистон Давлат мукофоти берилади. 1991 йили ёзувчи Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони билан тақдирланади.

ЧЕКСИЗ СОФИНЧ...

«Ўксима, болам, даданг ҳамиша ёнингда бўлади. Менинг руҳим ана шу асарларимда. Бирон-бир китобимни қўлингга олсанг, ундан менинг сийном кўриниши аниқ».

1

Адамнинг, йўқ, адажонимнинг вафотларидан кейин, тўғриси, қандай яшашни билмай қолган эдим. Энг яқиним, меҳрибоним, ишонганим ва суюнчигимдан айрилгандим. Менинг сўзсиз тушунадиган фақат адажоним эди. Менинг ҳар куним, ҳар дақиқам улар билан боғлиқ эди, кундалик ҳаётимнинг бир бўлаги эдилар. Эрталаб ишга кетмасимдан аввал сим қоқардим, баъзан эса эрталаб соат еттиларда уйларига кириб борарадим, шунда хурсанд бўлиб, «Сен ўзи кечаси ухлайсанми?» деб кулиб кутиб олардилар. Эҳ, адажоним-эй, ахир ўзлари соат тўртдан туриб ишлардилар-а! Мен уларга керакли нарсаларни қолдириб, кўнглим тинчидан ишга кетардим. Улар эса ишлашни давом эттиардилар, машинканинг «чик-чик» овози, сигарета, кофе...

Кундузи ишдан чиқиб, ёnlарига ўтардим, суҳбатлашиб ўтиардик, агар кайфиятлари яхши бўлса, менинг ҳам кайфиятим кўтарилиб кетарди, уй ишларига ёрдам бергандек бўлардим. «Менга ҳам иш қолдирда, қизим», деб ўтиришга ундардилар. Ҳа, адам мени доим аярдилар, мен эса уларни ноxуш гаплардан, ўринсиз воқеалардан...

Хаётнинг мураккаблиги-ю, кутилмаганда юз бераётган воқеалари қаршисида тажрибам етишмаётганидан адамнинг маслаҳатларига, йўл-йўриқ кўрсатишларига муҳтож бўламан. Ўзим жавоб топа олмаётган саволларимни адамга бергим келади. Кўнглимдаги барча гапларни уларга айтиб ўрганиб қолган эканман, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида фикрларини билгим келади, сирлашгим келади, кўргим келади, дардимни тўкиб солгим келади.

Йиллар давомида дўстим деб келганим панд берганида, одамларни яхши билмаслигимдан, ишонувчанлигимдан қоқилганимда, тушунмовчиликларга, бефарқликларга, қийинчиликларга учраганимда, ўзимни бутунлай ёлғиз ҳис этганимда адамнинг етишмаётганликларидан эзилиб кетаман. Ёлғизлик мени ўртаб юборади. Уларнинг нигоҳларини излайман, лекин... тополмайман.

Креслода суюниб, сигарета чекиб, жиддий тинглашларини-ю, юз ифодаларининг ўзгариб бориши, кўнглимни кўтаришлари-ю раъйимга қарашлари, нима биландир ёрдам бермоқчи бўлишлари кўз олдимдан кетмайди. Салгина шамоллаб қолсам, мендан олдин хавотирланиб, «Қизим, иссиқроқ кийиндингми? Ўзингни эҳтиёт қилгин, болам» де-

йишларини, вазмин, меҳрибон овозларини соғинаман. Ҳа, энди фақат эслаб қўмсайман, ўша оддий туюлган кунларни...

Ҳозир ўйлаб ўтириб, йиллар давомида кундалик дафтари тутмаганимга, кўпдан-кўп қайтарилимас дақиқаларни қоғозга тушириб қолдирмаганимга жудаям афсусланаман. ... Адам чой дамлаб беришимни сўраб, ишлагани ўз хоналарига кириб кетдилар. Машинкаларининг «чик-чик» овози эшитила бошлади. Чой қайнагач, уни дамладим ва олов устига қўйиб ҳам олдим, яъни дам едирдим (адам шундай қиласдилар). Чойнакни ушлаб олиб, хоналари томон юриб келиб, шарт этиб эшикни очиб кирдим-у, «Ада, чой олиб келдим» дегандим, баланд овоз билан катта иш қилгандай. Шунда бирдан адамга қараб мендан хатолик ўтганини сезгандим. Бутун ўй-хаёллари, фикрлари ёзаётган асарларида бўлғанлиги сабабли уларни чўчитиб юборгандим. Чой сўраганларини ҳам ўша дамда унутгандек эдилар. Шундан кейин адам ишлаётгандарида уларни телефонгами ёки овқатланишга чақираманми, чой олиб кириб бераманми, аввал хоналарининг эшигини секин тақиллатадиган бўлгандим. Адам ишлаб туриб «ҳа» деб қўяр эдилар, кейин рухсат берилгандек кириб борардим. Кичкинагина қизча шундай қилиб хонага кирмасдан аввал тақиллатиш кераклигини ўрганган эди...

Эсимни танибманки, оиласизда ош (палов)ни фақат адамнинг ўзлари тайёрлардилар (опам картошка паловни қиласдилар). Ош масалликларини Олой бозоридан хафсала билан ўзлари олиб келиб ошни бошлардилар. Кечки овқатга ош бўлганида, албатта, ерга кўрпача солиб, дастурхон ёзиларди, ошни лаганга сузиб келардилар, бу одат тусига кирган эди. Ошни сузишдан аввал «Жойни тайёрладингларми?» деб сўраб қўядилар. Бошқа кунлари эса яна стол-стулда ўтириб овқатланаверар эдик...

Мен мактабнинг учинчи ёки тўртинчи синифда ўқирдим. Адам дўйкондан пластинка қўядиган техника сотиб олиб келган эдилар (у пайтлар пластинкалар кўп эшишларди). Кейин мени қўлимдан



Шукур Холмурзаев

етаклаб, «Болалар дунёси» дўконига олиб бордилар. Пластиналар сотиладиган бўлимига кириб, бирга пластинка танлай бошлагандик. Ўшанда Ботир Зокировнинг чиройли расми туширилган катта пластинкасига қўзимиз тушган эди. «Ада, адажон, ўртогингиз Ботир аканинг пластинкалари», дегандим шошиб. Адам эса, «Албатта оламиз-да, қизим» деб, пластинканни сотиб олган эдилар. Яна опам учун 2—3 та ҳинд қўшиқлари ёзилган кичкина пластинкаларни ҳам қўшиб олган эдилар. Бир неча кундан кейин Ботир ака уйимизга келадиган бўлган эдилар (аввал қўнгироқ қилгандилар). Шунда Ботир аканинг пластинкаларини паст овозда қўйиб қўйғанимиз кечагидек ёдимда. Ботир акага эшикни адам очганларида эса, улар кулиб ўз қўшиқлари остида уйга кириб келгандилар.

Яна бир воқеани эсласам. Мактабда ўқиб юрганимда ҳар йили ёзги таътилда лагерга борардим. Бир йили лагердалигимда, менинг отряд тарбиячим — ёш рус қизининг доим кичкинагина китобчани қўлидан қўймай ўқиб юриши дикқатимни тортганди. Кунлардан бири, кўриб қолдим, унинг қўлида адамнинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор» китобларининг рус тилида — Москвада чоп этилган нашри экан. «Бу менинг адамнинг китоблари» деб айтмолмаганман, ноқулав сизганиман. Кейин адам дўстлари Бахтиёр ака Ихтиёров билан тўрвада ширинликлар, мева-чевалар кўтариб хабар олгани келгандарида эса «ҳаммаси очилган». Тарбиячи қиз эса ҳаяжонланиб, қувониб, китобчага дастхат ёздириб олган эди.

Адам 8-март байрамларида тонгда опам билан мен ҳали уйғон-масимизданоқ, Олой бозорига бориб, чиройли гулларни сотиб олиб келардилар. Биз уйғонганимизда эса вазада чиройли гуллар бўларди...

Уйимнинг деворларида осиғлиқ турган бувимнинг расмларини ҳам, ўзимнинг катта портретимни ҳам адажоним совға қилгандлар. Уларни адам рассом дўстларига айтиб, тўғрироғи суръатларни бериб, чиздиригтирган эдилар. Шу расмлар ҳам доим адамни ёдга солади... Ҳолбуки, мен учун энг яхши совға — бу адамнинг ёнимда соғ-саломат, яхши кайфиятда юришлари эди.

70-йилларнинг ўрталарида адам Муқимий номидаги мусиқий драма театрида адабий эмакдош бўлиб ишлаган эдилар. Ўша пайтлар Абдурашид Раҳимов, Ҳамза Умаров, Рассоқ Ҳамраев, Бахтиёр Ихтиёровлар билан яқин эдилар, улар уйимизга ҳам тез-тез келиб туришарди. Ҳамза Умаров бош ролни ижро этган «Хотинимнинг эри» номли, Марям Ихтиёрова қатнашган «Хонума Хоним» спектаклларига ҳам оиласиб борган эдик. Учқун Назаров «Кўқон воқеаси» номли фильмини Кўқонда суратга тушираётганида адамни бош ролни ижро этиш учун тўхтосиз чақиргалиари ҳам эсимда. Адам рози бўлмагандилар ўшанда.

...Икки оғиз бувимнинг адамга нисбатан муносабатлари ҳақида айтиб ўтмасам бўлмас. Бувим адамга, яъни ёлғиз қуёвларига ўғилларидек меҳрибон эдилар, доим уларнинг кўнгилларига қарадилар. Бувимнинг хонадонлари адамнинг дўстларига, шогирдларига доим очик эди,

кундузи бўладими, кечаси бўладими, меҳмондўстлик билан ёруғ чехрада хурсанд бўлиб уларни кутиб олардилар. Бувимнинг ҳовлиларида Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Фани Расулов, Раҳмат Жумаев, Баҳодир Йўлдошев, Турсун Иброҳимов, Омон Мухтор, Айвар Ҳожи, Ихтиёр Ризо ва бошқалар кўп бўлишган.

Талабалигимда (3-курсдалигимда) синган оёқ билан мени кўргани пахта теримига борганларини ҳалигача курсдошларим эслашади. Улар машинадан оёқ босиб туша олмасдилар, ўнг тўпигларига гипс қўйилган эди. Пахта даласидан «Сайёра, аданг келди» деб чақиришларини эрталабдан бери кутаётган эдим. Чунки ўша куни якшанба эди. Адам эса ҳар қандай шароитда ҳам ҳар якшанба, албатта, келардилар. Чунки мени кутишимни билардилар. Шунинг учун оғриққа ҳам, ноқулайликларга ҳам қарамай келгандилар. Ҳафта давомида гапларим йигилиб қоларди-да, адамга... Пахта терими-даги қийинчиликлар, яшаш шароитининг оғирликлари бир муддатга орқага чекинарди. Талабалик давримда пахта йигим пайтида кўргани келишлари худди байрамдек бўлиб кетарди, ҳамма хурсанд... Домлаларимиз Бегали ака (Қосимов), Мұхсин ака (Олимов), Саттор ака (Ҳайдаров) адамнинг дўстлари, талабалар эса бўлажак адабиётчилар, ижодкорлар...

«Ўз юртингни, унинг тарихини билишларинг керак» деб болалигимизданоқ ёз ойларида ўз машиналарида Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона, Шоҳимардон, Хоразм, Хиваларга олиб борганларини ёдга олмай бўладими...

Ҳаётимдаги ҳамда иш фаолиятимдаги яхши ўзгаришлар, кувончли воқеалар, кунлар адамни қанчалик қувонтиради. Бундан бир неча йиллар аввал (1990 й.) номзодлик ишини ҳимоя қилишим ва уни нишонлаш тантанага айланиб кетган эди-я. Адамни табриклишарди, энди билсам, фарзанднинг қандайдир ютуқларга эришиши (оз бўлса ҳам) бу ота-она учун фахр экан. Дўстлари, шогирдлари ва Сурхондарёдан келишган яқинлар, қариндошлар – ҳаммалари биз билан бирга эдилар. Шахсий кутубхоналаридаги китобларининг кўп қисмини менга ўшанда совға тарзида берган эдилар.

Ҳар гал болаларим билан адамдан хабар олгани борганимда,



аввал боғни айланиб чиқардик, қилингандык ишлар ҳақида гапириб берардилар. Улар «Боғ эгасининг юзи бўлади», дер эдилар. Адам дараҳтларни, гулларни ва арчаларни жуда яхши кўярдилар. Ўз боғларида турли дараҳтлар ва гуллардан ташқари, айвонлари ёнига (голос дараҳтининг чап томонига) бир туп арча ҳам эккан эдилар. Фарзандларим билан боғларига борганимда адам, «Қизим, арчани кўрдингми? Ном ҳам қўйдим арчага, — дедилар мийигида кулиб, — айтайми, арчанинг номи Сайёра», дегандилар.

2

Адамнинг сўнгги туғилган кунлари (2005 йил 24 март) арафасида сал тоблари қочиброқ турган бўлса-да туғилган кунларини доимгидек дачаларида нишонлашларини айтгандилар. Мен уларни бу фикрларидан қайтаришга урингандим, лекин кўнмагандилар. Ҳаво анча салқин, намгарчилик эди, соғлиқларини ўйлаган эдим. Дача-боғлари, асосан, ёз ойларида яшашга мўлжалланган эди. «Йўқ, барибир дачага борамиз. Битта-яrimta келиб қолиши мумкин», деб туриб олгандилар. Шунда мен «Туркистон» газетасининг бош муҳаррири Салим Ашурга кўнғироқ қилиб, машиналарини бир неча соатга сўрагандим. Улар ҳар доимгидек бизга керакли вақтга юборишларини айтгандилар. (Адамни «устоз» деб хурмат қилгани учун ҳаддим сифиб сим қоқардим. Бундан олдин ҳам 2–3 марта машина жуда зарур бўлиб қолган пайтларда ҳам уларга кўнғироқ қилган эдим. Бир гал ҳатто ўзларининг машиналари узоқ ўйлда бўлганида, бошқа машина топиб юборган эди.) Шундай қилиб, дача-боғ томон йўл олгандик, йўл-йўлакай ТТЗнинг бозорига ҳам кириб ўтгандик. Дачанинг у ёғ-бу ёғига қарагандек бўлдим, стол тузадим. Қисқаси, ўша куни кечга яқин фақатгина битта одам адамни йўқлаб келди. Бу Тўлепберган оға Қаипберганов эди, қорақалпоқларнинг чопонини, бош кийимини кўтариб кириб келдилар ва табриклаб, узоқ умр тиладилар, 78 ёшга тўлган оқсоқол адибимиздан бошқа ҳеч ким келмади... Ҳа, бу адамнинг сўнгги туғилган кунлари эди... Ўшанда мен ўксинган эдим, ўзимни айбдордек, ноқулайроқ сезгандим, лекин билдирамасликка ҳаракат қилганман. Ўша пайт битта-иккита шогирдлариними ёки яқин дўстлариними ёдларига тушиб, хурсанд кайфиятда дачага кириб келишларини жуда-жуда хоҳлагандим, ич-ичимдан кутгандим. Бу, албатта, адамнинг умрларига умр кўшарди, беморликлари ҳам орқага чекинарди... Оддий кунлардан бири бўлиб ўтиб кетди, ўша кун ҳам... Яхшиям Тўлепберган оға бор эканлар... 65 ёшга тўлган эдилар-а, ўша куни... адагинам. Шундан кейин ярим йилгина умр кўрдилар.

3

Адам саёҳатларга чиқмадилар, курортларга дам олгани бормадилар, санаторийларда ётиб даволанмадилар — вақтларини аярдилар, улар вақтларини, асосан, ёзиш учун сарф қилардилар, ёзиш — бу ҳамма

нарсанинг ўрнини босарди. Адам йилнинг тўрт фасли ҳам, байрам кунлари ҳам, якшанба кунлари ҳам ёзар эдилар. Улар учун бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Ижод қилиш, ёзиш – бу яшаш дегани эди. Адажоним ёзаётган асарларидан бир неча бетларни овоз чиқариб ўқитишини яхши кўрардилар. Бир неча варакларни узатиб, «Овоз чиқариб ўқигин, қизим, эшитай», дердилар. «Эна қизим, Сайёражон»ни ҳам худди шундай, овоз чиқариб, лекин йиғлаб ўқиб берган эдим...

«Сайланма»ларининг 1-жилди чоп этилганда қанчалик қувонгандилар-а. Бунақа қалин муқовали китобда ҳикояларини жамланган ҳолда кўриш уларнинг ушалмас орзулари эди. Китобга қараб тўймасдилар. «Қизим, китобни ёстиғимнинг тагига қўйиб ухлайман, ёстиқдай қилиб» дегандилар китобнинг ilk нусхасини қўлларига олиб. Адамга ҳаётлик пайтларида шу қувончни, шу баҳтни кўриш насиб этгани учун Бобур ака (Алимов)дан, нашриёт ходимларидан бутун умр миннатдорман. Агар улар бош-қош бўлишмаганда нима бўларди? Булар ҳақида ўйлагим ҳам келмайди. Асосийси, адам 2 жилд ҳикоялар тўпламини қўлларига олиб роҳатландилар. Яхшиям шундай одамлар бор экан, инсонни ўз вақтида – ҳаётлик пайтида қадрлашга нима етсин.

Адамнинг беморликларини, ётиб қолганларини эшитган заҳотиёқ Бобур ака, нашриёт раҳбарлари, ходимлари хабар олгани келганди. Ҳа, адам уларнинг ўзиники, яқини бўлиб қолган эдилар. Адам билан қилинган сұхбатда, китоб чиқиши арафаси эди ўшанда, мухбирнинг саволига шундай деб жавоб берган эдилар: «Худо ярлақагур Бобур қиласпти бу ишларни. Минг раҳмат шуларга. Роза хурсанд бўлдим. Шундай қилиб, кун «Шарқ»дан чиқди». Адам ҳаётликларида доим қўллаб, ёрдам бериб, вақти келганда асарларини устидан кўриб бериб юрган шогирдлари ҳам бор эди. Улар адамни бемор ётганларини, яъни сўнгги кунларни яшаётганларини эшитган бўлсалар ҳам, лекин бир бор кўриб қолишига шошилмадилар. Халигача ақлим етмайди, шунақаси ҳам бўлар экан-да. Ахир ҳурмат қилган, ўзини унинг яқинларидан, шогирдларидан деб билган одам бундай қиломайди-ку. Лекин қилар экан, қилиши мумкин экан, буни вақт кўрсатди, ўзим гувоҳи бўлдим. Хайрлашувга келмадилар, ўша кунлар қайтмас, гаримат эканлигини билсалар ҳам... Ҳатто маъракаларга ҳам... Менга алам қиладигани адам доим уларга ишонардилар. Бу соддаликданми, ишонув-чанликтанми, билмайман. Ўша мен учун, яқинларим учун оғир бўлган кунларда ёнимизда бўлган – адамни чин дилдан ҳурмат қиладиган, қадрлайдиган, тушунадиган ва умуман яхши кўрадиган дўстларини, шогирдларини, таниш-билишларни миннатдорлик билан эслайман ва унутмайман. Адамнинг вафотларидан ярим соатча олдин Усмон (Азимов) акага кўнғироқ қилиб, оғирлашиб қолганларини айтган эдим, 29 сентябрнинг тонги, соат еттиларга яқин эди. Улар дарров етиб келишларини айтиб,

айрим маслаҳатларни бергандилар. Касал ётганларида тез-тез хабар олиб турғанлари учун ақволларидан яхши хабардор эдилар. Усмон ака адамни ётиб қолғанларидан то барча маъракалари ўтгунга қадар оиласизни қўллаб, далда бериб, ёнимизда бўлғанларини ҳам айтиб ўтмасам бўлмас. Абдулла Аъзам адамдан уларнинг сўнгги истакларини сўрашимни ва бу истак, албатта, бажарилишини ҳам тайнлаган эдилар... Агар соғинч, кўз ёшлар адамни қайтара олганида эди, улар аллақачон ёнимда бўлардилар. Битта жумла тилимга келаверади: «Адажон, мени ташлаб кетдингиз-а».

Ҳаётда нималардир мен кутгандек, мен ўйлагандек бўлмаса ҳам, борича яшашни ўрганяпман. «Қизим, сен нима дессанг шу», дер эдилар адам, ҳатто қизалоқлигимда ҳам. Шунданми, бирорта ортиқча гапни, қўпполликни ҳозиргача кўтара олмайман. Ҳа, улар мени вояга етказиб, тарбиялаган, қизининг аъло баҳоларидан қувонган, унинг райини ҳеч қайтармаган, ҳайвонот боғларига етаклаб олиб борган, илк бор велосипед учишни ўзи ўргатган, китоб оламига олиб кирган меҳрибон адажон эди. «Кимки Сайёрани хафа қилса ёки у ҳақида бирор ножёя гап айтса, ўша одам менинг душманимга айланади» деган эканлар адам танишларимиздан бирига суҳбат чогида. Бу гапни эшишиб кўнглим бузилиб кетди. Мен эса худди шунга яқин бўлган гапларни адамга нисбатан ҳам айтган бўлар эдим... Адасини жудаям яхши кўрувчи, ижодини хурмат қилувчи қизи сифатида...

Улар дам олганларида, ишлаб чарчаганларида, баъзан эса уйқудан олдин каравотларида ётиб, ўнг томонга ёнбошлаб олиб, китоб ўқиб ётардилар. Шу ҳолатни ҳам кўп эслайман. Чунки бир неча бор кўзлари илиниб қолганида, секин қўзойнакларини олиб қўймоқчи бўлганман-у, яна чўчитиб юборишданми, уйғотиб юборишданми кўрқканман. Кўзларида кўзойнак, ёстиқларининг ёнида ўқиётган китоблари, кўзлари эса илинган, оёқ томонларига енгилгина чопон ташлаб кўйилган... Адажонимнинг елкаларидан қаттиқ-қаттиқ кучиб, кўксиларига бош кўйиб, кейинги йиллар давомида бўлган воқеалар ҳақида айтиб бергим келади. Юз ифодамдан ҳеч ким билолмайдиган, тўғрироғи, ҳеч кимга билдирмайдиган, сездиurmайдиган, қалбимнинг туб-тубидаги гапларни – ким кўнглимни оғритганими, кимдир икки оғиз илиқ сўзи билан кўнглимни кўтартганими, фақатгина уларга айтишим мумкин эди.

Адам вафотларидан сал аввал ётиб қолганларида нима қилишимни билмай, капалақдек ўзимни ҳар ёққа ураддим. Тузалиб кетишларига умид қолмаганида ҳам мўъжиза кутардим, чунки ишонгим келмасди. Кўнглим бўшашиб қолган, тўғри йўлда юрганимда ҳам кўзимдан ёш оқиб кетаверарди. Агар иложи бўлганида эди ўз умримни адамга берган бўлардим, деб ўйлардим. Лекин сабр қилишдан, чидашдан бошқа илож йўқ эди...

Мен, энг аввало, уларни ота сифатида, энг яқин инсон сифатида қўмсайман. Йўқ, эртага яна мозорларига, Чифатойга бориб келаман,

балки сал енгил тортарман, акс ҳолда ҳаво етишмай қолади. Ўзимга куч оларман, яшашдан маъно қидирарман. Мен Чифатой мозорини айланарканман, ҳаётнинг шафқатсизлигини, ўткинчилигини яна бир бор ҳис қиласман: ана Абдулла Қаҳҳор, Шукур Бурхонов, Ботир Зокиров, Ҳамза Умаров, Рўзи Чориев, Озод Шарафиддиновларнинг қабрлари, адамнинг қабрлари ҳам шу ерда, шуларнинг қаторида. Ҳа, бу ерга адамнинг севимли устозлари, дўстлари ҳамда кўпдан-кўп таниш-билишлари дафн этилган. Мен Куръон ўқиб, уларнинг ҳар бирини зиёрат қилиб, гуллар қўйиб, яна тўққиз қаватли бинодаги уйимга секин қайтиб келаман. Ўзим таълим берётган талабаларимни ҳам Чифатой мозорига тез-тез олиб бораман.

«Сайёра – адасининг қизи» дейишарди, ҳа, «мен – адамнинг қизиман! Шунга лойиқ бўлишга умрим давомида ҳаракат қилиб келдим... Мен баҳтлиман, адамнинг қизи эканлигимдан баҳтлиман.

Битта манзара кўз олдимга келаверади. Адам чап қўлларида дипломлари, ўнг қўлларида сигарета, секин юриб келяптилар, сўрашганларга бош қимирлатиб алик оляптилар...

Адамсиз яшашга кўникиш... бу мумкин эмас. Мен ўзимда яшашга куч топишга уриняпман, ўзимга далда берган бўламан. Тонг маҳал уйғонганимда эса адажонимни бугун яна кўрмаслигимни ўйлаб юрагим увишиб, музлаб кетаман. Ҳамма нарса бирдан ўз маъносини йўқотади. Фақатгина фарзандларим, адамнинг суюкли невараларини вояга етказишим кераклиги мени ушлаб туради. Ҳаётнинг кетма-кет синовларига чидашга мажбур қиласми, куч беради.

Олдинда қанчадан-қанча кунлар, ойлар, йиллар бор... Йўқ... Адажоним доим биз билан бирга, уларнинг ёди, руҳи биз билан, мен билан, ҳа, мен билан...

*Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА
филология фанлари номзоди, доцент*

АДАБИЁТНИНГ БАХТИ

Талабалик йилларим кўпроқ филология факультетида ўқийдиган тенгдошлар атрофида ўралашиб юрардим. Шўрим куриб, Гегелни кўп ўқиган одам ақллироқ бўлади деган чўпчакка учиб, фалсафа бўлимига тушиб қолган эдим. Афсуски, на ўзим ақлли бўлдим ва на ёнимдаги толибу домлаларнинг зеҳни говлаганини кўрдим. Аммо-лекин собиқ курсдошларимнинг деярли ҳаммаси (иккита энг фикрли йигитдан бошқаси, улардан бири энди дунёдан ўтган) фан доктори бўлди — толиблик давридан қолган ягона гурурим ҳам шу.

Биз ўқиб-ўрганадиган одамларнинг ҳаммаси — Суқротдан то Ленинга қадар — аллақачон ўлиб кетган эди. Ўртоқ Брежнев,

гарчи биз унинг пурмаъно нутқларини росмана ёдлаб олсак-да, кўпроқ адабиётга, мемуар йўсинига мойил эди.

Филолог йигитлар ҳам марҳум шоири ёзувчиларни кўп ўрганарди. Лекин уларнинг қизғин сұхбату баҳсларида ўйликлар ҳам тирик бўлиб туяларди. Адабиёт аҳлиниңг оёқда тирик юргани ўлганидан ҳам кўпроқ эди. Энг даҳшатлиси, бўлғуси филолог тенгдошларим уларни ном-баном биларди. Ё Союздаги мушоирада кўрган, ё кўчада кўриб, сурбетларча саломлашган... Хуллас, уларга ҳасадим келарди.

Мени ром этган яна бир нарса шуки, филологлар ўзларига ёқадиган шоир ёки ёзувчини азбаройи яқин олиб, фақат исми билан атар эдилар: Абдулла (Абдулла Орипов), Эркин (Эркин Воҳидов), Ўлмас, Ўткир, Учқун... (Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаров). Танқидчилардан ҳам бу шарафга муносиб топилганлари бор эди: Умарали билан Норбой. Яъниким, Умарали Норматов билан Норбой Худойберганов. Озод Шарафиддинов домладан ҳайиқиб туришарди, шу сабаб, у мудом Озод ака деган таъкидли иззатга муносиб кўриларди. Табиийки, фамилияси тилга олинмасди. Фамилия дегани замона мафкураси вакиллари хасми эди. Ҳафиз Абдусамадов, Лазиз Қаюмов ва ҳоказо. Фамилияни мафкурадан ажратиш учун «домла» ибораси қўшиларди: Қўшжонов домла, Гуломов домла, Қаюмов домла (яъники ҳамзашунос Лазизхон эмас, навоийшунос Азизхон Қаюмов).

Синдошим Нормўмин эдими, ё Мурод Абдулла ва ё Маҳмуд Саттор эдими, хуллас, филолог студентлардан бири ўқчи маҳаллада, Ялта деган боши берк кўчада мўйловли яхудий кампирнинг пана-пастқам ҳовлисида



ижарада турарди. Ўша ерда, макарон шўрва устида кимдир дабдурустдан сўраб қолди: — Сиз Шукурни ўқиганмисиз ўзи?

Мен замон адабиётини Одил Ёқубов қиссаларию Пиримқул Қодировнинг «Уч илдиз» романи доирасида тасаввур қиласадим, холос. Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидовни район марказида, ўзига тўқроқ қарин-дошишимизнинг телевизорида кўрганман. Билганим шу ва тенгдошларнинг тумтариқ сұхбатларидан илиб олинган чўпчакнамо гаплар.

Шукурни ўқимаганим учун изза бўлганимни эслай олмайман. Ҳар ҳолда, Мағрибу Машриқ фалсафасини ҳафсала билан ўрганишга жазм этган такаббур ўспиринга тенгқурлари яхши кўрадиган аллақандай Шукурнинг китобларини ўқимаслик катта фожия бўлиб кўринмагани аниқ. Сал ўтиб билсан, Шукурнинг, яъниким Шукур Холмирзаевнинг ўша пайтда «Ўн саккизга кирмаган ким бор» деган кичкина китоби чиққан экан. Бу китоб адабий давраларда анча машҳур экан, лекин китобнинг ўзидан ҳам Абдулла Қаҳҳор домланинг ёш муаллифга ёзган хати кўпроқ донг таратган экан.

Бугун мен ўша содда замонни недир бир ички ўкинч билан эслайман. Замонки, Ойбек,Faфур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода домлалар ярим пайғамбар, улар айтган ҳар бир дадил сўз салкам ваҳидан келмиш садо бўлиб туюлар эди. Бугун, китоб бефойда матоҳга (дарслик ва доҳиёна қўлланмалар бундан мустасно, уларни ёдлаб имтиҳон топшириш, аввал, диплом, кейинроқ даромадли мансаб олиш мумкин) айланган чоқда, Навоийнинг ўзидан келган мактубни ҳам бошида фаҳр билан ялов қилиб юрадиган шоирни тасаввур этиш жуда-жуда қийин.

Олдинга от суриш эрса-да, айтишим керак, филолог студентларнинг Шукури, бизнинг қайсар Шукур акамиз, халқнинг Шукур Холмирзаев бўлиб танилган катта ёзувчиси, Қаҳҳор домладан олган мактубини унутгани йўқ. У Қаҳҳор домла ёзган мактубни ўзига шараф деб билмасди, лекин ёши улуф бир ёзувчининг эътирофи, инсоний эътибори сифатида қадрлар эди.

60—70-йилларнинг ёшлари Шукур Холмирзаевни тушунарди, деб айтольмайман. Давр ёшлари меҳрини қозониш учун аввало муҳаббат ҳақида ёзиш керак эди. Ёзувчиларимиз бу мавзуда жуда кўп ёзарди. Олимлар улар ёзганини таҳтил қилишга ултурмай ҳалак эди. Ўша пайт матбуотини титкилаб кўрсангиз, бўй йигит эрдан чиққан хотинга уйланиши ёки, бунинг акси, қиз бола хотин қўйган эркакни яхши кўриши мумкинми, деган мавзуларда ойлаб ва ҳатто йиллаб жуда жиддий баҳс қилинганини кўрасиз.

Шукур аканинг номи ҳам Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов каби севимли муҳаббатнавислар қаторида тез-тез тилга олинарди. Лекин мен, машҳур «Ўн саккизга кирмаган ким бор» қиссасини ҳисобга олмаганда, Шукур аканинг муҳаббат мавзусида атай ёзганини эслай олмайман.

Шукур Холмирзаев тенгдошларига ўхшамасди. Унинг қараши, кўриши, тилу лаъжаси, борингки, ўзини тутиши ҳам бошқача эди. Баъзида орқаваротдан «артист» деб чандишарди, яъники унинг ёввойироқ жозибаси, чимрилган қошлар остидан босиб қарашлари, завқланган дамларда «ўлманг!» деб ғалати хитоб қилишлари нуқул дунё тақдирини ўйлаб юрадиган жиддий ёзувчи қолипига тушмасди. Қолаверса, Шукур Холмирзаев студентлик чоғида Гамлетни ўйнаган, деган афсона ҳам юрарди.

Мен аввал бу тафсилотга эътибор бермаганман. Мактаб театри, студент театри, турли «билимдону зукколар» тирбанд қилган саҳналар...

Бунақа ҳаваскорлар атрофда тиқилиб ётарди. Кейинроқ, раҳматли Шукур Бурҳон билан суҳбатимиз соз тушган пайтлар англадимки, Шукур Холмирзаевнинг ҳаваскорлар театрида кўрсатган ўйини ҳавас чегарасидан чиқиб кетган экан. «Шу боланг бекор қилди, — деб ўқинарди Шукур Бурҳон, — ундан иккинчи Шукур Бурҳон чиқиши мумкин эди».

Шукур Бурҳоннинг одати шу эди — кимдандир арази ёки хафалиги бўлса, бас, ўзидан сал четга суриб гапиради. Ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг кутилмаганда «болам»га айланиб қолганига ажабланмадим. Гап шундаки, у ўзининг туғишган укаси Убай Бурҳонни ҳам тез-тез менга ҳада қилиб турарди: «Санинг Убайнинг», «Анави... Убайнинг бор-ку!..» ва ҳоказо.

Бир куни телевизордан Ятим Бобожонга юксак баҳо бериб дўриллаганини бугун ҳам завқ билан эслайман: «Манинг бунақа буюк актёр бўлиб етишганимда Ятим Бобожоннинг хизмати катта».

Шукур Бурҳон шунча таланти, савлати ва деҳқонча қувлиги баробар, шу қадар содда эдики, айтган гаплари мақтанчоқлик эканини билмасди. У ўзининг баҳосини, қадрини, яъники Шукур Бурҳон ягона эканини яхши биларди — шу, холос.

Ўзи билган ва севган ягона Шукур Бурҳоннинг ёнида «иккинчи Шукур Бурҳон» бўлмаганидан росмана ўқинганини ўйласам, бас, Шукур Холмирзаевнинг адабиётга берган меҳри кўлами кўз ўнгимда янада кенгаяди. Кейинги замон адаблари орасида адабиётга энг содик одам Шукур Холмирзаев эканини яна бир марта англайман.

Дўрмондаги боғда, турли залворли ва басавлат уйлар орасида қўли қисқалиги боис омонатроқ қилиб тикланган кулбаси бор эдики, «Шукур аканинг чайласи» деган ном олган ва адабиётни, яъники Шукур акани соғинган одамларнинг барчаси ўша жойга борарди.

Бугун менинг хаёлимга бир-икки шиша оғу устида қурилган сұхбатлар эмас, Шукур аканинг, устида қалин чопон, лабида сигарет, босиб чекиб, босиб ишлаётгани манзараси кўпроқ келади. Эски стол, эски ёзув машинаси, деворга илинган эски ов милтиги...

Усмон Азимнинг ота юрти Бойсунни соғиниб ёзган бир шеъри борки, қадрдон дашти поездга эргашиб (сассиқ шпалларга қоқилиб)

Тошкент қадар келади. Сал беўхшов туолса-да, Шукур ака ҳам ўзи билган ва севган Бойсунни ёзув столига кўчириб келган эди, деб айтсан ҳақиқатга хиёнат бўлмас.

Шукур Холмирзаевнинг қолипга тушмаслиги дастлабки ҳикояларидан бошлаб танқидчиларни гарантситиб қўйган эди. Ашаддий мафкурапарастлар унинг қаҳрамонларини сингдира олмадилар ва дедиларки, Холмирзаев шўро одамларини атай қўпол ва тўпори ва ҳатто овсар этиб тасвиirlаяпти. Кўнгилчан танқидчилар эса, унинг қаҳрамонлари характеридан кўра ёзув услубига кўпроқ эътибор бердиларки, Шукур Холмирзаев содда ва беғубор қишлоқ одамларини қисқа ва лўнда жумлаю сўзлар билан («янги бўёқлар», «янгича нафас» ва ҳоказо сифатлар) моҳирона тасвиirlаганидан нарига ўтилмади.

Шукур аканинг адабиётта миллиатнинг оддий реалист ёзувчиси бўлиб киргани ҳақида сўз айтилмай қолди. Сабаби оддий — у ёзган нарсаларда замон талаб этмиш социалистик реализм, яъники қуруқ маддоҳлик йўқ эди. Холмирзаевнинг ҳикояларида бошқа роману қиссаларда бу қурилишдан у қурилишга байроқ кўтариб чопадиган талабчан ва ўта қуруқ партком секретарлари ҳам жўнлашиб, шунчаки «партком бова»га айланниб қоларди.

Шукур ака тенгқурлари, синфдошлари ҳақида кўп гапирадики, бир куни Тилла билан овга чикдик, бир куни Менгзиё билан Бойсун бордик... Тилла Менглиев райком секретари эди, кейинроқ ҳоким бўлди. Раҳматли Менгзиё Сафаров ҳам газет муҳаррири ва бошқа қатор мансаблarda юрган одам эди. Иккоби ҳам ўта сезигир ва сипо. Мен уларнинг иккиси билан ҳам кўришганман, суҳбат қилганман. Суҳбат чоғида Шукур аканинг ёшликни эслаб берган гурунглари ёдимга келарди, қаршимда ўтирган одамга недир тафсилотни эслатардим. Шунда амалдор акаларимизнинг кўзларига нур инарди, сиполик ва савлат қайгадир йўқолиб, иккиси ҳам ўспирин йигитга — ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг узоқ Бойсундаги содда-баёв синфдошларига айланарди-қоларди.

Ва улар... ўз лаҗжасида гапира бошларди ва туппа-тузук одам қиёфасига киради.

Шукур Холмирзаев дунёни қамраб оламан дея беҳуда чиранган ёзувчилардан фарқли ўлароқ, фақат ўзи кўрган, ўзи билган нарсаларни ёзди. У кўрган ва билган нарсалар китобларда ёзилмиш ҳаётга мутлақо ўҳшамасди, яъники ҳаётнинг ўзи эди. Унинг қаҳрамонлари тирик одамлар эди, баландпарвоз шиорларсиз, худо берган кунини худо берган ақлу идроки ва кучу уқувига муносиб ўтказарди, холос. Адашарди, лекин бир думалаб тузалиб қолмасди. Яхши одам яхшилигини, абллаҳ одам абллаҳлигини давом этказарди. Шукур ака уларга зугум қилмасди, хукм ўтказмасди. Феълига яраша ҳаракат ва сўз топиб бериб турарди, холос. Гўё у турфа феълу атвор солинган қозон тепасида чўмич олиб тургандай: бирига бунча, униси мунча...

Ёзувчининг маслаги битта эди — холислик.

Баъзида, холисликни ошириб юборган пайтлари, Шукур aka ўта бераҳм одам бўлиб туюларди. Рост гапни айтишга келганда нафақат бошқаларни, балки ўзини ҳам мутлақо аямасди. Ўзаро «Шукур аканинг шафқатсиз реализми» деб мутойиба қилардик, баъзида феъли оғир акамиздан росмана аразлардик, ҳатто аразлаб, этак қоқиб кетардик, лекин ҳафта ўтмай Шукур акани соғина бошлардик...

Йигирманчи асрда ёзувчи ва шоирларимиз кўп ёлғон сўзлади, ёлғонни ёзди. Улар орасида ақлли ва талантли одамлар ҳам оз эмасди. Қолипдан, қуюшқондан чиқишига уринган, ёлғонни маслак этишдан оп қилган адиблар ноилож тарихга юз бурдилар...



Олтмишинчи-етмишинчи йилларда авж топган романтик оқим — «муҳаббат прозаси» ҳам мафқуравий қулликдан, ёлғондан қочиш истагида туғилган бўлиши мумкин.

Бугун мен Шукур Холмирзаев рост ёзишни, борини ёзишни қачон ўзига ақида қилиб олган экан, деб ўйлайман. У жуда кўп ўқигани аниқ. Дастлабки ёзган нарсаларида Эрнест Хемингуэйнинг «телеграф услуги» таъсири сезилади. Лекин бу таъсир асло-асло тақлид эмас. Кейин Шукур аканинг «Шолохов» деган лақаби ҳам бўларди (табиийки, Маҳмуд Саъдий қўйган). Лекин мен унинг асарларида Шолохов таъсирини асло сезмаганман. Умуман, Шукур aka ва унинг тенгдошлари росмана ёзишга жазм қилган пайтларда маърифатли одам билиши шарт ҳисобланган яҳши ёзувчиларнинг каттагина рўйхати бор эди. Селинжер, Фолкнер, Эрих Мария Ремарк, Паустовский, Шолохов, Бабель, Булгаков... ва ҳоказолар.

Шукур ака уларни ўқигани ва балки турткى олгани ҳам тайин. Лекин ўқиган одамнинг ҳаммаси ҳам ёзувчи бўлмаганидек, бир-икки турткى билан (яъниким, қалбни титратган гўзаллик таъсирида) оёқقا турган ижодкорни ҳам тасаввур этолмаймиз.

Узоқ Бойсундан умид билан Тошкентта келган мағрур ўспирин худо бермиш зеҳни ва теран идрокини (яна Гамлет ёдга тушади) атاي сўзга баҳш этгани — адабиётнинг баҳти. Такрор айтаман: у умр бўйи борини ёзди, дунёни безаб-бежаб кўрсатишдан қочди. Фақирона кун кечирди, лекин бирорвга бош эгмади.

Ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг жозибаси баъзиларга эришроқ тюолган «артист»лигида. Аслида бу хислат сал бошқача, жиддий ва чиройлироқ — артистизм. Шу туйгуси боис, одам характеристини тезда илғаб оларди. Сўзга, сўз оҳангига ўта сезгир эди. Ким қандай гапиришини (ғайри-шуурый тарзда) олдиндан биларди, қаҳрамонини минг алвонда ўйнатишга (ҳақиқий режиссёр каби) уста эди.

Мен «Лолазор»даги Яхшибоев деган фамилияни Шукур акадан ўйгирма тийинга сотиб олганман. Ўша замонда оға-ини ёзувчилар орасида ўзи ишлатмайдиган ибора, ном ва ҳатто бутун бошли сюжетни бошқага бериш одати бўларди. Шартнома нархи мудом бир хил — ўйгирма тийин.

— Шуни ишлатинг, жоним, — деган эди Шукур ака, — қизиқ фамилия, бола ҳам яхши, ҳам бой бўлсин, деб қўйилади...

Кейин, менинг тиржайганимни кўриб, ўзи ҳам кулиб юборди:

— Тўғри, яхши бойлар йўқ ҳисоби... Лекин ният қиласа ёмонми, Муроджон?.. Керак бўлса, ана, қисқарофиям бор, бизди Сурхонда Бойбўсин деган от ҳар қадамда учрайди...

Кейин унга «Ядиков» деган фалати фамилиянинг тарихи ёқарди. Бу фамилия эгасини кўпчилик танийди. Касбу корини ҳеч ким билмайди, лекин бойсунлик Собир Ядиков эканини ҳамма билади. Собир аканинг отаси етим ўсган — исми Ёдгор эканидан билинади. Кейинроқ у етимхонага тушган, у ерда — ўрисча тил, ўрисча тартиб — Ядик деган лақаб олган. Лақабки, вояга етганида ҳам қутулмаган, уйланиб бола кўрганида Бойсуннинг загсига борган, у ерда ишладиган нўғой хотин (балки уям етимхонадан чиққандир?) «ядик-ядик»лаб қарши олган, чақалоқнинг отини сўраган, кейин ҳеч иккиланмай хужжат ёзиб берган: «Ядиков Собир».

Шукур Холмирзаев қувларча илжайиб, бу фалати фамилиядан бутун бошли манзара чизардики, уни нечанчи бор қайтадан суюб қолардик. Ёки бошқа бир фамилия — Пухтаев. Ақл бовар қилмасада, юрт айвони кенг, шунақасиям бор экан.

— Зўр-да, жоним! — дея гўдаклардай қувонарди Шукур ака.— Пухта, пишиқ! Ҳисобчи ёки кассирга қандай ярашади!

Бу фамилия учун Шукур акага ўйгирма тийин берган-бермаганимни эслолмайман. Афсуски, на у ва на мен кассир ёки ҳисобчи ҳақида ёздик — фамилия савил қолди.

Шукур Холмирзаев мағрур одам эди. Гарчи қаҳрамонларига қўшилиб минг алвонда турланса-да, замонга мослашиб кетолмади. Балки шунинг учун ҳам умри қисқа бўлди.

Шукур ака кўрган беҳаловат, биринчи қарашда ўта бетартиб ҳаётда аслида қаттиқ тартиб ҳукмрон эди. У адабиётга ҳалол, беғараз ва бетаъма хизмат қилди. Хизмати эвазига иззат талаб қилмади.

Унга тузукроқ меҳр кўрсатолмаган бўлсак, бу — бизнинг айбимиз.

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

СЎНГГИ ТАШРИФ

Ш. Холмирзаев хотирасига

*Бошимиз гоҳ эгик, гоҳ кўкка етди,
Умр лаҳза-лаҳза ўтдию кетди.
Боқдим чўққуларга... тоқатим битди! —
Сайрон жайронлардек еламанми-йўқ,
Бу тоғларга мен яна келаманми-йўқ.*

*Биллурдек ярқирап зирвалар қори,
Овлоқ арчазорда ҳилол, олқори.
Қайдадир ҷашма бор — кўнглимнинг зори,
Ҷашмалар, сиз каби тўламанми-йўқ,
Бу тоғларга мен яна келаманми-йўқ.*

*Теранроқ англадим англаган сайин,
Кирни, тиканларинг ишакдай майин.
Қорақош каклигим, сен-да орқайин —
Хониш айласанг сел бўламанми-йўқ,
Бу тоғларга мен яна келаманми-йўқ.*

*Жарликлар оралаб оққан сойлардек,
Зар баркаш — тун оқшом балққан ойлардек,
Ҳар қарич тупроғин гарди пойлардек —
Кўзимга тўтиё қиласанги келаманми-йўқ,
Бу тоғларга мен яна келаманми-йўқ.*

*Йўлимга кўз тикиб волидам адo,
Чақи्रсан ота уй бермади садо.
Қилмасин кимсани меҳрга гадо,
Она деб, бағримни тиламанми-йўқ,
Бу тоғларга мен яна келаманми-йўқ.*

*Қайта яратармиши бандасин қисмат,
Ким, нима бўлиши феълига нисбат.
Қистаманг кетдик, деб жон Собир, Исмат! —
Қайтиб келганимни биламанми-йўқ,
Бу тоғларга мен яна келаманми-йўқ.*

Муҳаммад РАҲМОН



РАУФ ПАРФИ

(1943—2005)

Замонавий ўзбек адабиёти, айниқса, шеъриятынинг хилма-хил йўналишда ривожланаётганлиги унинг ёрқин истикғолидан далолатдир. Модернизм бугунги ўзбек шеъриятидаги жиҳдий услугий йўналишлар бўлиб, миллий поэзиямизнинг янада тароватлии ва таъсирчан бўлишини таъминлаёттир. Бугунги ўзбек шеъриятида ўзига хос йўналиш яратган шоир Рауф Парфи миллий модерн шеъриятынинг асосчиларидан бири ва энг ийрик вакилидир.

Рауф Парфи 1943 йилнинг 27 сентябрида Тошкент вилоятининг Янгийўл туманига қарашли Шўралисой қишлоғида дехқон оиласида туғилди. Отаси — Парфи Мұҳаммадамин ўғли анчагина ўқимишли киши бўлиб, шўролар қувфини даврида Фарғонанинг Водил қишлоғидан Шўралисойга келиб қолган. Онаси — Сакинахоним Исабек қизи ҳам завқи баланд, китоб кўрган, мумтоз адабиётни биладиган аёл бўлиб, у киши ҳам асли фарғоналик эди.

Рауф Парфи 1950 йилда Шўралисойдаги етти йиллик мактабга ўқишга боради ва у ерда 1956 йилгача сабоқ олади. Сўнг қўшни қишлоқдаги мактабга ўтиб, бу ерда 1958 йилгача таҳсилни давом эттиради. Саккизинчи синфни тугатгач, ўқиши Янгийўл шаҳридаги кечки мактабга ўтказиб, меҳнат фаолиятини бошлайди. У дастлаб Янгийўл туман газетасида мусаҳҳиҳ бўлиб ишлайди. Ўрта маълумот

олгач, 1960 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетига ўқишга киради. У ердаги сабоқлар 1965 йилда битган бўлса-да, шоир «Марксча-ленинча фалсафа» деб атальмиш фандан ўтолмагани ва қайта имтиҳон топширишни истамагани учун университет дипломини ололмайди.

Рауф Парфи 1966–1967 йилларда Янгийўлда чиқадиган «Колхоз ҳақиқати» газетасида мухбирлик қиласди. 1967 йилда Тошкентга келиб, Кинематография давлат қўмитасида мұҳаррир бўлиб ишлади. 1971–1977 йилларда Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида мұҳаррир лавозимида фаолият кўрсатди. Сўнг «Ойдин» газетасида, 1987 йилгача яна Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида меҳнат қилди. 1987–1989 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи, 1989 йилдан 1997 йилгача уюшма Тарғибот марказида катта мұҳаррир, 1997–1999 йилларда «Жаҳон адабиёти» журнали бўлим мудири вазифаларида ишлади. Улкан ўзбек шоири Рауф Парфи Ўзтурк 2005 йилнинг 28 мартада юрак хасталигидан вафот этди.

Оlamга ўзига хос кўз билан қарайдиган, унинг бошқалардан яширин гўзаллиги ва қабоҳатини пайқай биладиган Рауф Парфи болалигидан китобга ўч эди. Ўз даврининг таникли кишиларидан бири Ҳамроқул Турсунқуловининг қариндоши бўлгани учун унинг уйидаги жуда бой кутубхонадан бемалол фойдаланар, кечаю кундуз у ердан чикмай, китоб ўқирди. Унинг китобсеварлиги шунчалик эдики, деярли тушунмаса-да, рус тилидаги китобларни ҳам қаторлаштириб ўқиб ташлайверарди.

Рауф Парфининг дунёқараши ва бадиий диди шаклланишида отасининг яқин ўрготи, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик билимдони, таникли ғазалнавис шоир Абдураҳмон Водилийнинг таъсири катта бўлди. Водилий ҳассос қалбли таъсирчан ўсмирга чинакам шеърият, унинг бадиий жозиба қурдати тўғрисида гапириб берар, саноқсиз мисраларни мисол тариқасида ёддан келтириб, Рауфни ҳайратта соларди.

Рауф Парфининг биринчи шеъри 1953 йилнинг 5 мартада ўн ёшида Сталин вафотига бағишлиб ёзилган марсия бўлди. У мактабнинг деворий газетасида босилган. Тақдирни қарангки, ижодини инсоният тарихидаги энг ёвуз жаллоднинг ўлимига марсия шеър ёзишдан бошлаган болакай улғайгач, инсон эрки ва ҳуқуқлари учун курашувчи ижодкор бўлиб этишиди. Сал ўтиб, истеъододли ўсмирнинг шеърлари туман газетасида чоп этила бошлади. Университетнинг биринчи босқич талабаси эканида унинг қаламига мансуб «Лайло» шеъри миллат ёшларининг энг севимли кўшиғи сифатида куйланарди.

Шоирнинг биринчи шеърлар китоби – «Карвон йўли» 1968 йилда босилди. Шундан кейин турли йилларда унинг «Акс садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1975), «Кўзлар» (1977), «Қайтиш» (1978), «Сабр дарахти» (1986), «Сукунат» (1989), «Тавба» (2000), «Сўнгги видо» (2005) каёни шеърий китоблари чоп этилди. Ўзбек адабиёти ривожи ва

миллий маънавиятни щакллантиришдаги улкан хизматлари учун 1999 йилда Рауф Парфига «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилди.

Рауф Парфи ўзбек ўқувчиларини жаҳон шеъриятининг энг сара намуналаридан баҳраманд этиш мақсадида дунё адабиётидаги бир қатор машхур асарларни она тилимизга таржима қилган. Чунончи, Байроннинг «Манфред», Нозим Ҳикматнинг «Инсон манзаралари», Маҳмуд Ҳодийнинг «Озодлик лавҳалари» («Алвоҳи интибоҳ»), Карло Каладзенинг «Денгиз хаёли», А. Дюманинг «Уч сарбоз» ва бошқа кўплаб нодир асарлар Рауф Парфи қалами туфайли ўзбек китобхонларига етиб борган.

Козоқбой Йўлдошев

КУНЛАРДАН БИР КУНИ РАУФ ПАРФИ...

«Общий» вагон

Улуғ шоир Рауф Парфи фақат истеъоди билангина эмас, дарвешлиги билан ҳам маълум ва машхур эди. Шоирнинг уйи ҳамиша ёру беродарлари, улфат ва шогирдлари билан гавжум бўларди. «Карвон-сарой»нинг кунда-шундаларидан безор бўлган уй бекаси ахири чидолмай, бир куни эрига иддао қилиб, норозилик билдиради. Шоир «харҳаша»ни (Р. Парфи хотинларни «эъзозлаб», шундай атарди – *Ш. О.*) тинчлантироқчи бўлиб, муросаомуз оҳангда далда беради:

– Кўнглингизни кенг қилинг, хоним. Бу дунё ўзи бир поездга ўхшайди, бизнинг уйимиз ана ўша поезднинг вагони, биз эса йўловчилармиз.

– Майли, Рауф aka, вагон бўлса бўлсин, – дейди хотин жигифийрони чиқиб, – фақат «общий» вагон бўлмасин-да!

Паст кетма

Советлар даврининг жамики шон-шуҳрати ва мукофотларига сазовор бўлган, нафақат Ўзбекистонда, балки собиқ Иттифоқда ҳам донг таратган колхоз раиси, уч марта Социалистик Мехнат Қаҳрамони, Н. С. Хрущевнинг (СССРнинг раҳбари) яқин дўсти бўлмиш Ҳамроқул Турсунқулов шоир Рауф Парфининг поччаси (холосининг эри) эди. Дорилфунун талабаси бўлган шоир бир куни донгдор қариндошига ҳадди сиғиб, шундай илтимос қиласди:

– Почча, менга битта машинка олиб беринг, жуда қийналиб кетдим. Бизга бу нарса жуда зарур-да...

– Ҳмм... майли, ўйлашиб кўрармиз, – кутилмаган илтимосдан энсаси қотган раис шоп мўйловини асабий буриб қўяди. Оқшомда раис хотинига иддао қиласди.

— Бу дейман... Турсунбойингни (шоирнинг асл исми шундай эди) иштаҳаси карнай-ку! Ҳозирдан машина мингиси кепқопти!

Ўз навбатида хола шоирни исканжага олади:


— Ҳеч эсинг кирмади-кирмади-да, Турсунбой! Уялмай-нетмай поччангдан машина сўрадингми?

— Э, унақа — минадиган машина эмас, ёзув машинка сўровдим.

— Ахир поччанг ўзи айтди-ку!

— Демак, тушунмабди-да! Ҳўш, нима қилай, бошқатдан...

— Э қўявер, энди паст кетма, ўша обрўйингда туравер!



Қалтис ҳазил

Раҳматли Мақсад Шайхзода қазо қилган куннинг эртаси шоир Иҳтиёр Ризони кўрган дўстлари ундан сўрашади:

— Кеча Шайх аканинг дағн маросимида кўринмадинг?

— Кеча мен Рауф Парфининг дағн маросимига кетган эдим! — шоир тап тортмай, дадил жавоб қиласди.

— Ие, Рауф бандачилик қилдими ҳали?

— Ҳа энди... умри қисқа экан дўстимизнинг, Оллоҳ раҳмат қилсин. Рауф Парфининг дўстлари бу совуқ хабарни эшитгач, Машраб

Бобоев раҳбарлигига йиғилишиб, битта кичик автобусда Янгийўлнинг Шўралисой қишлоғига таъзия изҳори учун жўнашади. Манзилга етгач, шоирнинг уйи олдида ҳеч ким йўқлигидан андак ажабланишади. Ичкаридан чиқиб келган кекса онахон «Ўғлимни йўқлаб келибсизларда» дея суюниб, алқаганда ҳангуманг бўлиб қолишади. Маълум бўлишича, шоир ўлмаган, дорилфунунни битиргач, шаҳардан иш тополмай, далада мол боқиб юрган экан.

Мехмонлар Машраб ака бошчилигига шоирнинг «қайта тирилгани»ни яхшилаб «ювишади...»

Шеърни қандай ёзиш керак?

Бир анжуманда ёш шоир шеър ўқиётиб, ногоҳ ўз асарининг давомини эслолмай, тутилиб қолади. Дафтарини очиб, ўқиётган шеърини топиш учун шоша-пиша варактлай бошлайди. Ниҳоят, ўша шеърни топади ҳам, аммо негадир ўз ёзувига «тиши ўтмай», пешонаси тиришади. Боёқиш терлаб кетади, тингловчиларга хижолатомуз қараб қўйгач, ўзича бир нималар дея изоҳ бермоққа тутинади. Шунда устоз Рауф Парфи шоирга ҳазиломуз оҳангда танбех бериб, шундай дейди:

– Шеърни қўл билан ёзиш керак-да, шоир!

Гурр кулгу кўтарилди.

Зиёфатгача нима иш қиласди?

Бир замонлар маҳалладош, ҳамкасб шоир, ёзувчилар билан аҳён-аҳён гап-гаштакка тўпланиб турардик. Кунлардан бир куни зиёфатимиз охирлай бошлаганда жўрабоши навбатдаги «гап» қачон, кимницида бўлишини эълон қиласди. Ёнидаги ҳамсухбати билан гурунгга андармон бўлиб қолган Рауф Парфи муҳим маълумотни тўлиқ эшитолмай қолгани учун эски дўсти бўлган жўрабошидан қайта сўрайди:

– Соат нечада йиғилишамиз, дединг?

– Соат олтида!

– Вой бў-ўй, намунча кеч?! – дейди Рауф ака ҳафсаласи пир бўлиб. – Ахир унгача нима иш қиласми?

Равил Парчагин

Шоир, журналист Абдунаби Бойқўзиев бир куни Навоий кўчасидаги нашриёт биноси зинопоясидан оқсоқланиб кўтарилаётган шоир Рауф Парфини кўриб қолади.

– Ие, Рауф ака, сизга нима бўлди?

– Энди мен Сизга Рауф ака эмас, Равил Парчагинман! (Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди?» романидаги Корчагин образи назарда тутилмоқда – Ш. О.)

Илҳом жой танламас

Шўролар даврида ёзувчилар уюшмасининг қўшиқ кенгashi йиги-лишларида гоҳ янги ёзилган қўшиқлар тингланиб, муҳокама қилинарди. Кенгашнинг навбатдаги йигилишларидан бирида долзарб мавзуга бағишлиланган шундай қўшиқ ижро этилганди:

*Коммунистлар гуллатди,
Бу кўхна Осиёни.
Чўллар чўлдан қочдилар,
Ташлаб андуҳларини,
Жаранглатиб очдилар
Олтин сандуқларини.*

Бу қўшиқни энсаси қотиб тинглаб ўтирган Рауф Парфи ногоҳ хаёлига келган шумликдан жонланиб, ёнидаги шоир Сафар Барноевнинг қулоғига энгашиб, пичирлайди:

— «Гуллатди» деган сўзни «булғатди» билан алмаштиrsa зўр бўларкан. Кейинги сатрни эса мана шундай таҳрир қилиш керак:

*Чоллар чўлга қочдилар,
Ташлаб кампирларини.*

Дўстининг дадиллигидан илҳоми жўшиб кетган Сафар ака ҳам ўзидан икки сатр қўшиб кўяди:

*Кампиршолар қолдилар,
Ушлаб капгирларини.*

Шоирнинг таржимаи ҳоли

Мустақилликдан илгари атоқли ёзувчимиз Одил Ёқубов бош муҳаррир бўлган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ишлаб юрганимда муштарийлардан бири таҳририятга шундай мактуб йўллаганди:

«Хурматли таҳририят! Биз шоир Рауф Парфининг ҳаёти ва ижодига жуда қизиқамиз. Айрим маълумотларга қараганда Рауф Парфи 1940 или Янгийўл туманидаги Шўралисой қишлоғида туғилган экан, яна бошқа манбаларда унинг 1943 или Фарғонадаги Водил қишлоғида туғилгани айтилади...»

Агар ушбу мактуб фақат шу йўсинда битилганда эди, унинг ҳеч қандай қизиги бўлмасди. Мени мактуб ниҳоясидаги мана бу жумла завқлантириб юборди:

«Қани айтинг-чи, Рауф Парфи яна қачон, қаерларда туғилган?..»

Ҳаммаси «закуска»

Тушлиқда Ёзувчилар уюшмаси ёнидаги ошхонада овқатланаётган эдик. Даврада Рауф аканинг муҳлис ва «мухлиска»лари (шоирнинг ўз ибораси – *Ш. О.*) ҳам бор эди. Гап айланиб келиб мева-чеваларнинг фойдасига тақалди.

– Мевалар шунчаки овқат эмас, айни чоғда малҳамдир, – деди тибиётга дахлдорроқ бир ҳамсұхбатимиз. – Ҳар бир мева маълум бир касалликка даво бўлади.

Бу гапларга истеҳзо билан қулоқ солиб турган Рауф Парфи ногоҳ шундай фикр билдириди:

– Мен учун ичкилиқдан бошқа ҳамма нарса фақат «закуска»!

Айб ўзида

Рауф Парфини қўчада учратган шогирди шоша-пиша устозга шундай ташвишли хабарни етказади:

– Рауф ака! Яқин дўстингиз фалончи уйида оғир касал бўлиб ётибди.

– Э-э, афсус...

– Шунга... агар вақтингиз бўлса, бир йўқлаб қўйсангиз яхши бўларди.

– Майли, раҳбарлик қилса (қуйиб берса демоқчи – *Ш. О.*) бораверамиз, биздан нима кетди. Дарвоҷе, унга нима бўлибди?

– Уйида мева тераётиб дараҳтдан йиқилиб тушибди. Боши билан йиқилган экан, ёмон жароҳатланибди.

– Яхши иш бўлмапти. Уни биламан – боёқиши ҳамма нарсани тескари қиласади. Менимча, у мевани ҳам оёғи билан тергану боши билан қулаган. Айб ўзида...

Антика учрашув

Шоир Муҳаммад Faффор Рауф Парфининг ашаддий муҳлиси эди. У ёз кунларининг бирида Тошкентта келиб, Ўрдада пиво ичиб ўтиради. Ногоҳ ёнидаги столда қирор қўнган соч-соқоли ўсиброк кетган бир ўрис чолга кўзи тушади. Икковлон беихтиёр гаплашиб қолишади. Ўрис ўзбекчани бинойидек биларкан. У «Нима иш қиласан?» деб сўрагандা Муҳаммад «Шоирман!» дейди кўкрагини баландроқ кўтариб. Ҳалиги чол «Қани бўлмаса ўзларидан битта эштайлик!» деганда Рауф Парфининг зўр бир шеъридан ўқиб, «Биласанми, бу шеърни ким ёзган? Ўзбекнинг зўр шоир Рауф Парфи ёзган!» дейди. «Ҳа, ростдан ҳам зўрга ўхшайди, яна битта ўқи-чи!» дейди чол. Шоир иштиёқ билан яна устознинг шеъридан ўқииди. Икковлон бир лаҳза жимиб қолишади. Ўрис «Устозингни

танийсанми? Ўзини күрганмисан?» деб сўрайди. Мұҳаммад «Афсуски, ҳали күрмаганман» дейди хўрсиниб. Шунда ўрис «Мен Рауф Парфини танийман, у билан улфатман, истасанг ҳозироқ уйига обораман» дейди. Бир умр устоз билан учрашиб, танишишни орзу қилиб юрган Мұҳаммад ҳовлиқиб кетади. Икковлон йўлга тушишади. Йўлакай устознинг ҳурмати учун майда-чуйда харид қилишади. Ниҳоят, чол бир қулбага бошлаб келади. Эшикни тақиллатишганда ҳеч қандай жавоб бўлмайди. Шунда ўрис «Ҳозир чиқаман» дея ичкарига бир ўзи кириб кетади. Бирордан кейин у оппоқ яктак кийиб чиқиб, ҳамроҳига кулимсираб таъзим қиласи. Мұҳаммаднинг «Қани Рауф Парфи?» деган саволига яна бир карра таъзим қилиб, «Камина – Рауф Парфи бўладилар!» дея жавоб қиласи. «Э-э, кўп бошимни қотирма!» дейди мухлис ажабланиб. Шунда Рауф Парфи ўзининг шеърлар тўпламидаги суратини кўрсатади. Шогирд гоҳ суратга, гоҳ ўрисга ўхшаброқ кетадиган ҳалиги чолга қайта-қайта тикилиб қарайди-ю, кўпдан буён қидириб юрган қимматли кишисини топгандек беихтиёр суюниб, устозини маҳкам қучоқлаб олади...

Шоир ва ҳалқ

Рауф ака бир куни таҳририятдан озроқ қалам ҳақи олади. Пул солинган сумкасини ошхона столида қолдириб, қўлинини ювиб келса сумкаси жойида йўқ – ўғри уриб кетибди. Шоир бу воқеани шоғирдларига баён қиларкан, кулимсираб шундай дейди:

- Она ҳалқим сумкамни ўғирлаб кетибди! Она ҳалқим!..
- Ўғрилар... ҳалқ эмас, устоз!
- Сизники табаррук деб ўйлашган-да! Хафа бўлманг, устоз!
- Ҳа майли, нима бўлса бўлди. Барака топгурлар энди менга озроқ ҳайр-эҳсон қилворинглар, амаллаб кулбамга етволай! Жафокаш ҳалқимга бағишлиб яна шеър ёзишим керак...

Шодмон ОТАБЕК



ҲОЖИАКБАР ШАЙХОВ

(1945–2002)

«Рутубатли қиши музларини эритиб, күхна Тошкентнинг Ҳазрати Имом даҳасига ҳам, бутун юрт ҳудудлари қатори яшнаш, яшариш, янгиланишини етаклаб Наврӯзи олам кириб келди. Лекин неча минг йиллар мукаддам туроргумизга илдиз қўйған қадимий урф кўпдан таъқиб қилинаётганини сингдира олмагандай, кечалари ҳамон совуқ, этни жунжиктирувчи шамоллар тинмайди. Кундузлари шаҳарни оппоқ ва қулоқ туман ҷулғаб олади-да, тушга яқин гўшангабдан энди чиқиб келган соҳибжамол келинчакдай дилларни яратиб қўёш юз очади...»

Тасодифни қарангки, ёзувчи Ҳожиакбар Шайховнинг «Туташ олamlар» романи юқоридаги тасвир билан бошланган.

Роман сўзбошисида профессор Озод Шарафиддинов шундай деб ёзган экан: «Сезган бўлсангиз, Ҳожиакбар Шайхов 1995 йилда 50 ёшга тўлади. «Туташ оламлар» шу қутлуг санага аталган тухфа. Муносиб тухфа! Бу асар бугунги адабиётимиз учун янгилик – беш йил аввал бундай асарнинг пайдо бўлиши мумкин эмас, ҳатто уни ёзишини ўйлаш ҳам душвор эди. Унинг янгилиги шундаки, бу асар ўзбек насридаги биринчи мистик – фантастик роман».

Мана, юртимизга яна Наврӯз ташриф буюрди, кўклам ўзи билан яшнаш, яшариш нафасини олиб келди. Баҳор насимлари кўнгилларга ижод, яратиш завқини солиб, янги асарларга илҳом бермоқда. Ҳа, шубҳасиз, Наврӯз қайтиб келаверади, романлар ёзилаверади – кўхна



дунёнинг ишлари давом этаверади. Ана шу абадий жараёнда ҳамма ўзининг боқий манзилини топади. Бирор эртароқ, бирор кечроқ.

Ёзувчи, муҳаррир, ажойиб дўст ва оқибатли инсон Ҳожиакбар Шайхов кутилмагандаги ёруғ оламни тарк этиб кетди. У сўнгги нафасигача дўстлар шодлигини баҳам кўриб, ташвишига шерик бўлиб яшади. Одамларга бўлган самимий ҳурмат, чексиз ишонч уни асло тарк этмади. «Унинг учун ёмон одам йўқ эди», дейди ёзувчининг рафиқаси, Тошкент архитектура ва қўрилиш институтининг доценти Муҳаррамахон. Тоби қочиб, ишга чиқмаган кунларининг биррида ижодкор дўстлари кўргани келишиди. У меҳмонларни бардам кайфиятда кутуб олди, дарднинг ҳуружини заррача сездирмади, сўраганларга: «Ҳожиакбар ижод билан астойдил шуғулланаётган экан», деб айтишибди. Дўстлар шодон кайфиятда хонадонни тарк этишибди. Дўстлигимиздан ажойиб асарлар, яхши ном, ўчмас хотиралар эсадалик бўлиб қолди. Унинг хайрли ишлари фарзандлари – Улуғбек, Шаҳноза, Ойбек ва ширин набираларининг ҳаётида давом этгусидир.

Х. МУҲАММАД
«Ҳуррият», 2003 йил 19-август

Опалари Назирахон ШАЙХОВА хотирлайдилар:

Ҳожиакбарни эсламаган куним йўқ. Ака-укаларим кўп, лекин мен билан кетма-кет мендан кейин туғилгани учунми биз жуда яқин эдик. Ҳаётимиздаги ҳар бир воқеани — ҳурсандликми, хафагарчиликми, биргаликда ўтказар эдик. Менинг сирдошим, дилкашим, яхшиларга



салтанатим, ёмонларга ҳимоячим эди. Күп болали оилада ўсишимиз – болалигимиз, ёшлигимиз жуда завқли, қизиқарлы, мазмунли ўтган. Опамлар уй ишларини ҳаммамизга вазифа қилиб бўлар эдилар. Ҳар биримизнинг қандай ишлар қилаётганимизни кузатар, камчиликлари-мизни тузаттирап эдилар. Мактабларда ҳаммамиз энг аълочи ўқувчилар эдик, шунинг учун ҳаммамиз мактабларни медаллар билан тугатганимиз. Эрталаб соат 6.00 да нонга «очеред»га турадик, агар эрталаб нонни ололмасак куни бўйи нонсиз қолиш мумкин эди. Водопроводларда сув бўлмай қолса, сув тушаётган водопроводларни қидириб, челак-челак сув билан уйдаги катта бочкаларни тўлдириб қўяр эдик. Ҳожиакбар бошчилигига укаларим мусиқа, ўймакорлик, расмга олиш, машина ҳайдашни ўрганиш, сартарошлиқ тўгаракларига қатнашиб, мактаб ўқувчилик даврида шуларнинг ҳаммасини ўрганишган эди. Кечқу-рунлари Мукамбархон бувим бошчилигига укаларим мусиқа чалишар, ҳаммамиз биргаликда классик қўшиқларни айтар, ўйинга тушар эдик. Отамлар, онамлар ибратли эртаклар, ҳикоя-ларни айтиб, ҳаммага яхшилик қилиш, бирорвнинг мушкулини йўқотишига ёрдам бериш инсоний бурч эканлигини тушунтириб, олижаноб инсон бўлиш керак, деб тарбия берар эдилар. Бир-бирамизга ниҳоятда меҳрибон, дўст, иттифоқ бўлишимиз зарур-лигини уқтирадилар. Муяссархон онамиз ҳар биримизнинг олган баҳоларимиз, тўгаракларда ва бошқа жамоа ишларида бўлган вақтларимизни, қилган ишларимизни қаттиқ назоратга олар эдилар. Ҳожиакбар мусиқани, адабиётни жуда севар, пианино,

рубоб, чанг, гижжак, дутор, скрипка, аккардеонларни яхши чалар эди. 9-синфда ўқиб юрган пайтида, мактаб директори (133-мактаб) мактабда мусиқа тўгараги очишини, унга Ҳожиакбар раҳбарлик қилишини илтимос қилган ва у бошчилигига мусиқа тўгараги катта кўрикларда иштирок этган эди. У инженерликни танлади, лекин мусиқа ва адабиётни ташлаганий йўқ. Армияда хизмат қилганида концерт олдидан репетиция хонасига кирса, бир йигит пианинода П. Агенскнинг Поламезини чалаётган экан. Ҳожиакбар рубобида кўшилиби. Кейин у йигит кўйни концертда биргалиқда ижро этишни таклиф этиб, командирнинг рухсатини олиби. Ўшанда саҳнада рубоб билан ижро этилган кўйни эшлишишгач, 3 марта талабларга мувофиқ, қайта куй чалишган экан. Шу муносабат билан уни тақдирлашиб, кўшимча таътил берилган эди.

У ниҳоятда камтарин, камсуқум, овози баланд чиқмаган, илтифотли, мулозаматли бўлиб, кўринишидан ниҳоятда оғир табиат бўлгани билан ўта ҳазилкаш эди. Оиласвий давраларимиз у келгандан сўнг кулгига тўлар, асқиялар кўпаяр эди. Жуда беозор, ҳатто чумолига ҳам озор бермайдиган, шунга қарамай талабчан эди.

У етук инженер бўлиши билан бирга таникли илмий фантаст ёзувчи бўлиб етилди.

Ҳожиакбар 1976 йилдан илмий фантастика жанрига қалдирғоч бўлиб кириб келган бўлса, 2002 йилда Ўзбек адабиёти жанрида илмий фантастика жанри отаси бўлиб вафот этди, дедилар Ўзбекистон Қаҳрамони муҳтарам адабимиз О. Шарафиддинов. Оғир касаллик уни олиб кетди, ҳамма ака-укаларимиз тепасида ўтириб, кўлимиизда жон берди. Шу сатрларни ёзар эканман, кўзларимдан дув-дув ёш оқяпти. Кўзларидан нур ёқсан, сўзларидан бол томган, меҳрибон, маъноли азиз жигаримиз биз учун ўлгани йўқ, ҳамиша ёдимизда, ёнимизда, нуроний сиймоси кўзимизда, азиз номи тилимизда.

P. S.

Кечаси билан оғриган бўлса ҳам сени безовта қилгим келмади, соат 800 бўлишини пойладим. Яна укол қилиш мумкинми деб, неча бор оғриган вақтда айт, дейишимга қарамай, 8.00 гача телефон ҳам қилмас эди. Ҳеч кимга озорим тушмасин, дер эди.

Укалари Шуҳрат ШАЙХОВ хотираси:

Ёшлигимизда Тилла-Шайх бувамизнинг мачити ёнидаги Ҳазрати Имом ҳовлимиизда 3 қиз, 6 ўғил ва кичик холамнинг ўғли Жасурхўжа билан 7 ўғил катта бўлганмиз. 3 қиз, Анвар акам ва мен ТошМИда, Ҳожиакбар акам ва укаларим техника университетида ўқишишган.

Ҳожиакбар акам ўқувчилик пайтида мусиқа ва адабиёт тўгарагига

ҳам борардилар. Институтни битиргач, мұхандис бўлиб ишладилар, лекин мактабда ўқиб юрганларидаёқ илмий-фантастик асарлар ёзib юрадилар. Ҳикояларининг илмий жиҳатларига ёзувчилигимизда адекват баҳо берадиганлар бўлмаганидан, уни ўрисчага ўзлари таржима қилиб, Россия космонавтика марказининг ижобий тақризини олганларидан кейингина бирин-кетин газета-журналларда чоп этила бошлаган.

Биринчи китоблари 7-СЭР—«Силжувчи электрон робот» сарлавҳаси билан 1972 йилда чоп этилган. Шу китобларига Тоҳир Хобилов – ҳозирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг битта қиссалари ҳам қўшиб чиқарилган.

Ҳожиакбар акамнинг 45 дан ортиқ китоблари чоп этилган бўлиб, 1985 йилда Москвада «Библиотека Советской фантастики» рукни остида «В тот необычный день» деб номланган илмий-фантастик қиссалар ва ҳикоялар тўплами ҳам чоп этилган. Чет элларда ҳам асарлари кенг тарқалган.

Ҳожиакбар акамга ёшим яқин бўлганидан жуда кўп мулоқотда бўлардик. Асарларида тиб илмиёти бўлган пайтларда мендан тиббий йўналишдаги фикрларини ойдинлаштириб олардилар. Тўқсонинчи йилларга келиб тиб масалалари бўйича маслаҳат ҳам берадиган бўлиб қолдилар-да, бир куни менга:

– Шухрат, биласанми, тиббиётда генная инженерия деган йўналиш ривожланяпти, — деб қолдилар. Мен ҳам бўш келмай:

– Бироз хабарим бор — деган эдим, гаплари ўзларига таъсир қилдими, хохолаб кулиб юбордилар.

Ҳа, Ҳожиакбар акам билим доираси жуда кенг, синчков, ўта камтар, меҳрибон, бир сўз билан айтганда жуда яхши одам эдилар. Улар ҳақида гап кетганда Пушкиннинг: «Ҳақиқий тасаввур қилиш учун даҳо билимга эга бўлиш керак», деган сўзлари ёдимга тушади (истинное воображение требует гениальных знаний).

Ҳожиакбар акам тиниб-тинчимаган, жуда меҳнаткаш одам эдилар. «Сирли олам» журнали, «Қалб кўзи» ҳафтаномаси асосчиси ва бош муҳаррирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ижодий ишлари бўйича раис ўринbosари вазифаларидан бўш вақтларида тинимсиз иход қиласардилар, кечаси билан ёзib чиқардилар. Ўша вақтда мен 1-شاҳар шифохонасининг жарроҳлик бўлимида навбатчилик қилиб, кечаси билан ишлардим. Шунда ёзувчи қалами ва жарроҳ тифини қиёслаб «Тунги соя» ҳикоямни 1972 йилда ёздим ва 1980 йилда «Ёш ленинчи» газетасида эълон қилинди. Ҳикоямни ўқиб, Ҳожиакбар акам: «Яхши новелла бўлибди», — деган эдилар.

Кейин гапларининг орасида: «Шоҳ асаримни энди ёзаман», — деб қўядилар.

Шу гаплари баҳона бўлдими, ўтганларидан кейин божам



Абдуқаҳдор ҳаким: «Айтмаган бир сўзим қолди», – деб уларнинг номидан шеър ёзиб, шеърий тўпламида эълон қилдилар.

Лекин бу фикрга қўшилмайман. Сабаби, Ҳожиакбар акам ёзган ҳар бир асари – «Шоҳ асар», деб ўйлайман. Марказий Осиё Республикалари ва Қозогистон ёзувчилари асарларида бирорта илмий-фантастик асарга дуч келганим йўқ.

Яна бир гап: «Ҳожиакбар Шайхов биринчи ўзбек илмий-фантастик ёзувчиси», дейишса, «Йўқ, биринчиси – Навоий», дердилар. Бу фикр камтарликларидан келиб чиқсан, деб ўйлайман. Чунки Навоийнинг илмий-фантастик ёзмаганликларини ҳамма жуда яхши билади.

Ҳожиакбар акамларнинг оила ийғилишларида ҳам алоҳида ўрни билинмай қолмасди. У киши «Человек с юмором»лардан бўлиб, даврага ҳазил-мутойиба, ўткир латифалар қўшиб, ҳамманинг мириқиб кулишига сабабчи бўлар эдилар.

Бир сўз билан айтганда, Ҳожиакбар Шайховнинг туғишган укалари эканлигидан фаҳранаман.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Г. И. ШАЙХОВА хотирлайди:

Менинг маълум бир ютуқларга эришганлигим Ҳожиакбар акамнинг фаолияти билан боғлиқ.

Эсимда, мактаб давримда акамлар юқори синфда ўқир эдилар ва

ўша вақтларда турли хил фантастик ҳикоялар, тўпламлар, ҳаттоқи шеърлар ёзар эдилар.

Бир куни уйга ёзув машинка сотиб олиб келганлар ва менга машинкада ёзиш усулини ўргат эдилар. Бўш вақтларимда акамнинг ҳикоялари ва тўпламларини машинкада ёзиб берардим. Мактабни тугаллаш даврида мен етук секретарь-машинистка касбининг эгаси бўлдим.

Ўзимнинг мақолалар, номзодлик ва докторлик диссертацияларимни кўлда эмас, акам туфайли, фақатгина машинкада ёзганман. Акамнинг кучи, файрати, тиришқоқлиги ва маълум мақсадга интилишлари мени ҳам келажакда қандайдир керакли, фахрли касб эгаси бўлишимда катта ҳисса қўшган.

Акамнинг васият сўзлари бир умр ёдимда қолган. Касал вақтларида олдиларига келиб «Институт, кафедра, телевидение, оила ишлари мени жуда чарчатиб қўймоқда», — деганимда, менга, қизим Гулихон, деб мурожаат қиласар эдилар: «Танинг соғми, ҳеч қаеринг оғримаяптими, мана мен ётиб қолдим, романимни тугата олмаяпман», соғ экансан, чопиб-чопиб хизмат қилгин, ҳеч ҳам нолимагин, чарчаган бўлсанг, озгина дам ол, кейин ишларингни давом эттиргин деганлар. Шундан бери, толикиш ҳолатини сезсан, мен соғман, фақатгина чарчаганман, худога шукур, деб ҳеч ҳам ҳаётимдан нолимайман. Акамнинг бу сўзлари мен учун бир умр васият бўлиб қолган.

Ҳожиакбар акам олижаноб, камгап, камтарин, юқори савияга эга бўлган жуда маданиятли инсон бўлганлар, акам билан фахрланаман.

УСТОЗ ҲАҚИДА СҮЗ

Мен Ҳожиакбар ака билан илк бор 1980 йили учрашганман. Ўша йилларда фантастик ҳикоялар ёзишни бошлаган ва бу машқларимни «Фан ва турмуш» журналига тавсия қилгандим. Бу журналда фантастика жонкуяри Рустам Обид хизмат қиласар ва раҳбарият билан келишган ҳолда бундай асарлар кенгашини ташкил этганди. Бу кенгаш менинг ҳикояларимни қараб чиқди. Машқларимни таҳлил қилганлар орасида ўзининг илмий-фантастик асарлари ва китоблари билан ном чиқарган ажойиб ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов ҳам бор эди. Устоз адид ўшанда босиқлик ва билимдонлик билан ютуқ ва камчиликларимни кўрсатиб бергандилар. Кенгашдан ўтгач, менинг илк фантастик ҳикояларимдан бири – «Ёзувчи» ушбу журналда чоп этилди.

Бундан кейинги йилларда Ҳожиакбар ака ЎзФАнинг Электроника институтида ишлаганларида ҳам, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида хизмат қилганларида ҳам, «Камалак» нашриётидаги бўлимни бошқарганларида ҳам тез-тез учрашиб турдим.

1986 йили Ҳ. Шайхов Собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси ташкил этган «Ёш фантаст-ёзувчилар семинари»га мени Ўзбекистон номидан жўнатдилар. Бу семинар Латвиянинг Дубулти шаҳрида, шундоққина Болтиқ денгизи бўйида бўлиб ўтганди. Назаримда, мен у ерда республикамизнинг ҳам, менга ишонч билдирган устознинг ҳам умидларини оқлай олдим. Семинарни олиб борган Владимир Михайлов ва Сергей Снеговлар ёш ўзбек фантастикасидаги асарлар одамийликка чақирайтганини ва унда ижтимоий муаммолар кўтарилаётганини алоҳида тарькидлаб, оқ йўл тилашганди.

1991 йили мен Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим. Ҳожиакбар aka бунда ҳам ўз ҳиссаларини кўшдилар: менга сидқидилдан тавсиянома ёзиб бердилар.

Мамлакатимизда катта ижобий ўзгаришлар бошлангач, 1992 йили Ҳ. Шайхов алоҳида саъй-ҳаракат кўрсатиб, «Сирли олам» журналини ташкил этдилар ва кўп фантаст-ёзувчилар қатори мени ҳам шу нашрга хизматга чақирдилар.

Кейинроқ Ҳ. Шайхов бутун республикамида машҳур бўлиб кетган «Қалб кўзи» газетасини ҳам ташкил қилдилар. Бу газета худди фантастик китоблардек, қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган жуда қизиқарли нашрга айланди.

Россияда чоп этилган бутун дунё бўйича фантастика (хаёлот) жанрида ижод қилган адиллар энциклопедияси қўлимга тушиб қолди. Бу холис ва кенг қамровли қомусга ўзбек фантастларидан фақатгина Ҳожиакбар Шайхов киритилган экан. Мен бу нарсада Россиядаги адабиётчилар орасида бизга ножиддий нигоҳ билан қаровчи айrim гуруҳлар ҳам шундай шахсадан кўз юма олмаганликларини сездим. Бу ҳол устознинг фантастик адабиёт учун кўрсатган хизматлари анча улканлигидан далолатдир. Шунинг учун бу ҳақда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида (15.02.02) мақола эълон қилдим. Уни ўқиб, Ҳожиакбар aka жуда хурсанд бўлгандилар.

Афсуски, ўша пайтдаги кўришувимиз энг охиргиси бўлган экан. Лекин мен бир нарсага ишонаман. Устоз Ҳожиакбар аканинг жисмлари орамизда йўқ бўлса-да, руҳлари атрофимизда. Бизларни ўйчан ва доно нигоҳлари билан кузатиб турибдилар. Ҳожиакбар Шайховнинг ўзбек фантастик адабиёти, унинг ривожи учун қилган хизматларининг ҳақиқий баҳоси ҳали берилмаган. Лекин ҳеч янгишмай, катта таҳлилсиз ҳам бемалол айтиш мумкинки, бу хизмат кўлами бекиёсdir.

Биз ҳамда ёш фантаст-ёзувчилар уларнинг ишларини ижодда ҳам, нашрий йўналишда ҳам муносиб давом эттириб, адабиётимизни, халқимиз маънавиятини янада юксакроқ чўққиларга кўтаришимиз керак.

*Озод МўМИН,
фантаст-ёзувчи, физика-математика
фанлари номзоди, ихтирочи*

ОСМОННИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ...

Ҳаётда шундай дамлар бўладики, дунёга сифмай қоласан, тоғтошларга бош олиб чиқиб кетгинг, хилватгоҳ кенгликларга ўзингни уриб, юрагингни бўшаттинг, ё бўлмаса жигарбандингдан ҳам яқин бўлиб қолган сирдош оғайнингни излаб, у билан дардлашгинг келиб қолади.

Мен учун кенгликлару ер-осмон ҳам торлик қилиб қолган пайтда кувончимга шерик, ташвишимга ҳамдам, истаган маҳал эшигини қоқиб боришга ҳаддим ёнгадиган оғайним бор эди. Ҳа, БОР, деб энди баралла айттолмайман. У ёнимда йўқ! Дашту саҳролардан ўтиб, Манзил остонасида бехос қулаган сарбон каби ҳаммамизни армонда қолдириб кетди...

Биз Ҳаёт деб аталмиш қаерларга элтиши номаълум бўлган «Чорраҳа»да учрашганимизда ҳали ёш бола эдик. Танишувимиз тасодифан ва бир умрга татигудек эсда қоларли бўлган: шаҳар ёнидаги мусиқа билим даргоҳида олтинчи синф ҳали «очилмаганлиги» боис анча нари Кўкча даҳасида жойлашганд Алишер Навоий номли 40-ўрта мактабга қатнаб ўқирдим.

Кўкчалик синфдошларим ичиди Назира Шайхова деган шаддодгина қиз ҳаммадан ажралиб турар, манаман деган ўғил бола ҳам унинг олдида сипо тортиб қоларди. Кейин билсам, бунинг сири бор экан: Назира радиола ҳар куни эрталабки болалар эшиттиришини олиб борар, унинг овози бутун Ўзбекистон бўйлаб жарангларкан. Шунинг учун мактаб бўйича синфимиз обрўйи чакки эмас, кўпчилик Назира қизга ҳавас билан қаради.

Менинг «шоир»лигим — ўша пайтдаги болалар газетасида мақолаларим қатори шеърим ҳам босилиб чиққанлиги мактабда овоза бўлиб, синф обрўсини яна бир пофона кўтариб юборди, шекилли, атрофимда муҳлислар кўпайди. Ҳатто бир куни ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган Назира гап отиб қолди:

— Хой, номонгонли шоир бола! Менинг укам ҳам шеър ёзади, таништириб қўяйми?

Албатта, рози бўлдим.

Шанба куни эди. Дарсдан кейин мактабдан икки кўча наридаги ҳовлига кириб келдик.

Назира:

— Мана шу укам! Танишинглар, — дея бўйи бўйим билан тенг, жингалак соч, қораҷадан келган болани менга рўпара қилди, сўнг кел, ўғлим, дея пешвуз чиққан аёлга менинг ўзимга ҳам номаълум бўлган аллақандай фазилатларимни бўрттириб таърифлай кетди.

Аёл пешонамдан ўпиб, эндингина танишиб олган ўғли билан икковимизни тарвақайлаб ўстган гиолос дараҳти остидаги сўрига ўтқазаркан:

— Кўрдингми, Ҳожиакбар, бу ўғлим билим оламан, деб

узоқ Намангандан кепти. Мусиқа мактабида ўқиркан, шоир экан! Яхшилаб танишиб олгин. Ўғил боланинг ошна-оғайниси кўп бўлса, ҳеч қачон хор бўлмайди, — дея насиҳат қилди.

Назира мушукдай тирмашиб сўри ёнидаги дарахтга чиқиб кетди ва кўп ўтмай сирли сатилни тўлдириб гиолос узиб тушди.

Ўртага ёзилган дастурхон атрофида Ҳожиакбар билан узоқ сухбатлашиб ўтиридик. У шаҳар марказидаги адабиёт тўгарагига қатнаркан. Тўгаракни Куддус Муҳаммадий бошқааркан. Истасам, мени ҳам олиб бориши мумкинлигини айтди.



Гурунгга берилиб, вақт алламаҳал бўлиб қолганини сезмабмиз.

Баҳор ўзгарувчан фасл эмасми, бирдан осмонга паға-паға булут ёпирилиб, ёмғир ёға бошлади. Мен қоронги тушмай, ётоқхонада бўлишим лозимлигини айтиб, ўрнимдан турдим.

Ҳожиакбарнинг онаси ичкаридан калта ўқлоқдай қора мато ўралган бир нарса олиб чиқиб унга бераркан:

— Ўртоғинг ёмғирда қолмасин, кузатиб қўй, — деди. Кўчага чиққанимизда шамол қўзғалиб, ёмғир авжга минди. Ҳамроҳим қўлидаги «ўқлоқ»ни нимадир қилганди, у ёзилиб, кенг соябонга айланди-қолди. Унинг панасида ўйдим-чуқур тошйўл бўйлаб кета бошладик. Кўча янги курила бошлаган пахса деворли ҳовли қаршисида тугар, ундан у ёғи ям-яшил дала эди. Шу далалар, олисларда қорайиб қўриниб турган нашватизору азим ёнғоқ дарахтлари оралаб менинг қадрлон сўқмоғим ястаниб ётарди. Ҳожиакбар олисларга тикилди:



— Чиройли-а! — деб менга қаради, ёмғир томчиларига кафтини тутиб, — бу осмоннинг кўз ёшлари эмасмикан? — деб кўйди.
 — Қойил. Яхши ўҳшатиш. Шу ҳақда шеър ёзинг, — дедим.
 — Чиқармикан? — савол назари билан қаради у.
 — Машқ — қаламни чархлайди! — ҳикматомуз бу гап қандай оғзимдан чиқиб кетди, ўзим ҳам билмай қолдим.

Ҳожиакбар билан хайрлашиб, илонизи сўқмоқ томон юрмоқчи бўлгандим, у соябонни устимга тутганича орқамдан эргаши. Сизни кузатиб қўяман деб туриб олди. Ўзим бирпасда етиб оламан, қолаверинг, деб ялиндим. Кўнмади.

Янги орттирган ўртогим — шу болага меҳрим товланиб кетди...

Устоз Қуддус Мұҳаммадий тўгарагига қатнаб, адабий сабоқни бирга олдик. Бироқ... «шоирлигимиз» узоқча бормади: тўгарагимиз аъзолари телевизорда чиқадиган бўлишди. Улар ичида биз ҳам бор эдик. Аммо кўрсатув пайти келганда Ҳожиакбар икковимизнинг ёзганларимиз «ўтмади». Ошнамдан «осмоннинг йиғлаши мумкин эмас», мендан «қофияси тушмаган» дея камчилик тошиди. «Бахтли болалик» мушоирасида фақат қарсак чалиб турувчи бўлиб чиққандик, холос... Шундан кейин ҳафсаламиз пир бўлиб, ҳикоя ёзишга киришгандик.

Ошнам ўта камсукум, катта-ю кичик билан муомала одобини жойида кўйиб гаплашадиган вазмин табиатли инсон бўлишига қарамай, баъзан ўзини эркин тутиб юборадиган пайтлари ҳам бўларди. У кутилмаган иборалар ўйлаб топар ва бу қулоқقا ра-

Ҳожиакбар Шайхов

латироқ чалинувчи сўзларни ўз яқинлари ва дўстлари даврасида кўллар, бу унга ярашарди! Гаплари орасида «Чапанироқ»лари ҳам бўларди, лекин ҳеч кимнинг кўнглига, иззат-нафсига тегадиган қилиб гапирмасди. Оналарига «Муяссархон», опасига «Назира Исломовна» деб, каминага оғзини тўлдириб исму тахаллусимни айтиб мурожаат қиласарди, чунки шу ном билан кенжা ўғлим Ойбекнинг тили чиқсан, дейишни канда қилмасди.

Хожиакбар ўта зукко, илми нујумнинг кўп соҳаларидан яхши хабардор, олимона иқтидорли ёзувчи бўлишига қарамай, ёш боладай кўнгли тоза, одамларга ишонувчан соддалиги ҳақида биз дўстлари кўп гапирадик, ҳатто бу хусусиятни устоз Ойбекка ҳам қиёслардик.

Бир куни ажойиб таржимон, ношир Эркин ака Сиддиқов кенг гардишли кўзойнаги остидан кўзларини бақрайтириб: «Вой-вой укагинамей, укагинамей» деб тиззаларига шапатилаб ўтирганини кўриб қолдим. «Ҳа?» десам, «Хожиакбарга сўқимга боқилаётган ҳўқизимиз бор эди, эрталаб оғилга қарасам, хунаса туғиб қўйибди» десам, «Сенсация-ку», «Сирли олам»га ёзиб беринг» дейди. Соддалигини қаранг!

— Йўқ, — дедим у кишини сал ҳовридан тушириб, — Сиздай акахонининг айтгандарига шак келтиришни ўзига эп кўрмаган.

— Ҳа, тўғри айтдинг! — Эркин ака қаддини ростлаб, саватдай, жингалак сочли бошини бир силкиб қўйди, — у ҳамиятили йигит. Ҳеч кимнинг кўнглини оғротишини истамайди. Авлиё-авлиё! Шайхлар авлодидан-да!

Раҳматли дўстгинам ижодининг сўнгги нуқтаси сифатида умрининг охирги кунлари ёзган хатида шундай жумлалар бор: «Яхши асар ҳақида кўп гапириш шарт эмас. Уни китобхоннинг ўзи англаб, ўзи баҳолайди».

Бу сўзлар айнан Хожиакбарга тааллукли деб биламан.

Биз етмишинчи йилларгача илмий-фантастикада асар ёзиш фақат Farb ва Европа адабиётига хос фоят мураккаб соҳа деб, чет эл «саргузашт романлар»идан завқланиб юрган бир пайтда Хожиакбар илк бор бу жанрнинг ўзбекона намунасини яратиб, кўпчиликни қойил қолдирди, десам хато бўлмас. Муаллифнинг биринчи китобиёқ унча-мунчани тан олавермайдиганлар дикъатини ўзига қаратди — Москвада рус тилига таржима қилинди. Ва биринчи яратилган «Ўзбек фантастикаси» сифатида тан олиниб, чоп этилди.

Лекин шуни айтишим керакки, Хожиакбар ҳеч қачон «биринчи»ликка даъво қилмаган. «Фантастикада ҳали ҳеч ким бобомиз Навоий ҳазратларига етказиб башоратона асар ёзолмаган» деган сўзни тез-тез қайтарарди у.

Қаламкаш дўстларимнинг янги чиқсан асарларини ўқиб, қувониб кетсам, лўндагина хат ёзиб юбориш одатим бор. Узоқ йиллар бурун Хожиакбарга жўнатган «икки энлик» хатимнинг нусхаси сақланиб қолган: «Дўстим, Майн Рид номини дунёга танитган «Бошсиз чавандоз»

бўлса, Сизнинг «Рене жумбоги»нгиз ундан қолишмайдиган жаҳоншумул асар бўпти!»

Ҳа, кўп ўтмай китоб ўнлаб тилларга таржима қилинди.

Ҳожиакбар Шайховнинг «Рене жумбоги»дан кейин ёзилган қатор қисса ва романлари ҳам ўзига хос сарбаландлиги билан кўплар диққатини тортди. Америкада чоп этилган маҳсус қомусий китобда ўзбек адабининг номи илмий-фантастика жанрида ижод қилувчи дунёнинг пешқадам адабларидан бири деб қайд этилди.

Ҳожиакбар ҳақиқий заҳматкаш ижодкор эди. У билан бир неча бор Абдулла Қаҳҳор ҳузурида бўлиб, устоз сұхбатини олганмиз. Ул зотнинг «Бақироқлик — воизлар касби. Ёзувчиликнинг йўли бошқа», деган мазмундор ўйтгларини эшитганмиз.

У устоз кўнглидаги ижодкор эди, овлоқ тоғлар орасидаги милтиллаб чиқиб ётвучи тип-тиниқ булоқ мисол эди. У минбарларда бўйин томирларини ўйнатиб, эҳтиросга берилиб ўзини кўз-кўз қилмасди. Зукко салоҳиятини ижод билан чамбарчас боғлаб, адабиётимиз мавқеи олам саҳнасидан кенгроқ ўрин олсин деб меҳнат қиласди ва буни ёзувчилик қисматини бўйнига олган ҳар бир ижодкорнинг виждоний бурчи деб биларди.

Ҳожиакбар ижод деганда фақат ўзини ўйламас, ҳадди сифиб ҳузурига маслаҳат сўраб келган хоҳ таниқли, хоҳ ҳаваскор ижодкор бўлсин кўллэзмасини қайтармас, эринмасдан ўқир, яхши бўлса босиб чиқариш учун, албатта, кўлдан келган ёрдамини аямасди.

Ёз кунларининг бирида «ёзилиб» дам олиб келиш учун Водийга қараб жўнадик. У ерда бизни жой тайёрлаб Кўқон Ўрмон хўжалиги директори Мансурхўжа Хўжаев кутарди. Ҳожиакбарнинг бор «юки» учта семиз папкадан иборат бўлди. Ҳар папкада қарийб минг саҳифадан кўллэзма бор. Абдулҳай Абдураҳмонов деган муаллифнинг узоқ йиллик ўқиш, уқиш, ўрганишдан кейин яратилган дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат ҳақидаги «Саодатга элтувчи билим» номли қомусий китоби экан.

Ҳордиқ чиқариш қаерда! Дўстим саккиз кун давомида шу кўллэзмалардан бош кўтармай ўқиб чиқди. Ва «Қойил. Ўта интеллектуал билимли одам экан. Роса меҳнат қипти. Ҳозирги пайтда бу асар одамларимиз учун сув ва ҳаводай зарур», дея шу ернинг ўзидаёқ «Сўзбоши» ёзди.

Икки жилдан иборат бу китоб ҳам тезда босилиб, ўқувчилар кўлига тегди.

Дўстимнинг бундай «савоб йўлида» қиласиган ишлари кўп бўларди.

Баъзан ундан сўрардим:

— Ўзингиз учун қачон ёзасиз?

Кулиб дерди:



— Кечаси. Идора ишларидан бўшаб, уйга борганда!

Дарвоқе, у «амалдорлик»ни ҳам қойиллатарди. Ҳар қандай ишни «жўнаштириб» юборадиган салоҳияти бор эди. Чунки ҳожатманд, албатта, кимларгадир ёрдами теккан, қаерга борса юки ерда қолмайдиган Инсон эди. Шу сабабли ҳамма ҳурмат қилар, ёру биродарлари бисёрга эди. Атрофидан гулга талпинган асаларилардай одам аримасди. Дўстлар жони-дили эди.

Баъзиларни мартаба дарров ўзгартириб юборади. Ҳожиакбар бундай «иллат»дан мутлақ фориг эди. Камтарлик хислатини Худо унга қўш кўллаб ато этганди. Қайси даврада бўлмасин ҳазил-мутойибага ҳам имкон топар ва кўzlаридан ёш чиққунча қаҳ-қаҳ отиб, хумордан чиқарди.

Уни анча оқсоқлаб қолган матбаа соҳаларидан бирига раҳбар этиб тайинлашиди. Бу ишни уддалаб, изга солиб юбориш Ҳожиакбардан бошқа одамнинг қўлидан келмайди, деб ўйлашди чоғи. Бироқ ҳолат анча мураккаб эди...

Бир куни эрталаб телефон жиринглаб қолди:

— Сизга Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби сифатида қўнгироқ қиляпман. Табриклаб қўяй ҳам демайсиз-а!

— Э, муборак бўлсин. Табриклайман!

— Табрикни телефонда эмас, бу ёққа келиб қилинг. Нима, уюшмадан безиллаб қолганмисиз! — бирдан овозига жиддий тус бериб, сўзимни бўлди Ҳожиакбар.

Унинг гапини икки қилолмадим.

Баланд, вазмин эшиги устига «Биринчи котиб» ёзуви илингган хонада яқингача «Раис»лар ўтиришарди. Мен бу ернинг остонасига узоқ йиллардан бери биринчи бор қадам қўйиб кириб келишим эди.

Хожиакбар операциядан яқында чиққан, ҳамон ранги синик, шаштийук күринарди. Қандайдир ички дард унинг вужудига соя ташлаб тургандай.

Анчагина суҳбатлашиб ўтиридан. Ҳазил-мутойиба ҳам бўлди. «Ижоддан гапиринг. Янги асарингиздан бобларни газеталар эълон қилиб ётиби. Ўзини яхлит ўқийлик, қаҷон кўлёзмасини берасиз?» деди. Мен, албатта, бир нусхасини яқин кунлар ичидан келтиришга ваъда қилдим.

Мен Хожиакбар қизиқётган асарим кўлёзмасини унга олиб келган кун нимадандир қаттиқ сиқилаётганини сездим. Бу тузалиши қийин кечеёттан операциянинг асорати бўлса керак, деб ўйладим. Бироқ «дарди» бошқа экан, ёрилиб қолди:

— Нега ёзувчиларимизда аҳиллик йўқ? Илгари бу ер доим гавжум бўларди. Нега уларнинг оёғи узилиб кетган? — у бирон жавоб кутгандай менга қараб қолди. Бироқ, бир нима дейишга ожиз эдим.

Дўстим бундай «ёлғизликка» ўрганмаган, шунинг учун янги жойга кўниколмаётгандай эди. Ниҳоят ўзини қийнаган саволга жавоб топгандай, сўзида давом этди:

— Ер юзида пайдо бўлган ҳаётни вақт ўлчови билан таққосласак Инсон умри қандайдир дақиқаларга teng бўлиб қолади. Мана шунинг ҳам қадрига етмай, бир-бирига тескари бўлиб яшайдиганлар бор-а! Дийдор, яхши кунлар ғанимат-ку, ахир! Ё ўртага бузуқчилик солиб турадиган шайтонлар бормикан?

— Бор, — дедим овозимни пастроқ қўйиб ва қўшиб қўйдим, — одамларни бир-бирига ёвлаб турадиган Инсон қиёфасидаги шайтонлар бор. Ноаҳилликнинг сабаби ана шунда.

— Бунга чек қўйиш керак! — Хожиакбар ўрнидан туриб қаршимдаги курсига рўбарў ўтириб олди ва деди. — Менга ёрдам беринглар...

Биринчи котиб жамоат ишларида мени фаол иштирок эттиришга астойдил бел боғлаган чоғи, тинимсиз қўнғироқ қилиб, йўқлаб турар, билардимки, бу кимларгадир ёқавермасди.

Ёзувчи, олим Қалдибек оға Сейдановнинг Ҳалқлар дўстлиги маданий алоқалар маркази саройида 60 йиллик юбилейини Хожиакбар билан биргаликда ўтказдик.

Кекса ёзувчи, шоирлардан хабар олишга борадиган бўлса ҳам у мени етаклаб борарди... Ҳатто «Фахрийлар» рўйхатига номим қўшилиб қолибди...

Бир куни Хожиакбар чақириб:

— Асарингизни ўқиб чиқдим. Қалпоқ қилиб юборибсиз, — дея мақтаб қўйди ўзига хос «лаҳжа»да. Демак, бу «жуда яхши» дегани.

Асар мақтовидан кўра дўстим юзларида пайдо бўлган беғубор жилмайиш, осойишталик аломатлари мени хурсанд этди. Чунки анчадан бери уни бундай чехраси очиқ ҳолатда кўрмагандим.

— Энди, — деди у менга жиддий қараш қилиб, — ҳукуматимиз катта маблағ ажратди, «Замонамиз қаҳрамонлари» образини яратишимиш керак. Публицист ва ёзувчиларни турли вилоятларга бир ҳафта, зарур бўлса, унданам кўпроқ муддатга йўлланма билан жўнатяпмиз. Улар ичида сизам, каминанинг ўзи ҳам бор. Мен Сурхондарёга жўнайман, сиз Водийга қаҳрамон излаб йўлга тушасиз!

— Ҳожим, — дедим овозимни баландлатиброқ, — ўзингизни балогардон қилиб, мени ҳар нарсага аралаштираверманг!

— Бу нима деганингиз. Ёмонми? — ўрнидан туриб кетди. — Бундай хайрли ишларда иштирок этиш ҳар бир ижодкорнинг бурчи, уюшманинг обрўси-ку! Командировка ёзилган, вилоят ҳокими номига хат тайёрланган. Бухгалтерга учранг, пулни олиб, эртага Тошкентдан чиқиб кетишимиз керак.

Ҳаммага етган командировка пули негадир менга келганда етмай қолди. Бориб келаверинг, йўлкира хақи, «суткалик»ни бир қилиб тўлаймиз, яхлитлаб оласиз, дейиши.

Ҳожиакбарнинг Сурхондарёдан ёзib келган машҳур шифокор ҳақидаги очерки билан менинг «Дарёни терс оқизган одам» номли публицистик мақолам матбуотда эълон қилинди, радио орқали ўқиб эшилтирилди...

Биринчи котиб каминанинг «командировка пули» теварагида бўлаётган машмашаларни кимдандир эшишиб қолибди. Ҳали олмадингизми, деди.

— Оларман, — дедим-у «ҳисобдонлар» аллақандай қонун-қоидаларни рўйчилик қилишашётгани ҳақида гапириб ўтиришни эп кўрмай, кўшиб кўйдим. — Ўзингиз айтардингиз-ку, бу дунё ўткинчи, арзимас нарсаларга ҳам асабни қақшатавериш керак эмас, деб!

У мени худди биринчи бор кўраётгандай ўгирилиб қаради:

— Гап пулда эмас. Одамнинг қадр-қиммати бор, ахир! Майдакашлик шу даражага етганми!. Узим текшириб кўраман. Машинангиз шу ердами! Мени уйга ташлаб кўйинг. Негадир этим увишиб кетяпти.

Уюшма эшигидан бирга чиқдик.

Шу бўйи дўстим бу даргоҳга қайтиб келмади...

Мен ундан тез-тез хабар олиб турадим. Ҳар борганимда бел оғриғидан шикоят қилар, дарди кундан-кун оғирлашиб бораради. Уйидагилар қатори мен ҳам уни юпатардим: «Ҳавонинг намгарчилигидан ҳозир кўпчилик азият чекмоқда. Ҳадемай кунлар чараклаб кетади. Тоҳир Малик ҳам операциядан кейин анча тузалиб қолди. Чолларга ўхшаб ҳассага суюниб юрибди. Икковларингни Бўстонлиқдаги дачага олиб чиқиб, бир дам олдираман. Фарғонанинг девзирасидан ош дамлаймиз. Ҳозир у томонлар яшнаб кетган, ҳаммаёқ кўм-кўқ, Ҳожим!»

Унинг юzlари ёришади, кўzlари чақнаб кетгандай бўлади:

— Эслайсизми, Ойнатоғ этакларида лолазорни!



— Ҳа-да. Ўша лолазор ичидан роса равоч тергандик, сиз яхши кўрардингиз. Кўнглингиз тусаяптими?

— Қанийди, бўлса!..

Ойнатоғ жуда олисда. Пском водийси бўйлаб икки кун юргандан кейин унинг этакларига етиш мумкин... Чорбоғга яқин Сижжак қишлоғига келиб қуолувчи Наволисойнинг юқори қисмida ҳозир айни равочлар етилган палла. Биз у томонларни Ҳожиакбар билан кўп кезганимиз. Ҳатто унинг ҳикояларидан бирида учар ликопча худди мана шу жойларга келиб тушгани тасвирланган...

Наволисойнинг мўрт, шапалоқ барглари юпқа, серсув равочини кўрган дўстимнинг чеҳраси очилиб кетди... Қариндош-уруг, танишибилишларга тогнинг беғубор шифобахш неъмати дея бир нечтадан улашиди.

Бир куни у ўзи дан-ўзи гап очиб қолди:

— Анави Водийга бориб келганингиз ҳақини беришмадими? Нега бундай қилишади-а!..

— Оғайни, — дедим унинг галини бўлиб. — Ҳозир сизга шундан бошқа ташвиш йўқми! Тузалиб олинг. Омонлик бўлса, ҳамма нарса топилиб кетади.

— Сиз шундай дейсиз-да. Мен кўп ишлар қилмоқчийдим... Анави янги асарингиз нима бўляпти? Яхши нарса!

— «Шарқ юлдузи»да босиляпти. Корректурасини ўқиб чиқдим. Бугун элтиб беришим керак! — дея папкадан бир даста корректура варақларини олиб кўрсатдим.

У ётган жойида хайрият, деб қўйди-да, рафиқасига юзланди:

— Мұҳаррамхон, асар ҳақида анави фикрларим ёзилган қофозни бериб юборинг, машинкалатиб келсинлар. Кўл қўйишим керак-ку!

— Қанақа құл? — дея унга савол назары билан қарадим, — келишувимиз бүйіча, мана, ҳаво ҳам исіб кетяпти, Тоғыр учовимиз дачага чиқамиз. Ана у ерда паловдан кейин нима бўлса, бемалол ёзиб, қўл қўяверасиз!

— Э, Дадаҳон Нурий! — у «расмий» муомалага ўтди, — жуда соддасиз-да. Одам одамга ғанимат.

Мен анграйиб қолдим.

Муҳаррәмхон бир варақ қофозни қўлимга тутди-да, йиғлаб юборишига сал қолди, хонадан чиқиб кетди.

Ҳамон мени «қиз ўртоғим» деб атайдиган ўша шаддод синфдошим Назира:

— Ҳожим, бу нима деганинг. Ҳали ёзадиган асарларим кўп деётгандинг-ку, яхши ният қил! — деди.

— Назира Исломовна, — деди-да, у менга ишора қилиб қўйди, — бу ўртоғингизни салкам ярим асрдан бери биламан. Сизга ўхшаб куйибишиб, ўз ҳақини талаб қиласидиганлардан эмас!

Назира овозини пастилатиб замзама қилди:

— Икковларинг бир-бирларингдан қолишмайсизлар... Ташқарида шамол туриб, дераза кўзларини очиб юборди. Шивалаб ёмғир ёға бошлади.



Мен Ҳожиакбар билан хайрлашиб, ўрнимдан турдим. У:

- Яна ёмғир ёға бошлади, шекилли, — деди. Мен:
- Ҳа, осмон йиғлайпти, — дедим.
- Паналайдиган соябон борми?
- Машинада бор, — дедим.

Эртаси кун у анча безовта бўла бошлади. Ҳавонинг етишмаслигидан шикоят қилас, ёнида одам камроқ бўлишини хоҳларди.

Бир пайт «Исфандиёр нега кўринмайди», деб қолди. Бу уни учинчи бор йўқлаши эди. Ҳожиакбарнинг яқин дўстларидан ёзувчи Исфандиёрни телефон қилиб, топиб бўлмасди. Унинг уй ва дала ҳовлиси адреси бўйича қидириб кетдим. Вақт алламаҳал бўлганда ёлғиз қайтиб келдим.

Беморнинг тана ҳарорати қирқ даражага кўтарилиб кетибди. Ҳар бири тажрибали шифокор, профессор унвонига эга бўлган ака-ука, опа-сингиллар, «Тез ёрдам»га етиб келганлар укол қилишар, томирдан осма дори юборишиб, турли муолажа усуулларини қўллашар, бироқ натижа сезилмасди. У алаҳлай бошлади, нафас олиши яна қийинлашди. Оёқлари кўкимтири тортиб, совий бошлади... Вақт ўтгач, дорилар таъсир қилди, шекилли, кечки соат ўнларга борганда ўзига келди. Кўзларини катта очиб:

- Шаҳноза қизим, нега йиғлайсан. Мана, мен тузалиб қолдим-ку, — деди. Унинг бу сўзлари тиниқ ва равон чиқди.

Кейин менга ўгирилди:

- Биласиз-а, қўл қўйишим керак. Қани қофоз? — деди.

Мен ташқарига чиқиб, ярим бет қилиб босилган матнни олиб келдим.

У ёнида ўтирган опасига одатдагидай:

- Назира Исломовна! — дея мурожаат қилди.
- Ҳа, жоним. Укажонгинам, эшитаман.

Сизнинг синфдошингиз, менинг дўстим яхши китоб ёзган. Унга билдирган фикримни тасдиқлашим керак. Лекин ётиб қўл қўйсам хурматсизлик бўлади. Мени суюб, ўтқазиб қўйинглар.

Ҳафта давомида у биринчи марта қаддини расо тутиб ўтириши эди. «Яхши асар» сарлавҳали матнни ўқиб, икки-уч жойига қалам теккизди, сўнг ҳуснihatдай чиройли қилиб, имзо чекди. «24—V—2002» деб сана қўйди.

Иккинчи кун кечга бориб унинг аҳволи анча яхшиланди. Қўнгиллари таскин топган ака-укаларнинг ҳаммалари уйларига кетишиди. Мен ҳам кетмоқчи бўлиб, икки марта машинани ўт олдирдим-у, негадир юргизишга оёғим тортмади, кўнглим фаш эди.

Кенжа ўғил Ойбек, сиз қолинг, амаки, деяётгандай менга жавдираб қарапди...

Соат тунги ўн икки яримларга яқинлашганда биринчи бўлиб қўшни Абдулазал ака чопиб чиқди.

Маҳалла ахли йигилди.

Қиёмат қойим бўлиб кетди...

Табиат ҳам фам-андуҳини яширолмай, борлиқни тилка-пора қилиб ўкраб юборди. Ҳаммаёққа даҳшат солиб момақалдироқ гумбурлади, осмон юм-юм йифлади...

Эртаси кун абадий уйқуга ётган дўстим тобути устига майин шабода аралаш эпкин томчилар уфуриб турди. Буни Худонинг раҳмати дейишди.

Марҳум ҳар бир яратган бандасининг сўнгги манзилгоҳи аталмиш қабрга қўйилиши билан табиатда шундай бесаранжомлик рўй бердики, таърифлашга тил ожиз.

Мўйсафид қариялар илло бундай қуюн аралаш жалани Тошкент замини ҳали кўрмаган дейишди. Видолашувга келган кўпчиликнинг кўнглидан покиза қалб, яхши бир Инсоннинг бевақт ўлимидан табиат ҳам ларзага келди, деган ботиний ўй ўтди.

Шундай қилиб мен ёмғирли осуда баҳор кунларининг бирида топган оғайнимдан айрилиб қолдим.

Кўм-кўк майсазор узра сочилган алвон лолақизғалдоқлар орасида эндингина пайдо бўлган қадрдонимнинг қабридан узоқлашиб борар-канман, букилган қаддимни ерга киритиб юборгудай жала баттар савалаб қўяр, энди менга ҳамроҳ, бошимга паноҳ бўладиган одам бу дунёда қолмагандай эди.

... Шу пайт кимнингдир қўли елкамда турганини ҳис этдим, устимда ёмғирдан паналовчи «соябон» пайдо бўлди. Ёнгинамда фам-андуҳли нигоҳини ерга тикканича Ҳожиакбарнинг дўстларидан бири Абдулҳай Носир келар, олдинроқда расо қадди анча чўкиб қолган Нормурод Нарзуллаев титроқ овоз билан видолашув шеърини ўқиб борарди.

Дадаҳон НУРИЙ

ҲОЖИАКБАР ШАЙХОВ ШЕЪРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

ДАҲОЛАР

Ҳаётда бор шундай одамлар
Ҳокисор ва камсуқум, камтар,
Тафаккури тўлғонган дамлар
Юксалишар мисли кабутар.

Ҳаётда бор шундай одамлар
Сабр-тоқатда мисоли қоя.
Тарки олам қилгандай улар,
Кўл силтаган дунёга гўё.

Ҳаётда бор шундай одамлар,
Соядайин юришар кунда.

Бир чеккала аста одамлар,
Үй суришар маъюс, осуда.

Бордир шундай одамлар бизда,
Ёнгинангда қадри билинмас.
Ёнда оққан сув қадрсиз-да,
Чунки сира кўзга илинмас.

Хаётда бор шундай одамлар,
Минг бир ташвиш ўртайди дилин.
Одамзотнинг қисматин ўйлар,
Аста очиб комиллик сирин.

Хаётда бор шундай одамлар,
Ўн саккиз минг оламни кўзлар.
Эзгуликка хизмат қиласа гар,
Ўлимга ҳам тик борар бўзлаб.

Хаётда бор шундай одамлар,
Ўлгандан сўнг берилар баҳо.
Биласан сен шунда бир дамлар
Ёнгинангда юрганин даҳо.

КОМИЛАХОН

Комилахон, асал қизалогимсан,
Эркатойим, зебо бўталогимсан.
Кўзинг ҷарос, қаро сочинг жингалак,
Жамолингдан ҳайратга тушар фалак.
Чопиб кирдинг бир кун уйга, нигорим,
Ҳансирардинг, чақнар эди нигоҳинг.
«Дода, дода, тўй бошланди, туринг сиз,
Кўшнимизга куёв келди, юринг сиз.
У келинни обкетаркан, мен борай,
Биз – дугона, айтарканмиз «ёр-ёр-ай!»
Тўй қиласиди чиндан ён қўшним Эгам,
Карнай-сурнай, куёв-навкар... жамул-жам.
Не дейишни билолмай бўлдим хуноб,
Набирам-чи, иргишлаб, кутар жавоб.
Қизалогим, шошмагин сен бу тўйга,
Униб-ўсгин, пича чўзилгин бўйга.
Иншооллоҳ, кўп тўйларга юрарсан,
Кўп келинга дугона ҳам бўларсан.
Бир кун ўзинг бўлиб гўзал келинчак,
Кетарсан, воҳ, бизни куйдириб бешак.
Бу гапларни унга қандай уқтирай,
Дил дардимни унга қандай юқтирай?

ДУНЁ УСТУНЛАРИ

Эмишки... курраи заминимизни
 Кўтариб турармиш ҳўкиз шохлари.
 Яратганмиш Тангри шундай денгизни,
 Қитъалару қўкни, жами тоғларни.

Нечоғли рост сўзни айтар асотир,
 Билмам, бу шубҳа...дан ортмоқда шубҳам.
 Шундандир дилимда ҳадик, хавотир,
 Мантиқ қани, ахир, бу – бир гап мубҳам.

Эҳтимол, афсона тажассум этмиш
 Ҳўкиз шохларининг буюқ қудратин.
 Балки тағин янги жумбогин ўтмиш
 Пинҳон тутар биздан, тийиб ҳайратин.

Ахир, дунёда бор бошқа устунлар,
 Ҳўкиз шохларидан кучли минг чандон.
 Гарчи Ерда йўқдир бағри бутунлар,
 Ва лекин бор, ахир, имон ва виждон.

Улар ҳам қўп йиллар йўқолди, аттанг,
 Барини бой бердик кўркувда сарсон.
 Қай томон босилди босилган қадам?
 Минг йиллик қадримиз бўлди қўп арzon.

Истиқтол қайтарди уларни бизга,
 Қайтарди эътиқод, имон, виждонни.
 Энди ошиқайлик нурли манзилга,
 Хуррият... биз унга тикканмиз жонни.

Балки ҳўкиз – тимсол, рамзий бир қудрат,
 Унинг кўтармоғи заминни маҳол.
 Лекин виждон, имон – улуғвор хилқат,
 Олам устунлари шулардир, алҳол.



ТИЛАК ЖҮРА

(1947—1994)

У хұп дейди, демас: «Менга ҳам керак»,
Ишонмасаңг, бориб ўзидан сұра.
Жонингни прокатға бер десаңг, Тилак
Икки құллаб тутар: Мархамат, жұра.

Мен уни туғылмай туриб билардим,
Мұрғак өоф жаңнатаға юзин күрганман.
Тегірмөнчілікни орзу қилардим,
Үнға ҳавас қилиб шоир бўлганман.

Мұхаммад ЮСУФ

Тилак Жұра ўз шеърлари ва таржималари билан ўзбек адабиётига катта ҳисса қўшган, қисқа умри давомида халқнинг севимли шоирига айланиб улгурган эди. У 1947 йил Бухоро вилояти Қоракўл тумани Сайёд қишлоғида дунёга келади. 1956—1966 йиллар ўрта мактабда, 1966—1972 йилларда эса ТошДУнинг журналистика факультетида, ундан сўнг эса аспирантурада таҳсил олади. 1970 йилдан то умрининг охирига қадар мазкур даргоҳнинг таржима назарияси кафедрасида хизмат қиласи. Ўнлаб ёш шоир ва олимларга устозлик қиласи.

Тилак Жұранинг «Райхон», «Оlam остонаси», «Юлдузлар табасуми», «Чоррақадаги уй», «Сандувоч», «Рұхият» каби шеърий тўплamlари чоп этилган. Турк, рус, озар, арман, француз ва тожик тилларидан шеърий таржималари ўзбек адабий меросидан муносиб жой олган.



Шоирнинг шогирдларидан бири Сирожиддин Рауфга мурожаат қиласиз.

Сирожиддин, сиз ҳам у кишини ўзингизга устоз деб биласиз тўғрими?

Албатта. Бу инсон менинг умримда ва таъкидлаш жоизки, ижодимда катта аҳамиятга эга инсон. Чунки, тағабалик давримда устозимдан бой ижодий заҳирага эга бўлганман, десам хато бўлмайди. Лекин ҳар бир шогирдни бирор устозни «Устоз» деб билиши учун маънавий ҳаққи ҳам бўлиши керак. Мен ҳеч иккilanmasdan Тилак акани устозим деб қабул қилганман.

Шахсан сиз бу инсондаги қайси хислатларни бошқаларда кўргингиз келади?

Айниқса, самимийлик. Мен шахсан мана шу хислатни ҳаммада кўргим келади. Минг афсуски, бу камёб хусусият.

Биласиз, шоирнинг ўзига хослиги бўлади. Тилак Жўранинг ўзига хослиги нимада?

Бу шоирнинг ўзига хослиги соддалиги ва оддийлигида деб биламан. Айрим шоирларнинг шеърларини ўқисангиз, бир неча кун ўйлаб юрасиз, аммо шоир Тилак Жўранинг шеърлари кафтингиздаги чизиқларни қандай яққол кўрсангиз, унинг шеърларидаги түйғулар суратини ҳам мана шундай кундай равшан кўрасиз. Масалан, Тилак Жўра Бухорода таваллуд топганлари учунми, ҳар бир шеърларида кўзингиз олдида Бухоронинг бутун бўйи басти тикланади. Бу ҳам ўзига хосликдир.

Сиз шоирнинг қайси шеърларини кўнглингизга яқин билиб ёддан айтиб юрасиз?

Мен устознинг жуда кўп шеърларини ёддан биламан. Шоирнинг қўйидаги сатрларини хиргойи қилиб юраман.

Софиниб ўларман соғиниб бироқ

Ўлим мендан жуда ҳам йироқ...

Нақадар дардли ва аламзада сатрлар. Шоир — агар у ҳақиқий шоир бўлишни истаса, шунчаки фикр эмас, афсоналар яратмоғи лозим. Доңишманд минг карра ҳақ. Шунинг учун биз бугун мана шундай афсоналарга лойиқ сатрлар муаллифи Тилак Жўрани ёдга олдик. Кўз очиб юмгунча умр ўтиб кетади. Демак, ҳар бир лаҳза ғанимат. Атрофингизда гарчи пинҳона, гарчи ошкора сизни севадиган ва орзиқиб кутадиган, ардоқ-лайдиганлар бўлса, шуқр қилинг, аслида мана шунинг ўзи катта саодат.

ТИЛАК, ТИЛАГИМ

Одамлар борки, қандай қилиб сенинг қалбингга, руҳий оламингга, қони жонингга кириб келганини ва бир умрга сен билан бирга қолганини сезмайсан. Ва бир умрга тақдиринг улар билан чамбарчас боғланаб кетади... Бундай соҳибкаромат инсонларсиз сен сен эмасдай. Ажабмас, улар ҳам сенсиз улар эмаслар. Бу тоифа одамлар билан бирга кечган онларинг умр бўстонида тоабад сўлмас ҳам сўнмас гултоҷ, машъала бўлиб қолади... Кишилар бир-бирларини ҳидлаб топсалар керак. Кўрмаганмисиз, икки қадрдон узоқ айрилиқ ва ҳижрондан сўнг тўсатдан учрашиб қолганларида, бир-бирларини тўйиб-тўйиб ҳидлашаётганини? Дўст орттирган киши ўз-ўзига душман, демишлар буюк Шота Руставели. Дўсти йўқ одамни ўлдиринглар, дейишаркан қадимги римликлар. Аммо мен айтиётган ҳабибларни фақат дўст дейишнинг ўзигина кифоя эмасдай. Чунки дўстлар ҳам ҳар хил бўлади. Мол дўстинг бошқаю, жон дўстинг бошқа. Биродарлик ҳам камлик қиласи. Қадрдон, ҳамкору ҳамдаст, ҳамнафас, ҳамнишин, ҳамдард... Бовужуд, бу сифатларнинг ҳар бири ҳамда барчасини жамловчи яна бир антиқа, тамом янги бир инсоний хислат ва атама қашф этмоқ даркорга ўхшайди.

Мен учун ана шундай инсон Тилак Жўра эди...

Тилакжон етмишинчи йилларнинг ўрталарида аспирантурага кирди. Бу салоҳиятли йигитнинг сиймосида бир-бирига зид икки оқим дучлашгандай бўлди. Шоирона хурфиксрилик билан миражуруқ олимлик ақидапарастилиги. Қанчалик тиришмайлик, мажнунваш шоирга олимликнинг сипо фикрлаш йўригини юқтира олмадик. У шоир бўлиб қандай тафаккур қиласа, дарсларда домла, маърузачи мақомида ҳам шундай «сайраб» юборарди...

Тилаквой она юртига — Бухоро вилоятининг Саёт қишлоғига жўнаб кетибди...

Сабоқни куттириб бўлмайди. Домлаларга илк дафъя ялиниб-ёлвора бошладим:

— Ҳой Фалончи, Сиз Тилакнинг дарсини ўтиб туринг. Мулла Нажмиддин, ўзлари ҳам... Яна ким бор?..

Шу зайл ярим йилгача амаллаган бўлдик. Ҳамма обдон чарчади. Асаблар таранглашди.

...Ҳамон шоирдан дарак йўқ. Биз томонга узоқ Қоракўлдан ҳар хил миш-мишлар кела бошлади. Бирор кўрибди: Тилак кўл бошида балиқ овлаб ўтирган экан. Яна кимдир айтганмиш: аллақандай Санкт-Петербурглик қадимшунос олим Пайкент археологик қазилмасига шоирни қоровуллик вазифасига таклиф қилибди. У ўша Пайкент қабристонида бир неча минг йиллар илгари яшаган ибтидоий жамоа ҳақида тарихий роман ёзаркан. Ў-хў! Бундай фавқулодда антиқа хаёлларга берилиш учун шоир Тилак Қоракўлий бўлиш керак.

Ниҳоят, бир куни ундан ўз тақдиридан шикоят, руҳий тушкунлик оғушида афсус-надоматлар илиа ёзилган мактуб олдим. Хатнинг адогида уйида бир чакра уни ҳам йўқлигини эслатади. Шу боис, минбаргоҳ бекаси Обида орқали ўзининг ўн беш кунлик маошини биронтадан бериб юборишимизни илтижо қилибди. (Ҳали биз уни хизматидан бўшатмай, ушлаб турганимизни билмайди.)

Тезда жавоб хати ёзиб юбордим. Қисқача мазмуни шундай:

«Мулла Тилакий Қоракўлий. «Саётхон боғдадир, боғда» деб хиргойи қилиб, Саётда кўп юраверманг. Айтиб қўяй: қирқ ёш — қалтис ёш. Қалтис! Ҳозиргacha ёшлиқ ҳаваси ва ҳавоси билан анча-мунча мароқли, тиниқ нарсалар ёздингиз. Энди тўққиз тўлғоқ тутмасин, бўтам. Қопқора кўмир оташгоҳда ёниб бўлгач, қип-қизил чўғ бўлиб яшнайди. Атрофга иссиқлик ва нур бера бошлайди... Энди бу ёғига донишманд, сўфий бўлиб қалам тебратасиз, чирофим. Ҳар бир мавсумнинг ўз гашти бўлади. Дилтанг бўлаверманг. Қанчалик таъмирламанг, бу норасо дунёнинг қаддини ростлаёлмайсиз. Биз мусулмонияга Тангри таоло шукроналик туйғусини ҳам ато этган. Куфр қилмай десангиз, шукр қилинг. Қаранг: атрофингиз тўла одам. Тумонат. Барি дўстлар, ёр-биродарлар, устозу



шогирдлар. Ие, бундан зиёд баҳт борми дунёда «Мавлоно Тилак домламиз ўрнига қайтарилсин!» деб оқ ялов кўтариб юришибди шогирдларингиз, дўстларингиз Тошкандай шаҳри азимда. Айниқса, Нажмиддин Комил акангиз билан Маърифат Шоиноятова опангиз дод солиб юборишди, бу ҳазрати одамсиз кафедра ҳувиллаб қолди, дейишиб. Сиз бўлса ёлғизман, деб йиглайсиз, бекор гап. Яна нима керак Сизга? Оллоҳ Воҳид. У ёлғиз: Ҳеч кими йўқ. На ота-она, на зурриёт, на қавму қариндош... Илло, Воҳидлик — факат Оллоҳ таоло ва таборакка ярашади. Инсон ҳеч қачон унуглиган, ташландиқ, кераксиз, танҳо деб ҳис этмаслиги лозим ўзини. Чунки унинг Худоси бор. Тангри ўзининг ҳеч бир бандасини унумтайди, ташлаб кўймайди. Виз Оллоҳ билан бирга эканмиз, Оллоҳ ҳамма вақт биз билан бирга. Бундай олганда, Сиз билан мен, тўғри, ота-онадан ёлғиз ўғилмиз. Ёлғиз ва ёлғиз эмасмиз. Зеро, иккаламиз биргаликда икки кишимиз, бас, ёлғиз эмасмиз. Тағин: икковимиз ҳам Оллоҳнинг паноҳидамиз. Қандай қилиб ёлғиз бўлайлик!

Сизнинг орамиздан кетиб қолганингизга мен ишонганим йўқ. Кўниколмасам керак. Мени кимларга ташлаб кетяпсиз, иним? Ўйлаб кўрдингизми? Фан кандидатисиз-а. Ҳазил гапми! Камхарж бўлиб қолибсиз. Ҳечқиси йўқ. Келиб ҳамма маошларингизни олинг. Ҳеч ким Сизни бўшатиб юборган эмас. Барча кафедрадошлар, ҳамкасб дўстларга қуллуқ қилинг. Ўшалар бор экан, ўрнингизни билдиришмади. Амаллашди. Бир куни келадики, ҳаммамиз ҳам ўша борадиган «кatta қишлоғимизга» кетамиз. Аммо ҳозир айни яшайдиган, тўлиб-тошиб ижод қиласидиган, ёнадиган, қайнайдиган, курашадиган ва яратадиган давримиз. Манзилга энди етдик, деганда ортга бурилиб кетдингиз. Ҳафа бўлманг: кўрқоқлик ва номардлик бу. Кўнглингизга олманг. Ортга қайting. Шундай қайtingки, ҳеч ким билмасин. Ахир, Тилак Жўрасиз қандай дорултаржима бўлсин?! Мен нима деган одам бўламан, оғайни. Кампирни бир амаллаб кўндирамиз.

Энди бўлди. Сал бўлмаса йиглаб юбораман. Ўзингни маҳкам ушла, шоир иним!»

Узоқ йиллар, кўп узоқ йиллар
 Алдаб келдим ўзимни-ўзим.
 Меники, деб бу қизил гуллар...
 Меники, деб ҳар айтган сўзим.
 Тўғри, гуллар меники эрур,
 Меникидир ҳар айтган сўзим.
 Нима қилай ахир, уларни,
 Ўзимники бўлмасам ўзим.

Қиёфа ёки заррада — Куёш. Томчидаги күёш акс этади. Қанчалар оддий, қанчалар ҳайратомуз! Ҳар бир одам баайни ўзи бир заррую, ўзи бир Хуршиди олам. Оллоҳ яратган мўъжиза. Унинг биру

борлигига рад этиб бўлмайдиган далил ва кафолат. Бинобарин, у ўзидан нур таратмоғи ва ўзида нурни акс эттирмоғи лозим.

Агар бирон файри миллат кишиси Сиздан: «Ўзбеклар қандай миллат? Тушунтира оласизми?» деб сўраб қолса, узоқ чайналиб «тушунтиргандан» кўра (тушунтириб бўлмайдиган нарсани қандай тушунтирасиз!) «Ҳм, дарвоҷе, ўзбекми? Мана — ўзбек» деб кўрсатадиган одамлар бор ҳаётда. Шундай инсонларни кўрганимисиз, ҳушёр ўқувчим? Улар турган-битгани, бутун вужуди билан миллат. Юриш-туришида, фикрлашида, гапириш оҳангода, қарашида, кулишида, йиғлашида, ҳўрак ейишида, бирорни сўйишида, сўкинишида, қарғанишида қандайдир соғ, бетак-рор ўзбеконалик бор. Инчунин, бу қанчалик назарногир, майда бўлса, шунча кичик гап ҳам эмас. Миллатни миллат қиласидиган аломатлардан бири ўзи шу.



Ашур момо

Сиз Тилакжоннинг раҳматлиқ онасини ҳаётлик чоғида кўрмабсиз, шоирни шоир қилган нарса нима эканини билмабсиз. Мен Ашур момони неча марта кўрган бўлсам, ўзимни шунчалик баҳтли-омадли деб биламан. Бул зоти пок Миллат тимсоли, Оналик рамзи бўлиб гавдаланарди кўз ўнгимда. Унга суқланиб қарапканман, қалбим завқ-шавқقا тўлар, айни чоғда, ажабки, хомуш тортиб қолардим: шу кетища юз йилдан кейин Ўзбегимнинг миллий қиёфаси қандай бўларкин, а?

...Қўйингки, ҳаммаёқда дув-дув гап: «Тилак тушмагур Тошкентдан қочиб кетибди, домласи ахтариб юрганишиш...»; «Саётда яшириниб ётганмиш»; «Тошкентдан тўйдим, қайтиб бормайман, дебди» ва ҳоказо. Ёзувчи Неъмат Амин аралашди ҳам, бўлмади. Бухоролик шогирдларимиз

Садриддин Салим, Самад Азим, Музаффар Бозор, қоракўллик қалам-кашлар ҳарчанд далолат қилишмасин, муз эримади...

Ахири, кўрдимки аҳвол таҳликали, ўзим поездга тушиб Қоракўл туманининг Саёт қишлоғига етиб бордим. Тилак анча юмшади. Қайтиб кетишга ҳам рози бўлди. Аммо бир кўрпа касал бўлиб ётган онаси Ашур момо сангу саҳт. Сира-сира муросага кўнмайди.

— Онажон, мен Тилагингизни Тошкентга олиб кетгани келувдим.

Кампир бу гапга мамнун бўлар, деб ўйласам, авзойи бузилди. Гапимни эшитгиси ҳам келмади.

— А?..

Мен кўрқа-писа муддаони яна такрорладим, овозимни баланд кў-тариб.

— Тилакни бермагийман. Ўзима керак. Қариганимда ман-а қарайди, деб туғиб олганман.

Биз кампиршо билан гўё бошқа-бошқа тилда сўзлашаётган эдик. Шунча йил инсон қалбини, таржима илмини ўрганибман-у, мана шу муштипаргина кампирга қолганда гўлдираб, сира тил тополмайман. У десам бу дейди, бу десам у дейди... Ялиниб ҳам кўрдим, ора-чира ҳазиллашган ҳам бўлдим, ўзимча унга хушомадлар ҳам қилдим. Бари бекор. Наф қилмади. Ўсал бўлдим. Сира бўлмаса, боягидай, ўзини гарангсиган, овсар қилиб кўрсатади.

— А?

Тагин (нечанчи маротаба) тушунтирган бўламан. Шеърият, аруз, бармоқ, сарбаст, таржима санъати сирларидан, кафедрамиз ютуқларидан, Тилак бизга жуда кераклигидан баҳс юритаман.

— Ўзимаям керак. Тошкентда нима қиласди? Уйи йўқ. Ёниб кеттигий. Қийналди бала. Қишлоқ яхши. Ҳовва.

Э, кошкийди нима яхши-ю, нима ёмонлигини билмасам. Фан тарақ-қиёти, миллий маданиятимиз тақдири ҳақида гап бораётибди-ку, она тушунгиси келмади. Мен нуқул Тилак Жўранинг зўр шоир-у, зукко олимлигидан, уни Радий Фиш деган катта адаб, Абдулло Ориф, Рауф Парфи, Миразиз Аъзам, Йўлдош Эшбеклар, шаҳри Московдан Георгий Ашкенадзе, Бокуда бутун дунёга таниқли олимлар Рустам Али, Байрам Ҳорун ўғли Тоҳирбоевлар астойдил ҳурмат қилишини шафе келтирмоқчи бўламан. Ҳатто пошшоликда ҳам уни яхши биладилар, дейман. Мана, яқинда Московдан илмий ёрлиқ келади, сўнгра ундоқ бўлади, бундоқ бўлади, деб лофт ураман. Менинг жаврашларимдан, гўё англашилдики, бизнинг тулпор Тилакбойга яқинда Ўзбекистоннинг энг зўр шоири деган фаҳрий унвон беришади. Ниҳоят, жумхурият мустақиллиги мадҳиясини ёзища унинг пешрав шоир бўлганлиги, ажабмас, бу хизмати учун бугун-эрта унга... нима десам экан... хаҳ — орден тегиб қолса ҳам ажабмас... Шу ерга келганда, оғзим қизишиб кетиб, кераксиз

гапларни айтиб юборганимни англайман-у, тилимни тишлаб қоламан. Не ажабким, «орден» деганимда кампир бир чўчиб тусди.

— А?! Йўғ-ей, айтинг, Тилагима нишон бермасин. Ҳе, қуриб кетсин: Ўзимизди Сулаймон Курбона аввал ўша нишонни берди-ю, кетидан... турмага солдигий!

Яхшиям, мен лофчининг хатойимни кампир ўзи тузатди. Унинг далласи билан вазиятдан қутулдим. Шоирга, менинг ёрдамим билан, ҳеч қандай олийнишон ёрлиғи бермасликка келишиб олдик. Лекин... Баҳсимиз ўша-ўша, ҳеч бир самара берадиган эмас. Пойтахт фойдасига қанчадан-қанча яхши гапларни айтмайин, парвойи фалак, мол-ҳол, аллақачонлар қазо қилиб кетган раис Сулаймон Курбондан гапни олиб қочади... Қандай қилиб фўза чувиш, чигит айриш, чарх йигириш, арқон эшиш «технологияси», фўзапоя, саксовул, сут соғиш, куви пишиш, чакки олиш, таппи ҳақида мароқ билан ҳикоя қиласи. Баҳсимиизга сира туташ чизиқ тополмаймиз...

— Таржима антиномиялари бизда яхши ўрганилмаган-да...

— Ҳовва. Инагимиз яқинда тўғдигий... Тарғил...

— Радий Фиш домла турк тилида текис сўзларкан. Куръони Каримга ихлоси зўр. Миттигина зеби гардон (медалён) ичига Каломуллони солиб, гардонида осиб юраркан, Тилакжоннинг ҳимоясида зўр чиқиш қилди ўзиям...

— Ҳовва. Анови қийшайиб ётган оғилхонани бу йил бузмаса бўлмайдигий...

— ...Энди, онажон, шоир ўғлийизни марказ пойтахтга олиб кетмасак



сира иложи йўқ. Хўп денг, берасиз. Ҳамма каттаконларимиз дуойи салом айтиб юбориши Сизга.

— А?..

— Ўша гап. Мулла Тилакни ўзим билан бирга олиб кетаман, деяпман.

— Тилак ўзима керак. Ўлсам қўмади... — дейди истар-истамас.

Уҳ! Гапга тушов топилгандай бўлди.

— Э, онажон, ўзингизни ҳам олиб кетамиш-да, у ёқса.

Сабон кўчасидаги Тилаклар турган захкаш, қоронғи, тутдай тўкилган, илалоқибат ёниб кетган бефайз ҳовлича кўз ўнгига гавдаланади, шекилли, ихраниб жавоб қиласди:

— Бормагийман Тошкания. Бачагинала шиппаксиз юрадигий. Уйида чакса уни йўқ. Ойлиги кам. Энди бир камим, ўликларим ўша ёқларда қолиб кетсинми мусофири бўлиб. Ўзимиизда яхши қабристон бор. Қишлоқники, ҳовва.

Далда берган бўламан Ашур момога:

— Э, онажон, ҳали узоқ яшайсиз. Қабристонга бало борми?! Тўқсонга кирасиз!

— А? Тўқсона кириб бўлганман бундоги йил.

— Ҳм!.. — яна қовун туширганимни сезиб қоламан. — Ўлигийиз у ёқларда қолмайди. Гарчи уларнинг ўзининг ҳам яхши қабристонлари кўп бўлса-да... Сизни шу ерга келтириб, қишлоқ мозорига тантана билан қўмамиш, дарвоқе.

Кампир яна чўчиб тушади. Дили оғрийди.

— А?! Ўламан, деб ўлиб ётганим йўқ ҳалиям. Дарров кўма-қолсаларинг, санлара қолса!

Бўғиламан. Ў, шоирнинг Онаси! Қисқаси, баҳс-жанг бизнинг кам-пиржон фойдасига «нокаут» билан тугади.

Бунақаси бўлган эмас

Тилак Жўра ўзининг тадқиқоти, илмий изланишларини бадиий ижод билан, ижодни таҳсил — домлачилик, мураббийлик билан кўшиб олиб борди. Владимир Маяковский ва Нозим Ҳикмат, Нозим ва Мақсад Шайхзода, ҳозирги турк шеъриятидан таржималар, бадиий таржима ва адабий таъсирчанлик, аruz ва эркин шеър мавзуларида зийрак илмий кузатишлар олиб борди. Жўшиб, куйлаб дарс берди. 1986 йилга келиб «Нозим Ҳикмат ва ўзбек шеърияти» мавзууда номзодлик рисоласини гумбулратиб ёқлади. ТошДУ филология факультетининг кўпни кўрган илмий жамоаси биринчи марта шундай ҳимоянинг шоҳиди бўлди. Ёдимда, катта зал шоиру шуарога тўлиб кетганди. Юқорида эслатганимдай, мавлоно Радий Фиш ўзлари Масковдан келиб мутасаддилик (оппонентлик) қилдилар.

Химоя бемуболага катта шеърият байрамига, ўзига хос мушоирага айланыб кетди. Ўша кезлар шоир халқи чунонам яйрадики, бунақаси бўлган эмас!

Тилакнинг «Нозим Ҳикмат издошлари», «Нозим Ҳикмат ва Ўзбекистон», «Ҳозирги турк шеърияти», маълум ва машхур «Инсон манзаралари» асарига ёзилган «Аср овози», «Нозим Ҳикмат ва ўзбек шеърияти» деган ўнлааб мақолалари ҳеч қачон ўз тароватини йўқотмайди. Агар куйлаб дарс бериш, дарс бериб куйлаш деган таъбирлар рост бўлса, бу ўша бизнинг Тилак Жўрага хос эди.

Гавҳари шамчироқ

Инсонда гавҳари шамчироқ, деган жавҳар бор. Бу хотира. Ана шу хотира кўзгусида у ўзини, одамларни, бутун ёруғ жаҳонни кўради. Хаёлотнинг тулпор отида дунё кезади...

Мен бешта Тилак Жўрани билардим: одамохун, шоир, олим, таржимон, мураббий. Тағин: дўст, улфат, ота, оиласпарвар, содиқ шогирд, устод... У олимдан чиққан шоир эмас, шоирдан чиққан олим эди. Ўзидан еттига шеърий тўплам қолдирди: «Райхон» (1977), «Оlam остонаси» (1980), «Юлдузлар табассуми» (1981), «Чорраҳадаги уй» (1983), «Сандувоч» (1988), «Рұҳият» (1990), «Саратон» (1991). «Хўрсиниб ботади юлдузлар» мажмуаси нашрга таҳт ҳолда турибди. Матбуот саҳифаларида кўплаб шеър, достон ҳамда турк, рус, қорақалпоқ, Лотин Америкаси халқлари адабиётидан қилинган таржималари сочилиб ётибди... Китоб ҳолида чоп қилинганлари ҳам анча.

Вақт огушида яшайди инсон

Замондан ортда қолганларни урадилар. Замон билан баравар қадам ташлаганлар, аксарият, дориломон яшайди. Замондан ўзиб кетганларни эса замоннинг ўзи жазолайди. Тилак Жўра доим Вақтдан баланд, Вақтдан олдинда юришга интилди... У мен билган аллақанча ижодкор, сўзшунос, файласуф, замона ҳозиқларидан устун эди. Кеча ва бугун заминидан туриб эртанинг қадди-басти, юксакларни кўра олди. Қорин бўшлиғидан эмас, юрак минбаридан туриб сўзлади («юрак минбаридан туриб сўзланган нутқ» шеърига ҳавола). Шоир мустабид жоҳилият мухитида ҳар гал абадийликка даъвогар, гоҳида эса баҳор ҳавосидай тез ўзгариб турадиган сиёсий жазавалар изнида юрмади. У хаёлпарамст, онадан янги туғилгандай маъсум, бегидр, хур инсон бўлиб қолди сўнгги нафасигача. Шоирнинг бош қаҳрамонлари мавсумий «генсеклар» эмас, оддий одамлар. Ўзи чуқур миллий адаб бўлиши баробаринда, умуман Инсонни куйлади. Партия, «улуг оға» ҳақида биронта нарсаси йўқ. Узоқни кўзловчи бирон «ёғлиқ мўлжал» ёхуд ялтоқлик билан назм битмади. Тўғри, гоҳо ўзи кашф этган бехудуд бадиий-самовий кенгликлардан замин қўналғасига

түшганида, осий бандаларни құрганида ҳафсаласи пир бўларди. Зеро, инсон зоти комил ёки фаришта эмас-да. Тилак эса юраги маромини издан чиқазган бадбин ва бадкорлардан эмас, гўё ўзидан домангир бўларди.

*Бўзтўргайдек бўзлаб бошимда
Қора сочин кўксимга ёйиб
Мендан нима истайди бу тун?
Ахир, шамол мендан не истар
Йўлларимга хазонлар сочиб?
Йўлимиз-ку бошқа-бошқадир...
Шамол каби ҳансираб, титраб,
Юрак, мендан нима истайсан?!
Биласан-ку, менга ҳам оғир
Соқов бўлиб сен билан юрмоқ...*

Файбуллоҳ АС-САЛОМ

УМИДЛАРИ КЎП ЭДИ

1971 йилнинг январи эди. Мен Тошкент давлат дорилфунуни (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетидаги Таржима назарияси ва нашриёт ишлари кафедрасига энди ишга қабул қилингандим. Кафедра мудири марҳум устозимиз Файбулла Саломов билан бир хонада ўтирадик. Менинг андак ҳайрон бўлиб турганимни кўрган домла дедилар:

— Кафедра, мулла Нажмиддин, ҳозирча уч кишидан иборат: мен, камина — мудир, сиз — ўқитувчи, Тилакжон — лаборант.

— Қани ўша лаборантингиз, ахир, у домлалардан олдин келиб ўтирамайдими, хонани саранжомлаб, у ёқ-бу ёғига қарамайдими?

Домла индамадилар. Кейин менга қараб:

— Ана шу лаборант Тилакни топиб келасиз, сизга биринчи топширик шу.

— Қаердан топаман уни? — деб сўрадим.

— Фалон ётоқхонага борасиз, Тилак Жўра қаерда туради, десангиз, кўрсатишади.

Камина домла айтган талабалар ётоқхонасига бордим ва дуч келган талабадан суриштирдим.

— Ҳа, шоирми, юринг кўрсатаман, — деди ва ётоқхонанинг иккинчи қаватидаги энг охирги кўримсиз бир эшикни бориб тақиллатди. Ичкаридан «Ким у?» деган овоз келди. «Эшикни очинг, сизни зиёрат қилгани келишибди», деди талаба.

Шунда эшик очилиб, жилмайиб турган бир навқирон йигит кўринди. Мен ўзимни таништирдим. У «Ичкари»га таклиф қилди. «Ичкари» сўзини тирноқ ичига олганимга сабаб шуки, бу росмана одам яшайдиган хона эмас эди, балки ётоқхонанинг у-бу нарса

сақлайдиган жойи эди. Хона тор бўлиб, Тилакнинг ўзи, бир темир каравот ва бир тумбочка зўрға сигарди. Мен бир амаллаб темир каравотга чўқдим. Хона папирос тутуни ҳиди билан тўлган эди.

Билдимки, Тилакжон эндиғина қишлоқдан келиб, журналистика факультетида сиртдан ўқир ва кун ўтказиш учун лаборант бўлиб ишлар экан. Бу мулоим йигит илм олиш илинжида, шеър илинжида мусо-фирликнинг оғир машаққатларини бўйнига олган. Кўз олдимга онам сўзлаб берган қаландар дарвешлар келди. Сочларининг ўсиб кетгани, ҳеч нарсага парво қилмай, ўз ҳолига сира ачинмай ижод қилиши, шу бурчак хонада ширин ва бокира туйғулар оғушига гарқ бўлиб шеър ёзиши менинг бу йигитга қизиқишимни орттириди, қалбимда бир илиқлик сездим.

Ахир мен ўзим ҳам аспирантурага ўқишига келиб, бу азим Тошкентда қанча мashaққат чекмадим. Китобларимни орқалаб оилас билан етти жойга кўчганман. Менга таниш эди бу ҳолат. Аммо, барибир, Тилакнинг ҳолатига ачингандай бўлдим. Бироқ сал ўтмай, биз буни унудик, чунки Тилакжон янги ёзган шеърларини ўқиб бера бошлади. Тингладим. Бошқаларини ўқишини сўрадим. У гоҳ ёдан, гоҳ қофозга қараб шеър ўқир, завқланиб, ўз шеърларини тушунтирас, қандай ёзилганлигини сўзларди. Бирпасда тор ва димиққан хона кенгайиб кетгандай бўлди, кўнглим яйради.

Бу йигит шунчаки ҳаваскор қаламкаш эмас, у шеъриятнинг шайдоси, истеъоди ярқ этиб кўринган шоир экани шеърларининг ҳар сатридан билиниб турарди. Буғдойзор далалар, деҳқон терининг сархуш қилувчи ҳидини ифодаларди бу шеърлар. Бирдан устознинг топшириги эсга тушиб, иккаламиз кафедрага йўл олдик.

Таржима назарияси кафедрасининг журналистика факультетида тузилганлиги кўпчиликка эриш туюларди, чунки одатда таржимачилик филология соҳаси ҳисобланган. Аммо ҳаёт шуни кўрсатдики, айни журналистларга таржимачилик кўпроқ керак экан. Файбула Саломов яна бир бор ҳақ бўлиб чиқди: зеро, таржима — ижодий иш, кенг соҳаларни қамраб олади. Айнан таржима нашриёт ва редакцияларда ходимларнинг асосий машғулоти бўлиб, таҳrir масаласи ҳам, сўз устида ишлаш маҳорати ҳам, бадиий тил ҳам шу орқали «пишар» ва камол топарди. Бунинг устига, айнан журналистика факультети ижодкор ёшлар таҳсил оладиган жой эди.

Шу боис бўлса керак, таржима назарияси кафедраси ўзи кичкина бўлса ҳам, аммо талабаларнинг асосий таҳсил жойига айланди, ёш қаламкашлар, шоирлар бизнинг кафедра атрофига уюшган, ижодий мунозаралар ташкил қилинар, фикр қайнарди. Ана шу мунозара-муҳокамалар марказида Тилак Жўра турарди. Ёш ижодкорлар «Тилак ака» деб унинг этагини тутар, у эса қўлидан келганча уларга ёрдам берарди. Тилакжонни яхши кўрмаслик мумкин эмасди. Бу содда,

дәхқонча табиатли, ростгүй ва түгри сўзли одам бошқалардан ҳам шуни талаб қиласди, қинғир ва бемаъни ишларни кўрса, хафа бўлар, дили оғрирди. У ўз фикрини мажлисда бўлсин, сұхбатларда бўлсин, яширмай, тўппа-тўғри баён этар, дилида бори тилига чиқиб турарди.

Менинг кўз олдимда Тилакжон ўсиб камол топди, кетма-кет учта шеърлар тўплами, сайланмаси чоп этилди, диссертация ёзиб, фан номзоди бўлди. Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди.

Катта-катта адиллар, танқидчилар оғзига тушди. Аммо Тилак кеккайиб кетгани йўқ. У ўша-ўша дарвеш шоир, хокисор инсонлигича қолди, шоир Тилак Жўра ва ўқитувчи Тилак Жўраев бир-биридан ажралмас эди. Чунки унинг маъруза ва дарслари ҳам шеърият сұхбатлари, гўзал тоя, гўзал сўзнинг сеҳрини кашф этиш эди. Шу боис талабалар унинг дарсларини интиқлик билан кутардилар. Оддий мулоқотда андак дудукланиб, тез-тез гапирадиган Тилак маърузада яйраб гапирав, ажабтовур бир енгиллик билан тингловчиларга мураккаб илмий муаммоларни тушунтириб берарди. Адабиётнинг нозик масалаларини нозик ва жуда теран англар, ўзи ҳали номзодлик диссертацияси ёзмай, кўп тадқиқотчиларга мавзу топиб берар, диссертация ва диплом ишлари муҳокамасида ҳам оригинал, тоза фикрлар айтиб, бизларни ҳайрон қолдиради. Адабиётшунослик ва таржимашуносликни куруқ масалалар йиғиндиси эмас, балки жонли бир жараён, эстетик воқеа деб қабул қиласар ва шундай ўргатишга мойил эди.

Тилакжон, шу тариқа, кафедранинг асосий фикр берувчи кишиларидан бирига айланган эди, уни бир кун кўрмасак соғинардик, у бўлмаса, ҳамма гўё бир нарсасини йўқотгандай хомуш ўтирас, у кириб келса, хонага нур киргандай, файз киргандай бўлар, ҳазил-мутойиба бошланиб кетарди. Яхши одамнинг фариштаси бор деб шуни айтсалар керак. У ҳақиқатдан ҳам фариштали, Худо ярлақаган инсон эди.

Мен бу ўринда Тилак Жўра билан Файбулла Саломов орасидаги муносабатларга тўхтатмасам бўлмас. Булар иккаласи ажралмас ва қиёматли дўст эдилар, йўқ, ота-фарзанддай бир-бирларига яқин эдилар. Файбулла aka меҳрибон отадай Тилакнинг эркаликларини кўтарар, унга иложи борича оғир гапирмас, аммо жуда устакорлик билан талаб қўйиб турарди. Тилакнинг ўксик қалбини (у катта шоир ва олим бўлгандан кейин ҳам, барибир ўксик сезарди ўзини) Файбулла aka жуда яхши ҳис қиласди. Тилакнинг дўстлари кўп эди. Мираизз Аъзам, Саъдулла Аҳмад, Отаёр, Нортўхта Қиличлар, унинг тез-тез кўришиб турадиган, «ижодий даврадошлиқ» қиласидиган, соғиниб келадиган кишилари эди. Мухлислари ҳам талай эди. Аммо ҳеч ким Файбулла Саломовдай Тилак Жўрага ҳам устоzlик, ҳам сирдошлиқ ва ҳам мададкорлик қилмаган. Тилак Жўранинг диссертация ёзиши ўзи бир «достон». Буни кўпчилик билади. У бадиий тафаккур одами сифатида илмнинг инжиқликлари,

расмиятчиликларини ҳазм қилолмасди. Шу боис Нозим Ҳикмат ҳақида мақолалар ёзган, диққатта лойиқ янги фикрлари билан шеърий таржима усулларини тадқиқ этгани ҳолда, қайсаrlик билан ишни диссертация шаклига келтиришдан «бўйинтовлар», бунинг устига номзодлик имтиҳонлари топшириш талаблари ва боз устига, оила ташвиши, иқтисодий қийинчиликлар бирлашиб, кўнглининг армони, юрагининг дарди бўлган шеър ёзишга халақит бераётганидан эзиларди. Шунда у «исён» қилиб қолар, гоҳида бир-икки кун ишга келмас, дарслари қолиб кетар (баъзан бошқа домлалар ёки Файбулла аканинг ўзи ўтарди дарсини), баъзан «бош олиб» ватани — Қоракўлнинг Сайёт қишлоғи, онасининг ҳузурига кетиб қоларди.

Файбулла Саломов эса буларнинг барчасига чидарди, кафедра ҳам чидарди. Тилак яна ўзи пайдо бўлиб қолар, аввалгидай, берилиб ишга шўнғир эди. Бир марта «бутунлай кетдим энди» деб Бухорога кетиб қолган. Бу гал гап жиддий тус олди, шекилли, бир ой чамаси қайтиб келмади. Шунда Файбулла aka азза-базза поездга чиқиб, Тилакни «излаб» Қоракўлга, Сайётга бориб, шоирни яна Тошкентга олиб келди. Бу воқеалар замирауда бошқа бир муҳим нарса бор эди, назаримда. Яъниким, Тилак йигирма йилча Тошкентда яшаган бўлса ҳам, аммо шаҳарга руҳан «сигфади», қўниколмади. У қишлоқнинг бепоён далаларини соғинарди, унинг ҳар бир шеъри бундан дарак бериб турарди. У дехқон боласи, содда, афандинамо, аммо қалби гавҳардай покиза шоир эди. Шунинг учун бўлса керак, у рус шоири Сергей Есенинни жуда севар, Есенин образларига маҳлиё эди. Есенин портрети иш столи устида рўпарасида турарди. Тилакнинг табиати Есенин табиатига ўхшарди, ижоди ҳам руҳан яқин эди.



Хуллас, Тилак Жўра номзодлик диссертациясини ёқлади — олим бўлди. Москвадан Радий Фиш оппонент бўлиб келди. Шу куни шоир дўстлари билан байрам қилди — у ниҳоятда хурсанд эди. Тилакдан ҳам кўра F. Саломов кўпроқ хурсанд бўлганди ўшанда. Гайбулла ака гўё ўз ўғли диссертация ёқлагандай, Тилакнинг дўстларига ҳисоб бергандай шод эди.

Тилак Жўра — вафоли, меҳрибон дўст, содик инсон эди. Дўст учун жонини беришга тайёр бу одамнинг қалби ниҳоят нозик, меҳрга чанқоқ эканини ҳамма ҳис этса олмасди. Тилакнинг борлифи, хислатлари, руҳи шеърларида ифодаланган. Тилак — Ватан туйғусини юрагида олиб юрган, ўзбеклигидан фахр этган ва буни шўролар ҳукмронлиги даврида ҳам баралла куйлаган инсондир. Истиқтол юйларни ичидаги яшаб, истиқтолни қўмсаб ижод қилди ва истиқтолни қўриб, баҳтиёр бир шукуҳ билан руҳан яйради. Афуски, оғир сурункали хасталик шоирнинг жисмини ожиз қилиб қўйганди. Кейинги йилларда у баракали ижод қилолмади. Аммо у Ватанини озод-эркин кўриб оламдан кўз юмди.

Ўша юрак хуружи билан касал ётган охирги дамларда касалхонага, кейин уйига бориб, Тилакжон билан сұхбатлашган онларим эсимдан чиқмайди. Ранги рўйи синиққан, озиб кетганига қарамай, ўзини тетик тутар, ўзи дастурхон тузашга интилар, илгаригидай руҳи бардам эди. Овози озгина ҳазинлашган бўлса ҳам, лекин дадиллик билан «Худо хоҳласа, тузалганимдан кейин бир туркум шеър ёзаман, туркүмнинг сарлавҳаси «Ўзбекнинг армони» бўлади. Яна иккита достон бошламоқ-чиман, тарихимиз ҳақида. Мавзуу ва сюжетини ўйлаб қўйибман», деди.

Тилак — катта шоир эди, ўзига хос услуби, образлар олами бор унинг, Ўзбекистоннинг олтин ранг бошоқлари, лойшувоқ томларда очилган қизғалдоқлари, хуллас, бетакрор манзаралари чизилган, меҳнат аҳлининг шукуҳи ажаб бир жонли лавҳаларда тасвир этилган шеърини оласизми («Пишиқчилик»), шовиллаган буғдойзорга жўр «Деҳқон қўшиғи»ни оласизми, ойдин тун манзарасини оласизми («Ойдин қўшиқ») барида бир самимият, бир ҳазин ва айни вақтда дилни яйратадиган оҳангни сезасиз. Шоир табиатни ва инсонни бутунлигича севиб тасвирлаш, озод руҳ шукуҳини куйлашни хуш кўрарди. Шеърлари худди ўзидай содда ва мазмунли эди. У шеърни кўз-кўз қилмас, неки юраги буюрса шуни ёзарди. Шу боис шеърлари ҳамон тоза, ҳамон юракка яқин. Юрт соғинчи, дўст соғинчи, онаизор ва гўзал ёр соғинчи унинг севган мавзулари, ой, қуёш, буғдой, бедана, ток нарти, бедазор — унинг хуш кўрган ташбихлари эди. Мана бу шеърни тингланг:

*Соғиниб яшадим, соғиниб ўларман:
Юрагим қўлга олмоқни,
Ойдин кечалардан минг бора равшан
Нурли бир иморат солмоқни.*



*Ток нартидай сенга чирмashiб,
Кўчмоқни согиниб ўларман.
Мўридаги тутундек шошиб,
Тўзмоқни согиниб ўларман.
Согиниб ўларман, согиниб... Бироқ —
Ўлим мендан жуда ҳам йироқ.*

Ҳа, шоир ўлмайди, унинг умри шеърида давом этади, унинг умри «оҳанглар оғушида қолади» ва бизни ток нартидай Ватан танасига чирмashiб яшашга, «олам остонаси Ўзбекистонни» бутун гўзаллиги билан севишига даяват этади. Тилак биз билан биргадир.

***Нажмиддин КОМИЛОВ,**
филология фанлари доктори, профессор.*

ЮРАГИДА ҚУЁШ ПОРЛАРДИ...

70-йилларнинг бошлари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида ишлаб юрган кезларим. Ишхонамиз Гоголь кўчасидаги маҳобатли бинонинг биринчи қаватида жойлашган эди.

Бир куни Файбулла Саломов мен ишлаётган Адабиёт назарияси бўлимига ёш бир йигитчани бошлаб кирди.

— Менинг шогирдим, яхши шоир, Тилак Жўра, — деб таништириди уни.

Оддийгина кийинган, йирик-йирик кўзлари чақнаб боқувчи йигитча ҳаммамизга манзур бўла қолди.

- Қаерликсиз? — деб сўрадим беихтиёр.
- Бухородан, қоракўлликман, — деди Тилак.
- Ҳамشاҳар эканмиз-да...

Шу-шу учрашиб туралиган, ҳол-аҳвол сўрашадиган бўлдик. Бир гал Ёзувчилар уюшмаси ҳовлисида шеърларидан ўқиб беришини сўрадим. Ўқиди. Шеърлари ўзига монанд содда, самимий ва ҳароратли эди. Мақтадим, кўнглини кўтардим.

Рухланиб кетиб, тўсатдан:

— Жамол ака, мени сиз учун жазолашган, — деб қолди.

Бу гапни эшитиб, ҳайрон бўлдим:

— Қандай жазо?

— Кечаси ташқарида, қорда бир соат тикка кўйишган...

Сабабини тушунтириб берди... Талабалар ётоқхонасида бир оқшом шоирлар устида баҳс-мунозара бўлибди. Бириси анави шоир зўр, деса, бошқаси манави дебди. Тилак менинг ёнимни олибди, рақиблари уни қорда бир соат тикка турасан, деб ётоқхона ҳовлисига судраб чиқаришибди. Шунда ҳам у айтганидан қайтмабди, сўзида туриб олибди.

Мен бу гапни эшитиб, жингалак соч, чақноқ кўзли бу йигитчага меҳрим яна зиёда бўлди. Аммо бўлган ишга ачиндим.

— Бекор қилибсиз, Тилакжон, — дедим, ўзингизни азобга кўйибсиз...

— Нега энди ундоқ дейсиз?

— Шоир, агар у яхши шоир бўлса, бирорлар ёмон деган билан ёмон бўлиб қолмайди, ёки аксинча...

У кўзларини чақнатиб, тўлқинланиб эътиroz этди:

— Мен ўзим тўгри деб ишонган фикримдан қандоқ кечаман?

Фақирона кийинган, содда, самимий бу йигитчада сабот ва ирода кучи қанчалар баланд эканини шунда ҳис этдим ва беихтиёр қучоқлаб, бағримга босдим.

Бир куни улфатлар бизникида йифилишдик. Ош устида қиттак-қиттак ичишдик. Тилак папирос чекавериб хонани тутунга тўлдириб юборди. Кимдир:

— Тилакжон, шу қуриб кетгур сигарет исириқ чексангиз бўлмайдими? — деб сўраб қолди.

— Бўлади, — деди Тилак, — қани исириқ?

Топиб бердик, қофозга ўраб чекди. Хонани муатттар ҳид тутди.

— Баракалла, — дейишиди улфатлар, мана бу бошқа гап...

— Йўли топилди, — деди Тилак жилмайиб, — хурсанд қиласидиган бўлдим, уйда исириқ чекаман энди...

Ҳаммамиз завқланиб кулишдик.

1991 йилнинг баҳори эди. Ёзувчилар уюшмасида бадиий таржиманинг йиллик муҳокамаси ўтказилди. Менинг таржимамда босилган «333 рубой» китоби устида ҳам сўз юритилди. Тилак сўзга чиқиб, Мавлоно Жалолиддин Румий рубоийларидан ёд ўқиди. Чунончи:

*Ай дил, күзингни оч, жаҳон ўтгусидир,
Умринг бу жаҳонда ройгон ўтгусидир,
Тан манзилида маҳбусу ғоғил қолма,
Манзил оша манзил карвон ўтгусидир...*

* * *

*Жоним берайин, ол уни, жондин кечма,
Дилдан кечайин, ол уни, жондин кечма,
Сан ўқсану мен эсам камонмен ҳануз,
Эй ўқ, сабр айла, камондин кечма...*

— Таржимадан мақсад — таржима эмас, аслият, — деди Тилак, — таржимада таржима туришиб турмаслиги, балки аслият бўртишиб турмоғи даркор...

Бу мулоҳазалар мажлис аҳлига фоят манзур бўлди.

Файбулла аканинг якка-ёлғиз ўғли бедарак йўқолиб, қадди букилиб қолганда Тилак чинакам суюнчиқ бўлиб хизмат қилди. Университетда, Ёзувчилар уюшмасида, нашриётларда, хуллас, ҳамма ерда у устозига ҳамроҳ, унинг қаватида ҳозири нозир эди.

Тилак кутилмаганда дунёни тарқ этди. Унинг ўлими дўйствлари, муҳлислари қалбини ларзага солди. Ҳалигача ишонгим келмайди. «Нега?» деган савол хаёлимда айланаверади. Ахир у ҳали ёш, яشاши керак эдик... Хуллас, дунёнинг ишларига баъзан тушуниб бўлмайди.

Унинг ўлими Файбулла акани ҳам адо қилди, десам янглишмасам керак. «Тилак — ўғлим ўрнида ўғлим», дегувчи эди у.

Тилак Жўра — камтар, камсуқум, мард, ҳалол, ўзгаларнинг ютугини кўриб севинувчи саховатли, оққўнгил инсон эди. Фирромлиқдан ҳазар қилас, баъзилардек шароитга қараб, ўзини гоҳ ў ёққа, гоҳ бу ёққа ташламас, сўзида собит туриб оладиган яхлит шахс эди. Беандиша, манфаатпарастларни ёмон кўрар эди. Уни Ёзувчилар уюшмасига қабул қилганимиздаги қувончлари, баъзи «дўст»лари диссертацияси ортидан Москвага юмaloқ хат ёзишганда чеккан изтироблари ҳали-ҳали кўз ўнгимда турибди. У севинчда ҳам, аламда ҳам ўша-ўша бегубор Тилак Жўра эди.

Тилак — юрагида меҳригиёси бор йигит эди. У юракларга меҳр экиб кетди. Унинг мусаффо руҳи фарзандлари қалбida ва дилбар шеъриятида жаранглаб яшайверади.

Парвардигори олам асл шоир, гўзал инсон Тилак Жўрани ғариқи раҳмат, шоистай жаннат айлаган бўлсин.

Омин, ё Раббил оламин!..

Жамол КАМОЛ, шоир



ШАВКАТ РАҲМОН

(1950—1996)

Умр ҳам ўтгандай гёё бир кунда,
Настарин гулидай очилиб сўлдик.
Гёё бир нафаслик равшан қуонда,
Қалби сўқирларга афсона бўлдик.

Талабалик йилларимдан бу шоирнинг номи қалбимга жо бўлган эди. Унинг шеърларида ўзига хос дард, жайдари ўжарлик, шер каби наъра шундоққина сезилиб туради.

Шоирнинг дўстлари

Хуршид Даврон ва Аҳмад Аъзам хотирлашади:

Х.Д.: Ҳар гаи Шавкат билан суҳбатимиз, албатта шеър ҳақида, одамгарчилик, ҳаёт ҳақида бўларди. Шавкат Раҳмон — ўзбекнинг энг танти, энг мард, энг жайдари шоири эди. Унинг яхши маънодаги ўжар мисралари шундоққина шеърларида сезилиб туради. Сиз, шеър муҳлислари, уларни эслайсиз. Бир шеърида у шундай ёзган эди:

Умр — қумсоат ҳам яримлаб қолди.
Кўнглим тўлгани ийӯқ билганиларимдан
Ёдимни оғритар кечирганларим,
Кўпdir қилмаганим қилганларимдан.
Кечалар тобора ойдинлашади,
Кўзингда қуёшнинг чечаги сўнмас.
Яшагинг келади, фақат умрни
Қумсоат сингари тўйнкариб бўлмас.

Аммо мен ҳеч қачон дўстимни марҳум дейшига тилим бормайди. У ҳамма вақт бизнинг орамизда. Биз билан бирга. Дўстим шеърларининг бирида:

Рубобий шеър ёзсан,
Қайтсан бир нафас,
Ҳамиша мусаффо
Чашмани кўрсан,
Қорайган чўққилар
Қорига қараб,
Бир нафас хаёлчан
Ўсмирга дўнсан, —

деб ёзган эди. Ҳали шоир адабиётимиз учун, шеър муҳлислари учун жуда кўп нарса ёзиши керак эди. Аммо у тирик чогида, шеър бобида ўзига хос бир ҳайкал қўйиб кетди. У ҳамиша қалбимизда, у доим биз билан бирга.

A. A.: Шавкат билан тонготар суҳбатлар қурадар эдик. Эрталаб сигаретта тутунига тўлиб кетган хонани зўрга тарк этарди. Унинг шеъриятида шахсан «ўзига хос мен»ликни кузатаман. У умрининг то сўнгги кунига қадар ҳалқим, мустақиллик, ўзбек тилим деб ёниб-куйди. Ҳалқимиз, шеърият ихлосмандлари ўзбекнинг мана шундай шоирини ҳеч ҳам эсдан чиқармайди. Биз дўстлари бўлсак, то тирик эканмиз, у биз билан бирга. Дўстимни бир шеъри ҳамон ҳиргойи бўлиб тилимга келаверади:

Умрим кўчкислардай жимжит, шиддатли,
буткул тинмоқ учун бир кун бемалол
фақат яхши бўлмоқ жудаям камдир,
жуда камлик қиласар яшамоқ ҳалол,
Нақадар кечикиб англадим сени,
чақинлар йўқ қиласа мени дафъатан,
айт, қандоқ чидайман бундай хўрликка
айт, қандоқ ётаман қабрингда, Ватан!

Дўстим Шавкатбек, Ватан қаърида тинч ёт, фоний дунёда сен анча ишлар қилишига улгурдинг. Ватанинг, ҳалқинг сендан рози. Тинч ёт...

Шавкат Раҳмон хотирасига бағишлайман:

МЕНИ ЧАҚИРАДИ ТУНДА ЮЛДУЗЛАР

Мени чақиради тунда юлдузлар,
Кўл етмас илоҳий қаҳқашонига.
Тонгда тоғ ортидан чиқади қуёш,
Юзларини ювиб орзу қонига.
Тонгги насимларга дилимни очсан,
Нечундир гул барги бўлди паришон.

*Атиргул игнаси ила тикилган,
Хижобини тортди юзига осмон.
Бу сирли оламнинг сирин билолмай,
Умр боғларини кезаман сарсон.
Елкамга гўдакдай бошини қўйиб,
Изтироб чекади бечора армон.
Мени чақиради тунда юлдузлар,
Кўксидা минг битта асрори ниҳон.
Кетгим келаверар нурли самога,
Аммо эшигини очмайди осмон,
Мени чақиради тунда юлдузлар!*

Мұхаббат ҲАМРОЕВА

УЛУФ ЭЛНИНГ ФАРЕДИ

Шавкат Раҳмон билан учрашиш, афсуски, менга насиб қилмаган.
Шавкат Раҳмон билан ҳар куни биргаман.

Бирон ножӯя иш қилиб қўйсам, ярашиқсиз сўз сўйласам,
кўнглимдан ёмон ўй ўтса, шоирнинг ўткир нигоҳи кўксимга қадалгандай
бўлади: «Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир!» То тавба-тазарру қилиб
ўзимни бир қадар покламагунимча қиличдай кескир нигоҳ мени тинч
қўймайди.

Хато қилсан, негадир тириклардан эмас, ҳаётлигида бирор марта
ҳам учрашмаганим Шавкат Раҳмон руҳи олдида хижолат тортаман.

Чин миллат шоири ҳақида гап кетса, кўз ўнгимда яна Шавкат
Раҳмон сиймоси гавдаланади.

Холбуки, уни тириклигида кўрмаганман.

Йўқ, адашдим. Чин шоир мангубирик. У билан кўришиш,
диллашиш учун қалб кўзи, сийрат тили бўлса, бас. Хоҳлаганча дардингни
айт: эшитади – малол келмайди унга. Фақат... гоҳ-гоҳида унга ҳам
кулоқ берсанг бўлди...

* * *

1996 йил эди, адашмасам.

Шоир дўстим Ориф Тўхташ билан Ўзбекистон ҳалқ шоири
Усмон Азим ишлайдиган газета таҳририятига бордик. Биз –
Самарқанддан келган талабалар учун бу учрашув муҳим ҳодиса
эди. Фақат газета-журнал орқали мулоқот қилганимиз катта шоир
билан юзма-юз келишни ўйлаб, ҳаяжонланардик.

Устоз шоир бизни очиққўнгиллик билан кутиб олди.

Шеърларимиз билан танишди. Маъқул топганларини газета
учун саралаб олди. Ва... қайси шоирларни ўқишимиз билан қизиқди.

Айтдик.

Шавкат Раҳмон



«Шавкат Раҳмонни-чи? Ўқи-
ганмисизлар?»

Рости, бу шоир ҳақида эшит-
ган бўлсак-да, ўқимаган эдик.

«Ўқинглар. Зўр шоир!»

Самарқандга қайтибоқ, Шав-
кат Раҳмон китобларини излаб
топдик. Шоир шеърияти биз учун
кашфиёт бўлди. Унинг мусав-
вирона, сокин шеърлари бизни
ҳайрат водийсига олиб кирди.

*Ой гуллади. Осмон тоқига
Юлдузларни кимдир қоқади.
Ўзанларда сокин тўлғаниб
Тагин қуюқ кундуз оқади...*

Тасаввур қилиш мароқли эди.
Гуллаган ой, осмон тоқига нар-
вон қўйволиб бирма-бир юл-
дузларни қоқаётган сеҳргар, ўзан-
ларда ёйилиб оқаётган қуюқ кун-
дуз...

Шоир зўрма-зўраки кучаниш-
сиз, зўриқишиз нафис манза-

раларини чизиб беради сизга. Унинг мўйқалами – тил, бўёғи – сўз. Ҳар
бир ранг, чизги ўз ўрнида ишлатилади. Ортиқча бежамалардан холи.

*Боғларда қўзларим қамашар
Шоҳларга илинган ойлардан...
Тошларга урилиб, шарқираб
Юлдузлар оқади сойларда...*

Бундай қараганда, жуда оддий мисралар, қофиялар ҳам эски. Шарқ
шеъриятида «ой»ни «сой»га қофия қилмаган шоир бўлмаса керак. Бироқ,
энг муҳими, туйғу янги. Манзара оҳорли. Ва ҳар мисрада шилдираб турган
Ш товуши бир-бирига уриларкан, сайдаги тошларга тегиб шарқираб
оқаётган юлдузларнинг товушини эшитгандай бўласиз. Биринчи мисранинг
сўнгги бўғини (қама-шар) ва учинчи мисранинг сўнгги сўзидағи илк
бўғин (шар-қираб)нинг бир хил экани, устига-устак, ҳар иккала сўзда
ҳам қайроқдай қаттиқ қ товушининг борлиги яширин уйқашлик, ички
қофияни юзага келтирадики, ўқувчи буни сезмайди, қофиянинг – ой
ва сойга терс ўлароқ – бундай ўзини панага олиши, қўздан четроқда
одоб сақлаб туриши – шоирнинг ютуғи, шубҳасиз.

Шавкат Раҳмон ижодидаги ҳар бир шеър улкан талқиқот манбай бўлиши мумкин.

Фақат бунинг учун ҳафсала, куюнчаклик ва шубҳасиз, нозик дид ва уйғоқ виждан бўлса, бас...

* * *

«Сўзларни қайрайлик, обдон тоблайлик...»

Кўз олдимизда сўзни қиличдай қайраётган шоир қиёфаси намоён бўлади.

Дарҳақиқат, Шавкат Раҳмон шеърдаги ҳар бир унсурни қайрашга, тоблашга астойдил ҳаракат қилган. Жумладан, бу, юқорида таъкидлаганимиздек, бугунги кунда кўп шоирлар эътибор бермай қўйган ёки биратўла воз кечиб қўя қолган қофиялаш санъатига ҳам дахлдордир. Шоир шеърларини ўқирканмиз, янгича, ўзига хос қофиялаш услубини кашф қиласми.

Пайқамадими – пойқадамини, таширкан – асрға, ўзгариб – кўзлари, эргаш – ерга, ташлар – даштдай, куч-чидам – куйчилар, тинчланиб – синчларим, сўздан – ўзан...

Булар Шавкат Раҳмон қофияларидан намуналар.

Шоир тўлиқ қофиялардан имкон қадар қочади. Ўзи айтгандай, уларни «қайраб», сийقا, оқори кетган қирраларини йўқотади, яъни ташқи ўҳашаликдан кўра ички уйғунликни юзага чиқаришга ҳаракат қиласди. Тўлиқ қофиялар унга гўё мажбурият юзасидан ҳар куни ўн марта кучоқлашиб, юз марта ўпишадиган, бироқ аслида бир-биридан безган, носамимий одамлар сингари туюлади. У, яххиси, бир-бирига суйкалавермайдиган, аммо бир-бирини олисдан бўлса-да, кўллаб-кувватлайдиган қадрдонларга ўхаш, бир қарашда бегона туюладиган, моҳияттан эса эгизак, руҳан яқин қофияларни танлайди: *адирлар – қадимда, қасдан – харсанг, салтанат – алданар, дажжол – најжот, равогин – жавоҳир, ажина – гажир-да, яхши – машири...*

Шоир фақат ўз шеърларида эмас, балки таржималарида ҳам сўзларни тоблайди. Хусусан, Федерико Гарсиа Лорканинг «ҳар» (русчада «Неверная жена») номли шеъридаги ушбу мисраларни ҳар гал ўқирканман, беихтиёр ҳайратланаман:

*Ялтир-юлтур, кофур бадан –
нард гулидан форам, нафис –
шандир шабий ойнакларда
сузган ойнинг нури каби...*

«Кофур бадан», «нард гули», «форам», «шабий ойнаклар» каби сўзлар, иборалар – ўзимизники, бироқ тан олайлик, омма тутугул шоирлар, сўз усталарининг ҳам назаридан четроқда туради.

Шоир айнан ана шундай сўзларни териб олади ва Лорка шеъриятига хос бўлган сирлилик, фусункорликни пайдо қилади. Гоҳо ўйлайман: бу мисралар испанчада қандай янграркин? Афсуски, тил билмаслигим панд беради. Бироқ рус таржимони билан қиёслаш имконимиз йўқ эмас:

*Ее жасминная кожа
светилась жемчугом теплым,
нежнее лунного света,
когда скользит он по стеклам...*

Ўзбекча ва русча матнадиги айрим тафовутлар эътиборингизни тортган бўлса ажаб эмас. Русчада бошқачароқ-ку, деб шошилинч хулоса чиқарманг. Негаки, иккинчи рус таржимонида ушбу мисралар яна-да бошқачароқ тарзда янграйди:

*Нардом, жемчугом ракушки
тело женское сверкало.
Так вовеки не блестели
ни хрусталь, ни лунный камень...*

Умуман олганда, қиёсий таржима – алоҳида, катта иш. Бунинг учун таржимон ўзбек, рус ва испан тилини мукаммал билиши ва устига-устак, нозик поэтик дидга ҳам эга бўлиши лозим. Лекин, нима бўлганда ҳам, бир нарсани тан олиш керак: шеърнинг ўзбекча таржимасида табиий оҳангдорлик, мусиқийлик кучлироқ. Мисралар испан романслари каби ўйноқилаб оқади. Ва беихтиёр тилингизга ўрнашиб қолади. Ўзингиз билиб-билмай хиргойи қила бошлайсиз:

Шандир шабий ойнакларда...

* * *

Ҳар бир истеъоддли шоирнинг ижодида бевосита ўз қисматига даҳлдор, ўз ёзувини башорат қилувчи, ҳеч бўлмаса, битта шеъри бўлади, деб ўйлайман. Шавкат Раҳмонда бундай шеърлар кўп. Бироқ унинг «Авж» деб номланган, бошқа асарларига нисбатан қисқароқ – тўрт бандли шеъри шоир қисматини тўлиқ белгилаб берган, назаримда.

Ха, белгилаб берган, деялман.

Негаки бу шеър шоир айни кучга тўлган, шеър сарлавҳасига мутаносиб тарзда авж нуқтада ижод қилаётган паллада – ҳали зулмат элчилари бўй кўрсатмаган, ажал қўнғироғи сукунат қаърида мудраб ётган, уйғоқ тоғлар дунёга довруғ солаётган кезларда ёзилган эди.

Шеър шундай бошланади:

*Мен, шубҳасиз, парчаланаман, —
Шундай тугар буюк хизматим.
Кимга кўзим, кимга пешонам,
Кимга тегар қизиқ қисматим.*

Шоир сохта камтарлик қилиб ўтирамайди. У «...хизматим»дан олдин «ажиб», «сири» каби бетараф сифатларни ҳам ишлатиши мумкин эди. Аммо у ўз қисматининг бошқаларнидан кўра қизиқ, фавкулодда кечётганини ҳис қиласи ва англайдики, тақдир уни буюк хизматга сафарбар қилмоқда. Бу хизматнинг сўнгига, шубҳасиз, у парчаланиб, бор-будини эл-юрга бўлиб, топшириб кетади.

*Галаёнга тўла вужуддан
охир дунё бўладир халос.
Ер остига кириб кетарман
барча мўмин бандаларга хос.*

Бу ерда изоҳга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Фақат икки хил товла-нишга эга бўлган *охир* сўзига эътиборингизни тортмоқчиман. Мустақил тарзда у *галаёнга тўла вужуд* қисмати якунини билдиради. Аммо ёнидаги дунё сўзига уриларкан, *охирзамон* биримасини эслата бошлайди. Зотан, галаёнга тўла вужуддан халос бўлишга *охирдунё интиқ* эди; Чунки шоирнинг нафосат, эзгулик, ор-номус ҳақидаги ўйлари *охирдунё табиатига* мос эмас, демакким, шоирнинг ўзи ҳам унга бегонадир. Шу боис у *барча мўмин бандаларга хос* тарзда дунёдан қўл ювига, Аҳмад Яссавий каби ер остига кириб кетади. Аммо Охирдунё бекорга жомтама бўляпти.

Сабаби:

*Бироқ ерда мангу яшайдир
кўйна юзим, ўйчан кўзларим, —
демак, ўлмас бу дунёда ҳеч
худо берган эзгу сўзларим.*

Мана, шоир хотиржамлиги, мўминлигининг сири нимада! Унинг кўхна юзи, ўйчан кўзлари, эзгу сўзлари ер юзида шунчаки яшайдигина эмас, балки КУРАШАДИ! Илгари шоирнинг фақат бир ўзи ёлиз аскар сифатида жанг қилган бўлса, энди унинг юз-кўзини ўзига мерос қилиб олган, сўзларини ялов қилиб кўтартган сон-саноқсиз диллар бу курашга камарбаста бўлади. Шоир сўзлари ёвғур бургутлар сингари тубан иллатларга чанг кола бошлайди.

*Улар янграб тинмай айланар
Разолатнинг теварагида.*

Шоир эса бу пайт қолиб қўмондон сингари ўз оромгоҳида хотиржам қолади-да жанг равишини кузатиб ётади. Юзида гоҳ истеҳзоли, гоҳ қониқиш ҳиссидан пайдо бўлувчи майин табассум:

*Мен-чи, мангу кулиб ётарман
Кулоқ солиб ернинг тагида.*

У ўз аскарларининг галабасига шубҳа қилмайди. Фалаёнга тўла вужуддан халос бўлдим, деб эрта қувонган Охирдунё эса шоирнинг асл кучини энди англаб, ўзини қайга қўйишни билмайди.

Чин шоир Охирдунёга эмас, Мангуликка дахлдор.

Бу – унинг ёзуғи.

Шеър эса, ҳадисга мувофиқ ҳикматдан холи эмас экан, қисмат қўзгусидир.

Унда Шоир, Замон ва Макон зиддияти, унсурлари акс этади.

Демакким, биз ҳам...

* * *

«Шавкат Раҳмоннинг илк шеърлари гўзал!» дейди кимдир.

«Шавкат Раҳмоннинг сўнгги шеърлари ўтли!» дейди бошқа биров.

Иккаласи баҳслашади. Гўё иккита шоирнинг тарафдорларидек...

Уларни жим кузатаман. Нимаям дердим: иккаласи ҳам ҳақ.

Ўзимга келсак, кайфиятимга қараб, гоҳ шоирнинг илк шеърларини, гоҳ кейинги даврда ёзганларини ўқийман.

Шоирнинг «Сайланма»сини бир бошдан варақларкансииз, дарадаги булоқ бўйида гўзал табиат манзараларидан завқланиб юрган сайёҳнинг қандай қилиб хатарнок, илонизи сўқмоқлар орқали тоқ чўққисидаги даҳшатли вулқонлар қошигача чиқиб борганини кўрасиз. У бу йўлчилик мобайнода сокин кузатувчидан ёвғур жангчига айланиб боради. Олдин Сўз унинг учун мўйқалам бўлган бўлса, энди шамширга дўнади. Ортидан келаётган маънавият аскарларига қарата хитоб қила бошлайди: «Сўзларни қайрайлик, обдон тоблайлик – идрок-ла совутиб тағин қайрайлик – ўзбекнинг қоракўз болаларига – битта дунё қолсин ғайратлик...» Негадир шоир ўзидан олдингиларга эмас, кўпроқ ортидагиларга суюнади. Навқирион авлодга ишонгиси келади: «Хозирги ўшларда покизалик бор – тирик қалбларига диёнат эга – гўё пок табиат ёмон кўзлардан – асрар қўйганларин шуларга берган...»

У энг кўрқадиган нарса бу – хиёнат, фитна. Негаки, «Жангда ўлган эмас бирор баҳодир – бари ҳалок бўлган хиёнатлардан...» Шу боис шоир бетўхтов тарзда ақли мардумни мард бўлишга, сўнгги сонияда ҳам сабот кўрсатишга чақиради. Бироқ дунёнинг буқаламунлиги, чиркин ифво-бўхтонларнинг сассиқ оқаваси очиқалб жангчини баъзан толиқтиради: у яна бир пайтлардаги бегам ўшлигини, мусаффо табиат кўйнидаги тоза, рангин лаҳзаларни қўмсаб қолади.

*Бир ойким
арчазор тоғлар бағрида
бір ўқтам арчадай яшнадым қасоддан.
Бир синик булоқдай күнга қарадим,
файлласуфлик қилдим
бамисли харсанг...*

Ха, у яна зулмсиз, беғубор боладай күнларга дил бергиси келади. Бироқ бу вақтингчалик ұлат. Негаки, ўзи ҳам яхши билади, энди ортта йўл йўқ: күксидаги гулханни бешафқат шамоллардан ҳимоя қылғанча, олдга интилади у. Бераҳм қасирғаларга юз тутар экан, ўзига хайрихоқ ахтаради. Аммо қани ўша жавонмард?! Ойга қараб увлаган бўридай нола чекади шоир: «Жувонмарг бўлгурлар, жўмардинг борми?!» Ҳадегандана сас-садо келавермайди. Ниҳоят, у афсус-надомат комида тан олади: «Мен жангчи эмасдим – мен шоир эдим, дилимни қаритди бесамар жанглар...» Унинг кўз олдидা оқ сукунат портлаган саҳарда ялангоёқ чопиб юрган яшил дараҳтлар жонланади. «Яшил шажар эдим... қандоқ соғиндим... Кўзимни яшнатса рубобий ранглар...» деб ич-ичидан ўксиди. Бир пайтлар ошиқлар бошидан тангачалар сочган шохларига қарап экан, эмранади; энди сокин туйғулар пинжидан асло ҳаловат тополмаслигини англаб тақдирга тан беради: «Воҳ, яланг шохларим қиличдай кескир – бир япроқ қолмаптир шивирлайтурғон...»

* * *

Шавкат Раҳмон шеърларини **шартли** равища уч қисмга ажратаман. Биринчиси — **«Табиат»**.

Бу турга мансуб шеърларда, юқорида таъкидлаганимиздек, табиатнинг рангин манзаралари акс этади. Шоирнинг туйғуси тонгги шабнамдек тоза. У капалак қанотидай ҳарир хаёлидан баҳра олади. Энтикиб-энтикиб мусаффо ҳавони ичға симиради. Севинч ёшлари зилол сувларга қўшилиб кетади. Завқланиб учгиси келади. Шамол – тоғ хўрсиниги, гуллаган дараҳтлар – оқ машъала эканини илғайди; кўзларини эриниб очаётган тонг, ёбонда гуркираб ўсаётган тун, довдираб ухлаётган боғ, яшашни ўргатувчи дараҳт – ҳамма-ҳаммаси шоирнинг назаридан четда қолмайди. У бошқа мавжудотлар каби ўзини табиатнинг тенг ҳуқуқли фарзанди деб ҳисоблайли. Ха, айнан тенг ҳуқуқли фарзанди – бошқалардан кўра кўпроқ имтиёзга эга, ҳокими мутлақ деб эмас!

Бу шеърлар беғубор қалбга дахлдор бўлиб, тоза туйғу силқиб, товланиб туради.

Иккинчи қисм – **«Табиат ва Жамият»**.

Лирик қаҳрамон энди ўт-ўланлар, тоғ-тошлар, турли наботу-ҳайвонот, ой-юлдузлар оламида мангу қололмаслигини, улар-

дан фарқли ўлароқ, жамиятта боғлиқ бурчлари борлигини англаб ета бошлайды. Энди унинг бир оёғи Табиат қўйнида бўлса, бир оёғи Жамият баҳрида бўлади. Мабодо, у энди табиат унсурларига мурожаат қўлган тақдирда ҳам хуоса жамиятта тегишли бўлиб чиқаверади. Бир қўли билан майсадаги қўнғизни силаётган бир пайтда иккинчи қўли билан номуссиз одамнинг юзига тарсаки тортади. У энди аввалгидай фақат мусаффо манзараларни эмас, балки ўрмонга қўшогиз милтиқ кўтариб кириб келган одамнинг қандай қилиб бўрига айланишини; гаройиб даврадаги одамлар оёғининг турфа ҳайвонлар туёғига дўнишини; бетайин кимсалар номини кўтариб ўсаётган гунг foяларни; завол топаётган безабон, хокисор ернинг мунгли кўзларини; баланд дараҳтларнинг ингроқларини ва шунга ўхшаш маъюс ҳолатларни кўра бошлайди, уларнинг фамгин овози борлиғида акс-садо беради.

Шеърлар ҳам бироз бўйига қараб ўсгандай. Таассурот ҳам энди кўнғилдан онг томон кўчади. Яъни бу шеърлар кўпроқ тафаккурга даҳлдор бўлиб, лўнда фикр бўртиб туради.

Учинчи қисм – **«Жамият»**.

Энди шоир иккинчи оёғини ҳам Жамият узра қўйган. Унинг эътиборини табиатнинг мафтункор манзаралари эмас, балки жамиятнинг оғриқли ҳолатлари жалб қиласи. У инсонларнинг ўзаро кураши ваҳший ҳайвонларнидан ҳам кўра бешафқатроқ эканини, агар йўлбарсу бўрилар очиқ, юзма-юз тишлашса, одамзот орқадан ханжар санчишини тушуниб етади. Шу боис ҳар сония хушёр туришга, гафлатда қолмасликка мажбур у. Негаки, «қалтис лаҳзалар йўқ – қалтис умр бор», бу умрни кўзлари тўймаган жобирлар ямлаб-ютишга тайёр, у энди муҳаббатга эмас, нафрата суюнади: «ишиқумни ғажиган бўридир қаҳрим» дея, *иғволар қўртлаган шўрлик диёрда замону маконин буткул йўқотган бир улуғ ФАРЁДга айланади!* Бу шунчаки бир шахсий нола бўлиб қолмасдан, турфа фитналар исканжасида Истибдодга қарши тиш қайраган Улуғ Элнинг Фарёди эди...

Энди акс-садо, замзамалар онгдан руҳга кўчади. Шеърлар Безовта Руҳга даҳлдор бўлиб, тўлғонишу туғёнлар қуршовида қоламиз.

Кўнгил – Онг – Руҳ.

Кўнгил япроғидан Онг чўққисига сакраган шоир Руҳ осмонига парвоз қиласи ва... тубан ерга қайтиб тушмайди.

Бир сўз билан айтганда, Шавкат Раҳмон шеърияти баҳор осмонига ўхшайди: унинг рангин, гўзал камалаги жилоланиб, кутилмаганда кескир шамширга айланадики, булутлар бағри ситилиб, еру кўкни момақалдироқ овози, умидбахш чақинлар тута бошлайди.

*Рангин лаҳзаларга тўлмоқда ҳаёт,
Юрак қирралари бўртган чоғларда.
Очиқ кунлар йўқлаб келаётир бот,
Тошлар гулламоқда уйғоқ тоғларда...*

* * *

«Шоир» сўзи «виждон» атамасининг синонимига ўхшайди.

Шу боис виждонига хиёнат қылган шоир яхши шеър ёзолмай қолади.

Яхши шоирлар ҳамиша виждон кўзгусига тик боқиб яшайдилар.

Шавкат Раҳмон каби...

Бундай шоирлар жисман йўқ бўлсалар-да, маънан ҳамиша сафимизда.

Уларнинг овози, нигоҳи бизни ҳамиша ҳалолликка чорлаб, мард яшашга унданб туради.

Йўлдан тойсак, биздан аввал «оҳ» тортади.

Тушларимизга кириб безовта қиласди.

Кулоқларимизга пахта тиқсак ҳам, хитоби қалбимиизда акс-садо бераверади. Жумладан, бу хитобга мен ҳам бот-бот дуч келаман. Ҳар қанча чап беришга уринмай, у кўзимга санчилаверади. Нима қилишини билмай, охири уни шеърга айлантириб, қоғозга ҳибсламоқчи бўламан. Аммо у қолипга сифмайди, сирғалиб кўк сари ўрлайди. Менга насиб қилгани – унинг кўзгудаги акси, сояси, холос. Кўринг-чи, балки у сизга ҳам бегона эмасдир...

ХИТОБ

*Бир овоз янгради
Айни қаевс оий,
Оғритиб кўксимнинг яраларини:
«Шавкат Раҳмон деган бир ўжкар шоир
Бир куни қайтадан яраладими?!»
Ўзимга қарадим:
Ич-у тошимда
Не-не синиқларим бўлди бир-бир фош.
Англадим –
қайралган йигит ёшимда
Бир қилич зарбига беролмам бардош.
Сув ичган чўғ каби тутар исёним,
Шуъласи зулматнинг қаърида заиф.
Баногоҳ ёришган толим зиёни
Кўзимнинг нурига оламан чайиб...
Тобора хитобнинг шиддати ортар,
Тобора залворли овоздаги юқ.
қарайман –
Ёнимда, олдимда, ортда
Бирон-бир жавонмард,
Кўнгли куйган йўқ.
ҳамма жисм...
Гўёки кетмиш ўлдириб
Миллатнинг бошидан қуийлган дори.
Бир овоз келади ҳамон гулдираб:
«Жувонмарг бўлгурлар,*

Жұмародинг борми?!
 Бу сұроқ — ?
 Бу ундоғ — !
 қінга сиғмаган
 Шамширдай бошимда ўйнаиди ҳар кең:
Айт-чи, ھей биродар, бирор сиңмаган
 Тик сұзинг —
 Исәннің борми дилда ҳеч?!
Не дейін — вижденім қақшаган, зада,
үк еган йұлбарсдай имоним додлар.
 қанчалар қалтис ва қийин бұлса-да,
 ҳеч құрса, сиз жавоб беринг, авлодлар!
Йұқса, бу қақмоқдай овоз
 ҳар доим
Яңшылар күксімнің яраларини:
«Шавкат Раҳмон деган бир ўжар шоир
Бир куни қайтадан яраладими?»
«xa» денг сиз — әгасин топсын бу хитоб,
«xa» денг сиз —
Безовта Рұхға ачининг.
Бир құттуғ савашға отпланинг шитоб,
хымоя қылғанча күнгіл ганжини.
Мен эса...
Рубобий шеър ёзіб, бир пас
«Яшил шажар каби турай мушакқал».
Токи келар экан ғолибона сас,
«Заһарлы тилемддан тұжылсун шаккар».
Үйламанғ,
Курашдан турмасман четда,
Сизнің ённіңизде ҳамиша борман.
Маккор ҳийлаларға бұлурман четан,
Сиз зобит бұлсангиз —
Яловбардорман...

Нодир ЖОНУЗОҚ
 2010 йыл, 6—12 январь

ўзига хос бўлган, ўзига ярашадиган кулгиси бор эди, ҳайратланган чоғлари лабининг бир чеккаси билан кулиб қўярди. Унинг феъл-авторини яхши биладиган одам учун шу кулги кифоя бўларди, ортиқча изоҳга ҳожат қолмасди.

Шавкат Раҳмоннинг яна битта одати бор эди. У мақтовни билмасди, яъни бирорни мақташни ҳам, ўзини мақташларини ҳам тасаввур



этолмасди. Тўғри, зўрнинг зўрлигига тан берарди, яхши асар ўқиб қолса, анча вақтгача ҳаяжонланиб юрарди, аммо асар муаллифига «Қойил, баракалла!» деб айтмасди; ҳаяжонланганини бошқаларга айтарди, бошқаларни ҳам мутолаага даъват этарди. Ҳатто Манзура опанинг (шоирнинг рафиқаси) гувоҳлик беришича, ўзи тўғрисида ёзилган мақолаларни — ижобий ёки салбий мъянода ёзилганидан қатъи назар — уйида сақлаб қўймасди, йиртиб ташларди.

Дарвоқе, бир сафар бош бармоғини кўрсатиб: «Михдек!» дегани эсимда (каминанинг кўлёзмаси ҳақида, бу ҳақда, агар ёдимдан кўтарилиб кетмаса, кейинроқ тўхталиб ўтаман; ўйлайманки, одам ўзи ҳақидаги мақтовни ёдидан кўтарилиб кетишига йўл қўймайди). Яна бир гал: «Бало экан-ку!» дегани ҳам эсимда (бу ҳақда ҳам мавриди билан тўхталиб ўтаман). Шавкат акамдан эшитганим мақтovлар шугина, холос (бири — ўзим, яна бири — Раҳмон Кўчқор тўғрисида).

«Қайта қуриш» йиллари «Адабиёт...» газетасида Шавкат Раҳмоннинг туркум шеърлари эълон қилинди. Улар орасида «Туркийлар» ҳам бор эди.

«... Тұғылди,
тұғылди,
тұғылди құллар,
құрқида қирилган— имдодда мұхтож,
әвларға терс қараб ишлардай ҳұрап,
бир-бираға дүшман,
бир-бираидан көж.

Жұмардлар қирилган Туорнзаминда
дұзахий тажриба палласин күрдим:
эшишак суврати бор қай бир қавмда,
қай бирида түнгиз калласин күрдим.
Бу ҳолдан буваклар бүгілиб ўлар,
құл Билол әзилиб үйгелар фалакда...
Үзларин ёндирал борлықдан түйгән
Бадахшон лаънидай асл малаклар.
Мұмінлар беш бора Аллохни эслар
сақсдага бош қүйіб жаллод тошига.
Үзгілиб сал ортға қарайин деса,
бошига урарлар,
фақат бошига.
Борми әр үйгитлар,
борми әр қызлар,
борми гүл бағрингеда жүймард нолалар,
борми бүл туфроқда ўзлигин излаб,
осмону фалакка етган болалар?!
Бор бұлса,
аларға еткариб қүйинг,
бир бошға бир ўлым демаган эрмас,
шаҳидлар ўлмайди,
бир қараб түйинг:
Ёвға терс қараган мусулмон эмас!..»

Ростини айтиш керак, «Түркійлар» мудроқ қалбимизни ларзага солиб юборади. Илгари имо-ишоралар билан айтилған «ҳолвайтар каби миңғов» гаплар, янгишмасам, юз йиллик ўзбек адабиети тарихида илк бор баралла янграйди: миллат юрагининг туб-тубига күмилиб ётган ўлмасғоялар рүйирост қаддини росттайді. Бу — истиқол насими эди, истиқол нафаси эди... Равшанки, дархол югур-югур, чопа-чоп, ёза-ёз бошланади — «миллатчи Шавкат Раҳмонни фош этадиган» юмалоқ хатлар тегишли идораларга кетма-кет жүнатилади, жавоби интизорлик билан күтилади ва ҳоказо.

Аслида, Шавкат ака «юмалоқ хатлар»га күникиб қолған эди, паст-баланд гапларға парво құлмасди. Шу ўринда күлгили бир воқеани эслаб қолдим.

80-йилларнинг бошларида Шавкат РаҳмонFaфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг буюртмаси бўйича бир гуруҳ поляк шоирларининг шеърларини таржима қиласди. Таржима буюртмачига топширилади ва белгиланган тартиб асосида, белгиланган миқдорда бўнак (аванс) олади. Қалам ҳақининг қолган қисмини китоб чоп этилгандан сўнг оладиган бўлади. Лекин ана-мана деб китоб чоп этилгунча Польшада Лех Валенса раҳбарлиги остида бўлган «Солидарность» Касаба уюшмаси коммунистик ҳокимиятга қарши оммавий намойишларни бошлаб юборади. Бахтга қарши, шеърлари ўзбекчага таржима қилинган шоирлар ҳам муҳолифат сафига қўшилиб кетади. Бу ҳақда нашриёт раҳбарияти КГБ томонидан дарҳол огоҳлантирилади ва «қора рўйхат»га тушган чет эллик муаллифларнинг китоби чоп этилмайди... Шавкат Раҳмоннинг ҳар бир қадамини ўлчаб юрадиган «укахонлар» эса сиёсий хушёрликни қўлдан бой бермай: «Шавкат Раҳмон чоп этилмаган таржима китоби учун нашриётдан фалон сўм миқдорида бўнак олди, текшириб кўришларингизни сўраймиз», деб Марказқўмга юмaloқ нома йўллайдилар. Сўнг Марказқўмнинг топшириғи бўйича «Шавкат Раҳмон фаолиятини ўрганиш учун» маҳсус комиссия тузилади (комиссия аъзоларидан бири устозимиз Озод Шарафиддинов эди). Текшириш натижаларидан кейин «ёзгувчилар»нинг тарвузи қўлтиғидан тушади. Чунки муҳолиф поляк шоирларининг китоби ўзбек тилида чоп этилиши «мақсадга мувофиқ эмас» эди; Марказқўм таржимон Шавкат Раҳмон меҳнатига яраша ҳақ олмаганини, бўнак эса умумий қалам ҳақининг фақат қирқ фоизи эканини қониқиши билан эътироф этади, «Шавкат Раҳмоннинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқ» деган холосага келади. Энг қизиги шундаки, «юмaloқ хат» муаллифлари текшириш натижаларидан бирма-бир хабардор қилинади.

Шунақаси ҳам бўлган эди.

Тирноқ остидан кир қидириб юрган шўртумшуқларнинг бахтига, лоп этиб «Туркийлар» эълон қилинади.

— Войдод, уйимиз куйди! Кутқаринглар, ҳой, мусулмонлар, қаёққа қарайпиз, войдод!

Хайрият, ошкоралик эди, дод-фарёдлар сувни лойқалатади, шоирнинг асабларини эговлади, холос. Бу сафар маҳсус комиссия тузилмайди.

Ўша пайтларда «Қатлнома» китобимни тамомлаётган эдим. Бир куни Шавкат акани учратиб қолдим. Салом-алиқдан сўнг:

— Абдулла Қодирийнинг КГБда кечган ҳаёти тўғрисида хужжатли қисса ёздим. Бир ўринда «Туркийлар» камлик қиляпти. Рухсат берсангиз, ўша шеърингиздан каттагина иқтиbos келтираман, — дедим.

— Афанди-ей, олаверинг, шуни ҳам сўраб ўтирасизми?! — деди Шавкат aka мийигида кулиб.

— Нега куляпсиз? — дедим. — Биламан, сиз бекорга мийингизда кулмайсиз.

— Ўзим газетада зўрға чиқардим, сиз китобингизда чиқара олармикансиз? Тағин китобингиз тўхтатиб қўйилмасин.

«Қатлнома» тўхтаб қолмади — 1992 йилда тўлиқ нашр этилди.

Жиддий ўйлаб кўрилса, Шавкат Раҳмон тўғрисида гап кетса, биз ўнг қўлимиз билан чап қулоғимизни, чап қўлимиз билан ўнг қулоғимизни кўрсатиб юрган эканмиз. Тўғрироғи, агар қулоқни кўрсатиш лозим бўлса, ҳатто қўлимизни қимирлатишдан ҳам ҳадиксираб, фақат нигоҳимиз билан имо-ишора қилиб қўя қоламиз. Нега, нима учун? Сут ичиб оғзи куйган одам, қатиқни ҳам пуфлаб ичадими? Балки қўрқканга қўша кўринар... Нима бўлганда ҳам фикр қайсар бўлади: шу пайтгача Шавкат Раҳмон ҳақида тўғри ёзилган, тўғриси ёзилган мақолага дуч келганим йўқ. Учрашувларда, давраларда тўғри гаплар айтилади, бироқ ўша гаплар қофозга кўчганда негадир «зарбулмасал»га ўхшаб қолаверади.

Нокамтарлик бўлса-да, ўзимдан мисол келтираман.

1995 йилнинг охиrlарида Шавкат Раҳмон тўғрисида «Тинч оқар дарё» номли мақола ёздим¹.

Сиртдан қаралса, ўша мақола ҳамон бадиий қимматини йўқотмаган экан. Мана, ўзингиз танишиб кўринг:

«Ўтган йили Шукур ака (Холмирзаев) ҳомийлигига ҳазрат Термизий мозорини зиёрат қилдик. Кўктошлиқ покдил дўстимиз Неъмат Иброҳим руҳоний мулоҳазалари билан дилларга қувват берди. Росмана дараҳтлардай тарвақайлаб кетган анорлар соясида ўтмишдан эшитилаётган «Тирикмиз!» деган садога қулоқ тутиб ўтиридик. Бу садо ўн аср наридан эмас, гўё ўн қадам наридан эшитилаётгандай эди: «Тирикмиз!..» тириклик садоси қудратли кучга эга бўлиб, одатий тирикчилик ташвишларини кўхна қалъа харобаларига итқитиб бораради. Сўнг қирғоққа урилиб қайтган тўлқин мисол мўъжаз муҳитни ё олдига солиб ҳайдаб кетарди, ёки орқасидан эргаштиради, ёхуд қаърига тортарди. Хуллас, тирикликнинг мангу савдоси мангу майдон ҳосил қилган эдики, у майдоннинг оҳанрабосидан (магнит майдонидан) осонликча кутулиб бўлмасди. Кутулишга интилмасдик ҳам. Ҳазрат Термизий мақбараси теварагида, чамаси, аср пайтигача тилсимвланиб юрдик. Мақбаранинг кунчиқар тарафидан ўн қадамча нарида Амударё бўтаналаниб оқиб ётарди, сўл соҳили худди сарғимтир адирга туташиб кетгандай туюлар эди. Гўё дарё ҳам, адир ҳам бир жойда тинч турганга ўхшарди. Хурросондан чанг-тўзон кўтариб эсадиган афғон шамоли ҳам ювощ тортуб, дарёнинг мўттадил салқинини ўнг соҳилга елпиб қўярди. Табиат ҳазрат Термизийга

шу йўсинда эҳтиром кўрсатарди. Ваҳоланки, ўша кезлари (август ойида) Термиз атрофидаги барча анҳорлардан оқаётган сув баайни ҳаммом қозонида қайнатилган каби иссиқ эди.

Қисқаси, Термизий мақбараси ёнида туриб Амударёга қарасангиз, у тинч оқаётгандек туюлади. Ҳатто бир жойда тўхтаб қолган кўлмакка ўхшайди.

Соҳилдан шундай кўринади Амударё. Сиртдан шундай кўринади Амударё. Боз устига ҳазрат Термизий мақбараси ёнида Амударё билан соҳилни давлат чегараси ажратиб туради. Яъни Амударё бетараф майдондан оқиб ўтади. Шиддатини жиловлаб оқади Амударё. Жимжит оқади у.

*Умрим кўчклилардай
жимжит, шиддатли,
буткул тинмоқ учун бир кун бемалол
фақат яхши бўлмоқ жудаям камдир,
жуда камлик қилар яшамоқ ҳалол.*

«Гуллаётган тош»

Амударёнинг узунлиги 1415 км. Ҳавзасининг майдони 309000 кв. км. Ўртacha сув сарфи 2000 метр куб-сония.

Амударё билан фақат жўғрофия дарслиги воситасида таниш бўлган ўқувчи, албатта, жонсиз рақамлардан бошқа нарсани билмайди. Ҳатто соҳилига яқинлашган пайтида ҳам «тинч оқар экан» деб ўйлади. Эҳтимол, «яхши» деб баҳолайди. Лекин «яхши» баҳо Амударёнинг қудратини билдирамайди. Умуман, жонсиз рақам дарё тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермайди.

Амударё сиртдан тинч оқаётгандек кўринса ҳам, аслида, тизгин нелигин билмайди: қирғоқдан қирғоққа урилиб, эшилиб-тўлғониб оқади, метин тошни ё ялаб-юлқаб йўқотади, ёки гумбурлатиб қулатади. Шундай қилиб, ўз қудратини бот-бот кўрсатади. Сувнинг қудратини сув бўйида яшайдиган одамлар билади. Азалдан улуғ сувларнинг йўлларига улуғ тўғонлар қурилади (кейинги улуғ тўғонлардан биттаси — Нил дарёсига қурилган Асвон тўғонидир).

*Бир дарё,
тепадан бўғилган дарё,
шаштуни синдирган метин тўсиқлар,
саноқсиз тошларни оралаб оқар
элнинг тилидаги ўлмас қўшиқдай.
Балки шунданмискан
уйлар зичлашиб
дарёдан сув ичар подалар каби.*

«Гуллаётган тош»

Дарё бўйида яшайдиганларга ҳавасим келади. Баъзан дарё бўйига кўчиб кетишни истайман. Хоразмга борсам: «Матназар оға, мана шу жойга уй қурман, нима дейсиз?» деб жиддий маслаҳат сўрайман. Дарё бўйида яшаш яхши, чунки одам тушларини ҳар куни улуғ сувларга айтиши мумкин. Тўғри, бачкана тушларни кичик сувларга айтса ҳам бўлади, лекин улуғ тушлар фақат улуғ сувларга сифади. Акс ҳолда, сув тошқини — табиий офат рўй бериши ҳеч гап эмас. Сув балосидан ўзи асрараса, бандаси асрай олмайди.

Маълумки, Амударёдан ҳар жиҳати билан деярли икки баробар кичик бўлган Хуанхэ дарёсида тез-тез тошқин бўлиб туради ва кўплаб одамларни, ҳайвонларни, уй-жойларни сув оқизиб кетади. Ҳар йили Хуанхэ қирғоқларига метин дамбалар қурилади, эҳтиёт чоралари кўрилади. Аммо, вақт-соати етгач, яна тошқин рўй бераверади.

*Нима бўлган уларга ахир,
ё сеҳрлаб қўйғаними сувлоқ?
Нега жимлик босган воҳада
бегам ухлар ботирлар узоқ!*

«Юрак қирралари»

Дарё бўйида юмалаб ётиб Эрнест Хемингуэйнинг бирорта китобини ўқиб юм-юм йифлаган одам, китобнинг сўнгги саҳифасини ёпиб, атрофига жавдираб қараган одам осмону фалакдан најот келишини интиқ кутган бўлса, қуёш уфққа бош қўйганини ҳам, оқшом чўкканини ҳам асло сезмайди. Дунё ўз ҳолича дарёдай чайқалиб оқиб ётаверади.

*Тўниб қолар вужудим ногоҳ,
юрак тўхтар тошдайин қотиб:
хайриятки, бу ойдин тунда
юлдузларни бўлмайди отиб.*

«Юрак қирралари»

Дарҳақиқат, юлдузларни отиб бўлмайди. Аммо юлдузлар ўзлари отиб қўйиши мумкин. Хемингуэй ўзини отиб ташлайди, Қодирий эса Шўро ҳукумати томонидан отиб ташланади — буюк адаб жисмонан маҳв этилади-ю, абадиятга умрбод муҳрланиб қолади (Қодирийнинг фожиали ўлими яна бир бора юлдузларни отиб бўлмаслигини исботлайди).

Шавкат Раҳмон, юқорида иқтибос келтирилган, «Хемингуэй» шеърини 1979 йилда эълон қилганини инобатга олса, ўз-ўзидан аён бўладики, биз у пайтлари «кулогинг қани?» деб сўралса, мудом бурнимизни кўрсатиб юрардик, ҳатто сўл қўлимиз билан ўнг кулогимизни кўрсатишни ҳам билмасдик. Кейинчалик коса тагида ним коса борлигини англайдиган бўлдик. Илгари фақат тусмол қиласардик: ахир, юлдузларни отиб бўлмайди, деб шивир-шивир қиласардик, холос. Бироқ юлдузлар

тимсолида айнан нималарни назарда тутаётганимизни ҳатто шивирлаб айтишга ҳам қўрқардик. Чунки ақл-хушимиз жойида эди, деворнинг ҳам қулоги борлигини жуда яхши билардик. «Тил югуриги — бошга, қўл югуриги — ошга» деган мақол урф бўлган эди.

Тинч оқаётган дарё фақат қудрат тимсолими? Йўқ. Агар ойдин оқшом дарё соҳилида ўтирангиз, шубҳасиз, сув тубида қалқиб турган юлдузлару баркашдай сара ой кўринади, сув парилари жамолини бир кўрсатиб қочсалар-да ажаб эмас. Сув париларининг жамолидан умидвор бўлган инсон Шавкат Раҳмондек сокин бўлиши керак: қудрати ҳам, инжа гўзаллиги ҳам қаърида, қалбida яширин бўлиши даркор. Зоро, асл қудрат ҳадеб мушакларини кўрсатиб, ўтган-кетганга кучини кўз-кўзлайвермайди, асл гўзаллик эса ҳеч қачон ўзини бозорга солмайди, балки етти қават сув остида (ё ҳижоб остида) жамолини бир кўрсатадиу ғойиб бўлади — кўрган кўриб қолади, кўрмаганлар армонда қолади.

*Умрим узайгани муборак бўлсин,
оқари рост бўлсин тўйкин дарёдай.*

«Гуллаётган тош»

Иншооллоҳ, айтганингиз келсин, Шавкат ака!»

Кўчирма тамом.

Шеъриятнинг вазифаси фақат «муҳим гапни айтишдан» иборат эмас. Агар шундай бўлганда шоирнинг маъruzачидан фарқи қолмасди. Айни чогда шеърни мавзусига ёки долзарблигига қараб баҳолаб бўлмайди. Лекин шеър ўкувчига эстетик завқ бериш билангина чекланиб қолса ҳам тўкис бўлмайди. Шеърда, Шавкат Раҳмон таъбири билан айтганда:

*Ҳар бир сўз
юз сўзининг ўрнини босар:
Ватан. Ҳалқ. Жасорат. Кураш. Озодлик.
Ҳар бир сўз етади юзта умримга,
ҳар бири баҳиш этар
руҳимга мадад.*

«Гуллаётган тош»

Эҳтимол, Шавкат Раҳмон шеърияти тўғрисида оммабоп тилда сўзлаб бўлмас, шундай қилинса, биз шеъриятни жўнлаштириб кўйган бўлармиз. Эҳтимол, шу боис гапни айлантиришга тўгри келар. Хусусан, истеъодли мунаққид Раҳмон Кўчкор ҳам «Қалб табииати» мақоласида гапни айлантириб-айлантириб, охири моҳиятга яқинлашади:

«Бу ижодкор юракнинг овози, сози, ҳасрат ва қувончи ўзига қадар ва ўзи билан ёнма-ён ёзганларнинг бирортасини қайтармайди, ҳатто эслатмайди ҳам. Ўзбек шеъриятида бу қадар ўқтам, бунчалик эркин, жасур овоз анчадан бўён янграмаган, бармоқ

вазни ҳам худди аruz каби түниб, бир хиллашиб бораётган вазиятда уни бирдан янгилаб, яширин имкониятларини очажак шоир анчадан бүён кутилаётган эди. Бу шоир вазиятнинг эмас, қисматнинг шоири. Унга давр эмас, у даврга мавзу берарди, у даврни эмас, уни давр тинглашини истарди. Охир-оқибатда у ўз тенгдошлари билан биргаликда не-не замондошларини ўзига қулоқ осишга мажбур этди, уларнинг тош қотган бағирларида туйғу, фикр чечагини ўстиришга эриши.

Шавкат Раҳмон шеърларини мутолаа қилас эканман, мен улардан шеърдан-да юксакроқ, санъатдан-да муҳимроқ жувонмард руҳни ҳис қиласман. Эслайсизми, Ч. Айтматовнинг «Кунда» романидаги она бўри Акбаранинг тунда ойга қараб узоқ-узоқ увлаганларини. Болаларидан, туғилган, туқсан ерларидан, жуфти Тошчайнардан ва энг аламлиси — зурриёт қолдириш умидидан мосуво этилган бўри бирорвга шикоят этмайди, кимгadir ялиниб, аллақандай нажот кутмайди, балки увлайди, аччиқ-аччиқ увлайди. Шоирнинг қуийдаги мисралари худди ўшандай увлаш эмасми, миллатнинг забун ҳолидан, зулм остида топталган муборак Ватаннинг пажмурда жисмидан ўртаниб қуиши эмасми?!

«Эл қурилди туркий ўлкада, эр қолмади — келди ажали, ким қонига ботди ўйлакда, ким гажилди намоз маҳали» (1987 й.).

«Дилим, дунё даюсларидан қора терга ботган гуломим, настариндай пок ҳисларидан туфдононларни қилган куолим, жудо бўлдинг табиатингдан, бўғзингда бор бир шода мўлдир, жудо бўлдинг тариқатингдан, энди тинчид қафасда ўлтириш» (1989).

Айни шундай шеърлар, аслида, истиқлол ҳақидаги фикрнинг, туйгунинг туғилиб вояга етишини, куч ва эътиқодга айланисини таъминлаган эди.

«Мармари қўргонлар оёқларида умрини ёндирган дарвозабонлар... Кутурган жаҳолат таёқларида силласи қуриган дарёзабонлар... Дунёning қайроқтош табоқларида кимларга йиглади пари саболар» (1988).

Бироқ ўша пайтлардаёқ шоирнинг умиди, ишончи, Худога айтгани бор эди. Чунки у Акбарадан фарқ қиласроқ ИНСОН эди, катта бир халқнинг, буюк бир миллатнинг вакили, оддий вакили эмас, ШОИРИ эди.

«Бир ёмон, бир узун, бир улкан йиги, қайси бир жаврнинг аччиқ тортиғи. Оҳ, мунча айланар, мунча тўлғанар ичимда йилларнинг занглаған тиғи» (1984).

«Сурилар бу темир пардалар, истибдоднинг туғлари қулар, могор босган нурсиз қаърлардан милён озод руҳлilar турар» (1987 й.).

Кўринадики, шоир истиқлолни жим кутмаган, мустақилликни хомхәёл деб билган эмас, аксинча, уни жуда реал кўрган, аниқ ҳис қилган, унга етишув усуllibарини шеър руҳидан излаган. Ҳақиқий янги давр, ҳақиқий янги қаҳрамон бундан анча илгари туғилган, вояга етаётган, ўзгаларни ҳам уйғониш ўйлига, ўзликни таниш ўйлига чорлаган эди.

Бироқ, ҳар қанча самимий бўлмасин, ёлғиз миллатпарварликнинг ўзи билан шеър дунёга келмайди. Шеър дарднинг шундай изҳорики, унда дард ҳақидаги фикр эмас, туйфу, янаям тўғрироғи, дарднинг айни ўзи намоён бўлади, шеър жисмида дард руҳи яшайди.

Шеърий санъатнинг шу каби юксак талаблари билан ёндошадиган бўлсак ҳам шоирнинг асарлари ҳар қандай эстетик синовларга дош беради. Унинг шеърларида шунчакилик, зўрма-зўракилик, шеър ясашга мойиллик умуман сезилмайди. Аксинча, бутун мақсад, бутун изҳор юксак бадиий шаклларда юзага чиқади.

«Тун. Олмазор элас илғанар далаларнинг кенг оғушида. Оқиб ётар олтин жилғалар олмаларнинг сокин тушида. Шоввасида нурлар қайнаган хилватдаги жилғага бордим, тақдиридан ҳасрат айлаган хаста дилни қўйиб юбордим» (1980).

Бу — рассом учун тайёр пейзаж парчаси бўлса, кинорежиссер учун ниҳоятда тиниқ руҳий ҳолат ифодасидир.

Шавкат Раҳмон бир шеърида: «Ахир кимман ўзим мангаликка сал агар қиёсласак, Шавкат Раҳмон ким?» деган савол кўяди. Бизнинг ушбу мулоҳазаларимиз ҳам шу саволга жавоб излаб қилинган ожиз уринишdir, холос!».

Бу мақолани шоир беморхонада ўқиган. Ёз ойларида бир гурух дўйстларимиз билан бирга Шавкат акани йўқлаб Дўрмондаги боғ ҳовлисига бордик. Сўрида икки соатдан мўлроқ қизгин суҳбат давом этди. Ҳаёт, адабиёт тўғрисида сўз кетди. Асқия айтилди, ҳазил-мутойиба бўлди. Мехмонлар кузатилгач:

— Ишқилиб, чарчаб қолмадингизми? — деб сўрадим Шавкат акамдан.

Ёстиқقا суяниб ётган Шавкат акам қаддини бир оз ростлаб:

— Кўча-кўйда кўришиб қолсак салом-алик қилиб, матбуотда қўлимга тушиб қолган мақолаларини ўқиб юрардим-у, лекин ўзи билан бафуржга гаплашмаган эдим, — деди. Бирпас нафасини ростлагач кўшиб кўйди: — Бало-ку!

Бу — Шавкат Раҳмоннинг мақтови эди.

Дарвоқе, иккинчи мақтовни ўзим эшигтганман. Тафсилоти бундай.

«Чингиз афандига мактублар» номли ҳужжатли қисса ёзган эдим. Бир куни Шавкат aka нима қилаётганимни сўраб қолди. Икковимиз биргаликда картошкани чопиқ қилаётган эдик (Шавкат акам салқинроқ жойда бегона ўтларни юлиш билан машғул эди).

— Кўриб турибсиз-ку, чопиқ қиляпман, — дедим ҳазил аралаш.

Шавкат Раҳмон

¹ »Ўзбекистон адабиёти ва санъати« газетаси, 1996 й. 29 март.

— Нима ёзяпсиз деб сўраятман, — деди Шавкат акам кулимсираб. — Газетанинг иши ўз йўлига, лекин ёзиш керак... Кўлингиздан келади.

Эртаси куни меҳмонхонадан қўләзмамни келтириб бердим. Кейинги кунларда Шавкат акам сурункасига мутолаа билан овора бўлди. Бир ҳафталардан сўнг:

— Биз ўзимизнинг тарихимизни билмаймиз, — деди. Сўрининг бир чеккасида турган қўләзмага ишора қилиб, бош бармогини кўрсатди:

— Мидайд!

Бу — Шавкат Раҳмоннинг иккинчи мақтоби эди.

«Шавкат аччиқ қалампирни жуда яхши кўради деб эслайди атоқли ёзувчимиз Эркин Абзам, — бир куни Шавкатларнинг уйида, қандайдир байрам арафасида ўтирган эдик. Балконга жой қилинган эди. Дастурхон тўйкис, ҳамма нарса бор. Бир товоқ аччиқ-чучук (шакароб) қилинди, помидор янги, пиёз ҳам янги. Зиёфат бошлангач, Шавкатжон узун-узун, қип-қизил аччиқ қалампирни гарч-гарч этказиб тишлаб: «Оҳ-оҳ!» деб еяверди. Юзлари ҳам қип-қизариб, терлаб-пишиб кетди. Майли, бунга ҳам чидаш мумкин эди, лекин бутун хонани қалампирнинг ёқимли ҳиди тутуб кетдию!.. Мен янги қалампирнинг ҳидини ҳеч нарсага алмаштирумайман, шунаقا ёқимли бўладики!.. Хуллас, ўзимни тутуб туролмадим; еттинчи синфда ўқиб юрган кезларимиз пахта теримига бориб, остига похол тўшалган қўйхонадами, отхонадами ётиб юрган пайтларда ошқозон путурдан кетган, ўшандан бўён аччиқ нарса ея олмасдим, дарров ошқозон гижимланиб қолади. Лекин Шавкатжонга қалампирхўрлик борасида шерик бўлишдан ўзимни тия олмадим, битта қалампирни мен ҳам едим. Ўшандан кейин уч ойгача ошқозоним шунаقا оғриб бердики, дунё кўзимга қоронги кўриниб кетди!.. Аммо раҳматли Шавкат қалампирни жуда яхши кўради...»

Умуман, водий ҳалқи аччиқ қалампирни яхши кўради. Буни ҳамма билади. Шавкат акам ҳам бундан мустасно эмасди.

Мен қалампир мавзусида Шавкат акам билан маҳсус сұхбатлашмаганман, мавриди бўлмаган. Эҳтимол, гаплашган бўлсанк ҳам эсимда қолмаган. Чунки ўзи қалампирхўр бўлган одам бу мавзудаги гап-сўзларни дарров эсидан чиқариб юборади, янгилик эмас-ку, деб ўйлади, «ён дафтарчаси»га қайд этиб қўймайди. Яқинда Эркин акам ўша мавзуни тасодифан эслаб қолгандан кейингина Шавкат Раҳмоннинг қалампирга ўчлигини кўз олдимга келтирдим.

Ажабки, мундоқ ўйлаб кўрсам адабиёт тўғрисида ҳам маҳсус сұхбатлашмаган эканмиз. Худди одатий мавзу тўғрисида гап кетаётгандек, ўрни келиб қолса, адабиёт тўғрисида ҳам сұхбат бўларди, аммо бу мавзуга маҳсус тўхталганимизни эслай олмайман. Масалан, бир куни Шавкат Раҳмон «Ватан» газетасида чоп этилган кимнингдир шеърларини ўқиб (мен бу газетанинг янги сонларини келтириб берардим, ўзим ҳам шу газетада ишлардим):

— Шеърни олдиндан тайёрлаб қўйилган вазнга солиб ёзишни ҳеч

тасаввур қилолмайман, — деди. — Шеър вазнга ҳам, қофияга ҳам сигмайди. Албатта, ҳақиқий шеър қолипларга сигмайди. — Токка қараб бир оз ўйланиб ётгач, — Шеър ҳар қандай қолипнинг қовурғаларини синдириб юборади, қофиялардан, вазнлардан бўртиб чиқиб кетади, — деб, муштумларини кўкраги устида жуфтлади-да, тирсакларини икки томонга ёйиб кўрсатди. Гёё кўкрак қафасига қамалиб қолган аллақандай қудратли куч ҳаракатга келиб, қовурғаларни қарсилатиб синдириб, ёруғликка — озодликка отилиб чиққандек ҳолат намоён бўлди. — Дарсликка қараб ўтириб ёзилган шеър танқидчиларнинг олқишига сазовор бўлади, оломонни жунбишга келтириб юборади, лекин юракка етиб бормайди. Айрим шоирлар (ёзувчилар ҳам) СЎЗни ўйнатиб юборишиди, минг мақомга солиб товлантаришиди, аммо уларда дард бўлмайди, МИЛЛАТНИНГ ДАРДИ бўлмайди. Нега шунаقا, а?..

— Билмадим, — дедим. Шавкат акам бу саволни ўзига берган эди, мендан жавоб ҳам кутаётгани йўқ эди. Менимча, Шавкат Раҳмон шеъриятининг илдизлари «Адабиёт дарслклари»дан эмас, балки жафокаш халқимизнинг янги ва кўхна тарихидан изланиши керак. Чунки шоир тарихдан озиқланади, миллат дарди билан яшайди. Ҳаёт билан ижод Шавкат ака учун бошқа-бошқа тушунчалар, бир-бирига алоқаси бўлмаган турмуш ташвишлари эмасди. Шавкат Раҳмон ижод қилиш учун яшарди, яшаш учун ижод қиласарди.

Кейинги йилларда Туркистон, хусусан, Кўқон хонлиги тарихига доир бир қатор нуфузли манбалар, адабиётлар билан танишдик. Жумладан, В. Наливкин тузган «Кўқон хонлигининг қисқача тарихи» («Краткая история Кокандского ханства», Қозон шаҳри, 1888 йил) китоби ҳам жиддий манбалар мажмуасидан иборат. Бу китобнинг ксеро нусхаси Шавкат Раҳмоннинг шахсий кутубхонасида сақланади, уни шоир 80-йилларда «ноёб фонд»дан кўчириб олган эди. Хонлик тарихи билан танишсангиз беихтиёр Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида акс эттирилган воқеалар кўз олдингизда гавдаланади. Қодирий бобомизнинг тарихимизни (миллатнинг тарихий дардини) нақадар теран билганига қойил қоласиз. Агар В. Наливкин тарихий воқеаларнинг шунчаки баёнини келтирган бўлса, Қодирий ўша воқеаларни жонлантириб юборади, жонли инсонлар қиёфасида фожиамизни яққол кўрсатиб беради.

Шавкат Раҳмон «Қодирий ва ҳозирги ёшлар» шеърида бундай дейди:

*Агар тирик бўлса, бир четда турмай
ҳозирги ёшларга сардор бўларди,
гоҳ кўкдан ёғилган,
гоҳ ердан чиққан
туҳмату балога қалқон бўларди.*

Шоир Қодирий бобомизни ўзига маслакдош деб ҳисоблайди, дарддошим деб билади. Чунки Шавкат Раҳмон ҳам Қодирий бобо каби жафокаш Туркистоннинг дарди билан яшарди. Улар Туркистоннинг буюк bemорлари эди...

1996 йилнинг 9 август куни (жума куни) Шавкат акам билан сұхбат-диалог шаклида китоб ёзишга киришдик. Аввалроқ мен Ч. Айтматов билан М. Шохонов ҳамкорликда ёзган «Чўққида қолган овчининг оҳи-зори» китобини (русча нусхасини) ўқишига берган эдим. Бу китоб Шавкат акамга унчалик маъқул бўлмади.

— Мухтор Шохоновнинг чучмал, зўрма-зўраки гапларини чиқариб ташлаш керак, ўкувчининг ғашини келтиради, нуқул ўзини билафон қилиб кўрсатишга интилади. Енгилтак одамга ўхшайди. Баъзан Чингиз оға ҳам бунга эътибор бермайди, аммо қайириб ташлаган ўринлари ҳам бор, — деди Шавкат акам.

Кейинчалик ўзбек тилига таржима қилинган ўша китоб Шавкат акамга эллик фоиз. маъқул бўлади, холос.

— Бўлмасам, ҳаммага маъқул келадиган китобни ўзимиз ёзайлик, — деб таклиф қилдим.

Шавкат акам анча пайтгача таклифимга жавоб бермади. Охири:

— Аввал бир туркум шеъримни матбуотда эълон қилишим керак, — деди.

— Қайси туркумингизни? Тайёрлаб қўйганмисиз?

— Хаёлимда пишириб қўйганман, фақат қоғозга тушириш керак. Қувватим етмаяпти. Ўн иккита шеър бўлади... Ҳаммаси деярли тайёр.

— Ундай бўлса, сиз айтиб туринг, мен ёзиб оламан, кейин ўзингиз устидан таҳрир қилиб берасиз, — дедим.

— Бўпти, — деб рози бўлади Шавкат акам, — Туркумнинг номи «ГУЛ ҚАҲРИ» бўлади...

Кейинги кунлари Шавкат акам уч-тўртта шеърининг айрим сатрларини айтди, мен қоғозга туширдим. Битта шеър «Озод дарёларим, озод дараларим» деб бошланар эди. Афсус, кейинги сатрлари айтилаётган пайтда бирдан хуруж бошланиб, Шавкат акамнинг аҳволи оғирлашиб қолади: «тез ёрдам» чақирилади, кислород ёстиқчаси келтирилади... Навбатдаги шеърнинг беш мисрасини кўчиришга аранг улгурган эдим. Мана, ўша мисралар:

«Оғизимиз қийшиқдир, юзимиз қора,
Уларнинг овози Лондондан келар,
Турли «Лимузин»у «Хонда»дан келар.
Биз эса ҳамон Ваттанинг чанг кўчаларида
Оғизимиз қийшиғу юзимиз қора...»

Бу, албатта, тугалланмаган шеър, фикр ниҳоясига етмаган. Шунинг учун Шавкат aka гўё памфлет ёзмоқчи бўлган экан деб хулоса чиқариб

бўлмайди. Боз устига Шавкат ака ҳеч қачон конъюктурага мослаб шеър ёзмасди, ҳатто, кўпинча, қайсарлиги тутиб «юқоридан айтилган гап»-нинг тескарисини ёзарди. Бу гал ҳам шундай бўлиши эҳтимолдан узоқ эмасди...

Шавкат Раҳмоннинг илк китоби — «Рангин лаҳзалар» 1978 йилда чоп этилган. Бир босма табоқ ҳажмидаги ўша китобчани яқинда қайта мутолаа қилдим. Албатта, ҳозир ёши бир жойга бориб қолган, яъни «бозордан қайтаётган» одамлар 1978 йил қандай бўлганини, мафкуравий иқлим қанақа эканини яхши билишади. «Биз мустақиллик учун курашганимиз!» деб кўкрагига муштлаб юрган айрим адилларимиз Шўро ҳокимиятини мадҳ этиб қандай ялтоқи асарлар ёзганини, майли, айтмай қўя қолайлик. Лекин ҳозирги ёшларга тушунарли бўлиши учун бир нарсани эслатиб қўймоқчимиз: у пайтлари барча олий ўқув юртларида, барча ўрта мактабларда ва ҳар ҳафтанинг сесанба кунлари жамики корхоналарда муттасил ўтказиладиган «сиёсий машгулотлар»да «ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган Л. И. Брежнев»нинг трилогияси — «Кичик Ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарлари бобма-боб ўқитилар эди. Йиғилишларда, зиёфатларда, кўча-кўйда ҳам гап бошлишдан аввал албатта Л. И. Брежнев асаридан иқтибос келтириш таомилга айланаб колган эди.

Бутун совет халқи дейилса унчалик тўғри бўлмас-у, лекин ўзбек халқи ҳаддан ташқари кучайиб кетган мафкуравий зулм остида истиқомат қиласди. Маддоҳлик, хушомадгўйлик, мунофиқлик оддий ҳолга айланаб колган ана шундай даврда эълон қилинган илк китобчасида Шавкат Раҳмон:

«Қўзингизни очинг, қўрқманг,
Зиёдан қамашсин, оғрисин майли,
Майлига яшамак бўлсин қийинроқ —
Очиқлиги туфайли»,

деб, таъбир жоиз бўлса, «тескари ташвиқот» юритади.

Айрим кишилар: «Биз даврнинг қурбони бўлганмиз!» дейишиб ўзларини, уятли қилмишларини оқламоқчи бўладилар. Аслида, давр уларнинг қурбони бўлганини хаспўшламоқчи бўладилар. Ваҳоланки, ҳақиқий ижодкор ҳеч қачон буқаламун мисоли товланмайди, иккиюзламачилик қилмайди. Аниқроғи, ҳақиқий ижодкор ҳеч қачон иккиюзламачилик қилмаслиги керак, иккиюзламачи кимса ҳеч қачон ҳақиқий ижодкор бўлолмайди. Шавкат Раҳмон ҳақиқий ижодкор эди. Мунаққид дўстимиз Раҳмон Қўчкор таъкидлаганидек: «Бу шоир вазиятнинг эмас, қисматнинг шоири. Унга давр эмас, у даврга мавзу берарди, у даврни эмас, уни давр тинглашини истарди».

Агар «Рангин лаҳзалар» билан Шавкат Раҳмон адабиётга кириб

келган бўлса, у 15 йил қизғин ижод билан машғул бўлади: шу йиллар давомида «Юрак қирралари», «Гуллаётган тош», «Хулво» шеърий тўпламларини эълон қиласди, муросасиз испан шоири Гарсия Лорканинг жанговар шеърларини дастлаб рус тилидан, сўнг аслиятдан ўзбек тилига таржима қиласди (рус тилидан қилинган таржимадан кўнгли тўлмагач, атайлаб испан тилини ўрганади ва ижодий командировка олиб Испанияда салкам олти ой яшаб қайтади, Лорка шеърларини нафақат тагмати билан, балки тагзамин билан қиёслаб кўради).

Шавкат Раҳмоннинг ҳар бир тўплами ўзбек адабиётида жуда катта воқеа бўларди, матбуотда баҳс-мунозаралар бошланиб кетарди. Афсуски, кўпинча, шеър бўёқда қолиб, шоирнинг ўзи миллиатчиликда айбланаарди. Хусусан, «Меҳмондўстлик» шеъри ҳушёр (аслида, чақимчи) «танқидчилар»нинг разабини кўзитиб юборади.

*Ўзбеклар азалдан меҳмончи элдир,
 меҳмон отангдан ҳам улуф, дейдилар.
 Бир кунлик меҳмонга бор-йўғин қўйиб,
 ўзлари анча вақт туршак ейдилар.
 Бу гўзал хислатдир,
 ноёб хислатдир,
 айниқса, меҳмонлар бўлса муносиб.
 Бироқ, ҳар хил бўлар меҳмоннинг феъли,
 бири сўраб кирап,
 бириси босиб...
 Меҳмон кутиши ўзи буюк санъатдир,
 бунда бизнинг элга етадиган кам.
 Меҳмон кутишини-ку қойиллатамиз,
 қанийди ўргансак кузатишни ҳам!*

Албатта, бу шеър мажозий маънога эга, мустамлакачилик зулми остида эзилиб ётган миллат озодликка даъват этилади. Бироқ бу шеър мақола эмас, унинг «ним косаси» учун шоирни жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди. «Ним коса», аслида, «десерт» — овқатдан кейин тановул қилинадиган мева-чева, шириналлик, холос. Кўнгли кўтарган одам овқатдан сўнг хоҳласа десерт тановул қиласди, хоҳламаса кўк чой ичиб кекириб ўтираверади. Яъни «ним коса»га сузилган десертини ўқувчи ихтиёрий равищда тановул қиласди, шоир ҳеч кимни зўрламайди: «Агар кўнгил кўтарса, марҳамат қылсинлар, десертдан олинглар!» деб илтифот кўрсатади гўё. Бор гап шугина, холос. Шу боис Шавкат Раҳмон жиддий идора ходимларига «Меҳмондўстлик» шеъри тўғрисида, аввало, «тушунтириш хати» ёзил беради, сўнг «энди бунақа шеър ёзмайман» деган маънода тилхат ҳам беради. Бироқ ўжар Шавкат Раҳмон ўз билганидан қолмайди.

...Неча минг аллома, жўмардлар ўлган,
 тафаккур сасиган,
 руҳлари сўлган,
 ургулар айниган тап-тақирир چўлда
 ўз беким давлатин қурсак майлиму?
 Юз эллик ишлайдирки мана шу ҳолат,
 ҳануз давом этар маккор тижорат,
 билмадим, қаердан ушбу жаҳолат,
 нега сиз бўлмайсиз сира хижсолат?
 Нега мен сўрайман сиздан ижозат?!

Шавкат Раҳмон узоқ йилларFaфур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида шеърият бўлим мининг муҳаррири, бўлим мудири вазифаларида ишлайди. Келажакдаги аксарият дўст-душманлари билан дастлаб шу даргоҳда учрашади. Хом-хатала китоблари қайтарилиган «шоирлар» белларини маҳкам боғлашиб, «компартия сиёсатини ва долзарб мавзуларни тушунмайдиган илфор совет шоирларининг йўлига ғов бўлайтган Шавкат Раҳмоннинг устидан мутасадди идораларга имзоли-имзосиз хатлар-шикояtlар уюштирадилар. Иқтидорсиз кимсаларнинг бир ёқадан бош чиқариб ёзган айрим шикоятлари, ҳатто судларда ҳам кўрилади: тўғри, муҳаррир айбсиз деб топилади, лекин «шеър ёзиб ўтирган лашкарбоши»нинг — Шавкат Раҳмоннинг бебаҳо вақтлари бехуда сарфланади.

Шу ўринда устозимиз Эркин Аъзамнинг битта гапи эсимга тушиб қолди.

— Шоирларга мазза, улар кайфияти яхши бўлган пайтда ҳам, ёмон бўлган кезларда ҳам бемалол шеър ёзаверишади. Қайтанга, кайфияти ёмон бўлса, яхши шеър ёзишади, — деган эди Эркин aka бир куни.

Тўғри, шоир кайфияти ёмон бўлган чоғларда ҳам шеър ёзиши мумкин. Аммо тинимсиз этовланаётган асаб метиндан бўлса-да, барибир қақшайди, вужудни емиради, соғлиқни путурдан кетказади.

Шукрким, илк китобларига муҳаррирлик қилган Шавкат Раҳмоннинг талабчанлигини истеъдол соҳиблари ҳануз миннатдор бўлиб эслаб юришади. Хусусан, ажойиб шоиримиз Хуршид Даврон бундай ҳикоя қиласди:

— Менинг илк китобим «Қадрдон қуёш»га Шавкат муҳаррирлик қилган. Бу китоб чоракам икки табоқ ҳажмда бўлса-да, лекин уни икки йил давомида тайёрлаганимиз. Шавкат ҳар бир шеърни танлаб-танлаб, чертиб-чертуб оларди, ёқмаганларини қайтариб берарди, мен янгисини ёзиб борардим ёки «пишитиб» борардим. Муаллифнинг биринчи китоби — дебют зўр бўлиши керак, деб ҳисобларди Шавкат. Иқтидорсиз қаламкашлар учун китобнинг ҳажми муҳим бўлади, бироқ Миллат дарди билан яшайдиган

шоир Сүз муқаддас қорол эканини ҳеч қачон унутмаслиги лозим... Биз буни билардик, Шавкат ҳам Сүздан бошқа қоролимиз йўқлигини бот-бот тақрорларди. Умуман, 70-йилларда адабиётимизга гулдурос солиб, ёниб-ёниб кириб келган авлодимиз билан ростакамига фахрланаман. Бизнинг авлод шеъриятда инқилоб ясади. Бу — Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи авлоди томонидан амалга оширилган инқилобий тўнтаришдан кейинги буюк ҳодиса эди. Ўша инқилобий ҳодисанинг ижодкорларидан биттаси, шак-шубҳасиз, Шавкат Раҳмон бўлади... Хуллас, икки йил давомида деярли ҳар куни Шавкатнинг ҳузурига шеър кўтариб борарадим. Бир куни янги шеъримни олиб борсам: «Оҳ!» деб юборди Шавкат бирдан. «Ҳа, нима бўлди?» деб сўрадим ҳайрон бўлиб. У шеъримни ўқиб тугатмасданоқ столининг тортмасидан ўзининг янги шеърини олиб, менга узатди. «Бир хил бўлиб қолибди-ку», деди ажабланиб. Мен Шавкатнинг янги шеърини ўқиб кўрдим. Дарҳақиқат, биз бир-биримиздан бехабар бир хил шеър ёзган эдик. Кейин ўша шеърни Усмон Азим ҳам ўқиб кўрди. Ўхшашликдан ниҳоятда ажабландик. Шунда Усмон: «Биласан, — деди мугомбirona кулиб. — Икковинг ҳам битта жойдан, битта мумтоз шоирдан кўчириб олгансан. Агар кўчириб олинмаган бўлса, иккита шеър бунчалик ўхшаш бўлмайди...» Албатта, Усмон ҳазиллашди. Аслида, бу жумбоқнинг «тутуни» бошқа ёқда эди. Биз аввал-бошдан тақлидчиликдан йироқ эдик, ўз услубимизни яратишга интилардик. Сергей Есенин ибораси билан айтганда, «курбақадек бўлса ҳам ўз овозимиз билан куйлашга» ҳаракат қилардик. Лекин бизнинг дардимиз бир эди, биз баҳраманд бўлаётган чашма бир эди — биз миллат дарди билан яшардик, миллат дардига шерик бўлишни истардик. Яъни, бир сўз билан айтганда, биз маслакдош эдик. Шу боис битта мавзу — миллатпарварлик мавзусини ўзимизга хос услубда қаламга олардик. Эсимда, Шавкат Раҳмон «Қадрдон қўёш»га икки қаторгина аннотация ёзган. Унда: «Хуршид Давроннинг илк китобини Ватан, табиат, баҳт ва муҳаббат мавзуларидаги ёрқин лирик шеърлар ташкил этган», дейилади. Кўриниб турибдики, шу мўъжаз жумлада ҳам мантиқий ургу «Ватан, табиат» сўзларига тушяпти. Шавкат — миллатпарвар шоир.

Шавкат Раҳмон нафақат ўз тенгдошларининг, балки кейинги авлод вакилларининг кўплаб китобларига ҳам талабчанлик билан муҳаррирлик қилган. Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Сайид, Эшқобил Шукур, Абдували Қутбиддин каби шоирлар Сўзнинг сеҳрли сирларини илк китоблари таҳрир этилаётган кезларда яна бир бора ўрганадилар...

Одатда, шоирлар билан ёзувчилар бир-бирларидан узокроқ юрадилар. Яқин юрсалар, албатта, баҳс-мунозара бошланиб, жиддий можаро билан поёнига етади. Чунки шеърият билан насрнинг тасвир воситалари бир-бирига ўхшамаганидек, шоир билан ёзувчининг феъл-автори ҳам узоқ йиллар мобайнида касб-корига монанд равища шаклланади. Бироқ Шавкат Раҳмон бу борада ҳам истисно эди.

Шавкат Раҳмон нафақат XX аср ўзбек шеъриятида, балки умумтурк адабиётида чинакам ҳодиса бўлган буюк ШОИР эди. У 46 ёшда оламдан ўтди. Ёш кетди, кутлуг орзу-армонлари билан кетди. Мана, ўшанга ҳам саккиз йил бўлди. Саккиз йилдирки, фано билан бақо ўртасидаги бетараф йўлак қайдан ўтганини қидирамиз. Чунки биз бехавотир яшашни истаймиз, аросатда бўлса ҳам тинчгина яшашни истаймиз, «оч қорним — тинч қулоғим» деб минғирлаб қўямиз... Шавкат Раҳмоннинг шеърларини қайта мутолаа қылсак, бирдан сергак тортамиз: аросатдаги ҳаёт Ўзига маъқул келармикан, чақмоқдек чақнаб ўтган ШОИРга маъқул келармикан?..

Набижон БОҚИЙ
2002 й. V. 11.

ШАВКАТ РАҲМОНГА

Дўстим, деб кўз ёши қилишиб чандон,
Сен ҳақда хотира сўйлаб тўйдилар.
Сен гўрда, мен ерда, волаю ҳайрон,
Мана, бизни энди холи қўйдилар.

Сўз йўқ ўртамизда, сукут бор чексиз,
Қарайсан мунғайиб дунёлар оша.
Узр сўрашсак ҳам бўларди, шаксиз,
Ғурурлар бунга йўл қўймади, ошна.

Ҳа, беклар сингари яшадинг, яъни
Сокин виқор билан ёнди буё-шудинг
Ва охир, қалбига озор берганинг—
Четлаб юрган дўстинг— мени ҳам кутдинг.

Буни кеч айтдилар, ахир, жуда кеч,
Вафотингдан бир йил кейин, ногаҳон.
У бир йил жумбогин энди ўзинг еч,
Ҳасратин менга қўй, тортай беомон.

Қандай севар эдим, қандай истардим
Сен бор давраларда бўлишини, ё Раб!
Симобдай тарқалиб кетарди дардим.
Қаторда нордай бўй-бастингга қараб.

Шеъринг-чи, шеърингнинг кескир сўзлари,
Оҳанги оҳангга нақшланган ғам...

*Үзига у ажиб ҳамдард изларди
Замондан, замондан ташқаридан ҳам.*

*Фақат амал-тақал сохта дўстларни
Қалашибирган эди қошингда у кун.
Яқин кўрсатиш-чун улар ўзларин,
Мендайлардан кўнглинг қолдириди бутун.*

*Билмам, дўстни дўстдан айирганларни
Қандай азоб-озор, жазо кутади.
Мен каби қаноти қайрилганларни
Шўртумшук зот борки, чўқиб ўтади.*

*Яхшиям, Худо бор, туради кўриб,
Бу ёлғон дунёда кечмоқда нелар.
Ўлимни олдидан тузатар кўрни
Кўрсатар дунёни ёғдуга белаб.*

*Шукур қил, сени ҳам сийлади қисмат,
Шукур қил, қалбингдан бир зиё сизган.
Сен-ку, ўша сохта дўстлардан беҳад
Сўнгги кунларида чарчаган, безган.*

*Сен-ку, қувиб сол, деб яқинларингга
Айтган ҳам уларни, эзилиб, эй воҳ!
Ким таскин беролган ўшандада сенга,
Ким сени тушунган менсиз, ўша чоқ.*

*Номим тилга олиб, ўша кунларда,
Қийналган ҳам ўзинг, куйган ҳам ўзинг.
Қоврилиб юрибман сўнгсиз мунгларда,
Мени пушаймонга қўйган ҳам ўзинг.*

*Лекин кеч айтдила, ахир жуда кеч,
Вафотингдан бир йил кейин, ногаҳон.
У бир йил жумбогин энди ўзинг еч,
Ҳасратин менга қўй, тортай баармон.*

Шукур Курбон

ШАВКАТ РАҲМОН ШЕҶРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

БАХТ СҮЗИ

Бахтиёрман деган биргина сўзни
айтиш учун керак қанча куч-чидам,
гарчи баҳт сўзларнинг энг ёқимлиги,
гарчи турса ҳамки тилнинг учидা.

Оғир ботмасмикин бу сўз кимгадир,
тегиб кетмасмикин оҳ-воҳларига,
қандоқ бардош бериб яшайман кейин
баҳтсиз кимсаларнинг нигоҳларига.

Аввало бу сўзни ўзгалар айтсин,
айтсинглар кўзлари севинчга тўлиб,
элнинг баҳти учун умрини тиккан
шоирлар айтмасин биринчи бўлиб.

Бу сўзни бир умр айтмай яшадим,
ҳар шодлик келганда юрдим секинроқ.
Фам сўзин элимдан аввалроқ айтдим,
баҳт сўзин айтаман элдан кейинроқ.

* * *

Титроқ сездингми ҳеч
бир шум лаҳзада —
хатар-ла юзма-юз турган чоғингда.
Тубсиз жар лабида оний ларзадан
титраб келганими жонинг оғзингга.
Нопоклар покларга қилгандан тұхмат,
титрамай айтдингми кескир сўзингни.
Болангни ёдига не қылдинг түхфа,
асраб қололдингми ўзинг ўзингни?!

Қалтис лаҳзалар бор —
дош бермак мушкул,
бироқ чидаганлар тирик хотирда,
гоҳо элитарлар — нафаси мушкин,
гоҳо кўринарлар кўзингга тиғдай.
Осмондан келганда тубан одамлар —
бири чиноркесар,
бири кесар тил.
Бутун қилмишларин қарасанг жамлаб
намоён бўлади суврати қотил.
Қалтис лаҳзалар йўқ,
қалтис умр бор,
мўр-малаҳ ном аро ёлғиз номинг бор.

Лаҳзада титроққа айланиб турсанг,
демакки ичингда битта хоин бор.
Үлдир,
ичингдаги хоинни үлдир,
волида күзига боқищдан аввал,
маъшуқа қўйнида ётишдан аввал,
зулмат уммонига ботищдан аввал.
Йўлдир бу,
нафснинг ботқоги эмас,
қиличнинг дамидай чақнаган йўлдир.
Бу йўлга юзингни буришдан аввал,
ўлдир, ичингдаги хоинни үлдир.

ЁШ ТОҒЛАР

Куч ёғилган
гавдаларини
саратоннинг ўтига тоблаб,
очиб қўйиб хазиналарин
ухлаб ётар ўспирин тоғлар.
Гўё мангу сафарга чиқсан
йўловчилар ҳорган кўйича,
ўтиргану
бирпас мизғиган
сирқираган сувлар бўйида.
Бир нафасга кўз юмгандилар,
миллион йиллар ўтди орадан.
Ухлаб ётар ҳамон мириқиб,
ухлаб ётар
садда болалар

* * *

Ҳали бирор ишни уддаламадим
ҳали ҳеч кимсани қилмадим рози,
беҳуда ўтибди гўзал умримнинг
қанчалаб чиройли баҳори, ёзи.
Фарогат борлигин унугиб қўйдим,
бағримга чақинлар тегди дағънатан.
Сендан-да улуғроқ нарса йўқлигин
соҳим оқарганда англадим, Ватан!
Бунча кеч англадим,
нега бунча кеч...
англасам лоақал ўттиз йил аввал,
лоақал туғилмай туриб англасам...
Кўрган бўлармидим сени мукаммал.
Ҳали асл Ватан бўлмоғинг учун

овози тошларни ёрап күйчилар,
қанчалаб сөхграр шоирлар керак,
қанча билим керак,
қанча күч-чидал.
Умрим кўчкилардай жимжит, шиддатли,
буткул тинмоқ учун бир кун бемалол
фақат яхши бўлмоқ жудаям камдир,
жуда камлик қилас яшамоқ ҳалол.
Нақадар кечикиб англадим сени,
чақинилар йўқ қилас мени дафъатан,
айт, қандоқ чидайман бундай хўрликка,
айт, қандоқ ётаман қаърингда, Ватан!

МУНОЖОТ

Фақат ишқ...
Фақат ишқ...
Бошқаси сароб,
бошқаси шамолнинг оний сурони.
Қирқта тар гулимни айладим хароб,
қирқта куп кўзи-ла кўрдим дунёни.
Қирқта қора куп ётар мозийда,
кирқта черигини йўқотган бекман.
Абадий айрипдим қирқта фозийдан,
бошимни тошларга урсамми дейман.
Бу дунё нимадир? Барини кўрдим,
султону гадонинг қаърини кўрдим,
Фаззолий сифмаган тубан оламда
шайтондан тўралган гайирни кўрдим.
Фақат ишқ...
Ишқ гули...
Самовий гулим...
Бир нафас дилимга посибон бўлсин,
токим шул нафасда қирқ биринчи
кулнинг
ёруғ лабларида хўрсиниқ сўлсин.
Тұхмат мурдалари қалашиб ётган,
иғволар қуртлаган шўрлик диёдра
замону маконин буткул йўқотган
бир улуғ фарёднинг
боласи зорман.

Ай, қиличдай туйғу,
ай, қотил туйғу,
бас, ортиқ қийнама кимсасиз даштда,
юзимга юзини қўйисин ўшал гул,
дилимнинг қаърини чавақлаб ташла.

ҚУЛОҒИМДА ҚОЛГАН ЙИФИ

Бир ёмон,
бир узун,
бир ўткір йифи,
ҳали эр күрмаган қыздар йифиси.
Күмилиб кетаркан тоғ ўкириғи
тұсатдан саннаса
минг қызы йифилиб.
Момолар йиглалған ерда йиглайсиз,
оналар йиглалған...
буям бир шараф.
Ерма ўқ сингари тиним билмаган
бу баҳтга болалар бўлар мушарраф.
Кўшқалла калхат бор ҳамон бошингда,
занжирлар шодаси чирир бўйнингда.
Яйраб кулганмидинг,
асрий дошингдан
яралган илонлар ўйнар қўйнингда?!

Бир ёмон,
бир узун,
бир ўткір йифи
водий шамолида келар изиллаб.
Бу ёз кечалари йилларнинг тифи
айланиб-айланиб юрар ичимда.

Кимга сигиндингиз?
Кимни кўрдингиз?
Неча қатли омлар ўчдими ёддан?
Очилмай узилган гулдай сўлдингиз,
эрларни яширган ерни қучоқлаб...

Ҳали бор,
Анча бор,
ҳали кўнгиллар
хўрликни қусгувчи кунларгача бор,
Ҳаром валадларни урчитган йиллар
Жаврини йўқ қилув
Битта улкан дод
Бир ёмон,
Бир узун,
Бир улкан йифи,
қайси бир жавринг аччиқ тортиғи.
Оҳ, мунча айланар,
мунча тўлғонар
Ичимда йилларнинг занглаған тифи.



МУҲАММАД ЮСУФ

(1954—2001)

Шоирлар күйгөн күнгиллар ноласи,
Фариб оналарнинг фарид боласи.
Шоирлар охулар — ўтлар далааси,
Дардли күнгилларнинг дардли қаляаси.

Муҳаммад ЮСУФ

Муҳаммад Юсуф номини билмайдиганлар ва шеърини ёд олмаганлар бўлмаса керак. Чунки у ҳар бир шеърида рух тўлғоги, ҳалқ дардини кўйлаб, унинг армонларини сатрларга тизган бетакрор шоир эди.

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлади,
Онча борким каъба вайрон бўлса обод айлади...

Ҳа, дарвоқе кўнгил ...ва айнан шоир қалби. У жуда нозик ва айни пайтда мураккаб. Муҳаммад Юсуфнинг қалби самимий ва содда эди. Ва энг асосийси бу қалбда ҳалқ ўзининг бўйи-бастини кўради. Бу ойинада сиз юзларини сепкил босган қиздан тортиб, нуроний чолнинг яктагигача сатрларда тизилган қалб манзараларининг гувоҳи бўласиз. Ушбу сатрлар беихтиёр тилингизга қўшиқ бўлиб келаверади...

Оқ ўйргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ юваб, оқ тарагансан ўзинг бизни.
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни...

XX аср ўзбек қўшиқчилигига М. Юсуфнинг ўрни бўлакча. Бу давр санъатининг бир пофона кўтарилишидаги асосий сабаб эса, шеъларида акс этган ўзбекона нолалар, ўзимизга хос бўлган кўнгил дардлари эди аслида. Уни тинглаганингизда минг йиллик миллат дардлари ва самимиятни, Ватаннинг қайноқ тафтини ҳис қиласиз...

ЯХШИ ИНСОН ВА ДИЛБАР ШОИР ЭДИ

1990 йиллар эди. Бухоро пединститутининг тарих факультетида сиртдан ўқийдиган талаба эдим. Китобни, шеъриятни яхши кўрардим. Кўп ўқирдик ва назаримизда кўп нарсага ақлнимиз етарди гёё. Айниқса, унча-мунча шоирман деганларнинг ёзғанларини бир қараашда баҳосини чиқарадик. Шеърга чанқоқ эдигу, тезда қониқмасдик. Хуллас, ўша пайтлар қизиқишларимдан хабари бор бир талаба дўстим Муҳаммад Юсуфнинг мўъжазгина шеърий тўпламини бир кечага (!) ўқишга бериб турди ва албатта, қайтариб беришимни сўради. Мени айнан шу ҳолат, яъни нимага бир кечага бераётганлиги қизиқишимни орттирди. Одатда яхши қадрли китоблар шунака қизгонилади. Мен тўпламни бир ўтиришда ўқиб чиқдим, яна қайта ўқиб чиқдим ва... уни қайтариб бергим келмай қолди. Ундаги мисралар оҳангি мени сеҳрлаб олгандек эди гёё ва мен анча пайт уларнинг таъсирида юрдим. Сездимки, янги замон ўзбек шеърияти энди ана шундай оҳангда яратилади. Ўша пайдаги таассурутларим Муҳаммад Юсуфа бағишлиб ёзилган мувашشاҳда баён этилган. Кейинчалик шоирнинг шеърларига айтилган кўп қўшиқларни тингладим, шеърларнинг ўзини ўқидим. Ва ҳар сафар шундай шоирнинг борлигига чин кўнгилдан хурсанд бўлганман, шукр ҳамда ҳавас қилганман.

Шоир билан дастлаб ҳозирги «Истиқол» саройининг ёнида учрашиб қолганмиз. Мени ҳаяжонлантиргани — шундоқ катта машҳур шоир каминанинг исмини билгани ва ижодий уринишларимдан боҳабарлиги бўлди. У шеър, унинг оҳангдорлиги, ҳофизлар билан муносабатлар ҳақида гапирди ва эндигина нашрдан чиққан ўзининг «Осмонимга олиб кетаман» номли тўпламига «Бобурбек! Эл сўйган шоир бўлинг» деб дастхат ёзиб берди. Мен буни дудай қабул қилдим ва ҳаяжонда ўша куннинг ўзида Бухорога қайтиб келдим. Кейинроқ 2—3 марта Ёзувчилар Уюшмасидаги кабинетида кўришдик. Суҳбатларда у сўзга муносабатда жиддий бўлиш кераклиги ҳақида, хонандаларнинг қўшиқ сўзларини бузиб ёки ўзгартириб ижро этишлари, баъзан муаллифни ҳам билмасликлари ҳақида куюниб гапирарди. Олдига кўпроқ боргим келса-да, тортинардим, қолаверса, унинг вақтини қизғонардим. Ҳаёлларига халал бергим келмасди гёё. Шеърларининг ўзи етарди менга.

Шоирнинг вафоти мен учун ҳам кутилмаган ҳол бўлган. Бу ҳақда эшитганимда қаттиқ таъсиранланганман, мазам қочиб, ишга ҳам бормай, беш кунча уйда ётганман. Баъзан ҳалигача шундай одам ўлганига ишониб-ишонмай юраман. Илоҳим, жойи жаннатда бўлсин.

Шоирнинг ижоди ҳақида кўп ва хўб айтилган. Камина адабиётшунос ёхуд танқидчи олим ҳам эмасман. Шоир шахси ва ижодининг бир муҳлиси сифатида чин ҳайратимни, чексиз миннатдорлигимни айтмоқ-чиман, холос. Дунёда шоир кўп, шеър кўп бўлиши мумкин, лекин ўзи

сўзига, Сўзи ўзига ўхшайдиган Шоирлар кам. Мұҳаммад Юсуф айнан шундай самимий инсон, оташқалб ижодкор эди. Қизғалдоқнинг пешасидан ўпа оладиган, отини ёри қадар сева оладиган, қўчкору кийик, булбулу қалдирғочлар билан сўйлаша оладиган, ялпизга суюниб ўла оладиган зўр шоир эди. Қолаверса, ўз қалами билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида миллий мафкурамизнинг шаклланишига астойдил хизмат қилган, ижодида ўзбекнинг ўзбеклигини кўрсата олган чинакам эл боласи эди. Шундай яхши одам, дилбар шоирнинг дуосини олганимдан фахрланаман.

Бобур БОБОМУРОД

06.01.2010

ҲАЛИ ҲАММАСИ ОЛДИНДА!

Икки-уч йил олдин бу мақолани ёзолмасдим. Мұҳаммад акани эсласам кўнглимдаги вулқон олами бузиб юборгудек фарёд солгим келарди. Ҳеч кимнинг вафотидан сўнг бу қадар ўкраб, бу қадар ўксиниб, бу қадар хақири нолон бўлиб йифламаганман, бу қадар узоқ ва азобли мотам гуссасига чўкмаганман. Мұҳаммад ака билан қалбан қариндош, қалбан дўст, қалбан ака-ука эдик. У кишининг нафақат мен, балки мен сингари минглаб қалбан қариндош ака-укалари, опа-сингиллари бор эди. Чунки ўзбек миллати отамиз, ўзбек тили онамиз эди. Бу муҳаббат бизни бир оила атрофига жамулжам этганди. Мұҳаммад Юсуф ҳәётининг, ижодининг, эътиқодининг асосий мазмуни Ўзбекистонни шарафлаш, сўнгги қатра қонгача, сўнгги нафасгача, сўнгги мадоргача мана шу юрт, шу ҳалқ пойида таъзим ва ташаккурда жон нисор этмоқ эди. Мұҳаммад Юсуф илк мисраларини ёзган кунлариданоқ шу йўлни танлади ва умрининг барча долғали, мушкулу осон даврларида бир лаҳзага бўлсин бу йўлдан оғишимади.

Адабий муҳит шундайки, ҳулқи бузуқ, ёмон одам, ҳатто даҳо бўлса ҳам, тан олмайди, гапириш у ёқда турсин, эшитмайди ҳам. Мұҳаммад Юсуф инсон сифатида ҳам адабий муҳитнинг эркаси, жону жаҳони эди. У киши содда, камтар, камсукум, жуда оддий одам эди. Умуман, бирорни гийбат қилас, бирорни ёмон кўролмас, кибрдан узоқ, очиққўл, очиққўнгил, хокисор, ҳамма билан бирдай гаплашиб кетаверарди. Бир куни, юқори идораларнинг биридаги йиғинда «Ҳалқ бўл, элим» шеърининг муҳокамаси бўлади ва катта шоирлардан бири бу шеърни қаттиқ танқид қиласди ва: «Минг йилдан бўён ҳалқ бўлиб келаётган ҳалқни энди ҳалқ бўл, деяпсанми, ўзбек ҳалқини ҳалқ сифатида тан олмаяпсанми?» деба сиёсий айб қўяди ва шоирга сўз бермай, кўпчиликнинг олдида изза қиласди, шоирни нотавонликда, ҳалқни камситишида айблайди. Ўша куни Мұҳаммад ака билан

күришганимизда жуда тушкун, қайгули ва оғир изтиробда эдилар. Бир жойда туролмас, у ёқ-бу ёққа бориб келар, хаприқар, алам ва үқинчда гапирап, ўзини босолмасди. «Мен у одамни устоз дегандим, ўз устозим оёғимга болта урди. Ахир яхши билади-ку, одатда, тилак шундай билдирилади, масалан, соғ одамни кўрсангиз ҳам, хайрлашаётіб соғ бўл, дейсиз. Омон бўл, баҳтли бўл, тинч бўл, катта бўл, дейсиз, бу ерда худди шунга ўхшаб ҳалқ бўл, дея яхши тилак билдириляпти-ку», дерди. Беш дақиқадан сўнг, Муҳаммад ака ҳамма нарса эсидан чиқиб кетгандай, ўз ҳолига келди.

Ховурдан бу қадар тез тушишни ҳеч кимда кўрмагандим. Худо яхши кўрган бандасини шундай беозор яратаркан-да!

Шоир – дараҳт, шеърлари – меваси. Ўқувчилар, муҳлислар бу мевани татиб, ҳузур қилиб кетаверадилар. Ижодкор атрофидаги одамларнинг баҳти шундаки, улар нафақат мевадан, балки мана шу дараҳтнинг ўзидан, гуркираб ўсишидан, япроқларидан, ям-яшил тароватидан, соясидан баҳраманд бўлади. Муҳаммад Юсуф атрофида бўлганлар шундай баҳтли одамлар эди.

Муҳаммад аканинг сұхбатидан, фикрларидан, ҳимматидан, марҳаматидан, у киши билан бирга юриш-туриш насиб этган кишилар ҳәётларида катта саодатга эришган кишиларки, бундай дилкаш, бундай дилбар, одамнинг жону жаҳонига айланадиган, ижоди қанчалик севимли



бўлса, ўзи ҳам, инсон сифатида шу қадар севимлига айланга олган ижодкорлар жуда камдан-кам бўлади. Баъзиларнинг ижоди яхши бўла-ди-ю, ўзи такаббур, абллаҳ, баъзиларининг ўзи яхши-ю, ижоди бир пулга қиммат.

Мұҳаммад Юсуф адабий муҳитда кўпчиликнинг меҳрини қозонди, бу унинг инсоний фазилатлари буюклигидан дарак берарди, шундан сўнг у шеърият майдонида қаҳрамонга, истиқлол жарчисига айланди. Ўзбек адабиётида янги зарварақ очилди, элга-юртга, миллатга, Ватанга, ота-онага муҳаббат қандай бўлиши кераклигини ўргатувчи мактаб яратди ва чин юракдан ҳақиқий дурдона шеърлар қандай бўлиши кераклигини ўргатиб кетди.

Мұҳаммад ака бизнинг хонадонда кўп бўлган ва мен ҳам у кишининг хонадонида кўп бора бўлганман. Мұҳаммад аканинг тавсияси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинганман. Мұҳаммад ака ҳақида телевизион кўрсатувлар тайёрлаганман. Устоздан кўпгина ўйтлар олганман. Шулардан бир умр юрагимга муҳрланиб қолганларини баён этаман:

«Мен қўшиқчи-шоир эмасман, шоирман. Шеър – қўшиқдан баланд туради. Шеърнинг ўзи санъат. Биронта шоир қўшиқчининг остонасида ётиб олмаслиги керак. Қўшиқчи билан дўст бўлса, ҳамкор бўлса, бошқа гап, лекин шеърнинг, шоирнинг обрўсини тушириб, хонандаларнинг орқасидан югуриб юрган шоирлар сўз заргари эмас, сўз савдогаридир. Ундай кимсалардан шеъриятни асраш керак».

«Ёмон шеър ёзиш, одамларга қараб тупуришdir, уларнинг юраги, кўнглига тупуришdir».

«Яхши шеър ёзиш учун одам ўзини муттаҳамликдан, ёлғон гапиришдан, тамадан, миннатдан, пораҳўриликдан, мансабпастликдан ва ҳоказо ёмон иллатлардан асраш керак. Баъзи шоирлар, ёмон ишлар қилавераман, лекин яхши шеърлар ёзавераман, деб ўйлайди. Асло ундай эмас. Ёмон одам яхши шеър ёзомайди».

«Шоирлар бойларнинг эшигига ялиниб бормаслиги, амалдорнинг пойига патак бўлмаслиги керак. Шоир Худонинг эркатойи, ҳалқнинг арзандаси. Агар шоир Худони севса, ҳалқ шоирни севади, агар шоир бойликни севса, ҳалқ ундай шоирни севмайди».

«Шеър ҳурмат қозонсагина, шоир ҳурматли бўлади».

«Шеър ёзиш яшашдан кўра яхшироқдир. Чунки одам яшаса, 50 – 60 йил яшайди, шеъриятга муҳрланган ҳаёт эса асрлар давомида яшами мумкин».

«Ҳеч қачон компьютерда ёзманг. Кўлда, ручка билан оқ қофозга ёзинг. Шунда меҳрингиз, руҳингиз сўзга, қофозга ўтади. Қофозга гойибона куч, сехр жамланади: Шеър ҳикматга айланиши шундан».

«Шоир ҳалоллик, мардлик, фидойилик ҳақида гапириши

керак эмас, балки оқ қофоз олдидә ўзи мард, ҳалол, фидойи бўлиб шеър ёзиши керак».

«Шоир бошқа шоирлардан кўра зўрроқ шоир бўлишни эмас, балки халқнинг буюклигини англаб, зўр шоир бўлишни мақсад қилиши керак».

«Шоир — бургут бўладиган бўлса, халқ — мана шу бургут учадиган тоғлар, қоялардир. Шунинг учун шоир бутун умр бу халқ олдидә бош эгиб яшashi керак».

Эсласак, эслагулик гаплар, хотиралар, воқеа-ходисалар кўп.

Мұхаммад аканинг вафотидан бир неча йил аввал жонажон опам Турсуной Содиқова билан аканинг бетоблигини эшитиб, шифохонага бордик. Турсуной опа йўл-йўлакай Мұхаммад акани гапириб кетдилар:

— Бу бола оддий бола эмас, мўъжиза. Юрагининг кўзи бор, узоқни ва чор атрофни яққол кўради. У ҳамма кўрганни, ҳамма билганни эмас, ҳамма кўрмаганни, ҳамма билмаганни ёзди. Ҳаммадан зўр қилиб ёзди. Бунинг юрагида илоҳий бир илҳом бор. Илҳоми доим қайнаб тошиб туради. Унинг айтганидан кўра, айтолмагани кўп. Мана шу айтолмагани бу болани касал қилган. Мана шу айтолмаганлари юрагида қон бўлиб қотиб қолган. Бу бола ҳали шундай шеърлар ёзсинки, ҳаммамиз чангидә қолиб кетайлик, — дерди.

Шифохонага кирсак, Мұхаммад aka бошларига сочиқ танғиб олган, кроватда, чойшабга ўраниб, шипга қараб ётибдилар. Ҳали кўришишга улгурмасимиздан Турсуной опа кўзлари жиққа ёшга тўлиб, йиғлаб юбордилар.

— Вой, ўзбекнинг бир буюк боласи шундай афтода ётадими! Рангингга нима қилди, нега кўзларинг киртайиб қолди? Нега бу аҳволга тушдинг, Будулайжон. Сен ҳали бизга кераксан, ўзбекнинг баҳтига омон бўлгур, шеъриятнинг бир томонини кўтариб турибсан-ку, мени ўлдириб қўймаганн-Будулайжон, бу бечора опангни жони ўзи яримта, томогимда хиқиллаб турибди, сенинг бу аҳволингга чидолмайман, ўрнингдан тур, Будулайжон, қаддингни росласанг-чи, эмгагингни кўтарсанг-чи, бўй-бастингни кўриб қувонай, сен бутун бир миллатнинг умидисан, жонидаги жавҳарисан, сенинг ортингда бутун бир халқ турибди, бу ётишини бас қил, жоним болам! — деда ўкраб гапирадилар.

Мұхаммад aka эса, ўринларидан туришга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, кўзгололмас, овозлари одатдагидан паст ва шикаста чиқарди.

— Йиғламанг, опа, энди тузукман, энди ўлмайман, энди олдимдан ажал кетди, яқинда соғаяман, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетаман, энди ажални қуваман, опа! — дерди.

— Вой, ажални гапирма, умринг узоқ бўлгур, ҳали қизларингни узатасан, ҳали катта-катта тўйлар қилиб, болаларингни, невара-чевараларингни тўйларида тўйбоши бўлиб юрасан. Мен опангнинг суюнган тоғисан, ўзбекнинг қайси хонадонига борсанг сен борган уйлар тўйхона бўлади, сен борган жойлар қувончга тўлади, шодиёнага тўлади, айланай болам, эртароқ тузалгин, — дердилар Турсуной опа.

Ўшанда ҳар қанча кўз ёш тўккан бўлсак-да, Муҳаммад аканинг хасталигини кўриб, кўз ёш тўкканмиз, лекин Турсуной опанинг ҳам, менинг ҳам хаёлимга Муҳаммад ака ҳам ожиз банда, ўлиши мумкин деган хаёл келмаган. Биз буни тасаввур қилолмасдик. Биз буни ақлимизга сифдиrolмасдик.

Мана Муҳаммад ака орамизда йўқ. Қабрлари нурга тўлсин. Оху-фарёд чекишдан, у кишининг ҳақларига дуои фотиҳа ўқишдан бошқа иложимиз йўқ. Агар тирик бўлганларида шеъриятимизнинг олтин хазинаси, дуру жавоҳирларга янада тўлган, адабиётимиз, ҳалқимиз маънавияти янада бойиган бўларди.

То ўзбек шеърияти бор экан, Муҳаммад Юсуф бор. Ундай буюк шоирни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмайди.

Мен охиратга, қиёмат кунига, қайта тирилишга ва дўстлар яна дийдорлашиб кўришишига ишонадиган одамман. Ва албатта, қиёмат куни Муҳаммад ака билан яна юзма-юз кўришиш орзусидаман. Унгача сизни соғиниб, ижодингиз, инсонийлигингиз, меҳру муҳаббатингиз, дўстлигингиз завқу шавқи билан яшайман. Ҳали ҳаммаси олдинда! Ҳали сиз билан шеър ўқишадиган, айтиб кулишадиган, эсланадиган гапларимиз кўп, Муҳаммад ака!

Муҳаммад ИСМОИЛ

«БРИГАДИР АКА, МУНЧА ОЗФИНСИЗ?»

Бундан йигирма йил бурун, ўша пайтда адабиётимизнинг кўзгусига айланган «Шарқ юлдузи» журнали таҳририятида ёш шоир Муҳаммад Юсуфнинг бир даста шеърини нашрга тайёрладик. У пайтларда бу каби воқеалар тез-тез бўлиб турса-да, журнал ходимларига байрамдек таъсир этарди. «Биринчи чиқиши»ларнинг наинки шоир, китобхон учун ҳам эсда қоларли бўлишига ҳаракат қиласдик.

Журналнинг ўша пайтдаги маஸъул котиби — ёзувчи Тоҳир Малик Муҳаммаджоннинг шеърларини кўздан кечиргач, мени хонасига чақиртириди. Кирсам, қўлёзмага қараб, пешоналари тиришиб ўтирибдилар. Юрагим шув этди. «Наҳотки ёқмаган бўлса...» деган хаёл ўтди миямдан. Бундай бўлиши мумкин эмасди. Тоҳир аканинг шеърга муносабатини яхши билардим. Шундай бўлса-да, тайёрланган шеърларнинг мазмун-мундарижаси, ҳайрат-ҳаяжони ва ўзига хос бошқа жиҳатларини яшин тезлигида хаёлимдан яна бир бор ўтказиб олдим. Ҳатто уларни танлаш баробарида, эсимда қолган сатрлар ҳам дилимдан ўтди:

«Бригадир ака, мунча озфинсиз,
Мунча бўлиқ гўзаларингиз?»

Муҳаммад Юсуф

Ҳам содда, ҳам самимий сатрлар. «Пахтани деб одамлар озиб-тўзиб кетди, одамларнинг қонини сўриб, пахталар семириб, тўлишиб кетди», дегандай. Битта ўхшатиш билан, битта чоғиштириш билан эсда қоларли ва дардли мисраларда халқ тақдирни очиб бериляпти. У пайтларда бунақа гапларни ёзиш ўзига хос ижодий жасоратни талаб қиласади.

— Ҳа, Тоҳир ака, пешонангиз тиришиб қолибди? Ёқмадими шеърлар?

— Нега? Шеърлар маъқул. Шу сонда эълон қиласиз, — деди Тоҳир Малик ўша кайфиятда. — Лекин исми-шарифи ёқмайроқ турибди.

— Худо берган исми-шариф Мұҳаммад Юсупов. Нимаси ёмон? Ҳали машхур шоир бўлиб кетса, бу гапингиз учун уялиб юрасиз. — Мұҳаммаднинг шеърлари босилишини эшишиб, кўнглим хотиржам бўлиб, ўзимча ҳазил қилган бўлдим.

— А?! — дедилар Тоҳир ака, ҳазилимнинг ўринсизлигидан энсаси қотиб. Кейин қўшиб қўйдилар: — «Юсупов» тарзида чиқармаймиз. Пайтамбаримиз Юсуф алайҳиссаломнинг исмларини ўрисча ишлатмаслигимиз керак. Бу шоирингиз «Мұҳаммад Юсуф» имзоси остида нашр этилади энди. Келиб қолса, розилигини олайлик. Айтинг, менга учрашсин.

Шундай қилиб, илк бор «Шарқ юлдузи» журналида «Мұҳаммад Юсуф» деган имзо пайдо бўлди. Лекин ҳозирги кунда ҳалқимиз севиб, номини эъзозлаб тилга олаётган Мұҳаммад Юсуфнинг шон-шуҳратига ҳали анча бор эди. У кўп меҳнат қилиши, ижоднинг машаққат ва заҳматларини бошидан кечириши лозим эди. Энди бу ёғи унинг муҳлисларига яхши маълум. Афсуски, умри қисқа экан... Шеърлари яшаб қолди.

Шукур ҚУРБОН

БУ ФАНИМАТ ДУНЁДА

Ўзбекистонлик шеърият мухлислари шоир Мұҳаммад Юсуфни сўнгти манзилга кузатиши. У 47 ёшда эди...

Бу дунёда шоир бўлиб, айниқса, ҳалқнинг шоири бўлиб яшаш осон эмас. Чунки ҳалқ шоири ўз юрагини суяклари билан ўраб, кўкрак қафасига яшириб қўймайди. Унинг юраги очиқ ва юзада бўлади. Ҳалқи атрофида эса бошлаган шамол унинг юрагига изфирин бўлиб урилади, келаётган ҳар шарпани сезади юраги. Бор куввати юрагида бўлгани учун бирор қоқилса ё йиқилса ҳам елкаси ё қўлинини эмас, юрагини тутади, юраги билан суюяди. Ҳалқи бошига қувонч келса ҳам секингина суюниб қўя қолмайди. Юраги ёрилгунча қувонади.

Мұҳаммад Юсуф ўзбекнинг ана шундай шоири эди. У бирданига Мұҳаммад Юсуф бўлиб қолгани йўқ. Бир пайтлар Ўзбекистон олти миллион пахта топшириши шарт деб ўзбекнинг етти яшаридан етмиш

яшаригача изиллатиб далага қувгандарида, марҳаматлик толчвиқдай Мұхаммад ҳам ҳайдалғанлар орасыда бор эди. У ҳам олис қишлоқлардан пойтахтга баҳти, йўлини излаб келган юзлаб иқтидорли йигитлар қатори ижара уйларда яшади. Ўзбекистон Халқ шоири, Ўзбекистон Олий



Мажлиси депутати, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари бири-биридан нуфузли ёрлиқларга етгунча кўп баланд-паст йўлларни босиб ўтди.

Мұхаммаджон минбарларда, давраларда, кўчада, уйда — ҳамма жойда, ҳамма вақт самимий эди. Турланиб, тусланмасди. Фурурини ҳам, эркалигини ҳам, хижолатини ҳам сир тутмасди.

...Бугун балки шунинг учун ҳам унинг бевақт ўлимидан ичичимиздан қайғурамиз. Жону жигаримиздан айрилгандай бир-биримизга «Бандалик-да, Мұхаммаджондан айрилиб қолибмиз» деяпмиз. У билан боғлиқ хотираларни ўртаниб эслаяпмиз.

Бу ҳали хотираларнинг бошланиши.

Ҳали мустақиллик байрамларida мушаклар отилганда, майдонда минглаб ватандошларимиз бир-бирига елка тираб «Халқ бўл, элим», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» дея куйлаганларida бу элни бирлаштирувчи, юрагида Ватанга меҳр уйғотувчи сатрлар эгасини ёдлаймиз.

Унинг рафиқаси — кўп оғир-енгил кунларида доим ёнида бўлган Назирахоннинг интизор кўзларини кўрганда эслаймиз.

Фарзандлари — қизлари келин лиbosларини кийганда, «ёрёр» билан оstonага қадам кўйганда, уйдан чиққанда «ота» деган салобатнинг бўш ўrniga қараб узликамиз.

Эслаймиз, эслайверамиз. Балки бир яхши шоирнинг бевақт

заволи ҳам бизга кўп нарсаларни — бу ҳаётнинг нақадар омонат эканини, бу фанимат дунёда бир-биримизни асраб, бир-биримизга таянч бўлиб яшаш зарурлигини ўргатиб турар.

Балки, бу «балки»лар ҳам бизнинг қабариб турган қалбимизга бир таскиндириш...

Оллоҳ сизни раҳмат қилган бўлсин, Мұхаммаджон!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

ОРТДА ҚОЛГАН ИЗ...

Дунёда шоир кўп, шоирман деган ҳам кўп... Булбулман деб сайраб юрган зоғлар ҳам кўп. Лекин чин шоирлар, ҳақиқий булбуллар...

Дўстимиз Мұхаммад Юсуф чин шоир эди, шундайлигича қолди. У илк шеъри чиққандан бўён бир одам зотига берилмиш наинки қувончу изтироб, меҳнату заҳмат, баҳти фарофат бўлса — ҳамма-ҳаммасини шеърига сарфлади, ўзини, оиласи, гулдай қизларининг бари, орому ҳаловатини ҳам шеърга алмашди.

Бир пайтлар шарқироқ сойлардай юрган шоирлар қаторига сокингина бир ирмоқ, жайдаригина бир ўзбаки ариқ келиб қўшилганини бирор сезиб, бирор сезмай қолганди. Қалдироқлару чақинлар гулдураб, чақнаб, булатлару ёмғир-жалалар алғов-далғов бўлиб ётган осмонга қўёш шундай билинмайгина чиқади, ой шундай пайдо бўлади. Кейин... ҳаммаёқ нурафшон, мунаvvар бўлади.

Унинг шеъри содда эди. Ўзбек даласининг тупроғидай жайдари эди. Содда, меҳнаткаш элини, улуғ Ватанини ўзига хос, ҳаммага тушунарлигина қилиб кўйлади.

Қизғалдоқдай севгисию капалакдай муҳаббатини шабнамга чўмган майсалар янглиғ тоза ва бегараз айтиб ўтди.

«Шоирликка ўқимаган», «мутахассис» шоирлар орасида мудом «Мен ортиқча эмасманми?» дегандай қимтиниб, тортиниб юарди. «Менинг шеърим ҳам бир нимага арзирмикан?» деган янглиғ ўз шеърлари олдида ҳам тортингандай тутарди ўзини. Бу кибру ҳаво, манманлигу адоварат дунёсига шундоқ бир шоир қаради-да, кетди.

Ҳақиқий шеърият ҳамиша фидойиликни талаб қилади, беаёв курбонликни сўрайди. Шеър учун аёвсиз яшамоқни, ўзини сарфламоқни ўз ҳаёти, шеърлари, китоблари или кўрсатиб кетди у.

Бир пайтлар етаклашиб илк шеърларимизни «Ёшлиқ» журналига олиб борганимиз. Устоз Эркин Воҳидов бош муҳаррир бўлган, шеър чиқариш фоят шарафли санаатни бу нашрда шеърларимиз босилганда, иккимиз учун қанчалар байрам бўлган эди. Абдулла аканинг назарига ниҳоятда тез тушган, мудом у кишининг дикқат-эътиборида бўлган шогирднинг ҳам шогирлари қисқа муддатда кўпайиб кетди.



У менга бор-йўғи бир мартағина илтимос қилган: «Мабодо мен ҳақимда бирон нима ёсангиз «Қўшиқчи шоир» деган сўзни ишлатмасангиз, ёмон кўраман...» У айнан ўйлаб, қўшиқ қилиб айтилсин учун шеър ёзган эмас. Шеърлари қўшиқдай, халқона, содда, равон яралгани учун ҳам қўшиқларга айланиб кетарди.

Сирожиддин САЙИД

«АЙЛАНАЙИН ҚОРА ҚОШУ КЎЗИНГДАН-А»

Муҳаммад Юсуф ўзбекнинг кўксини куйдирган шоир эди. Чунки у куйса ёзарди, гулласа ёзарди. Куйиш учун, гуллаш учун одам ошиқ бўлиши керак.

Муҳаммад Юсуф ўз миллатини, ўз Ватанини, унинг ҳар бир гиёҳи, ҳатто хасини ҳам ўзидан-да ортиқ суряди. У шеър қидирмасди, шеър уни излаб келарди. Халқона оҳанг унинг сатрларида ажиб садо берарди. Шу боис ҳам шоир шеърлари қўшиқ бўлиб қанот ёзарди. Бу қўшиқларда халқнинг дарди бор эди, орзузи, армони бор эди. Айни пайтда миллатнинг меҳри балқиб турарди, Ватанинг гўзаллиги уфуриб турарди.

«Кўкламойим кўкингдан бер бир чимдим» дея булбулдек бўзлаган шоир кўклам ўз кўксига сигмаган кунда — 26 апрелда туғилган эди. У Андижоннинг Марҳаматида туғилиб, бутун халқимизнинг эъзоз ва марҳаматига мушарраф бўлганди. Уни

Муҳаммад Юсуф

Қорақалпогистонда ҳам, Сурхонда ҳам, Бухоро, Самарқандда ҳам бирдек сярди муҳлислари. У том маънода ҳалқимизнинг эрка шоири эди. У Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига сайланганди. У Паркентни ўзининг иккинчи ижод маскани деб биларди. «Кумушкон», «Сўқоқ» оромгоҳларида умр йўлдоши Назира ва қизлари билан ҳордиқ чиқаради. Муҳаммаджон Кумушкон сойида чўмилишни ниҳоятда хуш кўрарди. Шоирнинг ўнлаб шеърларини илк ўқувчиси бўлганимдан, айни пайтда шоир шеърлари оқ қоғоз юзини кўрганда унинг ўз овозидан эшитганимдан фаҳрланаман.

Бугун ана шу фаҳр билан ёнма-ён дилни армон эзади, кўнгилни соғинч эзади. Камолоти кўксига сифмаган пайтда наҳотки шоир кетиб қолди, деган сўроқ жисму жонимни кемиради. Чунки унинг орзулари чексиз эди.

Муҳаммад Юсуф беназир устози, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан ёнма-ён ишлётганидан ўзига сифмасди. «Устоз ҳақида ажойиб бир нарса бошлаб кўйдим, бу ҳозирча сир» деганди Муҳаммаджон мамнуният билан. Яна бир куни у менга «Мен» деган достон ёзяпман, деб қолди.

— Нима учун айнан «Мен» номини қўйдингиз, деган саволимга:

— Мен деганим, бу ўзлигим, ўзлигимиз дегани. Меним орқали, кўнглим орқали кўрган азобимизни, насиб этган баҳтимизни, хурлигимизни куйламоқчиман, — дея жавоб берганди.

Афсуски, бу битиклар оқ қоғозга тушмай қолди. «Ёзилмаган қўшиқларим сиздан узр», дея хижолат бўлган шоирнинг ёзилмаган шеърлари Тошкентда 5-қаватдаги бетон уйи деворига бош ураётган бўлса ҳам ажаб эмас. Ёзилганлари эса шоирни ўлдирмайди.

*Айланайин қора қошу қўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, ҳалқим, ўзингдан-а!*

Бу сатрларни битган шоирни ҳалқи ҳеч қачон унутмайди. Зеро, Муҳаммад Юсуф деса ҳар бир дилда «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» деган садо жаранглайди. Усмон Носири, Чўлпони, Қодирийсининг дийдорига тўймай қолган ўзбек ҳалқи энди Муҳаммад Юсуфни ҳам соғиниб яшаяпти. Чунки у ҳалқ шоири эди, шу ҳалқнинг шоири эди.

Мен ўзимни Муҳаммад Юсуф руҳи олдида ҳамиша қарздор ҳис қиласман. Чунки унинг меҳридан кўп бора баҳраманд бўлганман. Шоир туғилган куни унинг уйига ҳофизлар сифмасди. Бугун эса кўнгилга қўшиқ сифмайди. Ёднома ёзяпман-у, ишонгим келмайди. ИЗТИРОБ билан «Қандай кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф» дея сўрайвераман.

ИЗТИРОБ

*Миллатнинг дардига дармон шоирим,
Энди ўз халқига армон шоирим,
Йўқ, сенинг ўлганинг ёлғон шоирим,
Наҳот ажал ўйлун бўлмайди тўсиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Балқиб турган баҳтнинг жарангидай хуш,
Шеър ўқиб элингни қилардинг сархуш,
Қайга шошдинг, инум, тобутингдан туш,
Онанг ўйларингга тургандир чиқиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Демагин сен билан битта жон кетди,
Қанча ёзилмаган шеър, достон кетди,
Тангри сенга берган зўр имкон кетди,
Ноламдан тиконлар чиқмоқда ўсиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Ҳар нафас кўзларим ўнгидадирсан,
Мехринг билан меҳрим рангидадирсан,
Оҳ, энди оҳларинг оҳангидасан,
Қизларинг туришар сочлари тўзиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Юлдуз йўлга чиқди сени ахтариб,
Гуломжон, Гиёслар гарибдан гариб,
Хофизлар бир кунда қолдилар қариб,
Наҳот сени бошқа кўрмаслар қайтиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Муҳаммади билан баҳтли Андижон,
Муҳаммадсиз қолди аҳли Андижон,
Йиғласанг арзийди, йиғла, Андижон,
Бобур ҳам Афғонда ётибди ўксиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

*Беҳишт болиш берсин, булбул шоирим,
Изингдан интизор минг гул шоирим,
Йўқ, сен ўлганинг йўқ бутқул шоирим,
Ўзбек олиб юрар жонига қўшиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?*

Махмуд ТОИР

Муҳаммад Юсуф

МАРСИЯЛАР

СОДДА МУҲАММАД

Ойни эшик билан балки ёпармиз,
 Текин юлдуз излаб кўкка чопармиз.
 Олмага қурт тушса фарёд айлаган
 Содда Муҳаммадни қайдан топармиз.

Қизлар орзу қилса тилладан қафас,
 Йигитлар оғусиз олмаса нафас,
 Қирқ кокил ойимни айлаган ҳавас
 Содда Муҳаммадни қайдан топармиз.

Баъзида сел бўлиб достонларига,
 Баъзида кулдикми армонларига.
 Кимлар олиб кетди осмонларига,
 Содда Муҳаммадни қайдан топармиз.

«Тузукроқ ўиглашни билмас қизлари»
 Йўл тушса Анжонга хумор кезлари,
 Садафдек ёнса ҳам босган излари —
 Содда Муҳаммадни қайдан топармиз.

Хайрулла НУРИДДИНОВ



ЯССАВИЙНИНГ ёНИГА КЕТДИ

*Бир арслони ўтди ўзбекнинг,
Оҳи кўкка етди ўзбекнинг.
Кўёш, йигла, осмон, аза тут,
Муҳаммади кетди ўзбекнинг.*

*Баланд кетди, шонига кетди,
Жаннатнинг айвонига кетди.
Турк юкини елкалашай деб,
Яссавийнинг ёнига кетди.*

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

* * *

Радиодан деярли ҳар куни Муҳаммад Юсуф шеъри билан Ватан хақида кўшиқ берилади.

*Тиниқ чашма мисли қайнаб,
Бирда ўйчан, бирда ўйнаб,
Дилини ўртаб, ружни қайнаб,
Муҳаммаджон куйлаётир.*

*Юлдузнинг шаънили созида,
Севаранинг овозида,
Элнинг орзу-ниёзида.
Муҳаммаджон куйлаётир.*

*Қўшиғига тутсам қулоқ—
Оддийгина сўзлар, бироқ
Тинглагандга босар титроқ—
Муҳаммаджон куйлаётир.*

*Музлар эриб тафт-қўридан,
Тил учимас, дил тўридан,
Юрагининг туб қаъридан
Муҳаммаджон куйлаётир.*

*Куласа-да, терак бўлиб,
Бугун яна керак бўлиб,
Байрамда муборак бўлиб,
Муҳаммаджон куйлаётир.*

*«Ўзбекистон— улугимсан,
Чўпонимсан, чўлигимсан»,
Шеърим, мангу қўшиғимсан—
Муҳаммаджон куйлаётир.*

*Нидо бўлсам, бўлайин деб,
Фидо бўлсам, бўлайин деб,
Адо бўлсам, бўлайин деб,
Муҳаммаджон куйлаётир.*

*Кўнгли сутдек оқ, ойдиним,
Уйи холис, лафзи чиним,
Корамагиз шоир иним —
Муҳаммаджон куйлаётир.*

*Куйлаётир, тирик гўё...
То юрт омон, тургай дунё,
Чиққан қўёш, оққай дарё—
Муҳаммаджон куйлаётир.*

Абдулла АЪЗАМ

Муҳаммад Юсуф

СИЗ ЙҮҚ

*Дада, сиз йүқ — борлар кетди,
Жаранглаган торлар кетди,
Кетди кулгу түлгап күнларим.*

*Ярим бүлгап күңглил түлмас,
Осмон тұла юлдуз күлмас,
Мендей ғамғын әнді туңларим.*

*Болалигим сизде экан,
Қызим, деган сүзде экан,
Қани сиздай меҳрибонларим.*

*Күндузлари қонлар ютиб,
Түшларимдан најжот күтиб,
Яшаятман оғриб жонларим!*

Дада, сиз йүқ...

МЕХРИБОНГИНАМ

*Йиғлаб ёздирмасанг айланай ўзим,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим.
Мұхаммад Юсуф*

*Йиғлаб ёздирмаган күнларим ҳақин,
Тинчіб ухлатмаган туңларим ҳақин
Кимларга тұлай.*

*Бир соңия жиболмайин ёнимдан,
Ҳар дақиқа мінг ўргилиб жонимдан,
Анжон кетдингиз.*

*Борай десам, сиздай суяр инсон йүқ,
Арзи-додым айтай десам, имкон йүқ—
Тура олмайсиз.*

*Жигарлар ҳам сиз бор жойда жигарми,
Жигарларнің мәхри оқиб тугарми—
Кетділар түзиб.*

*Күзларимни юмсан, құлым ушлайсиз,
Әннігдаман, қизим, деб күз ёшлайсиз—
Меҳрибонгинам,*

Дадажонгинам!

СОГИНДИМ

*Дада, сизни согиндим,
Энди билдим, орзу не,
Армон нелигини ҳам.*

*Дада, сизни согиндим,
Азоб берди айрилиқ...
Күнолмадим... Лек күндим.*

*Дада, бир бор келсангиз—
Менга баҳт ҳам керакмас,
Тилло таҳт ҳам керакмас!*

*Дада, бир бор келсангиз...
Бир бор түйиб олсам бас!
Дада, Сизни согиндим!!!*

Мадина Юсуф,

МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

МЕХР ҚОЛУР

Үтар қанча йиллар түзони,
Юлдузлар — күз ёши самони.
Үтар инсон яхши-ёмони,
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Қорачуғда порлаган ўша,
Иқболига чорлаган ўша.
Дунёни тор айлаган ўша —
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Анор сенинг юзларинг, сулув,
Хумор сенинг кўзларинг, сулув.
Ёдда қолмас сўзларинг, сулув,
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тоҳир,
Зухро йиғлаб қолди қон бағир.
Келганда ҳам қиёмат охир,
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

Нима дейсан, эй, гайр инсон?
Фийбатларинг қилди мени қон.
Сен ҳам бир кун ўтурсан, ионон,
Мехр қолур, муҳаббат қолур.

БИЗ БАХТЛИ БЎЛАМИЗ

Майли-да, кимгадир
 Ёқса,
 Ёқмаса,
 Уларга қўшилиб
 Йиғлашармидик.
 Биз баҳтли бўламиз
 Худо хоҳласа,
 Худо хоҳдамаса
 Учрашармидик...

Райҳон ҳидларингни
 Йўлларимга сеп,
 Кут мени,
 Ҳар оқшом,
 Кўкка ой чиққан.
 Фақат,
 Йиғламагин
 Гуноҳим не деб,
 Айбинг —
 Онанг сени
 Чиройли туққан!..

Менга
 Бир табассум
 Ҳадя эт, эй ёр,
 Нур томсин
 Лабларинг
 Соҳилларидан.
 Ўзинг айт,
 Сендай қиз
 Яна қайда бор,
 Киприклари узун
 Кокилларидан?..

Ийманиб яшама
 Хаёл пинжидা,
 Ёйил,
 Яйра жоним,
 Ўртанма ғамда.
 Фийбатларга чида,

Тұхматта чида,
Сен биттасан, ахир,
Ёруғ оламда.

Мен эса
Ошифинг сенинг
Эң ғарип —
Тундан сүз
Қарз олиб,
Тонгга тутгувчи.
Сенинг ёнингдан ҳам
Сени ахтариб,
Сенинг ёнингда ҳам
Сени кутгувчи.

Иста,
Тиз чўкаман
Ҳозир олдингда,
Севдим,
Севганимдан
Уялмоқ нечун.
Барча фаришталар
Сенинг қалбингда
Ижарада турган
Қизлар мен учун!..

Биз баҳти бўламиз
Худо хоҳласа,
Худо хоҳламаса,
Учрашармилик...

ТИЛАК

Ҳар кимнинг ҳам соchlарига оқ тушсин,
Ажин тушсин юзларига, доф тушсин.
Ҳар кимнинг ҳам қувват кетиб белидан,
Кўлларига асо бир таёқ тушсин.

Имони соф, юзга кириб ёруғ юз,
Тўйлар кўриб, елкасидан тоғ тушсин.
Ва жисмига сўнгги сафар олдидан
Ўз боласин қўлидан тупроқ тушсин!

МУНОЖОТ

Умр нима. Умр аслида бир юмалоқ тұгмача йўл,
 Тұгмадан сал каттароқ ё яна бир нимача йўл.
 Бешигимнинг олдидан қабрим олдигача йўл,
 Мен кетарман бир куни, наволарим, зорим қолур.

Бу узун ҳижрон йўлидир, бу узун азоб йўли,
 Ҳар саҳар кулиб чиқиб, йиглаб ботар офтоб йўли,
 Ким учун гуноҳ йўлидир, ким учун савоб йўли,
 Ҳарнадир, ҳар бирига ортимда иқрорим қолур.

Яхшилик муроди бор ҳар дилга мен жоним берай,
 Яхшиларга қўлда бору йўғу имконим берай,
 Кўнгли пок шогирдима булбул бу забоним берай,
 Мен кетарман бир куни, зор йиглабон торим қолур.

Мен кетарман, қолмагай тилла тахту кўшкларим,
 Менга бу дунёда чин келтирди баҳт қўшиқларим.
 Ўзбегим уйида янграр ҳамма вақт қўшиқларим,
 Ёд бўлиб айтганларим, элимда алёрим қолур.

Ол, дея бир кун эгам, осмонга учса руҳларим,
 Бир ажиб мовий диёр бўйинни кучса руҳларим,
 Кўк менинг кўксим бўлур, юлдузлари андуҳларим,
 Гул ўпидиб, гул ёпиниб ҳар дилда мозорим қолур,

Мен кетарман бир куни, наволарим, зорим қолур.



ҲАМЗА ИМОНБЕРДИЕВ

(1954—1997)

Шоир Ҳамза Имонбердиев билан вақтли матбуот орқали танишган эдим. 1975 йилнинг баҳорида унинг бир туркум шеърлари эълон қилингандай газета қўлимга тушиб қолди. Ўқиб чиқдим. Мағзи тўқ, қисқа ва лўнда ёзилган воқебанд машқлар. Ўшалардан бири «Чаноқвой» билан танишайлик:

*Чаноқ беш бармоғида
Пахтани ушлаб турар.
Теримчини баҳолаб
Кўнглини хушлаб турар.
Бир тола ҳам қолдирмай,
Тоза терсанг қанча сен,
Аэло қўйдим дегандай,
Кўрсатар беш панжасин.*

Ҳамзанинг туркум машқларидан қувониб, унинг номига хат битиб, ёш шоирнинг манзилини билмаганим учун шеърлари чоп этилган газетага йўлладим. Орадан кўп ўтмай Ҳамзадан жавоб мактубини олдим. Хат муаллифнинг ўзидай самимий эди.

«Салом, Турсунбой ака!

*Сиздан мактуб оламан деб сира ўйламовдим. Мақтоб гапларингиз
учун катта раҳмат. Яқинда Низомий номидаги педагогика институтини
битириб, икки йўлнинг орасида турувдим. Олимлик қилсаммикин ёки*

шоирлик?.. Энди Сиз таъкидлагандай болаларга машқ қилганим маъқулроққа ўхшайди...

Хўп, омон бўлинг.

Хурмат билан укангиз Ҳамза Имонбердиев».

20 май, 1975 йил.

Шундай қилиб, Ҳамза билан ака-ука бўлиб кетдик. Фалакнинг гардиши билан ўн икки йил ёнма-ён ишладик. Одатда, инсонни бирга ишлаганингда ёки сафарга чиққанингда яқиндан англаб, ўзинг учун каашф қиласан.

Ўзбек болалар адабиётига чақмоқдек кириб келган шоир Ҳамза Имонбердиев ўта тўпори, андишали, дилкаш, бир оз ирим-сиримга ишонувчан дилбар йигит эди. Унга нисбатан бўлган ҳурмат ва эътиборимни ишхонада ҳам, кўча-кўйда ҳам ҳеч кимдан яширмасдим. Бешбармоқ, кулчатой егимиз келиб қолса, топган-тутганимизни кўтариб Ҳамзанинг хонадонига борардик. Кайвони онахонимиз марҳум Фарида опа бизни ҳамиша ёруғ юз билан кутиб оларди. Бу аҳил ва иноқ оилада ўсаётган ўғил-қизларнинг иқтидоридан таъсирланиб қўйидаги мисраларни ёзиб, матбуотда эълон қилганим ҳам сир эмас:

*«...Отажоним» қўшигини
Шерзод шўх-шан айтга бошлар.
Ҳамза чалар рубобни,
Томошибин қўшни ёшлар.*

*«Эй, сабо»ни Дилором,
Қойиллатар дуторида.
Ушбу куйни тинглаганлар,
Бу гўшада бўлмас зада.*

*Жайхун бўшаб «шиш-пиши»дан,
Ансамблга қўшилар.
Кўнгил яшина бўлғанидан,
Симобдайин эшилар.*

*Фарида опа хуррам,
Завққа ботиб рўпарада,
Алқаб-юлқаб уларни,
Дуога қўйл кўтаради...*

Ҳамза фарзандларига ўта меҳрибон эди. Айниқса, ўғли Шерзодга санъат сирларини ўргатишда сира эринмасди. Айни вақтда консерваторияда ўқиётган қизи Дилоромга скрипка сотиб олиш билан боғлиқ воқеаларнинг ўзи ҳам ҳужжатли ҳикояга арзиди.

Шоир Ҳамза Имонбердиевнинг сирли бир ён дафтари бўларди. Унда вилоятларда яшаб, болалар учун яхши шеърлар ёзаётган ижодкорларнинг рўйхати ва манзиллари битилган бўлиб, Анвар Обиджон

били менга бу ижодкорларнинг китоблари чоп этилишини тез-тез айтиб турарди. Булар хоразмлик Рустам Назар, қўқонлик Зафар Исимиддинов, ургутлик Худойберди Комилов, андижонлик Муқимжон Қодировлар эди.

Ҳамзанинг ўзгалар ҳам ўрганса арзийдиган фазилатларидан яна бири ёзган шеърларидан кўнгли қониқмаслиги, ўзига ва машқларига нисбатан ўта талабчанлиги. Бир шеърини бир неча марта қайта ишлаб, ўз меҳнатидан завқлана биларди. Бу эса ҳақиқий мўъжизага айланарди. Ана шундай кашфиётларидан бири «Маслаҳат»дир:

— Қанча «с» ёзилади,
«Ҳасса» сўзида, ажаб?
Биттами, иккитами,—
Билолмай ҳайрон Ражаб.

— Учта «с» ёзинг, ака, —
Ақл ўргатар Жўра.
Ортиб қолгани маъқул
Етмай қолгандан кўра.

У янги ёзган машқларини ўқиб беришидан ташқари, бирор фикр айтишимни кутарди. «Аяманг, тўғрисини айтинг», дерди. Энг сўнгги достонларидан бири «Исмоил Забиҳуллоҳ қиссаси» ана шундай мунозара асосида муаллиф томонидан бир неча марта қайта ишланиб, «Гулхан» журналида босилди. Дарсликларга кирган бир қатор машқлари ҳам, ҳатто янги «Алифбе»дан ўрин олган шеъри ҳам ана шундай тортишувларнинг ҳосилидир.

Мен меҳнат таътилида бўлганим учун 1997 йил август ойининг олтинчисида Ўшдан Ҳамзанинг уйига қўнфироқ қилиб, ундан ҳолаҳвол сўрадим. «Ака, отпускага чиқдим. Дибором билан Дилафрўз ўқишига кириши керак, тезроқ келинг...» деди. Унга 9 августга поездга патта олганимни айтдим. 11 август куни эрталаб Ҳамза билан телефон орқали боғланиб, 12 августда ишхонада учрашадиган бўлдик. Афсуски, ваъдалашилган куни у келмади... Ишхонадан чиқиб 65-автобусда уйга қайтаётib «Табассум» радиожурналининг отахони, таниқли ижодкор Тўлан Қўзибоев билан учрашиб қолдик. Суҳбат асносида Тўлан ака: «Сиз билан Анвар Обиджон рози бўлсанглар, Ҳамзани радиога ишга таклиф қилмоқчимиз», деб қолди. Мен унинг илтимосини ҳазилга олиб «Ҳамза «қозоқ»ни «Табассумга» сотадиган «қирғиз» йўқ» деб жавоб қайтардим...

Минг афсуски, Ҳамза билан учрашмоқ менга насиб этмаган экан. Эртасига 13 август куни уни дағн этдик...

ХАМЗА ИМОНБЕРДИЕВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

ШОКОЛАДХҮРЛАР

Табиат фанидан дарс
Борар 3-«Ж»да.
Холвой хаёлга чүмган,
Шириң «кис-кис» лунжида.

«Жаңонда күп ороллар,
Бир-биридан зиёда.
«Шириңлик» ороли ҳам
Бормикан-а, дунёда?

Бұлғанда-ку оролнинг
Робинзони бўлардим.
Шоколадга оҳ, оҳ, оҳ,
Маза қилиб тўярдим».

Буни қарангки, ўйи
Йнобатта олинди.
Олисдан бир хушхабар
Кулоғига чалинди:

Болалару, болалар,
Эшитмадим демангиз.
Сафарга жўнаяпти
«Шоколадхўр» кемамиз.

Шириңлик оролига
Роса бир ҳафталик йўл.
Шириңликлар оролда
Истаганча мўлу кўл.

Ҳа, айтмоқ-чи шарти ҳам
Унчалик оғир эмас.
Ҳар бир бола асалдан
Ярим пақир еса бас.

«Пахтакор», «Оқ олтин»нинг
Ҳар биридан беш кило.
Учта торт ва атиги
Олти кило повидло.

Болалару, болалар,
Эшитмадим демангиз.

Имтиҳондан ўтганга
Интизордир кемамиз...
Бу хабар шу заҳоти
Ёйилди ҳар томонга.
Бунақанги мурувват
Бўлмаган ҳеч замонда.

Имтиҳонни зумда Ҳол
«Беш» баҳоға топшириди.
— Бўлса яна беринг,— деб
Капитанни шошириди.

«Шоколадхўр» бирпасда
Тўлди конфетхўрларга.
Ҳол полвонга ўхшаган
Иштаҳаси зўрларга.

...Уч кун бўлди, болалар
Сузар очиқ денгизда.
Уч кун бўлди, шириңлик
Тушмай қўйди оғизга.

Йўловчилар бетоқат,
Лабларини ялайди.
Ненидир орзу қилиб
Бир-бирига қарайди.

Ҳар бир бола ўзини
Чалғитишга уринар.
Нуқул кўзга шериги
Шоколад бўп кўринар.

Бир пайт бирор тўсатдан
Додлаб қолди: «Боллар,
Кемамиз шириңликдан
Ясалибди, қаранглар!!!»

Бу хабарни эшишиб
Кўпни тутди ҳиққиҷоқ.
Севинчдан нақ бештаси
Хушидан кетди шу чоқ.

Бир зумда, буни қаранг,
Бошланди ур-ийқит, жанг.
Лекин күп ҳам ўтмасдан
Бўлиб қолди аҳвол танг.

Аввал бошда нафснинг
Курбони бўлди елкан.
— Тартиб, тартиб сақланглар!
Деб ялинар капитан.

Сўнгра мачта, каюта,
Бирма-бир бўлди гумдон.
Штурвал ҳаммасидан
Ширин чиқди ўн чандон.

Бирори шўнгигиб чиқиб
Бақирди даб-дурустдан.
— Кўтаринглар лангарни,
Ясалиби «ириш»дан!

Холнинг жаги тинмас ҳеч,
Канор қопдай шишса ҳам.
Чанқоғи қолмас сира
Бир бочка сув ичса ҳам.

Синфдоши Нор бўлса
Ўзи ейиш ўрнига,
— Қора кунга ярап,— деб
Жойлар чўнтак, қўйнига.

— Кимдан юқди бу касал
Болаларга, во ажаб?!

Анунинг ҳаракати
Нақ ўлгич қассоб Ражаб.

Вой, манави болани,
Тиқилиб ўлмасайди.
Беш панжасин тиқиши
Кимларгайдир ўхшайди.

...Оролга сал қолганда
Кема чўка бошлади.
Шоколадхўр болалар
Сувга бўка бошлади.

Холвой ҳам чўкиб борар
Ҳалкумига келиб жон.
Бир пайт додлаб юборди:
— Кутқаринглар, ойижон!!!

... Табиат фанидан дарс
Борар З-«Ж»да.
Бу дод-войдан болалар
Кўрқиб кетишиди жуда.

Синфдошлар ҳайрон, лол:
— Нима бўлди, бу не ҳол?!

Кўлга тушган боладек
Қизариб ўтирас Хол.

БУЗУҚ ТЕЛЕФОНДАГИ СУҲБАТЛАР

Телефонда — Филбой ботир

— Алло, бу қайси галварс,
Менинг уйқумни бузган.
Ким бу шабкўр, ярамас,
Жондан умидин узган?!

— Бу мен, бир нодон жонман,
Кулогингиз ичидаги
Меҳмонингиз Сичқонман.
Тушиб қолибман билмай.

— А?! —
Бехуш йиқилди Филбой.

Телефонда — Сичқон чий

— Алло, алло, Вий-вийми?
 Танидингми, мен — Чийни?
 Воҳ-воҳ, дўстим, ишим зўр,
 Ишонмасанг, келиб кўр.
 Қоринча тўқ,
 Қайғу йўқ.
 Ётибмиз-да Мош деган
 Беозорга уриб дўқ.
 Хизматимда бечора,
 Ўзингда не гап, жўра?

— Бўй-бастингни кўрай, деб,
 Жамолингга тўяй деб.
 Юрибмиз-да, Чий ўртоқ,
 Ошхонага бирров бок.

— Овозинг дағалми, ҳов,
 — Шамоллаганман, миёв!!!

УРИШҚОҚЛАР

Кўлла ёғоч-автомат,
 Уруш-уруш ўйнаймиз.
 Ё калиш— граната,
 Бир-биrimiz пойлаймиз.

Гоҳ кўкракка урамиз:
 — Душманга ер йўқ,— деб.
 Гоҳ юзтубан қулаймиз
 Нақ юракдан «ўқ» еб.

Баъзида чинқирамиз:
 — Пақ-пук, отдим, йиқил,— деб.
 Душман тан олмас:— Ўқинг
 Қийшиқ кетди нуқул, — деб.
 Ҳамма бола ўйннда,
 «Жанг» қизийди тобора.

Фақат Нодир ракета
 Ясаш билан овора.

— Уришқоқлар ичидা
 Яшаб нетаман,— дер у.
 — Олис сайёralарга
 Учиб кетаман,— дер у.

Буни эшитиб бизлар
 Дарров уни ўраймиз.
 — Ўзинг билан бизни ҳам
 Ола кет,— деб сўраймиз.

Рози бўлар дўстимиз:
 — Чиқинглар,— деб имлади.
 Биз кашф этган сайёра
 Уруш нима билмайди.



НАЗАР ШУКУР

(1955—1985)

Шоирлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда ўладилар.

Фаранг ҳалқ мақоли.

Мунча ўч бўлмасанг, жодугар кампир — ўлим, ёш иигитларга?!

Инсоннинг дунёга келиб-кетишни тақдирга боғлаймиз. Ёш кетганлар ҳақида «Умри қисқа экан» деб таскин сўз айтамиз. Лекин ҳаётда бевақт кўз юмғанларнинг қисмати юракда айрича қайғу уйғотади. Дўст-биродарлари кўнглида мунгли хотира қолади.

1985 йилда, ўттиз баҳорни кўрмай кетган «Кўқдаги умр», «Вақт хиёбонида» номли китоблар муаллифи, истеъодли шоир Назар Шукур ҳақидаги хотиралар ҳам ана шундай.

ИСЁНКОР ТУЙҒУЛАР КУЙЧИСИ

*(«Эй Назар, яшаб қол, ўлиш қочмайди!» ёки
сўзи ўлимга бўй бермаган шоир)*

Ўзбек шеърияти кенгиллари шундай ҳудудсизки, ҳушёр бўлмаган одам унинг пучмоқпарида содир бўлаётгани айрим ҳодисалардан хабарси з қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Қанчалар аччиқ ва ёқимсиз бўлмасин чин

гап шуки, ўзини миллий шеъриятдаги катта-кичик ҳодисаларни мунтазам кузатиб юради деб ҳисоблайдиган одам, Назар Шукур деган шоирнинг шеъриятимизга кириб келганини ҳам, энг ачинарлиси, ундан кетиб қолганини ҳам билмай қолибман. Водарип!

Назарнинг миллий шеъриятда ўз ўрнига эга шоир эканини илк бор ёзувчи Абдурашид Нурмурод қаламига мансуб «Қон ҳиди» романининг иккинчي китоби қўлёзмасини ўқиганда билдим. Романда Назар тимсоли шундай тасвирланганки, киши беихтиёр шоир шахсини ёқтириб, унинг шеъриятига қизиқиб қолади. Маълумки, одатда, ижодкорга муҳабbat ва қизиқиш унинг ижодига муҳабbat ва қизиқиши пайдо қиласди. Роман қўлёзмаси билан танишгач, марҳум шоир меросидан матбуотда берилган намуналарни қидириб ўқийдиган бўлдим. Лекин ҳануз унинг бирор шеърий китобини кўрмаган ва унинг ижодини яхлит кузатмаган эдим. Назарнинг оқибатли жўраси бўлган Абдурашид бир кўришиб қолганимизда марҳум шоир ҳақида телефильм қўлмоқчи эканини айтиб, унинг шеърлари тўғрисида фикр билдиришимни сўради. Табиийки, ҳаёти ва шахсиятини мутлақо, асарларини етарлича яхши билмайдиган ижодкор ҳақида фикр айтольмасдим. Абдурашид шоирнинг иниси Ўроз Ҳайдар томонидан тайёрлаб чоп этилган «Мени кечир, муҳабbat» ва «Видо» китобларини топиб берди. Кейинчалик таникли шоир Баҳром Рўзимуҳаммад Назар Шукур шеърларидан тайёрланган тўплам қўлёзмасини жўнатди. Хуллас, мен ўзим учун ўзбекнинг Назар Шукур деган ўттиз ёшида тирикликни тарқ этган, битганлари чин ва ёлқинли сахрои шоирини кашф қиласди. Бу кашфиётимнинг севинчу изтиробларини сизларга-да илиндим, шеърсуяр жигарларим...

Ёзувчи, шоир ва адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам: «...шоирлик – тинимсиз равишда табиатга қайтишилик», дейди. Чунки табиат қаршисида одамнинг кўнгли борича намоён бўлади. Табиатнинг олдида одам турланиш, аслидагидан яхшироқ кўринишга уриниш заруриятини сезмайди. Аслнинг олдида аслидагидай бўлгиси келади. Назар Шукурнинг шеърий меросида табиатнинг турфа ҳолатларини кўрсатиш асносида инсон кўнгли жилваларини моддийлаштириш, унинг энг қоронғу пучмоқларини ҳам муҳабbat ёғдуси билан нурлантириш устувор туради. Шоир «Кенгликлар қўшиғи» шеърида туғилиб ўсан отамаконнинг манзарасини чизиш орқали унга бўлган чексиз муҳаббатини изҳор этади. Назар манзарани нафақат жонлантира билгани, балки унга руҳ ҳам бера олгани учун шеърнинг ҳар бир сатридан улкан севги ва соғинч балқиб туради:

*Куёш ўпар – бола тани кийимсиз,
Дараҳтлари зерикади қуюнсиз,
Озод қушлар яшолмагай ўйинсиз,*

*Деҳқонининг кетмомонидан кун анқир,
Жўякларда шилдираган ун анқир.*

Шоир болалиги ўтган маконга муҳаббат ва уни қўмсаш туйғусини чучмал оҳ-воҳларсиз, у ерлар учун табиий бўлган ҳолатни манзаралаштириш орқали таъсирил акс эттиради.

Асл шоир тилсиз нарсаларга забон баҳш эта, кўз илғамайдиган нарсаларни кўрсата билади. Назар шундай шоир бўлгани учун ҳам унинг шеъридаги кенглик образи инсонга хос белгилар билан зийнатланади ва бу ҳол кишига нотабиий туюлмайди:

*Кўп камтардир, шовқин солмас кенгликлар,
Кучогида қават-қават жимликлар...*

Қозоқбой Йўлдош
2009 йил, 9 апрель

ОВОЗЛАРГА ҚУЛОҚ ТУТАМАН

Бу ётоқхона Пушкин номидаги метро билан Шастри автостанциясидаги оралиқда жойлашганди. Автостанция томонда поезд кўприги бор эди. Шу кўприк остига етиб келганимизда ёмғир хуружидан қутулгандай бўлдик. Аммо баҳор ҳавосининг намхуш шамоли сув зарраларини юзимизга тинимсиз сочарди.

Назар Шукурнинг қуйидаги шеъри дунёга келган эди:

РУҲСИЗЛИКДА

*Мен бугун сиғмадим ўз юрагимга,
Зил куйдай оқаман, ўзансиз, сойсиз.
Мен бугун сиғмасдан ўз юрагимга,
Қувилган руҳимдай юрибман жойсиз.
Ёмғирлар савалар, куйдирар офтоб,
Асабий мушукдай тирнайди аёз.
Худди мен оламда аёвсиз копток,
Ҳасратлар терану қувончлар саёз.
Мен бугун сиғмадим ўз юрагимга!
Оқмадим бандида ҳайқириб қондай.
Юрагим, бир кеча жой бергин менга,
Кенг, сахий эдинг-ку Ўзбекистондай!
Бу гал ҳам юрагим қилмади қабул,
Бағрига фуссалар сиғади тақрор.
Мени ташқарида сўкиб, савар дўл:*

— Ташқаридан кетгин, ташқари ҳам төр!
 Бұғотлар асролмас ўз паноҳида,
 Бұғотсиз ійіл узра юраман дайдіб.
 Дилдираб, қалтираб яна охиста,
 Юрагим ёніга келаман қайтиб.
 Ільвора бошлайман:
 — Юрак, раҳм қил,
 Гүссалар бағриңеда ҳолимга кулар.
 Ъз она тилинг-ку сен сүйләгап тил,
 Гапимга бемалол тушунсанг бұлар?!
 Нега тушунмайсан? Күлоқ тут бирпас.
 Келгин, сұзлашаілық юзма-юз, дилдан!..
 Юрак құзғолади жойидан бехос.
 Юрак лом-лим демаі, жұнайды шідам.
 Ҳадсиз савалайды тағин ёмғир, қор.
 Фаслар аёвсіз дағдаға солгай.
 Муз бұлғып қотаман совуқдан, зинхор —
 Юрагим құйнуда исина олмай!



Назар ижодига бақо беришда олимларимиз бир нарсага эътибор беришни истардим. Шоир шеърларининг тұқсон фоизи қорли, ёмғирли күчаларда ёзилган. Гар оппоқ шифтга термилиб, чиннидай озода хонада хаёл суриб шеър биттанда у жағон адабиётининг шоқ шоирларининг тожини олиб кийган бўларди.

Изгиринли кўчада оч-яланғоч, дилдираган шоир руҳининг, эътиқо-дининг, дунёсининг нақадар мустаҳкам бўлганлигини бугунларда ҳис қилиб турибман. У ҳамма вақт шошилиб юради.



Юқорида «биз уни ўлдириб қўйдик» деган бир калима сўз қулоқقا чалинди. Назар машҳур шоирдан ўз пулини қайтариб ололмади. Ҳаётининг энг сўнгги кунлари у Ватансиз, пулсиз эди. Аммо шоирдан пулини сўролмасди. Унга бағишилаб шеърлар битарди. Ўша шеърлардан бирини тўлиқ келтирмоқчиман:

...ГА

*Ялтирайди қуёш тигида
Майсадаги шабнамлар шаффоф.
Тонгга боққин, тонг эса жуда —
...шеърларидаи соф.
Тунда қуйган шаррос ёмғирдан
Қиз юзидаи чайилган атроф.
Боқиб бир ҳис түясан бирдан—
...шеърларидаи соф.
Еллар қўзғар караҳт гул исин,
Бағри тўлиб ҳидлайди офтоб.
Ҳув, юргурган бола кулгуси—
...шеърларидаи соф.
Ҳаяжондай, титраб кет, бутун,
Бермай осмон поклигига тоб.
Тўйиб симир, ҳаво ҳам бугун—
...шеърларидаи соф.*

Хўш, шоир пулини алдаб олган «мард» катталарга мансуб экан. Унинг тенгдошлари марҳум дўст хотирасини эслаб нима каромат кўрсатди. Аммо минбарлардан меҳр-оқибат, халқига садоқат ҳақида куннинг иккинчисида ҳайқириб түрибмиз. Боса-бос замонида кўп адибларнинг қинғир ишлари ҳақида ҳам гапириб ўтдик. Аслида бутун бошли халққа меҳр-муҳаббат ёнимиздаги нотавон инсоннинг қўлтифидан олишдан бошланмайдими.

Шоир тириклигида унинг ортидан истеъдолли, истеъдолсиз оломон эргашиб юрарди. Ҳамма уни яхши кўрарди. Шоирликка укуви йўқлар унинг самимий, беғубор маслаҳатлари билан ўзига йўл топиб кетарди. Маслаҳат олган, маслаҳат берган ҳам хафа бўлмасди.

Ўша ўйтларни миясига жойлаган оломон қани? Овоз берингиз. Овозларга қулоқ тутаман.

Ҳассос шоир Йўлдош Эшбек шеърлари қора туман пардаси ичидаги сирқираб пойимга тўкила бошлади:

*Менинг фарёдларим кимга етади,
Ўлим ҳар кимни ҳам банди этади.
Не учун яхшилар эрта кетади,
Нега яхши бўлдинг, Назаржон, энди.
Дерлар ҳар тасодиф келмас бежисизга.
Қолдирдинг ғамни не гуноҳимизга,
Ким жавоб беради бу оҳимизга,
Қаёқларга кетдинг, Назаржон!*

Абдурашид НУРМУРОДОВ

Марҳум шоир Назар Шукур ушбу достон муаллифини ўз акасидай яхши кўтарди. Хонадонида тез-тез меҳмон бўларди. Тасодифни қарангки, марҳум ҳаётининг сўнгги кунида ҳам улар бирга эдилар. Достонда шу тўғрида ҳикоя қилинади.

Асарадаги бошқа қаҳрамонлар Вақт ва Давр тақозоси билан ўша йиллар кўзи билан қараб, қоғозга туширилган. Гап шундаки, фожиа мустабид шўро даврида рўй берган. Табиийки, достонда тилга олинган миришаблар ўша давр қонун-қоидаларини ортиқча далил-у изоҳларсиз ҳам тушунишади, деб ўйлаймиз.

Ўтганларни Худо раҳмат қилсин!

Багишлов
(достон)

Даштлар қучогида түгилиб ўсдинг,
Сенга Тошкент ҳақида ҳикоя
сүйләдилар:
«Күчалари ундоқ,
Боғлари бундоқ.
Бинолари, инсонлари...»
«Үқийдилар үсегитлар, қызлар.
Келиб барча вилоятидан—
Ватанимизнинг;
Ўзимизга ўшаган бари...»
Шоирлар яшайди унда, дедилар,
Шеър машқ қила бошлиған эдинг,
Шоир бўлгинг келди ногаҳон,
Боргинг келди ўша шаҳарга,
Ўқигинг келди.
Бординг, кўрдинг, ўқидинг,
Шоир ҳам бўлдинг,
Ҳаммасига етганингда
ўлдинг-да, кетдинг
Укажон, кетдинг!.

I

— Борманг, дадажониси,
Ўлтириңг ишлаб.
— Инсон қўнғироқ қилди,
Чорлади мени,
«Қўргим келяпти сизни», —
деб айтди.

Боришиш керак!

Бошига қийин кун тушгандир балки!
— Тушунаман ҳаммасин, бироқ
Ёмон туш кўрдим!..
— Нима экан кўрган тушинг, хўш?!
— Айтмайман, йўқ, айта олмайман
Лекин сиз борманг!
— Бормайман, айтсанг!

Тараффудда тош қотди хотин,
Айтмасинми-айтсинми?!
Уят гапни айтади қандоқ?!!
Айтмаса боради,
Борар бу қайсар!..

«Қора рўйхат» сабаб ҳайдалди
ишидан,
Саккиз ойдан бери юрибди бекор,
Матбуот ҳам
Эълон қилмай қўйди ёзганларини...
Кундан-кунга инжиқлашмоқда.
Болаларни бошқа уйга киритиб,
Шилиб ташлаб юзини, айтди:
— Кийим-бошсиз кўрдим
иққаламизни,—
Қўшиб қўйди хотин сўнг шоша-пиша,
— Бу ёмон туш, дадаси, жуда
ёмон туш!.
— Нимаси ёмон, хўп. Жуда
яхши туш, —
Овозини баландлатди эр.—
Бу нимаси?! Қачон қараса,
Мен киришим керак сенинг
гапингга!—

Қайнаб кетди қони эрнинг ногаҳон:
— Эркак менни ўзи бу оиласда?
Сенми? Каллам йўқми ўзимнинг?!

Тўсди эрнинг йўлни йиғлаб:
— Борманг, дадажониси,
Дадаси, борманг!..

II

Иш вақтида
Ишхонада ичиб ўлтириш
Колганди-ку расмдан,—
Дея ўйлади,
Кўзи тушиб дастурхондаги
Бўш шиша ва бўш қадаҳларга.

Саломлашдилар.
— Зиёфат жа қуюқ-ку!..
Ювяпсизларми
— Ичкилик тўғрисида чиққан
қарорни?!
— Ичкиликни тақиқлаш

Хақидағи қарорни,— деңг,—
Тұғрилади унинг сүзини кимдір.

(Узр айтған бұлдылар
Ароқ түгаб қолғани учун.
Тушунтирилар—
Ишхонада кимдір-бирорвнинг
Түғилған куни бұлиб,
Торт соғва қылышылар
Эркакларга аёллар.
Кимдір «Тортни ароққа—
Газак қылса, хұб бұлар»,— дебди.
Кимдір буни синаб күрмоқ
Истагида ёнибди,
Баҳона— ичиш.
Қаралғанда ўлтирганлар
кайфиятига,
Ёмон бұлмаганга ўхшар эди
тажриба...)

— Дарвоқе, тақиқлаш,
Нима қолди ўзи тақиқланмаган—
Бу мамлакатда?!
— Ылмоқ, ногаҳонда ўлмоқ
бемалол!..
Хеч кимса ва ҳеч қандай қонун
Тортіб ололмайди биздан ушбу
хүкүкни,
Шуни тақиқласалар бұларды
аввали, —
Назарнинг оғзидан чиқди шундай гап.

— Иссик қылнг нағасингизни,
Ўзи шундоқ ҳам,
Шуро кишиисининг умри ўртача
Ташкил қылар ўттыз-қирқ ёшни,
Қай бир рұзномада ўқығаным бор.
— Бұлиши мумкинмас,
янглишгандирсиз,—
Кимдір ишонмади унинг гапига
— Бу, машина уриб кетишлар
хисобига,—
Орага құшилди Назар жиiddий,
жисим,—
Бунақа ҳодисалар ҳозир жуда күп,
Ҳар қадамда учраши мүмкін.

Әслаб кетди баъзи бирорвлар
Қайси куни, қайси соатда
Ва шаҳарнинг қайси ерида
Кимни мошин уриб кетганин.
Әсладилар уларнинг әнгил-бошларин,
Құлида тұрхалта бор ё ўйқылғын,
Чамалашды ўзларича
Ҳалок бұлғанларнинг ўртаса ёшин.
Маңқуллаган бұлдылар
Шу тариқа Назар фикрини.

Бу орада Назар рухсат сұради
Бошлиғидан қолған ярим соатга.
— Эхтиёт бұлинглар мелисалардан,
Хозир ови юришган пайти уларнинг.
Күлди Назар бунга жавобан:
— Шоириң ҳар бурчакда мелиса
кутар,

Танқидчи— мелиса,
Мелисадир— цензор, назоратчи ҳам,
Мелисадир— құрқоқ мұхаррір,
Ҳамиша юришар уларнинг ови,
Негаки, хүкумат құллар уларни,
Сиздан бұлак ким ҳам құллайды
бизни?..

Рахмат, биз кетдик!..

III

Үша куни күчада мошин күп эди.
Ҳар галгидан күра қаттықроқ гувраб,
Ҳар галгидан күра күпроқ тутун
чиқарыб,

Ҳар галгидан тезроқ
Шиддатлироқ юрарди улар.
Тұғрироғи, юғурадылар,
Кимларнидир құвар әдилар гәле,
Уриб кетмоқ, босиб ўлдирмоқ учун.
Шу күча қырғогидан борарди улар.

Чекар эди Назар устма-уст.
— Нима бұлди, Назар, сизга,
Күп чекаяпсиз?
— Ака, ўлғым келяпти бугун,
Жуда ёмон ўлғым келяпти!..
— Назар, тағба деңг,
Фарышта овмин дер ҳар қандай гапга.
— Куни кечә қишлоқда бұлдым,

Қизимни кўрдим.
 Туфлисинг оғзи очилиб,
 Ташиб юборгулик ҳолга келибди.
 Чақирилдим онасин,
 Нима деди, денг,
 «Байрамга ҳам чиқди шу туфли
 билан».

Хўрлигим келди,
 Ака, ёмон хўрлигим... келди!
 «Юр, шаҳарга, дедим, қизимни
 бошлаб,

Уст-бош олиб бераман»,—дедим.
 Китобимга қалам ҳақи чиққанди.
 «Болалар дунёси»дан
 «Бу сенга!», «Бу укангга!»—деб,
 Неча хил оёқ кийиш, кўйлак ва лозим,
 Ўйинчоқлар турли хилидан

Сотиб олаверибман, олаверибман,
 Тўлиб қолибди,
 Бир пайт қарасам,
 Икки тўрхалта.

Пулини тўлаб,
 Бир чеккада индамай турган
 Хотинимга узатдим тўрхалталарни.

Мени ҳайрон қолдириб,
 Қизимга узатди хотин уларни.
 Қаранг, ака, қизим тўрхалта—
 Кўтара оладиган ёшга етиб қолибди.

(Пилдираганча
 Кетиб борар эди олдинда қизим.)
 Мен юраверибман бундан бехабар
 Судралиб шеър ортидан шундай;
 Улар кетишгач,
 Тутомладим ўзимни, ака,
 Томогимга недир тиқилди.
 Бир четга ўтиб,
 Үн чиқармай ийғлаб ҳам олдим.

IV

Яхши кўрган ишин қиласи шоир,
 Қилмас ёқтиргмаганин,
 Борар кўнгли тусаган жойига.
 Оддий бурчни ҳам
 Боғлиқ тарзда тушунар
 Мехр ва муҳаббатга.

Бундан ҳам ёмони
 Ва галатиси—
 Севги талаб қиласар ўз хотинидан,
 Болаларнинг онасидан ҳам.
 Шундай яшар эди Назар Шукур ҳам,
 — Яшомтайман,— деди.— Тамом —
 вассалом,
 Бунақангич хотин билан бир умр.
 Юрди, юраверди шаҳри азимда,
 Шеърнинг орқасидан қувиб, ўй суриб.
 Бир кун ногаҳон
 «Кўнглидагин тушунадиган.
 Севса бўладиган» қиз учраб қолди.
 «Ҳай,— дейишди унга яқинлар,
 — Бу ҳам хотин бўлганидан сўнг,
 Бир-иккита фарзанд кўрганидан сўнг
 Ўша хотинингга қолади ўҳшаб,
 Уруғи бир ҳаммасининг ҳам».
 — Йўқ,— деди у,
 Турниб олди ўз билганида.—
 Ўйлантириб қўйишган мени,
 Қарамасдан рози-ризолигимга.
 — Хотин киши бўлсанг, бошқа гап эди
 Айтсанг бу гапни,
 Йигит киши айтса, бу — уят!..
 Йўқ, ўйлдан қайтариб бўлмади уни,
 Отасини қайсириб ташлади ҳатто,
 «Бошқасига уйланаман»,—деб.
 Шоирликнинг ўзи катта бир рўзгор,
 Минг бир ташвиши бор
 Ва даҳмазаси;
 Таёёр оиласин бузиб, қайтадан
 Учинчи бир оила ташвишин қилмоқ —
 Кераги йўқ ташвишларни солади
 бошга.

Қолаверса, гурури бордир —
 Ҳар қандай хотиннинг ҳам,
 Гурури бор қавму
 қариндошларнинг.
 — Бор-е,— деди бир кун улар ҳам,
 Йиллаб боравермагач Назар
 Оиласига,
 Расман бекор қилдиришиб
 никоҳларини,

Шоирмас бир кишига узатиб
юбордишлар —
Мунглиф жувонни.
Шундай қилиб икки фарзанди
Тирик етим бўйиб қолди шоирнинг.
Ҳамма аралашмас шахсий ҳаётга,
Меърида аралашар — аралашганлар.
Мусоғир шаҳарда шеър ёзаб юрган
Ўйсиз-жойсиз ёш бир шоирга
Ким ҳам қиз берар?
Бунинг устига,
Топиш-тутиши ҳам айтарлик эмас,
Юзнинг нари-берисида олган маоши.
Беш-олтита қадрдандан, дўстдан
ташқари,
Қўпчилик уни «Хотинни хор-зор
қилган,
Тирик етим қилган гулдай
фарзандларини,
Ношудроқ» бир кимса санарди.
Назар бу ҳақиқатни тан олмади ҳеч,
— Мұхаббат бош ролни ўйнар ҳаётда,
Мен севаман, у — севади,
Моҳият шунда,
Бошқа барча гаплар — ўткинчи, бекор,
Үйланаман,— деди,—севган қизимга!..

Ўзбек эди Назар севган қиз,
Ота-онаси бор эди унинг ҳам,
Йигитнинг ким эканлигини
Сўраб-суршиштиргувчи,
«Қизнинг тақдирига бағоят масъул»
Кишилар бор эди ёруғ дунёда.
Шундай қилиб, Назар бечора
Йўқ паловга ишониб, ёвғонсиз қолди.
Гоҳ қизни,
Гоҳ ўзни,
Гоҳо ҳамкасларини,
Қисматни, мұхаббатни лаънатлаб
гоҳо
Кечиради оғир күнларни бошдан.

V

Ўша куни кўчада мошин кўп эди.
Ҳар галгидан кўра қаттиқроқ гувелаб,

Кўпроқ тутун чиқариб,
Тезроқ, шиддатлироқ юрарди улар.
Тўғрироги югурадилар,
Қувардилар кимларни дир —
Уриб кетмоқ, босиб ўлдиromoқ учун —
гўё.
Кеч кирганди, Назар —
Безовта бўйди,
Бир чеккага ўтгиси келди,
Бироқ мелисадан қўрқишин айтди.
Йўқ, у мелисадан қўрқмасди асли,
Қўрқар эди мелисага тушиб
қолишдан.
Ундаи ҳам эмас,
Мелисадан ишхонасига —
Ёзилажак хатдан қўрқарди Назар.
Гап шундаки, севган қизининг
Яқинлари Назар ҳақида
Сўраб-суршиштириб келганидан сўнг,
Болалаган гап-сўзлар тинай дегандা,
Қишилогидан оёғи қайрилиб қайтди.
Қайтди ишдан қолиб Назар
беш-үн кун.
Қишилок шифохонаси берган қоғозга
Ишонмади ҳамкасб дўстлар, негадир,
Кўрсатди ҳам майиб оёғин,
Соддалик қилиб,
Барибир ишонмадилар;
Ёқтирмай қолганди уни бошлиқлар...
Аксига олиб,
Хушёрхона ходимларига
Берилганди «режса» устига «режса».
«Нима қилсанг, қил,—дейилганди, —
Режани бажар!»
Аксига олиб,
Хабардор эди
Бундан кўпчилик,
Ошхона ва ресторанда ичадиганлар
Одат қилгандилар уйда ичишини,
Кўчаларда кўринмай қолганди
сархуш одам.

(Ҳазил қилган эди бир катта шоир
Шогирдларига ўша күнларда:

«Аеваломбор ичманг, ичсанғиз,
Ичинг юқориги қаватда, уйда,
Кулфлаб ичинг эшикни ичкаридан,
Калитни күчага юборинг отиб,
Токим имкон қолмасин күчага
чиқмоқ учун.
«Хушёрхона»га ҳам тушмайсиз
шундаг...»)

«Хушёрхона» ходимлари эса ит каби
Изгир эди шаҳар күчаларида,
Излаб чўнтағидан «хушёрхона»га
етадиган тули бор ширакайфларни.
Аҳвол танглигидан ўша кунларда
Юраги ёмон бўлиб, суялиб қолган—
Қай бир олимни ҳам олиб кетганлар
«Хушёрхона» ходимлари куч-тазийк
 билан,

Ишонмасдан хасталигига,
Ўлиб чиқсан олим у ердан.

Кўринмади чор-атрофда лекин негадир
«Хушёрхона» ходимлари.

VI

Ва лекин қайтишда кўринди улар,
Нафақат кўриндишлар,
Мошинларини
Кўча ўртасидаги
Ўрта йўлга қўйиб кўндаланг,
Зудлик билан очишиб темир
эшикларини

Тўрт мелиса тушиб кела бошлиди
Улар томон чопиб-ҳаллослаб.
Бури семиз — ўрта ёшларда,
Иккинчиси узун бўйлик ва говур,
Қолган иккитаси—қилтириқ-ориқ,
Бари ҳушёр, ҳушёрдан-ҳушёр.
Йўл четида туриб такси
тўхтатаётган

Икки дўст пайқади уларни шу тоб.
Тўғрироғи аевалроқ Назар пайқади,
«Мелисалар», — деди гайритабиий
сасда.

Орада масофа — қирқ-эллик қадам,

Аксига олиб,
Тўхтатаётган такси ҳам
Қайта газ берди —
Қўриб мелисаларни.
Орқага қарашиб — бўй етмас
девор,
Олдинда — қирқ-эллик қадамлик
кўча,
Кўчадан нариси— уйлар ораси,
Тутолмасди мелисалар,
Ўтиб олишса агар...
Аксига олгандай,
Тўсиб ўйларин
Кўча тўлиб ўтарди мошин,
Кувиб бир-бирин.
— Менда тул бор, — деди унга
ҳамроҳи.

Мана, юз ўн сўм,
Сарфлаймиз, қўйворишади.
— Йўқ, — деди Назар, —
Кўйворишмайди...
Тушмаслигим керак ҳушёрхонага.
Ўнг қўлидан тутуб олди ҳамроҳи
маҳкам

Кесиб ўтаётуб кўчани ногоҳ
Йўлиқмасин, дея бир фалокатга.
Қолгани кўз-очиб юмгунча бўлди:
Ҳамроҳ билагидан тутди бирори,
Суяк-суяклари кетди зирқираб.

Бақириб-чақиришиди:
— Кўлдан чиқарма!
— Наригиси қочиб қолади!!
— Қочиб бўпти! Олдин тўсаман!!!
Кўзилларга тармашган оч

бўрилардай

Тўрт томондан қилишди ҳамла.
— Биз ўзимиз кетамиз,
«такси» тўхтатиб,
Тегманлар бизга.
— Олиб бориб қўямиз
манзилингизга!
— Йўқ, акалар, ҳушёрмиз,
туғилган кунда...
— Биргалашиб нишонлаймиз
туғилган кунни!

Назар күчли эди,
Хүшөрроқ эди,
Бир силтаниб чиқиб кетди ҳамроҳ
кўлидан.

Ва ўтиб олди
Хўкумат ўйлагига,
Бу йўл— ўнг ва сўл ўйналишни
Бир-бираидан ажратиб,
Тўсиқ вазифасини ўтарди гёё.
Хўшёрхона мошини
Пана қилиб турганлигидан,
Аро ўйла нималар бўлаётганидан
Бехабар эди
Нариги ўйналишда келаётган мошин.
Изиллатиб қуварди учта мелиса
Назарни уч томондан.

— Қочманг, Назар,—бақири
ҳамроҳи унга,
— Чиқманг ўйлга, ҳой!..
Эшиятасди ҳамроҳи товшини Назар,
Эътибор қилмасди эшиятганда ҳам.
Ўтар эди мошинлар гиз-гиз
Бериги йўлдан,
Ҳамроҳи кўз олдини тўсуб.
Узоқлашиб олганди Назар
мелисалардан,

Учи-тўрт қадамлик ўйни—
Босиб ўтса бас, эди,
У ёғи қоронгулик,
Үйлар ораси...
Итми эди Назар,
Қочиб бораради—
Бўрилар галасидан,
Мушукмиди,
Қочиб бораради итдан,
Сичқонмиди,
Қочиб бораради эди мушукдан,
Нега қувиб бораради одамни одам?!.
Қотди-қолди ногаҳон Назар,
Ўрта йўлда— узоқдан
Келаётган мошинни пайқаб,
Ногаҳонда жон кирди яна—
Мелисаларга.
Ташландилар Назар томон,
Қочди Назар,

Қочди одамдан— одам,
«Улгурар у, улгуролмас,
Кесиб ўтмоққа йўлни».
Кесиб ўтди ҳам,
Тўхтади ҳам келаётган мошин
чиyllаб—
Тўрт-беш қадам ўтиб-ўтмасдан.
Бир нуқтада уймалашиб қолди
одамлар.
Фожиа рўй берганин ҳис этди
ҳамроҳ.
Кўрган эди лекин Назарнинг
Йўлни кесиб ўтиб бўлганин.
«Мошин уриб кетмаган бўлса,
Тўхтади нега?»
Ёнидаги мелисага ўшқирди ҳамроҳ:
— Кўрмаяпсизми?!.
Кўйворди бўшашиб уни мелиса.
Биргалишиб югурдилар ўша томонга,
Келаётган мошинни ўтказиб
юборшишиб,
Йўл четида майсазор аро
Ётар эди Назар чалқанча тушиб.
Хиршиларди холос питирлаб.
Майсазорда
Қаёқдандир тушиб қолган
Муштадай тош бўлиб,
Тушган экан Назар шунга—
Орқа мияси билан,
Мошин уни туртиб кетган экан сал.
Қон оқарди бошидан Назар
Шукурнинг.
...Қотиллик рўй берганди аён,
Қотиллик қилганди ҳушёрлар у кун,
Ароқ ичмаганлар қилган эди
қотиллик.
...Мелисалар йўқотмоқ истаб
гувоҳни,
Назарни тез ёрдамга ортишаётib,
Жеркиб берди ҳамроҳни дангал:
— Кет уйингга, ўзимиз олиб борамиз.
— Дўстиман, мен бирга боришам
керак,
Кайга олиб кетаяпсизлар?
Ҳамшира овозин эшишиб қолди зўрға:
— Ўн бешинчига!..

VII

Мунгли кунни эслаш нечун?
 э воҳ, эсламай бўлмас,
Отиған бир ўқ— сўнгги кун,
 э воҳ, эсламай бўлмас,
Сўнгги кунда ёмон маҳзун,
 э воҳ, эсламай бўлмас.

Бошинг ёрилиб, оқди хун,
 э воҳ, эсламай бўлмас,
Узатаман сенга томон,
 етмас қўлим, укажон,
Қўлларимдан юлиб кетди
 сени ўлим, укажон.

Миршабларга кўзинг тушса бир
 сесканаб кетардинг,
Нокасларни миршабларга
 бир-бир қиёс этардинг,
Миршаб, дердинг ҳасадгўйини,
 нодонни миршаб дердинг,
Сени миршаб еди у кун,
 э воҳ, эсламай бўлмас,
Узатаман сенга томон,
 етмас қўлим, укажон,
Қўлларимдан юлиб кетди
 сени ўлим, укажон.

Бошинг ёрган ерда ётган
 оддий тош эмас эди,
Бевафою бемехр ёр,
 қаламչош эмас эди,
Үйларига сидирмаган
 багиртош эмас эди,
Тор бўлдими дунёй дун,
 э воҳ, эсламай бўлмас,
Узатаман сенга томон,
 етмас қўлим, укажон,
Қўлларимдан юлиб кетди
 сени ўлим, укажон.

Ота-онанг, укаларинг,
 фарзандларинг қолди зор,
Не гап бўлди, ақли етмас,
 қақшар ҳамдам дўсту ёр,

Шеъринг бўзлар изингга
 бош уриб кечалар бедор
Мухлисларинг ийғлар маҳзун,
 э воҳ, эсламай бўлмас,
Узатаман сенга томон,
 етмас қўлим, укажон,
Қўлларимдан юлиб кетди
 сени ўлим, укажон.

Сени ўлди, деган менми,
 ўлган сенми тонг-саҳар,
Тонг саҳарда қонларингга
 ботдими бу шаҳар,
Қабринг узра ув тортдими
 суйганинг фасли баҳор,
Шоир ўлган кун — мунгли кун,
 э воҳ, эсламай бўлмас,
Узатаман сенга томон,
 етмас қўлим, укажон,
Қўлларимдан юлиб кетди
 сени ўлим, укажон.

VIII

Бирдан ҳувшилаб қолди
 каптакон шаҳар.
Ҳақиқий дўстларидан
Наҳот шундай айрилар одам?
Бегонага ёки душманга
Айланарми сохта дўст-ёрон?
Хотинининг туши ёдига тушди
Ёмон кўриб кетди хотинин.
Ёмон кўриб кетди хотинин.
Сўзига кирмагани учун ўзини.
Назарида ҳамма айбордor эди —
Назарнинг ўлимида:
Нафақат миршаблар,
Вақт, замон ва давр,
Шаҳар ва саҳар,
Ўша кеча туғиған кунда
Ўлтирган ва ўлтирганлар,
Мия қопқогини очиб Назарнинг
Яна ёпиб қўйған врачлар...
Ота-она, укалар,

Эрин құлға оолмаган собық
хотини,
Севгисига ишонтириб тегмаган
қыз ҳам.
Хеч ким айбдор әмасга ҳам,
Манглайига шундай күн
әзилганга ҳам
Үшшарди ғоҳ.

IX

Олиб кетишар әкан
Мархұм жасадын
Олис қишилекқа,
Уни қолдириси «Бормайсиз» дея.
«Еттар бир шоирдан айралғанымиз,
Оғиз-бурнингиздан қон кетаяпти,
Айрılıб қолмайлик яна биридан».
Лекин қандай бормай бўлади?
— Мен сўнгги күн бирга бўлганман,
Боришим керак!
— Қаранг ахволингизга,
Тамом бўласиз,
Шу туришда йўлга чиқсангиз!!!
— Нима дейди, ахир, у ердагилар...
Сўнгги йўлга кузатмасам
Чирқирап-ку арвоҳи!
— Биз ўзимиз тушунтирамиз,
Арвоҳ эса... кўриб турибди!
— Бормасам, мен қандай яшайман?!
— Бунисини билмадик,
Лекин олиб кетмаймиз сизни!..

X

Дўхтири тушунди уни,
Тинчлантирувчи дори тайёрлаб
берди.
Қаршилик қилмади бу гал
хотин ҳам.
Етиб борди умрида бормаган ерга.
Ва эшигтан биринчи гапи шу бўлди:
— Нега келдингиз?
Шахардан борганилар айтди
бу гапни.
Энсаси қотди.

— Керак эди келишим, келдим,
Сўнгги йўлга кузатиш им
керак Назарни,
Ҳаққум үйўкми ё?..
— Нега энди, ҳаққингиз бор,
Фақат бу ерда
Сизни айлашяпти баъзи бирорлар
Назарнинг ўлимида!..
Тишларнинг орасидан янгради бу сўз.
...Манглайидан совуқ тер
чиқиб кетди:

— Бўлиши мумкин...
Бегуноҳман, кўриб турибди Худо,
Кўриб тураг арвоҳи ҳам Назарнинг.
— Саҳроиyoқ бу ернинг халқи!—
Ўша овоз янгради тақрор,
Худо кўрсатмасин, жаҳа аралаши!..
— Ҳар кимнинг бошида битта
ўлим бор,
Ўшани бўйинга олиб келганман,
Кўним битган бўлса, ўлавераман.
Шу мотамхонада

жанжалашмайлик,
Кўроврамиз пешонадагин!..
Ана шундан кейин бошланди бари:
Қадам товши эшигилди,
Ўқирди кимдир,
Болта тушди бошига унинг,
Манглайига оқиб тушиди иссиқ қон,
Қотиб қолди, юраги тўхтади гўё,
Ушлаб кўрди бошини. Бутун.
Тепасига қаради— ҳеч ким.
Койиди ўзин.
Деди: «Чарчаганман,

туюлди шундай».
Ўқсиди. Багридан узилди шу сўз:
«Назар ўлиб кетди. Сен бўлсанг,
Қандай хаёлларга бориб юрибсан».
Йиғлади тақрор,
Йиғлади ўз ҳолига ҳам у.
Яна қадам товши, яна ўқирик,
Бу сафар бошига тушмади болта,
Пичоқ санчилди чап
биқинига — «ғарч»,
Кириб борди қорнигача то

Ва суғуршыди.
 Қотиб қолди юраги тұхтаган каби.
 Ушлаб күрди беихтиёр чап биқинини,
 Құлига қон сизмади,
 Биқини бүтун.
 Ён томонға бокди— яна ҳеч ким йүк.
 Үйлади: «Ваҳима».

Йиғлади яна.

Йиғлади у ўз ҳолига ҳам.
 Мурдани түпраққа құйышашаётганды,
 Қабрнинг оғзига ўлтірди шүндөқ,
 Бош устидан учыб ўтди кетмөнлар,
 Ярқираб-ёниб,
 Кимдир чопиб ташласа,
 қанийди, деди,
 Рози бўлди ўлимига ҳам,
 Лекин ҳеч ким чопмади уни,
 Хўрлиги келди,
 Йиғлади ҳам Назар, ҳам ўзи учун.

XI

Ана шундан кейин бошланғи бийбат
 Унинг ҳақинда:
 — Палончи бор экан ёнида, балки
 Итариб юборгандир мошин тағига.
 — Ўзи кўп ичарди, ичиргандир-да!
 — Ҳой, инсонлар,—
 Ҳайқиргиси келарди унинг,—
 Ароққа боғлаймиз нега ҳаммасин?!
 Шуҳрат Абдурашид, Амирқұл Пўлкан
 Фожиаларин ҳам ароқдан кўрдик,
 Есенин, Фадеев ўлимларин ҳам
 Ароққа боғлаган экан душманлар...
 — Бети чидаб қандай юрибди,
 Бир дўст ўлимига сабабчи-ку у!..
 — Бир ёш йигит ўлиб кетаверарми,
 Тўплайлик ҳамюртларни,
 Бостириб бораийик уйига тунда!
 Дарҳақиқат тўпландилар ҳам,
 Бостириб бордилар ҳам тунда уйига,
 Тендишлар ҳам хонадони эшикларини,
 Бузид кирмоқчи бўлиб!..
 Унинг эса бор дунёси қоронғу эди,
 Назар бўлиб кўринар эди
 Ҳар дўппайған нарса уйда, кўчада.

Мошинлардан ҳайшқар эди,
 Ҳайшқарди мелисалардан.
 Оҳ чекарди түнлар уйғониб:
 «Қайдасан, Назар?!
 Не кунларга қўйиб кетдинг мени,
 Назаржон?!»

XII

Суд ўтди.
 Ҳар галгидай—
 Жавобгар бўлмади ул мелисалар.
 «Улар хизмат жойида
 Бурчларини ўтаганмишлар».
 Устига устак,
 Шоффёр «Айб менда», деди.
 Мелисалар тасдиқлади унинг сўзини.
 Ва қамалиб кетди нодон беш йилга.

ХОТИМА

Ўқиётганд ҷогида ҳакам ҳукмни
 Очиқ эди хона деразалари:
 Ташқаридан эшишиларди
 Ҳар хил мошинларнинг
 гувиллашлари.
 Яна шиддатлироқ юради улар
 Тутун чиқаршишиб янада кўпроқ,
 Гёё одамларни қуварди улар,
 Қувардилар гёё босиб ўлдирмоқ учун.
 Ҳушёрхона мошинлари ҳам
 Бор эди шаксиз
 Улар ичиди.
 Дарвоқе, Назарни қувлаганлар
 ҳам,
 Ҳакам мажлисидан сўнг,
 Ўлтиришиб ўша машбуим
 мошинларига,
 Сингиб кетди ўша оқимга,
 Яна одам овлашга чоғлаб ўзларин.

Шукур ҚУРБОН
 19.Х.1990 йил,
 Москва, Переделкино.

НАЗАР ШУКУР ИЖОДИДАН

УЛУФБЕК САВАТИ

Етилиб фарқ пишган кўк мевалари
Улугбек саватин тўлдирган, ана.
Тонг ҳар чоқ нонушта этади барин,
Зангори бу сават бўш қолар яна.


Эрталаб қўёшга тўлади сават,
Нур сочар бамисли улкан ҳандалак.
«Зижи Кўрагоний» бўлиб ўша пайт
Дастурхон сингари тўшалар фалак.

Тўлин ой полизи— мовийтан бўшлиқ,
Гоҳ қолар саватда бир тилим ҳилол.
Эҳтимол ҳилолни қиличдай ушлаб—
Устозга ўз ўғли келтирган завол?!

Ойнинг бир тилиги ялтирап қинсиз,
Улугбек савати шомдан тўлади.
Мевалар юксакда яшар-да, динсиз
Шайхларнинг устидан қулади.

Шайх Хўжа Аҳрор учирган қушлар
Қирмиз меваларни кетолмас чўқиб.
Али Қушчи ҳар кеч авайлаб ушлаб
Ҳар бирин артади минорга чиқиб.

Улугбек саватин тўлдириб буткул,
Ҳув юлдуз— мевалар келар йигилиб.
Ҳамма юртдан кўра соғинади мўл
Улар икки дарё оралигини!



ЧОРИ АВАЗ

(1957—1992)

*O, руҳим, хаёлнинг осмонидан туш,
Тотлии хаёлотдан тушгин-а бу он.
Қарагин, мангуллик бир хаёл, бир туш,
«Дунёда ўлимдан бошқаси ёлғон».*

Ҳа, азизлар, бу фоний дунёда ҳамма нарса ўтгинчи, фақат яхшиликлар ва меҳргина абадий...

Шеърият осмонида ялт этиб жуда эрта сўнган истеъоддли шоир Чори Аваз 1957 йил 11 декабрда Қашқадарё вилоятининг Фузор тумани Тоҷик қишлоғида таваллуд топган. 1980—1985 йилларда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. Университетни имтиёзли диплом билан тутатган шоир ишни дастлаб она қишлоғидаги 43-ўрта таълим мактабида ўқитувчиликдан бошлади. Изланишга иштиёқи баланд шоир катта орзулар билан яшади. У катта ҳаёт мактаби сари талпинди.

Юрагидаги жўшқин ошиқиши Чори Авазни пойтахтга чорлади. Ва у «Ўқитувчи» нашриётида мусахҳих бўлиб ишлай бошлади. Орадан кўп ўтмай истеъоддли шоирни «Чўлпон» нашриётига муҳаррир лавозимига қабул қилишибди. У бу вазифада самарали хизмат ва ижод қилди. Бу орада шоирнинг қатор китоблари нашр этилди. Илк шеърий тўплами 1985 йилда «Тортилган камон» номи остида чоп этилган бўлса, кейинчалик унинг «Куз эртаси», «Уйгонишдан ўзга толе излама», «Бахтиёрлик шу эмасми?» китоблари босмадан чиқди.



1991 йилда она юрти Қашқадарёда «Насаф» нашриёти ташкил этилди. Шоир бу нашриётда мутахассис сифатида бош муҳаррир бўлиб иш бошлади. Афсуски бу ерда бир йил ишлаб ишчи ходимларга ноширлик сир-синоатларини ўргатиб улгурган шоир 1992 йилнинг 29 сентябрида буйрак хасталикига чалиниб, бу ёруғ дунёни тарк этди. У ўзидан яхши шеърлар, долзарб мавзудаги мақолалар, иқтидорли шогирдлар қолдириб кетди.

Ўша пайтлар машҳур бўлган «Овоз» тўгарагини бошқарган шоирнинг ортида қолган, шу тўгаракда камол топган кўплаб шогирдлари ҳозирги кунда адабиёт, илм-фан ривожи йўлида баракали хизмат қўлмоқдалар.

Чори Аваз вафотидан сўнг шоирни хотирлаб Ўзбекистон ҳалқ шоири А. Орипов, дўстлари ва шогирдлари Аъзам Ўқтам, Яҳё Тоға, Вафо

Файзулла, Наби Жалолиддин, Салим Ашур, Рустам Мусурмон сингари ижодкорлар шеърлар, хотиралар ёзиши.

Чори Авазнинг умр йўлдоши Зебо Омонова икки фарзанди – Гулинигор ва Камолани оқ ювиб, оқ тараб камолга етказиш билан биргаликда «Насаф» нашриётида муҳаррир, «Efirda Qashqadaryo» газетасида



мастъул котиб ва бўлим муҳаррири сифатида узоқ йиллар ишлаб, исhteъодли ёшлар ижодини юзага чиқаришда унумли хизмат қилди ва талай шогирдлар етиштириди.

Зебо опа, илк маротаба қаерда учрашгансизлар?

Биз илк маротаба Чори акангиз билан ёмғир шаррос қуийб ёғаётган маҳалда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) даги филология факультети ёнида учрашгансиз. Шунданми ҳар гал ёмғир ёққандада худди юзларимни силаб ўтаётгандек бўлади. Шу боис ёмғирни яхши кўраман.

Яна бир гап борки, ёмғир пайтида руҳлар яйрап экан. У хоҳ тирик инсон бўлсин ёки марҳум. Ёмғир ёғаётганда руҳингиз тозаради, қалб покланар экан.

Зебо опа, адашмасам худди шу бугун улар туғилган кун. Тўгрими? Нишонлашни хуш кўрармидилар?

Ҳа, адашмадингиз. Худди шу бугун 11 декабрь улар таваллуд топган кун. Чори акам туғилган кунни нишонлашни жуда хуш кўрар эдилар. Ҳаттотки, қалбларига яқин инсонлар эсидан чиқиб қолса, тезда уларни маълум бир баҳона билан чақириб олар эдилар.

Эшитишимча дўстлари кам бўлган экан. Ва ҳозир улардан қанчаси сизнинг синовингиздан ўтиб «чинакам дўст» экан деган номни оқлаяпти?

Ҳақиқатдан ҳам ҳамма билан ҳам дўст тутинавермас эдилар. Синов-ларидан ўтган жўраларнигина дўст деб билар эдилар. Ҳозирги пайтда минг афсуски, уларнинг сони камайди. Лекин ҳозиргача ҳам бизни оиласизни ўзига яқин санаб, хабар олиб турадиган дўстлари ҳам бор.

Уларнинг тўнгич қизлари Гулинингор 2009 йилда Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетининг халкаро журналистика факультетини тугатиб, Ички ишлар вазирлиги газетаси – «Постда»да фаолият юритяпти. У 2004 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган. Шеърлари, мақолалари республика матбуотида чоп этилиб туради. Гулинингорнинг орзулари бисёр. У дадасининг қаламини қўлдан қўймаган ҳолда, эл-юрт осойишталиги йўлида астойдил хизмат қилишга чоғланган. Камола эса Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти яккаураш факультетининг таэквандо бўлимида ўқимоқда. «Элини, юртини севган киши, аввало, унинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўз хиссасини қўшмоғи керак», дейди у. Ўқишни тугатгач, у ҳам ички ишлар хизматида бўлишни, мустақил давлатимиз тинчлигини барқарор қилиш йўлида хизмат қилишни орзулаган.

Яшаши керак: Қандай? Қанақа?

Киши. Кунлар қисқа, тунлар узун ва совуқ. Бу тун янада чўзилди. Совқотиб печкага қарадим. Чўғларнинг устини пўстлоғ-пўстлоғ кул қоплаган. Ҳадемай учиб қолади. Кечқурун тайёrlаб қўйган ўтиним тугаб қопти.

Каршида Чори аканинг туғилған куни хотирланибди. Гузорда, ўзи ўқиган мактабда ҳайкали очилибди. Боролмадим...

Бу йил қор кам. Чори ака билан 1984 йилда пахтада бирга бўлгандик. ТошДУнинг филология факультетида ўқирдик. Янги йилга уч-тўрт кун қолганда ўқишига қайтдик. Қор тиззадан келади. Ерлар музлаган, ҳаммаёқ оппок. Чори аканинг хотира кечасини газетада ёритиш керак. Шу соннинг режаси тузилаётганда мақола ёзаман, деб ваъда берган эдим. Эртага туширишим шарт.

Яна чалғиб кетдим. Томда пишак қаттиқ миёвляяпти. Ҳаливери овози ўчмайдиган, ҳайдадим. Ҳеч нарса ёзолмаяпман. Гугурт қаерда эди-я? Печкага ўтин қаладим. Оловга қараб фикримни жамлашга уриндим, мақолага оҳанг изладим. Бўлмади. Чори Авазнинг «Тортилган камон» номли шеърий китобини қўлимга олдим. Биринчи шеърини овоз чиқариб хиргойи қилдим:

*Оқшом пайти ё тунда
айланиб қўчаларни,
тонгга элтиб қўйсанг-эй,
юлдузли кечаларни.*

«Оқшом», «тун», «кеча» каби маънодош сўзлар воситасидаги рамзларнинг ҳар бири ўзига хос ранг ила воқелик, пайт ила ҳолат касб этади. Гапнинг равиши қорадан оқقا, қоронғиликдан ёруғликка томон жила бошлиди. Борган сари фикр ойдинлашиб, ифода тиниқлашиб боради: мажхуллик — «Оқшом пайти ё тун»нинг натижаси барибир аниқликка — «юлдузли кечалар» орқали «тонга» бориб уланади. Аммо бу уланиш воқеликнинг ўзида эмас, хаёлда кечади. Образлар занжирининг узлуксизлиги ва жисплигига кўринади. Мана шу мустаҳкам занжир исканжасида «элтиб қўйсанг-эй» деган жонсўз илтижонинг, кучли истакнинг ноласи зориллайди. Шеър сарлавҳаси мазмун ва бадиий матнга мос: «Қиз ўйлари».

*Шундай яшаб ўтсанг сўнг—
бilmай ҳеч ғам, аламни.
Бу дунёни севсанг-эй,
Севган каби болангни.*

Мақсад — ҳаётнинг ўзини эмас, ҳаёт ҳақидаги орзу-хаёлларни ифодалаш. Бу шоирнинг ифода воситаси, бадиий олами. Нарса, воқеа-ҳодиса образи муқаммал тасвиранади, яъни унинг ҳар иккала моҳияти — яхши-ёмон, эзгу-ёвуз, оқ-қора хусусиятлари баравар ифодаланади. Аммо шоирнинг бадиий маҳорати натижаси ўлароқ, яхшининг фазилатлари ёмонни, эзгуликнинг хосиятлари ёвузликни, оқнинг сифатлари қорани емириб, ўзига сингиштириб боради. «Тун чекинар киприклиарингдан, чиқа бошлар кўзингдан қуёш», «Қандай осон қора сочинга



Кундузларни ўраб оппоқ тун этмоқ», «Мен ёнурман тонгнинг муздайин ҳавосида бот-бот ёқилиб»...

Бунда «қора» олдинга чиқмайди, у орқада қолади. Олдинда унинг мутлақо қарама-қарши қутби ҳисобланган «оқ»нинг орттирилган даражаси ёрқинлашади:

*Қорли оқшом,
 Оппоқ олам,
 Оппоқ қўшиқ бошлар тун.
 Тушга ўхшаш бир нарса бу
 Бир ширин-эй, бир ширин.*

Эътибор беринг: қор — оқ, шом — оқ, олам — оппоқ, туннинг сифати-ку аслида қора, лекин у орқада қолган, шунинг учун тун оппоқ қўшиқ айта бошлайди. Бу тушга ўхшайди, айнан тушга ўхшаганлиги учун ҳам ширин. Туш ўйга товун, ўй ҳаловатга, орзу хаёлга. Орзу-хаёл ҳаётнинг таъмини ширин этади. Такрор сўз сифатини орттиради: Тушга ўхшаш бир нарса бу Бир ширин-эй, бир ширин.

Шеър бандида тизилган сифатдош сўзлар ва сифат даражаларининг такрор-такрор айлантирилиши тасаввуримизни қамаштиради, шууримизга ҳаловат инади. Бу шоирнинг бадий олами. Бу олам шоир бадий маҳорати илиа чизилган Истак, Ўй, Ҳаёл, Орзу каби жонли суратларда инъикос этади. Бадий олам эса моддий оламнинг акси — тескариси. Бадий оламнинг рўпарасидаги моддий олам ўзининг бутун аянчли аҳволи билан намоён бўлади. Бу икки олам бамисоли ер билан осмон. Осмон нақадар юксак, ер нақадар паст, осмон нақадар кенг, ер нақадар тор, осмон нақадар тоза, ер нақадар кир...

Мана шу қарама-қаршиликни, зиддиятни ифодалашда тун ва тонг, қиш ва баҳор, нур ва зулмат образларига қайта-қайта мурожаат этилади. Нарса, ҳодисаларнинг хусусиятлари, ранглари, сифатлари таъкидланади. Ҳис-туйғуларнинг шакли муайян қолипда эмас, ҳаракатчан тарзда ифодаланади. Ҳаракат сўз имкониятларини излашга, лирик қаҳрамон ўзлигини намоён этишга йўналтирилади.

Санъатда ранглар ва бўёқлар шунчаки ранг-баранглик ва турли-туманлиги учун ишлатилмайди. Санъат ранг-тасвирчидан, энг аввало, рангларнинг фазодаги, нур ва соялардаги кўринишларини илғашни, ҳис этишни ва тасвирлай билишни тақозо этади. Бунда табиатнинг уйғунлик ва алоқадорлик қонуниятини, меъёрни назардан қочирмаслик зарур. Сўз санъатида бадий ифода хусусиятига, тасаввур моҳиятига кўра истисно ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин. Бунда тартиб ва мундарижа ижодкор услубида: бадий асарнинг ички ёки ташқи мазмунида, оҳангда ёки ёзма матнда барқарорлашади.

Чори Аваз шеърияти сифатларида ҳам ана шундай мутаносиб ва номутаносиб ҳолатлар мавжуд. Бу сифат даражаларининг ўзгаришида, изоҳданишида, сифатларни бадий идрок этишда кўринади.


Бироқ шеъриятда мазмуннинг — фояннинг сифатидан ташқари, шаклнинг — бадий ифоданинг сифати ҳам муҳим. У сезиларли бўлиши лозим. Нарсанинг — сўз ва рамзнинг ранги, тузи, таъми, белгиси, оҳангি, қаттиқ-юмшоқлик хусусиятлари фарқланиши керак. Ана шунда шеърият бой ва ранг-баранг бўлади. Гўзал ва ҳаққоний бўлади.

*Зулмат босиб кела бошлиди,
Тун туширди қора пардасин.
Шоир аста ўрнидан туриб,
Очиб қўйди нурли дарласин:*

*Сўнг шоирни қамради илҳом
Ва қаламга ҷўзди қўлини.
Нафисгина бир зангор туйғу
Шеър уйига бурди йўлини.*

*Шеър эшигин очди-ю, шоир
Ичкарига томон йўл олди.
Ташқарида зулматнинг бўғиқ,
Ўксик, гарип овози қолди.*

Беш кунлик дунёда кечирган оний турмушимизни ҳаёт ундей, ҳаёт бундай деймизу, лекин биз жисман яшаётган ҳаётнинг нима эканлигини ва ким эканлигини биламизми. Йўқ! Ахир бизга инъом этилган ҳаётда яшаётган ўзимиз-ку. Ҳаёт — сиз ва биз-ку. Ҳаммамиз жамиятмиз-ку. Шундай экан, ҳаётни булғаётган, жамиятни тубанлаштираётган ҳам ўзимиз эмасмизми?! Бас, ҳаётни яхшилаш, жамиятни



ўзгартиришни ўзимизни яхшилашдан, ўзимизни ўзгартиришдан бошламоқ жоиз. Адолат, ҳалоллик, ишонч ва ҳақиқат барқарор бўлган ҳаётдан зулумот чекинади. Бироқ «Ҳар қадамда дуч келаверасан. Бир нокасга ёки ёмонга, Тошми, кесак отаверишар Пинҳон, ошкор пок бир одамга. Бироқ дунё сокин. Шундай сокинки, Ёқасидан тутиб дунёнинг Силкитгинг келади То Ёмонлари тўкилгунча!» Дунёни гўзал этмоқ, ҳаётни зулумотдан холи тутмоқ учун шоир даъват этади:

*Ҳақиқат, деб раҳм сўрманг,
У бизни кутгай, ўртоқлар,
Имону эътиқод, қонни
Покиза тутсак шу басдир.*

Чори ака ўзи истаган дунёни, яшашни орзу этган ҳаётни «Порлоқ манзил», «Нурли чаман», «Мовий ўлка» дея атайди. Ва ўз дунёсига «зангор туйғу»лари — шеърлари билан етади. Ўша дунёда яшайди. Бу ҳам шоирнинг бадиий оламидир. Унинг сифатлари — нурли, порлоқ, мовий ва зангор.

Унинг шеърларидаги бошқа сифатларда — яшил ва қизил рангларida ҳам ўзига хос мазмун ифодаланади.

Чори Авазнинг «Яшил япроқлар» деган бир туркуми бор. «Яшил япроқлар»да моддий оламнинг — ҳаётнинг аслий ва нисбий сифатлари шоир услубининг ўзига хос белгилари ва ранглари воситасида аниқланади. «Яшил япроқлар» сўзнинг янги сифати, бадиий тадқиқотидир.

Анъанавий шеъриятда «яшил» яшнаш, яшариш, гуркираб яшаш, баҳтиёрлик ва қувончнинг, қисқаси табиат ва руҳият

очилишининг нисбати ва рамзи сифатида ифодаланади. Аслида «яшил» «сариф»нинг — инсон умри ва табиат фасли интиҳосининг аксидир — ҳурлик ва хорлик рамзи тескарисидир. Чори Авазнинг «Яшил япроқлар»ида эса «Яшил» — Яшил эмас, «Яшил» — Сариқ... У яшилни тескари ағдаради. Ҳаётнинг авра-астарини чиқаради:

Зим-зиё,
Қоронғу,
Чуқур тун.
Гёёки мен унга чўкиб кетяпман,
Оғиз очиб бўлмас.

«Яшил япроқлар» таркибидаги «зим-зиё», «қоронғу», «чуқур», «тун» каби бўёқлар тасвирига эътибор беринг — сифатлар симфонияси. Бироқ сифатлар сўнг ҳаракатга келали — феълга кўшилади: икки ўртадаги бу иттифоқ лирик қаҳрамон ҳолатига кучли зарба беради: дастлабки сатрлардаги оҳанг ва мазмун тўлқини шеърнинг иккинчи қисмiga келиб «Тўққизинч тўфон»дай бирдан кўтарилади, «тун» дengизга айланади: «Гёёки мен унга чўкиб кетяпман». Учинчى қисмда оҳанг тўлқини яна бирдан тушади, энди у дengизнинг ости: «Оғиз очиб бўлмас», сув ютаман, оғзи-бурним қонга тўлади... Шеърдаги «тун», тунга муқояса қилинган дengиз рамзларининг ўз маънолари бор.

Ушбу уч қисмли шеър бандларида бўғинлар ўлчовининг 9—11—6 тарзда алмашиниб туриши дengизда кўтарилган тўфон ҳамласидан чўкиб кетган одам тасвирининг оригинал шаклини яратади.

«Яшил япроқлар» шакли ҳам, мазмуни ҳам хилма-хил бўлган мустақил шеърий асарлар мажмуасидир — «Яшил япроқлар» номининг яна бир нозик маъноси шу билан боғлиқ. Япон мумтоз шеърияти анъаналари асосида яратилган ушбу шеърий шакллар ўзбекона «хокку» ва «танка»-ларнинг янги намуналариdir.

Умидсиз боқаман
Йўллари лой,
Ботқоқ қишилоққа:
Қаерга ҳам бориб бўлар
Бу ўйллар билан.

Йил фасллари, табиат тасвири ўз маъносидан бошқа, ижтимоий мазмун касб этиши, сатрлар эркинлиги, улар ўртасидаги ушбу номуво-фиқлиknинг фикрий теранликка мос келиши — қисқа, аммо кутилмаган кучли зарбадир.

Мана, яна битта яшил япроқ...

Шамол олди, совуқ урди, заҳ сингиди... 1992 йилнинг июнидан октябринга қадар турли касалхоналарда қаровсиз қолди... Аъзои бадани тап-таранг шишиб, сарғайиб ётарди бу яшил япроқ...

Шоирни мана шу дунё еди, мана шу йўл еди. Бу йўл мустабид тузумнинг, истибоддоз замонининг бузук йўли эди. Чори Авазнинг иккала буйраги ҳам хилвираб кетди, 35 ёшида ҳаёти сўнди. Бояқиши инсон ва дунё ҳақида ҳикматлар тўқиётли, ўзининг ҳам машъум тақдирини аввалдан билгандек битган эди:

*Ўлсам,
Ҳайрон бўлманг,
Узоқ яшаш учун
Тугилганим ийўк.*

Яшаш — ҳаёт мазмуни ва инсон қадри, ҳаёт ва ўлим мавзуи Чори Аваз шеъриятининг муҳим хусусиятларидан бири. Яшаш мавзуига мурожаат этилар экан, ҳар сафар «қандай?», «қанақа?» деган саволлар рўбарў бўлади. Жавоб эса яшашнинг сифатини — инсон ҳаётининг сифатини аниқлайди. Умр мазмунини узоқ ёки қисқа яшаш эмас, қандай ва қанақа яшаш белгилайди.

Саволлар кишини ўйлашга, ўзини ўзи сўроқлашга, фикрлашга, ҳаётни англашга ундаиди.

Саволлар беғамлик ва мақсадсизлик, воқеликка муросасозлик ва ҳаракатсизликка қарши исён кўтаради:

*Нега сиз серрайиб қолдингиз—
Ҳолингиз бунчалар бўлди танг?
Ё сизни муттаҳам этдими
Бу— ҳаёт аталмиши кўхна жсанг?..
Мақсадни мақсадга беркитинг,
Фикрдан фикрни сўроқланг,
Кўкракни қаттиқроқ силкитиб,
Тинчина яшашдан ийроқланг...*

Ушбу мавзуда Чори Аваз шеъриятининг яна бир сифати намоён бўлади. Яна битта бўёқ ишлатилади — лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати қизил рангда — қизил атиргул рамзи воситасида чизилади:

*Етар, тинч қўй, қизил гулларни,
Гўзал бўлса айбдорми ахир.
Қизил гуллар шеърингни эмас,
Ёмғирларни кутаётгандир.
Сен маддоҳлик қилмагин, юрак!
Юрак, ўзга ийл учун қайғур.
Биласан-ку, яшаш нақадар
Қизил рангли гулларга оғир.*

«Куз эртаси» китобидаги «Осмон, Қуёш, Сабо ва улар яхши кўрадиган қип-қизил Атиргул ҳақидаги эртак»да ҳам худди шундай ҳолатни учратамиз.

Кўриб турганимиздек, Чори Аваз ҳәётни тасвирлади, яшаш завқини кўйлади: Шоир ва инсон сифатида Ватан ва миллат дарди билан ёниб яшади. Қизил атиргулдай яшади. Қизил атиргулдай узилди, сўлди. Бироқ у яшаган қисқа умрнинг сифати қолди — қип-қизил гули қолди...

Киш. Тун. Печкада ёнаётган гулханга қараб, Чори акани ўладим, унинг шеърларини ўқидим. Шеър ва хаёлга берилиб ўтиннинг ёниб тугаганиниям сезмабман. Тун бўйи гулхан вужудимни, Чори аканинг хотираси руҳимни иситди. Даричани очдим, тонг отди...

Рустам МУСУРМОН

ШОИР ЧОРИЖОН МАРСИЯСИ



*Ҳар ким ҳам дунёдан ўтади,
У ё шоҳ, ё гадо бўлмасин.
Қазойинг қалбимни ўртади,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин!*

*Ахир у энг аввал инсондир,
Қавмига қадрли бир жондир,
Ўстози орзуманд осмондир,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин!*

*Сен ўйчан юрадинг, Чорижон,
Ўйлардим— илҳомга ёри жон,
Айттоловдинг, енгибди дард пинҳон
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин!*

*Ғузорнинг даштида оламдек,
Армонинг сочда оқ толамдек,
Бегубор эдинг бир боламдек,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин!*

*Шеърият, ҳамроҳсан биз ила,
Уйиногда юз берди зилзила,
Бу не ҳол, баҳорда зилзила,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин!*

*Шоир хоҳ ёшдир, хоҳ қаридир...
Ижоди ажалдан наридир,
Аламдир, барибир аламдир,
Ҳеч кимнинг шогирди ўлмасин!*

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Ҳалқ шоури



РАВШАН ФАЙЗ

(1960—1995)

*Мерос атамагай барчага фано,
Қисмат атамагай ҳар кимга завол...*

Абдулла Орипов

... Ҳали хотира гулхани ловуллаб, ҳали яранинг ўрни эмас, ўзи ачишиб турганида булатни ёзигулдиш имкони керак. Уларга қандай ном қўйишни ҳам билмайман. Хотиралар ёзишга ҳали ҳавасим йўқ эди ва бу иш бизларга эп ҳам эмасди. Аммо, шундай бўлиб чиқдики, дўстнинг бевақт ҳалокати кўнглимда аламни, қўлимда қаламни уйғотди.

*Ёр фироги бирла тенегдир дўст фироги,
Де, қуёш ботди, гар ўчса дўст чироги,
Сўнггида дўст васли кутса бос қадам,
Бўлмагай ҳеч бундайин йўлнинг йироги.*

Бу қайдлар, хотиралар ўттиз беш ёшида (1995, август) баҳтсиз ҳодиса сабаб дунёдан бевақт кўз юмган дўстимиз Равшан Файз ҳақида. Уларни ёзганимда кўнглимда нур ўйнади, қаламим енгил-равон юрди, елкам оша дўстим руҳи кўз ташлаб турганлигини сездим. Ўқувчиларга ҳам дўстим руҳи ёр бўлишини тилаб қоламан...



«Тезда қайтаман деганди...»

Мана, Равшаннинг уйидаман. Унинг рафиқаси, келинимиз Жамилахон кўзёшларини тия олмай ўша кунларни яна хотирлаб кетди:

— Уйимизда икки-уч ҳафтадан бери бесаранжомлик ҳукмрон эди. Дераза ромларини алмаштиридик. Айвон томонга темир панжара ўрнатдик. Бу ишларни барини Равшан акамнинг ўзлари қилди. Раҳматли, жуда қўли гул, диди нозик инсон эди. Фақат бир хонада яшардик. Колган

хоналарда оҳак, ганч, кум ва ҳар хил қурилиш ашёлари ётарди. Мустақиллик кунигача таъмиrlашни тугатиб, байрам баҳона уйимизга ташриф буюрадиган меҳмонларни кутиб олиш учун тезроқ уйни кўлдан чиқаришга шошиларди, раҳматли.

Ишни тугатиш ўн килоча цементга тақалиб қолди. Равшан aka ўша куни кеч соат олтиларда уйга кириб келдилар ва дарров таъмиrlашда киядиган, ҳаммаёғи оҳак, бўёқ чапланган иш кийимларини кийиб, цемент олиб келишга отланди. «Овқатни суздим, ичиб кетинг» деганимга ҳам қарамадилар. Ажал шошириб турган экан-да, наилож.

Ўн беш минутлардан кейин пастга қараб, келишим билан менга ёрдамга тушинглар, деб тайинлаб, велосипед ва





бир қопчиқни олиб чиқиб кетдилар. Яқин-атрофдаги бир қурилиш дүкөніда цемент күриб келган эканлар.

Орадан айтилғанча фурсат ўтди. Кенжатойимиз Фирдавснинг шу кунларда тоби қочиб, анча инжиқланиб қолганидан, қўлимдан қўймай кўтариб юрардим. Тез-тез тўртинчи қаватдан уйимизнинг икки тарафидаги йўлга қараб қўяман. Ҳозир даданг келади деб Фирдавсимни, кўпроқ ўзимни овутаман. Ярим соат ўтди, бир соат ўтди. Ёз куни бўлгани учун ҳали ташқари ёруғ эди. Аста-секин кун қайтди. Шом бўзрайди.

Туни билан уйқу нималигини билмадим. Тонг оқарди, аммо тун шарпаси кўнглимдан кетмади. Шу куни ҳам қўшниларга билдирамай кечгача кутдим. Кейин тоғамга кўнгироқ қилиб, бўлган воқеани айтдим. Эртанги куни соат ўнларда эшик кўнгироғи чалинди. Мустақиллик куни, ҳаммаёқда байрам эди. Эшикни очдим. Тоғам икки миршаб йигит билан кириб келишди. Тоғам дарров қўлимдан боламни олди. «Оғир бўлинг, синглим, — деди миршабларнинг бири, — ўзингизни босинг...»

Раҳматлининг мурдаси икки кун ўлихонада кимлиги номаълумлигича сақланибди. Устида эски кийимлар, ёнида бирор ҳужжати бўлмаганидан унинг кимлигини аниқлолмаган эканлар. Тоғам мурожаат қилгандан сўнг, унга кўрсатишибди. Воқеа уйимиздан беш-олти юз метрлар нарида, Тошкент ҳалқа йўлига туташган автомобиль йўлида содир бўлган экан. Велосипедга ўн килоча цемент ортиб уйга қайтаётганда орқа томондан бир автобус кимўзарга ўйнаганми, зарб билан урилган, зарб таъсиридан Равшан акам велосипед устидан учиб, йўл четидаги бетон тўсиққа боши билан тушган экан. Велосипедга ҳам деярли ҳеч нарса қилмаганди. Шу куни қўшниларга баҳтсиз ҳодиса ҳақида билдириб, ўзимиз Кўшработга жўнаб кетдик. Кўшработда уни отаси ётган

қабристонга дағын этиб, маърака-мавлудларини ўтказиб, Тошкентта қаъда қилиб келдик.

Күшработдалигимизда қайнонам, қайин оғаларим менга болаларимни олиб, ўз ёnlарида яшаганим яхшироқ деб маслаҳат солишиди. Тұғри, эримнинг қабри ўша ёқда. Аммо унинг руҳи барибир Тошкентда, деб ўйлайман. Тошкентдан кетсам, худди унинг руҳига хиёнат қилғандек сезаман ўзимни. Шунинг учун бу шаҳардан кетолмасам керак.



Хәёт қонуними ёки тасодиғ,

Шундайин бир нақл бордир хорижда:

*Шеърни жон ўрнида күрган шоирлар
Қишлоқда туғилиб, ўлар Парижда.*

*Тошкент Париж эмас, лекин шоирга
Түккән она каби азиз бу макон.*

Она қишлоғига, ота юртига

Қайтишга бир лаҳза бермаган имкон.

Ижодға баҳи этиб неки борини,

Майдонга тушдилар тикиб орини

*Тошкентни кечириң, оналар, ортга
Қайтармади Назар, Ражаб, Чорини.*

(Вилоятларда туғилиб, Тошкентда бевақт вафот этган шоир дүстларимиз Назар Шукур, Мұхаммадражаб Имомов ва Чори Аваз, Равшан Файз назарда тутиляпты.)

«Шуъла» тұғарғы

Мен Равшан билан айни мана шу тұғарак сабабли танишган эдим. Бу 1983 йилнинг бошларыда юз берганди.

Ұша пайтларда адабиётта, шеъриятта қизықишиш ёшлар орасыда ҳозирғидан юз баробар кучли эди. «Ҳали Пушкин шеъри янграрди мағрур, Лермонтов чараклар назм осмонида!» каби сатрларни ўзгартириб «Ҳали Эркин шеъри янграрди мағрур. Абдулла чараклар назм осмонида. Шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир. Бундай буюкларнинг қаҳкашонида» дейдиган пайтлар. Бундай умум қизықишиш ёшлар гавжум жойларда ўз-ўзидан мушоиралар пайдо бўлишига, тұғараклар тузилиши, деворий газеталар чиқарилишига сабаб бўларди.

Аввало, ўзбек илму толибларнинг маккаси — Тошкент Давлат до-рилфунунида ўш адабиёт ихлосмандлари ташаббуси ва уларнинг бағридарё

мураббийлари қўллаб-қувватлашлари оқибатида «Ҳайрат» деб номланган тўғарак тузилди. «Шуъла» том маънода ўша тўғаракнинг негизида пайдо бўлди. Расмий равишда «Ҳайрат»дан «Шуълага», кейинчалик номлари ўзбек шеъриятининг саксонинчи йиллар авлоди деб аталадиган бугунига мансуб бир гурӯҳ истеъоддлар — Зулфия Мўминова, Равшан Файз, Рауф Субҳон, Зафар Комилов, Ўқтам Мирзаёр, Абдумажид Азим, Тўлқин Раҳим ва бошқа ўнлаб ёшлар ўтди.

Фалак эҳсони

Равшан ўз дўстларига бағишилаб шеърлар ёзишни яхши кўрарди. Синфдош дўсти Саидрасулга, курсдоши, андижонлик Маъмуржонга бағишлиган шеърлари китобларига кирган.

Кишига дўст фалак эҳсонидир. Кўнгли — кўнглига, юлдузи — юлдузига, муомаласи — муомаласига тўғри келганидагина орада дўстлик туғилади. Фараз, тама аралашган дўстликнинг умри қисқа бўлади. Аввало, Аллоҳ, сўнгра ота-она сабаб туғиламиш — ота-онага эга бўламиш. Тақдир қўшганига уйланамиш — оиласи бўламиш. Насиб этса, ўғил, қизли бўламиш — ота-она саналамиш. Буларнинг бари тегишли идоралар берган гувоҳномалар билан тасдиқланади, муҳрланади.

Дўст топганимизда эса уни ҳеч ким бизга хатлаб бермайди. Ҳеч қандай расмий идора: «Фалончи Пистончининг шу бугундан бошлаб бир умрлик ёки олти ойлик дўсти» деб гувоҳнома бермайди. «Узма дўстлик торини, боғлаш қийин» дейилади бир қўшиқда. Равшан билан орамиздаги дўстлик тори у ёки бу вазиятлардан таранглашган бўлса бордиру, аммо сира узилмаган. Унинг ногаҳоний ўлими ҳам, иншааллоҳ, уни узгувчи сабаб бўлмагай...

Устоzlар ва шогирдлар

Одатда, одам боласининг фазилатлари ёки иллатлари ҳақида гап кетганда «булар унинг ота-онасидан» дейиш расмидир.

Бу борада устоз ҳам ота-она мақомида туришини назарда тутсак, одам боласига фазилатлари туфайли етгуси раҳматларнинг савоби ота-она қатори устозга ҳам тааллуқли бўлиши жоиздир.

Равшанда зоҳир бўлган барча яхши фазилатлар замирида устози Абдулла Ориповнинг нафаси сезилиб турарди. Равшан Абдулла аканинг меҳридан илҳомланиб яшарди. У биз — мухлислар ва Абдулла ака орасидаги «учинчи одам» эди. Бу элчилик оқибатида Абдулла аканинг соғ-саломатлиги, ёзётган шеърлари, қувонч-ташвишларидан хабардор бўлиб турардик. Мен Абдулла аканинг «Ҳаж дафтари»га кирган аксар шеърларидан улар ҳали эълон қилинмасидан бурун Равшаннинг таърифи боис хабардор бўлгандим.



«Энди борган юлдузлар яқин...»

Равшан билан деярли тенгдош эсак-да, у мендан анча каттадек кўринарди. Шунинг учун ҳам бир гал бир-биrimiz билан сенсирашиб гаплашаётганимизни кўриб, кимдир менга:

— Оллоёр, нимага Равшанни сизламайсиз. У сиздан анча-мунча катта-ку, — деб танбех берди.

Шунда менинг ўрнимга Равшан:

— Бунинг кўриниши ёш, холос, бўлмаса тенгмиз. Сизу биз қариб-куриб ўлиб кетамиз, у бўлса ёшдек бўлиб юраверади. Домла Комил Яшин «Ҳамзахон унақа эди, бунақа эди» деб хотирлаганларидаи, биз ҳақимизда ҳам Оллоёр хотиралар айтиб юради, — деб ўзи кулиб, бошқаларни ҳам кулдириб жавоб берди.

«Юлдузлар чорлаганда» шеърини шундай якунлаган эди:

*Ўсяпман, тезлигим мисоли чақин,
 Бир лаҳза тўхтамоқ, тин олмоқ қайдা?
 Энди борган сари юлдузлар яқин,
 Энди борган сари одамлар майда...*

Бугун Равшаннинг руҳи ўша юлдуз тўла кўк чаманзорлардадир балким? Экзюперининг «Кичик шаҳзода» асаридағидек, тунги осмонга қараб, юлдузлар оралаб юрган РУҲ шарпасини ҳис қиласиз. Дунёning азаллиги ва абадлиги олдида инсоннинг бу фоний дунёдаги умри киприк қоқкудек муддатлигини англаймиз. «Кимлар келиб кетмади бу дунёга» деган икрор янги шеър оқшомини бошлаб, дўст ёдини янгилаб кела-веради, келаверади...

*Пардан хоб ортидасан, эй Дүст, бүгүн
Не гаплар бор, аён қилгин, у ёқларда.
Сендан бирор хабар борми дөл күн-түн
Күзим бўлди юлдузларда-маёқларда!*

*Парвонадир балки бошда фаришталар?
Бирор гулмон йўлларингни саришталар?
Бизга бордир бирор алоқа-ришталар
Қабринг узра ўсив чиққан қиёқларда.*

*Тез қўшилдинг бу сўнгги йўқ карвона сан,
Ташлаб кетдинг бизни чексиз армона сан,
Узоқлардан етиб келган парвонасан
Онагинанг ёққан чилтан чироқларда.*

*Тенгсиз эдинг фасоҳатда, тийнатда сен,
Соқов эдинг маломату миннатда сен,
Қандайлар ҳам роҳат топгунг жаннатда сен
Ўртсанганда фарзандларинг фироқларда?*

*Сараларкан чин дўстни бу аёвсиз йўл:
Ким дўстликка, кимлар эса бойликка қул.
Йўқ бўлсанг ҳам ғойибона узатиб қўл,
Ёнимдасан; тирик дўстлар— йироқларда...*

*Айттолмадик сенга рози-ризоларни,
Ҳожати йўқ энди турли изоҳларни,
Адаштирай дедингми ё қазоларни,
Ёвни алдаш одат эди широқларда!*

ОЛЛОЁР

ЭРКАТОЙ ШОИР ЭДИ

Аллоҳ раҳмат қиссин, Равшан Файз билан ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўрталарида танишганман. У пайтлар «Ёшлиқ» журнали таҳририятида ишлардим. Машхур шоир Эркин Воҳидов раҳбарлигига саксон биринчи йили ташкил бўлиб, саксон иккинчи йил январидан чиқа бошлаган «Ёшлиқ» илк қадамлариданоқ ёш авлоднинг аввалгиларни кига ўхшамаган янги фикрини тарқата бошлади. Собиқ совет тузумининг метин қалқони бўлмиш коммунистик мафкурунинг зийрак кўзини шамгалат қилиб, ватанпарвар, миллатпарвар баъзи ёшларнинг илгор дунёқарашлари аста-секин «Ёшлиқ» саҳифаларига сизиб кирди. Жунал бирдан эл оғзига тушди. Бу ерда ишлаш ҳам, асарини бу журналда чоп эттириш ҳам улуғ шарафга айланди. Таҳририятга қарийб ҳамфикр, ҳамқадам дўстлар тўпланган эди: Эркин Воҳидов, Эркин Аъзам,

Хайридин Султон, Шавкат Раҳмон (Аллоҳ раҳмат қиласин), Сулаймон Раҳмон, Муроджон Мансур, Сайдулла Сиёев, Сайдулла Аҳмад, Ёқубжон Хўжамберди... ва ҳоказо. Буларнинг аксари машхур «гулистан»чилар ҳисобланишарди. Уларнинг орасига битта-иккита бизга ўҳшаган фўр бошловчилар аралашиб қолган эдик. Журнал мени бағрига илиқ қабул қилди: ташкил бўлган йилиёқ ишга таклиф этилдим, иккинчи сонидаёқ илк ҳикоям етмишинчи-саксонинчи йилларнинг энг машхур ёзувчи-ларидан Ўткир Ҳошимовнинг «Оқ ўйл»и билан эълон қилинди.

Кейинроқ ўзига хос ёзувчи Набижон (Абдул) Боқий, янаем кейинроқ ўзига хос шоир Равшан Файз, ундан кейин ёш адабиётшунос Муртазо Қаршибой... лар ишга келиши.

Сўзни Равшан ҳақида бошлаб, бир оз хотирага берилганим бежиз эмас. Гап шундаки, кейин келганлар ҳам бу ерга келмасларидан буруноқ «Ёшлиқ»чи эдилар. «Ёшлиқ» уларга, улар «Ёшлиқ»ка бегона эмас эди. Ижодлари «Ёшлиқ»дан бир қадар файз олган, дунёқарашлари «Ёшлиқ» руҳида шаклланган эди. Шу боисмикан, бу саналганлар билан тезда тил топишиб кетдик.

Равшан шеърият бўлимига оддий ходим бўлиб келди, лекин тез орада бўлим мудири вазифасига кўтарилди. Камина адабий танқид ва санъат бўлим мини бошқарар эдим. Айни шу пайтда уни ҳар томонлама кузатдим, бир-биrimизга янада яқинлашдик. Шеърларини яхши кўрардим. Шунинг учун янги ёзганларини кўпинча менга ўқиб берарди, биргаликда пишитардик. Равшаннинг менга ёқадиган энг яхши жиҳати адабиётда катта даъвода бўлмаганидек, ёзишда ҳам ҳеч кучанмас эди. Қўлига қалам оларди-да, масалан, бундай бир манзарани эмин-эркин чизиб ташларди:



Тонг ёришиб қолди. Ҳадемай
Күштәңайза қадайды күкка.
Мен қанчалик ғамини емай,
Тун барибир бормайды күпга.

Туттасин деб одамни хуни
Яшираман шу ҳақиқатни.
Тун билмайды битганин куни
Ва санамас ҳар дақиқани.

Шундан унга бўламан далда,
Сочларини силайман секин.
У бир қултум сув сўраганда
АЗон янграб қолади лекин.

Қалқиб кетар қўлимдаги сув,
Ўзгарар тун авзойи, бети,
Юрагига тушади қўрқув,
Увишади туйқусдан эти.

Ошкор бўлар оламга бу сир,
Нафаслари келади куннинг:
Қичқиради хўроzlар бир-бир,
Оқаради юзлари туннинг...

Вафотидан кейин чоп этилган «Кел, эй кўнглим» тўпламини ўқи-
ганлар сезадиларки, Равшан болалигида кўп мусибатларни, қайгу-
аламларни бошдан кечирган. Албатта, бу мусибат ва қайгулар унинг
қалбидан теран из қолдирган. Балки кейинчалик мана шу излар қўлига
қалам тутқазгандир. Ҳар ҳолда Равшан Файз ниҳоятда ҳассос йигит,
ҳассос шоир эди. Сал нарсага ҳаяжонланаб кетаверар, бир оз шалдир-
шулдир бўлгани учун туйғуларини дўстларидан яшириб ўтирас эди.
Натижада ўртада дарҳол самимият юзага келарди.

Ҳаётда жуда кузатувчан, кичкина бир ҳодисани ҳам эътиборидан
четда қолдирмас, кутилмаганда нимадир ижодига туртки бериб юборар
эди. Бир гал икки ёшли қизи Юлдуз қайчини кўрсатиб, ҳайрат
ичра: «Дада, қаранг, қуш... қуш учяпти», деганида шундай ҳая-
жонланадики, болаларча соф қалбидан беихтиёр сатрлар тўкила
бошлайди:

Бўғзимга тиқилиб қолди бир нима,
Нимадир мијжамга келди сизилиб.
Кейин ханжар каби тигдор ваҳима
Оламга отиљди оғзимни тилиб:
Қизим, она қизим, кўп доно қизим,
Түғ дейин қуш тилинг, гуруч тишингга,

*Келгин, ҳайратимнинг тафтида исин,
Жоним садқа бўлсин ўхшатишингга.
Гарчи қаноти ийқ, оёғи ийқдир,
Осмон деса гарчи қизимас ичи,
Қайчи бўлса бўлди, кўнглим кўп тўйқдир,
Қушга ўхшаш экан барибир қайчи.
Ақлинг меникидан бўлгайдир сара,
Йўқса қайда эди ўттиз йил бу хуш?
Ростдан ҳам нимаси биландир, қара,
Қайчани эслатар ахир ҳар бир қуш.*

Бирга ишлаб юрган кезларимиз бўлимдан қайсиdir мавзуда мақола тайёрлаб туширишим керак бўлиб қолди. Равшандан илтимос қилдим. «Айни сизбоп мавзу, тез ёзиб берсангиз», дедим. Рози бўлди. Йўналишини келишиб олдик. Белгиланган муддатда олти-етти қофоз қўллэзма мақоласини кўтариб олиб келди. «Ўқиб кўринг», деди. Ўқидим. Одати бўйича тиниқ туйғуларининг борини қофозга тўкиб солибди.

— Бунингиз гирт ҳаяжон бўлиб қолибди, энди буни мақола қилиш керақ, — дедим ҳазиллашиб. Мириқиб кулди.

Ўшандан бўён то қисқа умрининг охиригача «ҳаяжонни мақола қилиш» хотираси гурунгларимизнинг очқичи бўлиб қолди.

Энди ўйлаб қарасам, ҳаётларимизда ҳам баъзи ўхшашликлар бор экан. Қишлоқлардан чиқиб, одам бўлармиканман, деган ниятда ўқишидан кейин пойтахтда қолишни истаган жами хаёлпарастнинг ilk босқич ҳаёти ижарама-ижара саргардонлик билан бошланади. Бу, чопон ҳамиша елкада, деганидир. Гоҳо олдинги ижарадан чиқарилган, аммо ҳали янгисини топмаган ҳолларга тушасиз. Яъни кўчада қоласиз. Бунинг аламларини бошидан ўтказгандар билади. Менда ҳам бунаقا ҳол кўп бўлган. Вокзалларда ётиб юрганимни ишхонадагиларга билдирамасликка қанча тиришмай, зийрак устозим Эркин Аъзам (барибир сезса керак) ҳар хил баҳоналар билан тез-тез уйига олиб кетарди. Юлдуз кеннойи ҳам ҳеч қачон оғринмасди. Аҳвол жуда танглашганда ўзи ҳам ижарада турадиган шоир Мирза Кенжабек Таътилга кетаётib, уйини менга ташлаб кетди. Лекин барибир орада ўзимга бошқа жой топа олмадим. Энди нима қиласман, деб бошим қотиб турганида Хайриддин Султон жонимга ора кирди: «Таътилни оилас билан Паркентда ўтказмоқчимиз, жой топгунингизча бориб бизникида тураверинг», деб янги олган квартирасини бир ойга буткул ихтиёrimга қолдириди. Негадир совутгичга унчамунча озиқ-овқат ҳам солиб кетибди. Ҳуллас, бунаقا яхшиликларни кўравериб, ўшанда: «Худо хоҳлаб уй олсан, мен ҳам, ўзларига қайтара олмасам-да, бошқаларга шунаقا яхшилик қиласман!» деб кўнглимга туғиб қўйган эдим. Ниҳоят, 1988 йили шаҳар ижроқўми Ал-Хоразмий даҳасидан менга ҳам тўрт хонали уй ажратганидан кейин тез орада шундай яхшиликка сабаб туғилди.

Бир куни Равшан ишхонада юрагини ёрди:

— Нуруллоҳ ака, капаратип уйим битиб қолган, топшириши чўзилляпти, калитини бир ойдан кейин бераркан, бу ёқда ижара уйимнинг эгаси тез чиқиб кетинг деб қисталанг қўяляпти, — деб қолди.

Дарҳол ниятим эсимга тушди. Аллоҳга шукрлар қилдим.

— Ҳеч қисинманг, бизнига келинг, кўч-кўронингизни ҳам олиб келинг, маҳалла қўшни, қўчишингиз осон, — дедим.

Уйинг ярмини ажратиб бердим. То калити кўлига теккунича Равшан оиласи билан бизницида яшади. Албатта, бир уйда иккита оила туришининг ноқулай томонлари ҳам бор эди. Аммо хотинларимиз ҳам аҳволни тўғри тушуниб, сабр-тоқат билан чидаб, яхши кунларгача эсон-омон етиб олдик.

«Ёшлик»да икки йилча бирга ишлаб, кейин турли сабаблар билан ҳар ёқларга тарқаб кетдик. Лекин муносабатларимиз узилмади. Баъзи-баъзида қизчалари Чарос ёки Юлдузни етаклаб бизнига чиқиб қоларди.

— Би-ир эски-тускилардан гийбатлашайлик деб келдим, Нуруллоҳ ака, — дерди ўзига ярашадиган эрка бир оҳангда. Ўғилларимни суйиб-эркалатиб, елкаларига миндириб оларди, ўзи ҳам болаларча эркаланиб ўйнашарди.

Дарвоқе, Равшаннинг феъл-атворида, гап-сўзларида ҳақиқатан самимий бир эркатойлик бор эди. Туғилиб ўsgан оиласида эрка фарзанд, ёр-оғайнилари даврасида эрка дўст, ишхонада эрка ходим, адабиётда эрка шоир эди. Шеърларини синчиклаб ўқиган киши Равшан уларни нақадар эркаланиб ёзганини билиб олиши қийин эмасди. Эрка сатрлар, эрка ўхшатишлар... Масалан, ўтаётган умри учун у дафъатан куз фаслидан ҳам ҳақ даъво қилиб қолиши мумкин эди:

*«Бугун куз тўлайди умримнинг ҳақин,
Холбуки, тиллога тенг эмасди у».*

Ёки, масалан, бошқа бир кайфиятда:

«Кўрмадим сён каби хаёлкаш қизни...»

деб ҳозиргина ўзи жаримага тортган гуноҳкор кузнинг бирдан кўнглини овлашга ҳаракат қилиб қоларди. Негадир «хаёлчан» деб эмас, балки айнан «хаёлкаш» деб ёзган эди. Зотан, хаёлкашилда ҳар хил ҳолатларни ва хаёлларни ўзида ташувчи ҳаммоллик сифати ҳам бор-да.

Аллоҳ Чаросу Юлдуздан кейин Равшанга ўғил ато этди. Наслининг давомчиси туғилганидан унинг қанчалик севинганлари!

Бир куни яна бизнига чиқди.

— Нуруллоҳ ака, шу, ўғилларингизни жуда яхши кўраман-да! Рози бўлсангиз, ўғлимга биттасининг отини қўйсам, — деди.



китоб ўқиб борардим. Онда-сонда қараб қўярдим... Турган эди. Фазалкентга яқинлашганимизда бирдан йўқ бўлиб қолди. Хуллас, бор-йўқ уловимдан ҳам айрилдим. Мен учун бу ўғрилик машъум ҳодиса эди. Икки кундан кейин Тошкентга қайтиб эса, ундан ҳам машъум хабарни эшитдим: мен уловимни ўғирлатган куним Равшанни, укамни, дўстимни, шоир биродаримни валасапидда уйига бир қоп семон олиб келаётганида, Ўрикзор даҳаси атрофидаги кўприк устида... машина уриб кетибди!

Вужудимни совуқ тер босди. Бу икки ҳодисада гёё қандайдир боғлиқлик бордай туюлди. Бир кунда мен ҳам уловимдан, ҳам биродаримдан ажраб қолган эдим. Аммо валасапидимни йўқотганимда ҳис қилганим изтироб Равшан Файзни йўқотганимни эшитганимдаги изтиробим алансининг кўз-қарогини, оиласининг пушти паноҳини, болаларининг паҳлавон отасини, мен каби ошна-оғайниларининг бетакрор бир дўстини, элизизнинг эса, каттакон ва яхши бир Шоирини «ўғирлаб қўйган» эди.

Начора, сабр қиламиз, инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун, деймиз. Аллоҳдан ҳаққига раҳматлар ва мағфиратлар тилаймиз ва бундан бу ёғига, ўзимиз ҳам то хотираларга кўчгунимизча, доғли юракларимизда унинг хотирасини олиб юрамиз.

— Сотаман, — дедим ҳазиллашиб.

— Майлига. Қанча десангиз, мен тайёрман, — деди қийқириб.

Ўғлига «Фирдавс» деб от кўйди. Яна бир нарса бизларни бир-биримизга боғлади гўё.

Равшан иккимиз бойликда ҳам тенг эдик: унинг ҳам, менинг ҳам, валасапидларимиз бор эди. Мен ишга шу уловда бориб келардим. Равшан ҳам кўп юмушларини шунда бажаарди. Мустақилликнинг нечанчиям йилини нишонлаш арафасида «электричка»да Чорбоқقا кетаётганимда менинг валасапидимни ўғирлаб кетишиди. Танбурда турган эди, ўзим кираверишдаги ўриндикда

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Мени бу ёшликтинг тафти уйғотди,
Ташналик, соғинчнинг дарди уйғотди
Ота, ёлғизликтинг ҳукмида қолиб
Сизни кута-кута тонгларим отди.

Энтиккан бу дилнинг нолишларини,
Соғинган юракнинг ёнишларини,
Қанийди, бир бора саппора күнгил
Тушунса ҳаётнинг дўнишларини.

Биламан, дийдор йўқ, хотира мангур
Иложисиз кўниккум, тақдир ҳукми бу,
Ҳаётда, ёнимда йўқсиз-у, аммо
Менинг нигоҳимда яшайпсиз-ку...

Бахтли кунларимни, шодлик дамимни,
Айтинг, кимлар билан кўрайин баҳам.
Ҳеч нима овутмас менинг ёдимни
Ёнимда дўстларим, «бахтим» бўлса ҳам.

Баъзида ҳаётнинг гирдобларига,
Изларим қолдирмай кетаман шўнғиб.
Йўқ, энди кўникум азобларига
Яшайман умрингиз эртаси бўлиб.

Юлдуз ФАЙЗИЙ

РАВШАН ФАЙЗ ШЕЪРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

* * *

Кўнглимни ҳеч этмадим бозор,
Суйганимга бермадим озор.
Мажнун мисол бўлмасдан хор-зор
Мен ёшликтин тарқ этиб кетдим.

Юрагимни рашкларда ёқиб,
Тоҳир каби юрмай деб оқиб,
Толеимга этагим қоқиб,
Мен ёшликтин тарқ этиб кетдим.

Гул фаслида қолмагай дунё,
Хайр, Лайли, алвидо, Зухро.
Ёшликтин мени тарқ этмай илло,
Мен ёшликтин тарқ этиб кетдим.

* * *

Сени деб билмасман тиним нима ул,
Тежаб-тергаганим сеники буткул.

Юрагимни ютиб топганим сенга,
Тийинни-тийинга уриб топганим сенга.

Боболарим ётган ерларим қолар,
Шамоллар шовири— шеърларим қолар.

Узилган кунидан насибам, ноним
Сенгадир шеър ёзиб ортирган номим.

То умр ўткинчи экан — нетарман,
Эртами-кеч барини ташлаб кетарман.

Кетарман тупроққа тенг бўлиб, илло
Бу-чи парвойингдан келмайди аммо.

Боиси, сен ўжар боламсан, дунё,
Бўғзимга сифмаган ноламсан, дунё.

Зорларни билмаган золим, зўримсан,
Дунё, сен энг эрка меросхўримсан.

* * *

Мен яхши кўряпман сизни тобора.
Тобора кўзимдан йитмоқда туман,
Қарангиз, қисқариб боряпти ора,
Орада тўсиқ йўқ энди умуман.

Мен яхши кўряпман сизни кун сайин,
Кун сайин яқиндир дийдорингиз, ёр,
Йўллар кўп равондир, ҳаво ҳам майин,
Майин сўнмоқдадир косагул, аёллар.

Мен яхши кўряпман сизни шунчалик,
Шунчалик муҳимдир энди зор, додим:
Худойим, ишқилиб салому алик
Умрича бўлса бас, қолган ҳаётим.

Мен яхши кўряпман сизни тобора...

АЁЛ

Куя-куя кунчил ёсуман
 Ўртамиизда бўлганда туман,
 Сени яхши кўрдим, барибир,
 Сумбул сочли эй ширин сухан.

Юзингни тўсгандা паранжи,
 Барибир, хоҳ ранжима-ранжи,
 Сени яхши кўриб юрдим мен,
 Эй гулларнинг гавҳари, ганжи.

Тун кўйнида йилт этган бир шам
 Умидимга бўлмаса ҳам шан,
 Сени яна яхши кўрдим-ей,
 Менинг кўзим кун каби равшан.

Аммо ҳеч боқмайсан чақирсан,
 Ё овозим етмайми, жимсан.
 Сени ҳамон яхши кўргумдир,
 Сен шу қадар кўзга яқинсан.

Етгудайсан қўлим чўзсан, о,
 Бунга қайдин куч топай аммо.
 Сени жуда яхши кўраман,
 Эй заминда қолган хурлиқо.

Нега ҳолимни ҳеч сўрмайсан,
 Кўзимга боқиб соч ўрмайсан.
 Сени яхши кўраман мудом,
 Сен-чи, мени асло кўрмайсан.

* * *

Ё кимлардир қошлар қоқиб
 Кўнглингизга қўл солдими,
 Ё биз каби ошиқларнинг
 Қадри ерларда қолдими?

Хоҳишингиз бўлдими танг,
 Сигмайдими ҳеч ҳаддингиз?
 Қушлар ҳам келди қайтадан,
 Ёр, нега сиз келмадингиз?

Шул гариб кўнглимга қараб,
 Толларнинг сочини тараб
 Баҳор келди минг марталаб,
 Ёр, нега сиз келмадингиз?

Соғинчимдан қулди дунё,
 Дунё кулишдан толдими?
 Биздай содда ошиқлар ё
 Фақат шеърларда қолдими?
 Йўлларга термилиб толдим...

* * *

Баҳордан гул узолмадим, ёр,
 Сочларингга тузолмадим, ёр.
 Куч топмадим, андишанинг зўр
 Деворини бузолмадим, ёр.

Баҳор эса тарк этди кетди,
 Чақмоқ экан ярқ этди кетди.
 Кўзимни бир очиб-юмгунча
 Кўз ёшига гарқ этди кетди.

Бу дунёдан безаман энди,
 Ўзимни кўп сезаман энди.
 Шамол каби далли-девона
 Армон даштин кезаман энди.

Асли бари ўзимдан ўтар,
 Тил билмаган сўзимдан ўтар.
 Шундан эди юзингни ювган
 Дарё менинг кўзимдан ўтар.

Баҳордан гул узолмадим ёр...



А'ЗАМ ЎКТАМ

(1960—2002)

Жон келур оғзимга, қандоқ ширин ул,
Мехмон изн кутар останага келиб.
Ўйнадим ҳар ерда, қиёматгача
Жилмайиб ётайнин Фарғонага келиб...

А'зам Ўкта

«Кузда кулган чечаклар», «Кузатиши», «Зиёрат», «Тараффуд», «Икки дунё саодати», «Қирқинчи баҳор» китоблари муаллифи — дилбар шоир А'зам Ўкта м XX аср ўзбек шевриягининг энг истебододли вакилларидан бири эди.

Ушбу тўпламлардан ўрин олган шебрларини ўқиб, инсон хилқати, унинг мукаммал шахс сифатида шаклланиши жараённи ниҳоятда мураккаб эканлигини англагандай бўласиз. Шоирнинг доим руҳий покланишига, комилликка, қалб озодлигига интилганини ҳис қиласиз.

Ҳаётдан эрта кетган А'зам Ўкта ижодидаги мазмун ва ёвқур сатрлар гирдобидаги сирли оҳанг, самимият, дунёни фалсафий англаш туйғуси китобхонни мuloҳазага ундаиди.

Ишхонада ишлаб ўтиргандим. Бирдан хонамизга юзларидан нур ёғилиб турган бир киши кириб келдилар. Ўрнимдан туриб салом бердим. Бояги одам мен билан худди эски қадрдонлардай илиқ саломлашиб. Билсам, муҳарриримизни йўқлаб келган эканлар. Бошлиғимизни бир оз кутишларига тўғри келди. Опа келгунларича бўлган бир лаҳзалик суҳбатдаёқ у кишининг қанчалар билимли, тафаккури кенг, шу билан



бирга, самимий ва оқкүнгил, асосийси, ўта камтарин инсон эканликларини ҳис қилдим.

Кўп ўтмай у одам бизга ишга келдилар. Эртасига ҳамхоналаримдан бири: «Аъзам аканинг бизга ишга келганлари яхши бўлди, жуда ажойиб инсонлар-да», деб қолди хурсанд бўлиб. Шундан кейингина мен ўша куни суҳбатлашган инсон «Тарадду» китоби билан менга аввалдан қадрдан бўлган дилбар шоир Аъзам ЎКТАМлигини билгандим...

Бахтни қарангки, биз бир хонада ишлай бошладик. Тез орада Аъзам ака барчамизнинг севимли қадрдонимизга айланиб қолди. Таҳририятнинг ижодий ходимлари, кўпинча идорада эмас, балки мақола илинжида турли худудларда бўламиз. Ле-

кин шундай бўлса-да, Аъзам акани бир кун кўрмасак соғиниб қолардик. Ишга атайлаб Аъзам ака билан кўришиб икки оғиз суҳбатлашиш учун ошиқиб турардик. Устоз бўлган даврада ўзгача файз бўлар, самимий суҳбатлари дилни равшан қиласди. Қани энди ҳамма одам ҳам Аъзам акамдай бўлса, деб ўйлардим мен. Балки шунда: «Бугун орамиздан меҳр-оқибат, одамгарчилик кўтарилиб кетяпти!», деган гапларга ўрин қолмасмиди...

Аъзам аканинг негадир ҳаммага яхшилик қилгиси келаверарди. Хоҳ у таниш бўлсин, хоҳ нотаниш. Энг ҳайратланарлиси эса, борди-ю ўша одамга ёрдамлари тегмаса қаттиқ хижолат чекиб, эзилардилар. Мен баъзан: «Аъзам ака, нега шунақасиз. Ахир у одамнинг бошқа танишлари ҳам бордир. Таниган, танимаган инсонларингиз учун ҳам елиб, югура-сиз-а?» десам, «Билмадим, яхшими, ёмонми. Лекин бу одатни негадир ҳеч ташломайман. Қўлимдан келадиган иш бўла туриб ёрдам қилмасам, виждоним қийналиб кетади», дердилар.

Ёз ойларида менга вақтингчалик яшаш учун турар-жой зарур бўлиб қолди. Ўйлаб ҳам ўтирумасдан Аъзам акамга «ёрилдим». Устоз эртаси куни калит кўтариб келдилар-да: «Бу сиз бундан буён яшайдиган уйнинг калити», дедилар ҳазил аралаш. У кишининг шу икки оғиз гаплари ҳам кўнглимни ёритиб, менга қанчалик далда бўлганди, ўшанда. Эртасига ёк

дўстларим билан ўша уйга бориб, хотиржам яшай бошладик...

Баъзан сұхбатлашиб ўтириб, ёшлигимга бориб, кимнингдир менга ҳасад қилаётганидан ёзгириб қолсам. Аъзам ака: «Бу нима деганингиз, инсон бунақа майдада-чуйда гаплардан юқорида туриши керак. Кимдир менга душманлик қиляпти, деб ўзини ўзи ишонтириб яаш ярамайди. Ҳамма билан дўст бўлишга интилинг», дердилар. Шунинг учунми, ўzlари ҳам ҳаммани дўст деб билардилар.

Устоз ёш ижодкорларга, сўз санъатига ҳадик билан кириб келаётган қаламкашларга ўзгача эътибор берардилар. Йигирма-ўттиз ҷоғли шеърий машқларимни минг истиҳола билан Аъзам акамга кўтариб борганимда у киши эринмай ҳар бир шеърни эътибор билан ўқиб, таҳлил қилиб, фикрларини ёзib бергандилар. Ҳар бир ёзганларимдаги ютуғимдан қувониб, камчиликларимни тўғрилаб, маслаҳат берганлари эса кечагидай кўз ўнгимда.

Аъзам Ўктам ҳузуридан у кишининг этагидан тутган ёш қаламкашларнинг қадами узилмасди. Устоз камол топиб, юрга нафи тегаётган, ўз сўзини айтадиган шогирдларини кўрганида ич-ичидан қувониб кетарди. Ҳар бир муҳокама, сұхбату савол-жавобларнинг ўзиёқ бир китоб экан, энди ўйласам.

Охирги кунларда устоз билан икки-уч кун кўришолмадик. Мен имтиҳон-синовлар билан андармон эдим. Аъзам акам сўнгги кунларининг бирида уйларига таклиф қилганларида ҳам «Эртанги синовга тайёргарлик кўрмоқчидим, кейинроқ бораман», дегандим. Ўшанда устознинг тириклик аталмиш синовдан, бу имтиҳон дунёдан чин дунёга тарааддулланганини ким билибди, дейсиз. Хом сут эмган бандалармиз-да, ҳамиша фафлатда қоламиз.

Орадан икки кун ўтиб эса «Аъзам Ўктам оламдан ўтди», деган қанчалар совуқ, армон ва аламга тўла хабарни эшитишга ва Яратганинг иродасига кўнишга мажбур бўлдик.

Аъзам ака умр бўйи ноҳақликка, ёлғонларга қарши курашиб яшади. Ҳамма ўринларда ҳам ҳақ эканлигини исбот қилди ва ғолиб бўлиб келди. Бугун эса факат ўлимгагина енгилди...

Севимли шоиришимиз Муҳаммад Юсуф оламдан ўтганларида Аъзам ака кўп куюндилар. Шеърларини қайта-қайта ўқиб: «Шоир



мен ўламан, кетаман деган кайфиятда ёзмаслиги керак экан. Мұҳаммад аканинг күп шеърлари бугун башоратга үхшайди, гүё», дегандилар. Ўшанда мен устознинг «Қирқинчи баҳор» китобидан ўрин олган қуйидаги шеърини ўқиб, кўнглим хотиржам бўлганди:

*Табибим, пуч сиз берган дарак,
Хасталанай нечун шу ёшдан?
Севганимдан санчар бу юрак,
Қон боғиммас, гайратим ошган.*

*Ўллим деманг, ўллим ўлсин!
Ўйнаб-кулиб юзга тўламан.
Э-аўқ, бу кам.
Не бўлса-бўлсан—
Мен дунёга устун бўламан!*

Афсуски, устознинг ёзганлари терс келди. Аъзам Ўқтам, ўзи севган шоир Мұҳаммад Юсуфнинг шеърини ўқиб туриб, дорилфанодан дорилбақога риҳлат қилди...

Устоз Аъзам Ўқтам ҳам тақдирини башорат қилиб, худди шеърга солиб кетгандай туюлади:

*Жонимга тегмоқда барчаси бир-бир,
Жон эса ҳалқумга келар охир.
Битта мен ўйқ бўлсан не бўпти ахир —
Ўзбекнинг камайиб қолмас шоири.
На Тошкент, на Қўқон билади мени,
Ахир ўз-ўзимни алдаб нетаман?
Шу отпоқ қоғоздан яширай нени—
Бир ўлиб кўрмадим, холос. Кетаман!*

Шоир киндик қони томган тупроқ Фарғонадан, аждодларини бағрига олган «Пошиборим» қабристонидан мангу макон топди. Жаноза намозига йигилган ҳар бир мўмин бир марта бўлса ҳам тобутга қўл теккисам дейди. Ўша куни галма-галдан тобут талашиб бораётган, кўзлари жиққа ёш Хонободни, Бувайдани кўрдим. Нафақат Бувайда, балки бутун Фарғона йиглади ўша кун.

*Бергувчи бир, олгувчи ҳам,
Не қиламиз дунё бир кам,
Тошишардан топган акам —
Аъзам ЎҚТАМ, Аъзам ЎҚТАМ.*

*Кўз тегдими, қани тумор?
Қишилар тирик, ўлди баҳор,
Ҳар лаҳзада қилар хумор
Аъзам ЎҚТАМ, Аъзам ЎҚТАМ.*

Бугун шоирдан ажойиб шеърлари, ота-она, ака-укалари, ўзидай тоза қалб фарзандлари қолди. Шундай фарзандни тарбия қилган, элга нафи текканида қувонган ва бутун доғида куяётган шоирнинг падари бузруквори ва волидаи мұхтарамасига Яратганинг ўзи сабр ато этсин.

Энди Аъзам Ўқтам мухлисларининг «Кузатиш», «Кузда кулган чечаклар», «Тараддуд», «Икки дунё саодати», «Қирқинчи баҳор» каби китобларидан таскин топишдан ўзга иложлари ҳам йўқ.

Биз тириклар эса фақат марҳум хотираси учун дуои-фотиҳа қилишдан ўзгасига қодир эмасмиз. Илоҳим, охиратингиз обод бўлсин, устоз!

Хуршидбек РЎЗИЕВ

Аъзам Ўқтам хотирасига

*Бўйдор бир дўст кетди. Келди бўйдор ғам,
Куюндим. Бўтадай бўзлаб ийғладим.*

*Айрилиқ – юқ. Босди. Фичирлаб синдим,
Куюн ичга урди. Музлаб ийғладим.*

*Фақат олдга оқар дарё эканмиз,
Қайтмас дарёларни излаб ийғладим.*

*Рўзи маҳшардами энди кўришмоқ ...
Үзим ўз-ўзимга сўзлаб ийғладим.*

*Хазин-хазин найнинг ноласи келди,
Мен ҳам шул нолага мослаб ийғладим.*

*Бу кеч тик теракка суюнганимча,
Кетгас дўстларимни эслаб ийғладим.*

Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

«МЕН БАҲОРМАН, МУЗЛАГАН ОТАШ»

Ўзбек шеърияти боғидан Аъзам Ўқтам дарахтини туйқус илғай оламиз. Бу дарахтнинг салқинларида, шамолларида неча бор йўқлик ва борлик ҳақида ўйлаганмиз.

Унинг кўзлари ўтқир, қулоқлари зийрак, юрагининг қаърларида изтиробли сирлари бор эди. Дунёнинг аламли ғовурлари, аччиқ гулувлари уни тез улғайтириб қўйган эди.

Шоирни ичкин англаш, тушуниш ҳамиша оғир кечади. Сатрларнинг ортида, сатрларнинг сатҳида, унинг теран тубларида

нелар борлигини барча ҳам идрок этолмайды. Лекин биламизки, шеърият ёвузылкка судраётган нафсга қарши курашади. Кичикни улуглайды, катта кетганни ерга имладыйди. Барибир ҳақиқатни айтади, айтаверади. Шеърият шунинг учун ҳам абадийдир.

Аъзам Ўқтамнинг «Боғ» шеърини олайлик.

«Кўзим тиниб кетди, сирқирар кўксим барпо этолмаган боғингга қараб. Уми ёшлигимнинг, қалбимнинг акси? Асабий фўлдирап сени қувиб этолмаган сойлар, газабли фўлдирап сенга эргашиб кетолмаган тоғлар. Боғинг сари бордим кўр ойдинда, гуркираб ўсаиди бегона ўтлар. Юлдим, аламларни юлгандай қалбдан. Дўстинг йўқ экан-а, қадрдоним, ининг йўғмикан-а, оғам? Элинг йўқмиди-я, жигарим? Қоғоз қораладим қоронгулиқда: «Мен кимман? Армондан бўлак ҳеч вақоси йўқ ёш шоир. Соқовга ўхашашар оғаларим, Ҳалқим, деб юрган бу эрқакларда борми ахир ҳис»...

Шоир чексизликдан чекка томон симдор тортиб, уларни бирлаштира олади. Чексизликнинг чеки борлигига сизни ишонтира олади. Шоир ҳар жойда, ҳар вақтда, Вақтдан ташқарида ҳам мавжуд-номавжуд. Билим йўлининг ич-ичидан Аллоҳ висолига етказувчи йўлдан кетаётган дарвеш, вақт ҳукм-фармосидан кишанларидан мутлоқ озод бир зотдир.

Ўзбек шеърияти боғида Аъзам Ўқтам дараҳтини тез илғаб оласиз. Бу дараҳт қўп замонлар ажойибу гаройиб меваларини армуғон қиласажак. Бу дараҳт бу боғни сарғайтириб қўймайди, доим қайта туғилиб, қайта ўлиб, қайта тирилиб шовуллаб тураверади.

Зангори Оғочман. Ҳозир осаман.

Қайта тириламан тўлиб сехрга.

Мехржоннинг қанотини ёзаман,

Дунёларни тўлдираман меҳрга.

Мен қишишман, бошимда азалий оқтош,

Қонли булултларга бурканиб қотган.

Мен баҳорман, музлаган оташ –

Зулматнинг жиззанак тонглари отган.

Абадий Коинот бирла қоламан,

Ўлсам чирқирайди овозим танда.

Энг янгроқ юлдузни узиб оламан,

Эзилган, хўрланган баргман тубанда.

Ёлғиз, ўзим ҳалқман, ўзим оломон,

Мен шоирман ахир, шоҳман, эй бандা.

Рауф ПАРФИ,
Ўзбекистон ҳалқ шоири

ТУН БУРГУТЛАРИ

Чўянтган Арслон қушчининг обжувози Қапчуғайқирни оралаб оқувчи Шоҳимардонсой ёқасидаги сўлим жойда бўлгани боис бу ерда шоли янчувчилардан кўра олтиариқлик сайлчилар кўпроқ учарди. Келган одам борки, чолнинг ов бургутини томоша қилиб тўймас, кекса овчи эса «қириувчи қуш»нинг сон-саноқсиз «ҳаво жанг»ларини оғиз тўлдириб баён қилишдан толиқмас эди.

Арслон қушчининг бир ҳикояси эсимда қозикланиб қолган. Эмишки, ҳар 20—30 йилда қайсиdir бургут кўкиш тухум туғар, бундай тухум туқсан бургутнинг инини бошқа қавмдошлари жуфт-жуфт бўлишиб туну кун кўриқлашар, бу пойлоқчилик полапон тўлиқ вояга етгунга қадар давом этаркан. Кўкиш тухумдан чиқсан, минг-минглаб бургутлар ичра бир яралиб қолувчи бу суюндиқ қушни «Тун бургути» деб аташар экан. Кўзи бойёғлиникидан-да ўткирроқ бўлган тун бургутининг нодирлиги шунда эканки, у кундузлари ухлаб, тун бўйи тогма-тоғ учиб юрар, фафлатда ётган бургутларни заҳарлаш ва полапонини ўлжа қилиш ниятида қоялардаги инлар сари писмайиб ўрмалаётган илонларни бирма-бир овлаб кун кечираркан.

Шоир ҳам тун бургугига менгзайди.Faflatdan имкон қадар йироқ бўлишга уринади, она масканидаги ҳар бир қондошини ҳар қандай хавф-хатардан сергак қўриқлаш ташвиши билан яшайди. Ўз қавмининг тинчи ва фарогати йўлида жон куйдираётганини бошқалар сезадими, йўқми, ундан миннатдор бўладиларми, бўлмайдиларми, буларни ҳатто хаёлигаям келтирмайди. Зеро, заҳматли бу турмуш унинг оддий ҳаёт тарзига айланган...

Йўловчи машинанинг орқа ўриндиғида тун мудроғи элитгудек бўлиб, Қамчик довони оша борарканман, бошимда шу ўйлар айқаш-үйқаш кезиб юрарди. Эртанги кун жуда оғир кечади, ўжар ва довюрак йигит, тўқиб эмас, тўқиб ёзишга одатланган яратилма шоир Аъзам Ўқтамнинг кўмилаётганини, тобора тупроқ остида қолиб бораётганини чидам билан кузатиб туриш керак бўлади. Шоирнинг жасади ҳозир Тошкентда, Бувайдада эса унга аллақачон қабр қазилмоқда.

Кулогим остида шоирнинг товуши узуқ-юлуқ тарзда, гоҳ ҳазинланиб, гоҳ гулдиракланиб тараалаётгандек. Жуда таниш шеърий парчалар:

...Ақлим энди етяпти оз-моз:
астойдил қасд қилса бас одам,
айланади кундага қоғоз,
болта бўлар бемалол қалам...

...Тураверар кериб кўкрагин,
Аъзам Ўқтам ўлар эгилса.

*Чип-е, бұлсанғ кимнинг күппаги,
Пишт-е, кимнинг мушуги бұлсанғ!
...Қишлоғим, бұл бегона
Сен мотам, нолаларга.
Күчанғ тұлсын, онаси —
Үйғотған болаларга.*

*...Онангнинг бисоти фақат оқ йұлдир,
Сени тортиб тұрсын тупроқ, она тил.
Қайда юрма, қанча умр күрма, барибир,
Тобутда бұлса ҳам юртингга инти!*

Қизиқ! Сүзи бор, ўзи йўқ... Бу қанақаси, бор-йўги 41 ёшда эди-я! Келдио кетди... Шавкат Раҳмон-чи? Мұхаммад Юсуф, Равшан Файз, Ҳамза Имонберди, Тилак Жұра, Чори Авазлар-чи? Намунча «шошқалоқ» бўлмаса бу йигитлар?! Миллий шеъриятимиз йигирманчи аср охирида ўшал қоматдор қаламкашлар билан нечоғли бойигани барчамиз учун ойдек тип-тиник, бироқ йигирма биринчи аср бошларида адабиётимиз уларсиз қанчалар қашшоқлашганини тұлиқ тасаввур қилишдан ожизмиз. Булар шунчаки жудолик эмас, булар жуда катта йўқотишидир.

Ҳаммаси ҳам табын назокатли, сатри гўзал, табиатан ҳақиқий Қалб шоирлари эдилар. Одатда, шеърият кишига икки йўналишда таъсир ўтказади, яъни Қалбга ва Фикрга. Алломағеъл Фикр шоирларида фалсафий мушоҳада, мантиқий тафтиш, башоратнамо қўрагонлик устун туради. Қалб шоирлари кўпроқ тошқин ҳис-ҳаяжонга, илоҳий «еттинчи сезги»га чулғаниб ижод қилишади, чиройлидан чиройли сўзлар, нафисдан нафис ташбеҳлар билан шеърхонни афсунлаб олишади, оддий халқ ичидә кенгроқ эътибор топишади. Фикр шоирларида ҳайрат туйғуси, Қалб шоирларида таъсирчанлик ҳисси кучли. Биринчиси ўқувчидә энг аввало фикр уйғотса, иккинчиси кўнгилни қўзғотади. Буниси теранликка етаклади, униси — гўзлликка. Бири воқеа ва ҳодисаларни чуқур идроклаб ёзишга уринади, бири ёниқиб муносабат билдиришга ошиқади. Навоий, Данте, Гёте, Пушкин қабилидагилар, нисбатан олганда, Фикр шоирлари; Машраб, Гейне, Бёрнс, Есенинлар асосан Қалб шоирлари эдилар. Не синоатки, Қалб шоирларининг аксарияти узоқ умр кўришмаган.

Аммо бу юзаки бир кузатув маҳсули, холос. Аслида, яратгучининг айтгани бўлади. Бинобарин, умр дегани — Қумҳаёт. Унинг Қумсоатдан фарқи шуки, Қумҳаётнинг ичидаги умр заррачалари қачон тўкилиб битишини Тангридан ўзга ҳеч бир зот аниқ айтиб беролмайди, билолмайди.

*Кетди Шавкат, кетди Аззам, Мұхаммад,
Устозларда чала қолди «ўғит»лар.*

*Шошилдилар, кутишмади сал наебат,
Ўз наебатин билмаган ўт йигитлар.*

*Кумсоатда аниқ-тиниқ муддат бор,
Ёлчовлидир олқиши, йиги, сукұтлар.
Умр эса Күмхәётдир сөхрдор,
Фурсат қанча? Ҳеч ким билмас, йигитлар.*

*Тұғыларда танлов учун имкон ийүк,
Тақдир экан, сизлар — Тунги бургутлар.
Кұраверинг злу юртни очин-тұқ,
Бошинг тошдан бұлгур шоир йигитлар!*

... Тун ҳам ўтди. Үйқудан сўнг ўзимни анча тетик сездим, гүё ўлимнинг шафқатсиз қонунига кўникиш ҳосил қилгандек эдим. Фотиҳага оқсоқоллардан ўспириналаргача, туман етакчиларидан фаришта-феъл далачиларгача ёпирилиб келишди. Бундан ҳам гавжумроқ жа-нозаларни кўп кўрган эсам-да, бу ердаги бир ҳолат мени жуда лол қолдирди, таъсирангандан таъсиrlаниб кетдим. Одатда, фотиҳачиларнинг аксарияти мусулмончилик юзасидан расмий тарзда келиб-кетишади, ўзларини вазмин ва сокин тутишади. Ушбу таъзияга келган ҳар бир ёшу қарининг кўзида ёш кўрдим. Баъзилар марҳумнинг яқин жигарбандлари қаторида туриб, эзилиб-эзилиб йиглашарди. Хоно-бодликлар ўз қишлоғининг биттаю битта шоирини, Бувайда аҳли тумандошларининг бор дарду қувончларини доимо юрак-юракдан англаб, ҳар тўқисда уларга елқадош бўлишга интиладиган жонкуяр фарзандини дафн этишаштаганини чуқур ҳис этиб туришарди. Буни кўриб, кўнглімнинг аллақаери ёришиб кетгандек бўлди. Кўз ўнгимда Аъзам-жоннинг ички қувончини ифодаловчи чараклаётган кўзлар жонланди. Бу янглиг чехрани илк маротаба саксонинчи йилларнинг бошида, Эркин Воҳидов унинг шеърларини ёқтириб қолгани ва учрашиб, бир суҳбатлашиш нияти борлигини эшитган чоғида кўрган эдим...

Шоир кетди, сўзлари қолди. Ўзи азалдан шунаقا — шоирнинг ҳаётда бор-йўқлигидан қатъи назар, сўзлари минглаб, ўн минглаб дилларга гоҳ далда, гоҳ түғён, гоҳ чароғонлик бахш этиб келаверган. Сўз сеҳридан қувват олган кўнгиллар эса ўз юртини янада нурафшон қилишда, ўз халқини янада ардоқлашда кишиларга янги куч ва сабот бағишлиайди. Шоирликнинг ўхшашсиз саодати, шеъриятнинг ҳадсиз мўътабарлиги айнан мана шунда бўлса, ажаб эмас.

*Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон ҳалқ шоири*

ЗИЁРАТ



«Бўйдор бир дўст кетди. Келди бўйдор ғам», деб ёзган эдилар Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева дадам хотирасига бағишланган шеърларида. Ҳақиқатдан ҳам бу ғам шу даражада бўйдор эдики, ҳатто қуёшни кўзимдан тўсиб қўйди. Менинг ҳаётимни, кўнглимдаги орзуларимни остин-устун қилиб юборди. Бу ғамнинг оти ўлим эди. У ўзбекнинг жонқуяр бир шоирини, менинг суянч тоғим — дадажоним Аъзам Ўқтамни навқирон ёшида олиб кетди...

Менинг тилим «Дада» деган сўз билан чиққан экан. Балки шу сабабдир, биз ота-боладан кўра кўпроқ сирдош дўстларга ўхшардик...

Сендан жуда хижолатдаман,
уятлиман сенинг олдингда.
Ижара уйда туғиласан, болам.

Бу шеърни мен туғилмасимдан олдинроқ ёзганлар. Дадам жуда орияли, мард инсон эдилар. Чақин кўзлари, салобатли овозлари уларни сержаҳл кўрсатса-да, кўнгиллари ниҳоятда нозик, меҳрлари бу дунёга сифмасди. Мени доим ўзлари билан бирга олиб юрадилар. Тушунсам-тушунмасам, юракларидағи ҳамма гапларини энг биринчи менга айттардилар. Ҳеч кимнинг сўзига кирмайдиган ўжар, тўполончи эсам-да, менга ҳечам танбеҳ бермасдилар.

Уч ёшимдан ҳарфларни ўрганиб олганим учун мени беш ёшимда мактабга беришган. Қариндошлар: «Ўзидан икки ёш катта болалар билан ўқиса, қўрқоқ бўлиб қолади», дейишса, дадам: «Менинг қизим ўзининг ҳаққини айира олади», деган эканлар.



Бир куни: «Чақалоқлигингда ҳам сен билан узоқ гаплашардим», дедилар. «Чақалоқлигимда гапиришни билғанманми?» деб ҳайрон бўлдим мен. «Гапиришни билмасанг ҳам, мени тушунардинг-да», дея ўшанда нимагадир ҳазин жилмайгандилар.

*Ойга ўхшайди-я, жужук юзларинг,
Хеч бир лугатда йўқ ширин сўзларинг,
Мунча ҳайрон бўлиб тикма кўзларинг,
Қарашга дов бермас юрагим, Тумор.*

1987 йил, баҳор. Мен туғилгanda ёзилган бу сатрлар. «Тумор» деб эркаладилар. «Мени бало-қазолардан асрайдиган Туморим бу», дердилар.

*Умрни ўрислар лаҳзалик билар,
Тожиклар уч кун деб донолик қилар,
Ажабки, ўзбеклар беш кунни тилар,
Бу умр барибир боқиймас, Тумор.*

Бешикда ётган гўдак бу сўзларни қайдан ҳам тушунсин? Фақат дадам оламдан ўтганларида беш куннинг алами, залвори жудаям оғирлигини биринчи марта ҳис қилдим.

Дадам тўғрисўз, шижоатли эдилар, адолатсизлик, иккюзламачилик билан муроса қиломасдилар. Шеърларини қўллаб-куватлаган устозлари Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Рауф Парфи, Сайди Умиров, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон, Нематжон Умаров, Собиржон Отабоевга ихлослари баланд эди.

Дадам борини борича сўзлардилар. Лекин қалбларидаги энг оғир тутунни менга ҳам очмаган, агар бу тутун очилганида, дадам узоқроқ яшармидилар, деб армон қиласман.

Жуда кўп ўқирдилар. Қачон дадамни соғиниб ўйласам китоб мутолаа қилаётган ҳолатлари кўз олдимга келади.

*Суяноман чўчиб уйғонганимдан,
Болалик, ёшлигим тушар ёдимга.
Зулмат ҳиди келар кўнглим, танимдан,
Бир қатим нур керак, нур ҳаётимга.*

Дадам умр бўйи излаганлари, топмаганлари ўша нурни шеърларида қолдирдилар. Қайта-қайта ўқийман. Ўқийман-у, тўймайман. Нафасларини, овозларини, меҳрларини туюман мен ўтли ва армонли сатрларидан. Укам иккаламизга туғилган юртни ардоқлашни, Фарғонани севишни, жигарларга оқибатли бўлишни, ҳатто исмимииздан фахрланишни ҳам дадам ўргатганлар.

*Бобом ўтиб, қартайгач отам,
Ўғил берди Худога шукур,*



*Дунё кўрди тагин бир одам,
Исми унинг бўлади Темур.*

Дадам туғилиб ўсган қишлоқларида фарзанд доғи қалбларни эзиб, қаддиларини буқкан, мунгайиб қолган бобом билан бувим бизнинг дуоғўйимиз, соябонимиз. Дадамнинг дўстлари ва қадрдонлари Эркин ҳожи ака, Нуруллохон ҳожи ака, Набижон Боқий, Минҳожиддин Мирзо, Анвар Эмин, Баҳодиржон Каримов, Хуршидбек Рўзиев билан учрашганда, дадамни кўргандек энтикиб кетаман... Бувайдадан Мўминжон домла, Фарғонадан Муқимжон ака, Каттакўғондан Ҳамза тоғам, Зарафшондан Қурбон акалар кўнғироқ қилиб, ҳол-аҳволимизни сўраганлари бир нур бўлиб дилимизни ёритади, ёлғиз эмаслигимизни сезамиз.

Дадамнинг «Кузда кулган чечаклар», «Кузатиш», «Зиёрат», «Тарадуд», «Икки дунё саодати», «Қирқинчи баҳор» китоблари шоир юрагининг ёғдулари бўлиб бошимизни силайди.

Биламан, дадамнинг ортларидан келган ғам эскирмайдиган, унугтилмайдиган ғам. Ягона таскин фақат падаримиздан қолган шеърлар. Ҳа, дадамдан бизга жон томирларидан яралган шеърлари ва жондан-да азизроқ бўлган шу гўзал юрт мерос бўлиб қолди. Уларга гард юқтирмаслик туйгуси билан яшаш нақадар шарафли!

Тўмарис АЪЗАМ

АЛЬЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

ЎТИНЧ

Сўзим, жонбахш сўзим, ёрдин
 Менга ширин ҳикоят қил.
 Кўзим, йигла бу ёрсизлик,
 Бу ҳижрондин шикоят қил.
 Қўлим, ёпгил қулоқларни,
 Эшитма ҳеч маломатни.
 Юрак, очгил у дафтарни,
 Яна боштин ривоят қил.
 Оёғим, юр, кетайлик бу
 Зулмкорларни ёнидин.
 Етиб боргач синиб битгил,
 Бугун аммо ҳимоят қил.
 Кўнгил, сендан ризодурман,
 Биру бор ул, десанг басдур.
 Сенга измимни берганман,
 Жўшиб, майли, жиноят қил.
 Тилим, қўрқинчларим сендан,
 Хатарли сенга эрк бермоқ.
 Ўтинчим: ўзидин доим
 Сен умиди ҳидоят қил.

ҚУТЛОВ

На бўлгай яшашни сал осон қилсанг
 Қил сифмаган кўнглинг
 Шуълага тўлсин.
 Ҳар намоз орасин рамазон билсанг,
 Бир кунда беш ҳайит
 Муборак бўлсин!

ҚЎРҚУВ

Чап кўксимда турган қафасда
 Булбул бор, деб қиласдим гумон.
 Уйғонаман совуқ нафасдан,
 Сескантириб вишиллар илон.
 Руҳни қисиб бормоқда танам,
 Кўзни кундан тўсар киприклар.
 Қай томонга босмайин қадам,
 Дуч келади бузуқ кўприклар.
 Асл дардим қолди ичимда,

Хато қылдым гапирган сайн.
 Бүлолмадим күнгли пок чиндан,
 Ҳали ёлғон күплиги тайин.
 Бир кун келса,
 (Чиндан-да келар.)
 Қандоқ жавоб берурман ул он:
 Қаламларга тил битса агар,
 Битса агар қофозларга жон.

ХОЛАТ

Унча маҳобатли эмаскан осмон,
 Кўзимга сиғди-ю,
 Айланди чир-чир.
 Тез-тез кўз югуртдим,
 Текширдим осон —
 Узун эмас экан мен кўрган умр.
 Энди тонг юзига қарайман қандоқ,
 Қисирлаб сингандай оғриди кўксим.
 Билмам не қиласим —
 Илк бора бу чоғ
 Кўзимга қарамай қўл чўзди дўстим.

ОРАЛИКДА

Жонимга тегмоқда барчаси бир-бир,
 Жон эса ҳалқумга келар охири.
 Битта мен йўқ бўлсам не бўпти ахир—
 Ўзбекнинг камайиб қолмас шоири.
 На Тошкент, на Кўқон билади мени,
 Ахир ўз-ўзимни алдаб нетаман,
 Шу оппоқ қофоздан яширай нени—
 Бир ўлиб кўрмадим, холос. Кетаман!
 Бир қалтис қулади кеч кузги офтоб,
 Чўққидан чўққига урилиб синди.
 Куннинг синиклари бунчалар сероб—
 Улар юлдуз бўлиб милтирас энди.
 Яна бегоналар янглиғ тураман.
 Мезбонларга ўхшар отам ҳам онам.
 Қишлоқ кўчаларин кезиб юраман,
 Танимас дўстимнинг болалари ҳам.
 Қийнагай ҳар нарса юракни эзиб:
 Шоҳи синиб қайтди кўчкор подадан.
 Аянчли фингшийди кўнглимни бузиб,
 Итим яраланиб келди тўдадан.

Сүнг тонгда жұнарман яна қалтираб,
Үз ҳолим ўйлайман аччиқ жилмайиб.
Шаҳарда болалар кутар мұлтираб,
Кишлоқда волидам қолар мунғайиб.

ТАХМИН

Қор ёққаны — излар босилгани ҳам
Хүрөз қыңқырганы агар бўлса тонг;
Шунга шукур қилиб яшаса одам,
Бундан бошқасини сиғдирмаса онг—
Кўкдан нур ёғилмас,
Гул фақат сўлар.

Агар чирт юмилса нур кўплигидан,
Қизарса ўқибмас, жимгина йиглаб;
Ортга боқар бўлса— тиниб кетса, ҳам
Ҳеч нима кўрмаса олдинга қараб—
Бу кўзлар юмилмас,
Фақат кум тўлар.

Булутнинг қўйнидан чиқмаса офтоб,
Нишонлар ўрнини босса совутнинг;
Бўронлар жимлиги саналса одоб,
Кўтарса аёллар, қизлар тобутни—
Гўдаклар эр етмас,
Йигитлар ўлар.

Бош турса қўқракда, елкада эмас,
Эзилиб, димиқиб ўлса ҳамият;
Ҳеч ким ўйл топмаса, чиқармаса сас,
Баҳона қилинса муҳит, жамият—
Узрлар гуноҳдан
Ёмонроқ бўлар.

ТАЛАБ

Нурдан яралган қиз бу, йўқдан бино бўлган у. Ўзбекларнинг сафини тўлдирай деб туғилган. Наҳотки бегонасан — сира ақлим етмайди — сен қандайин онасан, эшиптадим аллангни. Айтаётган ашуланг барча сендеклар билар, уни яраттан халқнинг ўзи куйламас буни. Ёмон экан мактабинг, қалбсиз экан муаллим. Ватансиздир халқининг дардин айттолмаганлар.

Агар бўлса қўлимда асрардим бу гуноҳдан — алла билмаган қизни ўтказмасдим никоҳдан...

Йиғиштир буюмларинг, қишлоққа кет эртага: кўхна, хароб чархпалак ноласини тинглаб кел. Фарзанд кутиб сийнаси оғриган аёлга

бор, англа у қанчалар зор йиглаб алла айтишга. Момоларнинг ҳирқироқ товшин қуй қулогига, боболар тиловатин эшииттиргин гўдакка. Болалигинг қошида юзинг қародир сенинг — болангнинг йилларини ем қилмагин зулматга...

* * *

Изоҳ шарт эмас
 Бугун фамгин ташлашар назар
 ҳол сўрашар астагина ё —
 Дўппи ёхуд чопон кийсанг гар
 Жиддий, хомуш юрсанг мабодо.
 Буни ҳатто ўрис ҳам билар,
 Кўниккан бу эл аҳволига —
 Кимдир ўлар, нимадир бўлар
 Ўзбек қайтса асл ҳолига!

* * *

Зўриқар юрагим, чидарман аранг.
 Тишлар орасидан силқийди ингроқ.
 Таранг тортиляпти асаблар таранг,
 Дераза тобора қолар яқинроқ.
 Шартта отсаммикан ўзимни ундан,
 Кўзимни тобора кўр қиласр гумон.
 Ўҳ, сенга тушибди ишқим қайданам,
 Менинг раşким ёмон,
 Сен ундан ёмон!
 Нажот йўқ. Бир қадам боссам — фалокат.
 Бу боши берк кўча.
 Ортиқ кезмайман.
 Бас, олға кетмоқдан чарчадим, фақат
 Ортга қайтадиган йўлни излайман.

ҚИШЛОҚНИ ҚЎМСАШ

Саҳронинг кўпчиған қумлари узра,
 лабларим ёрилиб чанқаб ётибман.
 Гоҳ bemажол юрак ҳайқириқлари —
 шикаста бир нидо чиқару куяр:
 «Сув беринг, чанқадим. Сув беринг, сув, сув».
 Қаҳқаҳа уради ёввойи сахро —
 гармсел ялайди юзимни.
 Теграмда қайнаган кум бор, холос, кум, кум.
 Икки булоқ, милт-милт ёш тўкмоқ истар,
 бироқ кўнгил йиглар, холос, юм-юм.
 Юрак хижолатда, иккиланар у,
 ё хиёнат, ё садоқат қилмоқقا.

Мен эса ўолмай ётибман.
 Бирдан сесканаман. Кўзимни очиб,
 атрофимга боқсан жовдираб —
 Шаҳардаги асфальт йўллардан,
 туёқларнинг хўрлигини келтириб,
 Ҳорғин аргумоқлар чопиб кетяпти...

* * *

Ишқинг дил даштини гулхона қилди,
 Гул бўлиб кирай қалб — гулбоққинангга.

Келар йўлларингга мөхрим пояндоz,
 Кўз интизор йўли йироққинангга.

Жилмайиб кутиб ол телба рашкимни,
 Жоним фидо нозу фироққинангга.

Кўзларинг яширма, сўз сўрай ундан,
 Кўзим жавоб берсин сўроққинангга.

Водий гулин тақай минорларингга,
 Юрак расмин чизай дудоққинангга.

Кувончдан қулсам ҳам, ғамга тўлсам ҳам —
 Ватаним деб борай қучоққинангга.

Истагим — пицирлаб айтсам энг сўнгги,
 Энг сўнгти сўзим ҳам қулоққинангга...

ЮПАНЧ

Қизим Тўмарисга

Сендан жуда хижолатдаман,
 уятлиман сенинг олдингда:
 Ижара уйда туғиласан, болам.
 Миннатдорман Дуся холамдан —
 бир ойлик ижара ҳақидан кечиб
 чақалоққа кийим ол, деди.
 Улар яшар қўшни хонада.
 Кўрқар эдим гоҳо ўзимча,
 туғилсангу — йиглаб безовта қилсанг,
 чиқ, дермикан уйдан, деб.
 Лекин ўйлаб қарасам йигининг
 «тили» бирдир ҳамма миллатда.
 Аччиғи келмайди, демак, холанинг

тушунуксиз сүзларни тинглаб:
 Билиб қўй ҳозирдан, болам,
 меҳрибон одам кўп бизнинг Ватанда!
 Ўз-ўзимнинг уйим бўлар, эҳтимол,
 Эпчилроқ бўларсан мендан,
 бўларсан журъатлироқ.
 Айира оларсан ўз ҳақингни сен,
 Кечирасан отангни ҳам бемалол.
 Ҳар нарсани тушунадиган,
 кенг феълироқ бўлсанг керак,
 ижара уйда туғилган болам...

АЗОН

Бобом ўтиб қартайгач отам
 Ўғил берди худога шукур.
 Дунё кўрди тагин бир одам
 Исми унинг бўлади Темур.
 Ҳамдлар ўқиб, айтурман сано
 Ҳаққа банда, расулга уммат.
 Билки, шайтон дўкони дунё,
 Мардлик фарздир, тантилик суннат.
 Ҳар кифтингда фаришта турсин,
 Қутул ҳасад асоратидан
 Сендан беҳишт бўйи уфурсин,
 Закот бергил жасоратингдан.
 Умринг берсин, ўсавер дуркун,
 Инсу жинснинг тегмасин кўзи.
 Кириб борсанг жаннатга бир кун,
 «Салом» десин Тангрининг ўзи.



МУҲАММАД РАЖАБ ИМОМОВ

(1962—1998)

Муҳаммад Ражабни ўйлаганимда бир туркман шоирининг мана бу мисралари ёдимга тушади: «Осмон бўлиб ётарлар осмон янглиғ йигитлар қаро ернинг остида, қаро ерга ҳам осмон керак экан, аслида. Қўшиқ бўлиб ётарлар қўшиқ янглиғ йигитлар қаро ернинг остида, қаро ерга ҳам қўшиқ керак экан, аслида. Қуёш бўлиб ётарлар қуёш янглиғ йигитлар қаро ернинг остида, қаро ерга ҳам қуёш керак экан, аслида».

Шундай экан.

Муҳаммад Ражаб билан анча йиллар бирга ишладик.

Одатий кунлар ўтаверди.

Тўсатдан...

Энди у йўқ.

Шунда билинди, ёнгинамизда бир дарё оқиб ётган экан — қуриди, ёнгинамизда бир тоғ юксалиб турган экан — чўқди.

Аммо унутилмайди.

Ҳаёт барчани баробарлаштиради, ўлим яхшиларни олдинга чиқарди, деган гап бор.

Шундай экан.

Яхшиликни ўйлайлик!

Шойим БЎТАЕВ

МУҲАММАД РАЖАБ ИМОМОВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ПОЛВОНЛАРИ

Шижаотинг кўрсат, ўглон,
Қойил бўлсин бутун жаҳон.
Умид кўзин тикар бу кун
Сенга ахли Ўзбекистон.
Ўзбекистон полвонлари
Туркий замин ўғлонлари.

Юрт байроғин баланд тутгин,
Синовлардан дадил ўғтин.
Умидимиз сендан бутун,
Ўзбекистон полвонлари,
Туркий замин ўғлонлари.

Баланд қилсин доим қўлинг,
Қувончларга тўлсин дилинг.
Тилақдошдир бутун элинг,
Ўзбекистон полвонлари,
Туркий замин ўғлонлари.

Боболаринг руҳи қўллар,
Омад сени тарк этмасин.
Янграт Ватан мадҳиясин,
Тарат ой, юлдузлар зиёсин.
Ўзбекистон полвонлари,
Туркий замин ўғлонлари.

ҚАДИМ ТУРОНИМ

Аждодлардан мерос қутлуғ маконим,
Минг хил балолардан соғ қолган жоним,
Авлодлар шарафлар муқаддас номинг,
Букилмас фурурим, виждон, иймоним,
Дунёга донг таратган қадим Туроним.

Боболар қонига қоришган тупрок,
Тарихи асрлар қаърида узоқ,
Мен учун саждагоҳ, эй улуғ тупрок,
Менинг борлиғимсан муқаддас номим,
Дунёга донг таратган қадим Туроним.

Н а қ а р о т

Сенга кўзин тиккан жаҳонгир қанча,
Шұҳратинг буқмоқчи бўлдилар неча,

Сен мангу яшарсан дунё тургунча,
Замини зарҳалу жаннат маконим,
Дунёга донг таратган қадим Туроним.

Боболар ном олди соҳибу қирон,
Оталар илмига паст келди осмон,
Аждодлар аталди шайхул ал-Ислом,
Сен менинг шуҳратим, шарафим, шоним,
Дунёга донг таратган қадим Туроним.

Н а қ а р о т

ҚИШЛОҚҚА БОРГАНИМДА ТОҒАМНИНГ МЕНДАН ХАФА БЎЛИБ АЙТГАНЛАРИ

I

Үн йил бўлди шаҳардадирсан
Лекин сендан одам чиқмади.
Сени анча ақсли десам,
Бу юришинг менга ёқмади.
Сен тенгининг уч-тўрт боласи
Ҳамда муқим уйи-жойи бор.
Сен бўлдинг бир шеър девонаси
Қанча умринг ўтказдинг бекор.
Нуқул дейсан: «Шошманлар бир оз.
Мен бўламан ажойиб шоир».
Агар бўлса талантлигинг рост,
Шу пайтгача бўлардинг машҳур.
Ўтган жума: айни шом палла,
Телевизорда сен тенг бир бола
Шеър ўқиди бирам бақириб,
Шеър ўқишни қўиди қотириб.
На газетда, на бир журналда
Кўрмаймиз ҳеч сенинг отингни
Келиб менга шеърлар ўқыйсан,
Қотирасан қуруқ бошимни.
Мен-ку шеърнинг техникасини
Унча-мунча тушунмайман, рост.
Айтай гапнинг индаллосини—
Шеърларингда йўқ халқчил овоз.
Келиб қолди бир гапнинг фасли,
Хафа бўлма очиқ айтганга,
Дейдиларки: «Шоирлик асли,
Теккан эмиш худо урганга».
Шоирман деб эл, урф-одатни
Унутмоқлик билсанг аҳмоқлик,

Киндик қонинг томган тупроқни
Севмоқ асил шоир бўлмоқлик.
Мени унча қизиқтирмайди
Шоирлиқда топган шуҳратинг,
Бильякс кўпроқ қувонтиради
«Согман, тоға» деган бир энлик хатинг.

ТОҒАМНИНГ ЎЗИНИ АНЧА СИРО ТУТИБ ҚИЛГАН НАСИҲАТИ

II

Шаҳар соддаликни қўттармас, жиян,
Энди бир оз сенга қийин бўлади.
Шаҳар одамлари бизга нисбатан
Анча уддабурон, айёр келади.
Феълинг менга аён— чапани, ўжар,
Зарра ноҳақликка тутаб-ёнасан.
Жиян, бу феълингни ўзгартмасанг гар,
Талай зарбаларга нишон бўласан.
Шоирлигинг яхши, шеър ёзиш асли
Юрагида ўти борларнинг иши.
Юртини, ҳалқини онаси мисоли
Сева билмоғи шарт, шеър ёзар киши...
Шеър ёсанг шундай ёз — ўқиган кишин
Юраклари сувдай ситилиб кетсин.
Тингласа кўксидা дарди бор киши,
Дардлари титилиб-титилиб кетсин.
Шеър ёсанг, шундай ёз — танқидчилар ҳам
Энг асл сўзларнинг қиёми десин.
Шеър ёсанг, шундай ёз— ўқиган одам
Қойил-ей, Шерикбойнинг жияни десин.

ҲАЙДОВЧИ

ҳикоя

Рабҳониддин Бурҳониддиновиҷнинг болалиги рисоладагидек ўтди. Ўзига тўқ, тартибли оиласда вояга етди. Катталарнинг чизган чизигидан чиқмади.

Мактабдаёқ кашшофларни, институтда ёшлар иттифоқини бошқарди. Кейин ота-онасининг истаги билан уйланди. Мехрибон эр, ғамхўр ота бўлди. Оиласини бирор нарсадан зориқтирмади. Рабҳониддин Бурҳониддиновиҷ ўзини омадли ҳисобларди. Ҳаёт йўли тақдирнинг равон чизигига тушди.

Институтни битиргач, шаҳар ёшлар қўмитасини бошқарди. Астойдил ишлади. Иши, тартиби раҳбарларга маъқул келиб, тез кўтарилиди. У қаерда ким бўлиб ишламасин, ишга бор меҳрини бериб, хизмат вазифасини ҳалол ўтарди. Шул сабаб мансаб пиллапояларидан жуда тез кўтарилиди. Чет элларда

ишлаб келди. Мана қарийб уч йилдирки, каттакон корхонани бошқариб келмоқда. Құл остидагиларга меҳрибон. У ҳаммани, хамма уни яхши күради. Ишдаям унум бор, раҳбар яхши бўлгач, ишда ҳам унум бўлади-да! Рабҳониддин Бурҳониддинович буни ўз раҳбарлик фаолиятида синааб кўрган. Тажрибаси ҳали унга панд бергани йўқ. Энг муҳими, одамларга меҳр кўргазиш керак. Шоирлар ёзаверади «Мен меҳр кўргаздим, аммо алдандим!» деб. Рабҳониддин Бурҳониддинович шоирларга унча ишонмайди. Унинг ўз ақидаси бор. «Меҳр кўргазсанг, ишонч топасан. Ишончини қозонсанг бошқариш осон».

Рабҳониддин Бурҳониддиновичга қўл остидагилар тўла ишонади. У эса ишончга яраша меҳрибонлик, фамхўрлик кўрсатади. Мана, ҳайдовчиси Ҳайдаралини олиб кўрайлиқ. Йигирма йилдирки Рабҳониддин Бурҳониддинович уни ўзи билан бирга олиб юради. Ҳайдарали унга ҳайдовчилик қиёда бошлаганда ҳали мўйлови сабза урмаган йигитча эди. Рабҳониддин Бурҳониддиновичнинг бу индамас, камсуқум йигитчага меҳри тушиб қолди.

Қаерда, қайси вазифада ишламасин, Ҳайдаралини ҳам ўзи билан олиб кетди. Уйланганида тўйига бош-қош бўлди. Ота-онаси жўжабирдай жон экан, уй олишига кўмаклашди. Рабҳониддин Бурҳониддиновичнинг ўзи уйга унчалик муҳтож эмас. Отасидан ҳар ҳолда данғиллама бўлмаса-да, ўртамиёна ҳовли қолган. Акалари уй-жой қилишиб чиқиб кетишган. Болалари ҳали ёш. Шундай бўлса-да, ўтган йили Рабҳониддин Бурҳониддиновичга шаҳарнинг қоқ марказидан тўрт хонали уй беришди. Ўзига қолса олмасди, уйга муҳтож бирорта ходимига олиб берарди. Лекин шахсан вазирнинг ўзи хузурига чорлаб айтдики, ўртоқ Бурҳониддинович мана йигирма йил давлатга ҳалол ишлаб бердингиз, лекин хукumatдан бирор нарса сўрамадингиз. Сизнинг ҳалол хизматингизни тақдирлаб, вазирликка берилган уйлардан бирини сизга инъом қиласиз. Шаҳарнинг қоқ марказидан. Бола-чақангиз мазза қиласин. Колаверса, сиздай раҳбар одамнинг шаҳар чеккасидан ишга қатнаши вазирлигимиз шаънига унча тўғри келмайди.

У иложисиз қолди. Вазирлик шаъни ҳақида гап борар экан, ҳар қандай ишга ҳам у тайёр эди. Бу хабарни эшишиб, хотинининг кўзлари қувончдан порлади. Вазирнинг аллақачон бандаликни бажо келтирган ота-бобосининг гўрини олқиши нурларига тўлдириди. Шундай қилиб Рабҳониддин Бурҳониддинович шаҳарнинг қоқ марказидан тўрт хоналик уйлик бўлди.

У ҳар гал вазирликка борища бу уй ёнидан ўтар экан, машина ойнасидан тўртингчи қаватдаги бўш турган тўрт хоналик уйининг деразасига боқиб, ичида гоҳ фахр, гоҳ ачиниш каби тушунксиз, қарама-қарши туйгулар туюди. Ҳайдовчиси Ҳайдарали эса хўжайнининг кайфиятига қараб, бу ердан машинани гоҳ тез, гоҳ секин ҳайдаб ўтади.

Дарвоқе, гап Ҳайдарали ҳақида-ку. Кисқаси, бу камгап, камсуқум ҳайдовчи Рабҳониддин Бурҳониддиновичнинг ҳам, оиласининг ҳам тўла меҳри ва ишончига сазовор бўлди. Рабҳониддин Бурҳониддинович кайфияти аъло кезлари рафиқасига айтардики:

— Ҳайдовчидан роса ёлчиidим. Худди түнгич ўғлимиздай меҳр қўйиб, суяб...суяниб қолдим.

Рафиқаси ноз билан эътиroz билдирарди:

— Йўқ, йўқ, у бор-йўғи мендан ўн ёш кичик бўлса, қанақасига ўғлимиз бу...

Рабҳониддин Бурҳониддинович эътиroz билдириб ўтирасди. Ҳайдовчисини барибир оталарча меҳр билан яхши кўтарди. Чет элларга қиладиган сафарларидан оиланинг бошқа аъзолари каби унга ҳам баб-баробар совғасалом олиб қайтарди. Ҳайдарали ҳам хўжайнинг ишончини тўла оқлаб астойдил хизмат қиласарди. Хўжайнинг уйидаги ишларини ҳам жон-жон деб бажаарарди. Рабҳониддин Бурҳониддинович унинг хизматларини қадрлар... Истаган пайтида, имконича жавоб беради. Бундай пайтларида биринчи муовини Сайдимурод Замоновичнинг машинасидан фойдаланиб туради. Сайдимурод Замоновичнинг ҳайдовчиси Қулмуҳаммад ўзи яхши бола-ю, одоби чатоқроқ. Машинада сигарет чекади. Тили ҳам югурикроқ. Ҳайдаралининг машинасига тулпор, ўзига айғир деб лақаб қўйган. Ўзининг машинасини қирчанғи деб атайди. Бу гаплар қулогига чалинганда уни одобга чорлаб танбеҳ берганди. Қулмуҳаммад узр сўраган бўлди:

— Энди биз қишлоқи-да ака, гапга унча тўн кийгизолмаймиз. Тўғрисиям шу-да, бизнинг машина анча эски, Ҳайдаралиники ҳали гижинглаб турибди. Рабҳониддин Бурҳониддинович биринчи муовини Сайдимурод Замоновичдай оғир карвон, кекса раҳбарнинг бундай оғзи бепарда шофёр билан неча йиллардан бери чиқишиб ишлаётганига ҳайрон қолади. Сайдимурод Замоновичга ҳайдовчисининг беодоблигини таъкидламоқчи бўлади-ю, тагин унинг ўн битта боласи борлигини эслаб, раҳми келади.

Мана бугун ҳам Ҳайдарали пешинга яқин жавоб сўради. Қайн укасининг уйида тўй тараффуди экан, сабзи тўғрашга қарашмаса уят бўлар. Рабҳониддин Бурҳониддинович жон деб жавоб берди. Бугун ўзи бориши керак бўлган жойлар деярли йўқ эди. Аксига олиб, тушлик маҳали вазирликка чақириб қолишиди. Ноилож Қулмуҳаммаднинг машинасини чақириди.

Машинага ўтирас экан, олд ойнанинг тепасига ўрнатилган кўзгучадан Қулмуҳаммаднинг кўзларига боқиб: «Вазирликка ҳайданг, Қулмуҳаммаджон!» деб қўйди. Кўзгучадан Қулмуҳаммаднинг қув табассум ўйнаган қийиқ кўзлари унга боқиб турарди. Таноби тортилган лаблари киноявий очилиб-юмилиб:

— Айғир бугун ҳам тушовини узибди-да?! — деган овози эшитилди. Хўжайн бу жиприқа гапириб ўтириши ўзига эп кўрмай, буйруқни қисқа такрорлади:

— Вазирликка!

Ҳайдовчи индамай машинани юргизди. Улар анчагача жим кетишиди. Рабҳониддин Бурҳониддинович гоҳ-гоҳ кўзгучадан Қулмуҳаммаднинг ҳайиқиши, истиҳолами, англаб бўлмас ҳисларга қоришиқ нигоҳига дуч келарди. Шофёр ҳатто бир-икки бор ниманидир сўрамоққа оғиз жуфтлаб, ортига қайрилиб қарадиу, хўжайнинг кўчани бефарқ томоша қилиб кетаётган бетунд қиёфасини кўриб, ноилождан томоқ қириб қўяқолди. Марказий дўкон ёнигача ана шундай жимгина боришиди. Марказий дўкон

ёнидаги янги курилган гиштин уйлар жойлашган кўчадан Қулмуҳаммад машинани секин ҳайдади. Шу ерга келганда унинг сабри чидамади:

— Бурҳонидинич ака, сизнинг янги уйингиз ҳам шу ерда-я? Қаранг, қурувчиликнинг бефаросатлигини, янги уйларнинг ройишида чўян қувурлар қалашиб ётибди. Тепадан бирортаси тушиб кетса, соғ қолмайди-ку?!

Чехраси очила бошлаган Рабҳониддин Бурҳониддинович қайта тундланди. «Бунингки сўхтасига бир амаллаб чидамоқ мумкинdir, аммо совуқ гапларига Сайдимурод Замонович қандай чидаб келяпти экан-а?!» деган ўйда унга жавоб қилмай кўчага боқди. Бу пайтда машина ўз уйи рўпарасидан имиллаб ўтиб бораради. У беихтиёр тўртинчи қаватга қаради. «Ажабо! Уйнинг деразаси ланг очик, «ётокҳонанинг чироги ёниб турарди. У ҳайрат билан Қулмуҳаммадга қаради. Кўзгучадан унинг сирли нигоҳига дуч келди. Фижиниб кўзларини юмиш билан ҳайратини яширди. То вазирликка етиб келгунча кўзларини қайта очмади.

Рабҳониддин Бурҳониддинович вазирликда бирор соатча ушланиб қолди. Машинага ўтирас экан, илтимос оҳангиде деди:

— Қулмуҳаммаджон, келган йўлимииздан ҳайдасангиз, фақат секинроқ кетсак.

— Хўп бўлади, Бурҳонидинич ака, шундоғам бизнинг қирchanғи Эломонов акамизнинг феълига мос, тез чополмайди. Бу иккаламизга ҳам маъқул.Faқат келинойимизга ёқмайди.

Рабҳониддин Бурҳониддинович унинг вайсашларига ортиқча эътибор бермай, кўчани томоша килиб кета бошлади. Уйнинг рўпарасига келганда яна беихтиёр тўртинчи қаватга қаради. Энди дераза ёпиқ, чироқ учик, фақат дераза тепасидаги даричача очиқ турарди.

«Ким келган экан, — ўйлай бошлади у. — Хотини ишда, ўғли ўқувчи-ларнинг ёзги оромгоҳида. Қизини икки кун олдин хотинининг синглиси, кўярда қўймай таътилда дам олсин деб, Тўйтепага олиб кетганди. Калит ўзида-ю, хотинида бор. Агар хотини келган бўлса, нега даричани очиб кетади?»

Шундай хаёллар билан Марказий дўкон ёнига келиб колдилар.

— Шу ерда мени тушириб кетинг, Қулмуҳаммаджон, савдо қиласидиган юмушим бор эди. — Рабҳониддин Бурҳониддинович машинани тўхтатди.

— Қарашиб юборайми? — шофёр машинадан тушмасдан беилтифот сўради.

— Раҳмат, бораверинг, сизниям ўз юмушларингиз бордир. Гоҳ-гоҳида оддий одам бўлиб пиёда юрсак айб бўлмас, — деди Рабҳониддин Бурҳониддинович дўконга қараб юраркан.

— Аммо маладессиз-да Бурҳонидинич ака, кўнглингиз жудаям очик. Айғир шунинг учунам гижинглайди-да. — Машина ойнасидан бошини чиқариб олган Қулмуҳаммад хўжайнининг орқасидан шанғиллади.

Рабҳониддин Бурҳониддинович дўконнинг марказий эшигидан кириб бораркан ўзича кулиб кўйди.

— Хўп аломат бу йигит. Йўқ, довдир. Бошлиғи Сайдмурод Замоновичга ўхшаган қишилақи. У-ку Галатепами, нима бало деган жойдан эди. Буниси қайси қишлоқдан бўлса, Чўнқаймиши, Улусми дегандай бўлувди. Э, нима фарқи бор. Хўп фалати одамлар-да. Салгина илтифотга ҳам «аммо маладесиз, ака», деб тураверади.

Рабҳониддин Бурҳониддиновиҷ дўконнинг ён эшигидан шундай хаёллар билан чиқиб, янги уйи сари кетди. У ўзини ҳар хил хаёллардан чалғитиб, Қулмуҳаммаднинг гапларини фикрида такрорлаб ўзича кулиб бораради. «Аммо маладесиз-да ака... кўнглингиз жуда очиқ... қирчанғи... Эломонов акамизни феълига мос... келинойимизга ёқмайди...» Рабҳониддин Бурҳониддиновиҷ ўз уйларига қараб бурилар экан, йўлаклари рўпарасида турган Ҳайдаралининг машинасига кўзи тушиб, ич-ичидан инкор этишини истаб келаётган ўй бошига урди. У энди ҳар қандай ёмон фикрга ҳам қарши турмоққа ўзини чоғлаб йўлакларига қадам қўйди. Лифтни ҳам кутмай, тўртинчи қаватга секин-аста кўтарилиб борди. Ўз эшиги рўпарасида бир оз нафас ростлади. Қўнғироқ тумасига қўл юборган пайти ичкаридаги жимлик боядан бери ўзи истамай, инкор этиб келаётган хаёллар кўнглида бош кўтариб қолди. У қўнғироқ тумасидан қўлини қайтариб олиб, ичкарига кулоқ тутди. Ичкаридан ҳеч бир садо эшитилмас эди. Чўнтағидан калит олиб, эшикни шовқинсиз очди. Ичкарига товушсиз қадам босди. Кўзига биринчи ташланган нарса ўтган йили Олмониядан олиб келган хотинининг қирмизи туфлиси бўлди. Елкасидан тоғ ағдарилгандаи бўлди. Бироқ хотинининг қирмизи туфлисига ёнма-ён турган Ҳайдаралининг ўзи Италиядан совфа қилиб олиб келган саламандр туфлисини кўриб ажабланди. Рўпарада очиқ турган ётоқхонанинг эшигига кўзи тушди-ю, елкасидан ағдарилган тоғ нақ қўксидан босиб тушди. Ётоқхона ўртасидаги кўш ўриндиқда йигирма йиллик жуфти ҳалоли, тўнғич ўғлидай меҳр қўйган ҳайдовчиси билан қип-яланғоч бир-бирини маҳкам қучиб ухлаб ётарди.

Очиқ даричадан сершовқин шаҳарнинг сирли-синоатли ҳавосига тўйинглан саратоннинг илиқ энкини хонага кирап, бундаги димиқ мұхитдан шишиниб, лоҳасланиб, булғаниб қайтиб чиқиб кетарди.

Рабҳониддин Бурҳониддиновиҷ қўксини тогдай оғир алам юки босиб, бир лаҳза деворга суюниб, қолди. Миясида ихтиёrsиз сўзлар чарх уради: «Айғир... Гижинглайди... Бугун ҳам тушовини узибди-да... Сабзи тўғраш... Қўнглингиз жуда очиқ-да...»

У оёқ учida бориб даричани беркитди. Стол устидаги калитлар шодасини шовқинсиз олди. Ошхонага ўтиб газнинг тўрттала қулогини очиб қўйди. Ҳеч қаёққа қарамасдан оёқ учida ташқарига чиқди. Эшикни шовқинсиз қулфлади. Эшикка суюниб бир лаҳза нафас ростлаш барорида ичкарига қулоқ тутди. Сукунат. Шитоб билан қўйига эниб кетди. Катта йўлга буриларкан, уйлари ройишида қалашиб ётган иситкичларнинг чўян қувурларига кўзи тушиб, хаёлига шу гап келди: «Тепадан бирортаси тушиб кетса, соғ қолмаса керагов!»



РАЗЗОҚ ҲАМРОЕВ

(1910—1981)

Биз инсонлар, одатда, ҳаётимиз давомида турли шиор ва мақолларга риоя қилиб келамиз. Кўпинча, уларга ё амал киламиз ёки йўқ. Аммо бугун биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз том маънода бу шиорга амал қилганлар. «Санъатни ўзингда сев. Ўзингни санъатда эмас». Ўзбекистон халқ артисти Рассоқ Ҳамроев ўзининг санъатдаги 50 ийллик ҳаёти мобайнида ўз муҳаббати, уриниш ва изланишларини шу йўлга баҳшида қилган актёрлардан. Таъкидлаши жоизки, ўз шиорига монанд санъатни ўзида севди. Демак, бугун мана шундай санъатимиз дарғалиридан бири ҳақида.

Рассоқ Ҳамроев 1910 йил 5 май куни азим шаҳар Бухоронинг Шофирикон туманидаги Тезгузар деган қишлоқда таваллуд топади. Бу она маскан аслида фанимиз, адабиётимиз ва санъатимизга кўплаб фидойиларни берган замин сифатида қадрли ва машхур. Кўплаб олим ва фузалолар ҳам шу заминдан эканлиги сизга сир эмас.

«Санъатга кириб келишим ёшликтан, ҳаваскорлик тўгаракларидан бошланган, зеро, профессионал санъат ва ҳаваскорлик санъати бирбиридан ажralган ҳолда яшамайди. Булар ўргасида муайян алоқа бор ва доимо бири иккинчисини тўлдириб келган...

...Менинг санъатдаги фаолиятим артистлик, режиссёрлик ва ўқитувчилик соҳаларида давом этди. Бу йўлда драматурглар, композиторлар билан ишлашга тўғри келди, гоҳо ўзим ҳам қаламим кучини

синааб кўрдим...» — деб ёзади санъаткор ўзининг «Ҳаётим мазмуни»¹ китобида.

Оилада уч нафар фарзанд ота-онадан жуда эрта етим қолишади. Опаси Зайнаб, ўртсанчаси Рассоқ ва уч ойлик чақалоқ Абдурашид энди ўз кунларини ўzlари кўра бошлайдилар. Тўнғич фарзанд Рассоқ зиммасига оила юки тушади. У чўпонлик қилиб оила тебратади. Сандал атрофида опаси Зайнабдан кўплаб эртаклар эшитади. Эҳтимол, мана шу лаҳзалар унга санъатга бўлган ҳавасини уйғотгандир.

«...Тоғам Мұхаммаджон Ҳожибоев аввал катта акам Абдураҳмонни ўқитиб, муаллим бўлишига ёрдамлашган бўлса, сўнг кичик акам Абдураҳмонни ўқишига жўнатди. Орадан бир йил ўтгач, менинг ўқийман деб қиласан йиги зоримга раҳми келиб, мени ҳам Бухорога ўз тарбиясига олди ва 1925 йили Тошкентга ўқишига жўнатди...»

...1925 йил, ёшлиғимнинг жиҳдий ва мураккаб, шу билан бир қаторда саодатни кунлари бошланди. Мен энди талабаман, талаба!

...Санъатга бўлган меҳрим мени драмтўғаракка олиб келди. Бўш вақтимни тўғарак машғулотларига бағишиладим. Икки йил (1925—1926) тайёрлик синфларида таълим олдим. 1927 йилдан асосий синфга кўчгач, драм тўғарагидаги вақтим яна самаралироқ ўта бошлади...» («Ҳаётим мазмуни» китобидан)

Ўзбекистон ҳалқ артисти Гули Ҳамроева:

«Мен адажоним билан ҳақли равишда фахрланаман. Чунки шундай инсоннинг фарзанди бўлиш баҳти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Аммо бунинг ўзига яраша юки ҳам бор. Нима бўлганда ҳам мен шундай улуғ инсоннинг фарзанди эканман, демак, шунга лойиқ ишлар қилмогим лозим. Фақат менгина эмас, балки оиласиз аబзоларининг қўпчилиги санъат йўлидан бориб, отамиз ёқиб кетган чироқларни хали-ҳанузгача учирмай, ёқиб келмоқдамиз. Мен ҳақли равишда айтса оламанки, бизнинг оила санъаткорлар оиласи. Ким учун бу фақат фахр бўлиши мумкин. Аммо Рассоқ Ҳамроевнинг фарзанди эканлигимиз ҳаммамизга юксак масбулият юклайди.

Айниқса, мен шу ўринда онажоним Раҳбар аяни ҳам эслаб ўтмоқчи эдим. Чунки онажонимнинг ҳам бу борада жуда кўп меҳнатлари сингган».

Раҳбархон ая 35 йил давомида «Ўзбекфильм» киностудиясида монтажчи режиссёр бўлиб ишлаганлар. Оиладаги бу муҳит, албатта, ўсиб келаётган фарзандларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Шунинг учун ҳам Гули Ҳамроева, Беҳзод Ҳамроев, Жавлон Ҳамроевлар артист бўлиб шажарани давом эттирганлар.

¹P. Ҳамроев, «Ҳаётим мазмуни». Тошкент, F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 й.



Жавлон Ҳамроевни сиз «Фарҳоднинг жасорати» фильмси орқали яхши танийсиз. Бундан ташқари, у халқимизга таниш фильмларгі режиссёрик ҳам қилган. Ҳукуматимиз унинг меҳнатини муносиб тақдирлаб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини берди. Сизга яхши таниш бўлган Ўзбекистон халқ артисти Гули Ҳамроева бўлса, Алишер Навоий номли катта опера ва балет театрида етакчи раққосида сифатида фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ректор лавозимида ишлаб келмоқда.

«... 1929 йили билим юртини битиришдан олдин Наманганга муаллимларни қайта тайёрлаш курсига юбордилар. Мен уч ой шу курсда адабиёт ва тил дарсини олиб бордим. Курс муддати тамом бўлгач, яна Тошкентга қайтиб бордим.

Билим юртини битиргач, шу ерга юборишларини илтимос қилдим, 1930 йили Наманганга муаллим бўлиб келдим.

19 ёшга энди қадам қўйган ёш мутахассиснинг кириб келиши, албатта кўпларни таажжублантириди, тез орада тиришқоқлигим сабаб, педагоглар сафига қўшилиб кетдим.

Нафасни ростлаб олгач, қалбимни забт этган санъатга бўлган ишқ мени тинч қўймади. 18 та ишқибоз муаллимларни тўплаб драм тўгараги туздим...

Бизнинг ўн саккизта муаллимдан иборат драм тўгарагимиз шаҳар муаллимлар конференциясига бағишиланган бадиий қисмга жавобгар эди. Бутун масъулият зиммамда эди...

Концертда ҳеч қандай чолғу асбобисиз оғизда «Қари наво», «Гиря қозоқ» куйларини чалдиридим ва қарсак билан бир неча кишини

банд қилдим. Ашуалаларда, күпинча, «Катта ашула» ўйларидан фойдаландым.

...Хуллас, менинг тайёргаң бесоз концерти Наманган учун янгилик бўлди. Шу концерт баҳона бўлди-ю шаҳар раҳбарлари Наманганда театр ташкил қилиш фикрига тушишиди. Шундай қилиб 1931 йил 15 июнда, ўн саккизта муаллимдан иборат драмтӯгарак асосида, Наманган театри ташкил топди.

...Наманган театри 1934 йилда Тошкентга гастроль билан келганда, «Лайли ва Мажнун» ва «Отсиз» спектакллари катта муваффақият билан намойиш қилинди. Ўша ўили Тошкентда, Ҳамза театрининг (ҳозирги Миллий театр) ёзги биносида «Отсиз» спектаклини кўргани атоқли санъаткорлар келган эди. Кейинчалик бу ҳақда Сайфи қори Олимов 60 йиллик юбилейимда залдагиларга шундай деган эди: «Мен ўшанда Аброр билан бирга томоша қилдим ва спектакль давомида хурсанд бўлиб, у шундай деган эди: «Сайфи, бу Наманган театринг тузук-ку, ҳаммадан ҳам менга ана у Отсизни ўйнаётган ўигит ёқди, бўладиган бола экан, кўрасан, бу кўп иш кўрсатади, театримизга келса бўларкан...»

Ушибу илк ижодий фаолиятим давридаги айтилган илиқ сўзлар мен учун жуда-жуда азиздир.

...1943 ўили мени Тошкент бадиий фильмлар студияси «Тоҳир ва Зухра» фильмиди Нозим образини ўйнаш учун таклиф қилган эди. Кинодаги илк образим тузук чиқди чамамда, 1945 йилнинг куз пайтида ўзбек киносининг отаси, ажойиб режиссёр Наби Ганиев келиб, мени раҳбарлик билан келишиб, Намангандан кўчириб олиб кетди. Мен «Насриддиннинг саргузашлари» фильмидаги Насриддин ролига тасдиқ қилинганим ва фильмни яратиш бошлангани менинг тақдиримдаги муҳим воқеага сабаб бўлган. Зоро, мен 1945 йилдан киностудияга актёр бўлиб кирдим. 1946 йил биринчи январдан бошлаб Муқимий номли театрга режиссёр ва актёр



бўлиб хизматга ўтганман». («Ҳаётим мазмуни» китобидан)

Аввал Наманган театрида, сўнгра Муқимий тетрида фаолият кўрсатган Рассоқ Ҳамроев 500 дан ортиқ роллари билан муҳлислар қалбидан жой олишга улгурди.



Одилшоҳ («Ватан ишқи»), Навоий («Навоий Астрободда»), Муслимбой («Ҳалима») ва бошқа турли-туман образдаги роллари шулар жумла-сидандир.

Шунингдек, кино муҳлисларини хушнуд қилган «Ҳўжа Насриддиннинг саргузаштлари»да Насриддин, «Тоҳир ва Зуҳра»да Нозим, «Абу Али ибн Сино»да Беруний, «Дорбозлар»да Тоштемир, «Алишер Навоий»да Алишер Навоий, «Ўтган кунлар»да Мирзакарим қутидор, «Ёр-ёр»да профессор-археолог ва бошқа катта-кичик ўйнаган роллари ҳозиргача севиб томоша қилинади. Ва энг асосийси, у ўзидан сўнг ҳақли равища муҳлислар қалбига ўзини муҳрлашдан ташқари, муносиб шогирдлар ҳам қолдиришга улгурди.

Ўзбекистон ҳалқ артисти Бахтиёр Ихтиёровнинг дил сўзлари:

«Мен, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон ҳалқ артисти Рассоқ Ҳамроев-нинг шогирдиман. Мен буни фаҳр билан айти оламан. Чунки бу инсоннинг меҳнати менга жуда кўён сингган. Мен бу инсондан нафақат санъатда, балки ҳаётда ҳам жуда кўён маслаҳат ва ўғитлар олганман. Бу инсон чин маънодаги маданияти юксак актёр эдилар. У кишига ҳамма ҳавас билан қараб, профессионал санъаткор деб



билишарди. Ҳамма инсонлар у кишига масофада (дистанцияда) туриб гапирап эдилар. Чунки бу инсонда юксак одамийлик нүкталари бор эдики, чин маънода ҳавасингиз келарди. Ҳар бир роль ижросида ҳам буни яққол кузатса бўларди. Бу инсонни ҳамма бир сўз билан аристократ, яъни оқсуяк инсон деб таърифлашар эди. Жуда кўп картиналарда бирга тушганмиз. Улар халқ эътирофидаги фильмларга айланиб бўлган аллақачон».

Ўзбекистон халқ артисти Файзула Аҳмедов:

«Раззоқ Ҳамроев билан биргаликда роль бажариш минг шукрлар бўлсин-ким, менга ҳам насиб этган. Мен у киши билан биргаликда нафақат ҳаётда, балки кўплаб театр ва киноларда роль ўйнашимизга тўғри келган.

«Зулфия қани?» деган фильmdа Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжсаев билан биргаликдаги бир саҳна уларнинг кимликларини ҳаммага англатиб тургандай бўлади».

Улуғ санъяткор, Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроев хонадонларидан қайтар эканмиз, қизлари Гули Ҳамроеванинг қистови билан у кишининг кундаликларини ҳам ўқишига улгурдик.

Кундалика, жумладан, шундай сатрлар бор эди:

*Дунёда ҳамма нарса унумилади,
Паришон тўзонлар кўмиб кетади,
Аммо икки нарса қолур абадий,
Дононинг сўзи-ю, ботирнинг иши.
Минг ишлар ўтса ҳам ўлим билмайди,
Яхши сўз, яхши иш қилолган киши.*

Яхши сўз... яхши иш қилолган киши... Демак, мана шундай инсонлар асло ўлмас экан.



ШУКУР БУРҲОНОВ

(1910—1987)

Ўзбекистон Халқ артисти Шукур Бурҳонов 1910 йил 15 сентябрда таваллуд топган. 1928 йилдан Ҳамза театр (ҳозирги Миллий театр)да ишлаган. Унинг театр саҳнасида ижро этган ранг-баранг образлари муҳлислари қалбida бир умр ўчмас из қолдири.

Жумладан, унинг ижросидаги Фоғир («Бой ила хизматчи»), Одилбек («Холисхон») образларida янги қирралари очилди. Уруш йиллари Олеко Дундич («Олеко Дундич»), Баттол («Муқанна»), Жалолиддин («Жалолиддин Мангуберди»), урушдан кейин генерал Собир Раҳимов («Генерал Раҳимов») каби ролларни ўйнади. Кейинчалик романтик актёр, фожиавий ролларнинг моҳир устаси сифатида шуҳрат қозониб, фалсафий мазмунга эга бўлган образлар яратди: Ҳамлет («Ҳамлет»), Ромео («Ромео ва Жульєтта»), Брут («Юлий Цезар»), Мирзо Улугбек («Мирзо Улуғбек»), шоҳ Эдип («Шоҳ Эдип»), Сулаймон ота («Қиёмат қарз») ва бошқа психологик ва пластик жиҳатдан тўлақонли, романтик ҳиссияти, кўтаринкилиги билан ажralиб турадиган роллардир.

Айниқса, Шоҳ Эдип роли билан Ш. Бурҳонов саҳнада чуқур из қолдириди. Эдип ролида актёрлик санъатидаги интеллектуаллик, эмоционаллик, романтик жўшқинликни бир-бирига пайванд қилиб, илоҳий ва азалий қисматларни фаол инкор этувчи, инсоний фазилатлар учун курашувчи образни яратди. Ҳамлет образида эса қайноқ қалбли, жўшқин, курдатли инсон сифатидаги фазилатларни моҳирона талқин қилди.

Ш. Бурҳонов ўзбек кино санъати тараққиётiga ҳам катта ҳисса кўшиди. У яратган Қоработир («Тоҳир ва Зуҳра»), Фоғир («Бой ила

хизматчи»), Шоҳ Калин («Илья Муромец»), Қаландаров («Синчалак»), Мирзо Улугбек («Мирзо Улугбек»), Ҳусан ота («Бардош») каби роллари ранг-баранглиги, ижро маҳорати, образ талқинининг мукаммаллиги билан жаҳон кино санъатида юқори баҳоланган.

1940 йилда унга Ўзбекистон Ҳалқ артисти унвони берилган. 1965 йил Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати бўлган.

ШУКУР БУРҲОН¹

«Мен одамларнинг қандай бўлиши
лозимлигини кўрсатаман».

Софокл

Мен буни қишлоғимиздаги соч-соқоли оппоқ, кўзлари донолик-нинг чироғидек порлаб турувчи нуроний бир чолдан эшитгандим: илгари пайтларда одамлар мушкулини күшод этишу ғам-андуҳларига таскин-тасалли истаб қишлоқ четидаги юксак ва пойидор чинорга чортарафдан оқиб келишар экан.

Чинорнинг улуғворлигидан, або-анжадларининг ҳам рухсорларини кўриб келаётганидан уларнинг диллари лиммо-лим ҳаётга иштиёқ туйғуси билан тўлар экан. Рұҳлари енгиллашар экан. Дарвоқе, мұқаддас туйғулар ҳамиша рұҳ дарахти илдизларига оби ҳаёт қуиб келган, қуиб келаверади...

Кейин мен буни ажойиб ёзувчи Константин Гамсаҳурдианинг «Ойнинг ўғирланиши» романидаги ўқидим. Чинор қадимий Римда тирик санъат асари сифатида қадрланар экан. Яшаётган, нафас олаётган санъат асари. Жамики зэгу ниятли кишилар чинор сари талпинишган.

«Соддалик шунчаки, одамлар дарахтга сиғинишган», дейди ёзувчи. Дарахтга сиғиниш соддаликоми ёхуд чўнгликми?

Агар у соддалик бўлса, улуғлик белгисидир!

Эътиқоди абадий чўнгликдир!

Санъат дарахти ҳамиша чинор янглиғдир, ўлмасдир, мұқаддасдир...

Мен буни Шукур Бурҳон сабоқларида янада теранроқ ҳис этдим...

I

Ҳалқ тарихи қаердан бошланади?

Ҳалқ тарихи соchlари кумушдай, қўллари кекса тут танасидай кам-пирларнинг доно нигоҳаридан бошланади. Ҳалқ тарихи кўринишлари соддаю, афсонаю асомирларга, қўшиқлару термаларга юраклари лиммо-лим чолларнинг донишмандликларидан бошланади.

¹ Қисқартириб олинган.

Бу тарихга дохил бўлмоқ учун ўша ҳалқ орасида яшамоқ ва унинг ўзидан келиб чиқмоқ жоиздир.

Шукур оғанинг кўз осллари салқиган, ҳорғин кўринар, шундаям нималарнидир бетиним ўйлаётгани, ич-ичидан қандайдир хуруж тўлқинланиб, бетоқат қилаётгани нигоҳида акс этарди.

У яқиндагина беморлик тўшагидан турганди. Касалликнинг асралари эса ҳали-вери арийдиган кўринмасди.

— Ҳа, қариб қолдим! — деди чукур хўрсиниб.

Тин олди. Сўнгра бир оз титроқ товушда давом этди:

— Дилим нотинч. Уйдагиларнинг ҳай-ҳайлашларига қарамай, сал қувватга кирдиму «Ҳамза»га бордим. Театрдагилар суюнишди. Бир қанча ролларни тавсия қилишди. Ўйнанг шуларни, дейишли.

Э, илгариги шаштим йўқ-да! Ёлғиз «Шоҳ Эдип»ни ўйнасан дейман. Бошқа армоним йўқ.

Шукур оға мулойим қўй қўзларини бир нуқтага тикканича ўзига-ўзи гапираётгандек такрорлади:

— «Шоҳ Эдип» бошқача-да!..

Яна бир оз ўтгач:

— Одамнинг яшагиси келади, унинг руҳига қанчалик чукур кириб борган сайин, — дея фикрини тўлдиради.

Шошилмасдан, дона-дона қилиб гапираверади. Ҳаммага таниш, қадрдан товуш...

Сода, тўпори...

«Шоҳ Эдип»нинг руҳи кишини яшашга, курашга ундейди!

Софокл трагедиясининг мағзини очиб берувчи бу сўзларни ҳам Шукур оға хаёлига туйқусдан келиб қолгандек оддийгина тарзда айтиб юбораверади.

Софоклнинг баъзи бир кўр-кўронга тақлидчилари ўз асарларида табиат гултожи бўлмиш инсонни ожиз, нотавон, қисмат судраган йўлдан бир қадам ҳам «четта чиқа олмайдиганлар тимсолида гавдалантиргандилар. Улар Шоҳ Эдипнинг «пешонасига ёзилган» йўллардан юрмасликка ҳаракат қилиб курашганлари, шу боис чеккан бепоён изтиробларини ҳам шунга йўйишарди.

Қизиқ-да, Эдип қанчалик ўзидан-ўзи қочиб юрмасин, барibir олдиндан башорат қилинган нарса рўй беради...

Холбуки...

Одамнинг шунчалик яшагиси келадики...

Шукур оғанинг сўзлари бежиз эмас. Театр залидан ҳаяжон билан термилган минг-минглаб нигоҳлар, намланган кўзлар, гурс-гурс урган юраклар...

Шоҳ Эдип — Шукур Бурҳонни узок-узоқ олқишилару қарсакларга кўмид юборишлар ҳам...

Шукур оға ҳориб-чарчаб, бироқ вужудида аллақандай енгил-

лик ҳис этганча томошабинлар қаршисига чиқар экан, уларнинг ёниқ нигоҳларидан трагедия қалбларини забт этганини, энг муҳими, асар руҳини тушунгандикларини англарди.

Ҳамма гап шунда-да... Ҳоҳ саҳна асари, ҳоҳ бадиий асар бўлсин, тирик одамлар ҳаракат қилишсин-да! Йиғлаганда қўшилишиб йиғла, кулганда қўшилишиб кул — совуқ, йилтироқ «доно» гапларга на ҳожат.

Бадиий асарнинг сўнгига нуқта қўйилиши ўша асарнинг фожиасидан дарак бермайдими? Аслида, түғёнга келган ҳис-ҳаяжонлар, туйгулар очиқ саҳифаларда, таъбир жоиз бўлса, китобхон қалбida ҳам давом этсин-да...

Шоҳ Эдип тақдиру азал аталмиш «даҳшатли хаёл»га (В. Г. Белинский) бўйин эгмаган, унинг қаршисида тиз чўкмагани барча-барча хатти-ҳаракатларида, ҳаяжонли ҳолатларда намоён бўлиб туради. В. Г. Белинскийнинг: «Тақдир уни бахту саодатдан, жонидан маҳрум эта олар, аммо руҳини хўрлай олмас, ер билан яксон қилиб ташлаш уддасидан чиқар, аммо енголмас эди», деган сўзлари «Шоҳ Эдип» трагедиясининг foявий йўналишини аниқ белгилаб беради. Инсоннинг инсонлиги бир-бирларининг гуноҳлари учун жавобгарлик ҳиссини англашда ҳамдир. Табиат қонунларию инсоний қоидаларга файри ҳаракатлар учун одамзод бир кунмас-бир кун, албатта, жавоб беради. Бирорга етказилган ноҳақ ранж, озор ҳам шундай. «Шоҳ Эдип»ни томоша қилиб бўлганимиздан кейин қалбимизга тўлиб-тошиб оқиб кирадиган ёруғликнинг сабаби ҳам шунда-да! Инсоннинг енгилмаслиги, ўз қалбining мусаффолигини сақлаб қолиш учун мардонавор кураши актерга катта маънавий куч-куvvват, иродаги бағишлийди.

Шукур оға ўрнидан туриб кетади.

Қўзлари ёлқинланади.

— «Шоҳ Эдип»ни ўйнасан дейман! — такрорлайди у.

Чигал сўқмоқли, паст-баланд йўллари бисёр ҳаётга ўлмас муҳабатни англатаетгандек туюлади бу сўзлар.

**Шоҳ Эдип — Шукур
Бурҳон.**

У ҳамиша — ҳаётдаям,
саҳнадаям ҳаммамииздан кўра
улуғворроқ, юқорироқ турган-
дек туюлади. У майда-чуйда
икир-чикирларни писанд қил-
майди.

Киборона ҳаётга ўрганган
бир ойимқиз лабларини таман-
ноли буриб шундай деган экан:

— Фу, Шукур Бурҳон-
нинг уйига бориб қойил бўлма-



ганман. Хоналариди қимматбаҳо нарсалар йўқ. Пиёлаю чойнаклари ҳам оддийгина. Мен уни жудаям обрўли одам деб юрардим.

Ха, уларнинг ҳаммаси наздида обрў бир хил мезон билан ўлчанади — пул, машина, зару зеварлар...

Бундайларнинг ҳаётиям бир зайлда — паркү тўшаклар оғушида, егани олдиди, емагани кетида — ўтаверади...

Дарвоқе, шу ҳаётми?

«Емоқ, ичмоқ ва охир-оқибат ўлиб кетмоқ ҳашаротларнинг ҳам кўлидан кела олади-ку?»

Шукур Бурҳон ҳаёт деганда, умр деганда нималар ҳақида ўйлаши шоир айтганидай, «Бироннинг ҳақини гизлаб, беш-ённи юлишни пойлаб турганлар»га эмас, халқа аён.

Халқ ким?

*«Халқ улким, ўзининг пешонасида
Юлдузлар борини сезса, қувонса!
Халқ улким, ғурури бўлса ўзида,
Асилга ишонса, соҳтадан тонса!»*

Шукур Бурҳон каби инсонларнинг, унингдек санъаткорларнинг руҳи қўллаб тургандагина халқ тарихи барқарордир, ўлмасдир. Абадият тоғи қайдадир йироқ масканда эмас, инсонлар қалбida занжирсимон чўққилар каби бир-бирига тулашиб кетган.

Халқ тарихи қаҷон барҳам топади?

Соchlари қуруқшаган кампирларнинг сўниқ нигоҳларида, сару қалавасини ўйқотиб қўйиб оққа, қорани қорага ажратолмай қолган пайтларида халқ тарихи барҳам топади. Ҳилвираб қолган кекса вужудларнинг ҳувиллаган кўкракларида дийдивадал шамол изғиб, ҳеч вақо тополмай увлаганида барҳам топади.

Кексармоқ ва халқ тарихига доҳил бўлмоқ қийиндан-қийинодир!
Зоро, кексариш вужуднигина адo қилишининг ўзи эмас, биродарлар!..

II

«Бир неча чапани безорилар бир дарвишни бўралаб сўқдилар, қаттиқ ҳақорат қилдилар. Дарвиш шикоят қилиб ўз пири олдига бориб, бошига тушган савдоларни гапириб берди. Пири, деди: «Эй қўзим, дарвиш ҳирқаси қаноат ва чидам либосидир. Буни кийган одам ҳар бир зулмга сабр-тоқат этмоғи керак, акс ҳолда, дарвиш либосини ечиб ташлашга тўғри келади».

Шайх Саъдий. Ҳикоят

Баъзан Шукур оғага савол берасанми-бермайсанми, ўзингча нималарнидир демоқчи бўлиб чоғланасанми — парво қилмайди, фикру ўйида кезинаётган нарсаларни сўзлайверади. Ўзига-ўзи гапи-

раётгандек. Баъзан киши хаёл суреб тополмаган «калаванинг учি»ни сўзлаётганда туйқусдан топганини, беихтиёр айтиб юборганини пайқамай қолади. Ана шундай ҳолатларда Шукур оғанинг кўзлари чақнайди. Ёш болалардек қувониб, ўша ўзига маъкул гапни яна бир бор таъкидлайди:

— Ана шундай! — деб қўяди пировардиа. Актёрликка меҳр қўйгани, ёшлиқ йиллари ҳақида сўрайман, деб имкон тополмай юрардим. Кутимаганда унинг ўзи гап очиб қолди...

— ...Отам Бурҳонҳожи деҳқон одам бўлган. Деҳқончилик зўр касбда! Елкасида кетмон, қўли қадоқ бўлиб кетган, отамнинг ўйлаган ўйиям — ер, топган-таянганиям — ер!

«Ўғлим, деҳқончилик қил, касбу корнинг покизаси, ҳалоли шу», дерди раҳматли. Ер борки, эл бор, эл борки сен бор, деб юрагимда ўз касбига ихлос, меҳр уйғотишга ҳаракат қиласди!

Э, мен ҳам аслида бир деҳқон одамман. Юрагим деҳқонча, ўйнайдиган ролим деҳқонча. Амаким Муродхўжа анча маърифатли, илмли киши эди. Мирзо Бедилни форсийдан ўтирганди. Тошбосмада китоб қилиб чиқартирганди. Оркестрда ҳам чаларди. Ўшанда мен ерга урса кўкка сапчидиган ёш боламан. Кўчада оркестр овози эшитилдими, юрагим ҳапқириб, ўзимни қўярга жой тополмайман, ташқарига югураман.

Сочларим жингала-жингала бўлиб ётарди.

«Кўлига китобу соз ушлаган одамдан ёмонлик кутма!» дерди амаким. У пайтларда одамларнинг ташқи кўриниши билан ички кўриниши бирбирига мос келарди-да!

Ҳозир-чи?!

Э, қўлларига китобу соз ушлаб шунаقا қилвирилларни қилишадики, бу оддий одамларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмайди...

Шундай қилиб де, яланг бош, яланг оёқ ҳолда уларнинг ортидан эргашаман. Атрофимда мендан бошқа қора-кура болалар, ҳатто катта ёшдаги одамлар ҳам кўп.

Муродхўжа амакимдан улуғворроқ, ундан кўра баҳтироқ одам йўқ эди мен учун.

Гап битта: «Артист бўламан!» — қатъий аҳд қилдим.

Отамнинг қошлари орасида тугун пайдо бўлди:

— Бошқа иш қуриб кетгандек, келиб-келиб артист бўласанми? — дедилар. Мен жим.

Ияклари қалтирайди:

— Бу фикрни миянгдан чиқариб ташла, мени номусдан эрта қаритма!

Уришдилар, сўқдилар — бари беҳуда кетди. Қарорим қатъий эди. Отамни номусга қўярмиканман ёки бир деҳқондан артист бўлиб кетармиканман, деб иккиланмасдим.

Отам гаплашмай қўйдилар. «Уйдан чиқиб кетсин, агар артист бўладиган бўлса», дебдилар...

Мен ҳам бориб турған қайсар... Отамдан юққан-да! Ахду қароримдан қайтмадим. Отамнинг кўзига кўринмаслик учун вақтинча устозим Маннон Уйғурницида яшадим. «Ишлайвер! — деди Маннон оға.

— Қолгани бўлаверади!»

Қаттиқ ишладим. Кулогим остида отамнинг «номусдан ўлдирасан» деган сўзлари жаранглаб тургандай эди. Баъзи актёрлар пауза пайтида қўл қовуштириб туришади. Гёёки уларнинг вазифаси гапиришдан иборатдек. Актёр дегани ҳали бир оғиз сўз ҳам айтмай турибоқ томошабинни ўзига жалб этиши керак!

Мен ҳар куни саҳар ўрнимдан туриб кетаман. Уйку қаёқда?! Ўзимни ҳар хил кайфиятга солиб юраман. Шундай вазият юзага келдики, саҳнага чиқмасам асти бўлмайдиган.

Саҳнага чиқдим!

Ҳеч-ҳеч унутмайман ўша кунни. Қачонки саҳнага чиқар эканман, ўша кун ёдимда! Қачонки халқимнинг бир оғиз илиқ сўзини эшитар эканман, ўша кун ёдимда!

Спектакль тугагач, қарсак чалинаверди, чалинаверди.

Олқишилару, гуллар.

Кўзларимдан ёш ситилди.

Шундай қилиб десанг, Муродхўжа амаким томошага отамни ҳам эргаштириб келган экан. Унинг ҳам кўзларидан шашқатор ёш оқибди. Спектаклдан таъсиранган, мени кўрган...

— Оддий бир деҳқон боласига шунча иззату ҳурмат, олқишилар!

Халқ учун, юрт учун нимадир қилибида-да. Одамларнинг кўнглидан жой топибди-да!.. — Отам шундай деб, мени кечирибди.

Устозим Маннон Уйғур:

Бўлмасанг саҳнанинг Мажнун шайдоси,

Бўлмагай актёрнинг меҳригиёси, —

дегувчи эди.

Ўшанда билдимки, халқнинг, оддий одамларнинг кўнглини санъатдан битта-иккита саёқ отарчи ҳам қолдириб юбориши мумкин экан. Мени отам ҳам: «Бўлса, ўшалар қатори артист бўладида!» — деб ўйлаган эканлар. Ўша пайтларда «артист» дейилса,





одамларнинг лабларида истеҳзоли табассум пайдо бўларди. Отарчилар, саёқ артистлар, истеъдодсиз, талантсиз кимсалар халқнинг маънавий ўсиб-улғайишига, гўзалликдан завқланиш туйғусини тарбиялашига салбий таъсир кўрсатади.

Халқ кўрсаки, саҳнада қип-қизил ёлғондан тўқилган спектакль намойиш қилинмоқда. Халқ эшиитсаки, тутуриқсиз, маънисиз қўшиқларни телевизор, радиода баралла айтишяпти. Халқ ўқисаки, ўқиган китобида бирорта рост, ҳақ сўз йўқ! Ҳафсаласи пир бўлади қўяди-да одамларнинг!..

Шукур оға ўйчан қиёфада:

— Одам покиза туғилади. Покизалигича қолиши керак. Айниқса, санъаткорлар. Улар, биринчи навбатда, инсон бўлишлари лозим! — деди-ю, отарчилар ҳақида бошқа сўз айтмади.

Тўғрироғи, сўз дейишни ўзига эп кўрмади.

— Санъатни тақлид ўлдиради! — панжаларини ёзиб, бармоқлари орасига синчиклаб тикилди. — Юзлаб тақлидчилар аравасини судраб, умргузаронликларини ўтказиб юраверишади-ю, ҳақиқий санъаткорлар бир четда қолиб кетишади баъзан. Бу — санъатни тушунмасликдан. — Шукур ота панжаларини тугади.

III

Агар ўлсан, мени асло қаро тупроқдан ахтарманг,
Яшарман ахли ориф кўнглин мангу макон айлаб...

Жалолиддин Румий

...Ҳаётингизда бахтли дамлар, дейсанми?! О, кўп бўлган! Ижро этишим лозим бўлган бирор ролни ўйлаб юрганимда, саҳнага чиққанимда, ёш актёрларнинг мувваффақиятларидан қувонганимда...

— Мен — Шукур Бурҳонман. Халқимнинг фарзандиман. Отам

ҳам, онам ҳам, ғамдошу сирдошим ҳам жонажон ўзбек халқим! Халқим мени — Шукур Бурҳонни яхши кўришади.

Халқинг орзу-умидию юрагидаги гапни топиб айтиш ўрнига хонага қамалиб олиб асар тўқиётгандаридан хафа бўлдим. Халқдаги соддалик, тўпорилик жўнгина нарса эмас. Қанча-қанча доноликлар яширганинг замирида.

IV

Бош яланг ва оёқ яланг бир пиёда мусофири Ҳижоз карвони билан Кўфадан келиб бизга кўшилди... Унинг ҳеч нарсаси йўқ эди, лекин викор билан қадам ташларди.

Туя мингтан бойлардан бири унга деди: «Эй дарвиш, қаёқда борасан, йўл оғир, йўл машаққатига бардош беролмай ўлиб кетсан, қайт орқангга». Дарвиш унинг гапига кулоқ солмай йўлида давом этаверди. Карвонимиз Наҳлаи Махмудга етганида бояги туя мингтан бой оламдан ўтди. Дарвиш унинг ўлиги тепасига келиб деди: «Мен пиёда юриш машаққатидан ўлмадиму, сен нортуюда юриш роҳатидан ўлдинг!»

Шайх Саъдий. Ҳикоят.

...Саҳнада янги бир актёр пайдо бўлди. Сал-пал муваффақият ҳам қозонди у дейлик. Хўш, нима бўпти. Йўқ! Дарров шов-шув кўтаришади. Газеталарга ёзишади. Йўқ сифатларини топишади. Бундай қилмаслик керак-да! Санъат йўли, санъат довонлари... э-ҳе...

Санъаткор ҳамма қийинчиликларни кўриши керак, ҳис қилиши керак. Сиртдан тинч кўринса-да, ичдан дарёдай тўлғаниб турсин. Уни бирданига чўққига чиқариб қўйиб бўлмайди. Шундай қилинса, оғзига келганини айтиб бақираверади. Чиқсин ўзи. Тирмашсин, изтироб чексин, озгини ютуғидан ҳам олам-олам қувонч олсин. Чўққининг ўзидан ҳам кўра унга чиқиш йўлидаги курашлар, заҳматлар, изтироблар ҳақиқийdir.

Баҳор. Киши юрагига сифмаётган ҳиссиятлардан ҳаприқиб кетади. Шукур оға Қорасув массивидаги ҳовлиси дарвозаси олдида тик турганча бир кўлини чўнтағига суқиб сигарет чекарди, бепарводек кўринарди. Айни пайтда қалбida яхши, бўлиқ бир гап етилаётганга ўхшарди. Бир оз паришонхотир:

— Қара, кўярпсанми? — Кечқурунги офтобнинг тифдай нури тушиб турган ариқ бўйига ишора қилди у.

Ўт-ўланлар...

Ҳеч нарсага фаҳмим етмади.

— Яхшироқ қара, курибди!

Дарҳақиқат, тифиз ўсган ўт-ўланларнинг бир қисми қуриб-ковжирай бошлаганди.

— Ҳа, қурибди! — Шукур оға таассуф билан бош чайқади. — Қуёш нури ҳаддан зиёд кўп текканидан...

Нима демоқчи бўлаётганини англадим.

— Йўғ-э, Шукур оға, бошқа нарсадан қуриган кўринади.

— Хўп, деявер. Томири нимжон, офтобга дош беролмаган...

Шукур оғанинг сукутидан кишининг кўз ўнгидаги фалати манзаралар жонланади. Манзараларким, унинг фикрларининг жонли сувратидай...

Кун тепада. Қиздиради. Пешонангдан, юзларингдан оқаётган ҳовуч-ҳовуч терларга оёғинг остидан кўтарилаётган чанг чиппа-чиппа ёпишади. Коп-қорайиб қотади.

Бу йўл сарҳадлари ўрмонларгами, кўм-кўк арчалари томиридан булоқ-булоқ сувлар тошиб қайнаётган пок туйғулар гўшаси — юксак тоғларгами ёхуд на бошию на охири кўринадиган ҳалокат саҳросигами, чанглазоргами, туташлиги ноаён.

Осмон ҳамишагидек. Куёш ҳамишагидек. Бармоқлари учда тилларанг жило — Куёш ёғдулари ўйнаётган дараҳтлар ўша-ўша. Санъаткоргина ёлғиз юрагини қўёшу осмонга, дараҳтлару гиёҳларга бўлиб-бўлиб бергунча бошқача ҳолатларда, бошқача туйғуларда кетиб боради. Баъзан ўзини аскарларга қиёс этади. Аслида аскарларда ўзгачароқ. Улар ўн-ўн беш чақиримни белгиланган фурсатда босиб ўтишолмаса, эртасига яна югуришади. Уларнинг ою юлдузлар билан ҳам ишлари бўлмайди.

Юрак биринчи марта азобга ташланганида кўрқоқ вужуд уни тезроқ олиб кетишга ҳаракат қиласди: «Тамом, силлам қуриди, бир қоп сұякман энди. Кетайлик яххиси. Бизга нима зарурати бор...»

Ана шунда иккинчи нафас очилмаёқ ортга қайтадилар. Ҳаммаси барбод бўлади. Шармандалик пешонасига ёзилмайди. Мерос ҳам эмас у.

Шармандалик Виждон ва Руҳни азобга қолдириб, юракнинг устига минг йиллик «қолдиқ туйғулар»дан (М. Ю. Лермонтов) тош бостириб, вужуд-оғриғига таслим бўлишдир.

Жангчи оёқлари қабараётганига, терилари шилинаётганига қарамай чопади, югурди. Киғтидаги масъуллик олдида ҳар қандай вужуд оғриқлари арзимасдир. Жангчи ўн икки чақиримни ўз вақтида босиб ўтолмаса ҳалок бўлади. Ўзи учун яшаб, ўзи учун ўладиганларнигина вужуд оғриқлари олиб кетади.

Жангчилар ўзлари учун ҳалок бўлишмайди.

Дараҳтлар, гиёҳ, тупроқ учун, беғубор эсган шамол, маъсум аёл — она, сингил дея яшайди улар. Зил-замбилдек оғирлашган оёқларини зўр-базўр судраб босаётган заҳматкашларга табиат куч бағишлайди. Иккинчи нафасни ато этади.

«Ёзувчилар баъзан театр биноси атрофида айланиб-айланиб, ичкари киролмай кетишади», дейди Шукур Бурҳон киноя билан.

Бу «Сикстин мадоннаси»дан тортиб Левитаннинг бетакрор манзаралари акс этган асарлари юзасигача чанг кўришга ўхшайди.

Чанг. чанг...

Ва оқиста тегизилган бармоқлар. Бармоқлар таажжуб билан тегизилгандар дарров тортиб олинган. Кимнингдир ўта назокати, кимнингдир ўта кўполлигидан чанг пардалари қаватма-қават бўлиб бораверган. Кимдир болтасини кўйиб, кўзойнагини излаб кетганга ўхшайди...

Йўлга чиқсан одам бармоқларидангина эҳтиёт бўлади...

Тасаввур этинг, бир гуруҳ аскар кенг майдонга чиқволиб чопа кетиши. Уларни ҳар қадамда кузатиб туришади. Ҳатто алоҳида қўйилган одамлар ҳам бор. Энг ожиз одам ҳам биринчи нафасда чопа олади. Шу боис, йигирмата биринчи санъат намунасида озми-кўпми нималарни дир топамиз. Уч-тўрт чақиридандан сўнг ҳолсизлик, парокандалик бошланади. Кимдир юқ машинасига чиқиб олишни кўзлаяпти, кимдир йўлини қилиб масофани қисқартирмоқчи. Жангчилар мажколсизларини елкаларига кўтариб кетишиади.

Санъаткорлар-чи?

Кимнидир елкада кўтариб ёхуд кимнингдир елкасида ўтириб кетиш уларга манфаат келтирмайди. Жанг майдонида ҳамма нарса очиқ-оидин, бугун сен кўтармасанг, эртага ўзинг илтижоли боққанингча ерда ётишинг мумкин. Санъат майдонида эса кўп нарсалар хуфёна.

Парокандаликдан сўнг қолганлар иккинчи нафас билан кета бошлашади. Йўл барибир мashaқатли, азобли. Л. Н. Толстой дастлабки пайтларда ёзиш учун қанчалик қийналган бўлса, кейинчалик ҳам шунчалик мashaқат чекканини беҳудага эътироф этмаган ахир.

—...Санъаткорларга ҳамма вақт оғир,— Шукур оғанинг сўзлари хаёлимдан нари кетмайди. — Нафаси қуриб-қовжираганида у бутунлай бу даргоҳни ташлаб кетади. Ҳаммасидан оғири шу. Иккинчи нафаси очилса-чи?!

Ўз йўлини топишга илк қадам бўлади!

V

Аввал фаолият бўлган эди.
ГЕТЕ

Шукур оға ҳаяжонланиб, катта қизиқиш билан футбол томоша қиласарди.

— Ке! — У кўзларини телевизор экранидан олмаган ҳолда менга жой кўрсатди. — Ўтири!

Үйин тугагач:

— Ажойиб, ажойиб! — дея хитоб қилди.

Шукур оға майдонда қайси футболчи эмин-эркин, қайсиниси қисиниб-қимтиниб ҳаракат қилишларини берилиб кузатарди.

—... Маннон Үйғур саҳнага менми, бошқасими, ким чиқсаем: «Юришни ўрган, саҳнада юришни ўрган!» — деб ғизни тұхтатиб кўярди, гапиртирасди. Эркин ҳаракат қила олиш жудаям муҳим. Ҳаракат фикрни туғдиради. Ана шундай!

Үн ой элтди онам-а,
Туғди элимга шұхрат учун.
Олтінкүйл биринчи ёдномаси

—...Саҳнага чиқадиган куним бошқача бўлиб юраман. Эрталаб соат бешдан театрга бориб оламан. Саҳнада у ёқдан-бу ёққа юраман: ўйлайман, ҳаяжонланаман, юрагим қинидан чиққудек дук-дук ура бошлади, Юрагинг ура бошладими, муваффақият қозонасан. Мана, Тешани олайлик. Ўзи яхши актёр. Нимадир етишмаётгандек туюлади унда. Бир куни саҳнага чиқишидан олдин тўхтатиб, беихтиёр қўлимни кўксига, юрагининг устига қўйдим. Дукурлаб урмайди.

«Юрак уриши керак-да!» — дедим Тешага.

Ёкуб бўлса баъзан ўқишга берилиб кетади. Ўқимаслик керак-да! Берилиш керак! Ўйнаш керак!

...Театрга борсам, «Отелло»ни қўйишияти экан! Ў-хў! Ў-хў! Саҳнада Отелло, залда ярим одам гаплашиб ўтирибди. «Отелло»да-я!

... Шукур оға хомуш тортиб қолди.

— Юр, маҳалла чойхонасига чиқиб келайлик, — деди ўрнидан туриб.

Чойхонада маҳаллага кимни раис қилиб сайлаш тўғрисида қизғин баҳс кетарди.

— Фалончини сайлаш керак, ичмайди! — деди кимдир.

— Йўғ-э, пистончи бўла қолсин, министрликда ишлайди.

— Ундан каттароқ одамлар ҳам бор, қўямиз десак.

Шукур оға миқ этмасди.

— Ўзингиз бир нима денг, Шукур ака, — деди ўрта ёшлардаги бир киши.

— Мен нимаям дердим, — Шукур оға қўлидаги хасни синдиаркан, уларга бир-бир қараб чиқди. — Шундай раис сайлаш керакки, у министрми ёки оддий колхозчими, академикми ёки оддий ишчими — энг аввало инсон бўлсин!

Ҳамма уни маъқуллади: хижолат чекканлар ҳам, чекмаганлар ҳам.

«Қайтишимизда гапдан гап чиқиб Шукур оға Шекспирнинг «Юлий Цезарь» трагедияси ҳақида сўзлаб қолди.

— Сиз трагедиядаги Брут ролини ижро этгансиз, — дедим унга.

— Ҳа-а, Брут энг катта образ. Унинг кўзларида Рим акс этарди!

Беихтиёр Шукур оғага ўгириламан: ажиб бир ўхшашликни топаман.— Ўз халқининг жону дили бўлган актёрнинг кўзларида ўзбек юрти, бу юртнинг ташвишу қувончлари акс этарди! Ўзбекистон акс этарди Шукур Бурхонов кўзларида!

Улуғ актёрнинг миллионлаб мухлислари, чехрасини кўрган заҳотиёқ ўз элу юртига, унинг кучу қурратига ишончи чандон ортадиган муҳибларининг юраклари зирқиради. Ўзбек халқининг шуҳратини оламга ёйиш учун ҳеч қандай соҳта доно ва файласуфона гапларнинг ҳожати йўқ, унинг характерини, осмондай кенг, меҳмондўст юрагини содда, самимий сўзларда, хатти-ҳаракатларда кўрсатиб бериш кифоя эди.

Даставвал Абдулла Қодирий ана шундай санъаткор эди. Гарчанд у «яқин ўтмишнинг энг қора, ҳазин кунларидан» олган бўлса-да, биз Кумушбиби сиймосида ор-номус тимсолига айланиб кетган ўзбек аёlinи кўрамиз. Бу аёлга замонлар чархи айланавериб-айланавериб, тарақ-қиётнинг юқори поғонасига кўтарилганда ҳам бани башарият тавоғ қиласа арзиди.

Санъаткор ҳақида гапириш, унинг ижоди хусусида ҳукм юритиш анча хижолатли иш. Бу худди сени истамай турган кишининг эшик турмини бузиб киришига ўхшайди. Аксарият танқидчилар ва санъатшунослар ана шундай эшик турмини бузишга мойилдиirlар.

Беқиёс шон-шуҳрат эгаси бўлмиш француз ёзувчиси Ги де Мопассан ҳақида дўсти Ренар: «У ҳаётини биздан пинҳон тутарди», дейди. Мопассан шахсий ҳаётига, наинки шахсий ҳаётига, ижодий ишига аралашмоқчи» ҳакамлик қўлмоқчи бўлганларни судга беришдан ҳам тоймайди.

Қизиқ-да, ҳамма адабиётнинг, санъатнинг билимдони деб санайди ўзини. Турли йўл-йўриқлар кўрсата бошлашади баъзилари, кишининг жигига тегадиган маслаҳатлар беришади.

Мопассан эса ўз асарини бевосита қалбининг бир парчаси деб билар, ришта-томирларга заҳм етказмай, эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермасди. «Қалбдаги миллату элат»нинг тилини тушунмоқ учун эса ўша ёзувчи кайфиятида бўлиши лозим эди.

Адабий маҳаллада бир гуруҳ «ҳамма нарсани биладиганлар» бор. Улар ўз билимларини шундай такомилга етказганларки, қаердан эшитишган, қандай ўрганишган — ҳайрон қоласан. Бундайлар ҳақида Федор Михайлович Достоевский ўз замонида «тирсаклари доимо йиртиқ ҳолда юради» деганди ва «Телба» романида «ҳамма нарсани биладиган» Лебедев образини улкан истеъдод билан чизиб берганди.

«Ҳамма нарсани биладиганлар»нинг бирорвга зарари тегмаёт-гандек кўринса-да, улар санъат, фан ниқоби остида иш кўришса, оқибати фожиали бўлади. Бу ниқоб остида ҳақиқий башараларини беркитишнинг уддасидан чиққанлар ҳам талайгина. Улар қайси

бosh мұхаррирнинг баланд курсидаги қайси мансабдорга қондош-қариндошлигию қайси улуф шахснинг қандай жабр-зулмлар күрганлигини беш панжадай билишади ва худди ана шу нарсаны халқ оммасига зарурий факт сифатида етказишдан ҳам тойишмайди. Улар яна таниқли одамларнинг «оилавий фожиалари» ҳақида түлиб-тошиб гапиришади, бошларини сарап-сарап қилишади, афсусланган бўлишади. Бахт ёхуд баҳтсизликларини ана шу мезон билан ўлчаб беришади. Мавриди келди, айтиш керак, ўлим тўшагида ётган актёр учун «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган «Актриса нега йифлади?» мақоласи бениҳоя оғир бўлди. У одам наслидан ҳамма нарсани кутган бўлса кутгандир-у, бироқ бундай сурбетликни хоби хотирига келтирмагандир! Бу, ҳали айтганимиздек, истамай турган кишининг эшик турмини бузиб киришининг ўзгинаси эди. Шукур Бурҳон орамиздан кетди. Хўш, улар бугун қандай бош кўтариб юришади? Виждон, орият, номус ҳақида сафсалалар сотгандан кўра, аввало, бу азиз туйгуларни юракда гавҳар донасидек асраб-авайлаш керак эмасмиди? Улуф шахсларни қандайдир майда манфаатларга, ихтилофларга аралаштиришни, ўшаларнинг қурбони қилиб юборишни халқ тарихи кечирмайди.

Шукур Бурҳон орамиздан кетди.

Ўша тун кўк тоқидан порлоқ бир юлдуз тушди-ю, тилларанг из қолдирганча қайларгадир маҳв бўлди.

«Шукур Бурҳон халқ миллий онгининг таркибий қисмига айланиб кетган, — дейди Мурод Мұхаммад Дўст. — Абдулла Қодирий каби...»

Ёзувчи сукутга чўмди.

Мен унинг сукутида... халқ миллий онгини тасаввур этаётганини пайқагандай бўлдим.

Эртаси кун қишлоғимиздаги Полвон тогани учратдим. У жўмард, танти эди. Халқ ривоятларию афсоналарини кўп билар, кўшиқ айтганда ҳам эскичасига, катта ашулалардан оларди.

— Жиян, шу-у Шукур Бурҳонга қойил қоламан-да,— дерди у. — Боплайди! Кўрсам, ўзимизнинг Эсонқул девкорни кўргандай бўламан. Шу-у дейман, ўзиям халқим, элим деган одам-ов!

Оддий одамнинг оддий бу сўзлари замирида дунёда инсон бўлиб яшаш, ўшанда ҳам Шукур Бурҳондек инсон бўлиб яшашга улкан ҳавас ётарди.

Ҳақ гап шу..

Шойим БЎТАЕВ



СОЙИБ ХҮЖАЕВ

(1910–1982)

Ўзбек халқининг яқин ўтмишдаги ажойиб қизиқчилари эл орасида катта шуҳрат қозонганларни ибратли ҳикоя бўлиб юради. Улар ижро этган латифа ва асқия, қизиқчилик ҳолатлари халқимизнинг оғзаки дурданаларига айланиб кетиб, секин-аста ёзма адабиётга, радио ва телевидение кўрсатув ва эшииттиришларига кўчиб адабий-бадиий тарихга айланиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. Уларнинг табаррук номлари ҳурмат билан зикр этилади. Масалан, Юсуфжон қизиқ, Ака Бухор, Сойибжон қизиқ, Муҳиддин Дарвешов, Абдулҳай Махсум ва ҳоказолар. Мана шундай қизиқчилардан бири халқимизнинг қалбидан чукур жой олган инсон СОЙИБЖОН ҚИЗИҚ – Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаевни кўпчилик яхши билишади. Яратган унга икки томонлама иқтидор ато этган.

Сойиб Хўжаев ролларини қойилмақом қилиб бажарган. Шу билан бирга яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, у ҳар бир ўйнаган ролининг 60–70 фойзини, асосан, ўзи тўқиб-кўшган. Шунинг учун ҳам унинг роллари жонли ва жозибали чиққан.

Ўн бир ёшида у жуда эрта отасидан етим қолган. Ҳаёт сўқмоқлари уни Қўқон болалар уйига етаклаб олиб келган. 1927 йилда Қўқон театрининг раҳбарлари «Ҳалима» спектакли учун оммавий саҳналарга йигит-қизлар танлаш учун болалар уйига келишади. Бир неча йигит-қизларни таклиф қилишади. Шуларнинг орасида 17 ёшга тўлар-тўлмас



шўх, тийраккина Сойибжон ҳам бор эди. Бу улуғ санъат арбоби, қизиқчилик юлдузининг туғилиши эди.

Үнинг турмуш ўртоғи Файзихон ая гаплари:

«Биз Сойиб Хўжаев билан жуда ёшлигимизда танишганмиз. Шу тариқа тақдиримиз боғланиб кетган. У киши Қўқон театрида роллар бажариб тезда ҳалқ назарига тушдилар ва доврувлари тезда Тошкентга ҳам етиб келди. 1937 йилда актёрни пойтахтга таклиф қиласишаар. Бу орада Муқимий театри ташкил қилинади ва улар бу даргоҳга таклиф қилинадилар, шу тариқа актёр бўлиб ишлай бошлийдилар».

Сойиб Хўжаев Тошкентда яшаб, 9 нафар фарзандларини вояга етказдилар. Улар ҳозирда мустақил Ўзбекистонимизнинг турли жабҳа-



ларидаги мөхнат қилмоқдалар, фан ва санъатимизнинг ривожига муносиб ҳисса кўшмоқдалар.

Сойиб Хўжаевнинг ўйнаган юзлаб роллари ўзбек мусиқали драма жанридаги характерли қиёфалар хазинасининг дурдоналари бўлиб қолган. Сойиб Хўжаев театр билан бир қаторда «Табассум» радиожурналида ҳам кўп йиллар иштирок этиб, эшииттиришга жон киритган.

«Ўзбекфильм» студиясида суратга олинган «Ватанга совға», «Стадионда учрашамиз», «Ёр-ёр», «Лайлак келди — ёз бўлди», «Зулфия қаерда?», «Фаргона қизи», «Насриддиннинг саргузашти» каби фильмларда ўйнаган роллари халқимизнинг олқишига сазовор бўлган.

Санъаткорнинг шогирди Бахтиёр Ихтиёров шундай хотирлайди:

«Менинг энг катта баҳтим бу ёруғ оламда шундай актёrlар билан биргаликда роль ўйнаганим деб биламан. Сойиб Хўжаев ажойиб инсон, истебодли актёр ва бетакрор устоз эдилар. Мен у кишидаги импровизацияга лол қолардим. Чунки сценарийда йўқ сўзлар кино давомида чиқиб кетарди. Масалан, «Зулфия қаерда?» фильмida менга қараб айтадиган гаплари бор эди. Кўккисдан менга қараб «хе уле» десалар мен донг қотиб қолганман. Нима дейишшимни ҳам билмайман. Ахир бу гап йўқ эди-ку, деёлмайман — фильм ёзиляпти. Ҳар қандай инсон у киши билан ролга киришиб кета олмас эди. Чунки у киши сўзга ва қочириқларга бой эдилар».

Сойиб Хўжаев жамғармаси Раиси Маъмур Хўжаев хотираси:

«Дастлабки ишимни театрда адамнинг олдиларида бошлиғанман. Бир кун шундай воқеа бўлган. Мен театр саҳна устаси сифатида саҳнани кўриб бўлдим. Атиги 20 см га адасиб саҳнани нотўғри қуриб кўйибман. Шунда адам раҳматли: «Бугун саҳнани ким қурди, нега нотўғри қурилган?» дедилар. Шунда мени дамим ичимга тушиб кетди. Буни сезган яна бир ходим «ўғлингиз» деб юборди. Адам бўлсалар: «Қанақасига ўғил, ишда ўғил деган гап йўқ,



бу ерда ҳамма бир хил» деб жаҳл қилганлар. Адам шунақанги фидойи ва ҳақиқатгүй инсон бўлганлар.

Сойиб Хўжаев ўзбек халқининг Насрилдин афандисидек қизиқчи донишманд фарзанди. Насрилдин афанди узоқ ўтмишдан келаётган севимли қаҳрамон бўлса, Сойиб Хўжаев 1910 йилда туғилиб, ўзининг 72 йиллик умри давомида юксак санъати билан халқнинг ардоқли фарзандига айланди.

Драматург Ҳайдар Муҳаммад:

«Мен бир неча йилдирки, Муқимий театри билан ҳамкорлик қилиб келаман. Бу ерда мен халқимизнинг энг севимли актёри, комик роллар ижрочиси Хўжаев Сойиб aka билан танишдим. У кишига атаб ҳаттоқи кўплаб нарсалар ҳам ёзиб бердим. 2000 йилда нашр этилган «Сойиб Хўжаев ҳангомалари» шулар жумласидан».

Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев ҳар давранинг гули, кўнгил деганинг қули бўлган. У ўйнаган ҳар бир роллар ҳозирга қадар бетакрор ва айни пайтда класик ролларга айланган.

Зиндон энангни уйимида, чироқ ёқиб қўядиган

Муқимий театрининг «Равшан ва Зулхумор» спектаклида зиндонни тешиб чиқиши саҳнасида Равшан ролини Ҳамза Умаров, Эрсак ролини Сойиб Хўжаев ўйнар экан. Бир куни Сойиб Хўжаев Ҳамза Умаровга:

- Постановка бўйича биласан, зиндонни мен олдин тешиб чиқаман, кейин сен чиқасан, шундайми? — дейди.
- Шундай, —дейди Ҳамза Умаров. Шунда Сойиб Хўжаев:
- Бугун зиндонни сен олдин тешиб чиқасан, кейин мен чиқаман, — дейди. Спектакль чоғида Ҳамза Умаров зиндонни тешиб чиқиб:

- Вой-бў, бу ер намунча қоронгу, — дейди. Сойиб Хўжаев:
- Зиндан энангни уйимиидики, чироқ ёқиб қўядиган. Зиндан қоронгу бўлади-да, дейди.

Залда гулдурос қарсак янграйди.

Шу куни асар муаллифи Комил Яшин келиб, спектакль кўраётган экан. Раззоқ Ҳамроевга: «Сойибжон топиб айтди, шу сўзни пьесага киритиб қўйинг», — деган экан.

Москва қойил қолган роль

1959 йили Москвада ўтган декадада Муқимий театрининг бош режиссёри Раззоқ Ҳамроев Сойиб Хўжаевга қаттиқ танбех беради.

— Сойибжон, бу ерда спектаклларга биронта сўз қўшмайсиз. Бу ернинг театршунос олимлари қилни қирқ ёради. Ўзбекчани тушунмаса ҳам хатти-ҳаракатдан ортиқча бегона сўзни билади. Келишдикми? — дейди.

— Эшитдим, ўртоқ Ҳамроев, лекин мен сўз қўшмасам хотиним талоф бўлади, — дейди Сойиб Хўжаев.

— Бўлмаса, шу ернинг ўзида бўшатаман, — дейди Раззоқ Ҳамроев.

Кечкурун ҳаммани йиғиб мажлис ўтказишади. Спектаклга ҳамма чиқиши керак, ҳалқ артистлариям, хизмат кўрсатганлар ҳам оммавий саҳналарда иштирок этиб, спектаклнинг савиясини баланд кўтаришга хизмат қилиши керак, деб Раззоқ Ҳамроев уқтиради ҳамда ҳар бир артист спектакль руҳига қараб, ўзига ҳолат ва кийим топишини тайинлади. Ҳамма тушунарли, деб тарқалишади. Сойиб Хўжаев ўзидан сўз қўшмаслик ҳақида танбех олган. Сўзиз ҳолат топишини ўйлади. Ва, ниҳоят топади. Эртаси спектаклда Сойиб Хўжаев қўлига «А» ҳарфига ўҳшаган ер ўлчогичини олган, қийиқчани пешонабоғ қилиб боғлаб, катта бутафор қизил қаламни қулоғига қистирган, елкага ҳарбий планшет сумкани осган ҳолда спектаклнинг хирмон саҳнасида кўринади. Ва саҳнани у бошидан бу бошига «А» ўлчагич билан ўлчаб, супачага кўкраги билан ётиб олиб, планшетни очиб, қоғоз олиб, қизил қалам билан нимадир ёзади, учиради, чизади, яна туриб шу ҳолатни такрорлади. Бир оғиз ҳам сўз айтмайди. Спектакль баланд қарсаклар билан тугайди. Эртаси спектакль муҳокамаси бўлганда машҳур театршунослар бош ролда ўйнаганлар қолиб, фақат Сойиб Хўжаев ролини мақтаб кетишади. Шунда Сойиб Хўжаев сўз олиб, ўзбекчалаб:

— Мени ишдан ҳайдамоқчи бўлган Ҳамроев, сўз қўшганим йўқ. Мақтоворларни эшитдизми? Спасибо, театрведлар, — деб тушиб кетади.

Раззоқ Ҳамроев:

— Зўрсиз, — дейди тан бериб.

Шляпа остида бодом

Бир куни Сурхондарёнинг Деновдаги Дендропаркига бир гурух артистларни өлиб боришишади. У ерда мевали дарахтлар тажриба сифатида ўстирилиб, мевалари териб олинар экан. Бодом пишган вақти бўлгани учун артистлар бодомларни теришиб, чақишиб, чўнтакларига соли-



шибди. Кимдир, бодом ва бошқа мевалардан тўйганча енглару чўнтакка солманглар! — дебди. Парк дарвозасининг олдига келганда Наби Раҳимов «Ҳамманганинг чўнтағингни ўзим текшираман», деб дарвоза олдига туриб олибди. Сойиб Хўжаевнинг чўнтағига бодом бор экан. Дарров олиб, шляпасининг ичига солиб, бошига кийиб олибди-да, шимининг икки чўнтағи астарини чиқариб, Наби Раҳимовнинг олдига келиби.

— Набижон, чўнтакларим бўш, — дебди. Бодомни шляпасига солаётганини Наби ака қўриб турган экан.

— Сойибжон, шляпанинг тагида бош борми ўзи? — деб шляпани кўтарса, дув этиб бодом тўкилибди.

— Бу нима? — дебди дўқ қилиб Наби ака.

— Набижон, сиз яхши биласиз, мен Тошболта куёвман. Парининг онаси раҳматли деновлик бўлган. Бу ерга келганимга бошимдан қайнонам бодом сочди-да, — деб ҳаммани кулдирган экан.

Сойиб Хўжаев сувга чўкканда

Бир куни кинорежиссёр Али Ҳамроев бир фильмни суратга олаётганда Сойиб Хўжаев ўйнайдиган қаҳрамон сувга чўкиши керак экан. Шунинг учун Сойиб акани тез оқар сойга олиб бориб, суратга ола бошлишибди. Шунда Ҳадқиқатан ҳам Сойиб Хўжаев роствмана сўвға чўкка бўшлабди. «Мени кутқаринглар!» деб бақирибди.

Режиссёр билан оператор съёмка табиий чиқаётганлигидан хурсанд: «Яхши! Яхши! Табиий чиқяпти», дейишибди.

Сойиб Хўжаев чиндан чувга чўкканда йигитлар сувга тушиб, судраб олиб чиқишиади.


Али Ҳамроев келиб:

— Табриклиймиз, ниҳоятда кадр зўр чиқди, — дейди.

Шунда Сойиб Хўжаев:

— Сенларга зўр. Менга сагал бўлмаса шўр бўлай деди, — деган экан.

Ҳайдар МУҲАММАДнинг
«Сойиб Хўжаев ҳангомалари» китобидан



ҲАМЗА УМАРОВ

(1925—1987)

Унинг номи тилга олинганда мухлислар кўз ўнгидаги ёрқин бир сиймо намоён бўлади. Синчков нигоҳлар, гўё кўнглингизда кечётган ўйларни уқиб тургандек. Чертиб-чертубайтган ҳар бир сўзи тингловчининг дил торларини титратади, кўз қарашлари билан кўнгилга кириб боради. Бу каби ҳолатларни Ўзбекистон Xалқ артисти Ҳамза Умаровнинг театр ва кинода яратган қўйма образларида кўрганмиз ва ҳар гал унинг юксак маҳоратига, ижро санъатига қойил қолганмиз. Аммо Ҳамза Умаров учун санъат йўлини танлаш мashaқкатли кечганидан кўпчиликнинг хабари бўлмаса керак.

Кўқонлик мулла Умар ўғлининг артист бўлмоқчилигини эшиятганида ранжидигина эмас, қаттиқ қаршилик ҳам кўрсатди. Лекин кейинчалик Умар ота ўғли актёрлик касбини танлаб асло хато қилмаганини англади...

10-синфни тутатган Ҳамзахонни (ижодкор дўйстлари уни шундай севиб чақиришарди) отаси Қўқондаги артелга косибга шогирдликка берганлар. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Ҳамза Умаров 1942 йилда кўнгилли бўлиб фронтга кетиб, ҳарбий қисмларнинг бирида полк разведкачиси бўлиб хизмат қиласади.

1945 йили у оёғидан ўқ еб, қаттиқ жароҳатланганлиги туфайли кўлтиқтаёқ билан фронтдан она шаҳри Қўқонга қайтади, шу йили Тошкентга бориб, танасидаги ўқни олдиради ва шаҳардаги қанд заводига ишчи бўлиб жойлашади.



талаbasи бўлишига яқиндан ёрдам берди ва иккови санъат сирларидан сабоқ ола бошлайдилар.

1950 йилнинг ёзи арафасида давлат имтиҳонларини муввафқиятли топширишгандан сўнг асосий синов – диплом иши турарди. Бу «Бой или хизматчи» асари бўлиб, Алижонга Солиҳбой, Ҳамзахонга Фоғир роллари топширилган эди. Комиссия аъзолари бутун спектаклга, айниқса, бош қаҳрамонни ўйнаган Ҳамзахоннинг истеъоди ва ижрочилик маҳоратига юксак баҳо бердилар. Шу йилнинг ўзидаёқ у йўлланма билан Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрига келади.

Суврати сийратига монанд эди

Ҳамза Умаровнинг ижодий фаолияти, асосан, ушбу театрда кечди ва илк ролларини «Армуғон», «Фунчалар», «Офтобхон» спектаклларида яратди. Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Лутфихоним Саримсоқова, Абдурауф Болтаев, Маҳмуджон Фофуров, Эътибор Жалилова, Фароғат Раҳматова, Набижон Ҳалилов каби машҳур саҳна усталари билан ҳамкор-

ликда «Олтин кўл», «Азиз ва Санам», «Мавлоно Муқимий», «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Нурхон», «Сурмахон», «Қайнона», «Тоғ гўзали», «Хонума хоним» каби турли давр, турли ҳалқлар ҳаётини тасвирловчи спектаклларда асосий ролларни ўйнаб, театрнинг етакчи санъаткорлари сафидан ўрин олди.





Уни кенг жамоатчилик ва муҳлисларга яқинлаштирган, муҳаббатини қозонтирган яна бир соҳа – кино санъати бўлиб, 60 дан зиёд ўзбек фильмидаги ажойиб, нодир ва бетакрор образлар яратиб қолдири. Талабалик йилларида ёқ фильмлар яратилиши жараёнига қизиқкан Ҳамзахон дубляжда ҳам ўз маҳоратини намоён эта бошлади.

1958 йили таниқли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов томонидан суратга олинган «Маҳаллада дув-дув гап» комедияси миллионлаб томошибиннинг севимли асарига айланди. Мазкур фильмдаги образи билан актёр анча шуҳрат қозонди. Чунончи, бу фильм унинг отаси мулла Умарга ҳам ёқиб тушди. Уғлини экранда кўрган ота фаҳрланиш ҳиссини сезди. Дарвоҳе, 1958 йил Ҳамза Умаров ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Ўша йили Аллоҳ унга икки қиздан сўнг ўғил ато этди. Унга Шуҳрат деб исм қўйдилар. Албатта, шу ўринда ота ўйлидан борган Шуҳрат Умаров ҳақида икки оғиз сўзлаб ўтиш жоиздир. Сиз уни Эркин Аъзам сценарийси асосида суратга олинган «Чантраморэ» фильмидаги шоир йигит Камрон роли орқали яхши биласиз. Шуҳрат кино оламига «Тенгдошлар» фильмни билан кириб келган эди. Афсуски, бу фильм унинг отаси билан суратга тушган биринчи ва сўнгги фильмни бўлди.

Хотиралар бизни яна Ҳамза Умаровнинг роллари дунёсига, ҳар дақиқаси эҳтиросли ва жўшқин кечган ижод дамларига бошлайди. У бу оламга бутун борлиғи билан шўнғиди. 40 йиллик ижодий фаолияти давомида саҳнадан ажралмаган ҳолда кинода 90 га яқин роллар яратиш, 3 мингдан зиёд бадиий фильм дубляжида овоз бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундан ташқари, бадиий ижод билан шуғулланиб, ўнлаб драматик



асарлар битди, саҳнага қўйди... Ҳамза Умаров билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлган санъаткорлар ҳам унинг ижоди ва ҳаёти ҳақида ҳайрат билан сўзлайдилар. Шунингдек, актёрнинг ҳамкаслари уни «Дубляж санъатининг қироли», дея фаҳр билан тилга олишади.

Ҳа, Ҳамза Умаровдек сўз билан образ яратса оладиган чинакам ижодкор камдан-кам. Шу маънода «Иван Васильевич касбини ўзгартиради» комедиясини эслаш кифоя. Шоҳ Иван Грозний ва Бунша каби образларда роль ижрочиларини ҳам унутиб қўйгандек бўламиз, бу қаҳрамонларни гўё унинг ўзи ўйнагандек қабул қиласиз. Балки бу ролларга

бошқа бир одам овоз берганида фильм ўзбек томошабинлари учун бу қадар севимли ва машҳур бўлмасди. «Қушдек енгил бўлинг», «Автомобилдан сақланинг» фильмлари дубляжи ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Ижодда, ишда мард, ҳалол бўлган Ҳамза акага «Қирол Лири»да бош қаҳрамонга овоз беришни таклиф этишганда у бир қанча вақт роль устида машқ қилиб, сўнг «Йўқ, мендан қирол чиқмайди» деб рад этди. Обид Юнусовнинг қирол бўлиб сўзлаганини эшишиб, унга тан берди...

Таниқли кинорежиссёр, Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ артисти Шухрат Аббосов:

«У ижодда чарчаши нималигини билмасди. Доимо янги роллар ижро этиши иштиёқида яшарди. Санъатга бу қадар фидойи бўлган бошқа бир



ҲАМЗА УМАРОВ

(1925—1987)

Унинг номи тилга олингандаги мухлислар кўз ўнгида ёрқин бир сиймо намоён бўлади. Синчков нигоҳлар, гўё кўнглинигизда кечётган ўйларни уқиб тургандек. Чертиб-чертиб айтган ҳар бир сўзи тингловчининг дил торларини титратади, кўз қарашлари билан кўнгилга кириб боради. Бу каби ҳолатларни Ўзбекистон Xалқ артисти Ҳамза Умаровнинг театр ва кинода яратган қўйма образларида кўрганимиз ва ҳар гал унинг юксак маҳоратига, ижро санъатига қойил қолганимиз. Аммо Ҳамза Умаров учун санъат йўлини танлаш машаққатли кечганидан кўпчиликнинг хабари бўлмаса керак.

Кўқонлик мулла Умар ўғлиниг артист бўлмоқчилигини эшиштганида ранжидигина эмас, қаттиқ қаршилик ҳам кўрсатди. Лекин кейинчалик Умар ота ўғли актёрлик касбини танлаб асло хато қилмаганини англади...

10-синфни тугатган Ҳамзахонни (ижодкор дўстлари уни шундай севиб чақиришарди) отаси Кўқондаги артелга косибга шогирдликка берганлар. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Ҳамза Умаров 1942 йилда кўнгилли бўлиб фронтга кетиб, ҳарбий қисмларнинг бирида полк разведкачиси бўлиб хизмат қиласади.

1945 йили у оёғидан ўқ еб, қаттиқ жароҳатланганлиги туфайли кўлтиқтаёқ билан фронтдан она шаҳри Кўқонга қайтади, шу йили Тошкентга бориб, танасидаги ўқни олдиради ва шаҳардаги қанд заводига ишчи бўлиб жойлашади.



Ҳамзахон Тошкентдаги театр институтида қўқонлик дўстларидан бири ўқиётганлигини эшишиб, унга ҳаваси келади, «Қани энди мен ҳам шу институтда ўқисам» деб ниятини айтади. Олдинига у Тошкентдаги киноактёрлар мактабида (1946–48 йиллар) ўқиди. Сўнг дўсти – Алижон Умаров унинг институт

талабаси бўлишига яқиндан ёрдам берди ва иккови санъат сирларидан сабоқ ола бошлайдилар.

1950 йилнинг ёзи арафасида давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширишгандан сўнг асосий синов – диплом иши турарди. Бу «Бой или хизматчи» асари бўлиб, Алижонга Солиҳбояй, Ҳамзахонга Фоғир роллари топширилган эди. Комиссия аъзолари бутун спектаклга, айниқса, бош қаҳрамонни ўйнаган Ҳамзахоннинг истеъоди ва ижрочилик маҳоратига юксак баҳо бердилар. Шу йилнинг ўзидаёқ у йўлланма билан Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрига келади.

Суврати сийратига монанд эди

Ҳамза Умаровнинг ижодий фаолияти, асосан, ушбу театрда кечди ва илк ролларини «Армуғон», «Ғунчалар», «Офтобхон» спектаклларида яратди. Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Лутфихоним Саримсоқова, Абдурауф Болтаев, Маҳмуджон Фофуров, Эътибор Жалилова, Фарогат Раҳматова, Набижон Ҳалилов каби машҳур саҳна усталари билан ҳамкор-

ликда «Олтин кўл», «Азиз ва Санам», «Мавлоно Муқимий», «Тоҳир ва Зуҳра», «Фарҳод ва Ширин», «Нурхон», «Сурмахон», «Қайнона», «Тоғ гўзали», «Хонума хоним» каби турли давр, турли ҳалқлар ҳётини тасвирловчи спектаклларда асосий ролларни ўйнаб, театрнинг етакчи санъаткорлари сафидан ўрин олди.





Уни кенг жамоатчилик ва муҳлисларга яқинлаштирган, муҳаббатини қозонтирган яна бир соҳа – кино санъати бўлиб, 60 дан зиёд ўзбек фильмидаги ажойиб, нодир ва бетакрор образлар яратиб қолдириди. Талабалик йилларида ёқ фильмлар яратилиши жараёнига қизиқкан Ҳамзахон дубляждада ҳам ўз маҳоратини намоён эта бошлади.

1958 йили таникли кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов томонидан суратга олинган «Маҳаллада дув-дув гап» комедияси миллионлаб томошибиннинг севимли асарига айланди. Мазкур фильмдаги образи билан актёр анча шуҳрат қозонди. Чунончи, бу фильм унинг отаси мулла Умарга ҳам ёқиб тушди. Уғлини экранда кўрган ота фаҳрланиш ҳиссини сезди. Дарвоҷе, 1958 йил Ҳамза Умаров ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Ўша йили Аллоҳ унга икки қиздан сўнг ўғил ато этди. Унга Шуҳрат деб исм қўйдилар. Албатта, шу ўринда ота йўлидан борган Шуҳрат Умаров ҳақида икки оғиз сўзлаб ўтиш жоиздир. Сиз уни Эркин Аъзам сценарийси асосида суратга олинган «Чантраморэ» фильмидаги шоир йигит Камрон роли орқали яхши биласиз. Шуҳрат кино оламига «Тенгдошлар» фильмидаги кириб келган эди. Афсуски, бу фильм унинг отаси билан суратга тушган биринчи ва сўнгги фильмни бўлди.

Хотиралар бизни яна Ҳамза Умаровнинг роллари дунёсига, ҳар дақиқаси эҳтиросли ва жўшқин кечган ижод дамларига бошлайди. У бу оламга бутун борлиғи билан шўнғиди. 40 йиллик ижодий фаолияти давомида саҳнадан ажралмаган ҳолда кинода 90 га яқин роллар яратиш, 3 мингдан зиёд бадиий фильм дубляжида овоз бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундан ташқари, бадиий ижод билан шуғулланиб, ўнлаб драматик



асарлар битди, саҳнага қўйди... Ҳамза Умаров билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлган санъаткорлар ҳам унинг ижоди ва ҳаёти ҳақида ҳайрат билан сўзлайдилар. Шунингдек, актёрнинг ҳамкаслари уни «Дубляж санъатининг қироли», дея фаҳр билан тилга олишади.

Ҳа, Ҳамза Умаровдек сўз билан образ яратса оладиган чинакам ижодкор камдан-кам. Шу маънода «Иван Васильевич касбини ўзгартиради» комедиясини эслаш кифоя. Шоҳ Иван Грозний ва Бунша каби образларда роль ижрочиларини ҳам унутиб қўйгандек бўламиз, бу қаҳрамонларни гўё унинг ўзи ўйнагандек қабул қиласиз. Балки бу ролларга

бошқа бир одам овоз берганида фильм ўзбек томошабинлари учун бу қадар севимли ва машҳур бўлмасди. «Қушдек енгил бўлинг», «Автомобилдан сақланинг» фильмлари дубляжи ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Ижодда, ишда мард, ҳалол бўлган Ҳамза акага «Қирол Лир»да бош қаҳрамонга овоз беришни таклиф этишганда у бир қанча вақт роль устида машқ қилиб, сўнг «Йўқ, мендан қирол чиқмайди» деб рад этди. Обид Юнусовнинг қирол бўлиб сўзлаганини эшишиб, унга тан берди...

Таниқли кинорежиссёр, Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон халқ артисти Шухрат Аббосов:

«У ижодда чарчаши нималигини билмасди. Доимо янги роллар ижро этиши иштиёқида яшарди. Санъатга бу қадар фидойи бўлган бошқа бир

одамни учратмаганман. Бир-биридан кескин фарқ қилувчи қиёфаларга кира олади: «Кутлуг қон»-даги Салимбойвачча, «Ўтган кунлар»даги Ҳомид, «Шум бола»даги Султон, «Маҳаллада дув-дув гап»-даги Умар, «Алибобо ва қирқ қароқчи»даги қароқчи... Эътибор берсангиз, бу роллар бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Менинг кинога кириб келишим ҳам бевосита Ҳамза Умаров билан боғлиқ. Агар Ҳамза ака бўлмаганида баъки ҳеч қачон режиссёр бўлмаслигим мумкин эди. У вакътлар тиббиёт билим юртида ўқирдим. Бир куни билим юрти саҳнасида рољ ижро этаётганимда Ҳамза ака бориб қолдилар. Спектакль тугаши билан қўлимдан маҳкам ушлаб, «Сен боланинг шунча талантинг бор экан, билмай юрган эканман. Энди сен бу ерда эмас, театр институтидага ўқийсан», деб туриб олдилар. Қарабисизки, бир кун келиб Ҳамза аканинг ўзи ҳам киноларимда ўйнаб турибдилар. Устозга режиссёр сифатида қаттиқўллик қилган пайтларим бўлган. Шундай кезларда Ҳамза ака ҳазиллашиб, «Сени режиссёр қилмай ҳар бало бўлсам бўлмасмиди» дердилар. Аммо талабчан режиссёр билан ишлашин ўзлари ҳам яхши кўрадилар».

Умрининг поёнида Миллий академик театрида бир муддат ишлаб, «Ойна» спектаклида яна ўша ишга, ижодга чанқоқ сиймони кўриш насиб бўлди. Аммо шу даврда санъаткорона кашфиёти билан яна бизни ҳайратга солди: бу «Қиролнинг дилхуши» телеспектаклидаги беҳад ситам кўрган, ўз қизининг қотилига айланган, юзи кулади-ю юраги йиглаётган букри масхарабоз роли эди. Масхарабоз фожиаси экран қаршисида ўтирган ёшу қарини ларзага солди.

Ҳамза Умаровнинг бутун умри киносъёмкаларда, дубляж студияларида, театр саҳналарида ўтди. Уруш ногирони бўлишига қарамай, соғлигини аямасди. Доимо изланишда, меҳнат билан банд яшади. Аммо шундай инсоннинг ҳам кўнглида ушалмаган бир армон кетди. У ўзининг сценайриси асосида фильм яратмоқчи эди. Бу ҳақда бир неча бор Шуҳрат Аббосов билан маслаҳат қилганди. Афсус, ўлим унга панд берди. Фильм яратиш орзуси амалга ошмади. «Ўзбекфильм» киностудияси актёри, Ҳамза аканинг



Ҳамза Умаров



қолиб кетди... Ўлим ҳақ дейдилар. Биламизки, бу дунёга келмоқнинг кетмоги ҳам бор. Аммо ҳамма гап туғилиш ва ўлим орасида кечган умрни қандай яшаб ўтказмоқликдадир. Элимизнинг севимли актёри Ҳамза Умаров эса ҳаёти ва ижоди билан халқимизнинг маънавий юксалишига катта ҳисса қўшди. У ўзининг одамлар олдидаги бурчини олий мақомда ўтади. Ҳамза Умаров ўзи яратган ёвқур, мард, танти, олийжаноб образлари қиёфасида халқимиз қалбida доимо яшаб қолади. Зеро, уни таниган ва билганлар эътироф этганидек, сурати сийратига монанд эди...

ўғли Шуҳрат Умаров ҳозирги кунда отасининг ўша орзусини амалга ошириш мақсадида кинорежиссурада ўзини синаб кўрмоқда.

...1987 йилнинг кеч кузиди Ўзбекистон ҳалқ артисти Ҳамза Умаров оламдан ўтди, деган совуқ хабар тарқалди. Кино ва театр санъати мухлислари бу гапга ишонгилари келмасди. Саҳнада фақат Ҳамза Умаров қиёфасида жонланиши мумкин бўлган роллар, айнан шу актёрга атаб ёзилган киносцена-рийлар, дубляж ишлари ва яна қанча-қанча ижодий режалар

*Ҳидоят ОЛИМОВА,
«ФИЛЬМ-S», 2006 йил, август*



СУРЬАТ ПҮЛАТОВ

(1931—2005)

Энг баланд минора ҳам, ҳаттоқи, ердан қўкка қараб бўй чўзар экан. Энг узун дараҳтнинг илдизи ҳам аслида ерда бўлар экан. Бошинг қўкка етган бўлса ҳам ерга қараб юр дейишади. Хўш, шунчалик заминийликда аслида нима ҳикмат бор? Биз санаб ўтган мана шу хусусиятларнинг барчаси бугунги қаҳрамонимиз, театр фидойиси Суръат Пўлатовда бор эди.

Ўзбекистон ҳалқ артисти Наима Пўлатова хотирлайди:

«Бу инсон мен учун бетакрор. Бирор маротаба бир инсонни ноўрин хафа қўлмаганлар. Ҳаттоқи, театр ва жонажон масканим деб, ҳамма нарсадан воз кечиб юбораверадиган фанат даражадаги инсон эдилар. Эрта туриб, дархол чойларини ичиб, театр сари йўл олар эдилар. Мен бўлсам ҳали театр эшиги ва қоровулхонаси очилмасдан қаёққа бораяпсиз десам, ишинг бўлмасин сен секин кийиниб боравер, сени ўша ерда кутаман дердилар. Мени ҳар гал энди учрашаётган одамдек театр эшиги олдида кутуб олар эдилар. Энди ишонасизми-йўқми, ўша дараҳтларнинг тагида ҳали ҳам мени кутуб олаётган бўладилар. Бирор маротаба мени бирорвнинг олдида изза қилиб гапирмаганлар.

Ҳамкасларимиз у кишини театрнинг юзи, фахри деб ғуурланишарди».

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизов хотирлайди:

«Кунлардан бир кун бу Суръат акани бир мансабдор киши чақириб, тиланг тилагингизни деса, театр томидан чакки ўтаяпти, шунга бир



ёрдам берсангиз депти. «Ие, жуда қизиқ экансизу, мен сизнинг ўзингизга нима керак десам, гапираётган гапингизни қаранг», деб у киши ҳайрон бўлган экан». Суръат ака учун мана шу даргоҳ муқаддас эди. Бундай катта қалбилик ҳаммага ҳам насиб этавермайди».

Ўзбекистон санъат арбоби Аҳад Фармонов хотирлайди:

«Қайси бир ерга борсак, ошларга ва жамоат жойларига биринчи ўринда ҳар доим бу кишига йўл берар эдик. Шу даражада самимий ва одамохун эдиларки, гап-сўзлар билан изоҳлаб бўлмас эди. Ҳали-ҳалигача қулогим тагидан бу инсоннинг товуши кетмайди. Шу даражада ширали ва ёқимли. Ҳаттотки ҳозир мен сизга озгина хиргойи қилиб бераман:

Мунча термулиб қолдим,
 Дилором, қачон келасиз.
 Аҳдимиз аён сизга,
 Гўзалим, қачон келасиз».

Суръат Пўлатовнинг қизи Дилором Пўлатова хотирлайди:

«Ҳозиргача мен армон қиласман, охирги маротаба менга «Сен таътилда экансан, қолгин, кечгача гаплашиб ўтирамиз», дедилар. Мен бўлсам, минг бир нарсалар ва ташвишлар ҳақида гапириб, қололмадим. Эндиликда афсус қиласман. Кези келганда айтадиган бўлсам, бизларни ҳеч қайсимизга артист бўлишга рухсат бермаганлар. Менимча, мен кўрган оғир мاشаққатли ташвишларни болаларим кўрмасин деганлар».



МУҲАББАТ

Актёрлик фаолияти образга кириш ва образдан чиқиш деб аталмиш истеъдоддир. Маҳоратли актёрларга бу қийин эмас. Улар бизни ишонтирадилар, бизни кулдирадилар, бизни йиғлатадилар. Биз улар яратган қаҳрамонлар билан яшай бошлаймиз, ҳамдард бўламиз. Гоҳо кўнглимиздан йироқ образларни кўргач бутун вужудимиз билан уларга қарши одамга айланамиз. Уларни кўришга кўзимиз йўқ. Театрдан чиққач эса, актернинг истеъдодига қойил қоламиз. Бир неча соат бутун бир театрни тўлдириб ўтирган санъат ихлосмандларининг қалбини эгаллаш учун актёрлар ростакамига тер тўқадилар, изланадилар, ҳар сафар образларининг бойиб боришига эришадилар. Бу ижод тарзи билан улар қанча-қанча одамларнинг ҳаётида бурилиш ясайдилар. Қанчасини хатолардан асраб қоладилар. Улар яхшилик тарғиботчилари, улар муҳаббат уругини сочувчилардир.

Суръат Пўлатов, Наима Пўлатова. Ўқувчилигимдаёқ билардим уларни. Ўшанда улар ёзувчи Ҳамид Фуломнинг «Тошболта ошиқ» мусиқий комедиясида марказий образларни — Суръат aka Тешавой, Наима опа Каромат образларини яратган эдилар.

Янглишмасам, ўша вақтларда «Тошболта ошиқ» асарини кўрмаган бирорта ўзбек оиласи йўқ эди.

Энди соchlаримни қирқ кокил қилиб ўрдириб, чамандагул дўпнимни кийиб, ҳар қалай чиройлиманимни ёки йўқ дея тошойна олдига борадиган бўлиб қолган пайтларим эди. Мен бутун қалбим



билан Каромат ва Тешавой мұхаббатларига эришишларини истардим. Назаримда, Каромат қариндошларимиздан бирининг қизидек эди. Овози менга жуда-жуда ёқарди. Катта бўлсам шу қизга ўхшаш бўлсам дея орзу қиласадим. У билан бир вақтда ошиғи Тошболта ошиқнинг ўғли, қачонлардир онаси ўлиб кетган хушовоз йигитнинг нияти ҳосил бўлишининг ҳам тарафдори эдим.

Ишдан чарчаб келган отажоним телевизор кўриб туриб, шу Тошболтанинг ўғли Тешавойнинг овози зўр-да, деб қўярди. Орадан йиллар ўтди, бу орада биз севган санъаткорлар ажойиб саҳна асарларида яна қанчадан-қанча севимли образлар қиёфасида намоён бўлдилар. «Нурхон» томошасида Наима Пўлатова Нурхон, Суръат Пўлатов Ҳайдар бўлиб саҳнага чиқдилар.

Наима Пўлатова яратган «Нурхон»гача ҳам бу образни бошқа актерлар талқинида кўрган бўлсам керак. Унга қадар бу образни яратганлар, ёшим анча кичик бўлгани учунми, эсимда қолмаган экан. Олтинчи синфлигимда «Нурхон»ни биринчи марта тушунган ҳолда кўрдим. Нурхоннинг фожиали тақдиридан таъсирланиб, туни бўйи ухламай «Нурхон монологи» шеъримни ёздим. Монолог қаҳри қаттиқ акага лаънат тошларию жувонмарг кетган қизнинг ҳасратларидан иборат эди. Ўша кунлари бизнинг оиласиз қатори бутун Ўзбекистонликлар, шу жумладан, Нарпайликлар ҳам бу асарни телевизорда кўришаркан, табиийки, ҳамма қаттиқ таассуротлар билан юради. Шеърим туман газетаси «Пахтакор овози»да чоп этилди.

Наима опа ва Суръат aka қатор асарларда бирга ижод қилдилар. «Нодирабегим»да Ойбарчин ва Розиқ, «Хожикаримнинг ойга саёҳати»да Моҳилиқо ва Саттор, «Ота ўғли»да Муҳтарам ва Ҳабиб, «Момо ер»да Алиман ва Сувонқул, «Қизил дуррачали нозик ниҳолим»да Асал ва

Бойтемир, «Зухранинг мактублари»да Дария ва Мансур, «Жоним фидо»да Фазилат ва Ганижон, «Навоий Астрободда» асарида Гулруҳ ва Усмонали бўлиб элга танилган, меҳру муҳаббат қозонган ардоқли икки санъаткор ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам қўшқанот бўлдилар, бир мақсад йўлида тоғдай ёнмаён турдилар.

1964 йилда Суръат Пўлатов — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист деган шарафли унвон олган бўлса, 1977 йилда Наима Пўлатова шу мукофотга сазовор бўлди. Суръат Пўлатов 1990 йилда, Наима Пўлатова эса 1997 йилда Ўзбекистон ҳалқ артисти унвонига сазовор бўлишиди.

Бугунги кунда уларнинг бири — бобожон, бири — бувижон. Беш фарзанддан ўн битта набираси бор. Нури дийдалари: Дилшод, Дилоромхон, Шоирахон, Камолхон, Жамолхонлар ҳар бири ҳаётда ўз ўрнини топган, эл хизматида.

Мен Пўлатовлар ҳаёти ва ижодига бир назар, деб атаганим ушбу мақоламда ҳар иккала актёрдан бир-бирлари ҳақида қисқача фикрларини ёзиб беришларини илтимос қўлдим. Орадан бир кун ўтиб кўлимга Суръат аканинг Наима опа ҳақида ёзилган, тўғрироғи, Наима опага ёзилган кўнгил кечинмалари етиб келди.

«Азизим Наимахон!»

«Саодат» журнали мухбири саволларига жавоб баҳонаси сизга айтмоқчи бўлиб юрган гапларимни айтсанам.

Сиз «Муқимий» театрига ишга келганингизда, илк бор кўрганимда умрингизнинг юлдузли онларида эдингиз. Сиз айни гул фаслида, орзулар оғушида эдингиз. Овозингиз дилларга малҳам, ҳуснингиз бир жаҳон эди. Мухлисларингиз ҳам кўп эди. Ўша пайтлар театрга ташриф буюрган томошибинларнинг кўпчилиги сочлари тўниғига тушадиган, қалдиргоч қошли, ой юзли актрисани кўргани келишар эди. Ҳар куни энг чиройли, энг кўп гуллар сизга тақдим этилар эди. Ўшанде сиздек гўзал ва истеъдоли қалб эгаси менга насиб этармикан, деб куйиб-ёнардим. Тангрига шукрларким, ҳаёт йўлимиз бирлашди. Менга фарзандлар баҳш этдингиз. Диљкаш, мунис рафиқа бўлдингиз. Вафо, садоқатингиз олдида таъзимдаман. Ота-онангиз: Ҳалимахон Исматова, Кудратилла Тошхўжаев ва устозларингиз Лутифхоним Саримсоқова, Турсунхон Жаъфарова, Эътибор Жалилова, Фароғат Раҳматоловалар мен учун энг муҳтарам эди ва шундай бўлиб қолажак. Ҳа, биз оғир кунларни ҳам бошдан кечирдик. Мевали дарахтга тош отилади, дейдилар. Шундай кезларда, сабр-бардош ва вазминлик билан кўнг-



лимни күттардингиз. Аллоҳга шукр, истиқлол қуёши бизнинг оиласизнинг ҳам кўксига шамол теккизди. Биз баҳтли актёрлармиз. Мени эл аро танитган, сизни учратган, камолот ва саодат бешигига айланган «Муқими» театрининг ҳар бир қаричи, ҳар бир гиштини кўзларимизга суртамиз. То ҳаёт эканман, кўзларимдаги нури муҳаббат сизга аталган».

Биз журналистлар сабрли одамлармиз. Анча кунлардан сўнг уларнинг кенжা ўғли ишхонамга атиргул суратли дафтар ташлаб кетди. Дафтарнинг бошдан охири фоят самимий битилган сатрлар: айримлари кундалик тарзда, айримлари таассуротлар, айримлари жўшқин муҳаббат, айримлари турмуш ташвишлари, кузатувлар, саҳна ортидаги мashaқатлар ҳақида эди. Уларнинг ҳар бири алоҳида мавзули ҳикоя бўлишига арзиди. Вақти келиб, уларга қайтаман. Ҳозир эса Наима Пўлатованинг қуйидаги сатрларини Сизга ҳавола этаман:

«Аёл киши қаерда бўлмасин, меҳр ва эътиборга муҳтоҷ, тақдир мени шундай баҳт билан сийлади. Болаларимнинг меҳрибон отаси, умримнинг суюнган тоғи, саҳна ҳаётимнинг қаттиқўл устози Суръат aka доим саломат бўлсинлар. Ёшлик йилларимизда саҳна ортида бир-бишимизга айтадиган сатрларни тақрорламоқчиман:

*Ёр, йўлингни ёритган
Нури муҳаббат бўлсин.
Қайда бўлма, неки бўлма,
Бошинг саломат бўлсин.*

Ҳаёт — бошқа, саҳна — ўзга олам. Саҳнада гоҳ қаҳрамонлар бошига жудоликлар тушади, гоҳ баланд-паст гаплар бўлади икки орада. Лекин ҳаётда, оиласа, фарзандлар даврасида Наимахоним ва Суръат aka Пўлатовлар меҳнаткаш, меҳрибон, камтарин инсон бўлиб, меҳр қозонгандар. Санъатдаги ютуқлари ҳам ана шу тинч-тотув оила меҳваридан куч олгани бежиз эмас. Муқими номидаги театрининг етакчи актёрлари Наимахоним ва Суръат aka сухбатларидан шундай эзгу хуносага келдим.

*Зулфия МЎМИН сұхбатлашди.
«САОДАТ»*



ЭРГАШ КАРИМОВ

(1935—2009)

1935 йил. Айни куз мавсуми. Тошкентнинг сўлим маҳалласида бир ўғлон дунёга келди. Яхши инсонларга ҳамиша эргашиб юрсин учун унга Эргаш деб ном қўйишади. Болакай бувисининг қўлида катта бўлади. 1942 йил. 7 ёшга тўлганида уни пойтахтдаги 45-сонли ўтил болаларга мослаштирилган мактабга ўқишига беришади. У болалигиданоқ мусиқага иштиёқи баланд бўлиб ўсади. Ўша йиллари Республика «Ўқувчилар саройи»даги «драма тўгараги»га қатнай бошлайди. Тўгарак раҳбари Мирсоат Усмонов ўша пайтларда ундан зўр санъаткор чиқишини башорат қилиб: «Сенинг келажагинг, албатта, порлоқ бўлади», деганди.

Устозлардаги ишонч уни катта саҳна майдони сари унлади. Ўз ҳужжатларини 1954 йил Тошкент Давлат санъат институтининг актёрлик факультетига топширади. Бу даргоҳда «актёрлик маҳорати» конкурсидан уни санъат дарфалари, Ўзбекистон халқ артистлари Рассоқ Ҳамроев, Етим Бобоҷонов ва Назира Алиевалар имтиҳон қилишади. Илк қадамларини зўр қизиқиш билан қабул қиласган устозлар унга оқ йўл тилашади. Тақдирнинг тухфасини қарангки, бу даврда Розаҳон опа ҳам ўз ҳужжатларини шу ерга топшириб, катта балл билан улар ҳам талабаликка қабул қилинадилар. Муҳаббатнинг илк қиссаси ана шу ерда бошланган эди аслида:

Кунларнинг бирида талабаларнинг «Ўқув театри»да Америка ёзувчиси Марк Твеннинг «Том Сойернинг бошидан кечиргандлари»



асари асосида спектакль саҳналаштирилади. Том Сойер роли Эргаш Каримовга, Бекки деган қызча роли эса Роза Каримовага берилади. Ким билсин, балким ўша лаҳзаларда иккала санъаткорнинг «юлдузли онлар»и бошлангандир, эҳтимол. Балки ўша «онлар» уларнинг ҳам ҳаётдаги, ҳам саҳнадаги тақдирлари бирга бўлишига ишора бўлгандир.

Аммо уларнинг ота-оналари ҳар икки томон ҳам бунга қарши бўлишган. Катта қарама-қаршиликлар билан бўлса ҳам, 1958 йил 4 август куни уларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтади. ЗАГС га троллейбусда бориб келишади. Ва албатта Фузулий ҳазратлари айтганларидек :

*Тикансиз гул, садафсиз дур, риёзатсиз ҳунар бўлмас,
Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас.*

Роза Каримова ҳикояси:

«Эргаш акам билан бирга ўқиганмиз. Қийинчилик билан ўқишни битирдик. У киши гурухимиздаги энг сабрли, қобилиятли, аъло баҳоларга ўқийдиган, шу билан бирга, жуда камган йигит эди. Обид Юнусов, Ҳасан Йўлдошев, Тўти Юсупова биздан юқори курсда ўқишарди. Ҳар танаффусда Обид Юнусов бир гуруҳ болалар билан бизнинг хонага келарди. Эргаш акам ёш лаборант ва домлаларнинг қилиқларини ўхшатиб, пародия қилиб ҳаммани кулдиради.

1958 йили ўқишни битирганимиздан кейин бизни Сурхондарё вилоят театрига ишга жўнатишди. Шу йили оила қурдик. Термизда бир йил ишладик. Бизни байрамларда учрашувларга жўнатишарди. Кўпинча, мусиқий спектакллар ўюнтирганимиз. Чунки драма жанридан одамлар зерикуб қолишар, «ҳадеб гап бўлаверадими, ашулаем бўлсин», дейишарди. Мен ашула айтардим. Кечалари концертга кетаман, Ҳадия Юсупованинг «Намоён қил» қўшигини, Тамарахонимнинг машҳур ашулаларини куйлардим. Ярим кеча соат тўртда келаманми, учда келаманми, Эргаш акам ухламай кутиб ўтиради. У киши санъаткор бўлганлари учун ҳам мени тушунган. Бошқа бўлса, кўнармиди...

Бир йил ишлаганимиздан кейин Эргаш акамни радиога таклиф қилишибди. Жуда киришимли, одамшаванди инсон бўлганликлари учун ҳам ҳаммани ўзларидек яхши, деб ўйларди. Қаерга бормасин, дўст орттиради».

Энг қизиги шундаки, уларнинг тўйлари таниқли кулгу устаси Ҳасан Йўлдошев ва унинг турмуш ўртоғи Нурхон опаларнинг тўйи

билан бирга бир кунга тўғри келган. Яна ҳам қизиги, улар, яъни келин-куёвлар бир-бирларини кига бориб табриклаб келишган. Тақдирнинг гаройиблигини қарангки, ҳар икки оила ҳам аввалига ўғил, кейинига қиз фарзандли бўлишади.



Маълум бўлишича, Эргаш Каримов ўша йиллари гоҳ ёш томошабинлар театри, гоҳида Муқимий ва бошқа театр саҳналарида спектаклларда қатнашиб, эпизодик роллар ижро этганлар. «Оқ нибуфар» спектаклида курсдоши Ҳасан Йулдошев семиз жаллод ролини ижро этган бўлса, Эргаш Каримов озғин жаллод ролини ижро этган эканлар. Томошабинлар ҳар икки санъаткорнинг чиқишиларини олқишлиар билан кутиб олишган экан ўшанда.

Роза Каримова хикоясини давом эттирадилар:

«Тошкентга телевидениега ишга келдик. Мен болалар билан бўлиб, уйда ўтирдим. Эргаш акам телевиденияга келмасидан илгари ҳам постановкаларда бош ролларни ўйнарди. Ўша даврда телевидениеда «Ёшлик» студияси иш бошлади. Элбек Мусаев билан кўплаб саҳифалар очишиди. Бундан ташқари, ёзувчи Жонрид Абдуллахонов билан Эргаш акам ҳам актёр, ҳам журналист сифатида ишлади. Элбек ака билан ёшлар ҳаётини, салбий характерли талабалар ҳақида бир қатор кўрсатувлар қила бошлади. Шу орада Эргаш акам сатира-юмор саҳифасини очди. Кўпчиликка манзур бўлди. Бу саҳифа телевизион миниатюралар театрининг бошлангич шакли эди. Кўрсатув халққа шу даражада ёқдики, мактублар оқиб кела бошлади. Томошабинларнинг талабларини инобатга олиб, кўрсатув ҳафтада икки марта бериладиган бўлди».



1962 йил. Телевизион миниатюралар театри ҳалқимизнинг энг севимли кўрсатувига айланган маҳаллар. Ҳар бир юртдошимиз бугун миниатюра бор деб ҳамма ишини саранжомлаб, телевидение қархисида михланадиган лаҳзалар. Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi Сайд Аҳмаддан тортиб Элбек Мусаев, Неъмат Аминов, Фарҳод Мусажонов, Мирабbos Мирзаҳмедов, Ҳасан Йул-

дошев, Ортиқ Юсупов кабилар бу дастурга жонкуярлик қиласар эдилар.

Санъатимиз дарғаси Рассоқ Ҳамроев уларнинг ижроларини кўриб шундай таъриф берган эканлар:

Эргаш Каримов ва Розахои Каримовалар Ўзбекистонимизнинг етук миниатюра театри мутахассислари. Буласар ўзбек санъатидаги катта ҳодиса.

Миллионлаб муҳлисларга эга телевизионнинг маҳоратли саҳна усталари.

Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi Сайд Аҳмаддинг «ОЛИҚ-СОЛИҚ» миниатюрасини бир эсга олайлик: — Бу митти асарда даргаларимиз Фани Аъзамов, Сойиб Хўжаев, Омина Фаёзова, Бахтиёр Иҳтиёров сингари таниқли кулгу усталари билан рол ижро этганлар. Бўлажак тўй маслаҳати. Қудабува ролида Эргаш Каримов. Деярли ҳамма гапиради. Аммо куда бўлмиш сукунатда. Бу сўёзиз монолог бағридаги бомба энди портлаш арафасида. Ва ниҳоят кутилмаган ҳолат.

Ана шундай бетакрор ижро ҳалқ қўнглидан чукур жой олди. Бугун мана шу саҳнани неча маротаба қайта-қайта кўрса ҳам бу томошабиннинг меъдасига тегмайди. Том маънодаги профессионализм мана шу бўлади аслида.

Устоз бир жумлани тез-тез қайтариб турар эдилар: — «*Одамнинг ёши, ҳаёт тажрибаси, қанча йил ишлагани-ю, ишлаётгани иккинчи даражали. Маҳоратни ҳаммадан ўрганиш мумкин. Ёшли, кексами фарқи ўйўқ*.» Тўғриси, мана шу гаплари





үзини юлдуз санаб, атиги бир-икки чиқиши билан танилиб, босартусарини билолмаётган ёшлар учун сабоқ бўлса ажаб эмас. «Ҳамма кулгу усталарини ўзимга устоз деб биламан. Ўрганиш ёки ўргатиш ёш танлашмайди. Агар яхши жиҳатлари бўлса, Мирза Холмедову Ҳожибоевдан ҳам, шогирдим Шерали Ҳожиевлардан ҳам ўрганавераман» — ушбу сўзларни нафақат санъат, балки ҳар бир ишнинг бошини тутаётган инсон учун ўз ён дафтариға ёзиб кўйиладиган сўзлар эмасми аслида.

Ижодкор аслида кайфият фарзанди. Мана шундай лаҳзалар, албатта, унинг соғлигига таъсир кўрсатмай қолмади. Лекин бу даврда «НАШТАР» киножурнали, «ТАБАССУМ» радиожурналлари барибир фаолият юритаётган пайтлар эди. Халқ ўз асл фарзандларини ҳар қандай лаҳзаларда ҳам кўнгли тўрида авайлаб-асрашни билади. Улар эндиликда радиоэфирлари орқали ҳам ўз севимли актёrlарини тинглашар эди.

Эргаш Каримовни яқиндан билганлар эътироф этишса керак, улар ҳаётда ўта жиддий ва мулоҳазали инсон бўлганлар. Ҳаттоқи уларга савол беришганда улар шундай жавоб қилган эканлар: — «Ҳаётнинг ўзи жиддий нарса. Шунинг учун ҳам комик актёрга бачканалик, майнавозчилик, маҳмадонагарчилик ярашмайди. Ўзингиз

йўлаб кўринг, Чарли Чаплин, Аркадий Райкин, Наби Раҳимов, Юсуфжон қизиқларга доим тиржайиб юриш ярашадими? Йўқ, албатта. Тўғри, улар ҳам турли қиёфаларда чиқишган, турли кулгили ҳолатларга киришган, ҳаракатлар қилишган. Аммо мебёри билан. Ҳамма нарсада ҳам мебёр бўлгани маъқул».

...Албатта, бир неча соатлар ва дақиқалар мобайнода бутун бошли бир инсоннинг ёки санъат даргасининг ҳаёт йўлини ёритиш амри маҳол. Инчунун, биз ҳам улар ҳаётидаги энг асосий нуқта ёки штрихларга молик жиҳатларига тўхталиб ўтдик. Замонлар ўтиб улгайиб келаётган ёш авлодлар ичida «УЧРАШУВ» ёки «ОЛИҚ-СОЛИҚ», ёинки «ШУМ БОЛА» фильмидаги домла ижросидаги актёр ким деган саволга, «У бизнинг «Телеминиатюралар театри»нинг бетакрор санъаткори ЭРГАШ КАРИМ бўлади аслида. Биз бу инсон билан замондош бўлганмиз, битта осмон остида нафас олганмиз деб фахрланса ажабмас». Бизни томоша қилиб турган муҳлислар орасида «Ҳа, энди ёзувчилар ёзгандан кейин ролини ижро этади-да. Артистнинг вазифаси шу-да энди», дегувчилар ҳам минг афсуски, топилади.

Лекин бу сиз ўйлаганчалик осонмас аслида. Тўғри, ёзувчилар уларни қофоз саҳифаларига териб, уларга тақдим этадилар. Аммо энг оғир юмуш унга том маънода жон бағишиш. Бу актёр ижроси билан шу асар ё кўкка кўтарилади ёки таг-туби билан йўқолиб кетади. Мана сизга чинакам маҳорат ва профессионализм.

Мана шундай ажойиб саодатни тақдир икки бетакрор жуфтлик — Эргаш Каримов ва Роза Каримоваларга берган эди. Ўзбек санъати даргасининг қолдирган излари мангуга муҳрланган бўлишини истаб қоламиз.

Муаллиф

«Энг чироили жуфтлик»

Ўша пайтда мен «Икки тийин» деган интермедияда бош ролни ўйнадим ва бу жуда машҳур бўлиб кетди. Эргаш aka билан ўйнаган ролларимиз ҳаммага маъқул бўларди. Чунки репетициядан ташқари уйда ҳам иккаламиз маслаҳатлашиб, сюжетларни тўлдириб ишлардик. «Икки тийин»да ҳам ўзимнинг ҳаётимдан олинган воқеалар кўп. Шу машҳур спектаклни Зулфия опа кўриб, раҳбаримиз Убай Бурҳоновга қўнгироқ қилиби: «Бу актриса ким, қайси театрда ишлайди?» деб сўрабди. Убай aka: «Ўзимизнинг актриса, Эргашнинг аёли», деган. Шунда Зулфия опа «Иккаласи доим бирга роль ўйнасин, халққа жуда ёқади», дебди. Шундан кейин бизни чақиртириб, учрашув қилишиди. «Саодат» журналида биз ҳақимизда икки бетли мақола суратларимиз билан чиқди. Ҳали ҳам шу журнални сақлаб қўйганман. Охирида Зулфия опа бизга оқ фотиҳа бериб, ижодда ҳам бирга бўлинглар, деб дуо қилди. Унгача бизнинг бирга роль ўйнашимиз турли гап-сўзларга, иккиланишларга сабаб



бўлаётганди. «Нега Эргаш фақат хотини билан чиқаверади, бошқа актёрлар билан ўйнасин», каби. Зулфия опа раҳбаримизга қўнғироқ қилиб, иккаласи бирга чиқсан, бу театрингиз учун ҳам яхши, дегач, гаплар тинди. Эргаш ака ўзбек кулги санъатига миниатюралар театри жанрини олиб кирди ва шу мактабни яратди.

Хуллас, ёзувчилар ёзди, биз ўйнадик. У киши учун миниатюра энг биринчи ўринда турарди. Халқ нимани қандай қабул қилишини нафақат биларди, балки ички бир туйғу билан сезарди. Ҳар бир миниатюра жони дили эди. Оилавий чиқишимизга ҳам жуда қаттиқ турганлар. «Мен фақат оиласм билан чиқаман. Негаки, миниатюралар театри оиласвий кўриладиган кўрсатув. Актёр бугун биттаси билан чиқса, эртага иккинчиси билан чиқса, томошабиннинг ихлоси қайтади. Оиласвий чиқиш эса томошабиннинг ишончини орттиради, деган эди. Раҳбаримиз Убай Бурҳонов ҳам бу ишга жуда жиддий қарабарди, театримизни яхши кўрарди. У киши ишдан кетгандан кейин бошқа раҳбарлар келди... Миниатюралар театри қаттиқ қаршиликларга учради, тарқаб ҳам кетди...

Миниатюралар қайта тикланди ва тарқатилди

Кейин яна раҳбарларимиз ўзгарди. Юртбошимиз раҳбаримиздан миниатюралар театрини қайта тиклай оласизми, деб сўрабди. Шундан кейин икки ой ичida муаллифлар жалб қилиниб, театрни оёққа турғизиши ва миниатюралар яна 3 йил экранга чиқди. Кейин адабий-драматик эшиттиришлар бўлимига яна бир бадиий раҳбар келди... Кейин биз ҳаж сафарига кетдик, қайтиб

келганимиз заҳоти Эргаш акамни раҳбарият чақиртириб, ишни эплай олмаётганликда айблаб, «миниатюраларингизни тарқатамиз, барибир ҳеч фойда келтирмаяпти», деди. Умрини миниатюралар мактабига бағишилаган одам бу гапларни кўтаролмайди. Инсульт касалига замин ўшандаганда қўйилган, деб ўйлайман. Шундан кейин Эргаш акамнинг ўрнига одам қидира бошлашди. Хуллас, театр яна иш бошлади. Миниатюра театри мактабини яратган одамни ишдан четлатиб, ҳатто маслаҳатларга ҳам чақирмай қўйицди. Эргаш акам чақиришларини роса кутганди...

Ўрта Осиёда миниатюралар театри бўлмаган. Эргаш акам бутун бир сатирик-юморист ёзувчиларнинг бошини бирлаштириб, ўз ортидан эргаштира олган инсондир. Ўзбек санъатининг барча комик актёрлари – Бахтиёр Ихтиёров, Ҳусан Шарипов, Ҳасан Йўлдошев, Хайрулла Саъдуллаев – биз битта ансамбль эдик. Ҳамкаслари Эргаш акамни ҳатто мендан ҳам қизғанишарди.

Фарзандлар

Бир ўғил, бир қизимиз бор. Ўғлим биз бехабар, ўртоқларининг тўйларига бошловчилик қиласкан. Бахтиёр Ихтиёров тўйга борса, ўғлим ўша тўйни олиб бораётган эмиш. Лекин санъат йўлидан кетмади. Ўғлим хорижий қўшма корхонада бош директор. Ўғлимнинг шунчалик обрў-эътиборли бўлиб юришида келинимнинг ҳам ҳиссаси катта. Вақтида иш деб невараларимни катта қилишда келинимга ёрдам беролмаганимдан афсусланаман. Келиним санъатшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Қизим шифокор. Тўрт невара, икки нафар эварамиз бор.

Армонлар

Афсуски, ҳаёт ҳеч кимнинг бошини силаган эмас. Ҳамма нарсага нина билан ер қазигандек эришилади. Армонларим ушалган деб айта оламан, қаерга бормай ҳамма мени танийди. Ҳозир телевидениедан узоқда бўлсан ҳам, бизни эслашади. Ўз вақтида қилинган меҳнат ҳамон мевасини беряпти. Кўрсатувларимиз эфирга бериляпти. Телевидениенинг ҳозирги раҳбарларига бунинг учун миннатдорчилик билдираман. Меҳнатимизни йўққа чиқармоқчи бўлганлар, мақсадига эришолмади. Катта машҳурлик ҳам тўқнашувлар билан бўлади. Армоним йўқ, Эргаш акамдан миниатюралар мактаби қолди.

Дилфузা СОБИРОВА
сухбатлашди.



ҲАСАН ЙЎЛДОШЕВ

(1936—1986)

Одамларга кулги улашиб кетган машхур қизиқчиларни халқимиз бежиз қадрламайди. Зеро, улар одамларга кулги баҳш этишдек хайрли ишнинг уддасидан чиқа олган моҳир санъаткорлардир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасан Йўлдошев ана шундай кулгу усталаридан эди.

Саҳнада ўзини эркин ҳис қилиш, қаҳрамонининг ички характеристи ва кечинмаларини юмористик тарзда оча билиш, ижродаги табиийлик Ҳасан Йўлдошев ижодининг муҳим қирраларидан ҳисобланган.

«Дил қачон фарофатда бўлади?» Тўсатдан берилган ушбу саволга барчангиз иккиланиб, турли хил жавоб беришингиз табиий. Тўғрисини айтсан, ўзим ҳам жуда кўп ўйландим. Бирор-бир бошлаган ишингиздан кўнглингиз тўқ бўлса, хотирингиз жам бўлса, ҳар бир ишда барака ва унум бўлади. Шунчаки, қўл учida иш бажариш жиноят қилиш билан баробар ҳалокат аслида. Ҳасан Йўлдошев мана шундай бир ишга киришса, уни астойдил бажариб, охирига етказадиган фидойилардан эди.

Кулгу қиролларидан бири ва бу йўналишда ўзига хос мактаб яратган Ҳасан Йўлдошев ҳақида у кишининг ўғли Бахтиёр Йўлдошев билан суҳбатлашамиз.

Айтинг-чи, кулгу сиз учун нима ўзи? Кайфиятинг йўғида сени ўз ҳолингга келтирувчи манбами ёки бошқа бир нарса?

Бахтиёр Йўлдошев: Кулгуни мен ҳаёт эликсери деб биламан. Бундан ташқари, у кайфият ростловчи ҳам. Агар кайфиятингиз бўлмаса, кулиб

юборсангиз, албатта, кайфиятингиз яхшиланади. Бундан ташқари, у феъл-авторни ҳам тузатади.

Тұғри тақидалаяпсиз, чунки у ожизларни құрқитади, худди шу маңнода у жуда күчли қорол ҳам.

Мана сиз ҳам радиода фаолият құрсатасиз, айтинг-чи отанғизнинг таҳминан қанча ҳангомалари фонда сақланади?

Б. Й.: Бизнинг радиофондимизда отамиз Ҳасан Йўлдошевнинг 300 дан ортиқ ҳангомалари сақлаб келинмоқда.

Отанғиз ижроларидағи барча асқия ва латифаларни бир жойга түпласп китоб ҳолига келтириши хаёлингизга келганми?

Б. Й.: Ҳа, албатта, худо хоҳласа шуни қилай деб турибман. Яқин кунларда насиб бўлса.

У кишининг дўстлари, қадрдонлари хали ҳам келиб туришадими ёки аллақочон оёқ узуб бўлишганми?

Б. Й.: Ҳаммаси ҳам эмас. Аммо дўстлари оёқ узишмаган.

САНЪАТИМИЗ ДАРФАСИ

Шундай одамлар борки, улар қисқа умр қўрсалар-да, ўзларидан ўчмас из, яхши ном қолдириб кетадилар. Ана шундай инсонлардан бири Ҳасан Йўлдошев эди. У телеминиатюралар театрида ўзига хос мактаб яратди, десак, муболага бўлмас. Афусуси, бевақт ўлим уни орамиздан олиб кетди.

Биз Ҳасан Йўлдошевнинг рафиқаси Нурхон опа, шунингдек, Роза опа ва Эргаш Каримов, Хайрулла Саъдиев билан атоқли санъаткорни хотирладик.

Нурхон опа хотиралари:

— Мен Ҳасан ака билан талабалик йилларида танишганман. Тўйимиз 1958 йилнинг 4 августида бўлган. У киши жуда меҳрибон, оққўнгил, самимий ва энг муҳими, эл ардоғидаги инсон бўлган. Кўлларидан келганча ҳаммага яхшилик қиласарди.

Умримнинг энг ширин ва баҳтили онлари Ҳасан ака билан кечган, деб биламан. Ўзингизга маълум, Ҳасан ака келишган ва савлатли бўлганлар. Ҳали-ҳануз кечагидек эсимда. Днепр бўйлаб теплоходдда дам олгани кетаётган пайтимизда «Энг келишган эркак» танлови ўтказилаётган экан. Ташкилотчилар бирданига Ҳасан аканиғолиб деб топган. Ҳасан ака ўшанда ўзбекча латифаларни русчага ўғириб айтиб кулдириб, ҳаммани хурсанд қилганлар. Яна бир воқеа. Чортоқда дам олятмиз. Шунда Тошкентдан бир гуруҳ актёрлар томоша қўрсатгани келишиди. Улар орасида Хайрулла Саъдиев ҳам бор эди. Ҳасан аканинг тўғрилигини қаранг-да, ўша томошага бепул ҳам киришимиз мумкин эди. Йўқ, иккита чипта олдик. Томоша бошланди. Барибир Ҳасан ақага муҳлисларнинг кўзи тушган эмасми, сиз ҳам саҳнага чиқинг, деб қўймай таклифлар туша бошлади. Шунда Ҳасан



акам: «Барака топгур яхшилар, мен ҳам сиз каби дам олгани келдим. Мана чиптам. Бугун бир томоша кўрай мен ҳам» дедилар. Йўқ, бўлмади. Саҳнадаги актёrlар ҳам илтимос қилиб барибир саҳнага олиб чиқишиди.

Ҳасан ака оиласпарвар, фарзандларига меҳрибон ота эдилар. Оғир касал бўлганларини мендан яширишга ҳаракат қилардилар. Танишибилишларига «Нурхон билмасин касалимни, билса сиқилади», дер эканлар. Касаллик барибир ўз кучини кўрсатди. 1986 йил 27 июлда оғир касаллик Ҳасан акани орамиздан олиб кетди. Вафотларидан сўнг «Ҳасан Йўлдошев «Пахтаой» дастасидаги қизи авиаҳалокатга учрагандан сўнг, сиқилиб вафот этибди» деган гаплар ҳам бўлди. Йўқ, бу миш-миш, холос. Қизим ҳеч қандай «Пахтаой» дастасига қатнашмаган. Аллоҳга шукр, фарзандларим соғ-саломат. Лекин қариганда эр-хотин бир-бирига суюниб қолар экан. Фарзандларимизнинг роҳатини кўриб, набиралар қуршовида ўтирадиган пайт келганда Ҳасан аканинг орамизда ўйқлигидан хафа бўлиб кетаман. Уларнинг ўринлари ҳали-ҳануз билинади. Кўчадан набираларим «Бувижон, биздан кимнинг набирасисан? деб сўрашди. Биз Ҳасан Йўлдошевнинг набираларимиз», деб жавоб берсак, «Вой шундай машҳур инсоннинг набирасимисизлар!» дея бизни, бувамизни дую

қилишиди», деб келишса хурсанд бўлиб кетаман. Куни кечакатта набирамиз фарзандли бўлди. Демак, Ҳасан аканинг зурриёди яна биттага кўпайди.

Эргаш Каримов хотиралари:

— Ҳасан билан мен болаликдан дўст эдик. Мактабни бирга тугатиб, ҳужжатларимизни санъат институтига топширдик. 1954 йилдан та-лабалик ўшларимиз бошланди. Иккимиз ниҳоятда аҳзи эдик. Ҳасан ти-ришикоч, бир ишни бошладими, охирига етказадиган истеъододли йигит эди. 1958 йилда ўқишни тугатдик. Ниятимиз Ҳамза театрига ишга

кириш эди. Афсуски, бизга Термизга йўлланма беришиди. Ўша пайтлари ўқишни битиргач, икки йил ви-лояятларда ишлаб келгачгина диплом бериларди. Шу тариқа икки йил ортда қолди. Ҳасан диплом олгач, Тошкент маданий-оқар-тув техникиумига ўқитувчи бўлиб ишга жойлашди. Мен эса телевидениега. Ўша вақтлар телеминиа-туралар театри энди шакланаётган вақтлар эди. Мен Ҳасанни ҳам те-

левидениега таклиф қилдим. Орадан 5–6 йил ўтиб, телеминиатюралар театрига режиссёр асистенти бўлиб ишга келди. Шу билан бирга роллар ҳам ижро эта бошлади. Бу орада «Табассум» радиожурналига ҳам қатнашиб юрдик. Унинг ҳаётида муҳим ўрин тутган нарса Эргаш Раимов, Элбек Мусаев ва Алп Жамол билан биргаликда ёзилган «Ёз кунларнинг бирида» миниатюрасидир. Сценарий бўйича актёрлар ўз номлари билан қолганлар. Ҳасан ана шу видеофильмда ўз ролини қойилмақом қилиб ижро этган. Раҳматли Воҳид Қодировнинг бошига «сочингиз ўсади» деб челак кийдириб қўядиган саҳна бор. Кўччилик буни бачканаликка йўйиши мумкин эди. Ҳасан Йўлдошев самимий қараашлари, образга жиҳдий ёндашуви билан бу «бачкан»ликни кулгили ҳолатга келтира олган. Ҳасан ижросидаги ҳар бир роль телевидение олтин фондида сақланяпти. У асарни ўқиб чиқиб, ёқмаган жойларини дангал айтиб, ўзига, табиатига мослаштириб оларди. Шунинг учун ҳам унинг роллари табиий чиқиб, томошабинлар қалбидан жой ола олган.

Роза Каримова хотиралари:

— Ҳасан аканинг ҳар бир қилиғи ўзига жуда ярашарди. Гилам дўппини кийиб, тилини чиқариб кулишларининг ўзи бир олам эди. Расм чизишни ҳам





яхши күрарди. У том маңнодаги ижод кишиси эди. Ёзувчи ва режиссёрларга ўз фикрини очық айта олар ва ўзи хоҳлагандек натижага эришмай қолмасди. Ҳасан акадан кейин бошқалар ҳам бошига гилам дұппи кийиб, уларға тақлид қылышади, аммо ўхшамади. Ҳасан Йұлдошев тақрорланмас истеъдод соҳиби эди. Бир-бirimизга ҳеч қаттық гапирмаганмиз. Бир куни бир образ устида ишлаётган эдик. Мен у кишига тарсаки туширишим керак. Лекин ҳеч қаттық уролмайман. Эргаш акам: «Буни ижод дейдилар, қаттық уравер, ҳеч нима қилмайды», дедилар. Шу гапдан сұнг мен Ҳасан акани қаттық уриб юборибман. Аńча вактгача күзларига күрінмай юрдим. Мана шунақа гаплар. Илоҳим, бу инсоннинг рухлари шод бўлсин.

Хайрулла Сатынин хотиралари:

— Мен Ҳасан ака билан күпинча ота-үғил ролини ўйнардим. Ҳасан ака сценарийни ўқиб «Хайрулла, кел, мана буни машқ қилиб күрамиз» дердилар. Роль ижро этаётганимизда бошимга «тарс» этиб тушириб қолардилар. Мен «нега урасиз?» десам, «қизиқ-да» деб қўлларини бир-бираига «қарс» этиб уриб, тилларини чиқариб кулиб қўярдилар.

Ижодимнинг энг гуллаб яшнаган палласи Ҳасан ака билан ишлаган пайтларим, деб биламан. Улар билан сценарийдан ташқари тоға туғилиб қолгудек бўлса, яхшилаб пишишиб, ижро этиб кетаверардик. Масалан, «Ёз кунларининг биррида» деб аталувчи миниатюрада мен учун ҳеч қандай роль йўқ эди. Ишга келаётсам бир гурӯҳ актёrlар суратга олишга кетишяпти. «Юр, сенга ҳам бирор нарса чиқиб

қолар» деб олиб кетишган. Үша миниатюрада ижро этган образим йўл-йўлакай ва суратга олиш жараённида туғилган. Мен ана шундай инсон билан бирга ишлаганимдан, улардан озми-кўпми санъат сирларини ўрганганимдан фахрланаман. Ҳа, Ҳасан Йўлдошев гарчи орамиздан эрта кетган бўлса-да, армонсиз кетди. 60–70 йилларда унинг овози янгратмаган хонадон, истеъдоидан завқланмаган одам йўқ эди десак, муболага бўлмайди. Санъаткор бўлиши қийин. Узок йиллар эл назаридан тушмай, томошабин эҳтиромини қозониш ундан ҳам қийин. Ҳасан Йўлдошев камдан-кам ижодкорга насиб этадиган шундай баҳтга сазовор бўлган санъаткордир.

Ҳасан Йўлдошев Наби Раҳимов, Раҳим Пирмуҳамедов, Фани Абзамовни ўз устозлари деб билади. Ана шу устозларнинг яратган образларни эсласак, Ҳасан Йўлдошевнинг ижодий қиёфаси ёрқинроқ намоён бўлади. Ҳасан Йўлдошев устозларининг тажрибаларини чуқур ўрганиб, ўзига хос ҳажвий олам яратма олгани билан ҳам қадрлидир.

*Ҳалқимиз уни ҳамиша қўмсаб, ижодини соғиниб, ардоқлаб яшайди.
Санъаткор учун тўқис баҳт ҳам шу!*



МУХИДДИН ДАРВЕШ

(1936—1995)

Агар йўлингиз Фарфона вилоятининг «Бувайда» туманига тушса, бу ерлик инсонларнинг асқия ва латифага қанчалар ишқибозлигини яққол кузатасиз. Чунки азалдан бу маскан ҳазилга, умуман, яшашга иштиёқи баланд одамлари билан ўзгалардан фарқ қилишади. Чунки ҳар бир инсон ўз билганича умргузаронлик қиласи. Шу берилган умрни ташвишларга ўралиб ҳам ёки ҳамма нарсага таваккал қилиб, кулиб ҳам ўтказса бўлади. Юсуфжон ва Охунжон қизиқлардан кейин ўзига хос қизиқчилик мактабини яратган Муҳиддин Дарвеш ҳам мана шу ерда таваллуд топган.

Муҳиддин Дарвеш қандай хонадонда таваллуд топган, унинг отонаси кимлар бўлишган? Умуман, қизиқчилик қонда бўлиши керакми ёки бундай болалар маҳсус тарбияланадими?

Худди шу саволга уларнинг оила аъзоларидан Муҳиддин Дарвешнинг турмуш ўртоқлари жавоб берадилар.

— Бизни оиласизда асли қизиқчиликка хос бир муҳит бор эди. Камдан-кам уруш, жанжал бўларди. Шунинг учун ҳам деярли ҳамма болаларимизнинг асқия ва ҳазил-мутойибага мойиллиги бор. Булар учун, менимча, маҳсус тайёргарлик ёки мактаб шарт эмас. Улар мана шундай тоза муҳитда тарбиялансалар бўлди. Асосан, мия тўқ бўлиши керак. Шунда бола ҳозиржавоб бўлади. Ҳар қандай вазиятда ҳам сўзамоллигини ийӯқотмаслиги керак. Шунинг учун ҳам олма дараҳтининг тагига олма,



бөхининг тагига беҳи тушади, дейишади. Мен бу гапга тўла қўшиламан.

Уларнинг асли номлари Тешавой бўлган экан, лекин уларга кейинчалик Муҳиддин деган от қўйишган экан, шундайми?

— Тўғри, биласизми, уларнинг оналарининг ҳамма фарзандлари туғилибоқ ўлар экан. Аммо бу гал уларга яна «Фарзандингиз кўп яшамайди» деган гапни тақрорлашибди. Ота-оналари жуда кўп хўрсениб, бу фарзанддан ҳам кўнгил узишган экан. Аммо туғилган гўдак не кўз билан кўрсинларки, кундан-кун ўсиб-улғайиб, бийрон тиллари ҳам чиқибди. Шунда улар бу гўдакни алоҳида ихлос билан қараб парваришилабдишар. Унга киндиги теша билан кесилганилиги учун ТЕШАВОЙ деб от қўйишади. Сўнгра эса МУҲИДДИН деб чақиришадиган бўлишибди.

1986 йилги республика қизиқчилари конкурсининг 1987 йилги сўз усталари кўрик-конкурсининг голиби Муҳиддин қизиқ Дарвешов Бувайда тумани Маданият уйи «ТАБАССУМ» ҳалқ ансамбли қошида «ҚАҲ-ҚАҲА» кулгу гуруҳи ташкил қилганига ҳали кўп бўлмаган эди. Қисқа вақт ичida минг-минглаб мухлислар ортириган жамоага Абдуваққос Деҳқонов, Баҳодир Шокиров, Акромжон Юсупов, Мансуржон Охунов сингари истеъодли, топағон ёшларни жалб этиб, уларга ҳалқ қизиқчилигининг ўзига хос сир-асрорларини ўргатиб келган классик қизиқчилардан бири эди. Бу инсонга мен яна тан берадиган томоним шундаки, у киши ҳамиша ўз қирраларини бошқа шогирдларидан асло аямаган. Доимо унинг атрофида ёш қизиқчилар парвона бўлиб, ниманидир ўрганишган.

Бизга 1952 йили Учкўприқда ўтказилган сайл ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Айтиши жоиз бўлса, ўша сайл Муҳиддин Дарвеш ҳаётида жуда катта бурилиш ясаган сайл бўлган. Чунки илк маротаба Муҳиддин Дарвеш мана шу ерда чиқиши қилган. Ва ҳалқ қалбидан чуқур жой олган. Бу сайл



унинг умр саҳифасида алоҳида саҳифаларни очган кун бўлади, десам адаш-майман. Ўшанда Маъмуржон Узоқов бошчилигидаги бир гуруҳ санъаткорлар келиб катта сайл ўюнтиришган. Айтиш жоиз бўлса, мана шу каби учрашувлар ҳар бир ёш нуҳолнинг ўсишига ва уларнинг келажагига катта бир турткни бўлади.

Ҳар бир инсон умрини безовчи, унинг номини ўзидан сўнг ҳам яшаттиргувчи фарзандлар камдан-кам ота ёки она изидан боришади. Бу оиласда шундай бўлди. Фарзанди Жалолиддин Дарвешев ота изидан бориб, унинг номини ва ижро этган асқияларини худди унга ўхшатиб бўлмаса-да, тақлидан ижро эта бошлади.

Жалолиддин Дарвешев:

— Отамиз рости зўр инсон бўлғанлар. Буни ҳамма билади. Лекин бу инсоннинг қандай ота ёки яна ҳам аниқроги қандай оила бошлиги бўлғанларини ҳамма ҳам билавермайди. Отамизни умуман жаҳулари чиққанини кўрмаганман. Онамиз энди сал у-бу деб ниманидир айтмоқчи бўлсалар, отамиз дарров асқияга ўғириб, кулгига буриб юборар эдилар. Мен ҳам, албатта, шу оиласда ўсганлигим боис, шу тарбияни олганман. Ҳозир келинингизнинг сал жаҳали чиқса, дарров уни асқияга бураман. Ишонасизми, ҳаёт енгиллашади. Аслида аёлларни сал кулдирсангиз бўлди, дарров табассум билан жавоб беришади. Мен ҳаммага ҳам мана шу усулини қўллашларини хоҳлардим. Чунки ҳам умрлари узаяди, ҳам ўзаро муносабатда тотувлик юзага келиб, оиласи мустаҳкамланади.

Эшитишимизга қараганда, хорижий элларда шундай клублар бор эканки, улар хасталикка чалинган беморларни фақат кулгу билан даволашар эканлар. Ҳозир ҳам тўй-ҳашамларда қизиқчиларни таклиф этиб, меҳмонларни бироз бўлса-да, дил чигилларини ёзиш, ўша анъаналарнинг давоми бўлса керак. Нима ҳам дердик,

қизиқчилар бор экан ҳамиша биз ҳаётга кулиб қарашни ҳамда яхши яшаши, кулгу билан ҳаёт қийинчиликларини енгишга ўрганамиз. Ана шундай лаҳзаларда, албатта, кулгу даргаларини, улар қаторида Мұхиддин Дарвешни ҳам унутмасдан ёдга олишингизни истардик. Зеро, фақат кулгугина инсон юзидан қиши қаҳрини олиб ташлайди. Сиз эса офтоб мисол ҳароратли куласиз. Мана шундай саодат ҳар биримизни тарк этмасин.

ҚИЗИҚЧИННИҢ ҚАЙТА ТУФИЛИШИ

Мұхиддин ака, айтишим мүмкін, ўзбекнинг якка-ю ягона, такрорланмас қизиқчиси эди. Бундайин том маънодаги қизиқчи тарихимизда бўлмаган. Чунки у Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Теша қизиқ Комиловлардан кейин қизиқчилигимизни янги поғонага олиб чиқди, ўзига хос мактаб яратди.

Тўғриси, Мұхиддин аканинг ижодининг муҳлиси эдим. Янги ҳангомаларини интиқиб кутардим. Эшлиб мириқардим. Унинг топқирилигига, ҳалқнинг дардини айта олганига тан берардим. Қизиқчига бағишлаб бир шеър ёзганим ёдимда:

*Қоплонга улфатман дея мақтанаар,
У тутган кийикдан гўшт еган ари.
Аския қиласам мен ариликни гар,
Арифеъл ғўнғиллар: «Бачканা бари!»*

*Ўзини шерлардан зўрроқ деб ўйлар,
Шер қонин сўриб кун кўрувчи канा.
Эрмаклай бошласам каналикни гар,
Канафевъ тумтаяр: «Бари бачканана!»*

*Оғасидан ўзин оқилпроқ санар,
Оғасин бўрига бой берган қуён.
Ўртансам мазахлаб қуёнилкни гар,
Куёнфевъ иршаяр: «Бачканана, арzon!»*

*Даврани шунчаки қиздираман гоҳ,
Шунчаки юртдошлар дардин олгани.
Тўнг зотлар баттардан уф тортар ногоҳ:
«Бачканана! Мақсад не? Гояси қани?»*

*Борлигим кимгадир наҳот муаммо,
Нетай оддий ҳалқа мос бўлса таъбим?
Мұхиддин Дарвешни тинч қўй, эй «доно»,
Жим суюк ғажийвер ёқмаса гапим.*

Аммо мени бир нарса қийнарди: Мұхиддин ака бугун бор, эртага йўқ... Ўғил-қизларимиз, набираларимиз ҳам бу ҳангомаларни эшити-

шини, хандон отиб кулишини —
Мұхиддин акани келажакка или-
нардим...

Гап келганды укам Сайджонга
дардларимни түкиб солдим.

Мұхиддин ақа кулғи дурларини
сочиб юрадиган инсон эди...

У тұғма қизиқчи эди. Юрған
йүйінда ҳангома түқирди. Аммо ярим
соатдан кейин бу ҳангома үзининг
ҳам эсідан чиқиб кетарди.

Сайд Анвар ана шу дурларни
эрінмай терибди, ипга тизибди...
Бу тизилған ҳангомалардан яра-
тилған «Уч кун хүрөз бўлганим»,
«Асл инсонлар орасида», «Абду-
райим довдир ва Мамарайим эркак
саргузаштлари», «Муштипар эр
ҳасратлари» каби қиссалари билан
танишиб, Мұхиддин ақа ҳаёт
бўлганларида, «Ие! Шунақа қисла
ҳам бўларкан-у! Бизга ҳам қа-
шишадиганларам бор экан-ку!» дея Сайджонга түн кийдиармиди, деб
ўйлаб қолдим...

Қиссаларнинг яна бир ютуғи шундаки, узуқ-юлуқ ҳангомалар
шундай ошиқ-мошиғига туширилганки, Мұхиддин ақа шундай айтган
бўлса керак, деб ўйлаб қоласиз. Ҳар бир ҳангомада қизиқчининг юзи,
сўзи кўриниб тургани ҳам китобнинг катта ютуғи. Айтиш бошқа, ёзиш
бошқа. Қизиқчининг сўзларини қофозга тушириш ва кулгили қилиб
ифодалаш учун ҳам катта истеъод керак.

Техника замонида яшаяпмиз. Аммо уларнинг ҳам имконият-
лари чегараланган. Мана оддий мисол, ўша энг замонавий
компьютерлар қизиқчининг сўзларини тирилтириб бера оладими?
Йўқ. Бу нарса фақат бадий адабиётнинг кўлидан келадиган иш.
Бу ишларнинг ҳаммасини Сайд Анвар bekamu кўст бажарибди.
Менга қолса, «Мұхиддин Дарвеш» китобининг яратилгани —
Мұхиддин қизиқчининг қайта дунёга келгани, деб атаган бўлардим.

Қанийди, ҳар бир қизиқчимиз ҳақида ана шундай китоблар
кўпроқ ёзилса, фарзандларимиз олдидаги бурчимизни бажарган,
улуг қизиқчиларимиз ижодини келажакка қолдирган бўлардик.



Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон ҳалқ шоури

ПУЛ БОР ЭКАН

Сиз билан бизни муросага келтириб турган дунёда тенгсиз нарса бор: бу — пул! Ана шу пул бор экан, ҳаммаёқ чароғон, ҳаёт гўзал.

Пулнинг ҳар бир миллатда ўзига хос номи бор. Масалан, пулни ўзбеклар «сўм», тожиклар «сум», руслар «рубль» дейди. Украиналар «корбавансив», белоруслар «рублей», молдованлар «рубелей», татар «кумуш», қирғизлар «сўм» дейди.

Туркманлар, азарбайжонлар, грузинлар, арманлар «манат», латишлар «рублей» деса, эстонлар «рублув» дейди.

Америка Қўшма штатлари, Исландия, Канада, Янги Зеландия, Эфиопия, Индонезия, Австралия «доллар», Аргентина, Куба, Мексика, Бразилия, Чили «песо», португалияликлар «эскудо», Испания, Перу «песед», Франция, Белгия, Швейцария «франк», Германия, Финландия «марк», Египид, Судан, Сирия, Тунис, Истроил «фунт», англичанлар «фунт-стерлинг», голландияликлар «гулден», Норвегия, Швеция, Дания, Чехословакия «крон», Полша «злот», венгерлар «форинг», Австрия «шиллинг», руминлар «лей», албанлар «лек», болгарлар «лев», Туркия билан Италия «лира», Эрон билан Комбоджа «реал» дейди.

Морокаш «дирҳам» деса, греклар «драхим» дейди, Алжир, Ироқ, Югославия «динор», Родезия, Гвинея, Гана «седи», афгонлар «афғон», Хиндистон, Покистон, Неапол, Бангладеш «рупий» дейди...

Пулнинг миллий номи бўлгани каби, уни турли касб эгалари турлича номлар экан.

Ўғрилар «лой» дейди. Қиморбозлар «соқقا» дейди. Порахўрлар «соқол», чайқовчилар «дастмоя», сотувчилар «шапка», омборчилар «ёлка», курувчилар «закалат», косиблар «қўл учи», ҳайдовчилар «шайба», тракторчилар «лемих»,



ошпазлар «әчки», ёзувчилар «қалам ҳақи», шифокорлар «ЧП», бен-зинпурушлар «варонка», санъаткорлар «якан» дейди.

ЮЗ ҚУЛТУМИ ҚАНЧА?

Бир пияниста сотувчига дебди:

— Ароғингиздан бир қултум қуинг-чи, ичиб күрайлик, маъқул келса оламиз?

Бир қултумни отиб олиб:

— Ях-яхшига ў-ўхшайди?.. Қанча бўлади? — деб сўрабди.

Сотувчи кулибди:

— Бир қултумга ҳам пулми, текин, қўяверинг!

— Қўяверайми? Унда, — дермиш пияниста, — юз қултум текинидан куйинг-э!

ТАЛОҚ ҚЎЯДИГАНЛАР БОРМИ?

Тўйда мўйсафид отахон ёшларнинг ичига ўтириб қопти. Йигитлар ўзлари тўйиб олишгач, мўйсафидга хираликни бошлабди:

— Э-э-энди мана шуни оласиз, отахон!

— Йўқ, йўқ, олмайман! — отахон кескин рад этибди. — Ўн йилча бўлди, ичмай қўйганман.

— О-олмасангиз бўлмайди, отахон, бир дастурхонда ўтирибмиз, бу — биринчидан, — соқий мажбурлашни қўймабди. — Мени қўлимни ҳеч ким қайтармаган, бу — иккинчидан!

— Ўслим, ичмай қўйганман, деяпман. Мажбуrlамагин!

— Ма-ма-мана шу бир пиёла... ичасиз! Бошқа мажбуrlамайман! Узатиб қўйдим, бўлмаса, ҳозир бориб хотинимни талоқ қўйиб юбораман қўлимни қайтарганингиз учун! Бу — учинчидан.

— Йўқ, йўқ, унақа қилма, ўслим. Арзимаган нарсага оиласнг бузилмасин, майли исчам ичақолай, — деб отахон пиёлани бўшатиб берибди.

Дам ўтмай иккинчи йигит қўли қалтираб қадаҳ узатибди:

— О-о-отахон, мана шуни ҳам олиб, мени битта дуо қилинг: ишларим юришиб кетсин!

— Шундай ҳам дуо қилавераман, ўслим!

— И-ичмасангиз, дуо керак эмас. Менам бориб хотинимни талоқ қўйиб юбораман.

— Унақа дема, ўслим. Арзимаган нарсага... Хўп, ишларингни юришиб кетиши учун олайин!..

Мастлик-да. Дам ўтмай йигитлар ўзлари билан ўзлари бўлиб қолиб, мўйсафидни унугиб қўйибди. Мўйсафиднинг бошлари сал айланиб, сархуш бўлиб, ажойиб-ажойиб нарсалар хаёлига келиб, шу кутар эмиш, бирортаси узатай демасмиш. Қўзлари сузилиб, йигитларга қараб гудирлармиш:

— Ҳ-ҳов, йигитлар, ораларингда яна бирорта хотинини талоқ қўйиб юборадиган мард йўқми, а?

ЗОРА

Бир йигит навқирон қирқ ёшида роса қирқ кун ётиб қолибди. Қирқ биринчи куни хотинини чақирибди.

— Мендан рози бўласан, энди, хотинжон, — дебди ҳиқиллаб. — Тушимда аён бўлди: бугун кетаман!

— Одамни қўрқитиб қаёқдаги гапларни гапирманг, дадаси...

— Йўқ, рост, бугун кетаман. Агар мени хурсанд қиласман десанг, охирги илтимосимни бажар!

— Бўпти, дадаси, нима қиласай?

— Илк марта чимилидиққа кириб келганингдек ясаниб, безаниб ёнимда ўтириш!

Хотини илтимосини бажарибди: бир соат ўтиб сочларини ювиб, қирқ кокил қилиб ўриб, қошларига ўсма, кўзларига сурмани қўйиб, атлас кўйлакларда ёниб кириб келиб, беморнинг олдига ўтирибди. Уни кўриб касал ўрнидан туриб кетибди:

— Ўзимникимисан ё қўшниники?

— Э! — хотини чимирилибди. — Нимага шунаقا қилдингиз?

— Тушимда аён бўлди, деяпман-ку, бугун келади!

— Ким келади?

— Азоил!

— Азоил келса мен нима қиласман?

— Э, девона, сен нимани билардинг, — жавоб қилибди йигит. — Азоил келса, тепамда товусдай товланиб ўтиранг, сен билан овора бўлиб қолиб, зора мени эсидан чиқариб қўйса!..

БИР ПАРЧА ЭТ – КУСОК МЯСО

Орифхон Хотамов билан Ҳакимжон Файзиевлар ашула бошлаб қолди. Орифхон ака танбурда, Ҳакимжон ака доирада:

— Танг-та-танг! Танг-та-тант! Ранг-ра-ранг! Дак-ка-ра-ранг! Данг-данг-данг! Дупа-уп-панг! Дупа-уп-панг!

Оналар бир парча этни-и баркамол одам қилу-ур! Оналар бир парча этни баркамол о-одам қилу-у-ур!

Ёнимда турган омборчимиз Иван сўраб қолди:

— Что обозначает?

Мен дарров жавоб қилдим:

— Матери из кусок мясо человек зделает!

*Сайд АНВАРНИНГ
«Мухиддин Дарвеш» китобидан*



ФАЙЗУЛЛА АҲМЕДОВ

(1936—2009)

Ярим асрдан зиёд умрини театр ва ўзбек кино санъати учун бағишилаган Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов 1936 йил 28 август куни Тошкент шаҳри Себзор даҳасида туғилган. 1955 йилда ўрта мактабни, 1963 йилда Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институтини тамомлаган. 1958 йилдан эса Муқимий номидаги театрида фаолият кўрсата бошлайди. У ижро этган «Мавлоно Муқимий» мусиқали драмасидаги Истроил кўса ва Додҳо, «Жон қизлар»даги Султон, «Тоҳир ва Зуҳра»даги Бобохон, «Ўжарлар»даги Самандаров, «Муҳаббат навоси»даги Муҳаммад Эшон, «Алпомишнинг қайтиши»даги Култой бобо, «Отабек ва Кумуш»даги Юсуфбек ҳожи каби образлар томошабинлар қалбини забт этган.

Наимахон опа билан тақдирини боғлаб, 10 фарзандни тарбиялаб, вояяга етказишиади. Тўнғич ўғиллари Баҳодир —Ўзбекистон радиосида журналист, Ботир —арабшунос, Нодир эса — техник, қолган фарзандлар ҳам халқ хизматидаги инсонлар.

Алишер Отабоев устоз Файзулла Аҳмедовни шундай хотирлайди:

«Халқимиз орасида «Шинаванда» деган ибора ишлатилади. Бу ибора ҳар кимга ҳам қўшиб ишлатилавермайди. Устозимиз, Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов ҳақида сўз бораётган экан, мен у кишининг санъатдаги босиб ўтган йўллари-ю, ижсолари ҳақида эмас, балки ҳаётдаги



шинавандалик хусусиятлари ҳақида гапирмоқчиман. *Файзулла ака нафақат истеъдоодли санъаткор, шу билан бирга яхши улфат, шинаванда инсон ҳам эди. Ўзбек театри санъатига ҳаётини бағишилаган устозимиздан ҳаётда кўп сабоқ олса арзийди.*

Устоз билан кўп сафарларда бўлганман. Инсон қандайлиги сафарларда билинади, деган гап бор. Файзулла ака камтарин, катта-кичикка бирдек яхши муомалалари билан ўзгалардан ажralиб турарди. У киши сафар чоғида «зирани иккига бўлиб юборадиган» пичоқтарини ўзлари билан олиб юрардилар. Мен бўша вақтларимизда қозон тенасида куймаланиб ётсам, у киши шу пичоқ билан шакароб тайёrlаши пайига тушардилар. Пиёзни коки қилиб тўграшда Файзулла акага тенг келадигани ийќ эди.

Вилоят сафарларимизда ҳамиша бирга бўлардик. Балки шунданми, баъзилар бизни ота-бола деб аташарди. Бир куни Китоб шахрида қизиқ бир воқеа рўй берди. Файзулла ака китоб дўйконидаги қадди-басти келишган сотувчи аёлга ишора қилиб, менга: «Ўғлим, сизга қандай китоб олиб берай?» дедилар. Мен: «Ота, менга китоб эмас, хотин олиб беринг», деб кулдим. Сотувчи аёл замзамамизни тушуниб: «Бизда хотин сотишмайди», деди жилмайиб.

Мени Файзулла акага ҳавасим нимада эди: у кишининг куёвлари билан ота-боладек муомала қилишлари. Мен ҳам шунга ихлос қилганман шекилини, Алоҳга шукурки, куёвларим билан ота-бола, дўст-қадропонмиз.





*Файзулла аканинг аёллари Наима опа оламдан барвақт ўтгандилар.
Файзулла ака аёлларидан кейин ўғил-қизларига ҳам ота, ҳам она бўлдилар.*

Файзулла аканинг ҳаётдаги ва саҳнадаги тутган ўринлари ҳар бир ҳамкасларимга ўрнак эди. Улар билан мен бир нечта спектаклларда ҳамкорликда роль ўйнаганман. Хусусан «Куёвлар конкурси», «Суперқайнона» ва бошқалар.

БИЗ КУРСДОШ ЭДИК

Машхур шоирлардан бири Пастернак «Яшаш — бу асли ижодкорликдир», деган экан. Ҳақиқатдан ҳам ўз ақлини таниган ҳар бир инсон яшашга, ижодкорликка, бунёдкорликка интилади. Ва шу эзгу мақсад йўлида тинимсиз ҳаракат қилади. Мана шундай ният Файзулла Аҳмедовни тўқимачилик институтини ташлаб, Санъат институтига келишга ундаdi.

Биз курсдош эдик. Устоз санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Раззоқ Ҳамроевдек инсоннинг қўлида сабоқ олдик. Мана, қарийб эллик йил бўляптики, Муқимий номидаги мусиқали театрда Файзулла ака билан биргаликда ижод қилиб келяпмиз. «Тошболта ошиқ», «Куёвлар конкурси», «Суперқайнона», «Ўтган кунлар» спектаклларида, «Кўнгил кўчалари» телесериалида чол-кампир бўлиб, партнерликда роллар ўйнадик. Биз Файзулла ака билан жуда кўп тадбирларда, давраларда, ижодий учрашувларда бирга бўламиз. Қаерда бўлмайлик, томошабинлардан Файзулла Аҳмедов ҳақида фақат яхши фикрларни эшитамиз. «Шу актёр ўзини йўқотмай, йўлидан оғишмай, бир текис кетяпти. Фалончи фалон-



чилаар қаёқда қолиши?» деб сўрашади. Албатта, уларга ўз жавобимизни берамиз.

Файзулла аканинг меҳнатсеварлиги, ўз касбини қадрлаши, ўта интизомлилиги ва театр санъатига фидойилиги бугунги кунда уни санъат дарғалари қаторидан муносиб ўрин олишига имкон яратди. Файзулла ака маънавияти бой инсон, илмли, кўп ўқиган, тилга қаттиқ эътибор берадиган актёр, вақти келганда тортина масдан тушунмаган нарсаларимни у кишидан сўраб оламан. Театримизнинг ёшлари ҳам «Устоз», «Отахон», «Дода» деб мурожаат қилишади Файзулла акага. Агар домламиз Рассоқ Ҳамроев ҳаёт бўлганларида Файзулла аканинг ютуқларидан қувониб: «Менинг ишончимни оқладинг, сенга қилган меҳнатим зое

кетмади. Балли, ўғлим» деб миннатдорчилик билдирган бўлардилар.

Мен Файзулла акани ҳаётда ва ижодда поёнсиз, ўз ўзанини ўзгартирмай, мавж уриб, тўлқинланиб олдинга, фақат олдинга қараб оқаётган дарёга ўхшатар эдим. Зоро, бу дарё унутилмасдир...

*Марям ИХТИЁРОВА,
Ўзбекистон ҳалқ артисти.*

ТҮФОН РЕЖАМЕТОВ

(1939—1982)




1982 йил 18 ноябрь... Бу кунни Ширин опа ҳеч ҳам хотирлагиси келмайди.

«Бугун ўзим сизларга палов қилиб бераман», дея эрта тонгда бир пиёла нўхатни ивитиб чиқиб кетган Тўfonдан кеч тушиб қолганига қарамай, дарак йўқ. Тўfon, одатда, ваъда бердими, албатта, бажаарди. Ширин безовталана бошлади. Деразадан қўчага қаради. Ҳамма ёқни туман қоплаган. «Бундай ҳавода машинани бошқариш ҳам қийин, автоҳалокатлар ҳам кўп бўлади, дейишади...»

Хаёлидан ўтган фикрдан Шириннинг ўзи ҳам қўрқиб кетди. Юрагига ғулфула тушди. Тўсатдан жиринглаган телефон қўнғироғи унинг хаёлларини тўзғитиб юборди: бунча овози хунук бўлмаса... Кўнгли нимадандир ғашланиб гўшакни кўтарди.

«Тўfon Режаметов хонадоними?» савол берган овознинг оҳанги унга жуда ноxуш туюлди. Шириннинг юраги шиф этди. Қолган гапларни у эслолмайди, эслашни ҳам истамайди. Зеро... Кўнглидан ўтган ноxуш хаёл ҳақиқатга айланганди...

«Тўfon мен учун ҳам дўст, ҳам маслаҳатчи, ҳам турмуш ўртоғим эди. Дарди ҳам, одамгарчилиги ҳам, муҳаббати ҳам кучли эди. Мени, болаларини ҳеч кимга ишонмасди. Севган кишимни йўқотиб, телба бўлиб қоламан, деб ўйладим. «Нега бунчалик эрта?», деган савол хаёлимни сира тарқ этмайди. Энди нима бўлади, нима қиласман?!...»



Хаёлимда фақат шу саволлар айланади. Ҳеч нима күзимга күрінмайды...

Бироқ... Фарзандларымнинг ғамли күzlарига қарадим-у, ўйлаб қолдим: «Бу инсоннинг умри қисқа экан, лекин болаларнинг айби нима, ахир уларга ҳам осон әмас-ку. Мен ҳам үзим билан үзим овора бўлиб қолсам, уларни ким оёққа турғизади? Шунда мен: энди болаларим учун яшашим керак. Отасининг ўрнини билдирамаслигим лозим, деган қатъий қарорга келгандим».

Ҳаёт ва ижод билан сармаст юрган кунларда «Ёш гвардия» театрининг ташкил этилиши Ширин Азизованинг актёр сифатидаги имкониятларини рўёбга чиқаришга катта шароит яратди. У спектаклларда етакчи образларни ижро этар, ёнида дунёдаги энг севимли кишиси, саҳнада ҳам партнёри эди.

«Кунларнинг бирида калла-поча тозалаб ўтирувдим. Тўғон кириб келди. «Тез тур, сени олиб келишимни буюришиди», деб қолди у: «Нимага», дедим-у ишишни давом эттира бердим. «Бўлсанг-чи, тез кийин», дейди у мени шошириб. Қўлларим ҳидли бўлгани сабаб ҳеч қаёққа боргим келмади. Баҳонаям тезда топилди, «кишилик кўйлагимни ювиб қўйғанман», дедим. Биттагина кўйлагим борлигини, кечқурун ювиб, эрталаб кийиб олишимни



у билади. Тўғон ўша кайфиятда «Ҳечқиси ўйқ, дазмоллаймиз», деди-ю, ўзи шошиб дордан кўйлакни олиб, қўлимга тутқазди. Хоҳламайгина, кўйлакни олдим, қуриган экан. Шунда кўзим кўзига тушди – ҳамиша ғамгин, безовта кўзлари чақнаб кетяпти. Энди Тўғоннинг раъйини қайтаргим келмади. Кўйлагимни тезда дазмолладим-да, отландим. Менга 32 ёшимда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилган экан-у, у бу янглиликни мутасаддилардан ўз қулогум билан эшишишимни хоҳлаган экан (кўзларига ёш келади). Қандай қилиб бу хабарни ичидা сақлаб турган экан-а, менинг Тўғоним!..



...1986 йилда Ширин Азизова 18 йиллик умрини бағишилаган, ташкил этилишида яқиндан иштирок этган, элга танилишида муҳим босқич бўлган «Ёш гвардия» театридан кетди. Бу театр нафақат уни машҳур қилди, шунингдек, шахсий ҳаётидаги энг қувончли дамларга ҳам ошно этганди. Бу саҳнада у Тўғон билан бирга ижодий ҳамкорлик сурурини ҳис этганди.

«...Тўғондан ажралганимда каттамиз Зухриддин ўн тўққиз, эгизакларимиз Фотима ва Хусан ўн икки ёшда эдилар. Отасининг

багрида эркаланиб юрган, барча айттаплари мұхәйё бўлган фарзандларимизнинг энди кўнгли ўқсишига йўл кўймаслик, уларга ҳам ота, ҳам она ўрнини бирдай босиш осонми? Ҳеч ким мени сумаиди. Мен ҳам бирорларга орқа қилмадим.



Фақат ўз кучимга ишониб яшадим. Лекин эркакнинг ўрнини босиш осон эмас экан. Эрталаб репетиция, кейин спектакллар, дубляж, ундан чиқиб тунги соат 12 дан 3 гача Тўғон ҳайдаган «Жигули»да киракашлик қиласдим. Тўғри, камбағаллик айб эмас. Бироқ Фотимани узатиш палласи... Биласиз, бизда қизларни турмушга бериш анча моддий чиқимни талаб қиласди. Ўшанда кунимизга яраб турган машинани сотиб, Фотиманинг тўйини ўтказдик.



Тўғоннинг орзуларини васиятдек қабул қиласди-у, уларни амалга оширдим. У «Худо хоҳласа, фарзандларимнинг тўйларида Қаҳрамон Дадаев кираверишда чилдирма қалади, Шер (Шерали) 9-қаватда туриб куйлади», деб орзу қиласди. Ўғлим Ҳусанинг тўйида шундай қиласди. Шерали Жўраев куйлади, Қаҳрамон Дадаев доирасида жўр бўлди».

«...Иш, унвонлар ўз йўлига. Аёл баҳти – муҳаббатда. Муҳаббатсиз у кемтик бўлади. Сиқилсан ё хурсанд бўласам, Тўғон билан гаплашаман. Айниқса, бетоб бўлганингда билинар экан. Тўғри, фарзандларим отасининг ўрнини билдирибасликка ҳаракат қилишади. Лекин улар ҳамма вақт ҳам бунинг уддасидан чиқишиолмайди. Шундай пайтларда Камолонга йўл оламан. Қабристон жисм-жисм эмасми, хаёлан У билан дардлашаман, руҳим енгил тортади. Юрғанимда елкасини, ҳатто нафасини сезиб турман. Бироқ бу камлик қиласди, Тўғонжонсиз ўзимни ёлғиз сезаман...»

Мана 24 йилдан бери унинг ёди, гўзал хотиралар билан тирикман. Аввало, Худонинг паноҳида, кейин азиз фарзандларим, санъатим суюнчидаги армонлардан ғолиб келиб яшаётган аёлман...»

Дилфузা РАҲМАТУЛЛАЕВА,
(Ширин Азизова билан бўлган сұхбатдан)
«JannatMakon» Август/2006



ШИРИН АЗИЗОВА

(1940—2006)

Агар йил фасллари тўртта бўлса, аёлнинг минг битта фасли бор, деса ишонинг. Бу ҳақ гап. У кези келганда сувни симириб, тош келса кемириб, бу ёруғ оламда ўзидан сўнг яхши она ва аёл деган номни орттириш учун тиришиб-тирмашиб ҳаракат қиласди. Биз бундай аёлларга баъзида ташбиҳ бериб, «Мард аёл» деган сўзни ишлатамиз.

Ўзбекистон халқ артисти Ширин Азизова мана шундай «мард аёл»лардан бири эди.

Унинг болалик йиллари Бухоро вилоятининг Фиждувон туманида ўтган. Ёшлигидан ўгай ота қўлида улфайган Ширин Азизова ҳаётдаги бор қийинчиликларни кўрган. Ҳаёт уни ўзининг энг қайноқ қозонида қайнатган. Ёшлигидан театр ва кинога ихлоси баланд Ширин Азизова катта шаҳарга келиб, катта актёр бўлиш нияти бор эди. У бу орзусига астойдил эришиш учун тиришиб-тирмашиб изланди.

Тошкент Давлат санъат институтини 1961 йили тугатиб, 1964 йилгача Наманган театрида ишлаган. 1968—1987 йиллар Тошкентдаги Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида, 1987 йилдан Ҳамза театри актрисаси бўлган ва ўзининг ижро этган турли-туман лирик, драматик образларининг ҳаётийлиги ва саҳна нутқининг мукаммалиги билан ажралиб турган. Унинг ижро этган энг яхши образлари: Холисхон («Холисхон»), Сора («Ишқ қурбонлари»), Майсара («Майсаранинг



иши»), Рохила («Биринчи муҳаббат»), Мұхаббат («Үн саккиз ёшлигим»), Нози («Баҳс»), Ўзбекойим («Ўткан қунлар»), Тамара («Жар»). Шунингдек, «Ўзбекфильм» киностудияси фильмларида суратга тушган.

Шоир Сергей Есениннинг шундай сатрлари бор: «Бу дунёда армонсиз одам бечоралар ичра бечора...» Хўш, Ўзбекистон ҳалқ артисти Ширин Азизованинг бу ҳаётда қандай армонлари бор эди, умуман, у бу ёруғ оламдан нималарни армонлаб кетди экан? Ҳа, баъзида у ҳам бошқа аёллар сингари нафасини ичига ютиб, унсиз, ҳеч кимга сездирмай йиғлагандир. Унинг ҳам ҳамма аёллар сингари нималардандир кўнгли тўлмагандир?

Фотима Режаметова (қизи):

«Яратган эгам ҳаммани бу ёруғ оламда нима биландир сийлайди?
Шахсан мени ҳам одамийликда, ҳам машҳурликда машҳур инсонлар, тўғрироғи, ота-она билан сийлаган. Бунинг учун мен тақдирга минг шукрлар қиласман. Чунки бу икки инсон менинг ҳаёт ўйлимдаги ҳам устозларим, ҳам ота-онам. Тўғон Режаметов ва Ширин Азизовалар. Агар ҳаётда мен нимагаки эришган бўлсан, албатта, ота-онам туфайли бўлган. Бу қуш уясида кўрганини қиласди, деган гапнинг ростлиги ҳамдир. Ҳар доим роль бажарганимда ва образ яратганимда менинг кўз олдимда мана шу инсонлар туради».

Ўзбекистон ҳалқ артисти Мурод Ражабов хотирлайди:

«Ҳар бир инсонни ҳаётда ўз кумирлари бўлади. Шахсан менинг ҳаётдаги мана шундай ҳавас қиласдиган инсоним бу Ўзбекистон ҳалқ артисти Ширин Азизова эдилар. Улар роль бажараётган пайтда мен энди иш бошлаган ва саҳна олдида туриб, ҳамма катта актёрларни кузатар эдим. Мана шундай пайтларда, албатта, Ширин Азизовага ҳавас қилганман. Ёдимда қолгани у ҳеч бир ролга нисбатан шунчаки, эрмак ва қизиқиши учун қарамас эди. Кўриб турган томошабин бу нарсани, албатта, сезар эди. Сезигина қолмасдан, балки унга тан берар эди. Бу ажойиб жуфтлик кўп умр кўришимади. Лекин ҳар бири, таъкидлаш жоиз бўлса, ўзига хос ўринга эга бўлди ва ўзига хос из қолдириб кетди».

Зуҳриддин Режаметов (ўғли):

«Онам бу ёруғ оламни тарқ этганларидан сўнг биринчи кўз олдимдан улар биз фарзандлардан ва шахсан мендан рози бўлиб кетдилармикан, деган хаёл ўтди. Биласизми, бу жуда оғир нарса. Чунки ҳар доим мени



олдилариға чақириб, сенга ўзим истаган каби ёрдам бера олмадим-да, деб хұрсаниб құяр әдилар. Мен нега ундаі дейсиз, менинг ҳамма нарсам борку дердим. Ійк, болам, сен бош фарзанд бүлганинг учун ҳамма нарсаны муҳайё қила олмадим. Худо хоҳласа, албатта, мен буни қиласаман, дердилар. Менинчә, мана шу нарса уларга армон бўлиб қолди. Лекин менга армон бўлган нарса шуки, ҳали съемка, ҳали repetиция деб ҳамма вақт ҳам мен онамнинг олдиларида бўла олмадим. Ҳалигача шу нарса менга армон бўлиб қолган. Укам Ҳусан ва Фотималарга жуда меҳр билан қарагандилар. Чунки улар жуда эрта отамдан етим қолишиди. Ота-онамни мен эслайман, ҳамиша олдиларида болалар шишиаси ва каша қайнатадиган маҳсус идишлар бўларди. Командировкаларда улгайиб, театрларда суюгимиз қотган бизларнинг. Шунинг учун ҳам ҳалигача бирор-бир роль яратишга тўғри келиб қолса, ота-онамнинг роллар устида ишлашлари ва уларнинг ижодим ҳақидағи фикрлари мени қизиқтирасар әди. Мана шу икки юқ ҳамиша мени сергаклантириб турарди».

Агар эътибор бериб қарасанғиз ёши бир жойга бориб қолган қариялар, илоҳим, мен сендан олдин кетай деб қўйишиади. Балки бунинг замирида ҳам нимадир бордир, албатта. Илоҳим, қариган чоғимизда биз ёшларга ҳам мана шундай саодат насиб этсин.

Ширин Азизова

ҲАМИША АРДОҚЛИ

Жүссаси кичиккина, ҳаракатлари жуда тийрак, бир ишга киришдими, охирига етказмай қўймайдиган, чечанлиги, ваъдасининг устидан чиқа олиши билан атрофдагиларига ҳам суюнч бўла оладиган аёл. У ўзбек кино ва саҳна санъатининг етакчи актёрларидан бири Тўғон Режаметовнинг суюкли рафиқаси бўлган. Ўзи бир талай образлар яратиш асносида, қанча-қанча тақдирларни «бошидан ўтказибди-ю, ўзининг қисмати ҳам бир асар учун сюжет бўла олишини ўйламабди.

Бухоро вилоятининг Бўстон қишлоғилик ўқитувчи Азиз Мирхонов орзиқиб кутган тўнгичини кўлига олар экан, қизалогининг ҳаёти тотли ўтсин дея, унга Ширин исмини қўйди. Бироқ тўсатдан бошланган уруш навқирон отани қизининг саодатли лаҳзаларини кўриш бахтидан маҳрум қилди. Отасини йўқотиш нечоғлиқ машъумлигини қизча улғая борган сари кўпроқ ҳис қила бошларди. Айниқса, унинг ёшгина онаси Бўрихоним, эридан қора хат олгач, шу қишлоқлик новвой Раҳмонга турмушга беришгани, унинг ҳаётида кўп нарсани ўзгартириб юборди. Қизчанинг рангин олами бирдан хира тортгандек бўлди, энди у ўз орзулари ила андармон бўлиб улғая бошлади.

У мусиқани яхши кўради. Қани энди битта скрипкаси бўлса-ю, мириқиб куй чалса. Бир куни бу орзусини онасига айтди. Бироқ, онасининг эътирозидан сўнг, бу ушалмайдиган орзу эканини билди. Энди ҳовли четидан оқиб ўтадиган ариқ лабига бориб ўтириб, кўшиқ ҳиргойи қилиб, ўзини овута бошлади. Кунларнинг бирида буни ўгай отаси кўриб қолди-ю, ундан эшитадиганини эшитди... Роса йиглади.

Лекин кўнглидаги санъатга бўлган меҳрни жиловлай олмади. Кинофильмларни томоша қилиш-ку, жону дили. Кунларнинг бирида қишлоқ клубида «Дайди» фильмини кўрсатишиди. Ундаги Раж Капур ижро этган кўшиқ қизга жуда ёқди... Кўшиқ матнини шу заҳоти ёдлаб ҳам олди. Унинг яхшигина куйлашини мактабдагилар ҳам билишади. Бирор бир тадбир унинг қўшиқларисиз ўтмайди. Одатдагидек, бу гал ҳам у ўзи ўқийдиган синф номидан саҳнага чиқадиган бўлди. Ширин ижро этмоқчи бўлган қўшиғини байрам кунигача сир тутди. Ўша куни укасининг кийимларини яширинча уйдан олиб чиқди-да, саҳнага ўғил бола қиёфасида чиқди ва ашула бошлади:

«Авараҳум,xo, авараҳум, нағиши мина...»

Кўшиқ охирига етганда, зални қарсак, қўйқириқ овози тутиб кетди. Бир куни у аъзо бўлган мактаб драма тўгарагида «Алишер Навоий» спектаклини саҳналаштиришга киришдилар. Ширинга Гули роли тегди. 14 ёшга энди қадам қўйган, орзулари бир дунё қизча қаҳрамонининг нозик қалби изтиробларини шунчалар табиий ижро этдики, ҳатто адабиёт ўқитувчиси Аҳмад ака томошадан сўнг уни бағрига босиб: «Сен, албатта, Тошкентга боришинг, актёрлик касбини эгаллашинг керак», деган эди. Шунда қизча биринчи бор Тошкентда актёрлик касбига тайёрлайдиган олийгоҳ борлигини билди.

Орзулар сари йўл...

Мактабни битириш арафасида вилоят бўйича ўтказилган танловда Ҳалима Носированинг «Чаман ичра» қўшигини ижро этиб, голиб бўлди. Натижада Тошкентдаги Зобитлар уйида буҳоролик бадиий ҳаваскорлар иштирокидаги концертда иштирок этиш имкониятини қўлга киритди. Бу унга Театр ва раскомлик институтига ўқишга кириш учун қандай ҳужжатлар керак бўлишини билиб олишда ҳам қўл келиб қолди.

Бироқ ҳавас ва имкониятлар ҳамма вақт ҳам тўғри келавермаслиги ҳаммага аён. У буни кўнгил тубидаги ниятини онасига айтганида билди. Тўғри, она эмасми, уни ҳам тушуниш мумкин, қизини узоққа юборишдан қўрқади. Бироқ асосийси бу ҳам эмас, балки...

Ким билади, Раҳмон ака ўғайлиги учун эмас, балки ҳаётий қарашларига кўра Шириннинг қизиқишлиари, унинг интилишларини тушунишни истамаганидамикин? Балки унинг, қиз болани вақтида «эгаси»га топшириш лозим, дейдиганлар тоифасидан экани сабабдир. Ҳар ҳолда оиласда бир сўзи икки бўлмайдиган Раҳмон акага билдирамай, Бўрихон бир иш қилди: имтиҳонлар бошланишига бир неча кун қолганда қизининг қўлига 50 сўм тутқазди-да, «Бу пул кўп, қайтишингга ҳам етади», дея вокзалга олиб бориб, поездга чиқариб юборди.

Ким билади, онаизор балки Ширин ўқишга кира олмай қайтиб келади-ю, ҳамма нарса жойига тушади, деб ўйлаганмиди ёки қизининг тақдирни ўзиникидан бошқача бўлишини хоҳлаганмиди, ҳар нечук, у биринчи бор эрининг раъйига қарши борганди.

...Ширин эрта тонгда вокзалга келиб тушди-ю, аввалига перронда туриб қолди. Одамлар у ёқдан бу ёққа чопади. «Катта шаҳар, одамларнинг ташвиши ҳам катта шекилли?» Унинг хәёлидан ўтган биринчи фикр шу бўлди.

Чошгоҳга яқин институт ҳовлисига кириб борди. Унинг ётоқхонага жойлашишига ёрдам беришди.

— Имтиҳонлар уч турдан иборат бўлиб, дастлабкиси актёрлик маҳоратидан эди. Институт ректори Холида Дўстовна: «Қизим, сиздан артист чиқмайди, вақтни ўтказмай бошقا институтга боринг», дедилар. Йиғлаб юбордим. Ҳовлига чиқиб, қайси юз билан қишлоққа қайтаман, деб ўйланиб, дараҳт соясида ўтирсам, бир



домла чиқиб қолдишар. У киши: «Қизим, күп ўиглама, кейинги турларга тайёрлан», дедилар. Кейинчалик билсам, у киши Раҳим ака Сайфутдинов экан. Құз ёшларым комиссия азсоларининг күнглини юмшатиб юбордими, ҳар қалай улар имтиҳонларни топширсинг, синааб күрайлик, дея ректорни күндирисишибди. Омадим келди. Институтта қабул қилиндим.

Үқишлар бошланды. Ширин берилиб, завқланиб ўқиб юрган пайтларида уйдан, онасидан хат олди. Ўгай ота қизини ўзбошимчалик билан Тошкентга жүнатиб юборгани учун Бўрихонни тўртта боласини олдига солиб, уйидан ҳайдаб юборибди. Буни эшишиб, қизнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. Охири устозига «ёрилди». Режиссер Тўла Хўжаев Ширинни дикқат билан тинглади-да, «Энди, қизим, сенинг асосий вазифанг онангнинг юзини ёруф қилиш, санъатда из қолдириб, ўгай отангга ниятларинг пок эканлигини исботлашдир», деди.

Қишки сессия бошланди. Унга Молюғиннинг «Қизчалар ва ўғил болалар» спектаклидаги Фариба роли топширилди. Онаси ўлган етим қизча тақдирида ўзига ўхашликлар борлиги сабабми, ҳар нечук унинг ижроси табиийлиги ва самимийлиги билан кўпчиликка ёқди. Уни табриклаганлар орасида курсдоши, институтнинг энг хушсурат йигити Тўғон ҳам бор эди. Шириннинг кўзлари унинг нигоҳи билан тўқнашди-ю, юрагининг тубида илиқ бир ҳис хаприқандай бўлди. Йигит муваффақият билан қутлаб, қизнинг қўлини қисиб қўйиш асносида, нимадир деди. Биринчи суҳбатлариёқ жуда қовушди. Суҳбат орасида Тўғон уни кинога таклиф этди. Шундай хушсурат йигит унга эътибор қаратади деб ўйламаганди. Ширин таклифдан ўзини бироз йўқотаётган бўлса-да, буни сездирмади. Уларнинг муносабати жуда самимий эди. Ҳар иккаласи ҳам ётоқхонада туришади, кўпинча, бирга дарс тайёрлашади. Орадан кўп ўтмай Тўғон унга кўнглини очди.

— «Тошхўжга Хўжаевни худди «пиримиздек» кўтардик. Мен унга дилимдагини тўкиб солардим. Аҳволимни билардилар, шунинг учун ҳам

биорор марта стипендиясиз қолдирмасдилар. Устоз менинг Тўғон билан муносабатларимизни кузатиб юрар экан. Бир куни Тўғонни ёнига чақириб, «сен албатта бу қизга уйлан, у сени баҳтли қиласди», дебдилар. Ким билади, бу ҳам бир сабаб бўлдими, 1961 йилда тўйимиз бўлди. Мелис Абзалов гувоҳлик қилди.



ЗАГСга боришга машина топшымади, автобусда бордик. Лекин никоҳ күйлагим жуда чиройли эди. Уни Москвадан олиб келгандим. Тўйдан кейин уйимиз йўқ, гоҳ квартира, гоҳ киностудияда, кейинчалик Наманган театри грижхонасида яшаб юрдик. Ўглимиз Зуҳрийдин туғилди. Болам икки ярим ёшга кирганидан кейин мен ёшлар театрига, Тўғонни Ҳамза театрига ишга таклиф этишди».

Ҳаёт сўқмоқлари...

«Ўлмас Умарбеков, Латиф Файзиевларнинг таклифига кўра Ҳамза театрига ишга ўтдим. Бу даврда театр бўлинган, унинг репертуарини кўтариш керак эди. «Куёв»да келин, «Нажот истаб»да аёл, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ида Ўзбекойим, «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома»да Жаннатхон сингари қиёфаларни яратдим.

Саҳнада ижро этган ролларим рўйхатига қараб, талабалик даврида устозимнинг саволларига берган жавобим рўёбга чиққанини ҳис этаман. Ўшанда устознинг «Келажакда ўзингизни қайси образларда кўрасиз?» деган саволларига «Мен фақат бошқа қаҳрамонлар қиёфасини яратаман», деганимда ҳамма кулиб юборган эди. Тўғри, Офелия, Тўмарис образларини яратса олмаганим—армоним. Бироқ Холисхондан тортиб, Майсара, Ўзбекойимгача ўйнадим, бу менинг баҳтим. Саҳнада қалби пора аёллар ролларини яратдим. Уларнинг тақдирига кирдим, дардларига шерик бўлиб яшадим. Баъзан саҳнада дарё-дарё кўз ёши тўксам-да, улар аслида ўзимники эди. Бироқ бу ҳолатлар юракка юк бўлар экан ва инсон бўнга чидай олмай қоларкан. Балки шунинг учун ҳам актёрлар ёш кетар... Актёрлик—яҳши маънодаги телбалик...»

У фарзандларининг ҳам саҳнадаги тақдирни шундай масрур бўлишини истайди. Тўғри, уларнинг ижроларидан ҳамма вақт қониқа-вермайди. Баъзилардек «ёқди ё ёқмади», деган сўзлар билан кифояланмайди. Балки ҳар бир фикрини далиллаб беради. Шунинг учун ҳам фарзандлар унинг маслаҳатларини қадрлашади. Лекин ҳали бирор марта нурийдадларига «Зўр ўйнадинг» демаган, «яҳши, бўлади» билан кифояланади. Буни фарзандлар ўзлари учун энг юқори баҳо, дея эътироф этишади.

— Қизим биринчи танқидчимсиз, дейди. Бироқ фикримни уларга боғлаб қўйгим келмайди. Фарзандларим ҳам касбимизни танлашганидан баҳтиёрман. Набираларим ҳам изимиздан юришини истайман. Фақат яҳши актёр бўлишса, бас.

Бутун борлигинги саҳнага багишиласанг, шон-шуҳрат ўзи ортингдан қувиб келавераркан. Мен орденлар ҳам, унвонлар ҳам олдим, бироқ улар мени унчалик қизиқтиргмайди. Мен учун асосийси роллар. Баъзан орзу қилган ролларимни ўйнолмаётганим мени изтиробга солади. Ахир, Гоголева, Тарасовалар 100 ёшга кирганди ҳам саҳнада ўйнаган. Қарилукда гап кўп. Ёшлик ҳусн, ҳиссият,



Гурур билан ўтса, кексаликда уларни топа билиш мушкул, кексалик донишмандлыги билан ютади. Кассонанинг «Дараҳтлар тик туриб ўлади» пъесасида буви ролини ўйнадим. Актёр умрининг охиригача ўйнаши мумкин бўлган образ... Афсус, хасталик менинг саҳнага чиқишимга тўсқинлик қилмоқда. Ўйнамасам қарз бўлиб қолаётгандекман. Ким билади, агар бугун ўйнасам, бошқачароқ ижро этармидим?..

66 ёшга кирганимни тан олгим келмайди.

Секин ортга қараб ёшликни қўмсайман, ижодни истайман...»

Актрисанинг сўзларидан унинг юрак тубидаги армонлари кўплиги сезилади. Бироқ уларни у ҳаммага очавермайди. Шунинг учун ҳам «Бахтлимисиз?» дея берилган саволларга, «Бахтлиман, фарзандларимни тўғри тарбиялай олдим, ажойиб роллар ўйнадим, увонлар олдим, одамлар танишади, дардларигача бўлишиб, фикрим билан қизиқишиди. Қўлимдан келганда мушкулотларига аралашаман. Бундан ортиқ баҳт борми», деб жавоб беради-ю, қалби тубидаги сирларини, армонларини яширгиси келади.

«Қалбимнинг тубига ҳеч кимни йўлатмайман. Сирларим бор, юрак қатидаги армонлар... Ким билади, дард билан келганман, дард билан ўтаман, шекилли...»

Актёrlикда севинчли онлар ҳам, қайгули дамлар ҳам кўп бўлади. Буни келинлар ҳам, фарзандлар ҳам тушунмайди. Бундай дамларда ижод билан овунаман. Оиласдан ололмаган меҳрни томошабинлардан оламан.

Ушбу суҳбат Ширин Азизованинг энг сўнгги интервьюси бўлиб қолди...

*Дилфузা РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«JannatMakon». Август/2006*



ФАРЗИДДИН ФАЁЗОВ

(1941–2004)

Ўзбекистон халқ артисти Фарзиддин Фаёзов 1941 йил Тошкент вилоятининг Фазалкент туманига қарашли Нанай қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни битирганидан сўнг Тошкентдаги театр ва рассомчилик институтига ўқишига киради.

Бу ерда санъат дарфаларидан сабоқ олиб, ўзига хос йўлдан бориш учун астойдил изланади ва халқнинг назарига тушади.

Фарзиддин Фаёзовнинг шогирдларидан бири, соҳир овоз соҳиби Боир Холмирзаев билан Ўзбекистон халқ артисти Фарзиддин Фаёзов ҳақида суҳбатлашамиз.

Устозингиз билан илк учрашув қандай бўлган?

Боир Холмирзаев: Устозим билан илк маротаба театрда учрашганмиз. Худди ўша лаҳзалардан бошлаб у кишининг этакларидан маҳкам ушлаганман, чунки шогирднинг қандай камол топиши устозга боғлиқ бўлади.

Сизга ўхшаб кетишиларини сезганмисиз?

Б.Х.: Ҳа, бу ҳақда кўп бора айтишган, ҳаттоқи ота-болага чиқарип ҳам қўйишган.

Негадир мен шу инсонни фақат салбий ролда кўргим келади. Гарчи



у кишини ҳаётда мулойим инсон экан-ликларини билсам ҳам.

Б. Х.: Йўқ, мен сизнинг бу фикрингизга қўшилолмайман.

Ростдан ҳам у киши ҳаётда ўта мулойим, самимий ва қатъиятли, берган вавдасини устидан чиқадиган бир сўзли инсон эди.

Шахсан сизнинг Фарзиддин Фаёзовнинг тан берадиган томонлари нимада?



Б. Х.: Мен у кишининг кўп томонларига тан бергим келади. Агар билсангиз, бу инсоннинг худо берган истеъоди ва тўйларга ишлатмаган овози бор эди. Мисол келтирадиган бўлсам, у кишини кўп бора тўйларга таклиф қилиб келишарди, улар «мен актёрман, ўртакаш эмасман», деб рад қиласдилар.

Боир ака, фақат яхши инсон бўлиш қийин-ку, тўғрими? Одатда, биз журналистларга сизлар бўрттириб гапирасизлар, дейишади.

Лекин сиз ҳозир устозингиз Фарзиддин Фаёзовнинг фақат яхши хислатларини гапириб ўтдингиз.

Кинорежиссёrlар ва шу соҳа вакиллари бу инсондан етарлича фойдаланмаганлар десам қўшиласизми?

Б. Х.: — Билмадим жуда кўплаб роллар ижро этганлар. Видеофильмларда суратга тушганлар. Аммо у кишининг истеъодидан тўла фойдалана олишмаган.

Бу инсоннинг ички олами нимагадир очилмай қолгандай назаримда?

Б. Х.: — Ҳа, фикрингизга қўшиламан. Бу кишининг ички олами ўта мураккаб ва бой эди. Хуллас, бу инсоннинг номи катта ҳарфлар билан ёзиладиган бетакрор шахс.



Фарзиддин Фаёзовнинг қайси роллари Сизга кўпроқ ёқади?

Б. Х.: Муқимий номли театр саҳнасида ижро этган «Хонума хонум»да Князь, «Шайтон ва мурид»да Шайтон, «Нурхон» спектаклида Бой, «Рожа» спектаклида Рожа менга кўпроқ ёқади.

Дубляж соҳасида, мультфильмларда ҳам уларнинг овозларини эши-тамиз.

Б. Х.: Ҳамма болажонларимизга таниш бўлиб қолган «Қирол ва Шер» мультфильмida Скарга овоз берганлар.

Бу ёруғ дунёда энг арzon ва beminnat tarқatiladigan bir ne'ymat bor. Bu — meҳr. Mehringizni va muhabbatinjizni bir-birinjizdan aymang.



ХОЖИАКБАР НУРМАТОВ

(1944—2007)

Замин ўзининг кенг бағрига жарликлар, бир уюм тупроқдан иборат дүнгликлар билан биргаликда қояларни сиғдирганидек, олам күзгуси — саҳнанинг ҳам бир ҳамлада забт этса бўладиган тепаликлари-ю, саркаш қоялари бор.

Қоялар — само билан сирдош, барча кўргиликларга гувоҳ, ўз сукунатига гарқ бўлган улуғвор қоялар!.. «Қоялар — жим турган буюк ҳақиқат».

Қачонгача барча сирларни юрагингизга тугиб келасиз?

Мен ҳар гал Уларни тингламоқчи бўлганимда, шоирнинг ҳазин овозини эшигтгандек бўламан:

Кел менинг ёнимга, меҳрибон дўстим,
Кел, эй, ҳасратлашиб олайлик бир дам.
Ёшлик ҳам тарк этиб кетди-ку рости,
Тарк этиб кетгандек дунёни одам...

Қани, астагина қўйиб бер менга,
Аргувон бодага термулайин жим,
Ўнда жилва қиласр ажисб аланга,
Ўнда ичилмаган менинг ёшлигим.

Актёрнинг баҳтили кунларини эслатувчи суратлар осилган мўъжаз хонада оғир сукунат ҳукмрон эди. Сигарета чўғига термулганча ҳорғин оҳангда у жимликни бузди:

Х. Н. Гарчи андиша қилаётган бўлсангиз-да, мендан норози бўлаёт-ганингизни сезиб турибман. Кўзларингиз «Ҳожиакбар ака, икки марта оғир дардни бошдан кечирган бўлсангиз, хаста юрагингизни яна азобга қўйиб нега чекяпсиз?» деб айтапти. Лекин сизнинг бу эътиrozингизга менинг баҳонам тайёр. «Жон қизим, сиқилганман, мени ёлғизлик еб ташляяпти, қолаверса, қирқ беш йилдан бери чекаман» деб жавоб бераман. Кўрдингизми, одамзод ўзини оқлаши учун ҳамиша баҳона тайёр. Ҳаммасига шўрлик шайтон айборд. Ахир мен қандай қилиб сизга «иродасизман» деб айта оламан. «Аллоҳ шу кўргиликларни пешонамга ёзган бўлса, айбим нима?» дея гўёки ўзимизни виждан азобидан кутқармоқчи бўламиз. Кечирасиз, ўша пешонангизнинг орқасида ўлаш учун Тангри мия ҳам берган. Агар кимдир бизни ранжитгудек бўлса, дарров кўкка ёлворамиз «Эй Аллоҳ, шунинг жазосини бер» дея. Лекин ким ҳақ эди, деб бир зум ҳам ўйламаймиз.

Ж. М. Гапларингизни эшитиб туриб, Римма Аҳмедованинг «Юрагинг уриб турар экан, хато қилавераркансан, фақат ўлимгина хатоларингта нуқта қўяркан» деган сўнгти икрори ёдимга тушяпти.

Х. Н. Ҳм... Шафқатсиз ҳақиқат. Ўйлама дейишади. Қандай қилиб ўйламай бўлади? Ўйламаслиknинг иложи бўлса, илтимос, менга айтинг? Ахир, мана шу ўйларим билан тирикман-ку!

Ж. М. Хўп, ўйлаб-ўйлаб тугуннинг ечимини тополдингизми?

Х. Н. Афсуски, йўқ... Фақат бойлик, ҳашамат, шон-шуҳрат ҳеч нарса эмаслигини англаб етдим. Шу нарса керак эмаслигини била туриб, қанчадан-қанча одамларнинг бурнини қонатиб бўлса-да, курашасан. Менимча одамзоднинг мана шу кемтиклиги туфайли дунё барҳаётдир. Олам инсонларнинг ожизлигидан, заифлигидан озиқланади. Табиатнинг оддий ҳақиқати – микроблар йўқ жойда ҳаёт ҳам бўлмайди.

Ж. М. Кечирасиз, ўзимнинг хатоларим, деб нималарни айта оласиз?

Х. Н. Аллоҳ кечирсин-у, балки дунёга келганимнинг ўзи хатодир. Гоҳида касб танлашда хато қилгандирман, деб ўйлаб қоламан. Кўпгина ролларимдан кўнглим тўлмайди. Аксарият ҳолларда хато қилмасликка уриниб хато қилганман. Юрагимдаги ички исёйларни босиш илинжида ўшлигимни шаробга қўшиб ичиб юборганман.

Ж. М. Ўшандаги исёйларингиз босилдими?

Х. Н. Аксинча, йиллар уларни ярага айлантириди. Саволларим ҳанузгача саволлигича қолиб кетяпти.

Ж. М. Балки ўз ихтиёрингиз билан театрни эрта тарк эттанингиз ҳам яна бир хатоингиздир.

Х. Н. Йўқ. Аслида бу ҳаётимдаги энг оқилона қарор эди. Ҳамма соҳада ҳам ўз вақтида кета билиш – энг тўғри йўл. Шундай вазиятга келиб қолганники, мен бўлсан ҳам, бўлмасам ҳам театр ҳеч нарсани ютқазмас эди. Одам ўзининг имкониятини тўғри чамалай билиши шарт. Негаки мени улғайтирган даргоҳга эндиликда ўзимни, юрагимни



багишлай олмас эдим. Бу мен учун ҳақиқий фожиа. Шунинг учун ҳеч қачон афсусланмайман. Саұна ва саұна ортидаги муноғиқтіктерден толиқиб кеттан юрагимни асрашим керак эди.

Ж. М. Шундай бұлса-да, театрға боргингиз келса керак, ҳеч курса, у ердаги ижодий жараёнлардан хабардор бўлиш учун...

Х. Н. Спектаклар премьерасига таклиф қилишади. Лекин боролмайман. Бинони күрганимдаёқ бўғзимга аччиқ йиғи тиқилади. Кўз ёшлиларимни яширомаганим учун менга телбага қарагандек қарашлари кўнглимга оғир ботади. Чунки улар менинг ички саволларимга ҳеч қачон жавоб беролмайдилар. Юқори лавозимда ишлаб юрган одам бирдан амал курсисидан ажралса, қандай аҳволга тушишини билмайман, чунки менда ҳеч қачон мансаб бўлмаган. Бироқ ўзинг учун азиз бўлган жойга бегоналашиб қолиш, даҳшат. Боши берк кўчага эмас, вакуумнинг ичига тушиб қолгандек бўламан. Чиқиб кетиш учун ҳеч қанақа йўл йўқ. Бақирасан, ҳеч ким эшитмайди. Йиғлайсан, кўз ёшинг чиқмайди. Куласан — лабинг қимирламайди. Саҳнадан узоқлаштган саринг, у ўз қадрини ошиаркан. Фақат ўтмишни, Баҳодир (Б. Йўлдошев) билан ишлаган кезларимни эслагандагина кўнглим ёришади. Афсус, актёр юрагининг каловини топадиган бундай режиссерлар жудаям кам. Бу — биз актёрларнинг баҳтсизлиги. Санъатнинг ҳақиқий лаззатини тотган актёр учун театрнинг номи, шон-шуҳрати ҳеч қандай қийматга эга эмас. Агар у бир театрдан иккинчи театрға ўтса, театрнинг нуфузи учун эмас, режиссер учун ўтади. Шунинг учун ҳам актёрга театр деб аталган куруқ ҳашамат эмас, режиссер керак. Айни пайтда спектакль томоша қилиш учун фақат Набининг (Ёшлар театрининг режиссёри Н. Абдураҳмонов) театрига боргим келади. Ўзимизнинг актёрлар-



дан хафа бўлган томоним, улар ижоднинг мاشаққатли завқини тушунишмайди. Ролга мутеларча ёндашади, меҳр билан эмас. Чунки режиссура йўқ. Режиссура бўлмагандан кейин актёрнинг имкониятларини чархладиган репетеция ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Эфрос бекорга «Репетиция менинг муҳаббатим», деб айтмаган. Бунинг учун режиссёргининг ёши муҳим ҳам эмас.

Бир вақтлар Петербургдаги Горький театрни ёпилиш даражасига тушганда ўш йигит Товстоногов бош режиссёр бўлиб келади. Ҳаттохи, катта артистлар бу режиссёрга ишонмасдан

театрни тарк этишади. Унинг театрга келиб биринчи қилган иши Станиславский системасига таяниб, асар қаҳрамонларига мос актёрларни топиб, ўшалар билан ишлайди. У шу йўл билан дунё миқёсига чиқкан. Бугун ўша асос бузилияпти. Бизникилар яқин йўл орқали манзилга тезроқ боргиси келяпти. Томошабоп қилиш мақсадида дуч келган одамга роль бериб, кўзни мойлаб ташлашяпти. Ҳеч қанақа ҳолат йўқлигидан Шекспир билан Шиллернинг сўзига осилиб, уларни майдалаштириб юборишяпти.

Қадди-қомати келишган, ташқи қиёфаси Гамлетга ўшаб кетадиган актёр унинг сўзларини равон ёдлаб олса-да, саҳнада 15 дақиқа юргандан кейин унинг Гамлет эмаслиги аниқ бўлади. Чунки актёрнинг ўзи ижро этаётган қаҳрамонининг ҳақиқатларига ишонмайди. Унда Гамлетникideк исёнкор юрак, уйғоқ руҳдан асар йўқ. Актёрдан талаб қилинаётган нарса юрак, ўйнаётган ролига ҳалол муносабатда бўлиш.

Гамлетнинг шундай гаплари бор:

*Эй юрак, сен тинч тур,
Ақлга эътибор бермоқ керак,
Ақл, сен тезроқ ишла,
Ва нима бўлаётганини ҳал қил.*

Демак, «воҳ-воҳ» билан бўум-бўш ҳавони ларзага келтириб, оғзидан кўпик чиққунча бақириш, йўқ жойдан сохта ҳаяжон ясаш шарт эмас. У актёрларни ўйлашга, фикр юритишга ундаётган.

Бир нарсага ҳайронман, ўртамиёна спектаклларга содда томошабиннинг тушишини, уларнинг олқишлиарини қай бир маънода тушуниш мумкиндир. Улар ўз номи билан ҳам оддий ва содда одамлар. Лекин кўра-била туриб, ёмон сиектаклни зўр деб мақтаётган, халқнинг соддалигидан фойдаланиб, санъатнинг орқасидан нон ейдиганларни

умуман кечиролмайман. Хўп, агар тўғрисини айтишдан андиша қилса, ҳеч бўлмаса сукут сақлаб, ёлғон гапиришдан ўзини тийсин.

Санъатни чучмаллик ўлдиради. На аччиқ, на ширин. «Кўрса бўлади, ёмонмас» дегани спектаклнинг ўлганидан дарак беради. Бунақа томошаларга умуман тушмаслик керак. Томошабинни ҳайратлантиромаган, унинг еттинчи туйгусини уйғотолмаган спектаклнинг яшашга ҳаққи йўқ! Кино, дубляж – ҳаммаси ўз йўлига, лекин театр менинг кемтик жойимга айланниб қолди.

Ж. М. Назаримда, бутун санъатни асл соғлигича ва юксак даражада асрар қолиши мумкин бўлган саҳна аристократияси, яъни маданий аслзодалик оқсаётгандек.

Х. Н.: Ҳа, ана энди бир-биrimизни тушундик. Аслида, Ўзбек Миллий академик театри саҳнаси мен учун бегоналашувининг энг оғриқли томони ҳам шунда. Бугунги актёрнинг мақсади, қандай қилиб бўлмасин, тўйлар орқали бўлса-да, тез танилиш. Алам қиласидигани шундаки, ўша шовқин-сурон базмларда ҳам академик театрнинг номи роль йўнайди.

Ҳозир ижоддан ҳам кўра «Эл хизматида юриш» биринчи ўринга чиқкан. Агар тўй билан спектакль бир вақтга тўғри келса, ролнинг оёғини осмондан қилиб тезроқ ўйнашга ҳаракат қилишади. Энг ёмони шуки, тўйлар актёрнинг сирини ўғирлайди. Санъаткор сифатида унда одамлар кашф этиши мумкин бўлган ҳеч қанақа сир қолмайди. Негаки, ширакайф одамлар билан юзма-юз туриб гапирасиз. Улардан пул чиқиши учун бетингизни сидириб, бор маҳоратингизни ишга соласиз. Имкониятларингизни яланғочлашга тўғри келади. Айтайлик, мен даврани бошқаряпман. Одатда, шеърни сокинлик билан, кўнглим учун ўқийман, нимани ҳис қилсан, ўшани чиқараман. Лекин оммавий базмларда бундай ўқиб бўлмайди. Ҳеч ким эшитмайди. Энди мен:

Ойдин эди бу кечা!!!

дея кераксиз жойларига ургу бериб, ўзимча жимжимадор оҳангга солиб, қизариб-бўзарганча, бақириб ёки йиғлоқилик қилиб ўқийман. Тамом. Лирика ўлди. Шеър аслини, сехрини, ифорини йўқотди. Бора-бора бу «халтура» мен учун одатий ҳолга айланади. Тўйларда классика деярли ўқилмайди. Даврадаги маст-аласт одамларга мослаб, ўшаларга етиб борадиган нарсаларни ўқийсан. Улар сенинг эмас, сен уларнинг диди билан ҳисоблашасан. Табиийки, кейинчалик асл санъатни тушунолмайсан. Чунки руҳинг ундан узоқлашган.

Шеърий тўпламларнинг ичидан ҳам даврабопларини излай бошлийсан. Агар актёрнинг табиати заифроқ бўлса, кийиниши, диди, умуман, фаросатига шикает етади. Бу санъаткор учун ҳази-

лакам йўқотиш эмас. Яллачию отарчиларнинг нуқси уриб кетган қиёфа билан тарихий шахсларни, уларнинг оналари ёки ёрини саҳна ва экранда гавдалантириш гуноҳ. Умуман, тўйлар санъаткорнинг қиёфасини бузиб, унинг юзига ўз муҳрини босади. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиома!

Актёрнинг миллати бўлса-да, миллийлик қобигида қотиб қолмаслиги керак. Бўлмаса, у ҳар қанча грим қилиб, парик кийса-да, саҳнада ўзбекча севги изҳор қилиб, ўзбекча йиглайди. Бу ролнинг муваффақиятли чиқишига халақит беради. Бундай ҳолат, айниқса, актрисаларимиз ижросида яққол сезилади. Актёр Чеховда рус, Шекспирда инглиз, Тагорда ҳинд, Кассонада испан бўлиши, турли халқлар қиёфасига кира олиши шарт. Токи режиссёр юмшоқ пластилиндан турли шаклларни ясагандек, ундан турли қиёфаларни ясасин.

Саҳна ва экранларни синчиклаб кузатсангиз, яна бир қизиқ ҳолатга гувоҳ бўласиз. Аллоҳ томонидан берилган нуқсонларимизни сотамиз, хомсемиз бўлсак, қорнимизни атайин қимирлатамиз. Чунки томошабин қийқириб чапак чаляпти. Ниҳоят, томошабинга яқинлашиш илинжида, ҳаётий қиласиз деб, саҳна билан биргаликда санъаткорнинг ўзи ҳам бўйнигача турмуш икир-чикирларининг жирканч ботқогига ботиб кетди.

Ж. М. Афуски, бу жараёнда энди у ҳамма нарса бўлиши мумкину, лекин санъаткор эмас.

Х. Н. Албатта, айтганингиздек, саҳна аристократияси нафақат театрда, ҳатто концерт залларида ҳам йўқолиб кетди. Хонанданинг саҳнадан пастга тушиб кўшиқ айтганча, томошабинлар кўлидан гул териб, улар билан ачом-ачом қилиб юриши бу маданиятсизликдан бошқа нарса эмас. Улар шу орқали ҳам «Қаранг, мен қандай яхшиман» дея олқишини тортиб олишмоқчи бўлишади. Томошабин сени бир бора бўлсада, кўришга зор бўлиши керак.

Мени қандай тушунасиз билмадим-у, кўриб турганингиздек, ёлғизман. Уйимнинг олдида чойхона бор. Маҳалла эркаклари гурунглашиб ўтиришади. Кўпинча, оқсоқол чойхонага чиқмайсиз, деб мендан ранжийди. Бир-икки марта оқсоқолнинг кўнгли учун, менсимаяпти демасин, деб чиқдим. Мени кўришлари билан ўзаро гаплашиб ўтирган маҳалладошлар сұхбатларининг мавзуси ўзгаради. Саволлар бошланади: «Фалон актрисанинг эри борми, қизиям артистми?» Улар учун бу нарсалар қизиқлигини тушунаман. Шунинг учун ҳам, ноилож бош қимирлатиб ўтираман. Кейин сұхбатлашиб руҳим завқланмаса, кўнглимнинг чигиллари ёзилмаса, ўзимни алдаб нима қиласман, деган фикрга келдим. Ўз ўй-хаёлларим, гаплашадиган мавзуум бор. Шахсан мен тўғри келган одам билан гаплашиб, ҳамма билан улфат бўлиб кетолмайман. Табиатим шунаقا. Агар мен ҳақимда ўша эркаклар «Ҳа, Ҳожиакбар акаям ўзимизга ўшаган содда одам экан» дейишса, бу мен учун яхши баҳо эмас. «Ҳожиакбар aka оддий инсон» дейишса, бу бошқа

гал. Артистни оддий халқдан ажратиб турадиган ўз хаёли, оҳанрабоси бўлиши керак.

Ж. М. Нима деб ўйлайсиз, сизни санъатдаги кемтикликлар толиктирдими ёки шахсий ҳаётингиз?

Ҳ. Н. Агар тарози палласига қўядиган бўлсанм, икки томон ҳам босиб кетади. Аввал ишим, кейин оиласам... Лекин менинг ягона таскиним шуки, саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам ҳалол яшашга ҳаракат қилдим. Икки томонга ҳам хиёнат қилмадим. Виждоним олдида покман. Ролларимнинг ижроси қай даражада чиққани томошабин ҳукмига ҳавола. Англашимча, қаҳрамон бўлиб, олқишиларга кўмилиб юриш шарт эмас. Лекин ҳар куни ҳалол яшаш шарт. Асосан, фикримга тазийқ ўтказишларидан кўп эзиладим. Энг зарур вақтда яқинларингнинг бефарқлиги ҳам дилингни оғритади.

Ж. М. Муқаддас китобларда ёлғизлиқдан ҳам ўз насибангизни олинг, деб ёзишган.

Ҳ. Н. Ёлғизлик бирор-бир жумбоқни ечолмаганингда керак. Агар шуғулланиб турадиган бирор-бир машғулотинг бўлмаса, ёлғизлик сени синдиради.

Билмадим, кимдир:

Болалар билан ҳаёт имдай ҳаёт, Инсонлардек ўлим,

Боласиз ҳаёт Инсонлардек ҳаёт, лекин имдай ўлим,

деб ҳақ гапни айтган. Умрингни болаларингнинг ташвиши ўғирласа-да, хор бўлмасдан ўлим топасан.

Бирор режиссер фильмига таклиф қилармикин ёки рекламага бўлсада чақиравмикин, деб куни бўйи телефон кутасан. Гап машҳурлик ёки ундан келадиган даромадда эмас. Муҳими, сени эслашларида.

Санъат оламидаги ўзингга ҳамфир одамлар билан мулоқот қилишинг учун ҳам шулар керак. Ахир, артист кўчада писта сотадиган одам билан дардлашолмайди-ку! Жавлон Ҳамроевнинг қабр тошида «Ўлимдан қўрқмайман, унтутилиб кетишдан қўрқаман» деб бежиз ёзилмаган.

Актёр ҳеч кимга керак бўлмасликдан, унтутилиб кетишдан қўрқади. Унинг баҳти ҳамиша ўзининг керак эканлигини ҳис қилиб яшашида. Шу боис ёлғиз қолищдан қўрқади. Йўқса, ўзингни профессионал жиҳатдан тушиб кетаётгандек ҳис қиласан.

Ж. М. Суҳбатларнинг бирида «Мен юбилейимнинг нишонланишини аклимга сифдиролмайман» дегандингиз.

Ҳ. Н. Сиз саҳнадасиз, юзлаб нигоҳлар термулиб турибди. «Сизни ҳамма севади, фалон ролларни маҳорат билан ижро этгансиз, санъатимизда тутган ўрнингиз бекиёс» каби одатдаги сўзлар билан олқишилашади. Агар сизда заррача виждон бўлса, бу муболага гаплардан кейин қандай қилиб табассум қиласиз. Ваҳоланки, менинг овозим ҳаммага ҳам ёқавермаслигини биламан.

Айниңса, күнглинг түлмаган ролинг ҳақида гапирса, «дод» деб юборгинг келади. Бу одам күпчиликнинг олдида менинг устимдан қуялтими, деб ўйлайсан. Айнан «Хожиакбар Нурматов ҳалол ва ажойиб инсон» деган одамнинг ўзи менинг фирромликларимга гувоҳ бўлган бўлиши мумкин. Бунинг учун ёлғонларга кўмилиб, терга ботиб ўтиришинг керак.

Мухлислар гувоҳлигига ўтган йилларга назар ташлаб, ижодингни сарҳисоб қиласидиган кунни бутун умр орзу қиласан. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бутун бошли умримга татийдиган энг қувончли, азиз кунимга қандай қилиб ёлғон аралаштирай. Ўша дам мен учун энг покиза, қайсири маънода икрорларимни айтадиган, мухлисларим рўпарасида бетимдаги гринмларни артиб, неча йиллик ниқобимни йиртиб ташлайдиган, сохта мулоzаматлардан холи, фақат ўзимнинг ролимни ҳалол ўйнайдиган кечам бўлиши лозим. Кимларгadir ўша мақтоллар керак. Мен уларни ҳам тушунаман. Шунча иш қилдим, ҳаётга бир марта келаман, ўзим ҳақимдаги яхши гапларни эшишиб қолай дейди. Бу ўзингни алдашдан бошқа нарса эмас.

Телевизорда кўрсатган эди... Ҳозир ҳам эсласам, юрагим титрайди. Маҳобатли черков. Италияликларнинг кўзларида ёш... Буюк Феллини билан видолашишяпти. Тобутни кўтаришганда минглаб одамлар бошини кўйи эгганича қарсак чалишади. Улар ўзларининг Феллиниси билан шу тарзда хайрлашади. Бунинг рамзий маъноси шундаки, Санъаткор энг сўнгги чапакни, олқишини ўзи билан олиб кетсин. Мени ҳайратлантиргани шундаки, черков узра янграган чапакларда чексиз САМИМИЯТ ва ЭҲТИРОМ бор эди...

Ж. М. Ҳожиакбар ака, кимдир ҳаётга муҳаббат деб қарайди, яна кимдир меҳнат, сизнингча ҳаёт нима?

Ҳ. Н. Ҳаёт бу – дард. Дард бўлмаса муҳаббатинг ҳам сохта. Муҳаббат дард билан гўзал. Мен тўйни хуш кўрмайман, лекин висолгача бўлган жараён, изтироблар мен учун қадрли. Шу маънода баҳтлиманикки, бир инсон кечириши мумкин бўлган изтиробларни бошимдан кечирдим. Куйиш керак бўлса куйдим... Энг буюк туйғу муҳаббатнинг оғриқларини танамдан ўтказганман. Инсонни кўкларга кўтарувчи ҳақиқий, соф муҳаббатга ўқувчилик йилларимдаёқ дуч келдим. То театрга ишга киргунимча унинг ҳаёли билан осмонларда учиб юрдим. Ерга қулаб тушаман деб ҳеч ҳам ўйламас эдим. Лекин мен танлаган йўл унга етишишим учун тўсқинлик қилди. Оғир ботгани шундаки, наҳотки мен билан ҳаётини боғла-





моқчи бўлган аёл қасбимни ҳурмат қилмаса?! Мен учун бундай бўлиши асло мумкин эмас эди. Ўшанда жудаям тушкунликка тушганман. Оғир йўқотиш бўлса-да, ҳатто У учун ҳам ўз ҳаётий тамойилларимни буза олмас эдим. Уни ўтган йили қишида кўрдим. Ахволи яхши эмас. Ҳаётидаги жудоликлар эзib ташлаган. «Дадам рози бўлмагандилар», деб айтди. Мен ҳеч нарса демадим. Чунки энди у мен учун олис йилларимнинг эртагига айланган эди.

Биласизми, одатда, артистларни хотинбозлиқда, аниқ бир оиласи йўқликда айблашади. Айниқса, бу ҳолат рус актёрларида кўп учрайди. Мен уларни қораламайман, аксинча, уларнинг мураккаб қисмати олдидা бош эгаман. Улар санъатни ўз ҳаётига айлантиrolган фидоий артистлар. Бизнинг актёрлар оиласини рўйиқ қилиб саҳнага хиёнат қилиши мумкин, лекин улар хиёнат қилмайди. Шунинг учун ҳам, улар маҳорати билан биздан анча устун туради. Ҳатто ижод учун оиласини ҳам курбон қилиб кета олади. Агар хотини унинг ишига халақит бергудек бўлса, гарчи фарзандлар бўлса-да, елкасига костюмини ташлаганча уйдан чиқиб кета олади. Санъат шунақсанги худбинки, фақат уни севишининг хоҳлади. Артистга унинг мана шу телба муҳаббатини қадрлайдиган елкадош керак. Баҳтим — Раъононинг санъатни тушунганилигига, ўқимишлилигига эди. Унинг бардоши туфайлигина мен ҳаётда фақат битта аёл билан яшадим, оиласи бўлдим. Аёлим ҳеч қачон «қаерда эдингиз, қачон келасиз, нега кеч қайтдингиз?» деган мазмундаги саволлар берган эмас. Мени шу даражага етказган Раъононинг муқаддас хотираси олдидা ҳамиша бош эгаман. Раҳматли фақатгина сўнгги йиллар, касал бўлгандан кейингина рашқ қила бошлади. Бирорта аёл



телефон қилгудек бўлса, бояқиш титраб кетар эди. Мен унинг дардини ҳис қиласдим, имкон қадар турли шубҳалардан аягим келар эди. Бироқ энг қизиги, у мени саҳнада ѡеч қачон кўрмаган. Ишларимнинг ҳаммасидан хабардор бўлардию, лекин театрга боришни хоҳламас эди. Кейинчалик тушунсам, у азбаройи оиласи мустаҳкам сақлаш учун бормаган экан. Негаки, актёрнинг рафиқаси сифатида ўзини турли гумонлардан асрариси келган. Тасаввур қилинг, саҳнада турмуш ўртоғингиз чиройли актрисанинг қўлларини кўксига босганча, эҳтирос билан шивирлаб севги изҳор қилипти. Табиийки, актёрнинг шўрлик рафиқаси бунақанги ҳароратли гапларни деярли эшифтмаган. Бу ҳолат менимча, ҳар бир аёлнинг дилига ғашлик солса керак. Ўйлаб қарасам, ҳаётимнинг энг оловли, қайноқ йиллари, ёшлигим йўлларда ўтибди. Ижодий сафарларга ойлаб кетардим. Сафарда бўлмаган вақтларим ҳам яrim кечаси бир аҳволда, чарчаганча уйга кириб келардим. Умр ҳам шу тарзда физиллаганча ўтаверди. Бу шамолли

йиллар, жазирама йўллар ўзининг оташи билан бизни тез қаритди, кучимизни жуда эрта тортиб олди.

Ж. М. Есенин «Бу дунёда армонсиз одам бечоралар ичра бечора» дейди...

Х.Н. Армон... изҳор қилинмаган муҳаббат... етолмаган манзиллар, ўйналмай қолган роллар... Унинг иккинчи номи Вақт. Мен умр бўйи вақтнинг орқасидан қувдим, уни ўзимга бўйсундирмоқчи бўлдим. Лекин у мени ютиб юборди, мағлуб этди, оқибатда янчди... Умримнинг ўлчови менинг измимда бўлганида эди... баъзи бир лаҳзаларни қанчалик кўп чўзсан, бошқа дамларни кўзимни чирт юмиб, қулоқларимни беркитганча ўшанчалик тез яшаб ўтардим.

Оилам армон бўлиб қолмаслиги учун, у кишининг олдида кўпроқ бўлишим керак эди. Аёлимга кўнглимни ёриб, менинг ҳаётимга у қанчалик керак эканлигини айтольмаганим армон... Ратьонинг сўнгги кунлари эди. Кўчага чиқолмасди. Ишга кетаётганимда музқаймоқ егиси келаётганини айтди. Қайтаётганданда, албатта, олиб келаман, деб ваъда бердим. Куним дубляж ва суратга тушиш майдончасида ўтди. Қоронгу

тушганда толиқиб уйга қайтдим. Эшикдан кириб келганимда, у менинг күлларимда ҳеч нарса йүқлигини күрди... Вақт ўтган сари бу яра юрагимни кемириб ташлаяпти. Сизга бу оддий ҳолдек туулар, лекин ҳаёт ўзининг шафқатсиз қиёфасини мана шу изтиробларда ҳам кўрсатаркан...

Ж. М. Балки сизнинг ҳаётингиз ва ижодингиздаги зиддиятлар кескин қатъи-ятингиз сабабидан бўлса керак. Бироқ гоҳида ҳар қанча оғир, катта йўқотиш бўлмасин, инсоннинг ўз принципларидан ҳам чеки-нишига тўғри келади, дейишади.

Ҳ. Н. Шахсан ўзимнинг манфаатим учун принципимдан чекинмаганман. Лекин менинг ҳаётимдан ва мен қадрият деб билган нарсаларданда қадрли, азиз инсонлар — онам ва боламнинг азият чекмаслиги учун қайсиdir маънода чекинганман. Менинг тушунчаларим шу одамлардан азизми? Менимча, инсон ўзи учун номаъкул бўлган, ўзининг табиатидан йироқ нарсани принцип қилиб олмайди. Сиз бирор-бир ҳақиқатни ўзингизга қонун қилиб олишингиз учун ҳамма жараёнларни ўзингиздан, шуурингиздан ўтказиб, ақлан мукаммал даражага етказасиз. Қани, қанча вақт шу ҳақиқат билан яшай оласиз? Ўлгунингизга қадар шу юкни кўтара оласизми? Шундагина сизнинг кимлигингиз, асл қиёфангиз кўринади. Биламан, принципларим билан кўп нарсани ютказишим мумкин. Ютқазгандарим шу принципимни ушлаб туришимга арзийдими?

Арзиса ҳам мен ҳақиқатимни, агар жигарларим озор чекмаса, ушлаб турман. Иродамни шу орқали тоблайман, қачонгача дош бериншини синайман. Бунинг ёмон жойи йўқ. Кўп йиллар давомида сенга ҳамроҳ бўлган принципдан юз ўгириш, бу ўзингдан воз кечиш, демакдир.

Бир куни бир журналист дўстимиз беихтиёр санъат ҳақида gap бошлаб, Ҳожиакбар Нурматов билан боғлиқ бир воқеани эслади: «Бир неча йил аввал Бош мұхаррирнинг топширигига кўра, мамлакат миқёсида нишонланаётган расмий маросим муносабати билан Ҳожиакбар Нурматовнинг қутловини ёзиб олишим керак бўлди. Актёр билан боғланиб, мақсадимни айтдим. Бир оз жимлиқдан сўнг у киши: «Укам, мен нимани ҳис қиласам, ақлим нимага етса, шуни гапира оламан, холос. Ундан ортиғига кучим етмайди. Такли-фингизни қабул қилолмаганим учун мени кечиринг. Сиз мени тушунарсиз деб ўйлайман...» Тўғриси, актёрнинг бу жавобидан гангид қолдим. Чунки мен ундан бундай жавоб кутмаган эдим. Ахир мам-





лакатимиздаги йирик марказий газета уни чирошли суратиу сүзлари билан биринчи саҳифасига чоп эттамиз, деб турган бұлса-ю, бу киши рад этсалар. Ҳеч құрса, у бошқалардек, «Энди ўзингиз убуларни құшиб тұғрилайсиз-да», деганда ҳам бу биз учун одатий ҳол эди. Гарчи у менинг таклифимни рад этгандыктын үчүн раҳбаридан бироз дақки әшитган бұлсам-да, ўшандан кейин бу инсонга бошқача күз билан қарай бошладим...»

Одамзод ўзининг ҳаёттій дастурига амал қилиб келаётгани

учун ҳам башарияттинг бу күхна араваси ўз йүлида давом эттепти. Зеро, ҳар бир инсон ўзича бир олам. Ҳар бир инсоннинг ҳам бир-бирини тақрорламаган ўз ички қонуулары бор. Ұлғайғанинг сари сенинг ҳақиқатларинг ҳаёттинг төмір қонууларига тұқнаши келади, ёлғонлари билан кесишади. Шахсни Шахс қыладыған изтироб мана шу тұқнашувнинг сархил меваси бұлса керак. Шу изтироб сизни үлғайтиради, оломонлашиб кетишингизга йўл қўймайди.

Негадир санъаткорнинг кўзидағи ёшлар, уларнинг пастга қараб думалаши менга абадий жазога маҳкум этилган афсонавий Сизифнинг харсанг тошини эслатди... Наҳотки, чўққига чиқолмай сарсон бўлган бу машбуум тош ҳануз думалашда давом эттаётган бўлса!

*Иқбол ҚЎШАЕВА,
«JannatMakon», декабрь—январь,
2006—2007*



РАВШАН СОЛИХОВ

(1946—2007)

«Яхши инсон эди раҳматли». Бу инсон умрига берилган энг юксак баҳо аслида. Ана шундай чинакам инсон сифатида яшаб ўтган чин инсон РАВШАН СОЛИХОВ эди.

Айтишларича, чуқур қолдирмаган ҳар кандай из учар эмиш. Зеро, яшамоқ фақат нафас олмоқ эмас. Балки ҳаракат демакдир. Ҳаракат эса бу сенинг бедор тунларинг ва ҳаловатингни азобларга алиштиришингдир. Равшан Солиҳов мана шундай чинакам ижодкорлардан эди.

Саҳнадаги партнёри Ботир Мұхаммадхұжаев хотирлайды:

«Бу ёруғ оламда ҳамманинг ўз ўрни бор. Аммо Равшан Солиҳов феномени олдида мен ҳамиша бош әгаман. Бу инсон чин маънода саҳна учун яралган инсон эди. Тинмай ўз устида шиларди. Импровизацияси кучли эди. Ундан саҳнада нур таралар эди. Бу нур унинг партнёрига ҳам борар эди. Қаршиисида рол бажараётган инсон доим унинг чехрасига маҳлиё бўлиб, роль ичига шўнгигб кетарди. Ҳар бир театрнинг ўзига хос актёрлари ва бетакрор инсонлари бўлади. Муқимий номидаги мусиқали драма театрнинг мана шундай актёрларидан бири Равшан Солиҳов эди. Баъзида учрашувларга борсак, бу актёрни кўрган муҳлислар ўз-ўзидан кулиб кетаверишишар эди. Чунки у мана шундай комик актёр сифатида ҳамманинг ёдида қолган эди-да».



Актёрнинг шогирди Алишер Отабоев хотирлайди:

«Одатда, ҳар бир инсон ҳақида айниқса, у бу ёруғ оламни тарк этиб кетгандан кейин, доим у ҳақида яхши гапларни гапиришади. Лекин Равшан Солиҳовни тирик чогида ҳам ҳеч ким ёмонламаган. Уни билган барча инсонлар бу гапимни тасдиқласа керак. Бу одам шунақанги камтарин, болафеъл одам эди. Бунақанги одамлар камдан-кам дунёга келади. Мен доим у кишининг ёнларида бўлганман. 30 йилдан бери бу одамни биламан. Тўғрисини айтсам, бу инсон ичидা бир дард билан кетди. Энди айтиб бўладиган гаплар бор ва айтиб бўлмайдиган гаплар бор...»

Армонингиз борми? Юзланасиз суҳбатдошингизга. У сизга армонларни тахлаб ташлагани етмагандек, кўзларига ёш олиб дилингизни симобдек эритади. Начора, ҳаёт шундай оқ ва қора ранглардан иборат.





Аммо ишонинг, тундан кейин, албатта, кун келади. Демак, сиз яна ўша армонлар ичida шўнгигиб яшайверасиз.

Унинг опаси Машхура Солиҳова:

«Ўзи билар отамдан жуда эрта етим қолдик. Рағшан ўғил бола бўлгани учун ҳаётнинг ҳамма оғир ва енгили унинг бўйнида қолди. Эзилиб ўсди. Аммо жуда фикри тийран ва доно эди. Ҳамма нарса тезда унинг эсида қолар эди. Ҳаттоқи бир воқеа бўлган: Синфда ўртоғи билан дарсда гаплашиб турганида уни устози турғизиб сўраса, ҳаммасини айтиб берган. Ўртоғи оғиз ҳам очолмаган. Шунда унинг устози қойил қолиб, худо хоҳласа, сендан келажакда катта инсон чиқади, деб башорат қилган экан».

Унинг турмуш ўртоғи Дијором Солиҳова:

«Биз ўзимизнинг қисқа умримиз давомида жуда сермазмун умр кечирдик. Улар оиласа мөхрибон, болалари учун жуда ибратли ота эдилар. Ўйдан кирган ва чиққан пайтларидаги ҳар доим кулиб, хушчақчақ юрар эдилар. Бирга юрган пайтларимизда одамлар уларни кўриб кулиб юборишар эди. Ҳар бир роль ҳам, одатда, ўша санъаткорнинг ўзидан келиб чиқади аслида. Бу инсон ҳам худди шундай бегубор инсон эдилар. Минг афсус, биз инсонлар ҳамма вақт ҳам инсонларнинг омонат ва ғанимат эканлигини англаб етавермаймиз. Худди яна сен у билан минг йил бирга яшайсан. Ҳамма нарсага улгурасан. Ана шу сенинг миянгда қотиб қолади. Ҳақиқатдан ҳам хом сут эмган бандамиз-да. Мана, ҳозир уларни йўқотганимиздан сўнг энди уларнинг қадри билингяпти. Айни болаларини бўйи етиб, тўйлар қиламиз, деганимизда кетиб



қолдилар. Начора, илож жүйк. Энди ёлғизлик нима эканлигини биляпман назаримда. Тұрмуш ўртоги бор аёлларга айтадиганым: Тұрмуш ўртотингларни асранглар, улар үйнинг чироги. Сұңг үйлар нұрсиз, ҳаёт эса файзсиз бўлиб қолар экан.

Ҳаёт ўз-ўзича яхшилик ва ёмонлик ҳам әмас. Сиз уни нимага айлантиришингиз ўзингизга боғлиқ. Оддий кунларни байрамона ва байрамона кунларни азага айлантириш ўзингизда қолган гап. Нега дейсизми, чунки ҳар бир инсон бу ёруғ оламда ўз билганича яшайди. Атрофдагиларини боқий ва барча нарса шундай бўлиши керак қабилида яшаб ўтишади. Бу фоний дунёни икки марта берилмаслигини билиб туриб ҳам бир маротаба яшай олмайдиган инсонлар бор орамизда. Зоро унутмайлик: Умр ғанимат ва омонат. Ва кўрсатув шиорига айланган ҳақиқат тиригимиизда бир-биrimизни авайлаб-асрайлик.



РУСТАМ ҲАМРОҚУЛОВ

(1953—1989)

*Кулгу қалб қўшиғи, дил ободлиги,
Ақлу заковатнинг қувонч-шодлиги.*

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Ҳамроқулов кулгусевар ҳалқимиз қалбидан чуқур жой олган. У бу соҳани жону дилидан севиб, ҳаётининг бир бўлаги деб биларди. Унга шунчаки эрмак ёки тирикчилик манбай деб қарамаган. У ҳамиша соф ўзбекона, заминий кулгуларни қидириб, ҳалқниг ўзидан олиб ўзига совға қиласарди. Шунинг учун ҳам у кириб келган давраларда нур ва чин маънода кулгу-хурсандчилик кириб келарди.

Рустам Ҳамроқулов 1953 йил август ойида Намангандан вилоятининг Поп туманида дунёга келган. 1970 йил ўрта мактабни тутатиб, шу иили Островский (ҳозирги Маннон Уйғур) номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг драма ва кино актёрлиги фақулетини тутатади. Шу йиллар орасида тил ва адабиёт ўқитувчиси Мавжуда ая билан турмуш қуришади.

Бугунда у ижро этган барча асқия ва ҳангомалар мухлисларнинг ўлмас маънавий меросига айланган. Чунки унинг кулгуси остида ижтимоий юқ бор эди. Инсон нима учун кулаётганини бир зум ўйлаб, сўнг яна шу ҳақда чуқур ўйлаб кўтаради. Худди шу маънода у ижро этган барча асқиялар маънан, руҳан тарбиялаган.

Рустам Ҳамроқуловнинг рафиқаси эслайди:

«Ҳақиқатдан ҳам у киши нафақат саҳнада, балки ҳаётда ҳам хуш-чақчақ инсон эдилар. Ҳаётдаги оддий бир ҳолатлардан ҳам улкан шодлик ясай олардилар. Ҳеч қачон бирорни гийбат қўлганиларини эшитмаганман. Шунинг учун ҳам ҳамма ерда ишлари юришиб кетарди. Бабзидা мен хафа бўлиб ўтирган бўлсан: «Эҳ, онаси, ҳаёт бизни эмас, биз ҳаётнинг устидан кулиб яшашимиз керак», деб мени чалгитардилар. Энди ўйлаб қарасам, бу инсон ҳаётнинг арзимаган икир-чикирини ўзларига олмасдан, фақат қувноқликни, шўхлик қилишини ёқтирган эканлар ва бутун оила аъзоларимизни ҳам шундай тарбиялаганлар. Шу қисқа умр ичидан ўзларидан кейин шодлик ва қувноқлик ҳайкалини қуриб кетдилар. Менимча, инсоннинг чинакам баҳти ҳам шунда бўлса керак.

Мен бу инсонни фақат умр ўйлдошим бўлганлиги учун эмас, оддий бир инсон сифатида ҳам худди ана шундай таърифлаган бўлардим. Бегона одамларнинг дардини ҳам ўйлаб юрадилар. Бабзидা: «Ўзингизни ўйла-сангиз-чи, — деб койиб берардим. — Онаси унақа худбин бўлма, агар сен фақат ўзингни яхши кўрсанг, унда сенинг одамийтигинг қаерда қолади», дердилар. Кимлар учундир бу гаплар баландтарвоз, қуруқ гаплар бўлиб тую-лиши мумкин. Аммо ростдан ҳам улар шунақа инсон эдилар.

Яна бир нарса: бу дунёда ота-она фарзанд учун улкан баҳтидир. Икки ўғлим ва қизим отасининг ўзгинаси. Айни пайтда ҳам отасининг изидан бор-моқда».

«Ота-она фарзанднинг бу ёруғ дунё-даги улкан баҳтидир. Биз қанчалик ҳалқнинг ичига кириб борган бўлсак, буларнинг барчасининг замирида отамнинг меҳнатлари борлигини ҳис эта-миз, — дейди **Самандар Ҳамроқулов**.

— Катта давраларда, улкан саҳналарда, мана Рустам Ҳамроқуловнинг ўғиллари келяпти, деса, бу бизга қанчалик фахр бўлса, шунчалик маъсулият ҳамдир».

«Мен Рустам Ҳамроқулов ҳақида гапирганда унинг асқия санъати тари-хида ўз ўрни, ўз овози бор қизиқчи деб биламан, — деган эди кулгу дарга-ларидан бири **Хожибой Тожибоев**. — Унинг санъати ҳеч кимникига ўхша-





масди. Сұзға жуда чечан әди. Ҳар қандай жиіддій даврада ҳам у ўша аудиторияни күлдіра оларды. Қизиқчининг асосий санъати ҳам шунда. У халқынг дилидаги нарсаны қытиқлад топиб оларды ва унинг қалбіда таҳланыб ётған дардни күлгі жүли билан күнглидан чиқазарды. Шунинг учун бұлса керак, халқымиз ҳали-ханузгача бу инсоннинг номини унұтмаган. Унұттайди ҳам».

Искандар Ҳамроқұлов хотирлайды:

«Отамнинг номлари ҳали-ханузгача унұтталғани йүк. Бунга менинг ишончим комил. Чунки биз баъзи давраларда ўтирганда отанғиз айтған асқиядан бұлсын, деб қолишади. Шундан мен биламанки, демек, отам Рустам Ҳамроқұлов айтған асқиялар ҳали-хануз одамларнинг қалбидан, юрагидан жой олған экан. Менимча, инсон барxaёт-лигининг сири ҳам шунда бұлса керак. Рұх инсон жисимини тарқ этиши мүмкін, аммо унинг рұхы ҳамма вакт халқынг қалбіда, яқынларнинг юрагида бұлади. Мен ишонаманки, ўзбек халқи отамни ҳеч қачон унұттайди. Чунки отам мана шундай яхши инсон әділар.


Халқынг дардини топиши ҳам жуда қыйын нарса. Чунки турлы инсонларнинг дардлари түрлича бұлади. Уларнинг ҳам қалбіни тушуниб, дардини гапириш, бу инсондан анча машаққат талаб қиласы. Чунки құшиқчи құшиғини айтқиб чиқиб кетиши мүмкін, аммо асқиячи ынғылған халқни күлдіриши керак. Чунки у фақат шу учунгина сағнага чиқади. Отамиз бу нарсаны чин маңнода удалағанлар. Шунинг учун ҳам ҳалигача халқ қалбіда. Кейин



айтишларича, отам саҳнага чиқишдан олдин саҳнани ўтиб, тавоғ қилиб чиқарканлар. Бунинг сири ҳам ўзгача. Шунинг учун ҳам саҳна у кишига ҳеч қачон панд бермаган».

Хақ гап. Рустам Ҳамроқұлов деб эълон қилиниши билан бутун халқ құзғалиб кетарди. У чиқмасдан туриб руҳан күлгига тайёрлашарды ўзларини. У күрениши билан оқ халқ гулдурос қарсаклар билан кутиб оларди. Гарчи унинг вақти тугаган бўлса ҳам халқ уни қўйиб юбормасдан «яна бир жуфт бўлсин», деб талаб қиласарди. Рустам Ҳамроқұлов асқиячилик мактабини яратган кулгу усталаридан бири эди. Лекин тақдир экан, қисқа умр кўрди.

*Яхши инсон яшаб ўтди десалар,
Шу ҳам бир ҳикмат-ку, кетар чоғингда.
Демак, бекор ва бесамар яшамай,
Недир қолдирибсан ҳаёт bogида.*



ХОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ

(1955–2008)

Ўзбек қизиқчилик санъатида ўзига хос мактаб яратиб, миллионлаб кулгисевар мухлислар қалбидан жой олган улкан истеъдод соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоев санъат оламида ўзидан ёрқин из қолдириди...

КУЛГИ БИЛАН ВИДОЛАШУВ

Биз Ҳожибой ака билан узоқ йиллик қадрдан дўст эдик. Кулги ҳақида, кулги санъати хусусида ва унинг бетакрор ижоди борасида узоқ суҳбатлар курганмиз. У изланувчан, ижодий меҳнатдан асло чекинмайдиган, одамларни кулдиришдан чарчамайдиган заҳматкаш кулги устаси эди.

Ҳожибой Тожибоев кулгини ҳаётдан, одамлардан олиб, яна одамларга беминнат ҳадя этган кулги боғининг ниҳоятда маҳоратли боғбони эди. Кулгини севар, ардоқлар ва юксак даражада қадрларди. Шу боис у яратган ҳангомалар мухлисларнинг ўлмас маънавий мулкига айланди. Одам нима учун кулаётганини бир зум бўлса-да, ўйлаб кўриб, юраги кулги «изтироб»и билан ёнарди. Шу боис ҳам Ҳожибой Тожибоевнинг ижоди мухлисларни маънавий жиҳатдан тарбиялашда юксак аҳамиятга эга. У одамни кулги билан тарбиялаш, руҳан поклаш мумкинлигини яна бир бор исботлаб берган санъаткор.

У гапирмасдан, оддий қараш ва мимикалар билан күлдира оладиган улуф комик эди.

Ҳожибай Тожибоев сўнгги ўн йил ичидаги «Истиқлол» (олдинги «Халқлар дўстлиги») саройида икки кундан еттий кунгача якка ўзи концерт дастурларини намойиш этиб келаётган эди. Лекин муҳлислар унинг кулгисига тўймасди. Унинг кулгиси юракларга ҳаёт олиб киради, қалбларга малҳамдай ёқарди. Шу боис ҳам жамиятдаги, одам феълатворидаги камчилик ва қусурларни даволар эди. У ҳеч қачон кулгига хиёнат қилмади, кулгининг обрўйига путур етказмади, кулгини қадрсизлантирмади. Бачканга ва саёз кулгидан ҳамиша узоқ бўлди.

Энди кулги ҳам унинг номини улуғлайди, шарафлайди. Алвидо, Ҳожибай ака! Энди кулгингиз жаннатларда эшитилиб турсин!

Ашурали ЖЎРАЕВ


Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибай (*Ҳожсимурод*) Тожибоев 1955 йил 25 августда Хўжанд вилоятида туғилган. 1971 йилда ўрга мактабни тутатган. 1973–1977 йилларда Маннон Уйгур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг драма ва кино актёрлиги факультетини тамомлаган.

1977–1981 йилларда Хўжанд вилоятининг Шукур Бурҳонов номидаги Нов ўзбек мусиқали драма театрида актёр бўлиб ишлаган. 1981–1985 йилларда эса Андижон вилояти филармониясида бадиий сўз устаси бўлган. 1985 йилдан бошлаб оммавий ва катта саҳналарда маҳсус репертуарлар тайёрлаб, яккахон концертлар намойиш қилиб келган.

Ҳожибай Тожибоев қизиқчилар орасида биринчилардан бўлиб «Истиқлол» (олдинги «Халқлар дўстлиги») саройида ўзининг яккахон концертини катта олқишилар билан намойиш этди. Бу концертлар унинг ўз истеъодини, репертуарини томошабинлар имтиҳонидан қайта ўтказиши билан бирга, қизиқчилик санъатимиз нақадар бойлигини, юксаклигини ва кўп қиррали эканлигини яна бир бор исботлади. Шунингдек, миллий қизиқчилик санъатида Ҳожибай Тожибоевнинг ўзига хос ижро услуби, кулги йўли ва мактаби борлигини томошабинлар, мутахассислар ҳамда барча кулги муҳлислари эътироф этганлар.

Мирзабек Холмедов:

«Ҳожибай ака оламдан ўтди. Битта кулги дарғаси кетди. Менга акамдек эди. Битта армоним, у кишининг жасадини шу ерда ўзимиз дағн қиласли, десам, ақалари, «Йўқ, ўзининг юртига олиб борамиз», дейишди. Ким эшилса, юзига фотиҳа тортиб, «Қандай яхши инсон эди-я, деялти. Инсон сифатида бирорвга зиёни тегмасди. Оиласига, юртига садоқатли эди. Ўзи жиiddий бўлишига қарамасдан, кириб келган даврасида кулги пайдо бўларди. Ҳожибай акага тақлид ҳам қилиб бўлмасди. Сабаби,



у киши шундай – Ҳожибой бўлиб яралганди. «Ҳақиқий ўзбекнинг ўзи қизиқ, тоҳжикнинг сўзи қизиқ», дерди. Аллоҳнинг иродаси... Бирорларга жигари хаста десак, «Ичармиди?» дейди. У киши ўзини ҳурмат қиларди, ичмасди. Бу хасталик ўлимга бир баҳона-да!»

Ботир Муҳаммадхўжаев хотирлайди:

«Мен ҳайрон қоладиганим бу инсон ҳеч қачон сўзда адашмаган. Кўрқмасдан 5 кунлаб концерт берарди. Биз одам кирмай қолса-чи, бугун зал тўлармикин ишқилиб деб жонимиз ҳалак бўларди, лекин бу «ягона бўри» (уларга мен шундай ҳазирилашар эдим) қўрқмасди. 10 кун концерт берса, назаримда ҳамма яна қайта-қайта кирап миди, хуллас, билмайман. Ҳуллас, мен унинг шу томонига беш кетганиман.

Одамохун, яхши инсон эди. Шунча йил ҳалқни кулдирди. Ўз устида тинимисиз изланди. «Янги гап топсан-у, ҳалқни кулдирсан», дерди. Биз саккиз киши йигилиб, ўз ёғимизга қовуришиб концерт

берардик. Ҳожибой ака эса бир ўзи икки соатлаб концерт қўярди. Кулгили гаплари қолди-ю, ўзи энди йўқ (хўрсиниб)».

Валижон Шамшиев:

«Ҳожибой аканинг ўлими ҳақида саҳнага чиқишимидан уч дақиқа олдин эшиитдим. Ҳали ўзимга келмасимдан эълон қилишиди, саҳнага чиқдим. Сабр қилиб, ичимга ютдим, аммо бўлмади, ўиглаб юбордим. Бугун шундай галати кун. У киши тубсиз денгиз эди. Бир ҳолатни маҳкам ушлаб олиб,



томошабинни маза қилиб «чўмилтиради». Жуда мулойим гапиради. 2005 йилда концерт қўйганимда у кишини чақирмоқчи бўлганман-у, истиҳола қўлганман. Ҳожибой ака концертини диск орқали кўрган экан. «Валижон, концерт яҳши чиқибди», деб мулойимлик билан аяб гапирганди. Ҳеч қачон гина қилмасди (ўиглаб юборди). Шу одам умрининг охиригача концерт қўйди. Бу ишни ҳар ким ҳам қилолмайди. Ўзига айтсанк бўлмасмиди, шу сўзларни?...

Жойи жаннатда бўлсин! Санъаткор тобутга ўхшайди. Маййитни кўмиб бўлгандан кейин тобутни четга суриб қўйишади. Лекин Ҳожибой ака халқ қўлида қўлма-қўл бўлди. Худо хоҳласа, у кишининг ўйлани давом эттиришга ҳаракат қиласмиз. Ўзи ҳам, «одамларни кулдиришдан тўхтамаслик керак. Биз кулгининг вақтингчалик эгасимиз», дерди.

Ҳа, ҳанузгача кулгисеварлар ва шу соҳанинг мутахассислари унинг чексиз санъати олдида ҳамиша чуқур ҳурмат бажо келтириб, кўзда ёш, дилда армон, сўзларида кам ва алам билан ёдга оладилар.



Ҳа, ўзбекнинг ўзи, тожикнинг сўзи қизиқ. Аммо қулгу дарғаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоев бу икки жиҳатни ўзида мужассамлаб, ҳар икки миллат учун баб-баравар хизмат қилганлардан.

Шунинг учун бу эгизак миллат вакиллари уни ҳамиша ширин хотиралар билан ёдга олиб, ҳангомасини эшишиб, барибир, Ҳожибой қизиқ бошқача эди, деб эслашади.

Бу бир кам дунёда ҳамиша бири кам бўлиши ҳақ гап. Ўзбек қизиқчилик мактабининг бетакрор санъаткори, қулгу дарғаси, сўз устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоев 2008 йил 24 июль куни оламдан ўтди.

Уни узоқ давом этган жигар церрози хасталиги орамиздан бевақт олиб кетди. Мархумни ўзи туғилиб ўсган Хўжанд шаҳрига кузатдилар. Орадан бир неча сония ўтгач, айни ёз чилласи кунларида қаттиқ жала қўиди. Қайсиdir маънода осмон ҳам йиглаб, кўз ёш билан сўнгги манзилга кузатди. Аммо унинг руҳи ўлмайди, хотираси кулгусеварларнинг ер юзида битта вакили қолгунича яшайверади. Худди шу маънода унинг ижоди ва қулгу бобидаги улкан хизматлари абадиятга даҳлдор бўлиб қолаверади.

ОДАМДАН ШИРИН ХОТИРАЛАР ҚОЛСИН ёхуд Ҳожибой Тожибоевнинг сўнгги интервьюси

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожибой Тожибоевнинг вафот этганини эшифтган муҳлислари бир қалқиб тушгани



аниқ. Күпчилиги ишонишмади. «Машхурлар ҳақида шундай миш-мишлар бўлиб туради» дейишди айримлар. Йўқ, ўлим ҳақ экан. Ўлим келганда қайтиш бўлмас экан. Ҳожибой ака орамиздан эрта кетдилар. Вафотларидан бир неча ой олдин Ҳожибой агадан интевью олган эдик. Ҳожибой ака ҳар бир саволни диққат билан тинглар, дарҳол жавоб беришга шошилмай, яна сўраб олишдан истиҳола қилмайдиган инсон эканликларини «Бекажон» муштарийлари талабларига биноан уюштирган сұхбатимиз давомида илғаб олган эдим. Шундан сўнг Ҳожибой ака билан бир неча маротаба сұхбатлашдим ва бу инсоннинг ниҳоятда кўп ўқиган, дунёқараши теран ва бой эканлигига амин бўлган эдим. Бунинг устига жуда тартибли, босиқ инсон бўлиб, айрим санъаткорлардек «эрта келинг, индин келинг» деб тихирлик қилмасдилар. Ҳожибой аканинг отаси бир уй одамни кулдириб ўтирадиган сұхбати жонон инсон бўлган эканлар. Ўша инсоннинг ўғли Ҳожибой Тоҷибоев эса миллионлаб томошабинларнинг қадрдонига айланди, қизиқчиликни ўзи учун эрмак эмас, катта санъат, бурч деб билди, ўзбек халқининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди... Санъаткоримиз билан бўлган сўнгги интервью эди бу...

— Ҳожибой ака, юртимизда ишбилармон, тадбиркор аёллар кўпайди. Бундай аёлларга қандай баҳо берасиз?

— Ишбилармонлик, тадбиркорлик, раҳбарлик қобилияти аслида Аллоҳ томонидан берилган. Шундай аёлларимиз борки, катта-катта заводларда, фабрикаларда юзлаб, минглаб эркакларга бошлилк қиласиди. Айрим эркаклар қила олмайдиган ишларга ақиллари етади, шунга ўзларида



куч-қувват топа биладилар. Бу осон иш эмас. Шунча эркакларнинг ичидаги ишлаши мумкин, лекин йўллари, қалблари тоза. Аёллик латофатини сақлаб турадилар. Хонадонларига киргач, айримларини танимайсиз ҳам, оддийгина уй бекасига айланадилар-қўядилар. Бундай аёлларимизга қойил қолмасдан, ҳайратга тушмасдан иложингиз из йўқ. Тарихда ҳам шундай мардона аёлларимиз ўтган. Тўмарисни эслайлик. Юрт озодлиги учун эркакларни жангга бошлаган. Бибихонимни эслайлик. Амир Темурдек соҳибқирон фарзандлари тарбиясини шу кайвони, оқила аёлнинг зиммасига юклаган... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хуллас, мен юртимизда мана шундай ишбилармон аёллар кўпайишини орзу қиласман.

— Айримлар шундай аёлларни эркакшода деб ҳам аташадида?

— Бу гапга қўшилмайман. Эркакшода аёллар бутунлай бошқача бўлади. Эркакшода аёллар худди эркаклар каби сўқинадилар, ёқалашадилар, ўнта эркакнинг ичидаги ўтириб олиб бемаза асқиялар айтадилар. Яна шундай хотин-қизларимиз ҳам борки, уларга тан бериш керак. Молга ўзи қарамаса, бозор-ўчарни ўзи қилмаса, кўнгли жойига тушмайди. Уларда эркакларга хос мардлик бор.

— Ҳожибой ака, сиз концертларингизда одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқмайсиз. Бу табиатингизга хос одатми ёки залда хотин-қизлар кўп бўлганлиги учун истихола қиласизми?

— Ҳар иккаласи ҳам. «Битта ҳажвия айтгин, шундан сенинг



кимлигингни билиб оламан» деган гап юради. Томошабин жуда зукко. Оғзингиздан қандай гап чиққанлигига қараб, қандай тарбия олганнингизни билиб олади. Мен хотин-қизларимизни ҳамиша ҳимоя қиласман, концертларимда ҳам ҳазил-хузул қиласам-да, улар томондаман. Улар бизнинг муҳтарама оналаримиз, севикли опа-сингилларимиз-ку. Ахир уларда Аллоҳ берган гўзаллик бор, латофат бор. Аёл ўзига берилган мана шу хислатларни йўқотиб қўймаса, турмуш чорраҳаларида учраб турадиган машаққатларни сабр-тоқат билан енгиб ўтса, кўзлаган манзилига етиб боради. Афсус, ҳаётда тўрт танга топиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган хотин-қизларимиз ҳам йўқ эмас. Бундай аёллар пул топадилар, аммо обрўлари бўлмайди, аёллик шаънлари бўлмайди. Бундай аёллар эрнинг шўри. Эрига «Ҳа, мен олиб берган костюм-шим ярашибдими» деса, бундан ортиқ шармандалик бўлмаса керак. Бундай аёллар билан яшаш қийин. Бу сингари аёлларнинг дастидан костюмини елкасига ташлаб, уйдан чиқиб кетадиган эркаклар ҳам топилади. Аёл неча ёшда бўлишидан, қанча пул топишидан қатъий назар, топаётганини миннат қилишдан ўзини тиши, эрнинг хурмат-иззатини жойига қўйиши керак. Эри нотўғри гапирса ҳам, «тўғри айтяпсиз» деб турса, аёл шу ўринда ютади. Шу эркак ичида, барибир, аёлини тан олади, хурмат қиласди. Ишдан қайтганингизда эрингизга салом бериб киринг, чиқаётганингизда рухсат сўранг. Бу сизнинг вазифангизга киради, азиз опа-сингилларим. Мен насиҳат қилаётганим йўқ. Бор гапни айтяпман.

– Сизнингча, замонавий аёл қандай бўлиши керак?

– Замонавий аёлми?... Дейлик, қўша-қўша китоблар ёзиб, илмий ишлар қилган бўлса-да, фарзандлари тарбиясига эътибор бермаса, унинг замонавийлиги қайда қолади, қани, ўзингиз айтинг-чи? Замонавий аёл, менинг назаримда, ҳар томонлама зукко, зийрак, ораста бўлиши керак.

– Ҳожибой ака, онангизни кўргани қишлоққа тез-тез бориб ту-расизми?

– Бир оёғим ўша ёқда. Онам Шахринисо ая етмиш беш ёшдалар. Онам ҳамиша «Ҳожибой болам, сен концертлар қўясан, ҳар хил феълли одамлар билан мулоқотда бўласан, ёмон одам рўпарангдан чиқиб кайфиятингни бузса, оғзидан ножўя гаплар чиқса ҳам, сизники тўпта-тўғри дегин-да, йўлингда давом этавер. Ичингда «Сен яхши, сендан итим яхши» де, тамом-вассалом» дейдилар. Шундай инсонлар учраб қолса, «Қўлни ташланг, офарин, ҳамма гапларингиз тўғри» дейману, йўлимда давом этаман. Ёмон билан суришмаслик керак. Сукут сақлаган одам ютиб чиқади. Онамнинг паловларини, ҳамирли овқатларини, ёпган нонларини соғинаман. Борсам, онагинам тандирдан янгигина узилган нонни пақирчадаги сувга ташлаб қўядилар. Яхши кўришимни биладиларда. Маза қилиб ейман. Сўнг иккаламиз узундан-узун сұхбатлар қурамиз.

– Эру хотин ўртасида аразлар, гиналар бўлиб турди. Буни ҳаёт дейдилар. Шунда ким босикроқ бўлиши керак?

– Аёл! Ўн дақиқа тилини тийиб турса, олам гулистон. Эркаклар оловга ўхшайди. Лов этиб ёнади-ю, бирпасда учади. Лекин айрим аёлларимизнинг «чакаген»и очилмасин. Бу ҳақда латифалар ҳам айтганман-ку.

– «Бекажон» муштарий ва мухлислингизга айттар тилакларингиз борми?

– Эркаклар учун, биласизми, энг яхши тұхфа нима? Аёлининг табассум билан қарши олиши, болаларини онаси бағрида соғу саломатлигини кўриш. Рўзгордаги камчиликларни билдирамай, эрининг, болаларининг кўнглига ёқадиган ширин-ширин таомлар пишириб берадиган бекаларимиз бор бўлишсин. Ифорларингиз хонадонларингизни ширин исларга тўлдириб турсин. Аёллар учун энг яхши тұхфа нима дейсизми? Келинг, гул-пулни қўйиб турайлик, энг яхши тұхфа эрининг ўзи, «хотинжон» деган сўзи, Хўш... Оналаримиздан фарзандларининг умрини охиригача эслаб юрадиган ширин хотиралар қолсин.

Изоҳ:

Сұхбатимиздан бир неча кун ўтгач, қадрдан танишларимиздан бири «Илтимос, Ҳожибой акани танийсиз. Ўғлимни уйлантироқчи эдим. Самарқандга борармиканлар, сўраб кўринг-чи, шу инсоннинг

ашаддий мухлисиман» деб ҳолу жонимга қўймади. Минг бир истихола билан узоқ ўйлана-ўйлана Ҳожибой акага қўнғироқ қандид. Уйда эканлар, ўзлари дастакни олдилар. Тўй эгаси ҳамма шароитни қилиб беришларини, тўйга боришига вақтлари бор-йўқлигини сўрадим. Ҳожибой ака узоқ ўйлаб ўтирмаи, шундай дедилар:

– Жоним билан борар эдим, синглим. Ҳеч қачон эл хизматидан қочмаганман. Афсуски, соғлигум чатоқроқ. Узоқ йўлга юролмайдиган бўлиб қолдим.

Орадан кўп ўтмай Ҳожибой Тожибоев миллионлаб мухлисларини ташлаб кетдилар. Бу оғир жудолик бўлди...

Оғзи тўёла кулги сўз устаси, инсонларни севган, шогирдларига меҳрибон устоз, болаларини еру кўкка ишонмаган ота, ўзбек ва тожик халқининг севимли фарзанди Ҳожибой Тожибоевнинг хотираси халқимиз қалбida мангу яшайди.

*Мехринисо ҚУРБОНОВА
тайёрлади*



НАСРИДДИН РУСТАМОВ

(1955–2008)

Умр ўлчовли, ундан ҳар ким ҳар хил фойдаланади. Баъзилар ҳали вақт бор, улгурман, деган хаёлда бамайлихотир яшасалар, баъзилар эзгу ишларга ниҳоятда шошадилар, кўпроқ ишга улгурши ҳаракатида бўладилар. Умрининг бир кунини ҳам бесамар кетказмай яшаганга не етсин.

Насриддин Рустамов 1955 йил Бухоро вилоятининг Жондор туманида зиёли оиласда туғилган эди. Театр ва рассомчилик институтидаги таҳсилни тутатиб, умрининг охирича Муқимий номли мусиқали драма театрида фаолият кўрсатган.

САҲНАДА ҚОЛГАН ИБРАТ

Марҳум санъаткор, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий драма театри актёри Насриддин Рустамов ўзининг қисқа умрида ўзбек театр ва кино санъати учун катта ишлар қилишга улгурди. Театр саҳнасида Фарҳод («Фарҳод ва Ширин»), Ибн Салом («Лайли ва Мажнун»), Қора Ботир («Тоҳир ва Зухра»), Шерхўжа («Мангалик»), Маҳамат («Нурхон»), Бобур («Бобур»), Девона («Девона»), Мурод («Тўйлар муборак»), Арслон («Куёвлар конкурси»), Ота («Тошкентнинг нозанин маликаси», «Фотима ва Зухра», «Ўлдинг, азиз бўлдинг») каби спектакллардаги мақтаса арзигулик образлари, «Маржона», «Шаббона», «Галваса», «Жондан азиз» фильмларидағи турли характердаги роллари халқимиз қалбида қолди.



Ха, ўлим бешафқат. Одамнинг ёшига, ишларини тугатган-тугатмаганига қараб ўтиrmайди. «*Насриддин ака билан 30 йилдан ортиқ бирга яшадик, тўртта фарзандни вояга етказиб, ҳаётнинг турли насту баландликларидан бирга ўтдик*», – дейди актёрнинг турмуш ўртоғи, актриса Гулнора Рустамова. – Болаларга меҳрибон ота, шогирдларга қаттиққўл бўлса-да, билганинни ўргатишдан чарчамайдиган устоз бўлганлар. Энг асосийси, очиқкўнгил, бағрикенг, қалби пок, сахий инсон эдилар».

– Фарзанд учун отани йўқотиш оғир мусибат экан, – дейди қизи, таниқли сухандон Дилдора ўқинч билан. – Отa борлигига кўнглинг хотиржам, худди абадий ёнингдадай бепарво юраркансан. Аслида ҳаммамиз



ҳам шундай бир-бири мизга танималмиз. Айниқса, ота-оналаримиз тириклигига қўлдан келган хизматимизни, яхши сўзимизни аямаслигимиз, иложи борича кўнгилларини кўтаришига ҳаракат қилишимиз керак экан.

Насриддин Рустамов фарзандларининг учтаси санъатнинг турли соҳаларида оталарининг ишини давом эттирмоқда.

Отабек Рустамов «Шод» гуруҳидаги тенгдошлари билан миллый эстрада йўналишида изланишлар олиб бораётир. Бугунги кунда радио ва телевидение орқали қўшиқлари янграб турган бу гуруҳнинг ўзига яраша муҳлислари бор. Кичик ўғил Нуридин ҳам санъатдаги илк қадамларини қўймоқда. Кенжা қиз Дијором эса тибиёт йўналишида таълим оляпти.

Баъзан театрда эллик йил фаолият кўрсатиб ҳам ижодини бирор сезиб, бирор сезмай ўтиб кетиш мумкин. Насриддин Рустамов эса қисқа муддатли ижодий фаолияти давомида Муқимий номидаги театр саҳнасида ўзига хос из қолдириб кетди. Театрнинг етакчи санъаткорлари, актёр билан бир саҳнада ижод қилган Марям Иҳтиёрова ва Меҳри Бекжонованинг этироф этишларича, бўйбасти, ақлу ҳусни саҳнага ярашган Насриддин Рустамов ҳамкаслари орасида ҳурмати баланд, атрофдагиларга меҳрибон, ҳис-туйғулари қалбida тошиб турадиган, кучли актёр бўлган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Боир Холмирзаев ҳамкасбининг бевақт ўлими ҳақида афсус-надомат билан сўзлади:

Ҳавас қиласа қилгудек актёр, катта юрак соҳиби эди. Очиғи, у билан бир саҳнада роль ижро этиши осон эмасди. Қўллар ҷўчирди, ўзига яраша салобати бор эди. Ҳар бир роль устида қаттиқ меҳнат қиласар, ишда ўзини умуман аямасди. Саҳнамизда тилга олишга арзигулик роллар яратишга, ўзининг «мен»ини яққол кўрсатишга улгурган бўлса-да, кўпгина орзулари армонга айланаб қолди. Ҳали театрда, кинода қиладиган ишлари жуда кўп эди. Афсус! Жойи жаннатда бўлсин.

Насриддин Рустамовнинг орзу-умидлари фарзандлари фаолиятида, қадрдан дўст-ҳамкаслари ишларидаги рўёбга чиқади. Бу санъаткорнинг саҳнага меҳр-муҳаббати, бетакрор истеъодиди кўпларга ибрат бўлиб қолади.



Насриддин Рустамов

*Алия ТУЛЕНБАЕВА,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати».
2009 йил 30 январ*

НУРЛИ САХИФА

*Лампам ёнур... Яраланган қанотдаій оғыр,
Үй босади.
Юрагимда ежे сал ёруғ,
Қийналаман.
Тиришаман, ҳұшим паришон.
Үтмиш, ҳозир ва келажак құрттынур ҳар он.
Тиришаман, бутун күчим күзимга келар,
Чирогимга паришондек уринар йұллар.*

Насриддин Рустамов

Орамиздан бевақт кетган севимли актёrimiz, ҳамкасбимиз ва биродаримиз Насриддин Рустамовни эслайман. Эслайману, юрагим оғриқли ва алланечук ёруғ хотираларга түлиб кетади.

Уни яқындан билған кишиларнинг хотирадарига қулоқ тутаман. Уларни эшитаману,



бу ўзига хос санъаткорнинг Муқимий номли Ўзбек давлат мусиқий театрининг нурли бир саҳифасига айланиб қолганига ишонаман.

«Насриддин ёшлигиданоқ мусиқани эшитса, қўлчаларини қимирилатиб, гайритабии овоз чиқариб ўйнарди, – дейди актёрнинг катта опаси Мўмина опа чуқур хўрсиниб. – У мактаб заларини тўлдириб шеър ўқир, мактаб радиосида чиқишилар қиласади. Байрамларда рақс тушиб, ҳаммани қойил қолдиради. Кўпинча, қишлоқда ўтказиладиган байрамларда ўзи шеър ёзив, рубобда ўзи ашула қилиб айтарди. Уни томоша қилганлар гоҳида йиғлаб, гоҳида хандон отиб кулар эди. Раҳматлик онамиз Насриддин укамга меҳрлари ўзгача эди. «Ўзимнинг найнов болам. Илоҳим орзуларинг ушалсин-а», деб унинг атрофида парвона бўлар эдилар. Онамлар ҳаёт пайтларида укамни телевизорда кўп кўрдилар. Бахтили онларни бошларидан ўтказдилар. Аммо Аллоҳнинг иродаси экан. Укам ҳам онамнинг ёнларида кетди. 2008 йил 28 июл эди ўшандада...»

Мўмина опа биз билан суҳбатлаша туриб кўз ёшларини яширишга уринар, аммо қалбидан шиддат билан келаётган фарёд уни ошкор қилиб қўяр, опага қўшилиб бизнинг ҳам кўзларимиз ёшга тўларди.

Насриддин ака ўз оиласининг, авлодининг фахри бўлган. Кўп ишларни унинг маслаҳати билан қилишаркан. Оиласада бир қиз, беш ўғил бўлишган экан. Ҳа, халқ суйған Насриддин Рустамовнинг вафоти нафақат оиласи, яқинлари учун, балки ўзбек театр санъати учун ҳам жудолик бўлди.

Насриддин аканинг «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида Фарҳод образини ўйнагани эсимда. Хисрав шоҳни Ўзбекистон ҳалқ артисти Маҳмуджон Фофуров, Шеруя ролини мен ижро этганиман.

Атоқли санъаткор Маҳмуджон Фофуров Насриддин акани Фарҳод ролида кўриб, «Бу ролни ҳамма ҳам ўйнайвермайди, буни мендан кейин сиз ўйнайпсиз, йигит. Ёмон эмас», дея эътироф этганди. Ҳолбуки мусиқали театримизнинг устунларидан бўлган Маҳмуджон Фофуров унча-мунча актёрларга тан беравермайдиган санъаткор эди. Аммо Насриддин акага у кишининг меҳри бошқача эди. Эсимда бор, устоз бир суҳбатларида «Муқимий театрида ўнта бўлса биттаси, иккита бўлсаем биттаси, битта бўлса ҳам ўзи, Насриддин ана шундай ҳақиқий мусиқий актёр», дегандилар.



Насриддин Рустамов театrimизда саҳналаштирилган кўплаб спектаклларда аксарият бош қаҳрамонларнинг ролларини ижро этган. Мен ҳам бир актёр, бир шогирд, оддий муҳлис сифатида унинг иқтидорига тан берардим. Очиғи, у ижро этган ролларга, театр тили билан айтганда, «иккинч гуруҳ» сифатида банд бўлганиман. Лекин айрим роллари борки, Насриддин Рустамовдан кейин ҳеч ким ўша ролни ижро этолмас эди. Бу бор ҳақиқат. Масалан, «Прометей» мусиқали драмасидаги Прометей роли, «Фарҳод ва Ширин»даги Фарҳод, «Ҳар кимки вафо қилса» мусиқий драмасидаги Бобур шоҳ, «Девона»даги девона, «Фотима ва Зухра»даги Ота, «Ўлдинг, азиз бўлдинг»даги Ота, «Мангулик»даги Шерхўжа, «Лайли ва Мажнун»да Ибн Салом ва бошқа ўнлаб ролларига у билан тенглаша оладиган талағорлар йўқ эди. Режиссёrlар янги саҳналаштироқчи бўлган спектаклига, аввало, Насриддин Рустамовни банд қиласар, ундан ҳам режиссёrlик, ҳам қўшиқлар жойлашувида фойдаланар эдилар. Чунки у қатнашган спектакл, ҳатто нўнокроқ режиссёrlик спектакли бўлса ҳам, муваффақиятли чиқарди. «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида ўндан ортиқ ария-дуэтлари мавжуд. Насриддин ака эса ҳам драматик, ҳам мусиқий жараёнларни қойил қиласар эди. Бизнинг театримиз тили билан айтганда ўта кучли мусиқий актёрлардан эди у.

Насриддин ака билан сирдош, сафдош, елкадош уста-шогирд эдик. Унинг яхшигина қалами ҳам бор эди. Театрда намойиш этилган кўп саҳнавий композицион томошаларга унинг ўзи сценарий ёзарди. У қатнашган театр-концерт дастурлари ўта файзли бўларди.

Гастрол сафарларида тинимсиз иштирок этган Насриддин Рустамов Муқимиy театрининг улуғлигини кўп ва хўп айтар эди. «Менинг тақдирим фақат мана шу табаррук театрга боғланган. Менинг борим ҳам, йўғим ҳам шу театр» дегани ҳамон ёдимда. Бетакрор актёр Насриддин Рустамов ҳақида ҳали кўп ва хўп ёзилади, деб ўйлайман. Юқоридаги ёзувлар эса шу хайрли йўлдаги бир уриниш, холос.

Боир ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист,
«Teatr», 2009/4



РУСТАМ МАЬДИЕВ

(1956—2007)

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри санъаткори Ўзбекистон халқ артисти Рустам Маъдиевни ёдга оламиз. У киши 1956 йил Қашқадарё вилояти Касби туманида туғилган. Ўрта мактабни тутатгач, 1979 йилда Маннон Уйғур номидаги мусиқа драма фақультетига ўқишига киради. Ва айнан 2000 йили шу ернинг ўзида режиссёрик курсини ҳам тамомлайди. 1978 йилдан умрининг охиригача Муқимий театрида фоалият кўрсатади. Кейинги 10 йил давомида театр бош режиссёри сифатида иш олиб боради.

Рустам Маъдиев 50 дан ортиқ турли характердаги образларни яратиб, 1998 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини ва, 2006 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонини олишга муюссар бўлади.

ЧИРОГИ ЁНИҚ УЙ

...Хонадон олдида ихчамгина боғча. Кўп қаватли уй шароитида боғча тугул, битта дараҳт ўтқазиб, уни кўкартиришга ҳафсала қилмайдиганлар қанча. Лекин унинг отаси деҳқон ўтган эмасми, қонида бор-да, экинтикин қиласа, кўнгли яйрайди.

—Бугун сен билан бир хомток қилайлик, токлар ҳам сал енгиллашсин-а нима дединг? —дейди у менга синовчан разм соларкан. — Баҳонада токларга ишлов беришни ўрганасан, ахир бир кун керак бўлади.



Мана, қара, ҳосили деярли йўқ новдаларни мана бундай қилиб кесиб ташласанг, унинг қуввати фуж-фуж гўра солганларига кетади. Кейин узумларимиз катта-катталигини кўриб, меҳнатимиз зое кетмаганига курсанд бўламиз...

Ҳа, марҳум санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Маъдиевнинг бўш вақти ана шундай кечарди. Дов-дарахтларга умуман, ўсимлик дунёсига меҳри бўлакча эди, унинг. Пишиқчилик палласида қўшниларига узум, ўрик, гилос, олма улашарди. Ҳаммасини унинг ўзи етиштирган, ўз мўъжаз боғидан.

Меҳмоннавозликни ҳам қойиллатарди. Аввало, уйига борсангиз, азбаройи курсандлигидан кўзида севинч ёшлари қалқиб, қулфи-дили очилиб кетарди. Дарров ош дамлаш тараддудига тушиб қоларди. Сабзи, пиёзни тўғраб, гўшти чиройли қилиб кесиб, ҳамма-ҳаммасини бир ўзи рисоладагидек тайёрлаб, бу жараёнларга бирорни аралаштирамасди.

— Мен сенга айтсан, эркак кишининг қўли теккан таом бошқача бўлади, — дерди у. — Шунинг учун ҳам, биласан уйимдагилар мен тайёрлаган ошни яхши кўришади. Энди гап бундай. Эртага дам олиш куни. Бир жойга бориб дам олсан, нима дейсан? Сулаймон билан икковингга бор маҳоратимни ишга солиб ош қилиб бераман, келишдикми?

Шоир Сулаймон Ҳайдар билан Рустам акани олиб, айтилган жойга келамиз. Бу жой бизга хуш ёқади. Чунки хассос санъаткорнинг оши, ошиданам кўра, суҳбатижонлиги, айниқса, ҳазиллари кўнглимиз чигилини ёзади. Ҳар қадамда у кишини танийдиганлар чиқади. Албатта, таниганлар гаплашгиси келар, айниқса, талабалар дастхат олишга чоғланишади. Шунда Рустам ака, бўлинг, бўлинг, шоир бўлинг

эканда-а, улар мени эмас, аслида сизларни танишиди, суст босганидан мендан дастхат олиб қўя қолишиди, деб ҳазиллашади. Ана шундай пайтларда Сулаймон Ҳайдар билан иккимиз ўз «машхур»лигимиз устидан куламиз. Шунақа ҳазиллари, гурунглари чин дилдан, самимий чиқарди.

Муқимий номидаги мусиқали драма театриданман. Рустам Маъдиевни соғинганлар мен билан кучоқ очиб кўришишади.

— Рустам Маъдиевнинг театрда ўйнаган роллари, режиссёргида намойиш этилган, бевосита ўзи ёзган асарлар аллақачон муҳлислар кўнгил мулкига айланган, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов. — Айниқса, унинг қаламига мансуб «Оқибат», «Девона», «Бахти бўл, дугонажон!» «Севги нидоси» каби асарлар кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган.

— У инсондан жамоамиздагилар, айниқса, ёшлар кўп нарсани ўрганди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Боир Холмирзаев. — Рустам аканинг одамгарчилигидан ҳам кўп сабоқ олиш мумкин эди. У кишининг ҳаёти ўзидан кейинги авлод вакилларига ўзига хос мактаб бўлди.

Ха, Рустам aka меҳр-оқибатни кенг мушоҳада этадиган инсон эди. Шу боис, агар туғилган қишлоғига борса, қавм-қариндошлари, қишлоқ дошлари учун байрам бўларди. У кўпчиликнинг кўнглини олишга ҳаракат қиласади. Турли байрамларда кўпчилик қатори қозон кавлаб, ўчоқقا ўт қиласади. Одамларни зериктираслик учун гурунгни, куй-қўшиқни қиздиради. «Биз барчамиз ким бўлишимиздан қатъи назар, одамларга яқин бўлишимиз керак. Очиқ чехралик яхшида. Шунда ҳеч қачон ҳеч кимнинг ёдидан чиқмайсан», дерди у.

Афсуски, шундай беназир инсон, таникли актёр, режиссёр, драматург бугун орамизда йўқ. У энди қалбимизда яшаяпти. Мен эса унинг энг яқин кишиси сифатида у ҳақда вақтида бирор нарса ёзолмаганимдан, меҳр кўрсатолмаганимдан таассуфдаман.

Кеча Рустам Маъдиевнинг уйига бордим. Қизи Хуршидабону пешвуз чиқди. Гўёки у: «Келинг, ўтиринг, ҳозир дадам ҳам театрдан келиб қоладилар», деяётгандек эди.

Мен ҳам беихтиёр кута бошладим...



**Илҳом КАРОМОВ,
«Жамият» мухбери**

МЕХР-МУҲАББАТ ҚОЗОНДИ

Муқимий номидаги Давлат мусиқали театрининг истеъоддли актёр ва режиссёри Рустам Маъдиев саҳнада кўплаб турли-туман жозибали роллар ижро этиши билан бирга томошабинлар меҳр-муҳаббатини қозонган «Девона», «Фотима ва Зухра», «Бу қандай бало», «Севги нидоси», «Оқибат» каби томошаларга режиссёрлик қилган. «Фотима ва Зухра» спектакли эса Абдулла Қодирий номидаги Республика Давлат мукофотига тавсия этилди.

— Рустам ака, нега актёр бўла туриб, режиссёрликка қўл урдингиз?

— Агар актёрдан режиссёр чиқадиган бўлса, бу ёмон нарса эмас. Актёр билан режиссёр сув билан олов эмас. Улар бир-бирини тўлдиради. Қайси режиссёр эл ўртасида ном қозонган бўлса, у яхши актёр ҳам. Масалан, Баҳодир Йўлдошевни айтиш мумкин. Режиссёр ўзи саҳналаштирган спектакллардаги образларни ўзи ҳис қилиб, ўзи талқин қилиб, ўзи ижро эта олса, унда яхши спектакль яратилади.

Актёrlар бир хазина. Актёrlарни гапиртира билиш, фикрлата олиш керак. Бунинг учун режиссёрнинг тафаккури кенг бўлиши, ҳар доим ўқиб-изланиши, ишга юракдан ёндошиши лозим, юракдан чиқсан асар одамлар юрагига етиб боради.

Нима учун режиссурага қўл урдингиз, дедингиз. Қани, айтинг-чи, сув бўйида турибсиз, бир одам чўқяпти. Ёрдам берасизми? Театр ҳам чўқаётган эди, томошабинлар қадами узилаётган эди. Ниятим театрнинг кўтарилишига, бир пайтдаги шуҳратини тиклашга ҳисса қўшиш.

— Биринчи режиссёрлик қилган спектаклингиздан кўнглингиз тўлганми?

— Ўшанда бадиий кенгаш Сидик Жўраевнинг «Севги нидоси» спектакли сценарийсини ўқишига топширди, ўқиб чиққач, образлар кўз олдимда жонлана бошлади ва театрдагилардан шу спектаклни кўйишга руҳсат сўрадим. Муаллиф бошида қаршилик билдириди, аммо спектакль саҳна юзини кўргач, жуда-жуда хурсанд бўлди. Бу асар томошабинлар томонидан ҳам яхши кутиб олинди ва ҳанузгача саҳнадан тушиб кетгани йўқ. Бу менинг режиссурадаги биринчи қадамим.

Бир куни рафиқам «Шарқ юлдузи» журналида раҳматли Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зухра» деган романни чоп этиляпти. Ўқувчилар жуда қизиқиб ўқишияпти. Шундан бирон нарса тайёрлассангиз бўлар экан», деб қолди. Асарнинг кўлёзмасини олдим ва ёзувчининг рафиқасидан сценарий ёзиш учун руҳсат сўрадим. Спектаклдаги кўшиқларни Нормурод Нарзуллаев, мусиқани эса Фарҳод Алимов ёзган. Тўғрисини айтиш керак: бу спектакль томошабинларни театрга қайтарди.

— «Фотима ва Зухра» спектакли ҳақида қисқагина сўзладингиз. Бу спектакль ҳақиқатан ҳам томошабинларнинг меҳр-муҳаббатини қозонди, Қодирий номидаги Давлат мукофотига тавсия этилди. Айтинг-чи, ижодий

жамоа ўз олдига қўйган мақсадига тўла эришганими?

— Истеъодли адибимиз раҳматли Ўлмас Умарбековнинг «Фотима ва Зуҳра» романни мустақиллигимиз шарофати билан илк дунёга келган романлардандин. Биз ҳам мусиқали театр санъатида бурилиш ясаш мақсадида янги замон талабига жавоб бера оладиган мусиқали драма яратиш учун бу асарга қўл урдик. «Фотима ва Зуҳра» мусиқали драмаси янги замонабоп ҳамда томошабоп, шунингдек, ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмайдиган саҳна асари бўлиб дунёга келди.

Мазкур асар жамият ривожига, инсон маънавияти ва тафаккурининг такомиллашувига ҳисса қўшадиган асар. У инсон руҳияти ва маънавий кечин-маларини ўзида жобажо этди. Шунингдек, бу асарни ҳукуматимизнинг уюшган жиноятчилик ва гиёхвандликка қарши кураш ҳақидаги маҳсус фармонига ҳамоҳанг асар, десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Гиёвандликнинг жирканч ва аянчли ҳолатларга сабаб бўлишини томошабин ўз кўзи билан кўради ва ундан керакли хуносаларни чиқариб олади. Ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам эҳтиёткорликни даъват этади. Уюшган жиноятчилик ва унга ҳомийлик қилгувчи турли соҳаларда хизмат қилаётган мансабдор шахсларнинг кирдикорлари ўз касбига содиқ ва фидойи бўлган ички ишлар ва прокуратура органлари ходимларининг саъӣ-ҳаракатлари билан аёвсиз фош этилади. Спектаклда томоша аҳлини ҳайратга соладиган жиҳатлардан яна бири тирик инсонлар билан дунёдан ўтганларнинг ўртасидаги руҳий боғлиқлик, руҳий кўприк борлиги Фотима билан Зуҳранинг тақдиридаги аянчли ҳолатларда намоён бўлади. Спектакль Муқимий театрининг ўзининг қадимги мав-кеини тикилашида ҳам маълум маънода ўз ҳиссасини қўши.

— Бош роль ижрочилари — Зулайҳо Бойхонова ва Мақсуда Отажоноваларнинг ижросидан кўнглингиз тўлганми?

— Мен бош роль ижрочилари деб тўрт кишини тилга олишни истардим. Булар Зулайҳо Бойхонова ва Мақсуда Отажонова Фотима ва Зуҳра ролларида, шунингдек, отаси Абдулла муаллим — Насриддин Рустамов ҳамда қизларнинг акаси Ҳамидулла — Ҳамид Тўхтаевлардир. Улар ўзларига топширилган ролларни меъёрига етказиб ижро этишган. Спектакль Фотима ва Зуҳранинг тақдири асосига қурилгани учун ҳар иккала қаҳрамон ижрочиларининг маҳоратлари учун мукофотга номзодлари қўйилган.

Зулайҳо Бойхонова ва Мақсуда Отажоновалар театрда узоқ



йиллардан бери мәхнат қилишади. Ҳар иккалалари турли жанрдаги спектаклларда бош ролларни ижро этиб келишган. Улар яратған образларини ташқи ва ички қиёфасини ҳам топа билганса да, саңнадаги ижрода ҳақиқий эгизаклар образини яратып билгандар.

— Одамлар ўртасида меҳр-оқибат сусайиб бораёттан бир пайтда сиз «Оқибат» деб номланған спектакль яратибсиз...

— Спектаклда учта ғоя илгари сурىлған. Бириңчиси, соғ, ҳақиқий муҳаббат бўлса, иккинчиси, инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат, тўлароги, дўстликни, биродарликни соxта бойликка, ҳаром-харишга алишганлар кўрсатилса, учинчиси, бизнинг жамиятимизда ким бўлишидан қатъи назар, қандай кучга эга бўлишидан қатъи назар жиноятга кўл урган бўлса, қонун олдида жавоб бермоғи даркор. Бош ролларни Равшан Солиҳов, Ҳамид Тўхтаев, Мақсуда Отажонова каби театрнинг етакчи актёрлари ижро этганлар.

Умуман олганда, бу спектакль ҳам бошқалари сингари муҳлисларимизнинг олқишига сазовор бўлди. Энг муҳими ана шу.

— Театрда сизни қийнаётган муаммолар борми?

— Энг бириңчи навбатда иқтисодий танглиқ деб ўйлайман. Мен баъзан спектакль учун ўзим хоҳлагандек кийимлар ва декорация қи-ломаслигимдан хафа бўлиб кетаман. Агар эътибор берсангиз ҳозирги декорациялар билан илгариғиларининг ўртасида фарқ бор.

— Анъанавий савол: режаларингиз қандай?

Саргузашт асар устида ишлаётирман. Ҳозирча номини айтольмайман. Бу сир бўлақолсин...

*Сұхбатдош
Маъпурға НАБИЕВА.*



САЙДУЛЛА НАРЗУЛЛАЕВ

(1956–2009)

Сайдулла Нарзуллаев 1956 йил Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида дунёга келди. Жуда ёшлигидан мусиқа ва театрга иштиёқи баланд бўлган Сайдулла 1970 йил ўрта мактабнинг 8-синфини тамомлаб, Самарқанддаги мусиқа билим юртига ўқишга киради. Санъатга бўлган қизиқиш уни бир зумга бўлса-да, тарк этмайди. Шу боис 1975 йил билим юртини тутатгач, Тошкентга Театр ва рассомлик санъат институтининг мусиқали драма актёrlиги факультетига ўқишга киради.

Унинг ҳаёт йўли шу ўкув даргоҳида курсдоши Одина Фозиева билан боғланади. Бир-бирларига кўнгил кўйган бу икки ёш 4 курсга ўтганларида тўйлари бўлади.

Рафиқаси Одина Фозиева:

«Бу инсон билан илк маротаба театр даргоҳида учрашганмиз. Тақдиримдан мингдан-минг розиман. Мени шу даражада севиб ардоқлар эдиларки, театрдан олдин овозига дарз кетмасин деб, авайлаб машинада олиб бориб, тугагунча мени пойлаб турар эдилар. Бу ҳам, албатта, тақдирнинг менга берган тұхфаси деб билардим. Бирин-кетин б жүжүқларимиз дунёга келишиди. Ҳар бирини шу қадар севиб ардоқлардиларки, назаримда умрларининг қисқалигини сезарғанмикинлар, дейман. Тан олиб айтадиган бўлсан, улар каби жуфтни топиш ҳаммага ҳам насиб этадиган баҳт эмас».

Сайдулла Нарзуллаев санъат дарғалари Рассоқ Ҳамроев, Етим Бобоҷонов ва Ҳусан Шариповлардан таълим олди.



Ўзбекистон Республикаси ҳалқ артисти Ҳусан Шарипов:

«Мен бу курсга дарсга кирганимда ҳамма санъатга жон қадар суюб кирган талабалар эканлигига гувоҳи бўлғанман. Чунки бир ўринга ўшандা 25abituriyent куч синашган. Мана шунда голиб бўлғанлар талабаликка қабул қилинган эди. Ҳамма курсдошилари зўр, аммо мен булар ичида Одина ва Сайдуллани жуда бошқача яхши кўрар эдим. Бир-бирига мос жуфтлик эди булар. Кейинчалик ҳар бири ўз йўлни топиб кетди. Мана Одинахон Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист бўлиб етишиди. Сайдулла эса қатор ўйлар телевидениеда режиссёр лавозимида хизмат қилди. Шунинг билан бирга у «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи»да ҳам ўзига хос ўринга эга эди. Талабалик даврида қайси бир ролни берсангиз, у жони дили билан ёндошиб, ҳар гал нимадир янгилик киритишга ҳаракат қиласа эди».

Институтни тугатиб, Сайдулла энди Муқимий номли мусиқали драма театрига қараб йўл олади. Аммо бу ерда у кўп ишламасдан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Ўзбекистон» дастурига режиссёрлик қила бошлади ва у бу ерда кўплаб шогирдларга ҳам устозлик қилди.

Ҳусниддин Эргашев:

«Мен, энг аввало, бу инсоннинг одамийлик томонларига тўхталиб ўтмоқчиман. Минг афсуски, бу хусусият ҳаммада ҳам йўқ. Менга илк маротаба пульт олдида ўтиришини ва уни қандай бошқаришини шу инсон ўргатганлар. Ҳар деталга аҳамият бериш, уни қай даражада режиссёр нигоҳи билан кўриш зарур эканлигини ҳам ўргандим. Устоз билан биз

менинг «Нима учун» муаллифлик дастуримда ишлай бошладик. Ҳозир у киши ижро этган ролларни кўриб қолсам, нақадар ҳаётий эканлигига гувоҳ бўламан. Мен ҳали-ҳануз бу устозимни мархумлар сафига қўшгим келмайди, чунки, ана, ҳозир эшик қоқиб келадилар, деб кутаман хаёлимда».

Ҳар доим ўзи устида мукаммал ишлашни ёқтирган Сайдулла Нарзуллаев олган барча таълимини янада мукаммаллаштириш учун Останкино телевидениесининг режиссёрлик факультетини мудаффакиятли тугатади. Шундан сўнг бутун умри давомида телевидениеда қолиб ижод қилди. Бу ерда, айниқса, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуvida қатнашиб, барча муҳлислар қалбидан жой олган эди.

Шу кўрсатув режиссёри Мирабbos Мирзаҳмедов:

«Бу йигитнинг иқтидори шу қадар баланд эдикি, режиссёрнинг танбеҳ бериб, ўзгартириши киритишига ўрин қолдирмасди. Қайси вилоятга борсак, уни хуш кайфият билан кутуб олишар, дарров таниб, журматини жойига қўйишар эди. Бизларни ҳеч ким танимас эди. Бундан мен, албатта, ажабланмайман. Чунки эфирга ким чиқса муҳлис шуни тан олади-да аслида. Қайси ролни ўйнамасин уни дарров ўзиники қилиб оларди. Ҳаётий чиқар эди!».

Тақдир тан берувчиларнинг қўлидан тутар экан. Бу гап ҳақдир эҳтимол. Инчунун, 7 ука ва сингилларни уйли-жойли ва олий маълумотли қилиш осон иш эмас, албатта. Чунки ўзининг ҳам бу даврда 6 боласи вояга етиб, қолаверса, ҳаётда ўз ўрни учун ҳам астойдил курашиш, тўғрироғи тер тўкиш керак бўлган пайтлар. Мана шундай қийинчиликларга қарамасдан ўз номини қолдириш — бу, албатта, мардлик.

ЯХШИДАН ёД ҚОЛАДИ

Таниқли режиссёр ва актёр Сайдулла Нарзуллаевни эслаб...

У ҳали ёш эди — эндинина 54 баҳорни қаршилаганди. Шунга яраша орзулари ҳам бисёр эди. Аввало, катта қизидан туғилган неварасининг тўйини кўриш, кичик қизларини узатиш, ёлғиз ўғлини университетни тутатганидан сўнг тезроқ уйлантириш илинжида яшарди. Иккинчидан, одатдагидек, элга манзур бўладиган кўрсатувлар тайёрлашга, янги-янги бадиий ва видеофильмлар яратишга, уларда ўзига хос роллар ўйнашга интиларди. Иш ва ижоддан бўш вақтларида эса тўй ва тадбирларга бориб, ўзининг ичак узди ҳангомалари-ю, дилларни ҳайратга соловучи театрлашган томошалари билан давраларга файз киритарди. Энг муҳими, у қачон, қайда бўлмасин, қандай кўрсатув тайёрлаб, қандай роль ижро этмасин, мудом бир ақидага амал қиласарди. Одамларни ҳамиша бир-бирини асраб-авайлашга, ўзаро меҳр-



оқибатли бўлишга, эзгуликка ундарди. Бу бежиз эмасди, албатта. Унинг болалиги анча машиқатли кечгани боис ёшига нисбатан эртароқ улғайган, ҳаёт аслида курашлардан иборатлигини тенгқурларига қараганда теранроқ англаб етганди.

У улғайиб актёрлик санъати ва миллий мусиқа сирларини уйғунликда ўрганди. Таҳсилни аъло баҳоларда тутагтагч, уни Мұқимий номидаги мусиқали драма театрига ишга таклиф қилишиди. Ушбу қутлуғ даргоҳда устоз санъаткорлар билан бақамти ижод қилиб, бой тажриба түплади. Бироқ вақт ўтган сайин унда режиссурага мойиллик кучайиб борди. Шу сабабдан у 1981 йилда Ўзбекистон телевидениесида режиссёр сифатида иш бошлади. Шу-шу Сайдулла Нарзуллаевнинг тақдиди ойна жаҳон билан чамбарчас боғланиб қолди. Бу ерда у роппароса 28 йил, яъни умрининг

охирги кунига қадар хизмат қилди. Шу йиллар орасида у телекомпаниянинг деярли барча каналларида режиссёр сифатида фаолият кўрсатиб, бу борадаги ўз билим ва маҳоратини намоён этди. Актёрлик санъатини ҳам ташлаб қўймади. Айниқса, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Мұҳаммад Бобур сингари алломаларимиз ҳаёти ва ижодига багишланган тарихий, «Оқ тулпор изидан», «Бозор кўрмаган йигит» каби замонавий мавзудаги видеофильмларда ўзига юклатилган ролларини маромига етказиб ижро этиб, миллионлаб телетомошабинларга танилди. Сон-соноқсиз муҳлислар орттириди.

Аслида эл ишончига сазовор бўлиш ҳар бир санъаткор учун юксак мукофот, уни оқлаш эса катта масъулият ҳисобланади. Буни яхши анлаган Сайдулла Нарзуллаев ҳеч қаҷон лоқайдликка берилмади. Аксинча, муттасил равиша ўз устида ишлаб, тажрибасини янада бойитиш, маҳоратини ошириш йўлида тиним билмади. Чунончи, 1989 – 90 йилларда Москвадаги Останкино телевидениесининг маҳсус режиссёрлик факультетида ўқиди. Диплом иши сифатида миллий тарихимизни,

урф-одатларимизни тараннум эттирувчи телеспектакль саҳналаштириди. У собиқ Иттифоқнинг Марказий телевидениеси ҳисобланган Останкино орқали намойиш этилди. Шубҳасиз, бундай муваффақиятларга эришишида Сайдулла Нарзуллаевнинг миллий мусика сирларини яхши билиши, актёрлик санъати ва режиссёрикни мукаммал ўзлаштиргани ва Ўзбекистон телевидениесида ҳар бир кўрсатув ҳамда видеофильмни яратиш жараёнида уларни бир-бирига омихталаштирган ҳолда иш юритиш тажрибаси унга жуда қўл келди.

Бугунги кунда Сайдулла Нарзуллаев томонидан яратилган ўнлаб видеофильмлар ва кўрсатувлар ёки бўлмаса, ўзбек телевидениесида суратга олинган асарларда у ижро этган юзлаб роллар телерадиокомпаниянинг олтин фондидан ўрин олган. Шунинг баробарида у кўплаб ёш истеъоддларни кашф этиб, уларга устозлик қилди. Ана шу боис юртимизнинг олис-яқин гўшаларида яшовчилар унинг эшигини қоқиб келишар, ўзларининг тўй-томушаларига, оиласвий тантаналарига таклиф этишарди. Ўз навбатида, Сайдулла aka ҳам ҳеч кимнинг илтимосини ерда қолдирмасликка интиларди. Имкони топилди дегунча, эл хизматида бўлиб, уларнинг ҳожатини чиқарарди. Гоҳ ичакузди ҳангомалар айтиб, гоҳ дилларни яйратадиган шеърлар ўқиб, шинавандалар қувончига қувонч қўшарди.

Умрининг охирги йилларида у ҳамкаслари билан маслаҳатлашиб, яна бир хайрли ишга қўл урди. «Тошкент» телеканалида «Нима учун?» деб номланган янги кўрсатув очди. Самараси чакки бўлмади. Кўрсатув тез орада томошабинлар эътиборига тушди. Бундан руҳланган ижодкор қамровни янада кенгроқ олиб, ўз иқтидорини катта кинода ҳам синаб кўришга чоғланди. Тез орада бу эзгу мақсадини укаси Файбулла Рассоқов директорлик қилаётган «Шайхонтоҳурфильм» киностудиясида амалга оширди. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида «Садоқат» бадиий фильмни суратга олиниб, унга Сайдулла Нарзуллаевнинг ўзи режиссёрик қилди. Бу фильм Марказий Осиё мамлакатлари телевидениеларида намойиш этилиб, муваффақият қозонди. Бундан руҳланган ижодкор «Барibir ҳаёт гўзал» бадиий фильмни тасвирга туширишда ҳам фаол қатнашди. Хуллас, у «Шайхонтоҳурфильм» киностудияси томонидан суратга олинган қатор бадиий фильмларнинг яратилишига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб, ўзига мос роллар ижро этди. Аммо...

— Очиги, Акам ҳақида гапириш мен учун жуда оғир. Чунки отамиз вафотидан кейин оиласизнинг устуни акам эди. У жуда соғдил ва меҳрибон, ҳақиқий инсон эди, — деб эслайди **Файбулла Рассоқов**. — Акам ичмасди, чекмасди. Гап ижодга келганда эса, у ўзини аямасди. Тиним билмай, қаттиқ ишларди. Ҳар доим нимагадир улгура олмаётган кишидай шошиб яшардилар. Нима иш қилсалар ҳам юракдан, сидқидилдан, бутун вужуди билан

бажаришга одатланган эди. Шунинг учун ҳам актёр сифатида ижро этган роллар, режиссёр сифатида яратган видеофильмлар ҳар бир томошабинни қалбига етиб борар эди. Шунданми ёки ўсмирлигига она меҳрига тўймай, кўп заҳмат-изтироблар чекканиданми, сўнгги йилларда қандли диабет ва юрак хасталикларига чалинди. Дард хуруж қилганида бир муддат ишини тўхтатиб, менинг ёки ука-сингилларимнинг ҳузурига ошиқарди. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас, «Хайрият, соғайдим. Энди хизматга чиқмасам бўлмайди. Чунки актёрларни навбатдаги кўрсатувда суратга тушиш учун айтиб қўйғанман», дея безовталаниб қоларди. Баъзан эса, тиббий муолажалар тугамасданоқ, «Бугун янги видеофильмда роль ўйнашга ваъда берганман, лафзимда туришим керак!» деганча, телевидениега шошиларди. Мухлисларининг тўй-маъракаларини ўtkазиб беришга таклиф этилган бўлса, сира кечикмасди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзаро келишилган вақтда етиб борарди. Назаримда, доимо одамлар орасида бўлиш акамга ўзгача куч-кувват бағишлаб, дардини енгишга туртки берарди. Иходга шўнғиган пайтлари эса у бутунлай бошқа одамга айланиб, қаердандир куч файрат топарди. Унинг хатти-ҳаракатлари ўта дадил, чақон, гап-сўзлари ниҳоятда ишончли чиқарди. Афсуски, охирги сафар тескариси бўлди...

2009 йилнинг май ойида Сайдулла Нарзуллаевнинг соғлиғи жиддий равишда ёмонлашади. Шу сабаб, даволаниш учун шифохонага ётади. Барibir, фойдаси бўлмайди, аҳволи ҳадеганда ўнгланмайди. Ноилож қолган жигаргўшалари уни Тошкент шаҳрининг шундоқцина биқинидаги Ўзариш қишлоғида яшовчи синглиси Ойдиннинг мўъжазгина ҳовлисига олиб келишади. Негаки, бу ерни бемор саломатлигини тиклаш учун унинг Юнусободдаги кўпқаватли уйлардан бирида жойлашган квартирасидан кўра анча афзал деб билишади. Ҳар қалай, тўғри қилишган экан. Мусаффо ҳаво, осуда муҳит туфайли ҳеч қанча вақт ўтмай Сайдулла аканинг юзларига яна қон югуриб, жисмига мадор киради. Шу асно у кенжа синглиси Гулчеҳранинг яқинда босмадан чиқсан «Юлдузсиз тунлар» қисссасини ўқишига тутинади. Пировардида муқим бир хulosага келади. «Бу асарни бадиий фильм қилиш керак!» дейди у. Сўнгра укаси Файбуллани чақириб, унга яратилажак фильм сценарийсини ёзишни тайинлади. Режиссёрлик вазифасини эса ўз зиммасига олишини билдиради. Бироқ Файбулла унинг топширигини бажара олмайди. Негаки, у айнан ўша кезлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ҳужжатли фильм олишни режалаштириб қўйган ва 31 май куни Ҳиндистонга учиб кетаётган эди. Шуни айтиб, акасидан узр сўрайди. Қарангки, иниси ундан асло ранжимайди. Бильякс, хушхабарни эшишиб, қувониб кетади. «Мен бундан 25 йил аввал Бобур бобомиз ҳақида Ўзбекистон телевидениесида биринчи бўлиб кўрсатув тайёrlаган эдим. Шунча вақт ўтиб энди бу қутлуғ зот ҳақида фильм яратиш сенга насиб этибида-да. Баракалла, жуда савобли ва масъулиятли ишга жазм қилибсан. Майли, йўлдан қолма. «Юлдузсиз тунлар»ни эса сафардан

қайтганингдан кейин суратга оламиз», деб укаси билан хайр-хўшлашади.

— Файбулла акам Ҳиндистонга кетгани ҳамоно Сайдулла акам илкис тетиклашди. Менинг асаримни қайта-қайта ўқиб чиқиб, бирданига сценарий ёзишга киришиб кетди, — дейди Гулчехра Рассоқова. — Шунчалик шошиб ишга киришдиларки, ҳайрон қолдим. Ёзганда ҳам, хордиқ нималигини, уйқу нималигини буткул унутиб, тинмай ёзди. Ҳарчанд ҳай-ҳайлашимга қарамай, бир неча кеча-кундуз мутика тушиб, қофоз қоралади. Бунчалик куч-қувват ва илҳомни қаердан олдилар, билмайман. Ниҳоят, 4 июнь куни тушдан кейин ишини яқунлаб, ташқарига чиқди. Кайфияти чоғлигидан жиянларига қўшилиб, ҳовлида футбол ўйнади. Қизиқ-қизиқ ҳангомалар айтиб, болаларча қийқириб кулди. Кейин Муқимий театрида ишловчи келинойим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Одина Фозиевага қўнғироқ қоқиб, «Худо хоҳласа, бугун кечқурун уйга бораман. Спектаклинг тугагач, бирга кетамиз», деди. Бироқ акамнинг бу нияти ушалмади. Кечга яқин қўққисдан яна мазаси қочди. Уни зудлик билан республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига олиб бордик. Афсус, қазо фариштаси биздан-да олдинроқ йўлга чиққан экан. Бу сафар акамга узлуксиз 26 йил яшаган, не-не шодлигу қувончларига, не-не ғаму ташвишларига гувоҳ бўлган уйига ўз оёғи билан кириб бориш насиб қўлмади... Аксинча, ўша кечқурун Сайдулла акамнинг жонсиз танасини кўзларимизда ёш билан ўз уйларига кўтариб кирдик... Шуни айтсалар керак-да, бандасининг эмас, Аллоҳнинг айтгани бўлади, деб.

— Мен бу ноҳуш хабарни пайшанба куни — Бобур бобомизга бағишлиган ҳужжатли фильмни суратга олишни муваффақиятли яқунлаб, Панипат шаҳридан Лудиана шаҳрига етиб бориб, кечаси меҳмонхонада дам олаётган маҳалимда эшидим, — дейди Файбулла Рассоқов ўқинч билан. — Аксига олгандай, Ҳиндистондан Тошкентга самолёт яқинда учуб кетган ва навбатдаги рейс фақат яқшанба куни бўлар экан. Инчунин, мен акамнинг дафн маросимига етиб келолмадим. Ўша дамларда фақат «Йўқ! Акам ўлмаган! Ўлиши мумкин эмас! Ахир бундай одам ҳаётдан бунчалик эрта кетиши мумкин эмас! Ҳали акамнинг бу ёруғ дунёда қилиши



керак бўлган ишлари, ушалмаган орзу-умидлари кўп эди-ку! Унинг юраги ҳали орзу-ю армонларга тўла эди-ку! Наҳотки бу мудҳиш хабар рост бўлса!» деган сўзлар қалбимни тилка пора қиласади. Эсласам, Ҳиндистондаги чорасиз қолган ўша кунларимнинг ҳар бир дақиқаси ҳаётимнинг энг изтиробли ва аламли лаҳзалари бўлди. Начора, Тошкентта уч кундан кейин қайтиб келиб, қабристонга бордим. Акамнинг мункайиб турган мозорини кўриб, юрагим ўксиганидан ўкириб юбордим. Кўзларимдан эса тинимсиз ёш отилиб чиқарди. Ўша топда қабрни қучоқлаб, ўқсиб-ўқсиб йиғлашдан ўзга чора тополмадим... Шунда йифи аралаш «Ака! Мени кечиринг! Сизни сўнгги йўлга кузатолмадим... Қабрингизга бир сиқим тупроқ ҳам ташлолмадим... Укалик бурчимни ҳам бажаролмадим... Юрагим тўла армон қолди... Ака! Мени кечиринг!» дея бутун вужудим титтарди...»

Ха, буни ҳаёт дейдилар, ҳамиша бири кам армонли дунё дейдилар. Қолаверса, ҳаммамиз ҳам хом сут эмган ожиз бандалармиз. Модомики, шундай экан, тақдирга тан беришга, ногаҳоний мусибатларга кўнишишга мажбурмиз. Шу билан бирга, сўзимиз ниҳоясида кўпчилик шоҳид бўлган икки воқеани эслатиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз. Биринчиси, Сайдулла Нарзуллаевни сўнгги йўлга кузатиш чоғида кўчаларга одам сифмай, тобути қўлма-қўл бўлиб кетди. Иккинчиси, унинг жанозаси жума намозидан сўнг, «Оқтепа» қабристонининг жомъе масжидида ўқилди. Маросим тугаб, тобут ердан кўтарилаётганда эса, ёз бўлишига қарамай, бирдан ҳаво айниди. Осмонда булуғлар пайдо бўлиб, майнин-майнин кўз ёши тўка бошлади. Майит лаҳадга қўйилиб, қабрга тупроқ тортиб бўлингач, ёмғир тақа-тақ тўхтади. Самода яна қўёш чарақлаб, оби раҳмат нурига чулғанган борлиқ қайтадан яшнаб кетди... Бу мўъжизавий воқеадан қабристонга йиғилган одамлар ҳайрон қолишиди. Ким билсин, эҳтимол, бу шунчаки табиат ҳодисасидир. Балки, кексалар айтганидек, Худонинг ўзи суйган бандаларига уларнинг вафотидан сўнг кўрсатадиган илк иноятидир. Қандайлигидан қатъий назар, Сайдулла Нарзуллаевни яқиндан билганларга оддий бир ҳақиқат аён: У ўзгалардан меҳрини дариф тутмайдиган ўта самимий, ўта камтар-камсуқум, касбига фидойи, заҳматкаш инсон эди. Умри бўйи одамларга яхшилик қилишга, уларнинг корига ярашга интилиб яшаганди. Шу зайл эл назарига тушиб, муҳлислар меҳрини қозонганди. Шу зайл республикамизнинг кўплаб гўшаларида дўст-биродарлар ортириб, одамлар қалбини забт этганди. Бундай баҳтга мұяссар бўлиш эса, биласиз, ҳар кимга ҳам насиб қиласермайди. Айни чоғда, бундай ажойиб инсонларни эл-юрг осонликча унутмайди. Зеро, Сайдулла Нарзуллаевнинг номи ҳам ва у ҳаётлигига қилиб улгурган эзгу амаллари ҳам узоқ йиллар ўзбегим хотирасидан ўчмайди...

*Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист*



НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

(1957–2004)

*«Биз кетсак, ер кенгайиб қолар,
Осмон ҳам сал энкайиб қолар.
Бир қора кўз жилмайиб қолар...
Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан»,*

деб куйлаганди Нуриддин Ҳайдаров...

Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаров 1957 йил 1 августда Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида туғилган. 1978 йилда Фарғона давлат университетининг педагогика факультетини тамомлаган. 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида фаолиятини давом эттириди. 1990 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1997 йилда «Она замин юлдузлари» фестивали совриндори бўлган. 2001 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. 2003 йилдан бери Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳар бош бошқармасида хизмат қилиб келарди. Ҳарбий даражаси – милиция подполковниги. Тўрт нафар қиз, икки ўғилнинг отаси ва уч неваранинг бобоси эди.

Санъатда бир қоида бор. Бирор хонанданинг қайсиидир бир қўшиғи унинг бир умрлик тимсолига айланиб қолади.

— Мен «Юлдузим», «Насибам» номли қўшиқларим орқали танилиб бўлгандим, — деган эди хонанда. Нуриддин Ҳайдаров ёш хонандаларни ҳар доим қўллаб-куvvatларди. Устоз санъаткорлар сафидан жой олган бу хонанданинг санъатга қадам қўйганига бу йил 35 йил тўлган эди...



Хонанданинг шогирди Бекмурод Жўраев шундай хотирлайди:

«Сўнгги пайтларда Нуридин ака ҳаётдан совигандай, сиқилиб юрарди. Мустақиллик байрами арафасида анжуманинг очилиш тантаналарини «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» қўшиғи очиб беришини эшишиб, жуда хурсанд бўлган эдилар. Ҳар куни тайёргарлик жараёнларида қатнашиб, ишхонага айло кайфиятда қайтиб келарди. Афсуски, охирги тайёргарлик жараёнларидан кейин юрак хуружи билан ётиб қолди. Ўшанда ўттизинчи август, кечки соат бешлар эди. Шунинг учун, эътибор қилган бўлсангиз, Мустақиллик тантаналарида Нуридин аканинг ўрнига саҳнага мен циқишимга тӯгри келди.

Нуридин ака ИИВ госпиталида даволанаётган вақтда мен у кишининг тавсиялари билан ўзлари бориши шарт бўлган хизматларда иштирок этдим. Кўряпсизми, ўзи оғир аҳволда бўлишига қарамай, муҳлисларини ранжитишни хоҳламади. Чунки Нуридин ака, одатда, таклифларга ҳеч қаҷон рад жавобини бермасди. Имкон қадар яхшилик қилишга интиладиган, камтар инсон эди...

Бафотигача Омонхонада бўладиган тўйга ҳам Нуридин ака таклиф қилингган эди. Яна у кишининг ўрнига мен бордим. Ўшанда «Омонхона сувидан менга ҳам келтир», дегандилар. Илтимосларини бажариш учун шифобахш сувдан олдим.

Қайтишда Қашқадарёда тунаб, эртасига Тошкент сари йўлга чиқдим. Кутимаганде йўлда қўл телефонимга қўнғироқ қилиб, устозимиз Нуридин Ҳайдаровнинг оламдан ўтганлигини хабар қилишди. Қандай аҳволга тушганимни сўз билан тасвирлаб беролмайман. Ҳанузгача ўзимга келолганим ўйқ, бу мусибатга ҳечам ишонгим келмайди. Афсус, Омонхона сувидан ичиш устозимга насиб этмади... Тўрт йил мобайнида бирга ишлаб, у кишининг меҳри, дийдорига тўймай қолганимга ачинаман...



*Нуриддин акани сұнғғи манзилга барча устоз санъаткорларимиз құлма-
құл күтариб боришди. Видолашиба келгандарнинг сон-саноги йұқ.*

ЯНА ДАРДИМ ТУГИЛДИ ЯНГИ...

*Яна сенга тушдию күзим,
Яна дардим туғилди янги.
Бир вақтлар эдинг юлдузим,
Энди кимга юлдузсан, жоним...*

Оҳанрабо тасмасидан худди олис-олислардан келаётган акс-садодек янграётган бу армонли қүшиқ мени қуйчи ҳақида ўйлашга, ҳофизни хотирлашта ундади. Бу қүшиқ ижроиси кўпчиликнинг севимли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаров эди. Камтаринликни ўзига шиор қилган, одамларга эзгулик ва яхшилик улашишини кундалик вазифаси деб билган бу соҳир овоз соҳибини ҳамма яхши кўрарди десам муболага қилмаган бўламан. У катта-катта давраларда, элимизнинг баҳтли кунлари – Мустақиллик куни ва Наврӯз байрами каби улуғ айёмларда юрак-юракдан, баланд пардаларда қўйларди. Унинг Она-Ватанни мадҳ этувчи «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Ўзбекистон муштарак» каби қўшиқлари истиқболнинг илк йилларида ёк ҳалқимизни мустақилликни мустаҳкамлаш foялари сари чорлади.

Санъатимиз ривожидаги хизматларига эса, ҳукуматимиз раҳ-
барияти томонидан алоҳида эътибор берилди. 2001 йилда
Президентимиз Фармонига кўра, «Ўзбекистон Халқ артисти»
увони билан тақдирланган эди.

Нуриддин Ҳайдаров



Нуриддин Ҳайдаров Ички ишлар идоралари тизимида ҳам муносиб хизмат қилди. У ИИББ Маънавият ва маърифат марказининг бошлиги сифатида Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавиятини юксалтириш, уларнинг дунёқарашини бугунги кун талаблари доирасида шакллантиришга ўз ижоди ва хизмат бурчини адо этиш орқали ҳисса кўшиб келди. Унга Ички ишлар идоралари хизматидаги фидойилиги учун 2003 йилда муддатидан олдин «подполковник» унвони берилган эди.

Шоирлар ва ҳофизлар, кўпинча, ижодида ўз тақдирини башорат қилганга ўхшайди. Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Аъзам Ўқтам каби шоирлар, Охунжон Мадалиев, Муҳридин Холиқов, Лайло каби санъаткорларнинг армонли умр йўли шунга мисол бўла олади. Нуриддин аканинг Муҳаммад Юсуф сўзи билан айтиладиган «Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан» номли қўшиғига шундай сўзлар бор:

*Биз кетсак, ер кенгайиб қолар.
Осмон ҳам сал энкайиб қолар.
Бир қоракўз жислмайиб қолар,
Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан!*

Ҳа, шоир ва ҳофизнинг айтганлари чиндан ҳам тақдир башорати бўлиб чиқди. Улар кетдилар. Лекин бу билан ер кенгайиб қолмади, ҳеч ким жилма-

йиб ҳам қолмади. Фақат ортидан минглаб, миллионлаб қоракўзлар армон ёшларини тўкиб қолдилар. Шу мунгли кўзлардан бири, ҳофизнинг умр йўлдоши Манзура опанинг кўзлари эди.

— Ўлим ҳақида жуда кам гапирадилар. Лекин бир марта менга «Етмиш беш ёшга кирсан етади. Жуда қариб қолсак ҳам болаларга малол келишимиз мумкин. Етмиш беш ёшли юбилейни ўтказамиз-да, биргалашиб кетаверамиз», дегандилар ҳазил аралаш. Афсус, ўйлаган ёшларига ҳам етолмадилар.

Вафот этган инсоннинг руҳи шод бўлиши учун, унинг тириклик чоғида амалга ошмаган орзу-ниятларини рўёбга чиқариш тирикларнинг бурчи, албатта. Нуриддин Ҳайдаров ўғиллари Ҳожиакбар ва Жасурбекларнинг камолини кўришни жуда-жуда хоҳларди. Арафа куни дунёга келгани учун ҳофизнинг онаси Турсуной буви набирасига Ҳожиакбар деб ном кўйган эди. У бугун исми жисмига монанд, илм-маърифатга меҳрли бўлиб улгаймоқда. Кенжатойига эса, Нуриддин аканинг ўзи, жасур йигит бўлсин, деб Жасурбек номини танлагандилар.

— Энг катта орзуларидан бири ўғлимиз Жасурбекнинг жаҳон чемпиони бўлишини кўриш эди. Ҳар доим Жасурбекка қаратат: «Ўғлим, сен чемпион бўлишинг керак», дердилар, — деб эслайди Манзура опа. Бугун Жасурбек отасининг орзуларини рўёбга чиқариш учун интилмоқда. Спортнинг таэквондо йўналиши бўйича сезиларли муваффақиятларга эришмоқда.

*...Фақат қолиб ширин хотира,
Сендаи қизни сўйганим қолди.
Эслагандо кўтариб фарёд,
Аlam билан ёнганим қолди...*

Биз учун ҳам фақат армонли хотира қолди.

Ҳофизнинг умр йўлдоши Манзура опа:

«Кўччилик санъаткорнинг оиласига қизиқади. Нуриддин акам учун оиласадай муқаддас даргоҳ йўқ эди, назаримда. Уларнинг оиласага меҳри бошқача эди. Уйга кириб келишлари билан хонадонимиз ёришиб кетгандай бўларди. Болаларни, айниқса, набираларини бошқача яхши кўрадилар. «Бобо бўлганингдан кейин ўз болангдан ҳам набираларинг ширин туюларкан», дердилар. Уйда дарров кичкин тойларнинг кўнглини олишга уриниб, ҳали қарасангиз бирига от бўлиб чўкиб, бироздан сўнг паровоз бўлиб ўйинга қўшилардилар. Ҳазил-мутойибани ҳам жойига қўярдилар. Жим-жит даврага ҳам дарров табассум ҳадя қилиб, атрофдагиларнинг кайфиятини кўтаришига ҳаракат қилардилар. Кимки иши тушиб ёки хизматга айтиб келгудек бўлса, асло йўқ демасдилар. Ҳамманинг бирдай кўнглини олишни, атрофдагиларга яхшилик қилишни хуш кўрадилар. Баъзан кимлардир бошқа бирорлар ҳақида ёмон фикр айтиб туршиганини эшилсалар, дарров ўшаларга қаратат: «Ҳамманинг ҳам айб-нуқсони бўлади, ҳаммамиизда ҳам камчилик бор. Бирорнинг ортидан гапирманлар», деб уқтирадилар. Бошқалардан айб қидирган, камчилик топишга уста одамларни унчалик ҳам хушламасдилар.

Бугун уни биз тириклар ёд олмоқдамиз. Қадрдон дўстлари, оға-ини тутинган биродарлари хонадонини зиёрат қилишмоқда. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Халқлар дўстлиги» (Ҳозирги «Истиқлол») саройида ўтказилаётган хотира дастури ҳам тирикларнинг марҳум руҳига эҳтиромидандир.

Хофизнинг вафотидан сўнг таниқли шоир Нуриддин Аминжоннинг қуидаги сатрларини ўқиб қолдим:

*...Нега кетиб қолдинг, Нуриддин Ҳайдар,
Согинсак, қўшиғинг энди ким айтар?!*

Бу сатрлар нафақат шоир қалбидан, балки Нуриддин Ҳайдаровнинг минглаб муҳлислари қалбидан отилиб чиққандай эди. Илоҳим, ҳофизнинг охирати обод бўлгани рост бўлсин!

Хуршид РЎЗИЕВ,
«Огоҳ», б май, 2005 й.

«КАТТА ЙЎЛГА ЧИҚҚАН КИЧИК КАРВОНМАН...»

Адабиётдан оғзаки кириш имтиҳони топшираётган эдим. Домлалардан бири қўшимча савол тариқасида замонавий санъаткорлардан кимларнинг қўшиқларини ёқтиришимни сўраб қолди. Айтдим. Айтдим-у, жавобим домлага сездим.

— Бобомурод, Камолиддин, Ортиқлар маълум, — деди у бамайли хотир. Кейин ўсмоқчилаб давом этди. — Шерали ҳам бир нав. Аммо бу охиргиси ким бўлди?

— Нуриддинми? Қувалик ҳаваскор хонанда.
— Тушунарли, — домланинг негадир энсаси қотди, — тақлидчилардан денг.

Чамаси, шу ўринда ёшлигимга бордим.

— Нега бундай дейсиз? — дедим қизиқёнлик билан. — Ахир ҳар қандай ёш хонанда ҳам аввал-бошда таниқли санъаткорларнинг қўшиғини айтиб чиқиши, кейинчалик ўз йўлини топиб олиши мумкин-ку! Нуриддин эса ҳали ёш.

«Бетгачопар»лигим қимматга тушди. Домла баҳомни пасайтириб берди — мандатдан ўта олмадим, ўқишга киролмадим.

Ўшанда домла менга нима учун айнан шу саволни берганди, нима учун баҳомни пасайтирганди, бунисини ҳалигача билмайман. Аммо бошқа бир нарсани аниқ биламан: у менсимаган «тақлидчи» эндиликда ўз овозига, ўз оҳангига эга хонандага айланган, минг-минглаб муҳлислар орттирган. Бу орада мен ҳам орзуимга эришдим, ўқишни муваффақиятли тутатдим. Ва яна, муболагага йўйманг, Нуриддин сабабли баҳтимни топдим. Унинг концертларидан бирида бўлаjak умр йўлдошим билан танишиб олдим...

— Илтимос, дўстим, —
деди у алланечук ўтинч ара-
лаш, — шуни магнитофон-
нингга қўйиб эшитайлик...

Ҳаял ўтмай хонада мунг-
ли куй янгради. Сўнгра унга
хонанданинг ҳазин овози жўр
бўлди...

Йўқ, бу қўшиқ эмасди,
дард эди, нола эди. Унинг илк
сатрлариёқ юрагимни зир тит-
ратиб ўтди, хаёлимни узоқ-
узоқларга олиб кетди. Гўё Ну-
ридин эмас, ўзим куйлар-
дим. Дилгир куз оқшомида
олис юртларга йўл олган турналар само узра сокин қанот қоқар, мен
эса кенг буғдойзор ичиде хавотир аралаш қўл силкиб, уларни сафарга
кузатардим. Бўрон-довуллар чарх урган денгизлар оша, шафқат билмас
ўқлар дамо-дам визиллаётган жанггоҳлар ичра беталафот учид
ўтишларини тилардим, келгуси баҳор яна юртимга эсон-омон қайтиб
келишларини сўрардим...

Дўстим эса тош қотиб ўтирап, қўзларидан шашқатор ёш оқизиб,
унсиз йиғларди. Билсам, у овоз ёзиш студияси олдидан ўтаётиб,
«Турналар»ни чала-чулпа эшиштан, кассетани сотиб олган экан. Қўшиқ
унинг юрак дардини янгилаган, Афғонистондаги беҳуда урушда ҳалок
бўлган аскар укасини ёдига соглан экан...

Орадан саккиз йил ўтгач, яна худди шундай воқеанинг гувоҳи
бўлдим. Фақат бу сафар хилват хонада ёш йигит эмас, муҳташам бир
кошонада соchlари оппоқ кекса аёл йиғлади, юзлаб-минглаб одамлар
олдиди очиқ-ойдин Нуриддиннинг бўйнига осилиб, ўксисб-ўксисб
йиғлади. Нуриддин шу куни «Она умиди» қўшиғини саҳнада илк
бор куйлаганди. Қўшиқ урушда бедарак йўқолган ўғлининг
йўлларига ҳали-ҳануз кўз тутаётган муштипар онанинг юрак-
бағрини ўртаб юборганди...

Шунда билдим: яхши қўшиқ ёш танламас экан, барчанинг
қалбини бирдек ларзага соларкан.

* * *

У оддий мактуб эмасди, олислар келган илтимоснома эди:
«Нуриддин, мени кечир, яқинда зонадагиларга оқибатини ўйламай
мақтаниб қўйибман. «Яралмиш» деган қўшиғингни радиодан
эшишиб ўтириб, «Бу йигит менинг синфдош дўстим бўлади»,
деб юборибман. Ишониш қайда! Аксинча, «Бирга ўқиган бўлса





бордир, аммо ҳозир сени унугиб юборгани тайин. Ахир, у эл кўзида юрган артист, сен эса жиноятчисан-ку! деб устимдан кулишди. Эътиroz билдиргандим, нозик жойимдан ушлашди. «Чин дўстинг бўлса, зонага келиб концерт берсин», деб шарт кўйишди... Нима ҳам қилардим, очигини ёздим. Балки хатим нафсониятингга тегар... Яна билмадим, эҳтимол, илтимосимни инобатта оларсан, ҳеч бўлмаса, ўзинг шунчаки бир келиб-кетарсан...».

Йўқ, у дўстидан ор қилмади. Қаршига борди. Ўша ерда ишлабтган таниши – журналист Қодиржон Собировга учрашди. У орқали шаҳар мутасаддиларига мақсадини айтди.

Илтимосини қондиришди. 1985 йил декабрида дўсти жазо муддати ўтаётган лагерда бўлди. Ёмғир шивалаб турган бўлишига қарамай, очик майдонда 30 га яқин қўшиқ куйлади. Шу куни бир ҳақиқатни англаб етди. Қамалганларнинг ҳаммаси ҳам, баъзилар ўйлаганидек, эзгуликдан, меҳр-оқибатдан йироқ, ҳаётдан безган кишилар эмас экан. Аксарияти, гарчи тутқунликда бўлсалар-да, санъатни, дўстликни қадрлашар экан. Мұхими, ҳар қандай вазиятда ҳам инсон инсонга ишонмоғи, дўст дўстни тушунмоғи лозим экан.

* * *

Нуриддиннинг бир қўшиғи қуйидаги сатрлар билан бошланади:

*Мен ҳам умид билан сафарга чиқдим,
Узоқ манзилларга кўз тиккан жонман.
Бирда Сирдай тошиб, бирда тутоқиб,
Катта ўлга чиққан кичик карвонман...*

Назаримда, бу қўшиқда Нуриддиннинг орзу-умидлари ўз ифодасини топгандек, шоир ушбу сатрларни ёш хонанданинг тилидан ёзгандек.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
28 апрель 1989 й.

ҚАЛБИ НАВОЛИ ҲАЛҚМИЗ

Инсон нега куйга, қўшиқча ошуфта? Наво оғушида гоҳо бор-йўқлигини ҳам унугиб қўяди, нега? Куй-қўшиқда қандай сеҳр борки, кўнгилда меҳр уйғотади?

Саволларга жавобни, яхшиси, санъаткордан эшитган маъқул. Суҳбатдошимиз таникли хонанда, Ўзбекистон ҳалқ артисти Нуриддин ҲАЙДАРОВ.

– Нуриддин ака, ҳеч иложсиз, сұхбатимизни сүнгти вақтларда Сизнинг ҳаётингизда учмас из қолдирган икки воқеадан бошласак дегандим.

Республикамиз мустақиллиги-нинг 10 йиллиги арафасида Ватанимизнинг бир қанча фидойи кишилари муносиб тақдирландилар ва улар қатори Сиз ҳам Ўзбекистон халқ артисти увонига сазовор бўлдингиз. Куни кеча эса Юргбошимизнинг шахсан табрикларини қабул қилдингиз. Аввалио, ушбу юксак увон билан чин дилдан табриклаймиз.

— Катта раҳмат.
— Хурсандчиликларни қандай қабул қилдингиз?
 — Эрталаб ўғлимни газета дўконига юбордим. Кўл-оёғи чаққон ўғлим ҳам назаримда ҳаяллагандай бўлди. Шунча кутганимга яраша газета билан келади десам, йўқ — ҳали дўконлар очилмаганмиш. Саҳар соат олтиларда чиқариб юборган эканман.

Хуллас, вақти келди: кўлимда газета, Президентимизнинг Фармонлари чиққан. Қарайпман, бир бошидан ўқиб боряпман, аммо фамилиям чиқмаяпти. Шунда опангиз — Манзурахон қўлимдан газетани олдиларда, ҳеч вақт ўтмай, кулиб: «Соҳангизга тегишли жойнинг бошроғини ўқинг», дедилар. Чиройли бўлиб турибди исм-шарифим. Кўзим кўрмай ўтиб кетибман. Буёғи энди оиласвий шодлик, қилаётган ишингнинг бесамар кетмаганига шукроналик...

— Сизни энг биринчи бўлиб ким табриклади?
— Муяссархон Рассоқова.

— Мукофотларни тантанали топширишга бағишланган йиғилиш таассуротлари ҳақида нима дейсиз?

— Бир умр унумасам керак. Бу тантанали тадбир 5 декабрь куни салобатли Оқсанордан бўлиб ўтди. Юргбошимиз барчани бир-бир табриклаяптилар. Биз, санъаткорлар ҳам озчилик эмасмиз. Орамизда устозлар бор. Мени биринчилардан бўлиб чақириб қолишиларидан ҳадиксираб турибман. Ҳаяжон жуда кучли эди-да. Минбарга чақиришганда эса қандоқ борганим, гувоҳномани қандай олганим, қайтиб жойимга қандай ўтирганимни элас-элас эслайман. Президентимизнинг самимий табрикларига ҳам берган «раҳмат» жавобим жуда паст чиқди, шекилли. Бундай қувончли воқеаларни унтиб бўларканми?...

— Санъат йўлининг қувончли бекатида бир дам нафас ростладингиз. Ҳақ йўлга солиб юборган устозларингиз ҳам Сиз учун хурсанд бўлсалар керак?



— Албатта-албатта. Фарғона педагогика университетида ёшларга таълим бериб келаётган устозим Эминямин Қирғизовга, санъатнинг юксак чўққиларига чиқишини орзу қилиб юрган вақтларимда тўғри йўлни кўрсатиб қўйган, ҳамон эл ардоғида юрган устозларимга ушбу унвонимни кўш кўллаб топширган бўлардим. Имкониятдан фойдаланиб, уларга чуқур эҳтиромиймни билдириб қоламан.

— Саҳнага илк бор қаҷон чиққанингизни эслайсизми?

— Эслайман. 1979 йили шоир Абдулла Ориповнинг ижодий кечаси бўлганди. «Саҳнада ёш, умидли хонанда Нурилдин Ҳайдаров», дея эълон қилишганида, ишонасизми, ўттиз-қирқ одам қўлини қўлига уриб қўиди, холос. Кайфият алланечук бўлиб кетди. Лекин ўзимни йўқотмадим. Абдулла аканинг «Юлдузим» шеърини куйлаб бердим.

*«...Ишонмасдим ҳеч кимга сени,
Асрар эдим бегона кўздан.
Ким ўйлабди ўшанда мени,
Айрилар деб сендек юлдуздан...»*

Яширмайман, қўшиқ тугагандан сўнг, бутун зал олқишилади. Шу тариқа ижод деган денгизда ҳалигача баҳоли қудрат сузиб юрибмиз.

— Сизнингча, куй, қўшиқ нима? Шоир айтгандек, «Куй сеҳрига мафтунсан нечун?..»

— Юрак дарди, қалб туғёни, вужуд ороми. Ўзингиз ўйлаб кўринг: бешик деб аталган ватанида ҳали тузук-қуруқ кўзи очилмаган паллада ноқ кичкина жусса алла билан ором топади. Онанинг ширали овози билан болажон томирига куй сингади. Мадҳиямизни олайлик. Қўлни кўқракка қўйиб куйлаганда қалб туғён урмайдими? Ҳаттохи, азада ҳам марсия айтадилар. Юрак дардини бир оз бўлса ҳамки, енгиллатиш учун. Куй-қўшиқ бизнинг халқимизга «йўргакда теккан». Бошқача айтганда — қалби наволи халқмиз.

— Ўғилларингиз ҳиргойи қилиб туришадими?

— Ўзларича. Лекин менинг касб йўлимдан юришмайдиганга ўхшайди. Бутунлай бошқа соҳаларга қизиқиб кетишган.

— Нурилдин ака, Сизни юксак унвон билан яна бир бор муборакбод этиб, бутунги сұхбатингиз учун ижодий жамоамиз ва газетамиз мухлислари номидан миннатдорчилик билдириб қоламиз.

*Сұхбатдош
Эркин САТТОРОВ,
«Табассум+TV», 27 декабрь, 2001 й*



МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ

(1959–2001)

Агар инсон гўзал қалб эгаси бўлса, унинг қолдирган нарсалари, мероси ҳам гўзал бўлади. Ҳалқимиз ҳассос санъаткор Муҳриддин Холиқовни ҳам ана шундай чуқур энтикиш, гўзал қўшиқлари билан хотирлайди. Ҳар бир қўшиғида дард, мунг, армон, қувонч бор эди, унинг.

Хонанданинг рафиқаси Гулсара опа сўзлари:

«Оила қуриб, баъзи бирорвларга ўхшаб, жсанжал, тўполон деганлари ўйқ эди. Ким учундир бу муболага бўлиб туюлар, аммо рости ҳам шу. Жуда меҳрибон, дилсўз, болаларининг устида парвона эдилар. Шу бугун бир нима керак бўлса, аввал мана шу болаларнинг ишини битирар эдилар. Шунчалик машҳур бўлишларига қарамай, ўта содда, самимий, ғамхўр эдилар. Улардақа инсон бир марта келиб кетади, менимча. Ўйда бўлган кунлари тез-тез ош дамлаб, болаларни хурсанд қиласдилар. Ҳали-ҳалигача қўниколмаймиз. Душманим ҳам кўрмасин бу кунни...»

АКАМНИ ЭСЛАМАГАН КУНИМ ЙЎҚ

Кунларнинг бирида шаҳримиздаги овоз ёзиши студияси ёнидан ўтаётib беихтиёр тўхтаб қолдик. Чунки дилларни ром айлагувчи «Саломот» қўшиғи инглиз, араб ва ўзбек тилларида янграётганди. Ҳар бир тилнинг ўзига хос талафузига монанд равишда кўйлаётган, қўшиқнинг ҳар бир сатри билан тингловчилар қалбини забт этаётган хушовоз хонанданинг маҳоратидан ҳайратландик, албатта.



Билсак, «Саловот»ни кенг оммага тақдым қылаётган қўшиқчи ҳамортишимиз Ҳусниддин Холиқов экан. Ҳудди шу таассуротимиз кўплаб мухлисларимизнинг талабистакларига ҳамоҳанг келди-ю, таниқли хонанда ва бастакор Ҳусниддин Холиқов билан сұхбатлашдик.

Санъатга кириб келишингиизда акангиз Мұхриддин Холиқовнинг таъсири бўлса керак?

— Ёшлигимиизда акам раҳматли тор, аккардион чалардилар, мен эса қўшиқ айтардим. Лекин профессионал санъатга биринчи бўлиб мен кириб келганман. Дастрлаб композиторликка — аранжировка соҳасига жуда берилиб кетганлигим боис қўшиқ айтишга вақт томолмасдим. Чунки ҳали у, ҳали бу санъаткорга қўшиқ ёзиш керак эди. Лекин инсоннинг юрагида жўшиб турган ишга кўл уриши табиий ҳол экан. Мен ҳам дилдаги түфёнларим сабабли қўшиқ айтишни бошлаганман. Яна акам ҳақида тўхталадиган бўлсан, у киши менга меҳрибон эдилар, умуман, бир-биримизни жуда яхши кўрардик.

— Акангизнинг вафотидан сўнг анчагача қўшиқ айтмадингиз.

— Ҳа, роппа-роса бир йил ҳеч қандай шодиёналарга бормадим. Ҳаттоқи, радио, телевидениелардан ҳам қўшиқларимни олдириб ташлағанман. Чунки бу нарсалар ўшанда кўнглимга сифмасди. Ҳозирда орамизда бўлмасалар-да, қўшиқлари ва дилга яқин хотиротлари ҳамиша қалбимиздадир. Акамни эсламаган куним йўқ, десам янглишмайман. Мана, бугун сиз билан хотирлаяпмиз. Аллоҳ ўзи раҳматига олган бўлсин.

— Мұхриддин Холиқов тайёрлаётган, аммо ижро этишга ултурмаган қўшиқлар ҳам борми?

— Албатта. Масалан, мен айтган «Хотира» қўшиғини улар ижро этишлари керак эди. Ушбу қўшиқни умуман бошқа инсонга атаб тайёрлагандилар. Лекин Аллоҳнинг хоҳиши билан уни ўзларига бағишлаб айтишга мажбур бўлдим. Бироз ўзгартирилган, холос.

— Муҳридин ака «Ўғлим ҳали ёш, улғайгандай кейин қўшиқ айтар», деган эканлар...

— Акамнинг ўғли Тимур шарқшунослик олийгоҳида ўқиб, Малайзия тилини ўрганяпти. Қўшиқчиликка ҳам қизиқиши жуда баланд. Яқинда бир малайзиялик хонанданинг ашуласини унга айттиргандик, кўнгилдагидек ижро этди. Чунки бу қонида бор-да. Лекин сира «қўшиқчи бўламан», демайди.

— Сизнинг фарзандларингиз-чи?

— Фарзандларимнинг тўрттовига ҳам етарлича тарбия беряпман, деб ўйлайман. Уларга мусиқани ўргатдим, нотани, пианино чалишни билишади. Аммо касб борасида менинг изимдан боришаётгани йўқ. Уларни қўшиқчиликка мажбуран йўллаш ниятида ҳам эмасман. Агар иқтидори қойил қолгудек бўлиб, чин юракдан шу касбга интилса, албатта, мен розиман.

— Ижодингизда бироз тўхталиш бўлгандай...

— Санъаткорни ижоддан ҳоли тасаввур қилиш қийин. Шу қатори менинг ижодим сира тўхтаган эмас. Ҳозирча радио, телевидениеларда чиқмаяпман, холос. Лекин янги-янги қўшиқлар яратища давом этяпман. Энг янгиси сўзлари Ҳадисдан олинган «Саловот» бўлди. Уни ўзбек, араб ва инглиз тилларида айтдим.

— Диний мавзудаги қўшиқларни яратишингизга нима туртки бўлди?

— Маълумки, Муҳаммад Али, Майк Тайсон каби машхур кишилар кейинчалик мусулмон динини қабул қилишган. Бундай мисоллар жуда кўп. Чунки инсон маълум бир ёшга етиб, теран фикрлай бошлагач, дунёда энг одил йўл — ислом дини эканлигини англайди. Аллоҳга шукр, мен ақлиним таниганимдан бўён эътиқодлиман. Шу боисдан ҳам Рамазон ойига мўлжаллаб, аввало, ўзим учун, қолаверса, Аллоҳ учун шу қўшиқни тайёрладим. «У ёлғиз муаллим, бизлар эса ўқувчи...», деб бошланадиган ушбу қўшиқда Расууллоҳ биз умматларига фоний дунёда ҳадислари ва суннат амаллари илиа тўғри йўл кўрсатувчи йўлбошли, боқий дунёда эса шафоат қилгувчи зот сифатида тасвирланган. Саҳарлик пайтда радио орқали ушбу қўшиғимни эшиттиришди.

— «Дилқаш»га ҳамроҳ муҳлисларингизга тилакларингиз.

— Аввалимбор, «Сиҳат-саломатлик йили»да ҳамма ўз соғлиғига эътибор беришини сўрайман. Мехрли, кечиримли, бир-бирларига муҳаббатли бўлишлари керак. Шуларга эътибор берсак, ҳаётнинг ўзи гўзаллашади.

Машраб НИШОНов,
«Дилқаш», 24 март, 2005 й.

ҲАМОН ҚАЛБИМИЗДА

«Умр ўтар, вақт ўтар...» Ҳар гал ушбу мисралар билан бошланувчи құшиқни эшитганимда, шоир шундай улкан ҳақиқатни оддий сүзларда акс эттира олганига қойыл қоламан. Тұхтосиз ҳаракат қилаётгап өткізу қараша менен көздеңдегі әдебиеттегінен айырмас. Үзбек санъатининг ёрқын юлдузларының иштегендегі қарашасынан да олардың өзінен көздеңдегі әдебиеттегінен айырмас. Аммо қисқа умри давомида халқ дарди билан яшаган ақа-ука ҳофизлар одамлар қалбига мангуға муҳрланған. Уларнине ҳар иккаласи ҳам ноябрь ойыда бу оламни тарк этгандай. Бұған уларни әслаб, рұхларини шод этиши мақсадида яқынларини сұхбаттаға өткізу мүмкін.

Тұлқиной ҚОРАБОЕВА, Мұхриддин Холиқовнинг синглиси:

«Барча машхұр одамларнинг атрофидә миши-мишлар юриши ҳеч кимга сир әмас. Аммо буни қарангки, миши-мишлар уларни бу ёруғ дүнөни тарк этганидан кейин ҳам тинч құйымас экан. Мұхриддин акам бизни Рамазон ойыда ташлаб кетди. Үнинг вафотидан кейин одамлар орасыда: «Ароқ ишиб, машина ҳайдаган экан», деган бұйғын гаптар тарқалды. Ваҳоланки, акам ўша күни умуман ичмаган. Ахир рұза ойында! Қолаверса, рулда бошқа одам бұлған. Тұғри, буни әслаш менгә оғир, лекин шуны айтшишим мүмкінки, онанинг құнғылдырылған сезаркан. Ўша күни әрталабдан онам: «Аканғын соғындым, бир келиб кетсін», деб бир неча марта сұрады. Ҳадеб гапиравергани учун күндерзік үшінде күндерзік үшінде Мұхриддин акамға құнғылдырылған. «Биз ҳозыр Чирчиқдан Қибрайға балиқ овлагани кетаяммыз, сингилжоним, әртага ўтаман», деганды акам ўшанды. Гүшакни құйиб: «Нега мени «сингилжоним» деді? Ҳеч бундай демасди-ку! Бирор нимадан хұрсанд, шекилли», деб кулиб құйидым. Жилмайдым, лекин юрагимда тушуниб бұлмас ғашлик пайдо бўлди.



Ўша куни кечки пайт соат олтиларда оғиз очиши арафасида шогирди қўнгироқ қилиб: «Муҳридин ака оғирлашиб қолди, шифохонага олиб келдик», деди. Лекин шифохонага етиб келмасиданоқ, акамнинг жони узилиб бўлган экан. Акам ҳамиша Гулсара келинойимга: «Гул, сен кутгил, мен қайтарман!» дерди. Аммо ўша куни ваздасига вафо қилмади, қайтмади (ийглайди).

Шаҳобиддин ХОЛИҚОВ, ҳофизларнинг акаси:

«Машинани тез ҳайдашим Муҳридинга ёқмасди. «Ака, сен бу юришингда бекафан кетмасанг яхшийди», дерди. Машинада юришдан кўркқани учун уни бошқаришни ҳеч кимга ишонмасди, ўзи ҳайдарди.

Ўша йили дала ҳовлисида қурилиш бошлаб қўйганди. Сафарга чиқишидан бош мақсади ҳам қурилиш қилаётган усталарга «Хорманглар!» деб келиш эди. «Ака, усталар: «Бу Муҳридин Холиқов қандай одам бўлди? Бир марта биздан ҳол-аҳвол ҳам сўрамади», демасин», деганди кетиш олдидан.

Таъзиясидан кейин одамлар: «Тўйдан қайтишда шунаقا бўлибдими?» деб сўраши. «Эй, мусулмон, рўзада ҳам бирор тўй қиласдими?» деб ўзидан сўраб кўрмабди ўша гап тарқатиб юрганлар.

Муҳридиннинг дарди битмасидан, Ҳусниддин ҳам бизни ташлаб кетди. Уҳашаликни қаранг, у ҳам ноябрь ойида вафот этди. Ҳусниддин сўнгги ишларда текис йўлда юрганда ҳам оёқлари чалкашиб кетадиган бўлиб қолганди. Шунинг учун саҳнага чиқиши хоҳламасди. Мен унинг Наврӯз, Мустақиллик байрамларида, катта саҳналарда қўшиқ қуйлашини орзу қиласдим, ўзи ҳам шуни хоҳларди. Лекин бундай жойларга таклиф қилишганда, у операция столига ётиши арафасида эди.

Яхши инсонларни Аллоҳ тез ёнига чақириб олади, дейишади. Укаларим бирорга озор бермайдиган инсонлар эди. Улар ҳозир орамизда йўқ, лекин қўшиқлари ҳар бир хонадонда, ҳар бир тўйда янграб турибди. Мен шундай инсонларнинг акаси бўлганимдан фахрланаман!».

Улугбек НАБИЕВ, Муҳридин Холиқовнинг шогирди:

«2001 йилнинг 25 ноябрь, адашмасам, рўзанинг ўнинчи куни эди. Кундузги иккиларда Қибрай шаҳрига бордик. Қибрайдага бизни Муҳридин аканинг дўстлари Маъмуржон ака ўзининг шахсий ресторанига чақирганди. У ерда йигирма дақиқа ҳам ўтирумасдан, Муҳридин ака, изидан мен ташқарига чиқдик. Ўшанда у киши мени маҳкам қучоқлаб: «Бу менга укамдек яқиним бўлиб қолган», деб ресторандан чиқаётган дўстларига мақтади.

Умуман, Муҳридин ака менга ҳам инсон, ҳам устоз сифатида кўп яхшиликлар қилган. У ердан чиқиб, балиқ овига бордик. Муҳридин ака тутган балиқларни мен қовурдим. Қанча зиёфат бўлса ҳам, у умуман ароқ ичмади. Энг сўнгги насибаси ҳам бир бўлак қовурилган балиқ бўлди. Шундан кейин нарсаларни йишишириб, Муҳридин аканинг сарис «Нексия»сида тўрт киши,



мен қолғанлар билан «Тико»да изма-из дала ҳовлига жұнадык. «Нексия» шунақанғи шиддат билан кетдіки, мен уларға етиб олиш мақсадида ҳайдовчига: «Имилламай тез ҳайды!» деб бақырдым. Бир маҳал тез кетаётган «Нексия»нің баллони ёрилиб, машина салқам юз метрли چүқурлікка тушиб кетди.

Етиб келганимизда, Мұхриддин ақа машинадан чиқып кетген, ўша жойнинг ўзидаёқ жон берган эди. Рұлни бошқарған Маъруф ақа ҳам ўша ернинг ўзида ҳалок бұлған экан.

Орадан шунча йыл үтса ҳам, устоз билан бирға бұлған энг сұнғы күн эсімдан чиқмайды. Айниқса, совуқ ерга ёнбошлаб олған устозимга: «Мұхр ақа, ерга ётманг, шамоллаб қоласиз», деганимда, әзтибор бермай хаёл сурғанлари күз олдимда. Ұшанда ҳайрон бұлғанман, Мұхриддин ақа ўзини жуда аспарди. Балки ұшанда ҳаммасини олдиндан сезғандыр...»

Зебунисо НАЗИРОВА,
«Хордик», 2009 йыл 24 ноябрь

БИЗ БИЛМАГАН САОДАТТА ГЕТДИНГИЗМИ?

Яхши қүшиқни мен баландпарвоз қушга ўхшатаман. Унинг бир қаноти шеър бўлса, бир қаноти оҳанг. Шеър юрагингизга етиб боролмас экан, оҳанг дил торингизни тебратмас экан, бу қушнинг парвози узоқа бормайди. Аммо иккала қанотини топган қўшиқ ўз эгасини — хонандасини топмас экан, бу қўшиқнинг умри ҳам узоқ бўлмайди.

Яхши қўшиқ яратиш осон иш эмас. Шоирнинг, бастакорнинг, хонанданинг ўз масъулияти бор. Бу масъулиятни тұла адо этадиган, ижодкорлар бирлашган жойда юракларни тұлқынлантирадиган, йифлатадиган, ҳаяжонлантирадиган, эзгуликка чорлайдиган ўлмас қўшиқлар дунёга келади.

Олтин хазинамизни мана шундай қўшиқлар билан бойитган ижодкорлардан шоир Мұхаммад Юсуф, Охунжон Мадалиев, Мұхриддин Холиқовлар бугун халқ қўнглидан чуқур жой олганлиги бежиз эмас.

Мен — шоирнинг рафиқаси, юзлаб қўшиқлар матнининг дунёга келишига гувоҳ бўлғанман. Шоирнинг қўшиқчиликка кириб келиши ўзи учун кутилмаган ҳол бўлған эди. У буни истаган ҳам эмасди. Унинг 80-йиллар ижодига разм солсангиз, шеърлари дардчил, жиддий, кўпроқ



ижтимоий мавзуда эди. Шўролар замонида ўз халқи, ўз Ватани, ўз «Мен» и ҳақида нимадир айтиш мумкин бўлмаган даврда «Топгони талоним менинг» деб қилган нолаларига Фаргона томондан шеър дардига ҳамоҳанг бўлган бир маъсум овоз садо берди.

«Тин билмаган жоним менинг, Бободеҳқоним менинг».

Бу ширали овоз соҳибининг ижроси, қўшиқчиликка, назаримда, ўзгача руҳ бағишлади. Бу қўшиқнинг ижрочиси кейинчалик ўзбекнинг севимли ҳофизига айланган Охунжон Мадалиев эди.

...Кунлардан бир куни Муҳаммад ака ёшгина, истарали, тортинчоққина бир йигитчани уйга бошлаб келдилар: «Нозижон, бу йигитчани танийсизми? Охунжон деган ҳофиз бу. Яқин келажакда машҳур санъаткорга айланади, таниб олинг!» дедилар. Йигитча эса, «Ошириб юбордингиз, ака!» деб қизарип кетди.

...Кўпроқ севги тўғрисида, қизғалдоқлар ҳақида куйладиган, овози ҳам севгидай бегубор, болга ботириб олгандай ширали, аммо дардли овоз соҳиби Муҳриддин Холиковни 1988 йилда «Халқлар дўстлиги» (ҳозирги «Истиқбол») саройи ёнида учратиб қолгандик. У Муҳаммад акани кўриб, югуриб келди-да, кучоқ очиб сўрашиб, ийманибгина, паст овозда бир нима деди. Муҳаммад ака эса менга юзландилар: «Ноз, бу менинг укам бўлади. Катта ҳофиз бўлиб кетганда бугунги учрашувни эслаб юрасиз. Муҳриддин янаги йили бўладиган танловда қатнашади, биринчи

ўринни олса, энг зўр шеърларимни унга ёзиб бераман, сиз гувоҳсиз» дедилар ва уни баирларига босдилар.

Муҳаммад аканинг ниятлари ижобат бўлиб, 1989 йилдаги «Камолот –89»да Муҳриддин 1-ўринни эгаллади.

Охунжон эса олий мукофот совриндори бўлди. Шундан сўнг уларнинг ҳақиқий ҳамкорликларигина эмас, ака-укалик муносабатлари ҳам қалинлашиб кетди. Айниқса, Муҳриддин орадаги масофа яқинроқ бўлгани туфайли Муҳаммад акасини, бизни тез-тез уйига олиб кетарди. Муҳаммад ака унинг умр йўлдоши Гулсараҳонга ҳам атаб шеърлар бағишлаган, уни ўзининг энг суюкли синглиси Муҳаббатга ўхшатарди.

Улар — Муҳаммад ака, Охунжон, Муҳриддин тутинган ака-укалар эди, десам, камлик қилса керак. Уларни бир бутун дарахтга ўхшатгим келади. Дарахтнинг илдизи танасисиз, танаси илдизисиз яшолмагандай, бугун улар бир-бирларининг ортидан эргашиб, гўё қўл ушлашиб бу ёлғон дунёни тарк этдилар.

...Охунжоннинг ўлимидан кейин Муҳаммад ака унинг қўшиқларини тез-тез эшитадиган бўлиб қолганди.

Айниқса, сафарда чоғи, йўлда унинг ўлим ҳақидаги қўшиқларини қайта-қайта эшитар, гўё шу қўшиқлар унинг ажалига сабабчидай, асабийлашар, «Ҳар бир ёзган шеъринг, айтган қўшиғингта эҳтиёт бўлиш керак экан-да», деб хўрсинарди.

Ха, у ҳақ эди.

Ака-укалик ришталари шундай қаттиқ бойланган эканки, Муҳаммад акасининг вафотига туғишган уқадан ортиқ азият чеккан Муҳриддинни ҳам бу ришталар тезда олиб кетди.

...Бугун биз — уларнинг ортидан қолган аёллари халқимизнинг суюкли шоир ва ҳофизларидан қолган меросни асраб-авайлаб, улар жонидан ортиқ кўрган халқи — элига оқизмай-томизмай етказишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Шу билан бирга уларнинг удумларини ҳам давом эттириб, яқинлик ришталарини боғлаётимиз. Ишонамизки, улар ҳаётдан кетган бўлсалар-да, яратган қўшиқларининг парвози асло пасаймайди. Улар инсонларни эзгуликка чорлайверади!

Назира АС-САЛОМ.



ОХУНЖОН МАДАЛИЕВ

(1963--2000)

Кўнгил яхшиликдан, яхши инсонларнинг меҳридан баҳра олади. Тирик чогида ўз мухлисларига эга бўлиб, уларнинг қалбидан жой ололган Охунжон Мадалиев ўзбек қўшиқчилек санъатида ўзига хос из қолдирди.

Охунжон Мадалиев 1963 йил 21 майда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида дунёга келган. Ўрта мактабни тугатгач, Фарғона педагогика институтининг мусиқа бўлимида таҳсилни давом эттирган. 1989 йилда ўтказилган «КАМОЛОТ» Республика қўшиқчилар танловининг ғолиби бўлган. Ҳозирга қадар унинг 20 га яқин аудиоальбоми мухлислар эътиборига ҳавола этилган. 2000 йилда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлган.

Инсон умри қанча яшаганлиги билан эмас, балки унинг мазмуни билан белгиланади. Худди шу маънода бугун сиз билан хотирлаётганимиз Охунжон Мадалиев ҳам атиги 37 баҳорни қаршилаган бўлса-да, аммо ўз мухлисларининг қалбига уларнинг дарду аламларини қувончу шодликларини куйга солиб малҳам бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон Мадалиев ўзининг қисқа умри мобайнида нафақат яхши қўшиқлари билан, балки ўзи яшаган қишлоқ аҳли учун ҳам бир талай яхшиликлар қилиб улурган. Биз хизмат сафарида бўлганимизда буларнинг гувоҳи бўлганмиз. Ҳалихануз у яшаган қишлоқ аҳли уни соғинади. Қўшиқларини тинглаб,



кўзларига ёш олишади. Чунки уни ҳамма эркалаб бизни ОХУНЖОН бўлакча-да, дейишаркан.

*Булбул жон берди гуллар қошида,
Куй узилди авжи созида,
Ҳофиз ўтди ўнгит ёшида,
Йиғла кўнгил, энди ОХУН ўйқ.*

Иқбол Мирзо шундай хотирлайди:

«Баъзида ҳаводан нафас оламиз-у, унинг маркиби ҳақида ўйламаймиз. Қачон шу ҳаво етмай қолса, унга нега шундай-а, деб қоламиз. Дўстим Охун бирор марта менинг олдимда биронвнинг кетидан ёмон гапларни гапириб, гийбатлашганини эслолмайман. Доим самимий, хушчақчақ эди. У бизга одамгарчилекни, дўстлик ва диёнат нима эканлигини уқтириб кетди назаримда. Ҳозир қалб кемтиклиги ҳам шунда... Наилож, илоҳим ётган жойи жсаннат бўлсин. Дўстим ҳамиша тирик, қўшиқлар ҳамиша куйлайди... Биз тинглаймиз. Демак, у тирик».

ДИЙДОР

Шоир Мирзо Карим Қиличбек Мадалиевга «Дадамга ўхшаган дада бўламан», деб номланган шеър ёзив берган. Яқин ойлар ичида Қиличбекдан шу қўшиқни эшишиб қолсак, ажабмас.

- Ёзги имтиҳонлардан қийналмай ўтиб олдингизми?
- Ҳа. Иккинчи курсни ҳам тамомладим.
- Фарғона Даъват университетида ўқийсизми?
- Йўқ. Фарғона санъат коллежида.

— «Дадамнинг мухлислари»
қўшиғингиздан кейин янги хониш-
ларингизни эшитмаяпмиз...

Хозиргача учта — «Дадамнинг мухлислар», «Юлдузим», «Мен сиздан ўргилсам» аудиоальбомларимни мухлисларимга тақдим этдим. Тўғри, учала альбомимдаги қўшиқларимнинг ҳаммаси ҳам янги эмас. Ярмидан кўпроғи янги ижод намуналари, қолгани эса аввалги альбомимдаги энг сара қўшиқлар.

— Лекин у қўшиқларингизни
мухлисларингиз телевидение ва радио орқали тинглашмади-да?



— Тўғри, уларга клип суратга олиб телевидениеда намойиш этмадим. Бунинг сабаби шуки, ҳозирда энг катта эътибор ўқишига қаратилган. Зўр хонанда ёки ашулачи бўламан, деган инсон, аввало, чукур билимга эга бўлиши керак.

— Қўшиқларингизга шеърни қандай танлайсиз?
Шоирларнинг китобларини ўқибми ёки буюртма асосида ёздирасизми?

— Шеър, биринчи навбатда, ёшимга муносиб бўлиши керак. Шунинг учун шоирларнинг китобини ўқиб чиқаётганимда шеърининг ёшимга тўғри келиш-келмаслигига аҳамият бераман. Мана, яқинда Чустийнинг «Мен сиздан ўргилсам» номли шеърини қўшиқ қилдик. «Андус» студиясида ёздиридик.

— Дадангизнинг қайси қўшигини севиб тинглайсиз?

— Кайфиятга қараб. Яхши бўлса, шўх қўшиқларини эшитаман. Маҳзун бўлиб қолсан, дардли хонишларини тинглайман. Дадамнинг ҳар бир қўшиғи мени илҳомлантиради.

— Охунжон ака (охирати обод бўлсин)нинг ҳар бир ижроси қўшиқ шинавандаларининг қалбидан жой олган. Эҳтимол, мухлислари дадангизнинг қўшиқларини сиз ижро этишингизни кутишаётгандир?



— Ҳозиргача, дадамнинг «Сени бугун кўрмасам бўлмас», «Кимлигини айтмайман», «Шоҳсупа», «Юлдузим», «Тоф лоласи» номли қўшиқларини кўйладим. Ҳар ижро этганимда дадамнинг ёнимда турганлигини ҳис қиласман. Лекин ҳадеб дадамнинг қўшиқларини айтаверсам, ўзимда янгилик бўлмай қолади.

— Кўнглингизга келмасин, Охунжон ака «Жавоҳирим»ни илк бор ижро этиб чиққанида «Нобуд бўлган ўғлига багишлаб куйлабди», деган гаплар тарқалганди. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

— Оилада тўрт фарзандмиз. Икки опам, мен ва укам. Мендан кейин яна ўғил фарзанд кўришган. Дадам укамга яхши ниятлар билан «Отамдай бўлиб юрсин», дея исмини Нусратбек кўйган экан. Бобомнинг ҳам

исми Нусратбек эди. Бироқ умри қисқа экан. Фарзандининг доғида дадам шу «Жавоҳирим» қўшиғини яратган. «Жавоҳирим» сўзи қофияга мос бўлганлиги ва ҳақиқатан ҳам жавоҳирдан-да қиммат бойлигини йўқотгани учун хонишини шундай номлаган.

— Укангиз Санжарбекда қўшиқчиликка ҳавас борми?

— Билмадим. Укам «ичимдагини топ», дейдиганлар хилидан. Мен ҳам ёшлигимда шундай бўлган эканман. Балки, укам катта бўлгач, истеъоди



кўриниб, кўшиқ куйлаш иштиёқи туғилиб қолар.

— Эсингизда бўлса, бундан икки йилча олдин уйнигизда сиз билан сұхбатлашгандик. Шунда ташқарида, амакингиз — Шерали ака фахр билан «Акамни ўзига устоз, деб билганлар бунчалар кўп эканлигини билмаган эканман. Ўзим танимаган йигитлар ҳам «Биз Охунжон аканинг шогирдларимиз», деб Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд-у Андижонлардан келишади» деганди. Дўстлари-чи?

— Ҳақиқатан ҳам жуда кўп шогирдлари келишиб, бир неча кун меҳмон бўлиб кетишади. Лекин дадамнинг ҳаётлик пайтида келиб-кетиб юрганларнинг баъзилари ҳозир йўқ.

— Сизни кўпроқ кимга ўхшатишади?

— Кўча-кўйда, танишлардан «Қиличбек онасига ўхшаркан», деган гапларни эшитиб қоламан.

— Она она-да! Фарзандини доимо асрайди. Одобли бўлишини, одамлардан дуо олишини истайди. Онангиз сизга кўпроқ қандай насиҳат қиласди?

— Аям ҳар кўчага, ўқишига кетаётганимда, «Одамлар орасига кирганингда доимо дадангдай камтарин бўлгин!» дейдилар.

— Одамлар орасида ҳеч кемтиклик сезган пайтларингиз бўлганими?

— Хафа бўлган пайтларимни эсдан чиқаришга ҳаракат қиласман.

— Охунжон акага «Нега пойтахтда ижод қилмайсиз?» деб савол беришганида, «Онамдан узоқда яшашга кўзим қиймайди», деб жавоб берганди. Йиллар ўтиб, шу саволга сиз жавоб берингизга тўғри келяпти.

— Шундай инсоннинг фарзанди эканимдан фурурланаман. Дадам ҳаммамизга бирдай меҳрибон инсон эдилар. Энди... ҳозир биласиз-у, аввалгидаи йўллар «узоқ» бўлмай қолган. Бир кунда Фарғонадан нафақат пойтахтга, узоқ вилоятларга ҳам келиб-кетиш имконияти бор. Лекин мен узоқ йўлга юришни ёқтирумайман.



— Амакингиз Шерали ака жуда қаттиқкүлгө ўхшайды...

— Шерали акам күренишидан шундайдир. Лекин жуда күнгилчан одамлар. Шу пайтгача на амакимдан, на онамдан танбек эшитмаганман. Сабаби — танбек эшитиш даражасида номақбул иш қилмайман.

— Иккинчи опангиз ҳам турмушга узатилди. Назарингизда, уй хувиллаб қолгандир. Билишимча, иккинчи опангиз билан сирдош эдингизлар.

— Эҳ, нимасини айтасиз. Бугун нечанчи? Йигирма тўртинчи июлми? (сухбат шу куни бўлиб ўтган). Роппа-роса ўн кун бўлибди. Ҳалигача кўниколмаяпман. Авваллари ўқишидан келишим билан «Хумора, у нарсам йўқ. Қаерда? Топиб бер! Бу нарсам йўқ», дердим. Ҳамма нарсамни тахт қилиб кўйтгувчи шу опам эди. Ҳозир шуларни ўзим қилишга мажбур бўляпман. Опамнинг қадри жуда-жуда билингапти.

— Орзуларингиз?

— Бир фильм... «Кавказ асираси»да бир қаҳрамон: «Яшаш қандай яхши!» деса, иккинчиси «Яхши яшаш ундан ҳам яхши!» дейди. Ҳамманинг ўзига яраша орзуси бўлади. Баланд чўққиларга чиқиш, муҳлисларимнинг қалбидан чуқур жой эгаллаш. Ва, албатта, дадамнинг руҳини шод этиб, улар истаган фарзанддек комил бўлиш.

— Муштарийлар ва муҳлисларингизга тилакларингиз...

Ҳамманинг хонадонида тинчлик бўлсин. Кўшиқлар қўшиқларга улансин. Юртимиз гуллаб яшнасин.

*Дилмурод ПАРПИЕВ сұхбатлашди,
«Бекажон», 07.08.2008 й.*

«СИЗДАН ТЕККАН ИЗТИРОБЛАР ЎТМАДИ...»

Қайси йил экани эсимда йўқ — бундан ўн йилча нари, баҳор кунларининг бирида дадам бир-иккита кассета олиб келди.

«Охунжон Мадалиевни олиб келмадингизми?» — қизиқсинди ҳовлимизда куйманиб юрган аям.

«Ким у? Шундай қўшиқчи борми?»

«Ҳа, янги чиққан. Яхши қўшиқлари бор».

Дадам эслаб қолмоқчи бўлғандай, манглайнини тириштириди. Эртаси куни ўша — аям мақтаган «Охунжон Мадалиев»ни олиб келди.

Энди эртадан-кечгача ҳовлимиздан Охуннинг хонишлари тараладиган бўлди.

Бу қўшиқлар мени — қалбida қандайдир сирли кўчкilar юз берәётган ўсмирни бефарқ қолдирмади.

Қишлоқ ортида мол боқиб юрганимда, томорқада ишлаётганимда, қари тут дараҳтига чиққиб, мазза қилиб тутга тўйганимдан сўнг — дунёни унутиб қўшиқ айтардим. Овозим дунёни тутса дердим. Гўё бу қўшиқлар фақат меники эди.

Аммо ундей эмас экан.

Сездимки, бундай ҳис күпчилик курсдошларимизга ҳам хос. Ётоқхона-ю, ижара уйларда бизга қўшилиб Охун ҳам яшар эди. Талабалик—севги фаслида кўпирган туйғуларимизга таржимон эди у. Севганимизга аста айтолмаган сўзларимизни унга қўшилиб ҳайқирап эдик.

Эсимда, дил изҳори қилолмай юрган шоир дўстимиз, қўшиқдан таъсиrlаниб, ижара уй деворларини муштлаб йиглаган ва ярим кечаси пою-пиёда Унинг олдига отланган эди.

Охун юрагимизга қувват берарди.

Ётоқхонада, қизларнинг эшиги олдидан унинг қўшиқларини куйлаб ўтардик. Гўё улар билан бир чақалик ишимиз йўқдай, шунчаки қўшиқ айтгимиз келгандай...

Айниқса, пахта теримига чиққан пайтимизда... Иложи борича, кўз остимизга олиб қўйганимиз қиз билан ёнма-ён тушишга ҳаракат қиласдик.

Этагимиз, тагимизга қўйсак, зах ўтмайдиган даражада тўлгач, ўтирадик ва... Ундан қўшиқ айтиб беришни сўрардик. Сўнг, биздан ҳам илтимос қиласвергач, «қўймадингиз-да» дегандай, дўрилдоқ овозимиз билан бошлардик. Аёнки, ўзимизни сираям Охундан кам билмасдик...

Шийпон олдида суви қуриб қолган бетон ҳовузча бор эди. Кечкурунлари унинг атрофида тизилишиб ўтиволардик. Қизлар кўпроқ Юлдуздан, бизлар эса басма-басига Охундан «олардик».

Қизиги, курсдош дўстлармиздан бирининг лақаби «Охунжон Мадалиев» эди. Кўз-қоши, юз чизгилари, айниқса, мўйлови нақ ҳофизни эслатадиган «Охунжон Мадалиев»нинг, афсуски, бирон марта ҳам на қўшиқ айтганини, на хиргой қилганини эшитганимиз...

* * *

Йиллар ўтиб, ҳофиз қўшиқларидаги ҳасратни дилдан англағ етдик. Бир пайтлар дунёning кажравлигини қўшиқ орқалигина ҳис қилган бўлсак, энди ўз қисматимида кўра бошладик.

Дунё бизни аямади.

«Қалб» деб аталмиш мамлакатдан чиқиб кетдик.

Жинқўчаларда дайдиб, Севгимизни, Ўзимизни, энг ёмони, Қўшиқни йўқотиб қўйдик.

Юрагимиз қолмади.

Юргилигимиз ҳам...

Йўлимизни ялмогиз пойлайдиган, қўйнимизга ажина кирадиган, тушимизни иблис симирадиган бўлди.

Дунё аста-секин саргайиб тўкилди, сўнг осмонга қадалган қуп-қуруқ шохларигина қолди...

«Охун ўлибди...»

Юрагим шув-в этиб кетди.

Ишонмадим. Аввал ҳам таниқли шахслар ҳақида бундай миш-мишлар тарқалган ва асессиз бўлиб чиқсан эди.

Аммо юрагим тинчимади.

Бир-икки кишидан сўраб кўрдим – елка қисиши. Енгилроқ нафас олдим. Бироқ шубҳам тарқамади.

Менга бу хабарни етказган киши ҳам анигини билмас эди. Аросатдан кутилиш учун фаргоналик акахонига телефон қилди. Жавоб ўқдай тез этиб келди. Ичимда нимадир узилиб кетгандай бўлди. Ўта азиз бойлигимдан айрилиб қолгандай эдим. Лекин нима у? Бирданига жавоб қилиш қийин эди. Кейинчалик топгандай бўлдим: мени болалигим билан, ўсмиригим билан боғлаб турган нурли ришталар «чирт» этиб узилиб кетгандай бўлган экан...

* * *

Охунжон Мадалиевни бор-йўғи бир марта яқиндан кўрганман. Ажал кўнгироги чалинмасдан чамаси бир ойлар олдин... Телевидение ҳовлисида турган экан. Ҳамроҳим, яқиндан танир экан шекилли, бориб кўришиди. Мен ҳам. Қайтиб кўрмадим.

Ҳофиз ўша куни сариқ кўйлакда эди. Шоирлар бу рангни айрилиқ рамзи дейишиади...





* * *

Ўша куни шоир дўстимнинг ҳам кайфияти йўқ эди. «Наҳотки?!» дерди у бетоқат бўлиб. Ахир ҳофизнинг қўшиқларини ҳаммамиздан кўра у яхшироқ айтарди-да. Магнитофонимиз йўқ пайтлари у орқали тинглардик Охунни. «Айт» дердик қистовга олиб...

Ўша куни у ҳеч қандай қистовсиз қўйлай бошлади. Қўшиқ қўшиққа уланди. Кўзларга ёш тўлди. Уялмасдан йигладик...

Сездимки, бу қўшиқлар ўлмайди.

Демакки, мени мовий олам билан боғлаб турувчи ришталар ҳам узилмас...

* * *

Қишлоққа бордим.

Аям билан диллашдим.

«Эшитиб» уч кун ўзимга келолмадим, – деди мунг тортиб, – жигаримдай бўй қолган экан...»

Ўзимча ўйладим: Ўзбекистонда қанча она, қанча опа, қанча ака-ука ҳофизни «жигарим» деб кўйди экан?!

* * *

Ушбу мисраларни ёзар эканман, рафиқам нариги хонада Охунжон Мадалиевни тингляяпти. Қўшиқ сатрлари ўз-ўзидан қоғозга кўчади ва битигимизни хулосалайди:

*Бир зум кулбам дарчасидан зиё ўтди,
Чин ўтдиму, билмай қолдим, рүё ўтди,
Сиз ўтдингиз – бу дунёдан Дунё ўтди,
Сиздан теккан изтироблар ўтмади...*

*Нодир ЖОНУЗОҚ,
2000 йил, 19 декабрь*

Охунжон МАДАЛИЕВ хотирасига

*Жоним қўшиб эшилганда торларингга,
Жўр бўлганман майин-маъюс зорларингга.
Шукур этардим бу дунёда борларингга,
Бизга бўлди дунё бағри метин созим,
Алавидо, эй менсиз қолган етим созим.*

*Мен учун ҳам қўйгин онам кўксига бош,
Тоб ташлама бағрингга тўйканда ёш,
Торларингга ел тегса ҳам гам бўлар фош,
Бизга бўлди дунё бағри метин созим,
Алавидо, эй менсиз қолган етим созим.*

*Бир кун қўйга олса болам бўйга етиб,
Ёру дўстлар хуш бўлсалар тўйга етиб,
Толма сира, куйлар билан хизмат этиб,
Бизга бўлди дунё бағри метин созим,
Алавидо, эй менсиз қолган етим созим.*

*Одамларга қўй узатиб етолмасман,
Дардларимга энди сирдош этолмасман,
У ёқларга сени олиб кетолмасман,
Бизга бўлди дунё бағри метин созим,
Алавидо, эй менсиз қолган етим созим.*

*Умр бўйи қуводим санъат охуни ман,
Бугун видо торларининг ноҳуниман,
Олтин водий— Фарғонанинг Охуниман,
Бизга бўлди дунё бағри метин созим,
Алавидо, эй менсиз қолган етим созим.*

ОЛЛОЁР



ҲУСНИДДИН ХОЛИҚОВ

(1963—2005)

Унинг болаликдаги асли орзуси учувчи бўлиш эди. Аммо мусиқага бўлган бўлакча меҳр барибир унга тинчлик бермади. Ҳусниддин Холиковнинг ҳаётдаги шиори «*Сен қайси соҳани танлассанг, албатта, унда энг олдинги сафда бўл. Энг ёрқин юлдуз бўл. Акс ҳолда, уни танлама, яхиси қўл урмай қўя қол*». Таъкидлаш жоизки, у бу соҳани танлаб хато қилмади. Аксинча, унинг энг нозиктабъ, зукко ва қалбан англагувчисига айланди. Сиз унинг қўшиқларини бир ўзингиз ёлғиз эшишиб кўринг. Рости, қалб призмасидан ўтиб, сизни ё йиғлатади, ёки ўзга оламларга олиб кетади.

Ҳусниддин Холиков шифокорлар томонидан кўйилган Арнольд Де Кияр ташхиси билан жуда эрта кўз юмди. Ушбу саратон касали бу хонандани орамиздан бевақт олиб кетган бўлса-да, аммо унинг қўшиқлари ва ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Холиковлар хонадонига адабиёт ва санъат даргалари тез-тез ташриф буоришар эди. Узун тунлардаги дилкаш ва дилтортар сұхбатлар бу оиласда вояга етаётган фарзандлар учун «Ҳаёт мактаби» бўла олди. Улуғ даргалар Жалолиддин Холиков ва хассос шоира, драматург Қурбоной Убайдуллаевалар бола тарбияси, унинг қизиқишлиарини тўғри томонга йўналтириб, бор меҳрларини уларнинг тарбиясига бағишлийдилар. Оқибатда, меҳр билан ўsgan ниҳоллар мева бера бошлади.

1964 йил таваллуд топган Ҳусниддин Холиков Глиэр номидаги мусиқа мактабини 1983 йили аъло даражада тамомлади.

ТАБАССУМ ИЛА ДУНЁНИ ТАРК ЭТГАН ҲУСНИДДИН

**Самода юлдузлар ёғду сочмаса, тун зулмати бутун борлықиң қоронгулика
чүлгаганда ҳәёттимиз түхтаб қолишини масаввур қила оласизми?! Санъаттимиз осмони
ана шундай ёрқин юлдузини йўқотди. Моҳир мусиқачи, оранжировкачи, хонанда,
ширип овоз соҳиби Ҳусниддин Холиқов 41 ёшида бу дунёни тарк этди.**

Тўлқиной ҚОРАБОЕВА, Ҳусниддин Холиқовнинг опаси:

«Ҳусниддиннинг танаси 19 ўйларки «Арнольд Кияри» деган туғма
хасталикка чалинган экан. Фақат бу касаллик кейинчалик юзага чиқди.
Аввалига Ҳуснининг қўлларида куч ўйқола бошлиди, кейин кучсизлик
оёқларига ўтди. Натижада у ҳамто ўрнида тик тура олмай қолди.
Балки унинг хасталик туфайли бироз чайқалиб юрганини кўрганлар бошқача
фикр қилишгандир. Фийбатлардан халос бўлиш учун, Ҳусниддин, кел,
матбуотда чиқиш қилиб, аслида ноёб касалликка чалинганингни эълон
қилиб, нотўғри гапларга барҳам берамиз, дея таклиф қилдим. Лекин Ҳусни:
«Йўқ, мен хаста бўлиб қолганимни айтишдан уяламан», деганди.

Кўрсатмаган шифокоримиз, олиб бормаган жойимиз қолмади.

Охири, югур-югурлардан чарчаган укам: «Дўхтирлар касалимни топа
олмади, мен ўзим топаман», деб ҳар хил табобатга таалуқли китобларни
ўқийдиган бўлди. Аммо дард, барибир, дардлигини қилди. Операцияга рози
бўлишдан бошқа иложсимиз қолмади. Арафа куни операцияга кириб кетди.
Яхши чиқди. Ўша куни операциядан чиққанидан кейин кўрганингизда, бу
одам эрта-индин ўлади, деб ўйламасдингиз.

Укамнинг режалари, қиласидиган ишлари кўп эди.

Ҳусниддинни кўрганлар, анча жиҳдий инсон, деб ўйларди. Лекин у
анчагина шўх табиатли эди. Касалхонаада ётганда ҳам бизни кулдириб,
қўшиқ айтиб берарди. Уни даволаётган шифокор русийзабон бўлгани учун

ўзбекчани қийналиб
гапиради. Үнга жа-
воб қайтаргунча,
Ҳусниддин ҳам рус-
чани қийналиб га-
пириради ва ўртада
яна кулги кўта-
риларди.

У ўзини жуда
яхши ҳис қиласидиган
ганди. Ўн биринчи
ноябрь куни опе-
рациядан кейинги
ярасини қайта боғ-
лашга олиб киришиди
ва ҳеч қанча вақт





ұттай, оғир ақвалда палатага қайтаришди. Шифокорлардан нима бұлғанини сұраб билолмадик. Уни шошилиң қайта жонлантириш бұлымига олиб киришиди. Быласизми, олиб кириб кетишаётганида унинг икки күзи мендә әди. Лекин мени күраётгандими-йүқми, билмадим. «Хаммаси яхши бұлади, отдеқ бұлыб қоласан», деб далда бердим, қилт эттади. Үша қараши бир умрга хотираға муҳрланиб қолди».

— Ҳусниддин акани құрқасдан санъатимиздаги «биринчи» оранжировкачи, «биринчи» бастакор, «биринчи» жонли ижро устаси десак адашмаймиз. Лекин нимагадир күп құшиқ айтмадилар?

Тұлқиной ҚОРАБОЕВА: «Құшиқлари күпу, етарлича реклама қилинмаган, холос. Интернационал маҳаллада үсганимиз учун, Ҳусни бошқа тилларда құшиқ айтишга уста әди. Айниқса, унинг «Лакатум» құйшиғини мұхлислар жүдә қадрлашади. Ҳусни жонли овозда куйиб-пишиб концерт берган, ҳозирги баъзи бир хонандаларга үхшаб халқни алдамади, у сохталикни ёмон күрарди. Ҳақиқат бир күн келиб, барибір юзага қалқиб чиқшишига ишонарди. Ҳозир унинг құшиқларини эшишишга юрак дош бермайды. Ҳатто расмларини очиб қарай олмайман, чунки унинг орамизда йүқлигига күніка олмаяпман. Гёёки у билан гаплашаман. Орамиз икки ёш бұлғаны учун бир-биримизни сенсираб, худди әзізаклардай катта бұлғанмиз. У менинг ҳам дұстим, ҳам сирдошим әди. Мұхриддин акамнинг йүқлигига эндигина күнкіккандик. Аввало, энг катта акамдан, сұнг Мұхр акамдан, кейин отамдан кетма-кет ажралдик. Оиласымиз учун ушбу үйлар үтә оғир кечди. Шунча инсонларни үйкөтдик, энди Ҳусниддин анча яшаши керак деб үйлардым. Лекин сизнинг айтганингиз бұлmas экан. Онадан икки фарзанд — акам Шаҳобиддин ва мен қолдик.

Она жонимиз баҳтимиизга ҳаётлар. Насиб қылса, маблағ үйигиб Мұхридиннан акам ва Ҳусниддиннинг хотирасига музей очишни ният қилиб қўйғанмиз. Оиласиз кенжасининг муборак қўллари теккан мусиқий асбобларни тўплаб қўйғанман. Ижарага сўраб келишди, пулга зор эмасман, дея бермадим. Илоҳим, укам Ҳусниддиннинг жойи жаннатда бўлсин!»

НОДИРА,
«Бекажон», 4 май, 2006 й.

АВТОПОРТРЕТ

...Кимдир мени алдади, кимдир мен билан ўз ишларини битириб олгунича «дўст» бўлди, яна кимдир менга панд бераман деб, ўзи панд еб қолди. Аммо ота-онам, турмуш ўртоғим, ҳақиқий дўстларим хиёнат қилмадилар. Илоҳим, бундан кейин ҳам мени хиёнатга дуч келишдан асрасин.

Одатда, мен туғилган йилимни айтишни ёмон кўраман. Аммо Тошкент шаҳрида, тоғ эчкиси буржи остида туғилганимни айтсан бўлаверади. Болалик шунаقا нарса экан-да. Орзу қилаверасиз, қилаверасиз. У амалга ошадими, ошмайдими, ўша орзуни амалга ошиши учун нима керак бўлади, буни ҳеч қачон ўйламайсиз. Шунинг учун ҳам болалик дейдилар. Бизнинг ёшимиздаги авлод болаларининг ҳаммаси ё косманавт, ёки учувчи бўлишни орзу қиласди. Ҳозир негадир ҳеч қайси боладан космонавт бўламан, деган гапни эшитмайман. Кўчадаги болакайлардан, қизалоқлардан «Катта бўлсанг ким бўласан?» деб сўраб қолсангиз, ё дипломант, ёки сиёсий арбоб, ёки милиционер бўламан деган жавобни эшитасиз. Мен эса болалигимда учувчи бўлишни орзу қилгандим. Катта-катта самолётларни бошқаришни, дунёнинг барча

мамлакатларига ўз самолётим билан учеб боришни ўйлардим. Лекин ҳеч қачон санъаткор бўламан, мусиқа басталайман, деб ўйламаган эдим. Мактабда ашула дарсида доимо икки баҳо олардим. Мусиқа муаллими ўргатаётган қўшиқлар менга умуман ёқмасди. Шунинг учун уларни куйламасдим ҳам.

Болалигимдан яна бир нарсани орзу қиламан. Бу орзуга эришаманни ёки эришмайманни, буни билмайман. Аммо айтиб қўявераман, орзу қилавераман. Ўзим боғ яратишини, парранда боқишини яхши кўраман. Худо хоҳласа, омадим келиб, қўлимга катта маблағ тушиб қолса, болалар учун истироҳат боғи яратмоқчиман.

Ўзимга баҳо бера олмайман. Менимча,



инсон ўзи ҳақида ҳеч қачон мен ундоқман, мен бундоқман дея гапириши керак эмас. Ҳар бир кишининг салбий ҳамда ижобий тарафлари бор. Мени кузатган инсон, мен билан мулоқотда бўлганлар қандайлигимни яхши билишади. Балки бу саволга жавобни ана ўшалардан олиш керакдир?

Хиёнатга ҳали дуч келмадим. Тўғри, кимdir мени аллади, кимdir мен билан ўз ишларини битириб олгунича «дўст» бўлди, яна кимdir менга панд бераман деб, ўзи панд еб қолди. Аммо отонам, турмуш ўртоғим, ҳақиқий дўстларим хиёнат қилмадилар. Илоҳим, бундан кейин ҳам мени хиёнатга дуч келишдан арасин.

Манфур кимсалар қилмишидан чексиз изтиробга тушиб, бир қатра меҳр, бир оғиз ширин сўзга муҳтожлик сезганимда фақат Аллоҳдан мадад истайман. Ҳамма нарсани кўриб-билиб турган зот борку, гуноҳ-савобнинг ажру мукофотини бергувчи, дея таскин топаман.

Қалбимда камол топган эзгу туйғулар учун, энг аввало, отонамдан миннатдорман. Ҳусниддин Холиқов бўлишимга сабаб бўлган инсонлар ҳам ўшалар. Жалолиддин Холиқов неча йиллардан бўён халқнинг хизматида юрдилар, онам Қурбоной Убайдуллаева шоира, драматурглар.

Менда деярли бўш вақт бўлмайди. Болаларим учун дам олишга чиқмасам, ўзим учун ҳеч қачон бу ишни қилмайман. Ҳоббим — овқат пишириш. Яхши ошпазман, дея мақтана оламан. Чунки барча таомларни мазали қилиб тайёрлайман. Айниқса, балиқ пиширишнинг уч-тўрт хилини ўзим кашф қилганман, десам ҳам бўлаверади. «Чихамбили» деб номланган ажойиб таом бор. Уни ҳам қойилмақом қилиб тайёрлайман. Ҳа, ҳамир овқатлар пиширишга ҳам усталигимни айтишим керак.

Илк муҳаббат... Айтсам ишонмайсиз. Биринчи бор ҳали мактабга ҳам бормаган пайтимда бир рус миллатига мансуб сочлари тиллоранг қизчани яхши кўриб қолганман. Тўгрисини айтсам, мен жуда кўп яхши кўрган одамман. Муҳаббат шундай нарсаки, буни бир сўзда жам қилиб бўлмайди. Севгандар, севилганлар



муҳаббатнинг қандайлигини билишади. Агар яна муҳаббат ҳақида ёки севгандарим ҳақида гапирадиган бўлсам, турмуш ўртоғим хафа бўлиб қолиши мумкин.

Ўзимни машҳурлик шоҳсупасининг чўққисидаман дея олмайману, аммо машҳурман дея оламан. Чунки одамлар мени танишади, билишади, яхши кўришади. Мухлисларим яхши кунларида менинг ҳам иштирок этишимни исташади.

ШАРИФА тайёrlади,
«Чархпалак», 20-сон, 2003 й.

«ҚЎШИҚЛАРИМ ЖУДА КЎП»

Ҳақиқий санъаткор ўз асарини яратиётганда ишининг барча мезонларини ўзи қашф қиласди. Натижада ана шу қашфиёт ҳақиқий мухлисларини топади. Қўшиқчилек санъатимизда ҳам мусиқани, ҳам ижрони бараварига яратиб келаётган санъаткорлар саноқли. Бугунги меҳмонимизни шундай ижодкорлар қаторига киритсанк муболага бўлмас. У табиатан жисдий кўрингани билан аслида ҳазил-мутойибани ҳам боплайди. Хонишлари дилга яқин, майин овози эса худди ҳар қандай тошини эритиб юборадигандай. «Ўзбекистон», «Сумалакдан тош топдим» қўшиқлари ҳар бир хонадонда меҳмон бўлган, десак ҳатто бўлмайди. Азиз мухлис, англаган бўлсангиз керак, бу санъаткор марҳум хонанда Муҳридин Холиқовнинг укаси Ҳусниддин Холиқовдир.

Ҳусниддин ака, келинг, сұхбатимизни айни пайтдаги фаолиятингиздан бошлаймиз...

— Сўнгти пайтларда амалга оширган энг катта лойиҳамиз 10 май куни Намангандаги «Навбаҳор» ўйингоҳида бўлиб ўтди. Бу ерда биз акамнинг хотираларига бағишлиланган катта хайрия концертини ўтказдик. Унда уларнинг шогирларидан тортиб сафдошларигача, касбдошлари, қизиқчилар, хуллас, жуда кўп санъаткорлар иштирок этишди. «Бола-

тимоя қилиш» кунига атаб ҳам концерт ташкил этишни режалаштирганмиз. Албатта, уларнинг ташкилий ишлари билан ўзим шуғулланмайман-у, аммо асосий фикрни мен бераман. Хонанда сифатидаги фаолиятимга келсан, айни пайтда янги қўшиқлар устида иш олиб боряпман. «Лакатум» номли ашуламга мусиқий клип олишни режалаштириб турибмиз.

— Мана яқинда, анчадан бери саҳнада кўринмаган Ҳусниддин Холиқовни мухлислар «Зарафшон» концерт залида тинглашди. Ана шу дастур шахсан сизда қандай таассуротлар қолдириди?

— Концертга иштиёқ ва куч билан тайёргарлик кўрдик. Концерт яхши ўтди, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди-ю, аммо концертгача бўлган жараён бир оз фашимга тегди. Айрим инсонлар менинг ижроим жонлими, йўқми д:б, текширишларини бўрттириб юборишиди. Афишаларга «жонли ижро» д:б ёзиб қўйибман-ку, келиб четдан туриб бунинг гувоҳи бўлиб кетаверсынлар. Нима кераги бор ортиқча қоғозбозликнинг. Яна бир

жиҳатдан хафа бўлдимки, айрим санъаткорларнинг концертлари рекламасида жонли ижро ёки фонограмма ҳақида гап ҳам, сўз ҳам йўқ. Ҳўш бундан қандай хулоса чиқаришимиз мумкин. Демак, барча санъаткорларга бирдек қаралмас экан-да?! Албатта, бу менинг шахсий фикрим. Дастуримга тўхталағиган бўлсак, ростини айтганда мухлислар мени шунчалик кўнгли очиқлик билан кутиб олади, деб ҳеч ҳам ўйламагандим. Репертуарим ичиди бир оз бошقا ижродаги, хусусан, чет тилларида куйланган қўшиқлар бор эди. Мухлислар ашула-ларимни қабул қилмай, саҳнадан ҳайдаб юборишса-я, деб тахмин қилгандим. Аммо томошабинлар жонли ижрони соғиниб қолишганми, ҳар ҳолда ол-қишилар билан кутиб олишди.

— Акангиз Мұхриздин Ҳолиқов ҳаётлик чогида уларнинг ижролари сизникидан кўпроқ эди. Сиз қўшиқларингиз билан тез-тез чиқиб турмас эдингиз. Бунинг боиси нимада эди?

— Биласизми, акамнинг машҳур бўлиб муваффақият қозониши мен учун етарли эди. Қолаверса, қондош акамга тенг келиб, саҳнада унга рақиб бўлишни истамасдим. Лекин иккаламиз бирга концертларда қатнашиб туар, тўйларга ҳам бирга бораидик. Мусиқа билан аввалига мен 4–5 ёшимданоқ шуғулана бошлаганман. Ҳатто катта пластиналарим чиққан. Рубобдан тортиб, бас гитараларгача, қўйинг-чи, синтезатор каби асбобларнинг ҳаммасини чалишга тўғри келган. Акам оламдан ўтганларидан кейин, мана энди-энди ижод қилишга, яъни самарали ишлашга бел боғладим. Хуллас, турли сабаблар туфайли аввалига саҳналарда камроқ кўринган бўлсам, ҳозирга келиб, аксинча, ижодни янги интилиш, ҳаракатлар билан давом эттиряпман. Аслида қўшиқларим кам эмас, жуда кўп. Улар орасида ҳеч ким эшитмаган, ҳатто тўқсонинчи йилларда яратилган хонишлар ҳам бор.

— Ҳозирги қўшиқчилик санъатимизда қандай ашулалар бўлишини хоҳлардингиз?

— Авваламбор, санъатда барча йўналишдаги хонандаларга йўл берилсин дейман. Бирон-бир санъаткор қўшиқлари идеал даражага чиқиб кетмаслиги ёки алоҳида йўналишини устун кўйиш керак эмас, чамамда. Бирор мақом, яна бошқаси жаз кабилар билан шуғуллансин, уларга йўл берилса, мухлисларини топади-ку. Чunksi





рон қолганлар бўлган. Кўзимга нима чиройли кўринса, шуни уйга олиб келардим.

— Санъаткор Мухридинн Холиқов ҳақида китоб чиқарсангиз, уни нима деб номлар эдингиз?

— Бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман, агар китоб чиқарсам ҳам, энг қийини унга ном топиш бўлса керак. Унинг ичига бир олам нарсалар ёзиш мумкин-у, аммо номлашга келганда қийналиб қоламан-да.

— Тасаввур қилинг: иш столингиз устида З та сурат туриши керак. Кимларнинг расми бўлиши мумкин?

— Биласизми, расм инсоннинг ўтмишидаги кунларидан қолган эсадалик, холос. Сизга столим устига онам, болаларим ёки яна бошқа инсонлар суратини қўяман деб айтишим мумкин. Аммо улар ҳаёт-ку, хоҳлаган пайтимда кўриб келиш кифоя. Мана, хонамга акамнинг расмини илиб қўйганман, энди уларнинг ўзини кўра олмаганим учун.

— Оила – бу сиз учун нима?

— Оила мен учун кичик ватан. Айтишади-ку, аввалига ўз ватанинг, оилангга эга бўл, деб. Ватанимиз Ўзбекистон, унинг ичиди кичик маконимиз – бу муқаддас оиласиздир. Унда биз қўним топамиз, ором оламиз ва қуч топамиз.

— Тилакларингиз...

— Мухлисларга юрагимдаги тилагим: авваламбор, соғлик-саломатлик тилайман. Мусаффо осмонимиз тинчлиги ҳеч қачон йўқолмасин.

*Суҳбатдош НОДИРА,
«ЭРУДИТ», 17 май, 2003 й.*

ҳар бир тингловчи ўзига керак йўлни танлаб олади.

— Бир эслаб кўринг, илк маошингиз ёки ишлаб топган пулингизга нима харид қилгансиз?

— Илк пулимгами, ... 7-синфда ўқиб юрган кезларим анча машҳур бўлиб қолгандим-да, олдинги ЦУМ дўконига бориб, 730 сўмга битта телевизор сотиб олганман. Ўшанда 7-синфда ўқийдиган бола бир ўзи ёлғиз келиб телевизор сотиб олдими, деб ҳай-



ДИЛНУРА ҚОДИРЖОНОВА

(1975—2008)

«...2008 йил 2 октябрь. Ишга кетиш учун тайёргарлик кўраётган эдим. Шу пайт анчадан буён орзиқиб кутаётганим — ёқимли хониш мени телевизор қаршиисига чорлади. Бу овозни Самарқандда «Шарқ тароналари» фестивалини ўтказилганда эшигтан эдим. Айнан шу сеҳрли овоз соҳибасининг иқтидори шунча давлатларнинг истеъододлиларидан ҳам юқори баҳоланиб, юлибликни қўлга киритганида юртимизда шундай истеъододли қизлар борлигидан фахрландим. Энди эса унинг вафот этганилигини эшишиб, қалбим ларзага тушди...»

Ҳабиба Қаҳҳорова, Бухоро.

Юқоридаги мактубда айнан ким ҳақида сўз борганини англаш мушкул эмас... Орамизда шундай инсонлар борки, улар ўзларига берилган қисқа фурсатли умр йўллари давомида асрларга етгулик буюк ва эзгу ишларни қилиб улгурадилар. Бундайлар жисман маҳв бўлса-да, ҳалқ қалбида, хотирасида узоқ ишлар яшаб қоладилар. Шундай инсонлардан бири бухоролик муштарийимиз тўлқинланиб ёд этган юксак иқтидор соҳибаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилнурा Қодиржоновадир.

Дилнурा Қодиржонова 1976 йил 6 январда Андижон вилоятида таваллуд топган. Консерваториянинг бакалавр ва магистратурасида таҳсил олган.

*1996 йилда Ҳоҷи Абдулазиз Абдурасулов конкурси совриндори.

*1998 йилда Республика бўйича ўтказилган Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султоновлар конкурсида биринчи ўрин билан тақдирланган.

*2003 йилда «Ниҳол» мукофоти совриндори.



*2003 йилда «Шарқ тароналари» бешинчи халқаро фестивалида 1-йүрин голибаси.

*2004 йилда «Йилнинг энг яхши мумтоз қўшиқ ижрочиси» дипломи билан тақдирланган.

*2005 йилда «Йилнинг энг яхши қўшиқ ижрочиси»...

*2006 йилда эса «Йилнинг энг яхши анъанавий йўналишдаги қўшиқчиси» сертификатларини олган.

*2007 йилда «Йилнинг энг яхши қўшиқ ижрочиси» дипломи билан тақдирланган.

ҚЎШИҚЛАРДА ЯШАЁТГАН УМР

Дилнурда Қодиржонованинг онаси Октябр опа Юсупова:



«Қизимнинг санъатга қизиқиши ёшлигидан, ундан ҳам илгарироқ, аниқроғи, боғча ёшидан бошланган. Кичкиналигидан бобосининг мусиқа асбобларини чалишга қизиқарди. Бобоси – менинг дадам мактабда мусиқа ўқитувчиси эдилар. Дилнурадаги қобилиятни пайқаб, мусиқий билим ва қўшиқларни етарлича ўзлаштириши учун барча шароитларини яратиб берганман. Мактабда 5-синфда таҳсил олаётганида бобосидан дутор чалишини ўрганди. Шундан сўнг мумтоз қўшиқларни ҳам ижро эта бошлади. Мактабни тугатгандан сўнг бир неча тадбирларда иштирок этиб, голибликни қўлга киритди. Бу орада оиласи бўлди. Унинг қизлари Шаҳризода ҳамда Дилёралар қизимнинг изидан ке-

тишмоқда. Дилёра ўтган йили «Оҳанрабо» кўрсатувида қўшиқ айтиб чиққанида беихтиёр кўз олдимга қизимнинг илк ижод қилган дамлари келди. Унинг болаларига қизимнинг истеъодди юксину, бироқ ҳаётни ҳеч қачон ухшамаслигини Аллоҳдан сўраб қоламан. Мен қизимнинг қисқа умри давомида яратган қўшиқларини доимо қалбимнинг тўрида ардоқлайман. Уларда юрагим бир бўллагининг чуқур меҳнати сингган. Унинг телевидениеда чиқишга улгурмай қолган «Онажон» қўшигини ҳар куни тинглайман...

Дилнора Қодиржонованинг «Ўчмас юлдузлар» кўрсатуви орқали ўлими тафсилотлари эфирга кетгунга қадар унинг вафоти билан боғлиқ турли мишишлар тарқалиб кетганди. Шунда машҳур санъаткоримиз Абдуҳошим Исмоилов кўрсатув орқали шундай деганди:

Нотада «фа» деган энг ююори овозни талаб қиласидиган авж палласи бўлади. Бу дараҷада ҳозирда бизнинг санъаткорлардан ҳеч ким ижод қилмайди. Дилнора эса «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида нотанинг «фа» нуқтасига чиқиб қўшиқ куйлаган. Шунда унинг соғлигидан хавотирланиб, «Қандай айтдинг, миянг портлаб кетай демадими?» дега сўрганимда: «Санъатнинг сехридан ўзим ҳам сезмай қолдим», дега жавоб берганди у. Кейин билсак, ўшанда нотанинг «фа» нуқтаси Дилнуранинг юрагига оғирлик қилган экан. Унинг катта истеъодди уни орамиздан бевакт олиб кетди...»

Бу сўзларни эшитган халқ яна бир қалқди. Ҳар ким ҳам санъатга ўзининг умрини, ширин жонини фидо қилавермайди. Мархума хонандамизни чексиз армон билан журналист **Мұҳаббат Ҳамроева шундай хотирлайди:**

«Дилнурани мен «Дуторчи қизлар» ансамблида фаолият юритаётганидан бошлаб танийман. Кўп ҳолларда уни телевидение биноси олдида съёмкага келган вақтлари кўриб қолардим. Жудаям хокисор, самимилигини йўқотмаган дилбар аёл эди. Бир куни телевидениедан шошиб чиқиб кетаётсан, Дилнора тўхтатиб қолди. «Мұҳаббат она, «Эрта сўнган юлдузлар» кўрсатувингизни доимо кўриб бораман. Жуда яхши тайёрлайсиз, деб қолди. Шошиб турганлигим боис, раҳмат, синглим, мен шошиб тургандим, деб кетмоққа шайландим.

— Беш дақиқа вақт ажратинг, сизга айтадиган муҳим гапим бор эди... — деди.

— Кечирасиз, синглим, кечикишини ёмон кўраман. Ҳали бир ўтириб бемалол гаплашамиз, — дега шошилганча чиқиб кетдим... Орадан





озгина вақт ўтиб, унинг оламдан кўз юмгани ҳақида эшишдим... Шундай истеъоддли санъаткорни бевафо дунё ўзининг чин дунёсига олиб кетганди. Ҳалигача ўзимни коййиман, кечиролмайман. Нега ўшанда Дилнуранинг айтмоқчи бўлган гапларини эшишмадим? У менга нима демоқчи бўлган экан? Балки ўлимини сезгандир. Бу мен учун энди бир умр армон, сир бўлиб қолади.

Кўрсатув тайёрлаш жараёнида, ҳамто ёрдамчи оператор ўигитларимиз ҳам ўзларини ўигифдан тұхтата олишмаганди. Эсимда, ўша куни юрагимизга улкан қайгуларни юклаб қайтаётганимизда машина светофорда тұхтади. Шунда қаёқдандир Дилнуранинг баланд пардаларда ижро этган қўшиғини эшишиб қолдик. Машина дагиларнинг

барчаси ўйга толишиди. Шунда мен санъаткор жисман кетиши мумкин, бироқ санъатимизга қўшган ҳиссаси бир умрга абадий яшайди, дедим. Ҳа! Дилнурда ҳеч қачон ўлмайди!

У ижро этган тароналарни эшишиб, истеъододига тан бермай илоҗимиз йўқ. Дилнуранинг яна кўпчилликка маълум бўлмаган қирраси – яхшигина дизайнер-тикувчи эди. «Истиқдол» саройида қўйған концертларидаги барча кийиб чиққан либосларини ўзи яратган. Кийимларига мос танланган тақинчоқлар ҳам унинг юксак дидди эканидан далолат беради. Унинг бевақт вафотидан сўнг кўрсатувимиз номига шу қадар кўп мактублар келганди, ижодий гуруҳимиз билан унга битилган хатларни ўқиб адo эта олмасдик.

Дилнуранинг бир қизи унинг изидан кетиб, қўшиқ куйламоқда. Овози жудаям чироили. Яна бир қизи эса менинг олдимга келиб журналистика маҳоратларини ўрганинти. Дилнурани хотирлаб унинг исходкор дўстлари Замира Суюнова, Матлуба Сафарова, «Дуторчи қизлар» ансамбли ва мен бошқа санъаткор дўстлари билан биргаликда ўигилиб, фарзандлари ҳолидан хабар олиб турамиз. Унинг қўшиқлари ёш санъаткорлар томонидан куйланаётгани муҳлисларни қувонтиради».

Гарчи бугун орамизда Дилнурда йўқ бўлса-да, бироқ унинг ҳар бир яратган таронасида унинг сиймоси абадий яшаб қолишига ишонамиз.

**Ферузабону БЕРДИЕВА,
«Бекажон», 08.05.2009 ў.**



ЛАЙЛО АЛИЕВА

(1975—1998)

Лайло Самарқандда туғилған бұлса-да, болалиғи Тошкентда кечгап, 2 ёшида «Мода» журналида суратлари босылған. Пойтахтдаги 110-мактабда 3-синфгача ўқиб, сүнг хореография билим юртида таҳсил олди. Ҳам құшиқ айтіб, ҳам рақс түшиб, менедешилари даврасида ном қозонғанди. «Семурғ» оромгохыда «Гүзалик» танловида юқори ўрин олғанида 10 ёшида әди.

Лайло эң яхши құшиқлари жамланмасини «Сен менинг орзум» деб номлаган.

**Лайло Алиевага санъатдан илк сабоқ берған устози
Саодат Қобурова хотирлайды:**

«Ишонасизми, ійүқми, консерваторияға кириб келса, унинг чиройини томоша қилиб кетидан мухлислари әргашиб келишарди. Үнга Аллоҳ ҳамма нарсаны тұжыс берған әди. Чирой, овоз, қадду қомат, омад. Бағыза үзим ҳам үнга сүкіләниб термулиб қолардым. Илоҳим, сени ёмон күзлардан арасын, деб құярдым. Овозини айтмайсизми, шу қадар чиройлы, ёқимли әдикі, тинглаб тұйымас әдингиз. Минг ағсус, пешонамизга сиғмади. Илоҳим, жойи жаңнатда бўлсун».



ЛАЙЛОНИ ХОТИРЛАБ

...Мен ҳаётни севар эдим оппоқ саҳарлар,
 Оғушига талпинардим сахий қүёшнинг.
 Айттолмаган қўшиқларим қолиб кетдилар,
 Кон сачраган армонида ўигирма ёшнинг.
 Орзуларим титроғида сарғайди гуллар,
 Ёмғир юваб тугатолмас узун ноламни.
 Дунё, сендан ёлғизгина битта ўтингчим:
 Паноҳингда асра энди ёлғиз боламни.
 Онажоним, сиз ўигламанг мени соғиниб,
 Кўксингизда титраб турган ҳур созим қолди.
 Ҳар майсада, ҳар япроқда ҳаётдай ушоқ,
 Соғинч бўлиб куйлагувчи овозим қолди.
 Мен куйлашни севар эдим мастона руҳнинг,
 Жунунида гулдай яшнаб бўлгандим Лайлло.
 Тиғлар тилган юрагимни қўшиқча бердим,
 Шу қўшиқли юрагимни сен асра, дунё.

Кўрсатувдан сўнг жуда кўплаб мактублар олдим. Уларнинг аксариятида Лайлонинг муҳлислари унинг ўзини ва қўшиқларини чукур ҳурматлашлари, ҳали-ҳануз Лайлло қўшиқларининг мафтуни эканликларини ачиниб ёзишган. Демакки, инсоннинг умри қандайдир сонлар билан эмас, қисқа бўлса ҳам, унинг мазмуни билан белгиланар экан.

«Яккасарой» қабристонида бир қабр бор. Бу ерда баҳорни севган,

юраги ҳам баҳордек гүзал, чақмоқ умрли Лайло ҳам абадий уйқуда. Орзулари бисёр эди унинг. Ҳеч кимда йўқ, таърифсиз хонишларга юраклар зор эди... Лайло мухлисларини ўзига зор айлаб кетди. Онаизорини «болам», деган мангуб оғриққа боғлаб кетди. Мунчоқдек кўзларини жавдиратиб турган ўғли Жасурбекка эса армонли дунё қўшиғини ёдлатиб кетди.

Лайлонинг болалиги ўтган хонадонга кириб бориш осон кечмади. Ўй тўридан жой олган, табассум билан боқиб турган Лайло суратига қараб, узоқ жим қолдик. Онаизори Сурайё опа кўзларига боқиб, савол бермоққа қийналдик. Бу хижолатдан бизни Сурайё опанинг ўzlари қутқардилар:

— Йўқлаб келганларингиз учун куллуқ. Лайлони бағримдан юлиб олишганига анча йил бўлса-да, мухлислар унугтанича йўқ. Тез-тез кўнгироқ қилишади. Келиб кўнгил сўраб туришади. Фарзанд доғи ёмон экан. Буни душманимга ҳам раво кўрмайман. Айниқса, Лайлосиз нишонланадиган туғилган кунда ўзимни қаерга қўйишини билмайман. Лайлони тупроққа қўйган кунимиздан 29 кун ўтиб, дадаси ҳам оламдан ўтдилар. У киши қизимизнинг фожиасини кўтаролмади. Яхшиям Лайлодан ёлғиз ёдгор — Жасурбек бор. Шу билан овунаман. Бағримга босган сари, улғайган сари, Лайлонинг ўрни билиняпти.

— Сурайё опа, узр, Жасурбекнинг аҳволи қандай?

— Лайлонинг қайноаси, қудам Мұҳаббатхон жудаям яхши аёл. Жасурбек кўп вақтини бувижониси хонадонида ўтказади. Жасурбексиз туролмаслигимни яхши билган қудам Жасурбек бизникида бўлган чоғлар тез-тез хабар олиб туради.

Жасурбекнинг ўзи пойттахтдаги маҳсус иқтидорли болалар мактабида таҳсил оляпти. Ҳали ёш бўлишига қарамай, худди Лайлодек ақдли, хотираси кучли, иродали бола.

— Айтинг-чи, қизингизнинг ушалмаган орзулари сирми?

— Лайло орзуларини юракдан, боладек қувониб сўзларкан. Севги ҳақида куйлаган барча қўшиқларини турмуш ўрготи Шерзодга бағишлиб айтган. Шерзод ҳукуқшунос бўлса-да, Лайлонинг санъатини хурмат қиласарди. Қизим 1990 йили Барселонада бўлиб





үтган фестивалда қатнашган. Чет элга чиқиб, Германияда құшиқтарини ёздириш катта орзузи эди. Кинорежиссерлар Лайлони «Амир Темур» бадийи фильмига бош ролга таклиф этишганида у құшиқтарим устида ишлашим керак, деге рози бўлмаган.

Қизгинам «Туркистон» саройида катта концерт ўтказиш орзузида 20 августдан 10 сентябрغا ҳомийлар билан шартнома тузиб қўйган эди. Ундан тушган маблағни етим ва ногирон болалар уйига сарфламоқчи, концертига болаларни ҳам таклиф этмоқчи эди.

— Миш-мишларга қаранды, ёвуз қотилларни Лайлонинг бойлиги қизиктирган экан?

— Очигини айтсам, Лайло болалигидан тақинчоқларга ўч эди. Раҳматли бобоси катта заргар ўтганлар. Бувиси ҳам бу хунардан хабардор эди. Қотиллик рўй берган машъум кунда ҳам «ёвузлар боламнинг барча тилла

тақинчоқларини олиб, ҳатто бармоғидан чиқиши қийин бўлган узукни совун суркаб суғуриб олишган. Лекин Лайлони бойлик эмас, санъатини кўролмаслик, санъатдан четлатиш мақсади йўқ қилди. Унинг ўлими кимга, нима учун керак бўлганини ҳалигача тушунолмайман.

— Қўни-қўшниларнинг таъбирича, Лайло жудаям қўли очиқ қиз бўлган экан...

— Қизгинам қўлидан келган ёрдамини одамлардан аямаган. Мен бу ҳақда сезиб юрсам-да, ҳаргиз менга «Ойижон, мен бир савоб иш қилдим», деб айтмасди. Чунки дадаси раҳматли «Меҳнат қылсанг, миннат қилма», дега тарбиялаганлар. Лайлонинг таъзиясига келган қўплаб одамлар унинг қилган ёрдами-ю, яхшилиги ҳақида сўзлаганларида яна бир бор ҳеч кимга озори йўқ боламни азоблаб ўлдирган қотилларни қарғагим келади.

— Опа, Жасурбекнинг орзулари қандай?

— Бирдан-бир орзуси — прокурор бўлиш. Лайлого издош бўлиб қўшиқ ҳам айтиш. Байрамларда тоғаси Азизбек, холалари Санамхон, Шахдолар Лайлонинг ўрнини билинтирасликка ҳаракат қилишади.



Лекин Жасур шу қадар ақыллики, қайси байрамда ойиси қайси совғани ҳадя этганигача билади. Минг күнглига қараганимиз билан, барибир онасининг ўрни бошқа экан. Куни кечаки бир қўшнимизга «Лайло ойижоним билан байрамга боргим келяпти», деб йиглабди...

— Инсон умри мазмуни қайси ёшда эканлигига эмас дейишади...

У бир йиллик саҳнадаги умри эвазига миллионлаб муҳлислар орттириди. Буни мен Лайлонинг ўлимидан сўнг билдим. Чунки ҳар куни деярли унинг муҳлислари менга таскин бериб келиб туришиди. Аммо Жасуримнинг кўз ёшлари, унинг саволлари мени қон қилди. — Нега ҳамманинг ойиси келади, Лайло келмайди. Кўчада ўйнаб юрганида бир бола — тенгдоши — «Сенинг ойинг ўлган», дебди. Дод деб йиглаб кирди. «Нега мени алдайсиз, бувижон, оим ўлган эканку». Ишонасизми, 2—3 соатлар чамаси уни ҳеч тинчита олмадим. Жуда қийналиб кетдим. Чунки ҳеч бандага фарзанд додини кўрсатмасин экан. Энди худодан бирдан-бир сўрайдиганим Жасуримнинг тўйини кўрсам дейман. Илоҳим ўша кунларга етказсин.

... Жасур! Сен йиғлама... Қара, атрофингда сени қанча севгувчиilar бор. Сен қўшиқлари юракларда мангу қолган Лайлонинг ўғлисан. Ҳеч қачон йиғлама. Қулоқ тут. Лайло санъатининг ихлос-мандлари, издошлари бугун халққа унинг «Аллоҳим», «Ўзбекистон», «Болажоним», «Ойижоним», «Майли-майли», «Лайло», «Хайр энди» каби қўшиқларини куйлаётir. Лайло оз яшади.

Яшагиси келган дунёни ўзи истамаган ҳолда тарк этди. Унинг қўшиқлари эса ҳамон яшаётир, яшайди ҳам...

Аммо армон шундаки, очилмаган фунча бевақт сўнса, орзулари саробга айланса, айттолмаган қўшиқлари бўғзида қотса, бизнингча, бу дунёнинг бевафолиги шу бўлса керак. Наилож, санъат оламида энг катта юлдузлар ёнида мўъжаз юлдуз бўлиб, аммо эрта сўнган Лайло ҳам бу ёруғ оламдан бевақт кўз юмди. Айтишларича, ўша куни кун бўйи ёмғир ёқсан экан. Унинг бутун дарду армонлари, покиза қалби узун ёмғир ноласига айлангандир, эҳтимол. Шу нарса ҳақиқатки, инсон жисман кетса ҳам, унинг номи ўзидан кейин барибир яшайверади. Худди шу маънода Лайлонинг бетакор овози, сўнмас руҳи, кўнгил нидоси ҳамиша бедор бўлиб, фафлат босган қалбларни фақат ва фақат эзгуликка, покликка етаклаб янграйверади.

*Мен куйлашни севар эдим мастона руҳнинг,
Жунинида гулдай яшнаб бўлгандим ЛАЙЛО.
Тиглар тилган юрагимни қўшиққа бердим,
Шу қўшиқли юрагимни сен асра, дунё.*

Унинг порлоқ хотираси, ўзи айтганидек қўшиқларга тўлган қалби ҳамиша уни севган мухлислари қалбida мангуга муҳрланиб қолаверади.

Сұхбатдош Мұхаббат ҲАМОЕВА



АЛИШЕР ҲАМРОЕВ

(1976—2005)


*Умр сарҳадида бир ёргуғ йўл бор,
Кимдир етар унга, кимдир етмайди.
Алишернинг руҳи кезган ўйлардан,
Юракларга тушган овоз кетмайди.*

Кино ва театрдаги бир қанча роллари орқали қалбингиздан чуқур жой олган Алишер Ҳамроев 1976 йил Бухоро вилояти Когон шаҳрида туғилган. Оиласда уч фарзанднинг тўнгичи бўлган. У 1993 йил Ўзбекистон Давлат санъат институти (илгариги Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомчилик институти)нинг драма ва кино актёrlигида таълим олган. Оиласи бўлган. Унинг Мадинабону ва Искандар исмли 2 фарзанди бор.

Алишер Ҳамроев ижодий фаолиятини Ўзбек Миллий академик драма театрида бошлади. Театрда саҳналаштирилган «Етти фарёд» спектаклида капитан ёрдамчиси, «Боши қотган ошиқлар»да Күёшбек, «Қаллиқ ўйини»да қўшни, «Бир кошона сирлари»да соқчи каби образларни яратди.

Шунингдек, «Дилхирож», «Нотаниш полвон», «Орзу ортида», «Маржона», «Оқтошлик болалар» фильмларида бетакрор образлар яратди. Афғон киноусталари томонидан яратилган «Булутлар» фильмида, Россия киноусталарининг «Эгизаклар» кўп қисмли видеофильмида ҳам ўзига хос ролларни ижро этиб, муҳлислар олқишига сазовор бўлди.

ОРЗУЛАРИ КҮП ЭДИ УНИНГ...



Лолақизғалдоқ әрта баҳорда очи-либ, гарчи умри қисқа бўлса-да, ўзининг алвон ранги, хусну таровати билан борлиқнинг янада гўзал, фу-сункор бўлишига ўз ҳиссасини қўшишга улгуради. Одамлар бор – узоқ умри давомида вақтини беҳуда, бесамар ўтказиб, ўзидан ҳеч қандай ном қолдирмайди. Одамлар бор – қисқа умри давомида ҳам элнинг назарига тушиб, эзгулик ва яхшилик йўлида меҳнат қилиб, ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади. Ана шундай инсонлардан бири – 29 йиллик қисқа умри давомида ўзининг одамийлиги, самимийлиги, камтарлиги, меҳрибонлиги, ўйнаган бир қанча бир-бирига ўхшамаган образлари билан барчанинг кўнглидан жой олиб, яхши ном қолдиришга улгурган марҳум актёр Алишер Ҳамроев эди. Мен бежизга лолақизғалдоқ ҳақида сўз

юритмадим. Алишер ҳам ана шу лолақизғалдоқ каби очилиб, ранг-баранг, бир-бирини тақрорламайдиган роллари билан муҳлислари кўнглидан жой олди ва афсус, умри әрта ҳазон бўлди. Ундан фақаттина яратган образлари, икки нафар фарзанди ва яхши хотиралар қолди, холос.

Мен Алишер Ҳамроев ҳақида хотираларимни келтириш билан бирга унинг устозлари, дўстлари, бирга ижод қилган режиссерлар, актёрлар билан сухбатлашиб, уларнинг хотираларини ҳам сизнинг ҳукмингизга ҳавола этдим. Хотира мұқаддас, ўтганларни хотирлаш эса биз тирикларнинг бурчимиздир.

Алишер Ҳамроев билан бир шаҳардан бўлғанлигим сабабли уни яхши билардим. Унинг санъатга бўлган меҳри, иштиёқи болалик кезларидан бошланди. У ўзбек, ҳинд ва хорижий фильмларни кўришни жуда ёқтиарди. Айниқса, ҳинд фильмларида куйланган кўшиқларни хиргойи қилиб юради. Мактаб, шаҳар миқёсида ўтказиладиган барча кўрик-танлов, санъат байрамлари унинг иштирокисиз ўтмас эди. Барча тадбирларда фаол иштирок этарди. У шу пайтларда ёқ танловларда ижро этиладиган саҳна кўрининчларида кичик-кичик ўзига хос ролларни ижро этарди.

Алишер адабиётни, шеъриятни, санъатни севарди. У актёр бўлишини чин дилдан истар эди. Шу хоҳиш-истак уни Тошкентга, санъат инс-

титутига етаклади. 1993 йил Алишер имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, талаба бўлиш баҳтига мусассар бўлди. У Ўзбекистон Давлат санъат институтининг «Драма ва кино актёrlиги» бўлимида ўқий бошлади. Институтда Алишер устозлари профессор Арсен Исмоилов, курс раҳбари доцент Маҳмуд Рашидовлардан актёрлик маҳорати сир-асорларини пухта ўрганди.

«ГУЛХАН АТРОФИДАГИЛАР»НИНГ БИРИ ЭДИ...

Алишер Ҳамроевнинг устози Маҳмуд Рашидов:

«Алишер Ҳамроев бошқа талабалардан ажралиб турарди, у тиришқоқ, ўта камган ва интилувчан йигит эди. Бир куни мен талабаларга ҳашаротларни кузатиб келишни топширдим. Шунда Алишер ўргимчакни кузатганини айтди ва унинг хатти-ҳаракатларини кўрсатишга ҳаракат қилди. Алишернинг бўйи баланд бўлғанлиги сабабли бу ҳолат унга ноқулайлик туғдириди, лекин у ўргимчак характеристерини кўрсатиб бера олди. Ўшандада мен унинг ҳақиқиётини ажралди. У ўқиган курс диплом иши сифатида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» ҳамда Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий асарлари асосида ишланган «Буюк Темур» спектаклини саҳналаштириди. Амир Темур ролини Учқун Тиллаевга, Боязид ролини Сайфиддин Мелиевга, Алишерга эса бир вақтнинг ўзида учта: муаллиф, Амир Ҳусайн ва Аҳмад Яссавий ролларини ишониб топширдим. У спектакль давомида уч хил қиёфада намоён бўлиб, ҳар бир ролни ўта маҳорат билан ижро этди. Театр намояндаси Станиславскийнинг «Актёра, авваламбор, ақл, ирод ва ҳиссиёт бўлиши керак», деган ибораси бор. Алишерда шу уч хислат мужассам эди».

У театрда ижод қилиш баробарида кино ва телевидениеда ҳам самарали меҳнат қилди. Бир қанча видеофильмларда, жумладан, «Чархпалак»да қассоб йигит, «Қуёши ботмайдиган юрт»да продюсер, «Янги ой чиққан кечак»да Қосим, «Остона»да капитан сингари бир-бирига ўхшамаган ролларни маромига етказиб ижро этди. Замира Бегимкулова саҳналаштирган «Гулхан атрофидагилар» видеофильмида у сўнгти роли – Исмат ролини ижро этди.

Режиссёр Замира Бегимкулова хотирилари:

– Алишер билан «Гулхан атрофидагилар» видеофильмида бирга ишлаши насиб этди. Бир куни чақиртириб, янги видеофильмни суратга олиш ниятида эканимни айтдим ва сценарийни ўқишига бериб юбордим. Эртаси куни Алишер Исмат роли ёққанлигини, унинг ички кечинмаларини ҳис қилиб, ҳатто ийғлаганини айтди. Буни қарангки, мен ҳам Алишерга ҳудди шу ролни ижро қилишини таклиф этмоқчи эдим. У актёр сифатида жуда интилувчан, ўзига берилган ролни ҳам маромига етказиб ижро этиб берди.



Видеофильмни овозлаштириш жараёнида, «Овозлаштириш жараёнида қатнашолмайман. Сиздан илтимос, менга Боир Холмирзаев овоз берсингелар», деб илтимос қилди. Видеофильм экранга чиқди. Афсус, Алишерга уни күриш насиб қилмади. Алишернинг орзуси хонанда йигит ролини ижро этиши эди. Бир куни у «Ёшим ҳам ўтиб боряпти, кейин йигитлар ролини ўйнай олмайман», деб сценарий ёзганини, унда «Тановар» рақсини ўрганиши учун чет элдан келган бир қизга хонанда йигит астойдил ёрдам бериши ҳикоя қилинганини айтди. Шу сценарий асосида фильм суратга олмоқчи бўлдик, аммо баъзи сабабларга кўра мақсадимиз амалга ошмади. Шу нарса армон бўлиб қолмасин деб «Туташ тақдирлар» телесериалида шу сценарийдаги айрим саҳналарни киритдим. Балки бундан Алишернинг руҳи шод бўлгандир.

Алишер Ҳамроев халқимизга: «Нотаниш полвон», «Дилхирож», «Остона», «Ёдгор» фильmlари орқали яхши танилган. У кино санъатида етук актёрлар сафидан жой олишга улгурди. Ҳилол Насимов режиссёrlигида суратга олинган «Ёдгор» фильмидаги Жўра тимсолини ёрқин гавдалантириди.



Актёр Мехриздин Раҳматов дўсти билан «Ёдгор» фильмида суратга тушган онларини шундай хотирлайди:

«Фильмнинг вокзалдаги саҳнаси олинадиган куни ҳаво жуда совуқ эди. Алишер юпун кийимда суратга тушиши керак эди. Мен унга «Эгнингизга қалинроқ нарса сўранг», дегандим, у «Йўқ, шу кийимда тушишим керак», деб жавоб қилди. Унда ўз касбига меҳр, садоқат, фидойилик кучли эди.

Ўйнаган ролларимни танқид қилганида ҳам, кўнглимини оғритмайдиган гаплар билан чиройли тушунтиришига ҳаракат қилар эди. Унинг орзулари, режалари кўп эди. Алишер бутун жаҳон танийдиган актёр бўлишни орзу қиларди. «Биз чет эл актёrlарини таниймиз, улар ўйнаган фильмларни томоша қиламиз. Биз ҳам жаҳонга танилсак, бизни ҳам танишса», дер эди. У етмаган орзуларига болалари етишсин!».

Алишер Ҳамроев ҳаётининг сўнгги пайтларида ҳам танасидаги дардни енгиб, фильмларда суратга тушишга ҳаракат қилди. Ўлим тўшагида ётса ҳам кино, театр ҳақидаги янгиликларни билишга интилди. Касалхонада ётганида дўстлари кўргани боришса, улардан фақат театр, кино, санъят ҳақида сұхбатлашишларини сўрар эди. Афсуски, унинг умри бор-йўғи 29 йил экан.

Курсдоши, яқин дўсти Учкун Тиллаев хотиралари:

«Биз Алишер билан абитуриентлик даврида танишиб, дўстлашганмиз, Бирга ўқидик, бир хонада яшадик, яхши-ёмон кунларда бирга бўйдик. Ўқишини битириб, иккаламиз ҳам Миллий театрга ишга жойлашдик. Ёшим унукига нисбатан каттароқ бўлганилиги учун мен билан маслаҳатлашишини ёқтиради. Аввал мен уйландим. Биринчи фарзандим қиз, иккинчиси ўғил бўйди. Кейин у уйланди, унинг ҳам биринчи фарзанди қиз, иккинчиси ўғил бўйди. Шунда Алишер «Ҳатто ҳаёт иўлимиш ҳам бир-бирига ўхшайди-я», дерди. Афсус, у орамиздан эрта кетди. Алишерни ўқотиш мен учун оғир бўйди. Ҳеч ишонгум келмасди, худди эшикдан кулиб кириб келадигандек туюларди. Ҳали у билан қиласидиган ишларимиз, режаларимиз кўп эди. Афсус, ҳаммаси армон бўлиб қолди. Биттагина, «Қуёши ботмайдиган юрт» видеофильмида бирга суратга тушган эканмиз, холос. Театрда ҳам кўпинча дублёр бўлардик, бирга ўйнаган спектаклларимиз бўлмаган. Наилож, Аллоҳнинг иродаси шу экан. Турмуш ўртогининг бевақт вафоти ҳам мени ларзага солди. Болаларнинг ҳолидан хабар олиб турман, уларни кўрсам дўстимни кўргандек бўламан. Ҳалқимизда «от изини — той босар», деган мақол бор. Алишернинг фарзандлари ҳам ота изидан бориб, жамииятда ўз ўринларини топишсин. Дўстимни Аллоҳ ўз раҳматига олсин, жойи жаннатда бўлсин».

Инсон сифатида Алишер Ҳамроев шириңсўз, одамохун, камтар ва самимий эди. Уни биладиганларнинг барчаси меҳрибон ота, садоқатли ёр, солиҳ фарзанд, содиқ дўст, дея таъриф беради.

Икки нафар фарзанднинг отаси бўлмиш бу инсон, болаларининг жамиятда ўз ўрнини топадиган инсон қилиб тарбиялашни истар эди. Афсус орзуларига етолмади. Фарзандлари отасидан жуда ҳам ёш қолишиди. Тақдир экан, турмуш ўртоги ҳам бу оғир жудоликни кўтаролмай, ёруғ оламни тарқ этди. Бир-бирини қаттиқ севган инсонлар доимо бирга бўлишни хоҳлашади, дегани шу бўлса керак.

У Болливуд ва Голливуд ижодкорлари билан бир қаторда ишлашни орзу қиларди. Ўзини Алишерхон бўлиб танилишини жуда-жуда истар эди. Энди унинг ишларини фарзандлари ва укаси Илҳом давом эттиришади, деган умиддамиз.

Укаси Илҳом Ўзбекистон Давлат санъат институтининг драма ва кино актёrlиги бўлимида таҳсил олмоқда. Унинг дил сўзлари:

«Актёрлик касбини танлашимда асосий сабабчи акам бўлганлар. Улар уйда ролларини репетиция қилгандаридан шунақсанги образга кирарадиларки, мен ҳатто қарсак чалиб юборар эдим. Шунда акам «актёрлик касби жуда машаққатли касб, ҳар битта ролни ижро этиш учун актёр аввало уни юрагидан ҳис қилиши, ўша ҳолатга кириши керак», дер эдилар. Мен ҳам актёр бўламан деганимда «Йўқ сен яхиси бошқа касбни танла, ўзингни қийнама», деб қаршилик кўрсатардилар. Лекин қизиқишим устунлик қилиб, санъат институтига ҳужжатларимни топширдим ва малаба бўлдим. Мақсадим акам етмаган орзуларни рўёбга чиқариш, унинг ишларини давом эттириш. Акамнинг Болливуд киноусталари билан бирга ишлаш, энг катта орзуси эди. Худо хоҳласа, акамнинг орзусини амалга оширсам, акамнинг руҳи шод бўлармиди...».

Инсондаги ноёб хислатлар кимдадир 30—40 ёшда, бошқа бирорда ундан ҳам кейинроқ юзага чиқади. Алишер Ҳамроев эса санъат оламида шаклланиб, ўзидан яхши ном қолдириб, халқнинг дилидан жой олишга ултурган эди.

**Зебо ТЎХТАЕВА,
ЎзДСИ маънавият ва
маърифат бўлими услубчиси.**



ДИЛДОРА ҚАЮМОВА

(1980—2008)

Дилдора Қаюмова 1980 йил зиёли оиласда туғилди. У ёшлигидан ута зийрак ва зеҳни ўткир қиз бўлгиги, 7–8 синфда ўқийдиган пайтиданоқ, режиссурага қизиқиши бўлганлиги учунми, мактаб ҳаётидаги воқеаларни саҳналаштириб, ўқитувчиларнинг меҳри ва муҳаббатини қозонган эди.

1997 йилда сухандонлар танловида қатнашиш учун Дилдора телевидениега келади. Отаси режиссёр Зокир Қаюмов шу ерда ишласа-да, буни ҳеч кимга сездирмай, ўзи ҳаракат қилмоқчи бўлади. Бу соҳани танлаган ҳар бир инсон, энг аввало, ташқи кўринишдан ташқари унинг билимдонлиги, сўзга чечанлиги, хуллас, яна бир неча жиҳатлар тўғри келиши керак эди. Таъкидлаш жоизки, у бу маъсулиятли ишни том маънода уddeлади.

«Ассалом, Ўзбекистон», «Дил номалари», «Сен баҳорни соғинмадингми?», «Ҳамшира» каби кўрсатувларга бошловчилик қилаётган Дилдора Қаюмова, энди том маънода бошловчига айланганди. Ҳаттоқи, энди унинг овозини тинглаётганлар устози Дилором Умарова билан адаштириб ҳам қўйишар эди.

Ҳа, ҳаммага тилак билдираётганда инсон ўзига ҳам шу яхши тилакларни тилаши керакка ўхшайди. Чунки сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор. Минг афсуски, у жуда эрта 28 ёшида бизни тарк этди. Сен қисқа



умринг давомида қилиб улгурған барча ишларинг сендан кейин ҳам сени эслатяпти, дея оламиз. Демак, сен биз билан биргасан. Сени ҳар доим устозларинг телевидение йүлакларида, монтаж хоналарида эслаб хұрсинашади.



ИСМИ ЖИСМИГА МОНАНД ЭДИ

Дилдора Қаюмова эгнида атлас либос билан илк бора «Ахборот» информацион дастурида об-ҳаво ҳақидаги маълумотларни томошабинларга етказганида, эндиғина мактабни битириб, Ўзбекистон давлат санъат институтига талабаликка қабул қилинганди. Кўркам, чиройли, ўзига хос овозга эга бўлган бу қиз ўшандаёқ кўпчиликнинг эътиборига тушганди.

...Кутимаган ўлим ўттиз ёшгаям тўлмаган Дилдорани орамиздан олиб кетди. Аммо у Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясидаги ўн икки йиллик меҳнат фаолияти даврида ҳам сухандон, ҳам режиссёр сифатида қўп ишлар қилишга улгурди.

— *Дилдорани билганлар у ҳақда фақат яхши фикрлар айтишади, — эслайди «Yoshlar» телерадиоканали катта муҳаррири Мұхаббат Ҳамроева.*

— *Мен уни «Унумтоқ осонмас бизларни» хотира концерт дастурини тайёрлаш жараёнинда ўзим учун кашиф этганиман. Ҳалигача кўз олдимдан кетмайди: ўшанда у гоҳ тасвирчилар олдига бориб, гоҳ КТС (Кўчма техник студия) ходимлари ёнига чопиб, бу орада концерт иштирокчилари, муҳаррир ва бошловчи билан гаплашиб, ҳамма ишлар яхши чиқиши учун ҳамкаслари билан маслаҳатлашар, фикрларини тушунтиради. Тасвирларни монтаж қилишда ҳам ҳар бир иштирокчини янгича режиссёrlик топилмалари билан томошабинга тавсия этишга интилганди.*

«O'zbekiston» телерадиоканали «Маданий-маърифий ва бадиий-дам олиш дастурлар бош муҳарририяти» Мусиқий дастурлар студияси режиссёри Солижон Қодиров хотираси::

«*Унинг яна бир ажойиб хислати бор эди. Иш жараёнинда бирон-бир камчилигини айтсангиз, аввало, миннатдорчилигини билдиради, кейин шуни тузатмагунча, сизни тинч қўймасди. Масалан, мен унинг талаффузидаги нуқсонларни тўғрилаш ҳақида гапирганимда, олдимда соатлаб ўтириб, матнларни токи бехато ва ифодали ўқимагунча, қайта-қайта машқ қиласди, ўз устида ишлашдан чарчамасди.*



Дилдора Қаюмова



«Sport» телерадиоканали мұҳаррири Соат Шарипов: хотирлайди:

«Биз Дилдора Қаюмова билан ҳамкорликда бир қаттор дастурларга бошловчилік қылғанмыз. У матндарни жуда тез ёдлаб оларди. Режиссёр сифатыда ҳар бир ишга ижодий ёндашарди. Яна мұхими, ёнидаги шеригининг қобилят, имкониятларидан келиб чиқиб, унга тезда мослаша оларди».

Хамкасблар, қадрдонлар ҳамон унинг янгиликлар яратиш учун тинмай изланишлари, ижро этган құшиқлари, дилбар суратига мос чиройли қалби бўлғанлиги ҳақида меҳр билан эслайдилар. Қай бир доно ҳалқ марҳумларнинг қабр тошларига: «Фалончи шунча йил ҳаёт кечирди, шундан мана шунчасини яшади», деб ёзиб қўяркан. Дилдора Қаюмова қисқа умрининг энг мазмунли йилларини эл дилига нур олиб киришдек хайрли ишга бағишилади. Охирати обод бўлсин!

M. МАМАТХОНОВА



МҮМИН ОРИПОВ

(1984—2009)

Инсон умри шамолдек гизиллаб ўтиб кетавераркан-у, бир кун келиб ундан фақатгина... хотира қоларкан. «Божалар» гурӯҳининг хонандаси Мўмин Орипов ҳам нафақат ўзи билан ёнма-ён меҳнат қилган катта-кичик ҳамкаслари, балки кўп сонли мухлислари қалбида ҳам широйли хотиралар қолдириди.

КУЙЛАНМАЙ ҚОЛГАН САУНДТРЕК

Мўмин Ориповнинг ilk ва охирги ижодий иши «Қалбаки дунё»нинг премьераси бўлиб ўтди.

«Қалбаки дунё» фильмси ўткинчи дунёнинг кутилмаган зарбалари ҳақида. Садоқат, ишонч, хиёнат тўғрисида. Сценарий муаллифлари ва режиссёrlар Мўмин Орипов, Шерзод Ўлмасов ва Жавлон Шодмонов муҳаббат ва хиёнат, эзгулик ва қабоқат ўртасидаги зиддиятни акс эттиришган. Ўзига хос тасвирий ечим, мураккаб композиция, динамик монтаж ва кечинмаларга бой образлар — «Қалбаки дунё» фильмнинг ютуғи. Мўмин Орипов талқинидаги қаҳрамон Жамшиднинг тақдирида синовлар, иккиланишлар, зарбалар кўп. Ижодкор бу образда яшади, қаҳрамоннинг кечинмаларини қалбан ҳис қилди. Жамшид образида актёрнинг юрак тафти, түфёнлари мужассам бўлди. Мўмин фильмнинг монтаж ва овоз ёзиш жараёнларида иштирок эта олмади. Унга актёр Ойбек Одилов овоз берган. Таскин берадигани, Мўмин суратга олиш ишларини тугатишга улгурди...



Камола Орипова, Мўминнинг рафиқаси: – Тушимда аён бўлган премьерага келиш мен учун жуда оғир бўлди. Жамшиднинг тақдири мен хоҳлагандек ечим топди. Бироқ ҳаётимдаги ечим... Тақдирдан қочиб қутулолмас экансиз. «Қалбаки дунё» фильмининг ҳар бир лавҳаси, эпизоди, ҳолати, диалоги, ракурси мен учун Мўмин акамдан ёдгорлик. Ахир ҳар бир лавҳа унинг қалбидан сизиб чиқсан. Жамшидинг ҳаётидаги зарбалар Мўмин акамнинг бошидан ҳам ўтган. Жамшидинг феъл-автори, дунёқараши турмуш ўртоғимницидан фарқли, лекин тақдирнинг қалтис ўйинлари иккаласининг бошига жуда кўп савдо-сивонларни солди. Фақат... фақат қисматлари бир-бирига ўхшамади.

Мўмин акам умрларининг сўнгги уч-тўрт ойини «Қалбаки дунё» фильмига бағишлади. Фильм учун саундтрек тайёрлаб, Нигора билан бирга кўйлаши керак эди, аммо ултуролмади. Саундтрекни Жаҳонгир билан Шаҳзод ижро этишди. Жамшидга ҳам ўзи овоз бермоқчи эди... Отасининг ўрнига саҳнага ўғлимиз Билолхўжа чиқди. Саҳнада ҳам дадасини излади. Ҳозир кўп нарсаларга унинг ақли етмайди. Эрта-индин дадасининг қайтиб келишига ишонади. Фильмнинг сўнгги лавҳасигача экрандан кўзини узмади. Худди дадаси ҳозир экрандан тушиб келади-ю, уни бағрига босиб эркалайди. Жамшид реанимацияда ётган эпизодларда Билолхўжа қаттиқ йиглаб юборди. Дадасига озор етганини сезди, шекилли... Фильм сўнгидаги томошабинлар олқишига қўшилиб, у ҳам хурсанд бўлиб чапак чалди...

**Феруза НОДИРОВА,
«Даракчи»**

«ХОТИРА САОДАТИ МАНГУДИР!»

Абдураҳмон ПОЗИЛЖОНОВ (Жаҳонгир Позилжоновнинг акаси):

«Мана, орадан салкам бир ой ўтибдики, ҳамон ўша кун ёдимдан кўтарилмаяпти. 28 июнь куни кечки пайт соат 23.00 да Жаҳонгирнинг кўл телефонига кўнғироқ қилдим, аммо ҳеч ким жавоб бермади. Нуқул «Хизмат доирасидан ташқарида» деган жавоб қайтаверди. Шундан кейин Мўминга, Жавлонга телефон қилиб кўрдим, улар билан ҳам боғлана олмадим. Тахминан соат 23.30 ларда менга телефон қилишди. Жавлоннинг рақамини кўрдим-у, шошиб телефонни ёқсан, нотаниш кишининг овози келди. У ўзини

шифокор деб таништириди-да, «Термиз шаҳридан қўнғироқ қиляпман. Ка-салхона шифокориман. «Божалар» гуруҳи авто-ҳалокатга учради», деди. Мен қўрқиб кетдим, ичимдан бир нима узилиб тушгандек бўлди...

Ваҳимага тушдим. «Йигитлар яхшими, ҳеч кимга ҳеч нарса қилмадими?» деб сўрадим. Жаҳонгирнинг акаси эканлигимни айтдим. Шунда шифокор «Иложи бўлса, бир келиб-кетинг», деди.

Ўша пайтдаги ҳолатим фақат ўзим ва ягона Аллоҳга маълум. Уйдагиларга ҳеч нарса демадим-да, 10 дақиқадан сўнг Сурхондарёга жўнадим. Автоҳалокатдан кейин миш-мишлар болалаб кетди, самолётда бориб келишса ҳам бўларди-ку, деган гаплар ҳам бўлди. Шуниси борки, ўша куни мен ўзим ҳам машинада йўлга чиқдим. Фалокат юз бериши керак бўлса, машинадамисиз ёки самолётдамисиз, ёхуд пиёдамисиз, барибир ундан қочиб кетолмайсиз. Худодан бўлак ҳеч ким бу нарсага кафолат бера олмайди...

Мўминжоннинг кулиб турган чехраси кўз олдимдан сира кетмайди. Унинг бирор ишни нотўғри қилиб қўйганини ёки бўлмаса бироннинг кўнглини ранжитиб, ўзи ҳам хафа бўлиб юрганини кўрмаганман. Доим икки қўли кўксидা эди. Кайфияти йўқ бўлса ҳам, буни ҳеч қачон сездирмасди. Самимийлиги чехрасидан кўриниб турарди, катталарни ҳурмат қилишни жуда ўрнига қўярди.

Мўминжон ўзининг биринчи фильмини суратга олмоқчи эканлигини маълум қилганида, мен жуда хурсанд бўлгандим. Ҳозир фильмнинг монтажи ва овоз ёзиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Мен студиядаги йигитлардан ишни тўхтатмасликни илтимос қилдим, уларнинг баҳарилишини эса ўзим назорат қиляпман. Мўминжон фильмни олаётган пайтида, уни қайси санада катта экранга чиқаришни ният қилган бўлса, ўша кунга чиқарайлик, деб астойдил ҳаракат қиляпмиз. Мўминжоннинг оила аъзолари келиб, укам Жаҳонгирни кўриб кетишиди. Шунда улар Жаҳонгирни ҳам худди ўз ўғилларидек кўришларини пайқадим. Жаҳонгир «Насиб қилса, ахволим яхшиланиб, оёқقا туриб олсан, мархум дўстимнинг оиласини ёлғизлатиб қўймайман. Қандай шароитда бўлишимдан қатти назар, унинг оиласига қўлимдан келганча ёрдам бераман», деб ният қилган».

Ўзбекистон ҳалқ артисти Лутфулла САЛЬДУЛЛАЕВ

«Бу йигитлар мени «дода» деб чақиришарди. Мен уларни



анчадан бүён биламан. Жаҳонгирни ҳам, раҳматли Мўминжонни ҳам одий оиласда, йўқчиликда ўсиб, ўз меҳнати билан ном қозонган меҳнаткаш йигитлар сифатида танийман. Уларнинг кўллаб-кувватлайдиган бойвачча ота-оналари, қариндош-уруғлари йўқ. Ижодини энди бошлаган дастлабки кунларда тўйларда қизиқчилик қилиб юришарди. Мўминжоннинг яхши фазилатларидан бири – беғуборлиги эди. Нима десангиз ҳам кулиб турарди. Менинг «Отангга кўл кўтардингми?» номли фильмимда кичиккина роль бор эди. Жаҳонгир билан Мўминжонга қўнғироқ қўлдим. «Кичкина роль бор, ўйнаб берасизларми?» деб айтгандим, «Бўлди, гап йўқ, додажон», дейишган...»

Кинорежиссёр Зебо НАВРЎЗОВА:

«Мўмин жудаям камтар, кўнгли очик, самимий инсон эди. Ҳаётда одамгарчилик бўйича унга етадигани йўқ эди, менимча. Жаҳонгир, Мўмин ва Жавлонни сира ажратиб бўлмасди. Шунинг учун ҳам «Ярим баҳт» фильмимда уларни кўз олдимга келтириб, сценарийга биргаликда қўшдим. Суратга олиш жараёнида Мўминнинг беозоргина чехраси муҳрланиб қолган...»

Айтишим тўғримикин, билмадим. Аммо Мўминнинг онаси боласини сўнгги манзилга беозоргина, «Болажоним» дея эркалатиб, кулиб кузатди. Айтишларича, дод-фарёд қилиб кузатилса, марҳумнинг руҳи безовтала нар экан. Фарзандининг руҳини чўчитмаслик учунгина шундай оғир дамларда ўзини қўлга олиб, сўнгги манзилга кузатган онаизорнинг матонатига қойил қолдим».

Шерзод ЎЛМАСОВ(«Бойвачча», «Нортой», «Бойвачча-2», «Аччиқ ҳаёт», «Қалбаки дунё» фильмларининг сценарий муаллифи):

«Мўмин ака билан «Бойвачча» фильмининг лойиҳасини бошлашдан аввал танишганман. Ўшанда ҳайрон бўлгандим. Сабаби, улар бошқа хонандаларга сирайм ўхшамасдилар. Аксарият хонандалар билан гаплашганимда озгина бўлсада, манманликни сезардим. Лекин Мўмин акада бу нарса умуман кўринмасди. Аксинча, жудаям камтарин, самимий инсон эдилар. Уларнинг орзуладири жудаям кўп эди...»

Иш жараёнида фикримиз бир-бирига тўғри келмай қолган тақдирда ҳам, Мўмин ака гапимни бўлмасдан тинглардилар. Тожикистонга гастролга кетишларидан бир кун аввал «Қалбаки дунё» фильмининг сўнгги саҳналарини суратга олгандик. Жавлон ака Мўмин акага «Қолганини эртага ола қолайлик, жуда чарчаб қолдик» дедилар. Бироқ Мўмин ака суратга олишни шу бугун тутатмасак бўлмаслигини айтиб, оёқ тираб олдилар ва ишларнинг барини ўша куни якунладик. Ўшанда нега бунчалик шошилаётганларини билмаган эканмиз. Балки улар сезгандирлар...»

*Нодира САИДАЗИМОВА ва
Нилуфар ЖУМАЕВА тайёrlашди,
«Тасвир», 23 июль 2009 й.*



«ЮРАГИМДА ЪША ОГРИҚ, ЯРА ҲЕЧ ҚАЧОН БИТМАСА КЕРАК...»

«Божалар» гурухы билан бўлган воқеалар барчани ларзага солгани ҳеч кимга сир эмас. Мўмин Ориповнинг вафоти, Жаҳонгирнинг оғир аҳволи мухлислар аудиториясида чукур қайгу ҳолатини юзага келтириди. Бугун севимли газетантиз сизлар учун Жаҳонгир Позилжоновнинг эксклюзив интервьюсини тақдим этади.

— Мўмин ҳакидаги машъум хабар...

— Мен учун бу жуда оғир бўлди. Ҳолатимни ҳозир айтиб беролмайман. Шу воқеадан кейин умуман ҳеч ким билан учрашгим, сұхbatлашгим, ҳатто ижод ҳам қилгим келмай қолди. Оғир «шок» ҳолатида эдим. Ҳаётдаги барча нарсалар арзимасдек туюлиб қолди. Шунинг учун ижодни йифишираман, деган фикрга келгандим. Лекин атрофимдаги дўстларим шунча қилинган ишларни ташлаб кетиш яхши эмаслигини, қолаверса, бу ҳаракатим билан Мўминнинг ҳам орзуларини чиппакка чиқариш мумкинligини таъкидлашгандан кейин, яна ижод қилишга рози бўлдим. Аммо юрагимдаги ўша оғриқ, яра ҳеч қаҷон битмаса керак... Энди Мўмин учун ҳам ижод қилишим шарт.

— Мўминдаги қайси фазилатлар сизни қойил қолдиарди?

— Кечиримлилик. Ким қаттиқ гапирса ёки айб иш қилса ҳам кечираарди, тезда унутарди. Айримларга ўхшаб аразлаб, гина сақлаб юрмасди. Бундай одатлар унда умуман бўлмаган. Доим кулимсираб, жилмайиб, атрофдагиларнинг кўнглини кўтариб юраверарди. Бироннинг гийбатини қилиш, кимлар биландир уришиш, муроса қила олмаслик унга бегона эди. Мен эса салга асабийлашиб кетаман. Ундаги

сабр-тоқатга ҳавас қилиб, жуда күп нарсаларни ўрганмоқчи эдим. Күп нарсаларни ўргандым ҳам. У мени жуда күп ёмон нарсалардан, ҳолатлардан қайтариб юрарди. Агар ниманидир хато қилаёттанимни кўрса, дарҳол, «Жаҳон ака, келинг, мана шу ишни қилмайлик, ундан кўра мана буни қиламиз», деб йўл-йўриқ кўрсатарди. Жуда күп китоб ўқирди, мендан кўра ўқимишилироқ бола эди.

— **Демак, келишмовчиликлар ҳам бўлмаган...**

— Ижодда талашиш бўларди, албатта. Аммо ҳаётий дўстликка бунинг алоқаси бўлмаган. Стол устида қанча тортишсак-да, тушликка чиқишимиз билан яна кулишиб, жилмайиб кетаверардик. Ижоддаги муносабатларимиз ҳаётдагисига умуман халақит бермаган. Яна бир қойил қоладиган жиҳати жуда одамшаванда йигит эди. Ким ёнига ёрдам сўраб келса, ўшанинг ишини битириб бермагунча кўнгли тинчимасди.

— **Мўминнинг энг катта орзуси нима эди?**

— Албатта, ҳар бир инсон юксак орзусини юрагида сақлайди. У келгуси йили баҳорда ўғлининг суннат тўйини ўтказиб, укасини уйлантирмоқчи эди. Энг катта орзуларидан бири ота-онасини Ҳаж зиёратига жўнатиш бўлган.

— **Оиласидан хабар оляпсизми?**

— Албатта. Оиласидан хабар оляпсизми. Оиласидан хабар оляпсизми. Оиласидан хабар оляпсизми.

— **Бундан бўён «Божалар» гурӯҳининг фаолияти нима бўлади?**

— Юқорида айтганимдек, Мўминнинг хотираси учун ҳам давом этади. Фақат яккахон тарзда ижод қилишга қарор қилдим. Негаки, Мўминнинг ўрнини њеч ким боса олмайди.

— **Ҳозир соғлигинги...**

— Аллоҳга шукрки, соғлиғим секин-секин яхшиланяпти. Жавлон, Шаҳзод ҳам ижодга қайтди. Энди секин-асталик билан янги қўшиқлар ёзиб, муҳлисларимизни хурсанд қилиш ҳаракатини бошладик.

— **Эшитишимизча, янги қўшиқка клип суратга олаёттан экансиз?**

— Ҳа, дўстлар билан ҳажвий тарзда «Ҳалима холанинг тўққиз қизи бор» деб номланган янги қўшиқ ёздиқ. Шунга клип суратга оляпмиз. Насиб этса, тез кунларда эфирга чиқади. Шунингдек, янги фильм устида ҳам иш бошлаганмиз. Бу ҳам комедия жанрида. «Ўқитувчи» деб номланган ушбу фильм мактабдаги воқеаларга бағишлиданади. Бош ролда мен ва «Бойвачча» фильмни ижодкорлари.

Сўзимнинг охирида биз учун шунчалик қайғурган, бизга оғир кунларимизда елкадош бўлган ва имкон даражасида ёрдам берган барчабарчага ўз ташаккуримни билдираман.

***Бахтиёр РАСУЛОВ сұхбатлашди.
«Даракчи»***

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида	5
Саид Аҳмад	7
Саида Зуннунова	25
Озод Шарафиддинов	31
Ҳамид Ғулом	45
Рамз Бобоҷон	59
Одил Ёқубов	71
Нормурод Нарзуллаев	85
Шукур Ҳолмирзаев	95
Рауф Парфи	111
Ҳожиакбар Шайхов	119
Тилак Жўра	141
Шавкат Раҳмон	159
Муҳаммад Юсуф	193
Ҳамза Имонбердиев	213
Назар Шукур	219
Чори Аваз	235
Равшан Файз	245
Аъзам Ўқтам	261
Муҳаммад Ражаб Имомов	279
Раззоқ Ҳамроев	287
Шукур Бурҳонов	293
Сойиб Хўжаев	307
Ҳамза Умаров	313
Суръат Пўлатов	319
Эргаш Каримов	325
Ҳасан Йўлдошев	333
Муҳиддин Дарвеш	339
Файзулла Аҳмедов	347
Тўғон Режаметов	351
Ширин Азизова	355
Фарзиддин Фаёзов	363
Ҳожиакбар Нурматов	367
Равшан Солиҳов	379

Рустам Ҳамроқулов	383
Ҳожибой Тожибоев	387
Насрилдин Рустамов	397
Рустам Маъдиев	403
Сайдулла Нарзуллаев	409
Нурилдин Ҳайдаров	416
Мухриддин Холиқов	427
Охунжон Мадалиев	435
Ҳусниддин Холиқов	445
Дилнурда Қодиржонова	453
Лайло Алиева	457
Алишер Ҳамроев	463
Дилдора Қаюмова	469
Мўмин Орипов	473

СЎНМАС ЮЛДУЗЛАР

«ТАФАККУР QANOTI» нашриёти
Тошкент — 2010 й.

Мұхаррір С. Ҳұжааҳмедов
Дизайнер Ҳ. Сафаралиев
Мусаҳҳих Г.Азизова

Босишига рухсат этилди 05.04.2010. Бичими 60x84¹/₃₂. Офсет қофози.
TimesUZ гарнитураси. Шартли б.т. 30,0. Нашр б.т. 29,0.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 112.

«Tafakkur Qanoti» нашриёти. Тошкент, Навоий қўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Faфур Fuлом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. 100128, Тошкент,
Шайхонтохур қўчаси, 86-уй

